

*Тошкент*  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1989



Э. Сетон-Томпсон

*Ёввойи йўрға*

ЖОНИВОРЛАР ҲАҚИДА  
ҲИКОЯЛАР

Русчадан  
*Тоғай Мурад* таржимаси

*Тошкент*  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1989

РАСМАЛАРНИ МУАЛЛИФ ЧИЗГАН

**Сетон-Томпсон Э.**

Еввойи йўрға: Жониворлар ҳақида ҳикоялар. / Русчадан Тоғай Мурад тарж./ — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.—432 б.

Канадалик адиб Сетон-Томпсоннинг «Еввойи йўрға» китобида мушуклар, қуёнлар, тулкилар, бўрилар, айиқлар, отлар... деярли барча-барча жониворлар образи бор.

Китоб етти яшар китобхон учун ҳам, етмиш яшар китобхон учун ҳам бирдай суюкли, бирдай ардоқлидир.

**Сетон-Томпсон. Мустанг-иноходец: Рассказы о животных.**

И(Канад)

© Э. Сетон-Томпсон. Домино. Москва, Детгиз, 1936.

© Э. Сетон-Томпсон. Рассказы о животных. Москва, издательство «Правда», 1983.

© Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й. (Тарж.)

С — Т  $\frac{4804040100-75}{M 352(04)-89}$  85—89

ISBN 5—635—00386—9

## ЭРНЕСТ СЕТОН-ТОМПСОН

Сетон-Томпсон 1860 йил августнинг 14-кунида Англияда таваллуд топди. Унинг томирида шотланд қони бор. Эрнестнинг аждодлари тоғликлар бўлиб, улар ҳамиша табиат орасида, табиат билан ҳамнафас яшади. Бобоси Эрнестга ҳадеб: «Бир кун келиб; барибир қонингга тортасан, барибир аслингга тортасан», деяверди. Дарҳақиқат, бобоси айтгандай бўлди. У ўз аждодларига тортди, суяк сурди.

Эрнест олти ёш бўлганда уларнинг оиласи Канадага кўчиб келди. У шу ёшидан бошлаб эсини таниди, кўрган-билганларини эслаб қоладиган бўлди. Шу йил, қишда мактабга борди.

«Қиш олис-олис бўлди. Ниҳоят, мартда чинакам кўклам келди, кун чарақлаб кетди, теварақдаги қорлар эрий бошлади, осмон тиниқдан-тиниқ, зангори бўлди.

Шунда, жажжигина бир қушча уйимиз олдидаги теракка келиб қўнди-да, оҳиста-оҳиста сайради. Биздан каттароқ бир бола уни: «Бу, бахт қуши», деди. Хаёлимда бахт қушининг мовий елкасини кўргандай бўлдим. Бахт қуши қайта-қайта сайраб, ўзининг нафис қўшигини куйлади.

Нимагалигини ўзим ҳам билмайман, шунда мен бирдан ўпкам тўлиб, йиғлаб юбордим. Бахт қушининг қўшиғидан кўнглимнинг туб-тубигача тўлқинланиб кетди. Шундан буён мен ҳар йили баҳор билан мовий қушимни — бахт қушимни кутадиган бўлдим».

Истеъодлар ҳамиша ўжар бўлади. Шу боис, мактабдаги энг истеъодли бола ҳам, энг ўжар бола ҳам Эрнест бўлди.

«Бир куни бир эълон ўқиб қолиб, унда доктор Росснинг «Канада қушлари» китоби чиқиб, Пиддингтон китоб магазинида сотилаётганини билиб олдим.

Эртаси куни ҳаяжондан қалт-қалт қалтираб, ўша ёққа йўл олдим. Қарасам, китоб бир доллар турар экан. Отамдан пул сўраб бўлмайди, у менинг табиат илми билан қизиқишимга қарши одам. Узимда бўлса пул йўқ. Шунда мен ана шу юз центни ҳалол меҳнатим билан топмоқчи бўлдим. Иккита ажойиб қуёним бор эди, шуларни бозорга солиб, элик центга пулладим... Бир ҳафта ўтиб, бир аёлнинг ўтинларини кўчасидан ҳовлисига ташиб бердим. Аёл хизмат ҳақим учун ўн цент берди. Жамғарган пулим жами олтмиш цент бўлди. Кейин бор майда-майда тошларимни пуллаб, яна ўн икки цент топдим. Тагин иш изладим. Бисотимдаги нарсаларимни жаллобларга пулладим. Бир инглиз хонимга ҳашарот териб бердим. Бир-икки ҳафта деганда жамғарган пулим тўқсон цент бўлди. Сўнг, омадим келмай, қолган центларни тополмай қолдим... Аммо китоб магазинига бормаган куним қолмади, ҳар куни Пиддингтонга бориб, китоб магазини тоқчасидаги мени табиатнинг бор сир-асроридан воқиф этажак мўъжизавий китобни кўриб-келиб юрдим».

Кейин акаси Эрнестга иш буюриб, ҳақиға бир галстук узатди. Эрнест галстукни эмас, пулини олди. Шундай қилиб, пули юз цент — бир доллар бўлди. Ниҳоят, магазиндан орзу қилган китобини олиб, мурод-мақсадига етди.

У аввал-аввал расмлар чизди. Рассом бўлмоқчи бўлди. Қатор-қатор расмлар чизди. Расмлари кўрғазмасини қўйди. Бир расмда одам еяётган бўрилар тасвири бор эди. Одамлар расмини томоша қилиб: «Бу худога шак келтириш-ку!» деди. Тўғри, расм мазмуни жуда аянчи эди, аммо одамлар расмини ўта қайғуликка эмас, айнан худога шак келтиришда айблади. Бу қадим-қадимдан буён ҳукм суриб келаётган қарашлар акс садоси эди.

Урта асрлар бошларидан бошлаб динлар таъсири оқибатида инсон билан ҳайвон ўртасига Хитой девори қўйилди. Илоҳиётчи файласуф Фома Аквинский: «Ҳайвонларнинг қалби йўқ», дея таълим берди. Бу таълимот ҳайвонот дунёси билан табиат оламини ўқиб-ўрганишни тақиқлаб қўйди. Охир-оқибат, Сетон-Томпсон «Бу қанақаси? Худонинг бандаларини бекордан-бекорга ўлдираверар эканда!» қабилдаги танбеҳларга қолди.

Аммо давр ўзгариб борди, бу қабилдаги қарашлар қариди. Илму фан жониворларнинг қалби бор эканлигини кашф этди, табиатга бўлағи қарашлар ўзгарди. Бу борада Сетон-Томпсоннинг замондоши, буюк олим Чарльз Дарвиннинг хизмати беназир бўлди. Дарвин ўтган аср ўрталарида ўзининг «Турларнинг келиб чиқиши» асарини битиб, кашфиёт яратди. Дарвин инсон шаънини камситмаган ҳолда, инсонга ўзлигини танитди. У инсонни табиат тараққиётидаги бир бўғин деб қаради. Дарвин таълимотига биноан инсон фақат табиатга илоҳийларча назар солибгина қолмасдан, шунингдек, ўзига ҳам табиат нуқтаи назаридан, табиат кўзи билан қараши, айниқса, ўзи билан табиат ўртасидаги қондошликни англаб етиши лозим бўлди.

У ажойиб анималист — жониворлар тасвирини яратувчи рассом бўлди. Аммо «бахт куши»ни табиатшунос олимликдан, адибликдан топди.

Жониворлар бадий адабиётда қадим-қадимдан буён оралаб юради. Қадимги адабиётларда жониворлар шунчаки ҳолатларда бир кўриниб қўйди. Бир кўриниб, бир йўқолиб турди. Кўринганда ҳам шунчаки, инсон хизматкори сифатида, йўл-йўлакай кўринди, йўқолганда йўқолганлигим билинмади, ўқиган одамда йўқлов туйғуси туғдирмади, демак, қўйсаш, ачиниш, қайғу қўзғамади. Боиси, жониворлар бир жонли буюм сифатида тасвирланди. Борди-ю, бирор жонивор, айтайлик, от ўлган бўлса, асар муаллифи шу заҳотиёқ отнинг эгар-абзалини олиб, уни ўлган жойида ташлаб кетаверди. На асардаги одамда, на китобхонда отга нисбатан хайрихоҳлик, ачиниш содир бўлди. Чунки муаллиф отни ҳайвон, ўз оти ўзи билан ҳайвон, деган нуқтаи назар билан тасвирлади.

Бадий адабиётда жониворларни тасвирлашнинг маълум бир мезони, маълум бир қолипи пайдо бўлди. Бу мезон бора-бора шаклланиб, одатдаги рисолага сиғмай қолди. Кейин-кейин жониворлар бадий адабиётда бир воситачи сифатида тасвирланадиган бўлди. Муаллиф ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳайвонларни керак бўлганда ишлатди, керак бўлмаганда воқеадан четга чиқариб қўйди. XIV—XV асрда улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий «Лисонут-тайр» — «Қуш тили» асарини яратиб, унда инсон билан табиат, илоҳиёт масаласини бадий таъриф-тавсифлади. Буюк шоир ўз қарашларини Попишак, Тўғи, Товус каби ўттиздан зиёд қушлар тили, қилмиш-қидирмишлари, саргузаштлари орқали мажозий тарзда бадий ифодалади. Ўзбек халқ дostonлари яратилиб, бу дostonларда отлар инсоннинг энг яқин биродари этиб тасвирланди, инсонни балолардан омон сақлади, оғирини енгил қилди, инсоннинг тоғдай таянчи бўлди. XVIII асрда француз табиатшуноси Бюффон қирқ тўрт жилддан иборат «Табиат тарихи» асарини яратди. Бюффон бу асарида жониворлар ҳаётини тасвирлади, жониворларнинг ўзига хос портрети, хулқ-атворини чизди. Брем ўн уч жилддан иборат «Ҳайвонлар

ҳаёти» китобини яратди. XIX асрда улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой «Холстомер» деган асар ёзди, унда отлар тилга кириб, одамлар мисол ўзаро гаплашди, баҳслашди, таллашиб-тортишди, фалсафий мушоҳадалар қилди.

Сўнг, бадиий адабиётда жониворларга энг бир хокисор, дунёдаги энг бечора жонзот сифатида қараб ёзилган асарлар пайдо бўлди. Бунда муаллиф асардаги одам билан қўшилиб, жониворларга ачинувчан туйғулар билан мурожаат қилди, жониворлар учун куйиб-пишди, қайғурди, елиб-югурди, одамгарчилик қилди, кўз-ёшлар тўқди.

Тургеневнинг «Муму» асари шундай асар.

Кейин, жониворларни кўкларга кўтариб улуғловчи, ҳатто унга сиғинувчи, уни илоҳийлаштирувчи асарлар яратилди. Жониворлар ҳатто одамдан ҳам ақлли, доно, одамдан ҳам инсонпарвар, халқпарвар, эзгу мақсадли қилиб тасвирланди. Одам ким, ҳайвон ким, билиб бўлмай қолди. Бундай жониворлар таъриф-тавсифини ўқиб, ўзи, инсон инсонга бўри экан, қайтанга инсондан ҳайвон яхши экан, деган хулосалар ҳам пайдо бўладиган бўлди. Баъзи бир ҳайвонлар, масалан, итлар инсон билан баб-баравар қўйиладиган, айрим ҳолларда инсондан ҳам юксак қўйиладиган бўлди.

Жек Лондон ана шундай асарлар яратди.

Яна бир туркум асарлар пайдо бўлиб, булар бадиий асар бўлиб, бадиий асар бўлмади, илмий асар бўлиб, илмий асар бўлмади. Улар чинакам бадиий асар даражасига кўтарила олмай, илмийликка тобе бўлиб қолди. Оқибат, ўз соҳасига оид қўлланма асар бўлиб қолди.

Даррелл шундай асарлар ёзди.

Табиатни ким яхши билади? Рассомми? Йўқ, рассом кўз олдида турган тайёр табиатни қоғозга кўчиради. Ёзувчимми? Йўқ, ёзувчи табиатга юзаки, сиртдан қарайди, табиат жамолинигина кўради. Табиатни ўз мақсади йўлида тасвирлайди. Тўлмаган ойни хоҳласа ёр қошига, тўлган ойни хоҳласа ёр жамолига қиёслаб тасвирлайди. Олимларми? Йўқ, олимлар табиатни билади, аммо ҳис қилолмайди. Олимлар табиатни қафасга қамаб, қафас тешикларидан мўралаб, девордан бўйлаб қараб ўрганади, шарикли ручка билан ўрганади.

Табиат ана шу уч олам нуқтаи назаридан келиб чиқиб тасвирланди. Аксарият ҳолларда бу уч олам нуқтаи назари, фикри бир-бирига тўғри келмай қолди. Рассомлар табиати бошқа, ёзувчилар табиати бошқа, олимлар табиати бошқа бўлиб келди. Сетон-Томпсон ана шу уч нуқтаи назар, ана шу уч қараш — рассомлик, ёзувчилик, олимликдан Сетон-Томпсон бўлди.

Сетон-Томпсон:

Табиатга зийрак анималист рассом, синчи адиб, нуктадон олим кўзи билан қаради.

Жониворларга тоза кўнғил, тоза кўз билан қаради.

Жониворлардан ўзининг қинғир, фалсафий фикрларини айтиш учун фойдаланмади.

Жониворларнинг ички дунёсини ҳалол, холисона очиб берди.

Ҳаётга жониворлар кўзи билан боқди.

Жониворларга тушкун муносабатда бўлмади.

Бирон-бир динга сиғинмади, яккаю ёлғиз паноҳи табиат бўлди.

Ўз бошидан кечирган ҳаётни, ўз кўзи билан кўрган табиатни, ўз қўли билан ушлаган жониворларни қандай бўлса шундайлигича бадиий асар қилди.

Сетон-Томпсон бадиий адабиётда биринчи бўлиб жониворларни бадиий асарнинг бош қаҳрамони қилиб олди. Ҳайвонларни образ қилиб тасвирлади, ҳайвон-

ларни қаҳрамон даражасига кўтарди. Жамики ташқи муҳит, энг улуғ зот бўлмиш инсонни ҳам ҳайвонлар образини яратиш учун хизмат қилдирди. «Мен билган жониворлар», «Қувғиндилар тақдири», «Ҳайвонлар — қаҳрамонлар», «Митти ёввойи лар», «Рольф ўрмонда», «Краг — кутеней қўйи» каби қатор асарлар яратиб, уларда ҳайвонларни бош образ қилиб тасвирлади. Бу асарлар китобхонлар қалбига тез кириб борди, китобхонларнинг мулки бўлиб қолди.

«Жониворлар ҳақида ҳикоялар» китоби эса Сетон-Томпсон номини оламга ёйди. Китоб қўлма-қўл ўқилди, тик туриб ўқилди, овоз қўйиб ўқилди, кечаяк кундуз ўқилди. Китобни бутун дунё ўқиди.

Китоб бу қадар оммавийлашиб, қўлма-қўл бўлиб кетиш сабабларидан бири — уни болалар ҳам, катталар ҳам, кексалар ҳам бирдай ўқийди. Китоб етти яшар китобхонгаям, етмиш яшар китобхонгаям бирдай суюкли, бирдай ардоқлидир.

Сетон-Томпсоннинг ўзи айтмиш: «Бу китоб, шубҳасиз, адабиётда жониворларни тасвирлаш бобида янги, реалистик йўлни бошлаб берди. Унда биринчи бўлиб жониворлар туриш-турмуши ҳаққоний тасвирлаб берилди.

Шу вақтгача жониворлар ҳақида масаллар, эртақлар, ҳикоялар мавжуд бўлиб, уларда жониворлар ҳайвон терисини ёпиниб олган одам бўлиб юриб-турди, одам бўлиб гапириб-гаплашди».

Асарни Николай Чуковский русчага таржима қилди. 1936 йилда «Домино» номи билан китоб бўлиб чиқди. Шу дастлабки нашрда «Спрингфильд тулкиси» ҳамда «Чиноқ» деган ҳикоялар ҳам бор. Бу ҳикоялар Сетон-Томпсоннинг таржимаи ҳол китобидаям, «Жониворлар ҳақида ҳикоялар» асари хусусида ёзилган мақоалар, хотиралар, илмий манбалардаям қайд этилади. Ажабо, бу ҳикоялар асарнинг кейинги нашрларида йўқ. Асарни йилига юзлаб нашриётлар миллионлаб тиражда чоп этади. Даромад учун бир-бирларидан шундайгина олиб, кўр-кўрона босади. Бу Сетон-Томпсонни билмаслик, узумини еб, боғини суриштирмасликдир. Мен асарнинг илк нашрини топиб, иккала ҳикояниям ўзбекчалаштириб, ушбу китобга киритдим.

Сетон-Томпсон ҳайвонлар ҳақида шундай асарлар яратдики, бундай асарлар Сетон-Томпсонгача яратилмаган эди, ундан кейин ҳам яратилмади. Табиат, хусусан, ҳайвонлар, жониворлар ҳақида минглаб асарлар ёзилди, аммо ҳеч ким Сетон-Томпсондан ошиб ўтолмади.

Ҳеч ким Сетон-Томпсон бўлолмади.

Оқибат, ожиз адиблар, ғариб адиблар куйиб кетди. Адиблар ғажур бўлди, адиблар қитмир бўлди, адиблар ифвогар, фисқ-фасодчи бўлди. АҚШнинг ўша даврдаги машҳур адиби Жон Берроус «Атлантик Монсли» журналида Сетон-Томпсонни уриб чиқди. Сетон-Томпсон мақолани кўриб-кўрмасликка олди, миқ этмади. Журнал ундан жавоб мақоласи сўради, у рад жавобини берди. Ваҳоланки, оқсоқол адиб қўйган айблар тухматдан иборат эди.

Бир куни бир бойвачча нью-йорклик элликта адибни уйига чақириб, ўтириш қилиб берди. Берроус чол Сетон-Томпсонни кўриб-кўрмасликка олди, тескари қараб ўтирди. Сетон-Томпсон хонадон хўжасидан ўзини Берроус билан бирга ўтирғизишини сўради. Оқсоқол адиб ҳайрон бўлди. Қизариб-бўзариб: «Ҳалиги гапларга хафа бўлмаган, сизга шахсий ғаразим йўқ», деди. Сетон-Томпсон: «Қайси гап? Эшитмаган эканман», дея елкасини қисди. Берроус ўзини қўярга жой тополмай қолди. Шунда Сетон-Томпсон оҳиста гап очди:

— Жаноб Берроус, умрингизда бирон марта бўрилар туриш-турмушини кузатганмисиз?

— Йўқ.



- Бирон марта бўри овига чиққанмисиз?
- Йўқ.
- Тирик бўрини расмга туширганмисиз ё унга қараб расмини чизганмисиз?
- Йўқ.
- Биронта бўрининг терисини шилиб олганмисиз?
- Йўқ.
- Бирон марта озод юрган ёввойи бўрини кўрганмисиз?
- Йўқ.
- Унда айтинг-чи, мени шунчалар ёмонлашга нима ҳаққингиз бор?

Берроус қизариб, деди:

— Умумий биология қонунлари бор, бу қонунлар барча ҳайвонлар учун баро-бар.

Берроус изтиробга туриб, кўзларида ёш қалқди.

Кўп ўтмади, Берроус худди шу журналда Сетон-Томпсонни кўкларга кўтариб мақтаб чиқди. Шундан кейин Сетон-Томпсон Берроусга ўзининг шахсий музейини кўрсатди. Музейда беш минг китоб, фотоаппаратда ўз қўли билан расмга тушириб тайёрлаган икки юздан зиёд ҳайвонлар альбому, ўзи чизган ҳайвонлар билан қушларнинг мингдан зиёд расми, икки мингдан кўпроқ ҳайвонлар, қушлар териси билан патлари ҳамда ҳайвонлар, қушлар ҳаётини кузатиб, тўлдириб борган ўттиз жилдан иборат қалин-қалин кундалик дафтар бор эди.

Берроус лол бўлиб қолди.

АҚШнинг ўша вақтдаги президенти Теодор Рузвельт Сетон-Томпсон билан Берроус ўртасида бўлган гапни эшитиб қолиб, Сетон-Томпсонга шундай маслаҳат берди:

— Ана кўрдингизми, қандай улкан ҳаётий манбаларга таяниб асар яратганингизни ҳеч ким билмайди. Энди шу манбаларингизни чиқаринг.

Сетон-Томпсон ана шу ҳаётий, илмий ишларини йиғиб, «Шимолий ҳайвонлар ҳаёти» номли улкан-улкан икки жилдик китоб қилди. Китоб учун «Аланга медали» олтин мукофотини олди. Ун йил ўтиб, «Ёввойи ҳайвонлар ҳаёти» деган тўрт жилдан иборат илмий ишини китоб қилиб чиқарди. Бу сафар Америкада энг яхши илмий ишлар учун бериладиган «Элиот» олий даражали олтин медалига сазовор бўлди.

Сетон-Томпсон табиатни ардоқлади, табиат ҳам уни ардоқлади.

Биз бўлсак, табиатни ўз-ўзини кўз-кўз қилиш, мавқе эгаллаш, шон-шухрат, обрў-эътибор топиш воситаси қилиб олдик. Биз табиатни бозорга солдик, табиатни спекуляция қилдик. Табиат ҳақида ёлғондан-ёлғон асарлар ёздик. Табиат, хусусан, ҳайвонлар шаънига тўхмат асарлар яратдик. Биз ҳайвонларни бадном қилдик. Ҳайвонларни хоҳлаган кўйимизга солдик, кўғирчоқ қилиб ўйнадик. Агар ҳайвонлар маъмурияти бўлганида, жуда кўп ҳайвонлар, хусусан, бўрилар билан итлар кўпдан-кўп ижодкорларни судга берар, жуда кўп ижодкорлар жиноий жавобгарликка тортилиб кетарди.

Биз табиатни тўп қилиб тепдик. Табиат қонунлари, табиатнинг ўзи нима эканини билмадик. Масалан, ижодкорлар тобора қуриб бораётган Орол денгизи ҳақида асарлар ёзди. Бир шоир шеърининг ҳар сатри охирида «оролим» сўзи такрорланади. Мен эринмай, «оролим» сўзининг ўрнига «севгилим» сўзини қўйиб чиқдим. Ҳеч нима ўзгармади. Шу шоир ўзини табиат муҳофазачиси, табиат куйчиси деб билади. Ўзини табиат куюнчаги, оташин граждан, фидойи ватанларвар санайди. Экран, радио, матбуот, минбарларни ҳеч кимга бермай, табиат бобида наъра тортади. Мен шу шоирдан: «Оролнинг энг чуқур жойи неча метр?» — деб

сўрадим. У елкасини қисди. «Оролнинг жами майдони қанча?»— дея сўрадим. У бошини ирғади, яна билмади. «Ўзи, Орол қаерда?»— тагин сўрадим. У шимол тарафга қўл силтаб: «Где-то, Қорақалпоғистонда», деди. Мен харитани очиб, унга Оролни кўрсатдим. У харитага қараб: «Ия, Оролнинг ярми Қозоғистонга қарар экан-ку!»— деди ҳайрат билан. Қаранг, «табиат муҳофазачиси, табиат куйчиси» Оролнинг юзига ақалли харитадан бўлсаям бир қараб қўймаган экан.

Сетон-Томпсон умр бўйи табиат қўйнида яшади, табиатдан бор насибасини олди. Саксон олти йил умр кўрди. Бир ошнаси унга: «Мабодо ўлиб қолсанг қаерга кўмамиз?» дея ҳазиллашди. Шунда Сетон-Томпсон: «Ернинг нима фарқи бор», деди, кейин: «Мана шу адирларга кўминглар», деди.

Васият бажо бўлди.

Сетон-Томпсон асарлари давримизнинг энг долзарб муаммоси бўлмиш табиатни асраш муаммосини ҳал этишда дастуриламал бўлади.

Табиат омон экан, Сетон-Томпсон асарлариям омондир.

*ТОҒАЙ МУРОД*

# ДОМИНО

Бир кўнғир тулки ҳаёти

БИРИНЧИ ҚИСМ

## ОЛТИН БОЛАЛИК

### I. У туғилган уй

Кун Голдер тоғлари ортига бекиниб, дашту дала-лар узра жониворларга хуш ёқувчи майин оқшом чўқди. Уфқ ловуллаб ёнди, адирларда нозик нурлар сеп ёйди. Шобан дарёси яқинидаги юксак адир қарағайзорлари нурларда яшнаб кетди. Қарағайзор оқшомлари сокин ҳам осойишта бўлади. Қарағайзор ўртасидаги яланг ерда тулкилар оиласи яшайди.

Тулкилар инининг бир учи ўрмоннинг хилват бурчидан бориб чиқади. Тулкилар инларидан чиқиб, оқшом салқинида яйраб ўйнайди.

Тулкилар онаси болаларининг ўйинини томоша қилиб, уларнинг қувончларига шерик бўлади. Пахмоқ тулкилар эндигина ҳаёт завқини тотаётган жониворларга хос беғамлик билан очилиб-сочилиб ўйнайди, она деган қудратли паноҳлари бор, ана, уларга кўз-қулоқ бўлиб турибди, демак, олам беҳатар, бемалол яйраб-яшнаб ўйнайверса бўлади. Узаро шўхлашиб, олишади, қувишади, пашшаю кўнғизларни қувади, семиз-семиз қовоқариларни искаб кўради, оналарининг думидан тортиш учун югуради, ташландиқ овқатларни таллашиб-тортишади.

Тулкилар кўнғилхушлик учун шўхлик қилади. Бирон-бир баҳонаи сабаб топилди дегунча бебошликни бошлаб юборади.

Улар кечқурун ўрдакнинг қуриб қолган қанотини эрмак қилиб ўйнади. Ўрдак қаноти ўн марталаб тулкидан-тулкига ўтди. Ниҳоят, уни энг абжир, тумшугида кўндаланг қора тасмаси бор бир тулки олиб олди. Ўрдак қанотини бировга бермай, оғзида тишлаб чошиб юраверди. Тулкилар уни қува-вериб, охири ҳафсалалари пир бўлиб, қувмай қўйди. Абжир тулки шундагина ўрдак қанотини ерга ташлади, ташлади-ю, югуриб бориб, онасининг ду-

мини тишлаб торта бошлади. Онаси забт билан силкиниб, думини тортиб олди; бебош боласи ўз ҳавосида чалқанча бориб тушди.

Шунда, ялангликда бир қари тулки пайдо бўлди. Тулкилар онаси уни кўриб, сесканиб кетди. Тулки болалариям кўрқиб кетди. Аммо қари тулки ўзларининг оталари эканини билиб, кўнгиллари хотиржам бўлди.

Тулкилар отаси овқат олиб келди. Тулкилар очофатларча овқатга тикилди. Бу, ҳозиргина бўғиб ўлдирилган сувкаламуш экан. Тулкилар отаси ўлжасини ерга ташлади. Тулкилар онаси сувкаламуш олдига чоғиб келди.


Овчиларнинг айтишича, борди-ю, болалари инларида йўқ бўлса, тулки олиб келаётган ўлжасини инларига олиб кирмайди. Овчиларнинг гапида жон бор. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Тулкилар онаси сувкаламушни болалари олдига отиб юборди. Болалари сувкаламушга ёпишди. Ўлжани талашиб-тортқилади, бир-бирларига кўзларини олайтириб ириллади, ўз улушларини юлиб олиш учун бошларини силкиб, жон-жаҳдлари билан силкиб тортди.

Тулкилар онаси сувкаламуш талашаётган болаларини кузатди, айна вақтда теварак-атрофдан ҳам кўз-қулоқ бўлиб турди. Чунки теваракда милтиқли одамлар, болалар, итлар, бургутлар ҳамда бойўғли каби маккор ғанимлар бекиниб, пойлаб турган бўлиши мумкин. Улар тулки болаларини овлашга ўч бўлади.

Тулкилар онаси сергак, отаси ундан ҳам сергак эди. Болалари ҳали кўзларини очолмай, норасида бўлиб юрган даврларида тулкилар отаси инга кирмай, ташқарида пойлоқчилик қилиб юрди, шундай бўлса-да, мунтазам овқат олиб келиб, оталик бурчини виждонан бажариб турди.

Тулкилар базми энди авж олиб эдиямки, тулкилар отаси бирдан «ванқ-ванқ-ванқ», дея овоз бериб, хавф-хатардан хабар бериб қолди. Тулки болалари овоз маъносини билолмади. Чунки улар ҳали анча ёш эди. Шу сабаблиям оналари оталарининг овозини дўқ аралаш ириллаб такрорлаб, болаларини



нимқоронғи инига ҳайдаб олиб кирди. Тулкилар инларига сувкаламушни бемалол еб тамомлади.

Янги Англия фермасида минг жуфтча тулки яшайди. Улар ҳар йили насл беради, демак, ҳар йили баҳорнинг офтобли куни борки, тулки инлари олдида ана шундай воқеалар содир бўлиб туради. Бундай воқеалар йилига юз минг марталаб, шундайгина бурнимиз остида бўлади, аммо биз уни кўрмай қоламиз, чунки у ғоят яширин, сирли бир вазиятда бўлиб ўтади, тулкилар ота-онасининг ўта эҳтиёткорлиги туфайли юз минг одамдан биттасигина тулкилар ўйинини томоша қилиш шарафига муясар бўлади.

Голдер шаҳрида яшовчи Абнер Жукс ана шу юз минг одамнинг биттаси бўлди. Абнер новчадан келган, малларанг, сепкилдор бир бола бўлиб, мол боқади, аммо моли қолиб, дарахтма-дарахт чиқиб, қарғалар инини ковлаб юради.

Абнер тулкилар ўйинини шунчаики эрмак билан эмас, балки бўлажак табиатшунослар мисол ҳисҳаяжон билан томоша қилди. У тумшуғидаги қора тасмаси томошаларда кийиладиган домино деган ниқобга ўхшаб кетадиган тулки ўйинидан завқланиб илжайди.

Абнер тулкилар ўйинини бузмоқчи эмасди, аммо у ўзи билмаган ҳолда тулкилар ўйинининг пароканда бўлишига, бориб-бориб тулкилар бошига кўргиликлар тушишига сабабчи бўлди.

У фақат қишда тулки овлайди. Ўзининг овчи ити билан ғурурланади, уни, «насиб бўлса, штат бўйича энг яхши ит» бўлиб етилади, дея мақтайди. Ити ҳали ит ҳам эмас, майдагина бир кучук, аммо панжалари улкан-улкан, беллари хипчадан, кўкраклари алпдан келган. Овози кучли ҳам ўткир, серзардалигидан қопағон ит бўладиганга ўхшайди. Одатда Абнер бирёққа жўнаса, кучугини уйига қамаб кетади. Бир сафар кучуги бир амаллаб уйдан чиқиб олиб, эгасини қидириб кетди.

Тулкилар отаси кучукни кўриб қолиб, таҳликага тушди.

Тулкилар онаси бежавотир ерда ўйнаётган етти-та суюкли боласининг оромини сақлаш учун кучука қараб чопди. У кучукни чалғитмоқчи бўлди.





Дарҳақиқат, хиёл ўтмай, кучук тулкилар онасини кўриб қолиб, вовуллаб ҳурди. Вовуллашни эшитиб, нафақат тулкилар онасининг юраги, шунингдек, кўпни кўрган тулкилар отасининг юраги ҳам дукдук ура бошлади.

Тулкилар онаси ўзини ўйламай чоңди. Кетидан кучукни илакиштириб, инидан хийла олисгача чоғиб борди, сўнг изини адаштириб кучукдан қутулиб кетди-да, яна инига қайтиб борди. Инида яна осойишталик ҳукм сурди. Фақат қора тумшуқ тулки бу сафар уни ин оғзида кутиб олмади, у инининг тўрига кириб, қора тумшуғини қумга қўйиб ётиб олди.

Қора тумшуқ бундан беш дақиқача муқаддам индан ташқарига мўралаб қаради, шунда кучукнинг баданни жимирлатувчи ўткир вовуллашини эшитиб бутун аъзойи-бадани бўйлаб, момик думчасининг учигача қалтироқ турди. Сўнг, гарчи барча хавф-хатар ўтиб кетган бўлса-да, ин тўрига бориб, гужанак бўлиб ётиб олди.

У шу вақтгача меҳр-муҳаббат оғушида яшади. Энди бу оғушга ҳадик оралади.

## II. Кўргилик

Овчилар орасида тулкилар ўз инлари яқинидаги товуқхоналарга овга бормайди, деган гап бор. Дарҳақиқат, тулкилар қўшниларининг қаҳрига учрагиси келмайди, шу сабабляим олис-олис фермаларга бориб ов қилиб келади.

Шу боисдан ҳам Жуксининг товуқхонаси ҳамини тинч бўлиб, Бентоннинг товуқхонасидан бўлса товуқлар йўқолиб туради. Қария Бентон аввал-бошдан вазмин одам эмасди, наслдор товуқларининг чорагидан кўпи зим-зиё йўқолганини кўриб эса, бор вазминлигиям тугаб, аччиғи жунбушга келди.

Якшанба куни Бентоннинг Си ва Бэд деган ўғиллари адирдан ошиб ўтаётиб, Жуксининг тулки изини олиб келаётган кучуғи вовуллашини эшитиб қолди. Улар ит зотини унчалик ҳам хуш кўрмасди, шунинг учун ҳам итнинг вовуллашига эътибор бермади. Улар тўхтаб, пастдаги қувди-қувдини томоша қилди. Қочиш жонига теккан тулки кучукни бошлаб лақиллатиб кетганини кўрди.

Йўлларида давом этмоқчи бўлганларида, тулки яна пайдо бўлди, у бу сафар оғзида қордай оппоқ товуқ тишлаб олганди. Турган гап, бу Бентоннинг товуқлари эди. Чунки Бентоннинг товуқлари наслдор оқ товуқлар бўлиб, у ўзининг шун-



дай товуқлари борлиги билан фахрланиб юради. Оппоқ товуқ олисдан кўзга аниқ кўринади, шу сабабляям Бентоннинг ўғиллари оппоқ товуқни кўздан йўқотмай, ўғри тулкини инигача пойлаб борди.

Улар ярим соатлар юриб, товуқларнинг оппоқ патлари сочилиб ётган ерга келди. Инга узун бир таёқ тиқиб кўрди. Таёқ иннинг бурилиш еригача бориб, тиқилиб қолди. Тулкилар қўрқиб кетди, аммо ҳеч қандай талафот кўрмади. Уларнинг ота-онаси қўрққанидан аллақачон ўрмонга қараб қочиб, ўшаёқда бекиниб юрди. Аммо болаларидан алағда бўлиб, бир неча бор инга қайтишга чоғланди, ҳар гал одам овозини эшитиб, изига қайтиб кетаверди.

Тулкининг ини Жуксга тобин ерда бўлса-да, Бентоннинг ўғиллари яна бир кун келиб, тулки болаларини инидан ковлаб олмоқчи бўлди. Аммо тулкилар онаси бу хавфни ўз вақтида пайқаб, дарҳол янги ин қазиди, тонг вақти-тонг вақти болаларини янги инга кўчириб бошлади.

Қишлоқ аҳли энг яхши мушук боласини сайлаб олмоқчи бўлса, жуда содда ҳам табиий бир усулни қўллаб кўради. Улар мушук болаларини далага олиб бориб қўйиб келади. Мушуклар онаси болаларини излаб топади, сўнг, уларни битта-битталаб маконига ташийди. Ана шунда энг биринчи бўлиб қайси боласини кўтариб жўнаса, ана шуниси энг яхшиси бўлади. Дарҳақиқат энг яхши, серғайрат мушуккина тўдадан биринчи бўлиб чиқиб, онасининг эътиборини ўзига тортади, шу сабабляям онаси энг аввало серғайрат боласини уйига олиб боради.

Тулкилар онаси эски инига қайтиб борганида уни Домино деган энг ғайратли ҳам энг забардаст боласи қарши олди. У биринчи бўлиб ана шу боласини янги инига олиб борди. Ундан кейин Доминонинг энг бақувват сингисини, учинчи келишида эса майдагина, аммо зуваласи пишиқ укасини олиб жўнади.

Тулкилар отаси адирда туриб, қоровуллиқ қилди.



Тонг оқарди. Тулкилар онаси учинчи боласини олиб кетаётганда, тулкилар отаси хавф-хатардан хабар берди.

Бентоннинг ўғиллари тулки инини ковлаш учун белкурак билан чўкич олиб келаётиб, индан уч қадамча берида ётган катта тошга дуч келди. Нима қилишларини ўйлаб турганларида тоғдаги тош конидан гумбураб портлаган овоз келди. Шунда болаларнинг хаёлига бир фикр келди, бирови тош конига чошиб бориб, динамит патрон олиб келди. Патронни тош ёриғига жойлаштирди. Бир дақиқалардан кейин адирлар этаги портлаш зарбидан зир титраб кетди. Чанг тарқалганда, портлаш оқибатидан ин йўли тошлар билан бекилиб қолганлиги аён бўлди. Турган гап, индаги тулки болалари мажақ бўлиб кетган, омон қолганлариям нафаси қайтиб ўлиб қолган. Шундай қилиб, Бентоннинг ўғиллари тулкилар инини мазорга айлантириб кетди.

Борди-ю, улар кечаси келганларида, тулкилар онаси билан отаси ўзларининг қадрдон инларига кириш учун панжалари билан тупроқ ковлаб ётганини кўрган бўларди. Эртаси кечаси тулкилар яна келди. Учинчи кечаси ёлғиз тулкилар онаси келди. Уям кела-кела ҳафсаласи пир бўлиб, охири келмай қўйди.

### III. Янги уй

Янги уй эскисидан бир чақиримча пастда, ўт-лоқлар бўйлаб ёйилиб оқаётган дарё бўйидаги жарликда жойлашган. Янги уйни қоялар ўраб турибди, уй олдида қайин билан тоғтерак илдилари ўзаро чирмашиб ётибди. Уйга кираверишда иккита улкан харсангтош турибди. Эски уйнинг янги уйдан фарқи, эски уй адир ёнбағридаги қарағайзорда, янгиси эса тоғтерақлар ўсиб ётган пастликдадир. Қарағайлар тинимсиз шовуллаб оҳ уради, тоғтерақлар силкиниб, титрайди. Дарё тўлқинлари қўшиқ айтади.

Ин оғзидаги ўт-ўланлар дарё бўйидаги қиёқзорларга бориб қўшилади. Тулкилар шу ям-яшил нишабда ўйнайди. Улар бу ерда бутун ёз бўйи оталарининг неча ўн мартаб ўлжа олиб келишини кузатиб ўтиради. Уёқдан-буёққа тинимсиз юравериб, теваарак-атрофдаги ўт-ўланларни пайҳон қилиб ташлади.

Тулки болалари тез етилди, айниқса тумшуғи қора тулки кун сайин ўсди.



Энди ота-оналари уларга қандай қилиб ов қилишни ўргатди. Улар энди онасини эммай қўйди, катталар нима еса, улар ҳам шуни ейдиган бўлди. Ота-оналари болаларини ўз овқатларини ўзлари топиб ейишга ўргатди. Ота-оналари олиб келаётган ўлжаларини инларига эмас, ўрмоннинг олис бир четига қўйиб келадиган бўлди. Тулкилар оналарининг чақирғини эшитиб, овқат қўйилган жойга чопди. У ерда оналари уларнинг ўйинига қараб, тушки овқат берди.

Тулки болалари бутазорлар оралаб чопишини, нишабдаги ўт-ўланлар узра зир айланиб югуришини, дуч келган ўр-чуқурни искаб кўришини бир кўрсангиз эди!

Улар шамол буюрган ёққа бир-бирларига йўл бермай, туртишиб-йиқитишиб шундай чопди, ота-оналари изидан овқат яширилган ерга қараб шундай чопди, шундай чопди!

Улар ов қилиш нималигини ана шундай ўрганди.

Қора тумшуқ ғоят фаросатли, ғоят кучли, ғоят эпчил тулки бўлди. У овқатни ҳаммадан тез топиб, ҳаммадан яхши еди. Егандаям бўлимли, мазали бўлакларини еди. Шу сабаблиям бошқа тулкиларга нисбатан тез етилиб, ораларидаги фарқ кун сайин кўзга кўрина бошлади. Шунингдек, унинг болаликдаги кулранг-қора юнглари батамом қоп-қорайиб бошлади. Укаси билан сингиси ўз наслига тортиб, малларанг тулки бўлди, у эса кун сайин қорайиб, ҳатто тумшуғи билан панжалариям қоп-қора тусга кирди.

Июль охирлади. Тулкилар ота-онаси тиним толмамай қўшни фермалардан овқат ташиди, болаларини хавф-хатарлардан қўриқлади. Уларнинг инларидек яқинида қора ит вовуллаши эшитилиб турди, ~~қора~~ тумшуқ тулки вовуллашни эшитиб, қалт-қалт титрайдиган бўлди. Ҳар гал отаси ё онаси қоп-қора пешвоз чиқиб, уни ҳийлаи найранглар билан ~~осон~~ гина алдаб, маконига қуп-қуруқ жўнатиб юборди.

Дарё бўйидаги қоялар орасида итни лақиллатиб жўнатиш шунчалик осон бўлиб қолдики, охир-оқибат, тулкилар ғанимларини назарга илмай қўйиб, ўзларига ўзлари ҳаддан зиёд ишониб қолди.

Бир кунни учта тулки боласи оталари ҳозиргина олиб келган овқатни ўтлоқ оралаб излаб юриб эди, қаердандир бир олапар ит пайдо бўлиб қолиб, уларга ҳамла қилиб қолди.

Тулки болалари итнинг даҳшатли ириллашидан кўрқиб кетиб, ҳаммаси ҳар ёққа қараб қочди. Аммо

энг майдагинаси довдираб, қочолмай қолди. Оқибат, ит уни ушлаб олди.

Қўрқинчли ҳайвон майдагина тулкини фермага олиб келиб, хўжайинининг оёқлари остига ташлади, мақтов эшитиш учун хўжайинига қараб турди. Аммо хўжайини итни мақтамади.

Фалокат кетидан фалокат келади. Тулкилар отаси эртаси куни тонг вақти ҳозиргина ўлжа олган ўрдагини инига олиб бораётиб, фавқулодда ит вовуллашини эшитиб қолиб, ҳамиша юрадиган йўлидан четга бурилди. У икки тарафиям баланд тўсилган йўлдан чиқиб қолди. Оғзидаги ўрдак билан баланд тўсиқдан сапчиб ўтолмади. Сўнг, тўсиқ бўйлаб чопиб кетди. Итлар унга етай-етай деб қолди. У шунда дуч келган бир йўлакка ўзини урди. Ҳай аттанг-а! Бечора ити бор бир ҳовлига кириб қолиб, у ердан омон чиқмади.

Тулкилар оталарининг қисматини билмади. Оталари уйгаям қайтмади, овқат ҳам олиб келмади. Тулкилар онаси икки боласи билан оч қолди. Улар шу куни очлик нималигини билди.

Тоғтераклар орасидаги инда тулкилар онаси билан иккита боласи қолди. Тулкилар онаси барча қийинчиликларга бардош берди. Болалари эсайиб, улар ҳақида қайғурмай қўйди. Август ойида болалари у билан олисларга овга бориб, ўз ризқ-рўзларини териб ейдиган бўлди. Сентябрда қизининг бўйи онасининг бўйи билан бўйлашди, қорачадан келган ўғли эса онасидан ҳам бўйчан, забардаст бўлди. Бора-бора сингил билан ака, ўғил билан она ўртасида ўзгаришлар юз берди. Онаси билан қизи забардаст, келишган эркак тулкидан тортинадиган, кейин-кейин ундан ўзини олиб қочадиган бўлди.

Тулкилар онаси қизи билан бирга яшаётган бўлса-да, аммо кўз илғамас бир нозик туйғу қонқариндошлик меҳр-оқибатларини сўндира бошлади. Улар бўйчан, келишган эркак тулки билан юзмаюз учрашиб қолишдан эҳтиёт бўлди, мабодо кўри-



шиб қолсалар ҳам, шунчаики, дўстона муносабатда бўлди. Хуллас, Домино ўз кунини ўзи кўриб кетди, тоғтерақлар орасидаги бошпанасини тарк этиб, ёлғиз ҳаёт кечирди.

#### IV. Янгича либос, янгича ҳаёт

Шундай қилиб, Домино тоғтерақлар соя солиб турган қадрдон уйидан воз кечиб, турмуш ташвишларига тўла катта ҳаётга қадам қўйди. Мустақил ҳаёт бошлади, тўқ ва фаровон яшаши учун фақат ўз кучига суянмоғи кераклигини тушунди. Кун сайин ақлли, аҳтиёткор ва хушсурат бўлди.


Домино қадрдон уйидан кетиб, таъқиблардан ҳам қутулди, шунда, топқирлик ҳар қандай эпчилликдан ҳам афзал эканлигига ишонч ҳосил қилди. Шунингдек, энг оғир кунда ярайдиган бир дўст ҳам топди. Домино уни авваллари ҳам кўриб юрарди, аммо ошна эмасди, мана энди ошна бўлди.

Бир куни Доминони иккита ит қувди, у қоямақоя қочиб, панжалари тилиниб, қонга беланиб қолди. Буёғи кун жуда исиб кетди. У жон-жаҳди билан чопиб, итлардан хийла ўзиб кетди, ҳолдан тойиб, қон бўлиб ётган оёқларини сувга солиш учун дарё томонга бурилди. Сувга кириб, саёзроқ жойдан оқимга қарши мириқиб сузди. Чорак милча сузган эдиямки, итлар вовуллаб, унинг изидан етиб келди. Ёш Домино дарё ўртасидаги кичкинагина оролга чиқиб олиб, буталар орасига бекинди. Итлар дарё ёқасига келиб, изни йўқотиб қўйди, изни излаб уёқдан-буёққа зир югурди, охири балониям тополмай, излариға қайтиб кетди. Домино уларни завқ билан кузатиб ўтирди.

Домино изларини ўзи эмас, сув йўқ қилиб юборганини англаб етмади. Аммо сув яхши нарса эканлигига, у ҳар қандай балои қазодан қутқариб қолиши мумкинлигига амин бўлди. Бунга кейинчалик ҳам бир неча бор ишонч ҳосил қилди. Масалан, дарёнинг нариги ёқасида, оқим бўйлаб юргач, хийла қуйироқда бир саёз қумлик бўлиб, шунга етиб олса бўлди, уни ҳеч ким тополмас экан, чунки қумда из қолмас экан. Қиш кириб, дарёни ялтираган юпқа муз қопаганда эса, у музга чиқиб, уни кўтара олиш-олмаслигини текшириб кўрди. Бир сафар муз устидан чопиб ўтди, уни қувиб келаётган ит эса муз ёрилиб, сувга тушиб кетди.

Аммо Домино учун энг қулай жой дарё юқорисидаги серқоя жарлик бўлди. Жарлик остида хийла кенг бир сўқмоқ бўлиб, у бора-бора жуда торайиб,





фақат тулки юра оладиган, аммо овчи ит сиғмайдиган йўлакка айланиб қолади. Йўлак жарлик туртиб чиққан ердан айланиб ўтади, кейин қиялаб, қоя устига кўтарилиб, ундан ўрмонга олиб боради. Бундан бошқа йўллар билан ўрмонга бориш учун эса, камида икки миль йўл юришга тўғри келади.

Шунингдек, Домино бошқа ёқларда овқатнинг мазаси бўлмаса, дарё бўйида ҳаммиша бирон-бир егулик топилишини ҳам билиб олди. Масалан, дарё бўйида сув соҳилга чиқариб ташлаган балиқ, ўлган қуш, ҳеч бўлмаса бирорта қурбақа топиб еса бўлади. Хуллас, Домино дарё деганлари ажойиб жой эканлигини, оғир кунларда кунига ярашини билиб олди. Домино дарё билан дўст бўлди.

Бу орада бизнинг ёш тулкимиз хийла ўзгарди, ҳаётида хавф-хатарли воқеалар жуда кўп бўлди.

Доминонинг жунлари дастлабки куз кечалари бошланиши билан қалинлашиб, майинлашди, ранг-тусиям ўзгарди. Жунлари кун сайин қорайиб бориб, бора-бора малла ҳам кулранг доғлардан фориғ бўлди. Мўйна нималигини яхши биладиган ҳар бир одам Доминога ишора қилиб шундай дейиши мумкин эди: «Гўзалликнинг юксак намунаси шу эмасмикин? Бу ёш тулки асл қора-қўнғир тулки бўлиб етишмасмикин?»

Қора-қўнғир тулки мўйнасини ҳамма овчи орзу қилади, ҳамма шундай мўйналик бўлсам, дейди. Аммо қўнғир тулкилар ўзларини ғоятда эпчиллик ҳам айёрлик билан муҳофаза қилади.

Қора-қўнғир тулки фақат қиш фаслидагина бошқа тулкилардан фарқланиб туради. Шу боисдан одамлар фақат қишдагина унинг жамолини кўриш бахтига муяссар бўлиши мумкин. Мана ниҳоят, куз ўтиб кетиб, Голдер адирларида совуқ тунлар бошланди. Доминонинг қишки пўстини кун сайин қорайиб, ҳурпайиб, қалинлашди, оқ думи динг бўлди, тумшугидаги кўндаланг қоралар кумуш жунлари орасида янада қоп-қорайиб кўриниб, кўзга яққол ташланадиган бўлди. Боши билан бўйинлари ҳам қорайиб товланди. Ниҳоят, тундай қоп-қора жунлари орасида зим-зиё осмонда сочилиб ётган юлдузлар мисол ялтироқ учли онпоқ туқлар пайдо бўлди. Июль ойида қорача тусда юрган Доминони кўрган одам, ноябрь ойида қишки либосларига ўралиб олган Доминони кўриб, кўзларига ишонмайди. Домино ана шундай ажойиб қўнғир тулки бўлди.



## V. Гўзал тулки билан барзанги ит

Кўп ўтмай, Голдер адирларида бир қўнғир тулки пайдо бўлганлиги барчага аён бўлди. Одамлар уни бир неча бор кўрди, мўйнали ҳайвонлар ичра мўъжиза жонивор эканини билди, Жукснинг Гекла деган қора ити уни бир-икки марта изма-из қувганини гап қилди. Бу гапларни Жукснинг ўзи тарқатди. Қўшнилари унинг эртакнамо гапларидан кулиб, қўнғир тулки итни итдай аҳмоқ қилиб югуртириб-югуртириб, охири ҳийлаи найранг билан лақиллатиб ташлаб кетганини гапириб юрди.


Гекланинг ажойиб овози бор. Унинг баланд, аммо майин ҳам жарангдор овозини сокин кечалари бир неча миль наридан ҳам эшитса бўлади. У бекордан-бекорга ҳураверади, шунчаки уёқдан-буёққа юргандаям, ҳатто келган изидан уйига қайтиб бораётгандаям лақиллаб ҳураверади.

Жукснинг ўғиллари Геклани ажойиб овчи ит деб ўйлайди. Аммо қўшнилари уни насл-насабининг тайини йўқ, ёввойи, қопағон ит деб билади. Кўнглида кири йўқ одамлар Геклани улкан, чопағон ҳам қопағон, ўзига хос унутилмас овози бор ит деб тан олади.

Мен илк бор Гекланинг овозини у фермада камалиб ётиб ҳурганида эшитдим. Унинг жарангли ҳам даҳшатли, темир овози кун бўйи қулоқларим остида жаранглаб турди.

Куз кунларининг бирида кечки пайт Голдер адирлари этакларидаги ўрмонларни айланиб юриб, олисдан итнинг темир овозини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдим. Гекланинг овозини дарҳол таниб, у ниманидир қувиб келаётганини англадим. Диққат билан қулоқ солиб, нима гаплигини билдим. Барглар оҳишта-оҳишта шитирлаб, бир-икки дақиқадан кейин кўмирдай қоп-қора ажойиб бир тулкига кўзим тушди. Тулки бир сонияча, олд оёқларини дарахт кундасига тираб, қувиб келаётган ғанимига қаради. У мендан бор-йўғи эллик қадамча нарида турибди. Мен дарҳол бармоқларимни лабларимга босиб, оғир-оғир нафас олдим, шунда, бармоқларим орасидан чалп-чалп этган овоз чиқди. Тулки ово-





зимни эшитиб, менга бурилиб қаради, шу заҳотиёқ мен турган ёққа эмаклаб кела бошлади.

Орамиз йигирма одимча қолди, шунда у тўхтаб, қулоқларини динг қилди, олд оёқларини хиёл кўтарди, думини бир оз эгиб, чалп-чалп этаётган каламушми ё қуёнми, улар ўзи қаерда, деган бўлиб, қараб турди.

Бай-бай-бай, унинг мўйналари-я!

Ҳали эрта куз бўлса-да, қоп-қора мўйналари аро қордай оппоқ кўкраги билан учи оппоқ думи якқол ажралиб туради. Сап-сарик кўзлари чўғдай ёнади, жунларининг кумушранг учлари боши билан бўйинларини яшнатиб безайди. Мен умримда ноёб мавжудот кўриб, ҳали бундайини кўрмаганман. Мен уни дарров танидим, у голдерлик қора-қўнғир тулки эди. Мен қимир этмай турдим, уям қимирламади. Ҳайвонлар ҳаётида бундай учрашувлар тез-тез учраб турса-да, назаримда, тулки ҳозир олдида одам турганини ақлига сиғдиролмади. Итнинг темир овози тобора яқинлашиб келаверди, тулки изидан Гекла қувиб келаётганини билиб, қочишга чоғланди. Мен яна чалп-чалп этган овоз бердим, шунда яна бир бор сергак тулкининг хушсуврат қоматини кўришга муяссар бўлдим. Аммо эҳтиётсизлик қилиб ўзимни сездириб қўйдим, тулки шу заҳотиёқ кўздан ғойиб бўлди.

Ун дақиқача ўтиб, олдимда яна бир ҳайвон кўриниш берди. Йўл-йўлакай бетиним ҳуриб, бута-зорларни ёриб, йўлидаги синмайдиган нарсаларниям синдириб, беўхшов, қонталаш кўзларини фақат тулки изларига тикиб, важоҳат билан чопиб келаётган машҳур Гекла пайдо бўлди. У Голдер адирларининг энг чапдаст жониворларидан бири билан яккама-якка чиқмоқчи бўлди.

Бу баҳайбат, йўғон ҳайвон тулки изларини ҳидлаб кўриб, унинг қайси ёққа кетганини хатосиз топа олаётганини кўриб, одамнинг кўнглига ваҳима тушади. Айнан шу излар тулкини топиб бера олишини ўйлаб эса, одамни баттар ваҳима босади. Гекла бўлса издан адашмай, иккиланмай боряпти. Мен итни йўлдан уриш учун чалп-чалп этган овоз бердим. Аммо ит тулкини топиш нақсадидан чалғимай, изни олиб кетаверди. Кейин нима бўлганини итнинг елка жунлари ҳурпайиб туриши билан ёвуз кўзларининг қонга тўлиб туришидан билиб олдим. Мен ҳам тулки овлаб тураман, тулки овини хуш кўраман, аммо шу куни гўзал жониворни изма-из қувиб юрган, юнон афсоналаридаги жаҳаннам дарвозасини пойловчи Цербер деган қопағон итдай



бешафқат Геклани кўриб, кўз олдимга тулки ови эмас, жажжигина сайроқи қушчани бўғмоқчи бўлаётган заҳарли илон келди.

Шундан кейин ит зоти билан бўлган азалий дўстлигимдан кечиб, қора-қўнғир тулкига меҳр қўйдим.

## VI. Доминонинг қишки ҳаёти

Қиш кириб, қишлоқ болалари пала-партиш тулки овлай бошлади. Одатдагидай, иккита-учта итни олдинга қўйиб юборди, ўзлари милтиқ олиб, итлар кетидан пиёда йўл олди.

Бир куни Доминони отлиқ овчилар бир гала итлари билан қувди, аммо Домино дарё олдидаги қоялар орасига кириб қутулди. Шу тариқа қувғинларда суяг қотиб, куч-қудратга тўлиб борди, таъқиб қилувчиларни адаштириш йўлларини ўрганди. Шунингдек, қандай қилиб ўзини тута олишнинг янада яхшилаб билиб олди. Барзанги итнинг даҳшатли ҳуришидан ҳамон қўрқса-да, ҳар ҳолда қўрқувни енгишга, ўзини дадил тутишга интилди.

Домино одатда ёлғиз тулкилар қандай яшаса, шундай яшади. Масалан, ўз ини бўлмади, чунки тулки қишда камдан-кам инда яшайди. Очиқ жойларда ухлади, пахмоқ, қуюқ мўйналари, момиқ думи уни совуқдан сақлади. Уткир димоғи хавфхатарлардан огоҳ қилиб турди.

У фақат кундуз куни, офтоб нурлари остида ухлади. Тулкиларнинг битилмаган шундай қонуни бор: «Кечаси — ов, кундузи — уйқу». Домино кун ботиб, қош қорайганда овқат излади.

Ёввойи ҳайвонлар зим-зиё зулматдаям кўра олади, деган бир хато гап бор. Йўқ, ҳайвонга ёруғлик керак. Тўғри, ёввойи ҳайвонлар инсончалик ёруғликка муҳтож эмас, шундай бўлса-да, барибир керак. Гап шундаки, ҳайвонлар қоронғида одамларга нисбатан аниқроқ, яхшироқ тусмоллаб юра олади. Аммо тусмол ўз оти ўзи билан тусмолда. Ҳайвонлар ёп-ёруғ кунни хуш кўрмайди. Улар



ғира-шира вақтни хуш кўради. Шу сабабляим оппоқ қорда, ою юлдузлар нур сочиб турган қиш кечаларида ов қилади.

Шундай қилиб, Домино кун ботиши биланоқ овга йўл одди. Шамолга қарши йўртиб чопди, сойларга эниб, кўзига яхши кўринган буталару ўт-ўланларни ҳидлаб кўрди, бир вақтлар келиб кетган жойларини қаради, кўзга яқин устун, тош, тўсиқларни ҳидлаб, бу ерларда яқин-атрофда бирон тулкининг бўлган-бўлмаганлигини билгиси келди. Чунки тулкилар ҳам итлар билан бўриларга ўхшаб ҳар бир тош ё устунга ўзининг келган-келмаганини билдириш учун бирон из қолдириб кетади. Шундан кейин Домино адир чўққисига чиқиб, шамол бирор егулик исини олиб келармикин, деган умидда ҳавони искаб кўрди. Салгина шитир-шитирни сезса ҳам тўхтаб, бирор қўнғилсизлик юз бермаслигига ишонч ҳосил қилмагунича жойида қотиб турди, сўнг нима гаплигини билиш учун шитирлаган жойга мушукдек пусиб бориб қаради. Теварак-атрофни кўздан кечириш учун ерга майишиб қолган бирор дарахтга чиқиб қаради, борди-ю, бундай дарахт тополмаса, осмонга сапчиб, теваракка қаради.

Йўл-йўлакай фермерларнинг ит қўриқлайдиган ҳовлиларига ҳам назар солиб ўтди. Бу ерларда одамлар кўпайиши билан тулкилар ҳам кўпайиб қолди, чунки ҳар бир ферма тулкилар учун озиқ-овқат манбаи бўлиб хизмат қилди, ҳар бир ферма иккита-учтадан тулки боқди. Бизнинг Домино ҳам итлар бор-йўқлигига қарамай, у фермадан-бу фермага чопиб юрди. Итларнинг чангалига тушиб қолмаслик учун сал нарироқда тўхтаб, уларнинг жигига тегиб увиллади. Борди-ю, ит унинг увиллашини эшитиб югуриб чиқса, қочиб қолди, борди-ю, индамаса, ит занжирланган экан, деган хулосага келди. Сўнг, ҳовлига дадил кириб бориб, учраган нарсани илиб қочди. Семиз товуқларни бўйнидан гиппа бўғиб, овозини чиқармай олиб жўнади. Базан товуқларга ташланган нон ушоқлари ё бўлмаса қопқондан олиб ташланган сичқон ўлиги тегиб қолди. У ҳатто чўққа тоғорадаги овқатлардан ҳам олиб қочди.

Ҳар кечаси бўлмасаям, ишқилиб, ҳамиша ўз насибасини топиб еди, ўзи, тулкилар бир ҳафтада беш марта яхшилаб овқат еб олса бўлди, ўзини олдирмай, қишдан омон-эсон чиқиб олади.





## VII. Домино жуфтини топди

Ёввойи ҳайвонлар уёқдан-буёққа бекордан-бекорга тентираб юрмайди, ҳар бир ёввойи ҳайвоннинг ўз она юрти, ов қиладиган маскани бўлади. У ҳамиша масканини ўз зотига ёт ҳар қандай ёввойи ҳайвондан ҳимоя қилишга тайёр туради.

Қатор кузатишлардан маълум бўлишича, тулкилар одатда ўз инларидан уч-тўрт милча теварақда ов қилади. Баъзан бир тулкининг ов маскани иккинчисиники билан тутшиб кетган бўлади. Улар бир-бирларини яхши таниб, излари ҳидини яхши билиб олиб, бир-бирига ўрганиб қолади, бора-бора бир-бирларига эътибор бермай қўяди.


Борди-ю, масканларида бегона ҳайвон пайдо бўлиб қолса, унда шу ғаними билан уришади ё бошқа ёққа кетиб қолади.

«Қор ойи» дея аталмиш январь охирлаб, Домино куч-қувватга тўлиб қолди, кўз ўйнатар мўйналар билан безанди, аммо ёлғизликдан азоб чека бошлади. Кўнгли кимнидир, ниманидир қўмсаб, бирор ферма яқинидаги адирда узоқ ўтириб қоладиган бўлди, бирор бехатарроқ жойга чиқиб олиб, итларнинг ҳуришини эшитиб ўтирди, иложи бўлса уларни атайин изидан қувишга чорлаб кўрди. Баъзан ой ёруғида адирнинг энг юксак чўққисига чиқиб олиб, узун-узун увиллади. Буни олимлар, тулки увиллаяти, дейди, овчилар, тулки йиғлаяти, дейди:

Ув-ув-ув-уввв-вааа,  
Ув-ув-ув-уввв-вааа...

Домино «Очлик ойи» кечаларининг бирида, гарчи жавоб олишига кўзи етмаса-да, умид билан ғамгин-ғамгин увиллади. Увиллаб-увиллаб, ўз ёлғизлигидан ўзи куйди.

Одамлар «Очлик ойи» деб феврални айтадилар. Ана шу февраль охирлаб, қиш бир оз шаштидан



тушди, жануби шарқдан эсан илиқ нам шамол сеҳрли кўклам нафасини олиб келди.

Ув-ув-ув-уввв-вааа,  
Ув-ув-ув-уввв-вааа...

Домино увиллаб, теваракка назар солди, шунда, оппоқ далада ғимирлаб юрган бир сояни кўриб қолди, шунда, қорда яна бир соя пайдо бўлди. Буниси яқинроқ кўринди. Домино сояни мўлжаллаб жўнади.

Одамлар ўз қўшнилари янги юз-кўзларидан танийди, борди-ю, бир оз ўзгариб қолган бўлса, таниёлмай қийналади. Бу борада тулкилар одамлардан усталик қилади. Тулкилар ўзларининг қўшнисини уларнинг излари, танаси ҳидидан ҳамда ташқи кўринишидан билиб олади. Дарҳақиқат, Домино хиёлдан кейин иккинчи соянинг изини олиб, бу, Шобанда яшайдиган малла тулкининг излари эканлигини билди. Малла тулки бу ерларда кўпдан буён ов қилади. Шу сабабли Домино унинг изларига эътибор бермай, йўлида давом этди. Биринчи соянинг изини топиб олиб, қони қайнаб кетди. Бу унинг масканига оралаган бегона ҳайвон изи эди. У қаҳри қайнаб, изнинг кетидан тушди. Изни ҳидлаб югуравериб, қаҳри сўниб қолди, энди ажабтовур туйғулар талошида қолди.

У изларни яна яхшилаб ҳидлаб кўриб, жонжаҳди билан чопди. Бебаҳо димоғи олға чорлаб: «тезроқ чоп!» дея шивирлади.

У туйғулар гирдобида янада шиддат билан чопди, фавқулодда яна Малланинг изига дуч келди. У бундан бир-икки дақиқа олдин Малланинг изи ёнидан бепарво ўтиб кетган эди, бу сафар ундай қилмади, у энди янги бир туйғу гирдобига тушди. Бу қаҳр-ғазаб туйғуси эди. Мўйналари қулоқларининг учидан думининг учигача ҳурпайиб кетди. Уч-тўртта даладан югуриб ўтиб, ниҳоят, ўша тулкиларни кўрди. Уларни қувишаяптиям деб бўлмайди, уришаяптиям деб бўлмайди, улар ўзи дўстми ё душманми, буним билиб бўлмайди. Кўкрагида оппоқ белгиси бор бегона урғочи тулки олдинроққа юрди. Малла тулки унга етиб олди, бегона тулки кетига қайрилиб, унга ташланди. Малла орқасига тисарилди, аммо индамади. Улар бир-бирларига ташланиб, югуришда давом этди. Домино уларга қараб янада ҳаяжонланиб кетди, қаҳр-ғазабга тўлди.

У ўзини Оқсийнанинг эътиборига сазовор тулки деб билди. Оқсийнага лойиқ деб билди. Шундай

кўнгилда Оқсийнанинг олдига борди. Аммо Оқсийна уни Малладан ҳам баттар қилиб жеркиб ташлади. Доминога жуда алам қилди. Маллага қараб ириллади. Маллаям бўш келмади, думини динг қилиб, қаддини ғоз тутди, икки қатор тишини даҳшатли иржайтириб ириллади.

Улар бир-икки дақиқа ана шундай юзма-юз бўлиб турди. Оқсийна вазиятдан фойдаланиб қочиб қолди. Домино билан Малла бир-бирлари билан талашиб-тортишиб Оқсийнани қувиб кетди. Унга биринчи бўлиб Домино етиб олди. Оқсийна тўхтаб, Доминога қараб ириллади. Бу галги ириллаши унчалик нафратли бўлмади. Малла Оқсийнанинг уёғидан келди. Шунда, Домино, Доминога қўшилиб Оқсийна Маллага ўқрайиб қаради.

Домино билан Малла олишиб қолди. Малла ерга юмалаб тушиб, тишларини гижирлатди. Домино индамай, уни босиб турди.

Оқсийна яна қочиб қолди. Домино билан Малла Оқсийнанинг икки тарафини олиб чошиб, бир-бирларига ириллаб-ириллаб қўйди.

Улар дала бўйлаб чопди, Оқсийна Малладан ўзини олиб қочиб, Доминога яқинроқ бўлиб чопди, учови яна бир жойда жам бўлиб тўхтади, шунда, одатдагидек, учалови бир-бирига эмас, иккалови бировига ғанимона қаради. Баҳайбат Домино қаддини керди, бўйин жунлари ҳурпайиб, думи динг бўлди. Даҳшат билан ириллаб, ярқироқ тишлари гижирлаб, ғанимига қараб мағрур юрди. Кетидан Оқсийна эргашди.

Малла, жавоби берилганини тушунди, кетига бурилиб, бошини қуйи эгиб кетди.



## ИККОВЛОН

## VIII. Баҳор

Голдер адирларига мусаффо баҳор келди. Адирлар ёнбағри ўт-ўланларга бурканди, дарёлар тўлиб оқди, ҳаво қушларнинг қанот қоқиши, тонгги чуғурчуғурларига, музлари эриб кетган кўллардаги митти қурбақаларнинг қуриллашига тўлди.

Ҳали қиш либосини ташламаган ўрмонда қорлар орасидан олмурудлар ниш уриб чиқди, нафис япроқларини кўз-кўз қилиб: «Мана, мен кутган баҳор, мана, менинг қирмизи меваларим», дегандай бўлди. Какликлар, олмахонлар, суғурлар «Қарға ойи»нинг ноз-неъматидан маза қилиб татиб кўрди. Одамлар ёввойи жониворларнинг мевага оғзи текканларини кўриб, шундай ширин неъматларни ёмон кунларга деб асраб юрган она табиатдан миннатдор бўлди.

Урмонлар ва кўлларда баҳор фасли пойқадами учун сайиллар бошланди. Домино билан Оқсийна ҳам қараб турмади.

Қорлар эриб, жилғалардан пастга оқиб туша бошлади, шунда, бизнинг жуфтлар ин излаб кетди.

Югуриб-елиб излади, яна югуриб-елиб излади, аниқроғи, Оқсийна излади, Домино эса унга бўйсуниб, орқасидан эргашиб юрди. Голдер адирлари шарқидаги қумлоқ ялангликни изғиб чиқди. Қарасалар, тулкилар ҳамма ерга майда-майда белгилар кўйиб ташлабди. Бу белгилар, тулкилар тилида: «Бу ерларни жангу жадал билан оласан», деганидир. Энди улар Голдер жарлари оралаб санқиди. Жарлардаги қалин қорлар ҳали эримабди. Улар яна дарё бўйига қайтди, Доминонинг болалиги кечган ўша тоғтерақларга келди. Улар шу ерни маъқул кўрди.

Оқсийна теварақ-атрофни ҳидлаб чиқиб, ёнғоқзордан ин ковлади. Ковласа, ер юмшоқ экан, чунки уни бултур тўкилган хазонлар билан қалин қор қоплаб, намлигини сақлаб турибди. Бошқа ерлар эса музлаб ётибди, уларни ковлаб бўлмайдди.

Англаб бўлмас бир сезги шу ердан ин ковлашга ундади. Домино шу яқиндаги адир чўққисига чиқиб олиб пойлоқчилик қилди. Оқсийна бирон соатча ер ковлаб, Домино билан ўрин алмашди.

Улар бир неча кун навбатма-навбат ер қазиди, ниҳоят, ин тайёр бўлди. Ин узун йўлақдан иборат бўлиб, йўлақ аввал пастга тушади, кейин яна юқори



кўтарилиб; кенгроқ йўлак ҳосил қилади, ундан бир-икки қадам келадиган бошқа бир йўлакка ўтиб, ундан ёнидаги уйчага ўтилади. Биринчи йўлак тагин ҳам юқорилаб, ҳозирча муз ерга етганда тугайди.

Тулкилар муз ерни ичкарасидан кунлаб ковлайверди, ер кун сайин очилаверди, охири ташқари кўринди. Ин оғзини ўтган йилги хас-хашаклар билан пишиқ-пухталаб бекитди. Ин олдида тупроқ уюми қолдирмади, шу сабабляим иннинг ёнидаги на турган одам ҳам уни пайқамайдиган бўлди. Шунингдек, бу йилги ўт-ўланлар тобора бўй бериб, инни бегона кўзлардан яшира борди.

Энди овқат топиш ҳам осон бўлди. Оқсийна бир кечаси ўзича тентираб юрган бир овсар суғурни ушлаб олди, уни инга олиб кириб, ён уйчадаги қуруқ қумга кўмиб қўйди.

Домино билан Оқсийна ин олдида кўзга кўринмасликка интилди. Оқсийна инига қайтаётганда из қолдирмаслик учун ариқдаги сувдан юрди, Домино йўлида бирорта қишлоқ боласи кўриниб қолса, то у ўтиб кетгунича ўт-ўланлар орасида ётган дарахт кундалари орқасига бекиниб турди. Домино кун сайин йўловчилардан эҳтиёт бўладиган бўлди.

## IX. Янгилик

«Қарға ойи» кетидан «Ўт-ўланлар ойи» келди, ўрмонлар ва далалар ҳавоси янги мева-чеваларни кута бошлади. Оқсийна ҳам ўзгариб қолди. Доминодан худди ғанимидан ўзини олиб қочгандай ўзини олиб қочди. Домино инига кириш учун унинг кетидан юрса, унга қараб ғазаб билан ириллади.

Домино кун бўйи инга киролмай юрди. У йўқлигида инда ажойиб бир янгилик юз берди.

Инда одамлар таъбири билан айтганда, «бадбашара», майда-майда, бесўнақай, Оқсийна учун эса оламда тенги йўқ бешта хушрўй фарзанд дунёга келди. Оқсийна оналик меҳр-муҳаббати билан тўлиб-тошди, ўзини тамомила болаларига бағишлаб, уларнинг олдидан бир қадам ҳам жилмади.

Фақат бир-икки соатдан кейин болаларини бир дақиқача ёлғиз қолдириб, шу яқиндаги жилғадан сув ичиб келгани борди. Жилға бўйида Доминони кўриб қолди. Оқсийна қулоқларини қимирлатди, овозини чиқармади, умуман, жуфтини кўриб-кўрмаганга олди. Оқсийна яна инига қайтди. У эртаси кун оч қолди, аммо инидан овқат излаб чиқмади. Чунки инига овқат кўмиб қўйган эди.



Икки кун деганда инига ғамлаб қўйган овқат тугади, шундагина ташқарига чиқди. Индан бир оз наридан яқинда ушлаб келинган бир тўда сичқон топди. Ким билади, балки уларни тулкилар отаси болалари учун олиб келгандир. Шундай бўлса бордир, аммо уларни тулкилар онаси еб олди. Онаси еди нима, боласи еди нима. Оқсийна шу кундан бошлаб ҳар куни ин оғзидан ё ин олдидаги ўтлар орасидан овқат топиб оладиган бўлди.

Икки ҳафта деганда тулки болаларининг кўзи очилди. Улар дунёни кўриб, энди камроқ чийиллайдиган бўлди. Оналари ҳам кўнгиллари тўқ бўлиб, ташқарига чиқадиغان бўлди. Домино жуфтига қараб, Оқсийна энди уни қувмаётганини ҳис қилди. Яна бир-икки кундан кейин эса Доминони инга, болалари олдига қўйди.

Тулки болалари бир ойлик бўлганда ёруғ дунёни кўрмоқчи бўлди. Индан имиллаб, телва-тескари ўрмалаб бошлади. Улар ҳали чаққон ҳам, хушрўй ҳам эмасди, аммо гўдакона маъсум эди. Тулки болаларининг нақадар норасидалигини кўрган одам уларни ота-оналари қанчалик меҳр-муҳаббат билан авайлаётганини ҳис қилган бўларди. Дарҳақиқат, барча ота-оналардек Домино билан Оқсийна ҳам момиққина норасидаларини ардоқлаб эркатлатди, болаларини ўзлари юзма-юз келишдан қўрқиб юрадиган ғанимларидан ҳам кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга шай бўлиб юрди. Доминонинг болалигида бўлган воқеалар бу ин олдидаям бўлиб турди. Тулки болалари кун сайин улғайиб, катта тулкиларга ўхшаб қолди.

## Х. Эски ғаним

Бир куни Домино уйига овқат олиб келди. Индан бешта қоп-қора бурун билан беш жуфт маржондай йилтиллаган кўз қараб турганини кўрди. Шунда, шу яқиндан ит ҳурди, Домино нима гаплигини билиш учун бир тўнканинг устига чиқиб қулоқ солди. Ҳураётган ит ўзининг ўша эски ғаними эканини билди. Ғанимини қадрдон инига йўлатмаслик учун ўзидаги қўрқувниям енгиб, итнинг овози келган ёққа қараб чопди. Бу орада оналари тулки болаларини инга олиб кириб кетди.

Гекла Доминони кўриб қолиб, шу заҳотиёқ унинг изидан қувди. Гекланинг айни куч-қувватга тўлган вақти эди, шу сабабляям Доминонинг ундан қочиб қутулиши жуда қийин бўлди. Ит Оқсийнанинг изини олиб, таққа тўхтаб қолди, аммо Домино чангаллар орасидан ўзини атайин сездириб, итни

лақиллатиб ҳурдириб олиб кетди. Ит ҳам, тулки ҳам ҳали ёш, кучли эди. Шу боисдан қувди-қувди бир соатча давом этган бўлса-да, аммо улар чарчаш нималигини билмади. Ҳадеб югуравериш Доминонинг жонига тегди, у энди эски найрангларини қўллаб, итдан қутулиб кетмоқчи бўлди. Аммо итдан қутулиш осон эмасди. Чунки Гекла энди анча кўзи пишиб, тажрибали бўлиб қолганди. Шу сабабляям Оқсийнанинг икки бор қўллаб кўрган ҳийлаи найрангиям наф бермади. Шунда Домино Шобан дарёси юқорисидаги торгина жарсўқмоқни эслади, жохил ғанимини илакиштириб, ўша ёққа қараб чопди.

Улар билибми, билмайми, ишқилиб, икковиям баравар шу жарга қараб югурди. Жарга етай-етай деб қолди. Дарё бўйида юрган қора тулкилар кўзга чалиниб қолди. Домино қадамини секинлатди. Гекла бор кучини йиғиб, ўпкасидан нафас олиб, тулкига етиб олишга интилди. Улар кенг бир сўқмоққа келиб қолди. Домино яна секинлади, Гекла эса уни етай деб қолганини кўриб, жон-жаҳди билан югурди. Хаёлида қаш-паш дегунча етиб оладигандай бўлди.

Сўқмоқ торайгандан-торайди. Ит бўлса бостириб келаверди. У ғалаба қозонишига амин бўлиб чопди, яна бир сакрасам, ҳолдан тойган тулки чанғалимда бўлади, дея ўйлади... Шунда, айёр тулки қоя оралиғидаги торгина йўлакка ўқдай учиб кириб кетди. Кўкрақдор, забардаст Гекла тулкининг кетидан ўзини уриб, биқини билан қояга бориб урилди, кети билан умбалоқ ошиб, қоя тошларига урилиб, пастга, пастга ва пастга — муздай дарё сувига эзилиб, қонига беланиб тушди.

Домино тепада итнинг умбалоқ ошиб тушишини томоша қилиб ўтирди.

Шобан дарёси бу тор жойда ёзда тез оқади, баҳорда эса даҳшат билан шовуллаб, ёздагидан ҳам тез ҳайқириб оқади. Манман деган ит ҳам унинг гирдобларига тушишга юраги бетламайди. Бечора Гекла ярадор ҳоли билан шу гирдобга тушиб қолди. Шиддатли оқим даҳшат билан гувиллаб, итни икки милгача оқизиб борди, уёқдан-буёққа отди, тош қирраларига олиб бориб урди, чир айлан-тириб ўйнади, ниҳоят ғариб бечорани саёз қумлоққа итқитиб ташлади. Гекла фақат эртаси кунигина уйига бир амаллаб судралиб етиб олди. Шу баҳордаям, шу ёздаям ов юзини кўрмади.

Бешта қоп-қора бурун билан беш жуфт маржондай йилтиллаган кўз ҳар кун ин оғзида пайдо бўладиган бўлди.



Уларнинг оталари хўп болапарвар ота чиқиб қолди, улар яшаётган тоғтеракзорни осойишта масканга айлантирди.

## XI. Буғу

Ёз авж олди, «Атиргул ойи» ўзининг бор тароватини кўз-кўз қилди. Тулки болалари тез етилди, иккитаси тўқ қўрғошинсимон тусга кирди, бу уларнинг зотдор тулкилардан эканлигини билдириб, порлоқ келажагидан дарак берди. Оқсийна билан Домино болалари ғажиб-тишлаб ов қилишни ўрганишлари учун инларига энди ўлжаларни тириклайин олиб келишга ҳаракат қилди.

Ота-оналари болалари учун ҳар куни янги-янги саргузаштлар ўйлаб топиб, уларнинг эпчил ҳамда зийрак бўлиб етилишларига шароит яратиб берди. Тулки болалари ҳар бир овдан бирор янгилик, ов санъатини ўрганди. Домино болаларини деб деяри ҳар куни қалтис овларга борди, ундан бошқа тулки бўлганда аллақачон қўлга тушиб, йўқ бўлиб кетарди. Аммо Домино барча қалтис вазиятлардан эсон-омон қутулиб кетиб, янада бақувват, эпчил ва йўлғир бўла борди.

Голдер адирларида суғур кўп бўлади. Бир куни Домино қирққулоқларни оралаб суғур излади, шунда димоғи ажабтовур бир ҳидни туйди. Хиёл ўтмай, ўт-ўланлар орасида пусиб ётган оқ-оқ холли, оч малларанг бир ҳайвонга кўзи тушди.

Домино нотаниш ҳайвонга бақрайиб қотиб қолди, борди-ю, у ҳамла қилмоқчи бўлса, шу заҳотиёқ қочиб қолишга шайланиб турди. Аммо малла ҳайвон бошини ерга қўйганича катта-катта, думдумалоқ, қўрқув тўла кўзларини тулкига тикиб, ўликка ўхшаб ётаверди.

Бу — буғулар боласи эди. Буғулар Шобан дара-сида жуда кам учрайди. Домино буғу зоти нималигини билмайди, шу сабаблyam ҳозир нима қилишни билмай қолди. Фақат бир нарсани билдики, пусиб ётган буғу боласи тулкидан ҳам баттар қўрқиб кетди. Доминонинг кўнглидан дастлабки қўрқув ҳисси кетди, қўрқув ўрнини энди қизиққонлик эгаллади, ётган ҳайвонга қараб бир қадам босди. Ҳайвон қимир этмади, нафас ҳам олмади. Домино яна бир қадам босди. Ораларида бор-йўғи бир сапчиб етадиган масофа қолди. Ҳайвон шундайим қимир этмай ётаверди.

Домино яна бир қадам ташлаб, буғу боласининг шундайгина пешонасига борди. Шунда, буғу





боласи сапчиб, узун оёқларида тик турди, зорланиб, ба-а-лаб, қирққулоқлардан сакраб чопди. Домино эрмак учун унинг кетидан юксак-юксак сапчиб қувди.



Бирдан тапир-тупир бошланиб, бир оздан кейин буғулар онаси пайдо бўлиб қолди. Буғулар онасининг яғринидаги ёллари ҳурпайиб, кўзлари ғазабнок ёнди. Домино ҳозир бирор кори ҳол бўлишини ҳис қилди. У қочиб қолди, буғулар онаси ёввойиларча пишқириб, метин туёқлари билан ерни тарсиллатиб қувиб қолди. Буғулар онаси Доминодан ўн баравар гавдали бўлишига қарамай, шамолдай елди. Доминога бирпасда етиб олиб, уни олд оёғи билан бир тепди. Домино тепкига зўрға чап бериб қолди. Буғулар онаси яна тепди. Домино четга сакраб, яна тепкидан омон қолди.

Ғазабнок буғулар онаси, гарчи боласи соғ-омон бўлса-да, барибир Доминони қувиб бораверди. У боласига таҳдид солган тулкини йўқ қилмоқчи бўлди.



Буғулар онаси ғанимини қирққулоқлар ва мевали бутазорлар оралатиб қувди, чарчаш эсидан чиқиб, тобора куч-қувватга тўлиб қувди. Буталар тулкининг чопишига халақит берди, аммо гавдали буғулар онасининг парвойига ҳам келмади. Шу ярамас буталар бўлмаганида Домино ўз югуришидан ўзи завқланиб югурган бўларди.

Улар шу алфозда ярим соатча югурди, Домино буғулар онасининг туёқ зарбаларига юз марталаб чап берди, аммо юз биринчи мартасида шу туёқлар дастидан ўлишига кўзи етиб қолди. Шунинг учун ҳам тезроқ бирор бехатарроқ ерга чиқиб олишга интилди, бутазордан суғурилиб чиқиб, яйдоқ дала бўйлаб жон-жаҳли билан чопиб кетди. Домино жон қайғусида кучининг борича чопди, буғулар онаси унинг изидан қолмади. Улар шу тариқа қувишиб, ўрмонга кириб келди. Шунда Домино яна бир туёқ зарбидан омон қолди. Бахтига бу галги олд туёқ зарби йўғон бир дарахт танасига бориб тегди.



Домино қуюқ дарахтзорлар орасидан тўхтаб, дамани олди, жоҳил буғулар онаси билан унинг овсар боласини мазах қилиб кулди. Аммо бўлиб ўтган воқеа Домино учун яхши сабоқ бўлди. У амин бўлдики, бегона демак — ғаним демакдир.



## ХII. Меҳригиё

Бировлар мўйна учун қопқон қўяди, бировлар зараркунанда ҳайвонларни йўқотиш учун қопқон

қўяди, яна бировлар нимага қўяётганларини ўзлариям билмай қопқон қўяди. Бентоннинг ўғиллариям худди ана шундай бемақсад, беният қопқон қўйиш билан шуғулланди. Улар ҳали ҳатто қандай қилиб қопқон қўйишни ҳам билмайди, шу сабаб-лиям егуликни қопқоннинг кераксиз жойига қўйиб, доим хатоликка йўл қўяди. Оқибат, қўйган қопқонлари доим билиниб қолиб, эс-ҳушли тулкилар унинг қопқонлари ёнидан менсимай ўтиб кетади. Бентонларнинг қопқонидан учта ҳид келади, тулкилар бу ҳидларни жуда яхши билади. Булар темир ҳиди, одамларнинг қўл-оёқлари ҳиди. Оёқ ҳидлари дарров йўқ бўлиб кетади, аммо болалар ҳадеб келиб хабар олавериб, оёқ ҳидларини яна янгилаб туради. Темир ҳиди эса ҳеч кетмай, ёмғир ёққанда яна ҳам кучаяди.

Домино тоғдаги ҳамма қопқонни билади. Хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи бўлсин, хоҳлаган вақтида қопқонларни топа олади, ҳатто Бентонлардан ҳам тезроқ топади. У ҳар сафар қопқонлар ёнидан уларга қараб ўтиб кетади. Қопқонлардан ҳам ирганиб, ҳам мазах қилиб кулади. Домино тугул ҳатто овсар суғурлар, калта оёқ тулкилар ҳам Бентонларнинг қопқонини майна қилади. Домино қопқонларни ҳар гал канда қилмай кўздан кечириб, сўнг ўзининг бу ерларга ташриф буюрганини билдириш учун бирон-бир тош ё кундага чоптириб кетади.

Бу вақтда Бэд Бентон қопқонда ҳайвон овлашнинг янги йўлини билиб олди. Шимоллик бир кекса овчи унга кўнгил айнитадиган қундуз қони, арпабодийен уруғи, гижжани сурадиган мой ва бошқа ўткир ҳидли нарсалардан тайёрланган қоришма берди. Кекса овчининг айтишича, бу меҳригиё бўлиб, унинг бир нечта томчисиеқ тулкиларни ўзига ром қилиб, улардаги эҳтиёткорлик ҳис-туйғуларини сўндириб, ҳар қандай тузоққа илинтириб олар эмиш.

Бентоннинг ўғли меҳригиё солинган шишачани олиб, теварақдаги ҳамма қопқонларга сепиб чиқди. Шундай ҳидлар ҳам бўладики, улар одам овозидай жуда заиф бўлади, заиф овозни эшитиш қанчалик қийин бўлса, бу ҳидларни билиш ҳам шунчалик мураккаб бўлади. Аммо тулкилар учун бу ҳид



оркестр садоларидай бўлиб таралади, чунки тулкининг ҳид билиш қобилияти бўлади. Одамзотга хуш ёқмайдиган қўланса ҳидлар тулкилар учун муаттар атиргуллар ҳиди бўлиб туюлади. Масалан, Бентоннинг кийимига томган бир томчи меҳригёё шунақанги қўланса ҳид таратдики, ҳатто отхонадаги отлар пишқириб юборди, кечқурун уйга борганида отаси унга стол адоғроғида ўтиришни буюрди. Доминонинг ўткир димоғи бу ҳидни шамол улкан гулхандан олиб келаётган тутунлар булутидай қабул қилди, унинг қаердан келаётганини горннинг овозини эшитиб, горнчи қаердалигини ё шаршаранинг шовуллашини эшитиб, шаршаранинг қаердалигини аниқ билгандек билди. Ҳаммаёқни олган бу ҳид Доминонинг кўнглида ҳеч қандай жирканч кайфият уйғотмади, аксинча, қоронғида йўлини йўқотган йўловчини ўзига тортган гулхандай ё хаёлпарастни ўрмонга чорлаган сеҳрли мусиқадай ўзига тортди. Домино кечки овқатга чиқиб, бурнини ҳавога чўзиб, бу ҳиднинг қаёқдан келаётганини билди ва ҳидни олиб, шу ёққа югуриб кетди.

Бир милча йўл юриб, таниш бир ерга келиб қолди, бу ерда ҳамиша одам излари билан темир ҳидлари анқиб туради, қопқонга уқувсизларча боғлаб қўйилган товуқ калласи билинар-билинмас ҳид таратиб туради. Бу жойлар Доминода ҳамиша нафрат туйғусини уйғотади. Аммо -лекин бу ерлар жуда ўзгариб кетибди. Ботаётган офтоб нурлари бир тўда чиқиндини ёритиб-яшнатгани ё бўлмаса кулранг булутлардан қирмизи, олтин тусли улкан тоғлар бино қилгани қаби бу сеҳрли, тобора таралаётган ҳид, олис-олисларданоқ димоғига хуш ёқиб, қалбини забт этган ҳид, унинг ихтиёрини тамомила олиб қўйди.

Домино бурнини олдинга чўзиб, шошилмай ҳид келаётган тарафга юрди. Ҳиддан маст бўлиб, боши айланди. Қулоқлари ғувиллаб, аъзойи-баданига илиқ бир қалтироқ югурди. Бу қалтироқда толиб югуришдан кейинги мириқиб дам олиш, совуқ кундаги ёқимли илиқлик, янгигина илиқ қон билан қорин тўйғазгандаги қувонч туйғулари бўлди. Доминонинг бурун катаклари каппа-каппа очилиб, юраги гупиллаб уриб, узиб-узиб нафас олиб, кўзларини ярим юмиб, бошини айлантираётган нафис, муаттар ҳид келаётган ёққа тобора яқинлашди, ниҳоят, яшириб қўйилган қопқонга яқин келди. У бу ерда қопқон борлигини биларди, ана, қопқонни ўз кўзи билан ҳам кўрди, аммо парво қилмади, у ҳид гирдобида сеҳрланиб қолган эди. У шу ерга



тумшуғини теккизгиси, уни асир этган ҳид оғушига бутунлай кўмилгиси келди. Тўлғаниб, бошини ёнига бурди, гўзал бўйнини ифлос ерга ишқади, чалқанча ётиб, қўланса ҳид анқиб турган қалин, пахмоқ мўйналарини тупроққа белаб, уёқдан-буйёққа ағнади. У жазавага тушди, шунда бир нима «шиқ!» этди, қопқоннинг темир исканжалари унинг елкасидан олди, ноёб кумуш қора мўйналарига маҳкам ботиб қолди.

Домино бирдан ўзига келиб, бор қувончлари бошидан учиб кетди. Унда энди ўзини ҳимоя қилиш туйғуси пайдо бўлди. У сапчиб туриб, қаддини ростлади. Мўйналарига ёпишиб турган қопқон қисқичлари сирғалиб кетиб, Домино озод бўлди. Агар қопқон оёқларидан олганда, унда унинг тақдири аллақачон ҳал бўлган бўларди. У энтикиб нафас олиб, бу ерлардан қочиб қолди.

Бефаросат тулкилар бундай маккор, сеҳрли ҳидларга кўп марталаб алданиб, ажал билан юзма-юз келади. Домино ҳам бу даҳшатли ҳид гирдобига бор-йўғи бир марта тушди, шу бир мартанинг ўзидаёқ унинг нималигини билиб олди. Домино кейин-кейин ҳам бу сеҳрли ҳидни учратиб, ўша даҳшатли ва кучли темир қисқичларни эслаб юрди.

### ХIII. Илон оғзидаги асал

Тулкилар ҳамон Бентоннинг товуқхонасидан улушларини олиб турди. Уғиллари тулкиларга бас келолмаётганини кўрган қариянинг фиғони фалакка чиқди. Қария: «Мен ёшлигимда...» дея ваъз айтиб, болаларини койиди. Кейин, қариликнинг охири бўлсин, дея ўзи тулки овига жўнади.

Фермалар атрофига қопқон қўйиб бўлмайди, ит, мушук ва чўчқаларга зиён беради. Шу сабаб-лиям ишнинг кўзини биладиган овчилар одам яшайдиган ерлардан олисроқ ўрмонларга қопқон қўяди. Шу мақсадда қария теваракни кўриб келди. Сўнг қопқонларни бошқача, ўзича қўйиб чиқди. Темир ҳидини йўқотиш учун кедр дарахти ўтинини тутатиб, қопқонларни айлантириб чиқди. Бошқа ҳидларни ўткир ҳидли дорилар сепиб йўқ қилди. «Баъзан бу ҳид ҳам яхши таъсир беради, — дейди қария. — Аммо у бефаҳм ҳайвонларнигина лақил-




латиши мумкин, холос. Эс-хуши жойида ҳайвонлар нима гаплигини дарров билиб, четдан юради. Тулкилар учун яккаю ягона синамол ҳид бўлиб, буям бўлса янги сўйилган товуқ қони ҳидидир». Қария қопқонларни танимол бўлиб қолган ифлос жойлардан олиб, олисроққа олиб бориб кўмди. Ҳар бир қопқондан беш қадам нарироққа товуқ гўшти бўлакларини қўйиб чиқди, ўзининг изларини кедршохи билан супуриб ташлади. Қария ана шундай қилиб қопқон қўйди.

Домино бир-икки кечадан кейин шу ерга яқин жойдан ўтди. Икки юзча қадамданоқ товуқ гўштининг ҳидини сизди, аммо яқинлашган сайин эҳтиёт бўла борди. Аста-аста яқин келди. Домино бурун катаklarини кериб нафас олиб, шамолга қарши авайлаб юрди. Энди темир ҳидиям, одам излари ҳидиям йўқолиб, ўткир тутун ҳиди келди, ўтни эса фақат одам ёқади. Ким билади, балки бу бирорта тулки тушириб қолдирган гўшт ҳидидир. Борди-ю, ён тарафдан борилса, тутун иси гўшт ҳидини босиб кетолмас экан, Домино буниям сизди.

Домино иккиланиб қолди, шунда шамол йўналишини ўзгартириб, тутун исини олиб кетди ва мазали товуқ гўшти ҳиди қолди. Домино яна уч қадамча юриб, тўхтади. Теварак-атрофни ҳидлаб кўрди. Одам исини сезмади. Шундай олдигинасида эса кечалари тўйиб ейдиган овқати турибди, у бу овқатни жуда хуш кўриб, кечалари инига ташиган. Унинг димоғига яна тутун иси келди. У жуда эҳтиёткор ҳайвон эди. Шу сабаблиям хушбичим оёқларини бир-бир босиб, ўйдим-чуқур ердан эмас, балки равон ердан кетига тисарилиб бошлади, шунда, «шиқ!» этган овоз эшитилиб, Домино қопқонга тушиб қолди, бу сафар кенг елкалари билан эмас, йўқ, бу гал оёқлари билан тушди. Тушгандаям улайбулай тушмади!

У бекордан-бекорга осмонга сапчиб, кучанди, лаънати қопқонни ғажиб ташлади. Аммо пўлат қисқичлар унинг оёқларини қўйиб юбормади, у бефойда уриниб-суриниб, ҳолдан тойди, холос.

У икки соатча бекордан-бекорга ўзини уёқдан-буёққа олиб урди. Гоҳ ҳолдан тойиб, сулайиб ётиб қолди, гоҳ жонсиз, аммо узиб бўлмас темирни тишлаб тортиди, гоҳ теварагида ўсиб ётган буталарни тишлаб, суғуриб отди. У жуда кўп ўзини уёқдан-буёққа олиб уриб, ҳолдан тойиб қолди. У кўп азоб чекди. Унинг азобида қўрқув ҳисси ҳам, оғриқ ҳам бўлди. Ётиб-ётиб қаҳри қўзғаб кетди. Қийналиб, ҳолдан тойган бўлса-да, яна бор кучини тўплаб,



Ўзини уёқдан-буёққа олиб уриб, қопқонни ғажиб ташлади.

Бир кун шундай ўтди... Олисдан-олис, азоб-уқубатларга тўла тун ҳам ўтди.

Тонг оқаравериб, қадам товушлари эшитилди. Бечора Домино хўрланиб, чангга беланиб, бир вақтлар жуда келишган тумшугини кўтариб қараб, ўзининг энг ашаддий ғаними бўлмиш буғулар онаси билан ода-була боласини кўрди! Домино буғулар эътиборини ўзига тортмаслик учун турган жойида ўликдай қотиб қолди, аммо буғуларнинг кўриш ва ҳид билиш қобилияти ўткир экан, улар шу заҳотиёқ тулкини кўриб қолди. Буғулар онаси пийшқириб, жунлари ҳурпайиб, кўзлари ғазабдан ёниб, олд оёқларида тик туриб, қопқондаги ҳайвонга ташланди. Домино чап берди. У қопқон занжири етган жойгача сапчиди. Буғулар онаси худди шуни кутиб турарди, тулки унинг ихтиёрида қолди, уни энди нима қилса қилади. У энди Доминони мажақлаб ташлайди. Буғулар онаси осонгина қўлга кираётган ғалабадан руҳланиб, худди заҳарли илонни янчиб ташламоқчи бўлгандек ўзини бор оғирлиги билан Доминонинг устига ташлади. Тулки ҳамлага чап бериб қолмоқчи бўлди, аммо иложи бўлмади, туёқлар зарб билан келиб... бахтига, унга эмас... қопқоннинг даҳшатли пружинасига келиб тегди. Пўлат қисқичлар очилиб кетиб, Домино қопқондан чиқиб кетди.

У қолган кучини тўплаб, шу яқиндаги чакалак тўсиқлар орасига ўзини урди. Буғулар онаси чакалакларни бир-икки марта айланиб қараб чиқди. Аммо тулки ҳолдан тойган бўлса-да, тўсиқнинг гоҳ уёғига, гоҳ буёғига ўтиб яширинди. Шу вақт тулкининг бахтига буғулар боласи қаттиқ овоз бериб, онасини қақириб қолди. Шундан кейингина буғулар онаси таъқиб қилишни бас қилди. Домино оқсоқланиб-оқсоқланиб, имиллаб уйига жўнади.

Эси паст ҳайвон жуда кўп панд еб кўзи очилади, эс-ҳушли ҳайвон эса бир марта панд ебоқ кўзи очилади. Домино икки марта панд еди, шунинг ўзиёқ унга етарли бўлди. У шу кундан эътиборан нафақат темир ва одам ҳидидан, умуман, жамики учраган ғайритабиий ҳидлардан эҳтиёт бўлди.

Ғайритабиий ҳидлар фалокат олиб келади.

#### **XIV. Ёз билан қизалоқ**

Домино илк ёз кунларининг бирида уч оёқлаб оқсаб, баланд тепаликдаги бир ферма яқинига келиб қолди. Бу аслида кенг боғи билан зироати

қарийб ўрмонгача чўзилиб, ҳаммаёқни қоплаб олган эски бир ҳовли эди. Бу ерга киши билмас келса бўларди. Домино ҳам шундай қилди, пусиб келиб, кўзига кўринган нарсаларни искаб, санқиб юрди. Юриб-юриб, тўсиқ остидан товуқлар қовлаб ташлаган бир тешиқни топди, шу тешиқдан зироатга ўтди. Зироатда ўсиб ётган картошка поялари, қуюқ қорағат новдаларини оралаб, пусиб юрди. Авайлаб қадам босиб юриб, қалин буталар орасида бир майдагина қора нарса йилтираётганини кўрди. Домино турган жойида қотиб қолди, синчиклаб, бу мояк босиб ётган курканинг кўзи эканлигини билди.

Ҳар бир тулкининг сағрисида — думи бошландиган жойида бир тутам алоҳида жуни бўлади, тулкилар ҳаяжонланганларида ана шу жунлари тикрайиб кетади. Ҳозир ҳам шундай бўлди, Домино ажойиб ўлжани кўриб қолиб, шу жунлари тикрайиб кетди. Аммо у ўлжага қараб юришним, юрмаслигиним билмай, иккиланиб қолди, шунда, орқа тарафдан қандайдир бир овозни эшитиб, кетига бурилиб қаради ва нарироқда турган миттигина бир одамни кўрди.

— Ия, тулки экан! Бевошлик қиламан деяпсанми, тулки? — деди қизалоқ ўпкали оҳангда.

Домино одам овозини эшитиб, чўчиб тушди. Сапчиб чопиб қолмоқчи бўлди-ю, яна чопмади. Қизалоқ кичкинагина бўлгани учун Домино унчалик ҳам қўрқмади. Буёғи олдида мазалигина курка турибди.

Домино ов қилиш ҳисси билан қўрқув ҳисси ўртасида қолди. Ниҳоят, қизга кўз қирини ташлаб олиб, куркага қараб юрди. Қизалоқ чинқириб қочиб кетди. Шу чинқириқ масалани ҳал этди. Домино бир сапчиб, буталар орасига кириб йўқолди. Шу билан курка омон қолди.

Шу кечқурун қизалоқ отасидан сўради:

— Ота, ўрмонда мояк босиб ётган куркангизни тулки билиб қолса, уни тулкига зиён бермасдан қандай қилиб қутқарган бўлардингиз?

— Курка мояк қўйган жой теварагига бир-иккита темир-терсак қўйиб қўйган бўлардим, шунда бирортаям тулки зоти йўламаган бўларди, — деди отаси.

Қизалоқ отасининг гапини эшитиб, боғдан бир занжир бўлаги, синган омочнинг тиши ҳамда бир тақа топиб келиб, курка ётган ер теварагига қўйиб чиқди.

Бир-икки кундан кейин Домино яна келди. У курка ётган ерни яхшилаб эслаб қолган эди.



У бу сафар аввалгидан ҳам аҳтиёт бўлиб юрди, чунки курка ёнида одам бўлиши мумкин эди. Курка қурқуллаб, ҳадикдан хабар бергунича бўлмай, Домино бу ерда хавфли темирлар пайдо бўлганидан огоҳ бўлди. У ўзини орқага олиб, куркага бошқа ёқдан бормоқчи бўлди, аммо уёқдаям лаънати темирга дучор бўлди. Ақл-заковати: «Қайт!» — дея шивирлади, Домино изига қайтди.

Қизалоқ тулкининг яна қайтиб келганидан хабари бўлмади, фақат эртаси куни отаси: «Биласанми, қизим, бугун эрталаб картошка ичида янгигина тулки изларини кўриб қолдим», дегандан кейингина билди.

Шундай қилиб, Домино лақиллаб, куркадан умидини узиб кетди, аммо кўп ўтмай, бошқа бир ўлжани — инида ётган товуқни топиб олди. Товуқни бўйнидан ғиппа тишлаб ўлдириб, уйига олиб жўнади, йўл-йўлакай товуқ инида қолиб кетган мояклар эсига тушди. Товуқни ўрмондаги япроқлар орасига кўмиб қўйиб, изига қайтди. Моякларни битта-битталаб ўрмоннинг бир чеккасига ташиб бориб яширди, яширган жойини кейинчалик ўзи бемалол топиб олиши, шунингдек, бошқа тулкилар бу унинг хусусий мулки эканини билиб қўйишлари учун унга мушк сўлаклари билан белги қолдирди. Сўнг товуқни ковлаб олиб, инига олиб кетди.

Домино моякларни қачон ковлаб олади, ким билади, улар унгача кўмилиб ётавериб, айниб қолади. Аммо оғир кунларда тайёр ош бўлиб туради, қорин очганда айниган бўлсаям еса бўлади.

Домино биринчи марта ўлжа яшириши эмас. Кўп тулкилар яширадиган вақо тополмайди, чунки яхши ов қилолмайди. Самарали ов қиладиган тулкилар ўлжа яширишни одат қилиб олади.

Орадан бир ой ўтиб, ўрмондаги буталар меваси фарқ пишди, Домино бир-иккита мевани ҳавас билан чайнаб ютди. Мевалар унга ёқинқирамади, чунки унинг қорни тўқ, бунинг устига семириб кетган эди. Шундай бўлса-да, қип-қизил меваларни сакраб-сакраб узиб олиб, завқланди. У олдиниға меваларни ҳар ёққа узиб отди, кейин бир жойга йиғиб келди.

Доминода яна эртани ўйлаш туйғуси пайдо бўлиб, меваларни барглар орасига кўмди-да, шу яқиндаги кундага мушк сўлакларини теккизиб, белги қўйди. Борди-ю, керак бўлиб қолса мевалар уюмини қор остидан бўлса ҳам топиб олади.



## XV. Доминонинг меросхўри

Бу йилги ёзда Домино оқсоқланиб юриб, тез чоқолмади, бахтига учқур ғаними Гекла ҳам ҳамон майиблигича юрди. Домино оқсаб, болаларига овқат ташиди. Бахтига бу йил она табиат ҳам сахий келди. Инига деярли ҳар куни бирон-бир тирик ўлжа олиб келаётган бўлди. Баъзан шунчаки бир қурбақа олиб келди, қурбақа уёқдан-буёққа сапчиди, болалари қурбақани ушлаб оламан деб роса овора бўлди. Баъзан семиз дала сичқони олиб келди, сичқон япроқлар орасига кириб яширинди, болалари бу эпчил, митти жониворни тутиб оламан деб, оғизлари қум билан ўт-ўланга тўлди. Бир куни оталари уларни чиниқтириш учун яна бир ўлжа топиб келди.

Домино туман вақти дарё соҳилларини айланиб юриб, қандайдир бир жониворни кўриб қолди. Жонивор аввал-аввал сувнинг саёзроқ ерлари бўйлаб юрди, сўнг бир кунданинг устига чиқиб олиб, чиғаноқларни усталик билан очиб ея бошлади. У улкан сув каламуши эди. У бақувват сариқ тишлари билан чиғаноқни қирсиллатиб-қирсиллатиб чақиб еди, шу сабабляям бизнинг овчимизнинг яқин келиб қолганини пайқамай қолди. Қоп-қора мўйнали овчимиз лип этиб каламушга етиб келиб, бўйнидан маҳкам бўғиб олди! Сувкаламуш бекордан-бекорга чираниб чийиллаб, найзадай ўткир тишларини ғижирлатди. Домино каламушни олиб, кучининг борича чопиб, йигирма дақиқалардан кейин инининг олдида пайдо бўлди.

Тулки болалари оталарининг пишқирган овозини эшитиб, бир-бирларини итаришиб инларидан чиқиб келди. Оталари олиб келган ўлжасини қўйиб юборди. Болалари шу заҳотиёқ ўлжага ёпишди, аммо ҳали тирик сувкаламуш типирчилаб, жонжаҳди билан олишди. Ўзини гоҳ уёққа, гоҳ буёққа олиб урди, тулки болалари худди айиқ теварагида уймалашаётган итлар каби каламуш атрофида иргишлади, каламуш ўткир тишлари билан тишлаб олганида чийиллашиб нари қочди. Фақат бирови каламуш билан уч маротаба яккама-якка олишди, аммо қочмади. Бу тулки каламушдан ҳам, ака-укаларидан ҳам унчалик забардаст эмасди, аммо туғма доворак эди, шу сабабляям, ака-укалари чекинсаям у чекинмай, яккама-якка олишувни давом эттирди. Бу ҳаёт-мамот кураши бўлди. Довюррак тулки боласи каламушнинг калласига хийла яқинлашиб келди, ниҳоят, бўйнидан ғиппа тишлаб олди.

Каламушнинг жони узилгунча шундай ушлаб турди. Кейин бутун оила жам бўлиб, каламуш еди.

Тулкилар отаси билан онаси олишувни хотир-жам ўтириб кузатди. Нимага уларнинг ўзи каламушни ўлдириб қўя қолмади? Биз ўз-ўзимиздан одамлар нимага ўзлари учун жуда осон, аммо болалари учун ниҳоятда қийин ишларни ўзлари бажариб қўя қолмай, болаларига буюради, дея сўрасак масала равшан бўлади.

Бу довжорак тулки боласи унчалик ҳам гавдали эмас, аммо ака-укалари орасида энг қораси эди. У ўсиб-улғайиб, отасига тортди, отасининг ўзи бўлди. Унинг кимлигини Шобан дарёсининг юқори оқими-га бориб билса бўлади.

«Момақалдироқ оyi» охирлаб, тулкилар ўсиб-улғайиб қолди. Айримларининг бўйи онасининг бўйи билан бўйлашди, шунда, оилада бир тарқоқлик бошланди. Аввал-аввал катталари, кейин-кейин кичкиналари ўзича овга бориб, бир-икки кунлаб уйга келмайдиган бўлди. Бориб-бориб, бир-бирларидан совиб бошлади ва «йиғим-терим» оyi охирига келиб, ҳаммалари ҳар ёққа тарқалиб кетди. Инда фақат Домино билан Оқсийна қолди.

Кузнинг бошларида Доминонинг оёғи яхши бўлиб кетди, у яна Голдер адирларининг энг эпчил, энг чопагон тулкиси бўлди. Авваллардагидек ҳар қандай итдан қочиб қутулиб кетадиган бўлди. Яна куч-қувватга тўлди, яна табиат ато этган чопагонлик иқтидорини эгаллади. Бу теварак-атрофда у билан беллашиб чопа оладиган тулки бўлмади, у қўрқадиган ит ҳам бўлмади. Упкаси бақувват бўлди, оёқлариям ўпкасидай бақувват бўлди. У ўз чопагонлигидан ўзи завқ олди.



## ОЛИШУВ ВА ТАНТАНА

### XVI. Ёввойи ғозлар



Ҳар йил баҳор ва кузда Ғолдер адирлари ҳаво-сини вағ-вағларга тўлдириб, узунбўйин ёввойи ғозлар учиб келади. Ғозлар Ғолдер адирларида узоқ қолиб кетмайди, шундай бўлса-да, улар овчилар эътиборини тортиб, ўзига чорлайди.

Домино ғозлар яхши овқат бўлишини кўпдан буён билади, бир куни овчилар ўқидан ярадор бўлиб, ботқоққа қочиб келиб ўлиб қолган ғозни топиб олиб, яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Оқсийна билан иккови ғозни тўйиб еб олди.

Ғозлар далалар, ботқоқларда тирикчилик қилди. Домино бир-икки марта уларни пойлаб борди, аммо улар ҳар сафар эҳтиёткорлик ва зийраклик қилиб қутулиб кетди. Ов қилишнинг шундай йўллари борки, унда овчи пусиб ўтирган қуш ё бекиниб олган қуён олдига бемалол яқин борса бўлади. Домино овнинг ана шу йўлини қўллади.

Қараса, ўрилган далада бир гала ғоз юрибди. У Оқсийна билан иккови кун бўйи дарё бўйидаги буталар орасида изғиб, ана шу ғозларга яқинлашиш йўлини излади. Аммо ғозларнинг тўрт тарафиям теп-текис яланг ер бўлиб, бу ўз навбатида уларни ҳимоя қиларди, шунингдек, ғозларнинг бирови бўйинини қўриқчининг минорасидай юқорига чўзиб, галани хавф-хатардан огоҳ қилиб турарди. Шунда тулкилар жуфти кимдир ўйлаб-топган, азал-азалдан қўлланиб келинаётган бир ўйинни бошлади.

Домино ўрилган дала четидаги буталар орасига бекиниб турди, Оқсийна эса даланинг нариги четидаги очиқ ерга бориб, ўзича ҳар хил қилиқлар қила бошлади. Бир ерга ётиб думалади, бир ҳавода умбалоқ ошиб ўйнади, бир қорни билан ерга ётиб, думини ликиллатди. Ғозлар, бу тулки нима қилаяпти ўзи дегандай, унга қаради. Тулки хийла олисдалигини кўриб, парвойлари фалак бўлди. Тулкидан кўзларини узмай, қизиқсиниб қараб турди. Оқсийна бундан фойдаланиб, думалаб, умбалоқ ошиб, ғозларга яқинлашиб келаверди. Шунда, ҳаммаша зийрак нар ғоз тулкининг ҳийласини билиб қол-



ди, ammo ҳеч нима билмагандай, гўё ҳеч қандай хавф йўқдай, астагина овоз чиқармайгина кетига тисариди. Кетидан бошқа ғозлар эргашиди.

Тулки аҳмоқ бўлиб, шамол учирган бир бойлам беда мисол думалаб, умбалоқ ошиб келаверди. Хўп қизик бўлди. Нар ғоз тулкининг макрига учмай, тобора кейинига тисарилиб кетаверди.

Бир неча дақиқача шундай ўйин бўлди, ғозлар кетига тисарилиб боравериб, дала четига бориб қолди. Улар учиб кетмоқчи бўлди, буталарга қараб яна бир-икки қадам босди. Шунда Домино буталар орасидан қирғийдай учиб чиқиб, нар ғозни қимирлатмай, бўйнидан ғиппа босди.

Бу Домино билан Оқсийнанинг энг яхши ови бўлди. Бу шериклик ови уларни янада жипслаштирди, улар янада елкама-елка бўлиб, яшаш учун курашди.

## XVII. Қўйларнинг шўри

Бу йилги қиш олдингиларидан анча яхши ўтди, Домино билан жуфти бир вақтлар ғамлаб қўйган озиқ-овқатларини еб, қишни ўтказди, тўғри, кўмиб қўйган меваю балиқлари қишгача сасиб кетибди, шундай бўлсаям уларни зўрға ижирғаниб еб, қишдан чиқиб олди. Муҳаббат ойи охирлаб, баҳор яқинлашиб қолди, бир куни Домино қирдан ошиб ўтиб инига қайтаётиб, жирканч бир ёвузлик гувоҳи бўлди. У энди тажрибали тулки бўлиб қолди, тажрибали тулки эса ҳеч қачон қирнинг нарёғига бир қараб олмай туриб, ундан ошиб ўтмайди. Домино ҳам бир чўққидан авайлаб бошини кўтариб қараб, қўтонда тентакларча уёқ-буёққа чопаетган қўйларни кўрди. Қўйларни бир барзанги қора ит қувиб юрарди. Бу Доминонинг эски ғаними Гекла эди.

Домино қўтонда ўлиб ётган иккита-учта қўйни кўрди, ит яна бировини бўғизлаб ётқизди. Ит қўйларни битта-битталаб бўғиздан олиб ерга ётқизиб, ғажиб ташлади. Яралардан илиқ қон отилди. Сўнг, бошқа қўйларга ёпишди.

Домино қўрқувдан эмас, ҳайрат ҳам қизикқонликдан жойида қотиб қолди. Гекла навбатдаги қўйни қувиб бораётганда ўқ овози жаранглади. Ўқ ёвуз ҳайвоннинг боши узра учиб, қояга бориб тегди. Қонхўр ит тақдири нима бўлишини билиб, дарҳол жарга сакради, жар ичидан кўзга кўринмай, жон-жаҳди билан пусиб қочди. Энди унинг устидан ҳеч ким эгасига арз қилолмайди, чунки уни ҳеч ким кўрмай қолди.

Домино ҳам далани кесиб чопди, аммо шўри қисиб, кўзга чалиниб қолди. Қўйчўпон қўтонга югуриб келиб, қўйлар ўлигини кўрди, аммо итнинг изини кўрмади, чунки итнинг изларини қўйлар уёқдан-буёққа югуравериш топтаб ташлади. Балого Домино қолди. Шундоқ ҳам кўп қўйлар қирилиб кетиб, қўйчўпон тулки зотидан яниб, улардан ўч олиш учун ёвузона режа тузиб юрарди.

Аввал-аввал унинг ниятига жуда кам одам қўшилди. Март ойида эса яна бир нечта қўй-қўзиларидан ажралиб қолди. Шунда бировлар, машғум воқеа содир бўлган жойда итнинг изларини кўрдик, дейишди. Аммо кўпчилик бу тулкининг ишлари деб ўйлаб, тулки овлашга жон-танлари билан розилик берди. Улар бу ёвуз офат — ўша қора-қўнғир тулкидир, деган хулосага келди.

### XVIII. Оқсийнанинг халоскори

Шобан дарёсининг юқори оқимида яшовчи жамики аҳли эл оёққа турди. Тулкиларга қарши ялпи юриш бошланди. Одамлар қўйларини бўғизлаб кетаётган ёвуз тулкини йўқ қилиш овига отланди. Ёшлар бу овни қизиқарли спорт деб билди. Қора-қўнғир тулкининг ажойиб мўйнаси мукофотга қўйилди, бу барчанинг эътиборини тортди.

— Мўйнани ололсам, пулини нима қилишни ўзим билардим, — деди биров.

— Бир овда бутун фермамизга етадиган пул ишлаб олсак ёмон бўлмасди, — деди яна биров.

— Мен қора мўйнанинг пулига яхши бир жуфт от сотиб олардим, — орзу қилди яна бирови.

Жукслар оиласи бу овда иштирок этмади, чунки уларнинг бирортаям қўйи йўқолмаган, буёғи Бентонлар билан сози келмайди. Абнер Жукс бошқа бир ов билан машғул бўлди, унинг Гекла итиям эгаси нима қилса шуни қилди.

Америкалик фермерлар тулки ови вақтида уларнинг мўйналарини бузиб қўймасликка интилади. Шу сабабляям йигирмата овчи бор-йўғи бир гала ит эргаштириб овга чиқади. Март ойи эрталаридан бирида овга йўл олган овчилар ҳам шундай қилди.

Одатда, тулкилар ҳар йили янги ин қуради, борди-ю, эски инлари тинч, бехатар бўлса, ўша ёққа яна қайтиб ҳам кетади. Домино билан Оқсийнанинг тоғтерақлар орасидаги инлари ҳам шундай бўлиб, уларнинг ўта зийраклиги туфайли бу инни ҳамон ҳеч ким билмайди, шу боисдан ҳам март ойи келиши билан энди туғилажак бола-чақалари

учун ана шу эски инни тузатиб, рисолага келтира бошлади.

Эски инларини тузатиб бўлиб, уни бегона кўзлардан ниҳоятда эҳтиёт қилди. Уйларига авайлаб кириб, авайлаб чиқиб, ов қилсалар ҳам инларидан узокроқда ов қилди.

Ялли юриш бошланганда Оқсийна дарёнинг юқориғи оқимида тентираб юрарди. Итлар унинг изини олиб, шу заҳотийёқ ҳуришиб қувиб кетди. Одатда фермерлар итларининг кетидан чопмайди. Ов бошида теварак-атроф кўринадиган бир баландроқ жойга чиқиб олиб, ов қаерда бўлаётганини итларнинг ҳуришидан билиб туради, қулайроқ бирон-бир дўнглик ё адирлар оралигидаги торроқ ерга жойлашиб олиб, борди-ю, тулкилар ўтиб қоладиган бўлса, отишга шайланиб туради.

Овчилар ҳозир ҳам шундай қилди, итларининг ҳуришини эшитиб, улар қайси тарафга қараб кетаётганини билиш учун энг баланд бир жойга чиқиб олиб, отишга қулай ерлар танлади.

Оқсийна итларнинг овозини эшитибок гап ни мадалигини билиб олди ва пастлаб, Бентонлар сойига қараб чопиб кетди. Сойда синиб, юмалаб ётган дарахтлардан сойнинг гоҳ уёғига, гоҳ буёғига бориб келиб, итларни чалғитмоқчи бўлди, изларини йўқотиб, итлардан олисроқ кетиш учун жонжаҳди билан чопди. Қуруқчилик бўлганда-ку, излари аллақачон йўқ бўлиб кетарди. Пешонасига шу кун илик шамол эсиб, ердаги қалин қорлар эриб бошлади. Сой шовуллаб оқди, қор билчиллаб эриб, тулкининг оёқлари ботиб қолаверди. Итлар янгигина излар кетидан тушди. Итларнинг узун оёқлари билчиллаган қорда тулки оёқларидан яхшироқ юрди.

Оқсийна борган сайин секинлаб борди, итлар билан ораларидаги дастлабки олис масофа дақиқа сайин камайиб борди. У ҳали-ҳозирча овчиларнинг ўқига йўлиқмади, аммо қувғин шундай давом этаверса, йўлиқиб қолишини ҳам англади. Буёғи кун борган сари қизиб, қор янада эриди, думи шалпайиб, қорда судрала бошлади.

Тулкиларнинг думи уларга кўп фалокатлар олиб келади, думларининг қай вазиятда турганлигига қараб, уларнинг кучли тулкими ё кучсиз тулкилигини билиб олса бўлади. Кучли, довжорақ тулки қувғинга учраганида думларини юқориға кўтариб олади. Борди-ю, тулки тушкунликка тушиб қолса, унда, думи осилиб қолади, айниқса, ёгин-сочинчиликларда шалаббо ҳўл бўлиб, баттар шалпайиб




қолади. Сўнг сув ва лойлар илашиб, оғирлашиб қолади, оқибат, тулки яхши чополмай, қўлга тушиб қолади. Шу боисдан ҳам кучли тулки кўп яшайди, кучсиз тулки дарров қўлга тушади.

Оқсийна довюррак тулки эмас, деёлмаймиз, гап шундаки, қалин қор ҳаддан зиёд эрий бошлади, бундан ташқари, у яна бир-икки кундан кейин фарзанд кутаяпти. Шу боисдан ҳам яхши чополмай, думи осилиб қолаяпти. Буёғи етмагандай ингичка шох-шаббалар устидан тўлиб-тошиб оқаётган сойнинг нарёғига ўтишга мажбур бўлди. Утаётиб, тойиб кетиб сувга йиқилиб тушди. Сувдан кўп ўтмай чиқиб олди, аммо шалаббо бўлиб сувга ботиб, аҳволи ёмонлашди. Бор умидлари рўё бўлди. Ҳолдан тойиб, шу яқиндаги адирга етиб келди, жон аччиғи, бор овози билан йўқлаб увиллади. Шунда, узиб-узиб, дадил-дадил увиллаган акс садо эшитилди, кейин Домино шиддат билан ўқдай учиб келди. Оқсийна унга бошига не-не қора кун тушганини айтиб беролмади, айтиб нима ҳам қиларди. Домино шундай ҳам ҳамма гапга тушунди, энг яқин биродари қиладиган ишни қилди. Барча хавф-хатарни бўйнига олиб, Оқсийнани қувиб келаётган итларга қараб чопди. Домино бу иши билан ўзини-ўзи қурбон қилмайди, йўқ, у бор кучини йиғиб, итларни бошқа ёқларга илакиштириб олиб кетади. Шунда, итлар уни қувиш билан овора бўлади. Оқсийна эса бемалол уйига етиб олади.

## XIX. Жасорат синови

Шундай қилиб, Домино итлар тарафга ярим милча чопиб келиб тўхтади. Итлар галасигача жуда яқин, бор-йўғи уч юз қадамча қолди. Итлар янада яқин келди, ораларида энди икки юз қадамча қолди, Домино шундаям жойидан қимир этмади. Ниҳоят, кетига бурилиб, Оқсийнанинг изидан йўл олди. Аммо ҳамон шошмади. Нега? Ё итларнинг





қаёққа қараб чопаётганини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди, ё бўлмасам, ўзини итларга кўрсатмоқчи бўлди. Борди-ю, ўзини кўрсатмоқчи бўлган бўлса, ана, улар бир-бирларини кўрди. Итлар қулоқни қоматга келтириб вовуллади, Оксийнанинг изини ташлаб, ҳозиргина бир кўриниб ғойиб бўлган Доминонинг изидан қувиб кетди. Итларга ҳам тан бериш керак, чунки улар ҳозиргина бир тулки юрган жойда бошқа бир тулкининг ҳидини сезиб қолиб, гарчи бу аввалги урғочи тулки эмас, балки забардаст бир эркак тулки эканини билса-да, барибир эркагининг изидан қувиб кетди. Кўнгил майллари шуни буюрди.

Домино аввал-аввал итлар унинг кетидан келаётганини билиш учун аста-аста чопди. Итларга атайин яна бир марта кўриниб, улар ҳақиқатан ҳам уни қувиб келаётганига ишонч ҳосил қилди. Шундан кейин итларни Оксийна уйига қайтаётган йўлдан бошқа тарафга буриб олиб кетди.

Домино очиқ бир ерни кесиб ўтаётиб, овчилар дурбинига тушиб қолди. Овчилар итлар қора-қўнғир тулкини қувиб келаётганини кўриб, ўзларида йўқ хурсанд бўлди. Улар бу ерларни, унинг ҳар бир сўқмоғини жуда яхши билади. Шу вақт ўқ овози гумбурлади. Домино танасида ўткир бир оғриқ сезди. Биқинига сочма ўқ келиб тегди, унчалик катта яра қилмади, аммо анча оғритди. У овчиларнинг ўзини кўрмади, аммо кимлар билан олишаётганини билиб қўйди.

Домино ҳозир далани кесиб чопади, деб ўйлаш мумкин, аммо у ундай қилмади, энди қандай қилиб бўлсаям юқорилаб чопиш лозимлигини тушуниб етди. Уч милча йўл босиб, далага қараб кескин бурилди ва темир йўл ёқалаб олти милча чопиб борди. Темир йўл милидан ўтиб, яна бир милча йўл босиб, итларни орқада қолдириб кетди. Сўнг, темир йўл бўйлаб яна мил олдига қайтиб келди, мил ёнидаги шох-шаббаларни оралаб, бошқа ёққа қараб кетди. Изларини ана шундай чалкаштириб ташлаб, бемалол уйига йўл олди, ҳолдан тойиб, яраси зирқираб оғриди, аммо думини ғолибона кўтариб чопди.

У Шобан дарёсининг юқори оқимидан чопиб ўтди, қорни очиб, бекитиб қўйган овқатларини топиб ейиш учун ўрмонга бурилди, бирдан яна итлар овозини эшитиб, юрагини ваҳима босди. Адирни айланиб ўтиб, олдингилардан бутунлай бошқа ўттизтача итлар галасини ва уларнинг изидан келаётган отлиқ овчиларни кўрди. Итларнинг қаҳр-





ли вовуллашига қараганда улар аллақачон унинг изидан қувиб келаётганга ўхшайди. Бошқа пайт бўлганда итлардан аллақачон қутулиб кетарди, афсуски, ҳозир кучлар баравар эмас.

У чарчади, у очқади, соатлаб югуравериб, оёқлари зир қақшади, яраси ёнди, у дам олгиси келди. Бу чинакам, милтиқсиз ов бўлди, мўйна учун эмас, тулкини итга талатиш ови бўлди. Уни бу сафар қувиб келаётганлардан бутунлай қочиб қутулиб кетиш учун бор кучини сарфлаб чопмаяпти, деб бўлмайти.

Домино бу адирларни унча яхши билмайди, чунки бу адирлар у юрадиган ерлардан хийла олисда жойлашган бўлиб, буёқларга унинг йўли тушмаган. Ҳозиргина юрган адирлари бир неча миль кейинда қолиб кетди, билади, ўша адирлар орасида милтиқли овчилар бор, улар итларининг хизматидан хурсанд бўлаяпти. Домино шунча қувғинларга дучор бўлиб, ҳозиргидай кам ҳийла ишлатиб, кўп куч сарф қилиб, шиддат билан югурмаганди. У соатлаб югуриб, бир адирдан иккинчи адирга ошиб ўтди.

Кун тобора қизиди, ўрмондаги қорлар эригандан-эриб, ер шилта лой бўлди. Зовурлар муздай совуқ сувга тўлди. Жилғалар тошиб оқди. Ҳатто тошдай музлар устида ҳам кўлмаклар ҳосил бўлди. Доминонинг жасурлик байроқчаси бўлмиш пахмоқ думи балчиқ сувда шилта бўлиб, оғирлашиб осилиб қолди.

Домино яна аввалгидай итларни сулайиб қолгунича югуртирмоқчи бўлди, аммо бу сафар кеч киршини кутди. Тун совуқ олиб келади, совуқ эса қор устини қатқалоқ қилади. Кейин у ўз тақдиридан хотиржам бўлса бўлади.

У ҳамон адирлар оралаб чопди. Беқиёс шиддати ярим баравар пасайди, итлар ҳам ҳолдан тоя бошлади. Қор ва тошиб оқаётган жилғалар овчиларнинг ҳолдан тойдириб қўйди. Фақат итларнинг эгаси билан Абнер Жукс деган новча бола ҳали бардам бўлиб, қувишда давом этди. Овчилар орасида фақат ана шу Абнергина қувиб бораётган тулкилари бу ўша Голдер адирларининг қора-қўнғир тулкиси эканини билади.

Борган сайин итларнинг қўли баланд келиб, Доминога яқинлашиб қолди. Домино энди изини чағгита олмай, тўғридан-тўғри чопишдан бошқа иложи қолмади. Тўғрига, фақат тўғрига чопди, аммо қадамлари тобора торайиб, секин-аста чопди, ҳаллослаб-ҳаллослаб нафас олди. У фермадан-бу фермага ўтиб чопди, учинчи фермага келганда дарвоза олдида саватча ушлаб турган бир қизалоққа кўзи тушди.

Жон талвасада қолган ёввойи ҳайвонларни одамзотдан паноҳ сўрашга нима ундайди, буни билиб бўлмади. Ҳозир ҳам шундай бўлди, Голдер тулкиси ҳолдан тойиб, қизалоққа сиғинди, унинг оёқларига суйкалди. Қизалоқ тулкани кўтариб олиб, уйга олиб кирди, жазава билан чопиб келган итларнинг тумшугига шарақ эткизиб эшикни ёпди.

Итлар жазаваси тутиб акиллади.

Отлиқ овчилар, кетидан ферма хўжайини етиб келди.

— У бизнинг тулкимиз, итларимизнинг тулкиси. Чунки итларимиз уни шу ерга қувиб келиб қамади, — деди бош овчи.

— У менинг уйимда турибдими, демак, у менинг тулким, — деди фермер, қизил лойга беланган бу қочоқ тулки машҳур қора-қўнғир тулки эканлигини билмасдан.

Фермер кўп товуқларини йўқотиб, тулкилардан хўп озор чеккан бўлса-да, бу тулкани олиб қолишга унчалик ҳам иштиёқманд бўлмади, боиси унинг мўйнаси бузилиб, қимматини бутунлай йўқотиб қўйгандай туюлди.

— Майли, сизники бўлса, ола қолинг, — деди у ниҳоят.

Шунда қизалоқ йиғлаб юборди.

— Уни берманг, уни берманг, у менинг тулким! — қичқирди қизалоқ. — Уни ўлдиришга ҳаққингиз йўқ!

Фермер ўйланиб қолди.

— Биз унга ёмонлик қилмаймиз, — тинчлантирувчи оҳангда гапирди овчи. — Биз унинг бу ерлардан олисроққа кетишига ёрдам берамиз.

Фермер кўрмайин ҳам, куймайин ҳам дея кетиб қолмоқчиам бўлди. У жон сақлаш учун паноҳ излаб келган бечора жониворни унутиб ташлаб кетгиси келди, аммо: «Ҳаққингиз йўқ, ҳаққингиз йўқ! У менинг тулким! Ота, ота дейман! Улар уни ўлдириб қўяди! Ота дейман!» — дея гўдакона ялиниб-ёлвораётган қизалоғини ташлаб кетолмади.

Қизалоқнинг гўдакона илтижоси отасининг ҳам, овчиларнинг ҳам кўнглини ўйиб юборди.

## XX. Дарё билан тун

Овчилар барибир Доминони олиб кетди, «қонуний» чорак милни чопиб ўтсин дея яна қўйиб берди. Шундоқ ҳам азоб чеккан тулки изидан «адолат юзасидан» ўттизтача бақувват итни қўйиб юборди! Дарани яна итлар овози босди. Домино



яна қалин ва шилта қор оралаб чопди, анча ўзиб ҳам кетди.

У Бентонлар сойи ёқалаб кетган узун дарадан чопиб ўтди, адир ёнбағри бўйлаб юриб, чўққиларидан ҳам ошиб ўтди, энди орқасига қайтмоқчи бўлиб эди, шунда, ўша лаънати Гекла бир ферма ҳовлисидан отилиб чиқиб, уни қувиб келаётган итларга қўшилганини кўриб қолди. Новча овчи Геклани хушчақчақ ҳайқириқ билан кутиб олди. Фанимлари учинчи бир янги куч билан бойиди, Домино энди улардан қандай қилиб қочиб қутулади? У энди ёлғиз бир нимадан умид қилди: тезроқ кеч бўлса, кеч бўлгандаям совуқ бўлса.

Афсуски, кечга бориб ҳаво илиқ бўлди. Шобан дарёси куни билан эсган илиқ шамолдан қирғоқ-қирғоқларигача тўлиб-тошиб оқиб, қудратли ва кенг гирдобларида музларни тарсиллатиб ёриб, ғарбга қараб оқизиб кетди.

Кун сув юзлари узра алвонланиб-алвонланиб бота бошлади, ловуллаб ёнаётган алвон уфқлари бир кунлик ҳаётнинг рамзий якуни бўлди. Аммо итлар ҳам, овчилар ҳам кунботар чиройидан завқ олиш учун тўхтамади. Улар олға, фақат олға интилди.

Итлар ҳаллослаб, тиллари ерга теккудай осилиб қолди, кўзлари қонга тўлди. Итларнинг олдида тўсатдан келиб қўшилган бақувват махлуқ Гекла чопди, ундан ҳам олдинда қора-қўнғир тулки чопди. Тулкининг момиқ мўйнаси ифлос бўлди, пахмоқ думи балчиққа беланиб, судралиб юрди, қонталаш бўлиб кетган оёқларидан қонли излар қолди.

Домино умри бино бўлиб бундай чарчамаган эди. Шунга қарамай бир амаллаб тош карнизга олиб борадиган сўқмоққа тушиб олди. Унинг ини айнан шу сўқмоқ ёқасида эди. Шу сабаблиям кўнглининг туб-тубидан бир нидо «уёққа борма», деди. Аммо Домино бошқа борадиган жойи йўқлиги учун ноилож қолиб, шу сўқмоқдан йўл олди. Сўнги куч-қудратини тўплаб, шиддатли Шобан дарёси бўйлаб чопиб кетди. Хиёл ўтмай, яна аввалгидай тезликда чопиб бошлади, шундай тезкорликда чопарверса ҳадемай қутулиб кетарди, аммо яна ўша барзанги Гекла итлардан ўзиб етиб келиб қолди.

Домино қояга яқин қолганда Гекла вовуллаб ҳурди. У итнинг даҳшатли, темир овозини дарров таниб, бўшашиб қолди. Энди унинг қояга борадиган йўли ҳам ёпилиб, ботаётган кун нурида шовиллаб оқаётган дарё ёқалаб изига қайтишга мажбур бўлди. Бор умидлари барбод бўлди, шундай бўлса-да, тўхтовсиз чопди, гавдаси олдинда уёқдан-буёққа



чайқалиб, гира-шира қорайиб кўриниб чопди. Унинг жони ҳалқумига келди, аммо ҳаёт учун курашди.

Овчилар орқада қолиб кетди, новча овчи бир ўзи қолиб, Доминони қувиб келаверди. У билди, тулкининг куни битди, ботаётган қуёш нурида кўз-ни қамаштираётган қорда чопиб бораётган иккита қора нуқтадан қолмай от қўйиб бораверди.

Доминонинг қулоқлари остида итларнинг танганали ҳуриши жаранглаб турди. Унинг тинка-мадори қуриди. Унинг ғурури ва чиройи бўлмиш пахмоқ думи энди ҳавода ҳилпирамай қўйди, ҳўл ва оғирлигидан шалпайиб, ерда судралиб қолди. унмаётган қадамини баттар ундирмади. Итлар ғалаба яқинлигини кўриб, жон-жаҳдлари билан ҳуриб чопди.

Домино шунда... ҳай аттанг-а!.. Домино шунда дарёга ярим орол тарзида кириб борган нишабликдан йўл олди. Бу тузоқ деган гап эди. Ҳа, дарё уни йўлдан урди. Итлар ғаласи етай-етай деб қолди. Ҳаммадан олдинда қаҳр-ғазаб билан бўғилиб ҳуриб, Гекла елиб келди. Домино кетидан акиллаб қувиб келаётган итлар ғаласига, сўнг музларни оқизиб оқаётган кенг дарёга қаради. Орқада ажал келаяпти, олдинда ажал қараяпти. Бундай вақтда ожизлар руҳан чўкиб, нобуд бўлади, зўрлар дадил бўлиб, олишади.

Гекла бошлиқ акиллак итлар нишабликка етиб келиб, ундан ўқдай учди. Тоғтерак соҳилли дарё ҳайқириб оқди. Итлар дарё соҳилини дарё ичидаги музлар каби қоплади. Дарёдаги муз бўлаклари тобора зич бўлиб оқди, бориб-бориб бир яхлит бўлиб, қарс-қурс қилиб қирғоққа келиб урилди. Ана шунда Домино унча-мунча тулкининг юраги дов бермайдиган бир иш қилди. У аввал итларга, кейин музга қаради, сўнг... музга сакради. Узини муз устида кўриб, у муз бўлагидан бу муз бўлагига сакраб юрди.

Шунда тирбанд муз кўчкилари синиб, яна оқа бошлади. Кўчкилар билан соҳил ораси очилиб, тобора кенгайиб борди. Домино дарё ўртароғида оқиб бораётган муз бўлаги устида худди оппоқ эгарда ўтиргандай чўнқайиб ўтириб оқди. Қаҳр-ғазабга тўлган итлар нима қилишини билмай, соҳилда туриб қолди. Гекла ўзини тутолмай музлар устига ўзини отди, аммо ғаними чиқиб олган муз алақачон ажралиб, олислаб кетди. Тезоқар, бешафқат дарё ит сакраб тушган музнияи оқизиб жўнади. Шундай қилиб, қочиб бораётган тулки ҳам, қувиб келаётган ит ҳам ажал сари оқди. Улар

ботаётган кун ёруғида оқди, бир тўда ит билан отлиқ бола соҳил ёқалаб уларнинг изидан чопди.

Шунда қаердандир, қандайдир бир фермер келиб қолиб, тулкини отмоқчи бўлиб нишонга олди, ammo новча бола унинг қўлидаги милтиқни уриб туширди ва ўзидан-ўзи: «Ур-а-а!» деб қичқириб юборди. Итлар ногоҳ овоздан ажабланиб қолди.

Дарё бурилиб, Харней шаршарасига яқин қолганда кенг ёйилиб оқди, ана шунда музлар тезкорлик билан оқди. Новча бола билан итлар тўхтаб, алвон уфққа, иккита жониворни оқизиб кетаётган сермуз, қирмизиранг дарёга тикилиб қолди. Тўлиб-тошар дарё узра туман пайдо бўлди, куннинг сўнгги нурлари туманни ёриб ўтиб, дарёни, ундаги музларни ва қора-қўнғир тулкини олтин рангга беллади, бора-бора алвон нурлар сўниб қолди.

Довжурак тулкимиз олис муз устида ажалга тик боқиб оқди, миқ этган овоз бермади. Айни вақтда шамол ажал гирдобида оқиб кетаётган Гекланнинг аянчли увиллашини соҳилга олиб келди.

— Алвидо, биродар! — деди овчи бола. — Алвидо, бебаҳо итим! — боланинг овози бузилди. — Алвидо, қора-қўнғир тулки! Сен ғолибларча яшадинг, ғолибларча ўлаяпсан! Мен сизларни қутқариб қолсам дегандим, ammo бўлмади, сизлар мардларча ўлаяпсизлар, алвидо энди!

Абнер ҳеч нима кўрмай қолди. Соҳилдаги итлар зир қақшаб ғингшиди.

Оқим нариги соҳил яқинида кенг гирдоб ҳосил қилди. Гирдоб музларни айлантриб-айлантриб, дарё ўртасига суриб юборди, дарё ўртасидаги музларни эса соҳилга олиб келди. Домино ана шу вазиятдан фойдаланди, бор кучини тўплаб, соҳилга сапчиди. Қоп-қора оқимдан ошиб, ерга бориб тушди. Дарё уни ёшлигидаям балойи офатлардан асраб юрарди, мана, яна асраб қолди.

Кейинда шиддат билан оқиб келаётган муз бўлаклари орасидан Гекла ўлим талвасасида узиб-узиб увиллади. Итнинг увиллашини сувнинг шовиллаши босиб кетди.





I

Жо Калон эгарни ерга қўйиб, отга эрк берди-да, шпорларини жингирлатиб уйга кирди.

— Тушлик нима бўлди? — сўради у.

— Яна ўн етти минутдан кейин, — жавоб берди ошпаз, станция бошлиқлари каби соатига жиддий қараб. Ошпаз оғизда жуда тайин гапирар, амалда эса бетайин эди.

— Хўш, Перикода ишлар қалай экан? — сўради ўртоғи Скрат.

— Зўр! — деди Жо. — Гала яхши, тойлар кўп. Мустанглар<sup>1</sup> галасиниям кўрдим, Жайрон булогига сувлагани борар экан. Ичида иккита тойчоғиям бор. Жажжи, қоп-қорагинаси туғма йўрға экан. Икки милгача қувиб борсам ҳам оёқлари ақалли бирон мартаям чалишмади-я. Эрмак учун жўртга яна қувдим, у барибир йўрғасидан адашмади!

— Йўл-йўлакай қиттай отиб олмадингми? — ўс-моқчилаб сўради Скрат.

— Ҳамма гапирсаям сен гапирмасанг бўларди, Скрат! Утган сафар тўрт оёқ бўлиб эмаклаган ким эди? Сен эмасмидинг?

— Тушлик қилинглар! — жар солди ошпаз. Гап бўлиниб қолди.

Ковбой<sup>2</sup> эртасига ўзга яйловларга ўтиб кетди. Шу билан ёввойи отлар ҳамманинг эсидан чиқиб кетди.

Келаси йилиям галани Нью-Мексика штатининг ана шу яйловига ҳайдадилар. Ковбой ўша ёввойи отлар галасини яна кўрди. Уша қора тойчоқ адл оёқли, кенг сағринли от бўпти.

Ковбойлар кўпчилик бўлиб назар солиб, қора от чиндан ҳам туғма йўрға эканига ишонч ҳосил қилди.

<sup>1</sup> Ёввойи от.

<sup>2</sup> Отлиқ подачи.

Жо ҳам шу ерда бўлиб, унинг хаёлига, шу отни ушлаб олсам зиён қилмасди, деган фикр келди. Шарқий штатда яшовчи одамлар шундай ният қилса ажабланмасаям бўлади, аммо от арзон Ғарбда ёввойи отларга ҳеч ким эътибор бермайди. Аввало, уни ушлаш осон эмас, борди-ю, ушлаган тақдирда ҳам ёввойи от умрининг охиригача саркаш, бесамар, ёввойилигича қолади.

Кўп подачилар ёввойи отларни отади. Боиси, улар нафақат яйловларни тепкилаб, булғаб кетади, яна тагин уй отлариниям йўлдан уриб, эргаштириб кетади. Оқибат, уй отлариям тез орада ёввойилашиб қолади.


Жо Калон отни, унинг феъл-атворини бинойидай билади. У шундай дейди:

— Мен ҳалигача ювош эмас бўз отни кўрганам йўқ. Асов эмас тўриқниям кўрмадим. Агар қора тўриқни яхшилаб миниб ўргатса, ундан барака топса бўлади. Аммо-лекин қора от эшақдай ўжар, итдай қаҳрли келади. Қора отда тирноқ бўлса, арслонниям гумдон қилади!

Демак, ёввойи от бутунлай фойдасиз ҳайвон, қора ёввойи от ундан ҳам ўн баравар фойдасиз экан.

Жо шу йили бирон ишнияма амалга оширолмади. Боиси, у оддий галачи бўлиб, ойига йигирма беш доллар олар, бекор вақти жуда оз эди.

У кўпгина ковбой ўртоқлари каби қачондир ферма сотиб олишни, шунингдек, ўз хусусий галаси бўлишини орзу қиларди. Унинг Сант Феда рисолага солинган тамғаси бор, у яккаю ягона қорамолининг сағрисиға босилган эди. Кейинчалик Жо ўз тамғасини ҳар қандай тамғасиз ҳайвонларга босиш ҳуқуқига мушарраф бўлди. Кузда ҳисоб-китоб қилиб кўриб, «шаҳарни айланиш» истагидан ўзини тиёлмади. Шу боисдан ҳам унинг бор-йўғи эгар, тўшак ҳамда қари сигирдан иборат бўлиб қолди. Бироқ у тушкунликка тушмади, қачонлардир «бирор нарсани амалга ошириб» бирдан бойиб кетаман, деб юрди. Қора йўргани кўргач, шу менга бахт келтиради, деб ўйлади, уни қўлга олиш учун қулайроқ пайт пойлади.



Бироқ Жо Канада дарёси бўйлаб йўлида давом этиб, кузда Дон-Карлос дўнгликларига қайтиб келди. Гарчин, ёввойи йўрға ҳақида кўп эшитиб юрсада, лекин ўзини кўрмади. Бу орада икки ёшлик қора йўрғанинг донғи ўлкага кетди.

Жайрон булоғи юза ялангликдадир. Булоқ оқиб бориб, тевараги қиёқ ўтлар билан ўралган майдагина кўлга айланади. Кўл суви озайганда гир айланасида лойнинг тилим-тилим қоп-қора, йирик тасмалари қолади, айрим ерларида оппоқ туз доғлари ялтираб туради, чуқур жойида эса оқмасада, ичса бўладиган тоза сув қолади. Яқин атрофда шу човуздан бошқа сув йўқ. Ҳамиша моллар ҳамда уй отлари ўтлайдиган ана шу яланглик қора тойчоқнинг кўнгил қўйган яйловига айланди. Яйловда асосан «л, ф» ҳарфлари айқаш тамғаланган моллар ўтлайди.

Ушбу ферма соҳиби Фостер жуда уддабурон одам. У яйловда зоти яхшиланган уй ҳайвонлари боқилса, кирим кўпайишини яхши билади. Унинг қарамоғида ўнлаб улкан, пишиқ танли, оҳу кўз чалазот байталлар бор. Сержун отлар уларнинг олдида ғариб жониворлар бўлиб қолади.

Ана шу хушқомат байталларнинг бирови кундалик юмушлар учун ҳамиша отхонада қолади, қолган тўққизи тойчоқларини эмизиб бўлиб, ўз эркида ўтлаб юради.

От ҳамиша серўт яйловни топади. Тўққиз байтал ҳам ўз фермаларидан йигирма миль жанубдаги Жайрон булоғини топдилар. Ёз келиб, Фостер бир ўртоғи билан байталларни қидириб топди. Байталлар орасида кўмирдай қоп-қора той юрарди. Той байталларни гир айланиб, уларга ҳомийлик қилар, айна вақтда ҳеч қаёққа кетгани қўймасди. Тойнинг қоп-қора тани байталларнинг олтинранг танасидан кескин ажралиб турарди.

Ювош феълли байталлар эгаларидан кўрқиб, ўз фермаларига қочиб қолмоқчи бўлди. Шунда, бирдан қора тойчоқнинг қаҳри келди. У ёввойи феълени байталларга ҳам юқтирди шекилли, байталлар фермадан келган бесўнақай отларни ҳийла кейинда қолдириб, қора тойнинг кетидан чопиб кетди.

Бу воқеа отличларнинг қонини қайнатиб юборди. Улар «лаънати той»ни отиб ташлаймиз, дея қўлларига қуроладди. Бироқ тўққиз байтал орасидан битта тойнинг ўзини қандай қилиб отиб бўлади, ўқ байталларга тегиб кетмайдими?

Узун кун бесамар ўтди. Ёввойи йўрға, ҳа, ўша



йўрға ўз паноҳидагиларни қўйиб юбормади, улар билан жанубий қум тепаликлар аро кўздан ғойиб бўлди.

Таъби тирриқ бўлган галачилар ўз омадсизликлари айбдоридан ўч олишни кўнгилларига тугиб қўйиб, ҳолдан тойган отларида уйларига жўнади.

Улар, байталлар ҳадемай худди ўша тойдек ёввойилашиб кетишини жуда яхши биларди.

Қоп-қора ёлли, кўк кўз улкан қора от бутун ўлка бўйлаб зўравонларча кун кечирди, турли-туман жойлардан байтал ҳайдаб келиб, ўз сафини кучайтирди, галасини кам деганда йигирма бошга етказди.

Ёввойи йўрғага эргашиб келган байталларнинг кўпи ғариб, абгор бўлиб, зотли тўққиз байталгина ўзларининг бўй-басти билан алоҳида ажралиб туради.

Ёввойи йўрға галани шундай иштиёқ ҳамда рашк билан қўриқладики, галага қўшилган ҳар қандай байтал умрбод кетолмайдиган бўлиб қолди. Галачилар ўз ўлкаларига келиб қолган бу ёввойи йўрға ҳали кўп зиён-заҳматлар келтиражагини пайқаб қолди.

## II

Бу воқеа 1893 йилнинг декабрида бўлди. Фермага келиб тушдим-у, йўловчи соябон аравада Канада дарёси бўйидаги Пиньяветитосга жўнадим.

Фостер мен билан хайрлашаётиб, шундай деди:

— Менга қаранг, борди-ю, лаънати йўрғага дуч келиб қолсангиз, аямай отиб ташланг.

Ёввойи йўрға ҳақида илк бор эшитган гапим шу бўлди, йўлда эса йўлбошловчим Бернсдан йўрғанинг кечмишини билиб олдим. Донғи кетган йўрғани жуда-жуда кўргим келди, эртасига Жайрон булоғига бориб, ҳафсалам пир бўлди, сабаби, у ерда йўрғанинг ҳам, галанинг ҳам дараги йўқ экан.

Аммо эртаси куни Аламозо дарёси орқали яна тепалиқдор ялангликка келганимизда, олдинда бораётган Жек Бернс бирдан отининг бўйнига энгашиб олди, менга ўгирилиб, шивирлади:

— Қуролингизни олинг! Ана айғир!

Мен қуролимни қўлимга олиб, олдинга интилдим. Пастдаги сойликда отлар галаси ўглаб юрибди, улкан қора йўрға гала ёнида турибди.

Қора йўрға бизнинг ҳавомизни олди шекилли, сергак тортди. Аввал бошини, кейин думини кўтарди, бурун қатаклари кенгайди.

Кўзимга йўрға отларнинг оти, даштларда чопиб юрган жамики отларнинг сараси бўлиб кўринди, шундай ноёб жониворни нобуд қилиб, бир тўда маслиққа айлантиришга кўнглим бормади.

Жек ҳадеб вақтни бой бермасдан тезроқ отишимни тайинлади, мен атайин имиллаб туравердим.

Сержаҳл ҳамроҳим имиллаётганим учун мени койиди, Зардали тўнғиллаб: «Буёққа беринг қуролни!» дея уни тортиб олмоқчи бўлди, мен милтиқнинг оғзини осмонга қаратдим, у гўё тасодиф оқибатидек ўқ еб кетди.

Гала бир сесканиб тушди. Қора йўрға кишнади, пишқириб, галани бир айланиб чопди. Байталлар тўдалашиб, чанг-тўзонлар ичра кўздан ғойиб бўлди.

Айғир галанинг гоҳ у, гоҳ бу ёнидан чопиб, байталлар кейинда қолиб кетмаслигини назорат қилди.

Йўрға кўздан ғойиб бўлгунча ундан кўз узмадим, унинг йўрға оёқлари бирон мартаям чалкашмади.

Турган гап, Жек менинг, қолаверса, милтиғимнинг, йўрғанинг номига кўп нордон гаплар айтди, мен унинг гапларидан завқ олдим, зўр қувонч билан қора йўрғанинг чиройи ва қудрати ҳақида хаёл суриб қолдим.

Йўқ, қандайдир бир байтални деб шундай йўрғанинг ялтиллоқ терисига доғ туширгим келмади!

### III

Ёввойи отларни ушлашнинг бир нечта хиллари бор. Шулардан бири от устидан ўқ бўшатиб, уни бир нафас гангитиб қўйиш, вазиятдан фойдаланиб бўйнига сиртмоқ солишдир. Буни «отни бўйин эгдириб олиш», дейдилар.

— Гапир-а! Ўқ еган юзлаб отларни кўрдим, бари қир ошиб қочиб кетди, биронтаям «бўйин эгган» мустангни кўрмадим.— Эътироз билдирди ёввойи Жо.

Гоҳида, шароит тақозо этганда галани қорага ҳайдаса ҳам бўлади, агар отлар яхши бўлса галани қувиб етса ҳам бўлади, аммо, бир қараганда иложи йўқдай туюладиган яна бир йўли бўлиб, бу мустанг «тинчиди» йўли, яъни, уни ҳолдан тойгунча қувиб бориш йўлидир.

Йўрғалаганда оёғи умуман адашмайдиган айғирнинг донғи кун сайин ошди. Унинг эпчиллиги, йўрғаси, чайир табиати хусусида кўз кўрмаган саргузаштлар гурунги бўлди.

Учбурчак фермасидан бўлмиш Монтгомер чол Клейтондаги Уэлс қаҳвахонасида кўпчилик олдида, агар шу гаплар чин бўлса, унда, шу айғирни ким аравага босиб олиб келса, минг доллар бераман, деди. Бунни эшитган неча ўнлаб ёш ковбойлар ўз хўжайинлари билан тузган шартнома муддати тугаб, қўл бўшади дегунча, ўз бахтларини синаб кўришга аҳд қилди.

Еввойи Жо барчани доғда қолдирмоқчи бўлди. Вақтни бой бермай, хизмат муддати тугамаган бўлса-да, туни билан овга шайланди.

Бир ўртоғидан қарзга пул олиб, йигирма бош яхши отни, ошхонали аравани керакли аслаҳа-анжомлар билан таъминлади, ўзи, ўртоғи Чарли ҳамда ошпази учун икки ҳафталик озиқ-овқат жамлади.


Улар бу ғаройиб, енгилоёқ йўрғани «тинчителиш» ни қатъий аҳд қилиб, Клейтондан жўнаб кетди. Сафарларининг учинчи куни Жайрон булогига етиб келди, тушга яқин галаси билан сувлагани келган қора йўрғани кўриб, ажабланмадилар ҳам.

Жо бекиниб, гала сувлаб бўлгунча қорасини кўрсатмади, сабаби, сувсаган от яхши чопишини, сувлаб, оғирлашиб қолгани ёмон чопишини яхши билади.

Шундан кейингина Жо пистирмадан чиқиб, олдинга юрди. Булоққа ярим милча қолганда мустанг сергак тортди, галасини жанубий шарқдаги бутазор тоғ ёнбағирларига бошлаб кетди. Жо гала кетидан яланг оёқ бўлиб чопиб, уларни яна бир бор кўрди, қайтиб келиб, аравакашлик қилувчи ошпазига жанубга, Аламозо дарёсига жўнашни буюрди. Узи яна жануби-шарққа отланиб, гала изини олди.

Икки милча юриб, яна галани кўрди. Оёқ учида отларга яқин борди. Бироқ улар яна ҳадик олиб, қочиб қолди. Кун шундай ўтди.

Гала ҳалқа бўлиб, жанубга юриш қилди, кун уфққа оққанда худди Жо кутганидек Аламозо дарёси яқинига келиб қолди. Жо уларни яна бир марта





хуркитиб, аравасига қайтиб келди, дам олаётган ўртоғи отда галани қувишда давом этди.

Арава кечки таътилдан кейин Аламосонинг олдиндан келишилган юқори кечуви бўйлаб юрди, Жо шу ерда тунаш учун жойлашиб олди.

Чарли бўлса галани қувишда давом этди. Ёввойи отлар олдингидек узилиш қочмади, чунки қувиб келаётганларнинг ҳужум қилмаслигига фаҳми этди, оқибат, бора-бора ўз таъқибчиларига кўникиб қолди.

Қош қорайганда галани пойлаш янада қулай бўлди, боиси, улар орасида бир оқ байтал бўлиб, у қоронғида оппоқ бўй бериб турарди.

Осмонда ой балқиди. Чарли қайси йўлдан юришни оти ихтиёрига қўйиб берди, ўзи галани эътибор билан кузатиб борди.

Оппоқ байтал бўй бериб юрди.

Охир-оқибат, зим-зиё тунда ҳеч нима кўринмай қолди. Шундан кейингина Чарли отидан тушиб, устидан эгарни олди, отни ўтлагани қўйди, ўзи аёлга ўраниб, кўп ўтмай уйқуга кетди.

Тонг оқариши билан Чарли йўлга равона бўлди, ярим милча йўл босиб, ғира-ширадан оқ байталга, кейин галага кўзи тушди. Йўрға Чарлини кўриб, шиддатли кишнади, гала яна елиб кетди.

Йўрға биринчи дуч келган доводда оёқ илди, тинимсиз таъқиб этаётган ким эканини билиш учун кетига бурилиб қаради. Нима гаплигини билди, яна толмас, равон, йўрға қадамлар отиб олға галпинди, галани йўлчи юлдуз мисол олға чорлади.

Отлар ғарбга йўл олди, яна кўп қочиш-қувишлар, юзма-юз келишлар, яна қочишлардан сўнг ҳиндулар пойлоқчилик қиладиган тик дўнгликка келиб қолди. Бу ерда уларни Жо пойлаётган эди.

Чарли дўнгдан кўкка ўрлаган узун, ингичка тутундан дам ол, деган ишорани тушунди. У ҳам чўнтак ойнасини тутиб, жавоб хабарини берди. Жо дам олган отларда таъқибни давом эттирди, Чарли тамадди қилиб, дам олди, сўнг Аламосо оқими бўйлаб юқорилади.

Эртаси куни Жо узун кун галани таъқиб этди, уларни арава бораётган улкан ёймада ушлашга уринди. Кунботарда бир кечувга етиб келди, бу ерда Чарли уни тетик отлар, тамаддилар тайёрлаб, кутиб турган экан.

Жо кечи билан, ҳатто кечасиям бамайлихотир таъқиб этди, афтидан, гала беозор таъқибчиларига янада ўрганиб қолди шекилли, уларни пойлаш жуда осон бўлиб қолди. Бундан ташқари ҳорғинлик ҳам



таъсир қилди. Маза ўтли яйловлар қаерлардадир қолиб кетди. Улар таъқибчи отлар каби сомон емадилар. Устига-устак мунтазам давом этаётган асаб таранглиги ҳам ўзини кўрсатди. Асабий таранглик ёввойи отларнинг иштаҳасини бўғиб қўйди, аммо тез-тез сувсай бошладилар.

Таъқибчилар отларга тез-тез, тўйиб-тўйиб сувлаш эркини берди. Боиси, сув ичган от чопишда қийналади, оёқлари ёғочдай қотиб қолиб, нафас олиши қийинлашади. Буни яхши билган Жо отини суғормади. Шу сабаблиям ҳолдан тойган гала яқинида тунагани оёқ илганларида ўзиям, отиям ҳали анча тетик эди.

Тонг ёришганда Жо галани осонгина қидириб топди. Улар аввал-аввал қочди, сўнг, одимлаб юрди. Таъқибчилар деярли қолиб келди, чунки бундай олишувда гала ҳали ҳоримаган дастлабки икки-уч кун уларни кўздан кечирмаслик керак эди, пойлоқчилар эса бунинг уддасидан чиқди.

Жо эрталаб галани кўздан қочирмай, доимо уларнинг яқинида бўлди. Соат тўққизларда Хозе тоғида Чарли билан ўрин алмашди. Шу куни гала бор-йўғи тўрт милча илгарилаб кетди, қадамларида олдинги ғайратдан асар ҳам қолмади.

Кечқурун Чарли дам олиб ётган отга миниб, кувишда давом этди.

Эртаси куни галанинг боши эгилиб қолди, қора йўрға ҳар қанча олға чорламасин, таъқиб этиб келаётганлар билан ораларидаги масофа баъзан юз қадамгача қисқариб қолди.

Тўртинчи-бешинчи кунлар ҳам шундай ўтди. Гала яна Жайрон булоғига яқин келди. Ҳаммаси кутилгандай бўлди: гала кенг доира ясайди, айғир эса унинг ичида юради.

Ёввойи отлар булоққа жуда чанқаб келади, овчилар бўлса тетик отларда, кўтаринки кайфият билан келади.

Шу кунлари кечгача галани сувга йўлатмади, сўнг, Жайрон булоғига ҳайдаб, тўйиб сувлатди. Ана энди кўпни кўрган ковбойлар тетик ва тўқ отларда юриб, сиртмоқни ишга солади, чунки сув ичган отларни ушлаб тушов солиш осон бўлади.

Ишлар ҳаддан зиёд яхши кўчди, фақат бир нима уларни ташвишга солиб қўйди: қора йўрға ҳамон темирдай мустаҳкам эди. Унинг равон йўрғаси айнимаган, дастлабки таъқиб кунлари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. У ҳамишагидек галасини матонат билан бошқарар, кишнар, чопишда намуна кўрсатиб, уларни олға чорларди. Аммо отларнинг

дармони қуриган эди. Қари оқ байтал, кечаси оппоқ бўй бериб юрадиган ўша байтал ўлгудай чарчаб, галадан соатлаб кейинда қолиб кетаверди. Байталлар чавандозлардан ҳадиксирамай қўйди, улар ҳадемай Жонинг қўлига тушишига шак-шубҳа қолмади.

Барча ташвишлар сабабчиси бўлмиш айғир эса ҳамон етиб бўлмас довонлигича қолаверди.

Жонинг жиззакилигини яхши билган ўртоқлари у ачиқ устида асов айғирни отиб қўйиши мумкин, деган ўйга борди. Аммо Жонинг кўнглида бундай ният йўқ эди.

У айғирни ҳафталаб қувиб, унинг бирон мартаям йўрғасидан адашиб, оддий қадамлар босиб юрганини кўрмади. Барча яхши чавандозлар каби Жо ҳам бу гўзал отга боқиб, ундан завқ-шавқ олди. Завқи янада зўрайиб, шундай ноёб ҳайвонни отгандан кўра, ўзимнинг манави отимни отган маъқул, деган хулосага келди.

Айғирга қўйилган мукофотни олиш керакмикин? Жо иккиланиб қолди. Қўйилган пул чакана эмас. Лекин айғирнинг турган турмуши хазина, у асл зотли зурриёт яратиши мумкин.

Аввало уни қўлга олиш лозим. Овни тамомлаш вақти ҳам келди.

Жо ўзининг энг яхши отини эгарлади. Бу от томирида жануб қони бор, аммо ўзи чўлларда катта бўлган байтал эди. Албатта, бир нимаси бўлмаса Жо бундай ажойиб отни сотиб олмас эди.

Бу юртларда локо деган заҳарли ўт ўсади. Одатда, отлар бу ўтни емайди, борди-ю, бир татиб кўрса, уни яна излаб қолади. Унинг мазаси тарёкнинг кайфига ўхшайди, унга ўч қўйган от кўп вақт ўзини яхши тутиб юради, охир-оқибат ақлдан озиб ўлади. Бундайларни маҳаллий халқ «локога мубтало бўлган мол», дейди.

Жонинг энг сара отлари кўзи ҳам ажабтовур ёввойиларча йилтиради. Синчиларнинг айтишича, бу ҳол касалик нишонаси эмиш. Шу сабаблиям Жо байтални минди. Байтал бақувват ҳам тезкор, овнинг охирибоп.

Жо галага от қўйди. Арқонни ерга ташлади, ёйиш учун атайлаб судради, сўнг яна чап қўлига яхшилаб йиғиб олди, ов давомида биринчи марта отини айғирга ниқтаб ҳайдади.

Ақлсиз чопачоп бошланди. Қўрқиб қолган байталлар йўлни бўшатиб, чор тарафга қараб қочди.

Жонинг дадил байтали дашт бўйлаб оддий одимлар отиб қувди. Айғир ўзининг донғи кетган йўрғасидан адашмай, йўрғалаб қочди.

Ақл бовар қилмайдиган манзара намоён бўлди. Жо овози ҳамда узангилари билан байталини олға чорлади. Байтали қушдай учди, лекин айғир билан ораларидаги масофа бир дюйм ҳам камаймади.

Қора айғир шу чопишида шиддат билан тексикликдан ўтди, тоғ бағридаги бутазорлардан ўтди, кўзни алдайдиган серқум сойга тушиб, бир ўтлоққа чиқиб олди. У ерда уни бир суғур қарши олди. Жо унинг изидан от қўйиб бораверди. У кўзларига ишонмади... Назарида, айғир билан ораларидаги масофа камайиб эмас, балки узайиб кетгандек бўлди. У ўзича сўқинди, отини ниқтади, чу-чулаб ҳайдади, охир-оқибат, бечорани асабий ҳолга олиб келди. Отнинг кўзлари олма-кесак терди, боши уёқдан-буёққа тебрланди, ерга қарай олмай қолди, йўл танламай қўйди. Оёғи фавқулодда бўрсиқнинг инига кириб қолди. От ағанаб кетди, устидаги чавандози ерга учиб тушди. Жо лат еди, бир амаллаб оёққа туриб, довдираб қолган отини кўтариб турғизмоқчи бўлди. Аммо бўлар иш бўлган, отнинг олд оёғи синган эди.

Жо револьвернинг битта ўқи билан отнинг азобларига барҳам берди. Эгарни олиб, лагерга кўтариб кетди.

Йўрға ҳамон елиб, охири кўздан ғойиб бўлди.

Буни мағлубият деб бўлмайди, чунки улар байталларни қўлга олди. Жо билан Чарли уларни қорага ҳайдаб бориб, эгаларидан арзигулик инъомлар талаб қилди.

Жо учун бу кифоя эмас. У айғирни қўлга олишни оруз қилди. Жо айғирнинг бор фазилатларини билиб олди, энди у янги-янги режалар ўйлай бошлади.

#### IV

Сафар жамоасига гарчи ҳеч ким, ҳеч қачон ҳеч нима жўнатмаса-да, почтага мунтазам равишда хат ва пул сўраб борганда ўзини мистер Томас Бэтс деб таништирган Бэтс ошпазлик қиларди. Ковбой эса уни «Курка Из Том» деб атарди, чунки унинг ўзи Денверда худди шундай тамға қайд қилинган, деб уқтирарди. Бу тамға курка изига ўхшарди. Шунингдек, Бэтс бу тамға акси бепоён шимол ёймаларида ўтлаб юрган сон-саноксиз мол ва отлар сағрисида ҳам бор, деб уқтирарди.

Бэтсга сафарда шерик бўлишни таклиф этганларида у кулиб, энди отларнинг бир тўдасини ўн доллардан пуллайман, деди. Дарҳақиқат, шу йили от жуда арзонлашиб кетди, шу сабабли ҳам унча



кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда иш ҳақи олишни маъқул кўрди.

Йўрғани ақалли бир марта кўрган одам унга бепарво қараб туролмас эди. Курка Из ҳам шундай бўлди. Уям йўрғанинг эгаси бўлгиси келди, лекин уни қандай қилиб қўлга киритишни билмади. Кунларнинг бирида Билл Смит деган кимса билан учрашиб қолди. Бу одам Билл Тақа лақаби билан машҳур эди. Сабаби, унинг тамғаси тақага ўхшарди. Билл Тақа нон билан гўшт еб, устидан маза-матрасиз кофе ичиб, шундай деди:

— Мен бугун ўша йўрғани кўрдим, шундай яқиндан кўрдимки, думларини бемалол ўриб қўйсам ҳам бўларди!

— Отмадингми?

— Сал қолди отиб ташлашимга.

— Йўқ, асло ота кўрма, — деди столнинг нариги бурчида ўтирган қўш «Н» тамғали ковбой. — У айғир янги ой чиққанига қадар менинг тамғам билан юради.

— Эртароқ қимирла, бўлмаса тамғалагинг келганда сағринида «нуқтали учбурчак» тамғасини кўрасан.

— Сен уни қаерда кўрдинг?

— Воқеа бундай бўлди. Жайрон булоғини ёқалаб ўтаётиб, қатқалоқ ботқоқдаги қамишлар орасида ётган бир нимага кўзим тушди. Ҳойнаҳой, бизнинг поданинг моли бўлса керак деб ўйлаб, яқинроқ борсам, бир от чалқанча ётибди. Шамол от тарафдан эсаётганидан фойдаланиб, унга янада яқинроқ бордим. Шунда нимани кўрдим денг? Тўнқадай жонсиз ётган йўрғани кўрдим! Улик десанг, жасади шишмаган, ўлаканинг исиям йўқ. У кутилмаганда чивин кўнган қулогини қоқди. Хаёлим бошимдан учиб кетди. Шундагина унинг шунчаки пинакка кетганини билдим.

Сиртмоқни олиб, арқоннинг айрим жойлари бўшаб қолганини кўрдим. Отимнинг айиди ҳам бор-йўғи биров. Шунда, ўйлаб қолдим, бизнинг от етти





юз фунт, айғир эса бир минг икки юз фунт келади. Шу боисдан ўзимга-ўзим дедим: «Овора бўлишингга арзимайди, айилни узганинг қолади, бунинг устига ерга ағанаб тушиб, эгарниям бой бериб қўйсан». Узимча шундай деб, қамчи дастаси билан эгар қошига тук-тук урдим... Ана шунда йўрғани кўринг эди! Ётган еридан олти футча юқорига сапчиди! Тўрт оёғини кенг ташлаб, худди паровоздай пишқирди. Кўзлари олайиб, тўғри Калифорния тарафга елиб кетди. Йўл-йўлакай оёқ илмаган бўлса, аллақачон ўша ёқда юрибди. Агар айғир бирон марта йўрғасидан адашган бўлса, ўлигим шу ерда қолсин!

Воқеа ундай айтган даражада аниқ-равшан бўлмади, сабаби Биллнинг гапи нордон сўзларга сероб бўлди, яна тағин уялмай-нетмай кавшаниб, югиниб, оғзи тўла ош билан гапирди. Бари бир давра Биллнинг гапларига ишонди, чунки у тўғри сўзли одам бўлиб танилган эди. Даврада ўтирганлардан ёлғиз Курка Изгина оғиз очмай, гурунгни бошқалардан кўра диққат билан эшитди, кўнглида янги режа пайдо бўлди.

Таомдан кейин чекиб, янги режасини пухта ўйлаб олди. Уни амалга ошириш бир ўзининг қўлидан келмаслигини билиб, Билл Тақага сир берди. Ана шундай қилиб, йўрғани таъқиб қилувчи янги шериклар, бошқача айтганда яна устига-устак ваъда қилинган беш минг доллар ишқибозлари пайдо бўлди.

Жайрон булоғи галанинг суюкли сувлоғи бўлиб қолди. Сув озайди, қамишлар билан сув оралиғида қуриб қолган қоп-қора лой камар пайдо бўлди. Камарни иккита сўқмоқ кесиб ўтди, бу сувлагани келган ҳайвонлар йўлидир. Отлар билан ёввойи ҳайвонлар ана шу сўқмоқдан сувлагани келади. Шохдор ҳайвонлар эса тўғридан-тўғри қамишзор оралаб келаверади.

Шериклар ана шу сўқмоқлардан кўзга яқинроғининг кўндалангига бўйи ўн беш фут, эни олти ҳамда чуқурлиги етти фут келадиган ўра қазиди. Гала сувлагани келгунча битириш учун йигирма соат тинимсиз тер тўқди. Ўра қазиш қийин бўлди. Қазиб бўлиб, уни кўздан яшириш учун устига шох-шабба, хас-чўп ёпиб, тупроқ сепди. Ишни тамомлаб, ўрадан холисроқдаги чуқурда бекиниб ўтирдилар.

Толтушларда йўрға сувлагани келди. Галаси қўлга тушгани сабабли у ёлғиз эди.

Том, айғир ўра қазилган сўқмоқдан юрсин деб,

эхтиёт юзасидан нариги сўқмоқни қамишлар билан ёпиб қўйган эди.

Ёввойи ҳайвонларни қандай зийрак эзгу руҳ қўллар экан-а? Аксига олиб, йўрға ўра йўқ сўқмоқдан юрди. Бемалол келиб сув ичди.

Овчиларнинг сўнгги чораси қолди. Йўрға сувга қайта эгилганда Бэтс билан Смит чуқурдан отилиб чиқиб, йўрғанинг кетидан борди. Йўрға мағзур бош кўтарганда, Смит револьвердан ерга ўқ узди.

Йўрға донғи кетган йўрғасида тўғри ўзига қазилган ўрага қараб чопди. У яна бир неча сониядан кейин ўрага тушади! Ана, ўра бор сўқмоқда чопиб боряпти...

Овчилар уни қўлга олдик, деб ўйлади. Йўрға ҳадемай уларнинг ихтиёрида бўлади.

Шунда, ақл бовар қилмайдиган воқеа юз берди. Йўрға алп сакраб, ўрадан ўтиб кетди, туёқлари билан тупроқ отиб, кўздан ғойиб бўлди.

Йўрға Жайрон булоғига қайтиб қадам босмаслик нияти билан олис-олисларга елиб кетди.

## V

Ёввойи Жо устомон одам эди. У қандай қилиб бўлмасин йўрғани қўлга тушириш пайида бўлди, бунга бошқалар ҳам қўл урганини эшитиб, тезда янги режаларини амалга оширишга киришди. Жо айғирни ушлашда чиябўрилар эпчил қуённи, ҳиндулар жайронни ушлашда қўллайдиган усулни қўллаб кўрмоқчи бўлди. Бу қадимги усул «галма-гал овлаш», деб аталади.

Ёввойи йўрға юрган музофот олтмиш квадрат милча келадиган учбурчак шаклида бўлиб, жануби ҳамда шимолидан дарёлар, ғарбидан тоғлар билан ўралади. Улар, йўрға шу музофотдан бошқа ёққа кетмайди, Жайрон булоғи унинг доимий хонаки жойи бўлиб қолади, деб ўйлади.

Жо бу ерларни яхши билади. Унинг барча булоқлари, ғорларигача билиб олди. Агар ҳозир унинг элликта оти бўлганида эди, уларни жамики муҳим жойларга қўйган бўларди. Ихтиёрида эса бор-йўғи йигирмата оти билан бешта яхши чавандози бор, холос.

У ов бошлангунга қадар отларни икки ҳафта сомон бериб боқди. Шундан кейингина уларни овга қўйди, чавандозларга нима қилиш кераклигини тунтирдди. Улар ов бошланишига бир кун қолди деганда ўз жойларини эгаллади.

Тайин этилган кун Жо аравада Жайрон булоғи-

га йўл олди, четроқдаги торгина сойликда тўхтаб, кута бошлади.

Ниҳоят, жанубдаги адир тарафдан кўмирдай қоп-қора айғир кўринди, у одатдагидек булоққа ёлғиз ўзи эна бошлади.

У аввал ғанимларим бекиниб пойламаётганмикин, деган ҳадиқда булоқни айланиб, ис олди. Сўнг сўқмоқсиз ерлардан булоққа қараб юрди.

Жо айғирни пойлаб ўтириб, иложи бўлса унинг кўпроқ, бочкалаб сув ичишини истади. Йўрға тумшуғини ўтга энди чўзган ҳам эди, Жо отини ниқтаб ҳайдаб қолди. Йўрға туёқ товушини эшитди, чавандозни кўрди-да, яна кўздан ғойиб бўлди.

Текис ерга чиқиб, жанубга бурилди, қум тепаликлар оралаб бор кучи билан чопди, таъқибчисидан борган сайин олислади. Жонинг оти ҳориб, қумда ҳар қадамда йиқилиб тураверди, оқибат, борган сайин кейинда қолаверди.

Яна текис ерга чиққанларида Жонинг оти орадаги масофани анча озайтириши мумкин эди, лекин эниш бошланиб қолиб, яна шаштидан қайтди, оқибат, янада кейинда қола бошлади.

Аммо Жо йўрғани қувишда давом этди, хивичниям, узангиниям аямади. Бир миль, икки, уч... Арриби қирлари кўзга чалиниб қолди.

Аррибида янги отлар бор, Жо буни билади, шу сабабли кучига куч қўшилиб от қўяди. Йўрғанинг тундай қоп-қора ёллари эса шамолларда ёйилиб-ёйилиб олислаб боради.

Ана, ниҳоят, Арриби дарасига доҳил бўлди. Форда қоровуллик қилиб турган ковбой ўзини панага олди, йўрға унинг ёнидан ўтиб кетди. Йўрға шамолдай пастга елди, сўнг, нишаб бўйлаб юқорилади.

Жо янги отга миниб, аввал пастга, кейин юқорига от солди. Отини ниқтаб ҳайдаб чопаверди, чопаверди, лекин орадаги масофани камайтиролмади.

Дупур-дупур-дулур... туёқ товушлари. Бир соат, икки, уч соат ўтди, олдинда Аламозо кўринди, худди ўша ерда янги чавандоз кутяпти.

Жо бақириб, отини янада тезлади. Қора айғир мўлжалдаги ерга қараб чопди, аммо икки милча қолганда нимадандир ҳадиқ олгандай чапга бурилди. Жо йўрға қутулиб кетишини пайқаб, ҳолдан тойган отига яна қамчи босди, йўрғани қандай қилиб бўлмасин, кўзланган тарафга буриш йўлини излади.

Олишув ҳаддан зиёд қийин бўлди. Жонинг на-



фаси қайтиб қолди. От ҳар сапчиганда эгар териси  
ғижирлайверди.

Жо кўндаланг елиб чиқиб қувди, йўрғани ҳурки-  
тиш учун револьвердан устма-уст ўқ узди, ниҳоят,  
уни чапдаги кечувга буришга муваффақ бўлди.

Улар дарё бўйига келди. Йўрға йўлидан қолмай  
елди. Жо отдан тушди. Оти ўттиз миль чопиб  
дармони қуриди, Жоям ҳолдан тойди. Кўзлари  
чангдан қизарди, гарчи ҳеч нимани кўрмаётган  
бўлса-да, Томга қўлини силкиб: «Йўрғани Аламозо  
орқали кечувга ҳайдаб бор», дея қичқирди.

Янги чавандоз тетик, чайир отда ўнқир-чўнқир  
ёйилма бўйлаб қора айғир кетидан чопди. Айғир  
оплоқ терга ботди, биқини кўтарилиб-кўтарилиб  
оғир нафас олди, ҳоли танг бўлди. Барибир чопиш-  
да давом этди...

Том олдинига айғирга яқинроқ боргандай бўлди,  
сўнг яна кейинда қолди. Аламозода ўрнини янги  
отлиқ эгаллади.

Айғир ғарбга бурилди, суғурлар маконини ёнлаб  
чопди, кийим йиртар кактуслар, тиканли чангалзор-  
лар оралаб чопди. Айғир тер билан чангдан ола-  
була бўлиб кетди, аммо йўрғасидан адашмади. Йў-  
лида дуч келган жардан сакраб ўтиб кетди. Изидан  
қувиб келаётган ёш Кэрингтон ҳам отини сакрат-  
моқчи бўлди. Аммо оти билан қўшилиб пастга юма-  
лаб кетди... Ёш чавандоз бир амаллаб омон қолди,  
аммо оти хароб бўлди.

Қора айғир зафарли йўрғасида давом этди...

Жо Галлего чолнинг фермаси ёнида нафасини  
ростлаб пойлаб турди. Ярим соат ўтмай, у яна  
йўрғани қувиб кетди.

Ғарбда Карлос тоғлари кўзга ташланди. У ерда  
ҳам Жони одамлар янги отлар билан пойлаб туриб-  
ди. Буни билган толмас чавандоз айғирни ғарбга  
бурмоқчи бўлди. Аммо йўрға қандайдир бир хаёл-  
га берилдими ё кўнгли бир нимани сездими, ҳар  
қалай, бирдан шимолга қайрилди.

Жо бор санъатини ишлатди, қичқирди ўқ узди,  
бари бекор бўлди. Қора чақмоқ адир бўйлаб пастла-  
ди, Жо унинг изидан боришга мажбур бўлди.

Худди шу ерда олишувнинг энг қийин ҳам азоб-  
укубатли даври бошланди. Жо йўрғага бераҳм бўл-  
ди, ўзи билан отига эса ундан бешбаттар бешаф-  
қат бўлди. Кун аёвсиз куйдирди, қизиган ёйил-  
ма узра офтоб тафти жимирлади. Жонинг кўз-  
лари ёнди, лаблари шўр, бетамиз чангдан чирсил-  
лади.

Олишув давом этди. Муваффақиятга эришиш-

нинг бирдан-бир йўли йўрғани Аламозодан ўтадиган кечувга қайтариш қолди.

Олишув бошлангандан буён Жо биринчи марта қора йўрғада толғинлик аломатларини кўрди. Думи билан ёллари аввалгидек ёйилмай қўйди, ораларидаги ярим миллик масофа яримлаб қолди.

Йўрға барибир олға талпинди, яна, яна йўрғалаб, олға талпинди...

Соатлар кетидан соатлар ўтди, йўрға ҳамон олға елди. Аммо тўғри йўлдан бурилди. Йигирма милча йўл босиб, кечроқ Аламозодан ўтадиган кечувга етиб келди.

Жо йўлда тайёр турган отни миниб, айғирни яна ўзи қувиб кетди.

Жо қолдириб кетган от энтикиб, ўзини сувга урди, сув ичиб-ичиб, юмалаб ўлиб қолди.

Жо, қора айғир сув ичади, деган умидда бир оз секинлади. Аммо унинг айтгани бўлмади! Айғир бор-йўғи бир ҳўплади, теваракка сув сачратиб, нариги соҳилга ўтиб кетди. Жо унинг кетидан қадам-бақадам борди. Кечувда уларни кузатиб қолган ковбой Жо айғирга хийла яқин келиб қолганини, ҳатто етай-етай деб қолганини кўрди...

Эрталаб Жо лагерга пиёда келди. Унинг саргузашти лўнда бўлди: саккиз от нобуд бўлди, беш одам бутунлай ҳолдан тойди, ғаройиб ёввойи йўрға эса ҳамон ўз эркида юрибди...

— Энди бир нима қилиш қийин! Унга етиб бўлмайди. Жойи келган вақтлари лаънатининг терисини тешиб ташламаганимга ачинаман!— деди Жо, сўнгра, йўрғани қувишдан воз кечди.

## VI

Сўнги сафарда ҳам Курка Из ошпаз бўлди. У ҳам олишувни бошқалар қатори қизиқиш билан кузатиб борди, Жонинг омади келмаганда ўзича



кулимсираб қўйди, қозонига қараб қўйиб, димоғида минғиллади:

— Шу йўрғани ушлаб олмасам, одам эмасман!

Йўрға тинимсиз таъқиблар оқибатида янада ёв-войилашиб кетди. Барибир Жайрон булоғига келиб кетаверди. Булоқ ялангликдаги яккаю ягона сувлоқ бўлиб, бир миль теваарак-атрофда ғанимдан бекинадиган пана жой йўқ эди. Шу сабаблиям йўрға яқин-атрофда тушларда пайдо бўлиб, бирон хавфхатар йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина булоққа сув ичгани келарди.

У галасидан айрилиб, бутун қишни ёлғиз ўзи қишлади. Қари Курка буни яхши билиб олиб, режаларини шунга мослади. Бир ўртоғининг тўриқ байтали бор эди. Қари шу байталга эгар урди, занжир, белкурак, яна бир арқон ҳамда йўғон қозик олиб, булоққа равона бўлди.


Бир тўда жайрон улардан ҳайиқиб, пана-пана-ларга ғойиб бўлди. Моллар ўт узра ёйилиб ётади, тўрғайлар қўшиғи жаранглайди. Ердан беғубор, қорсиз қиш нафаси кўтарилган, кўклам яқин қолган...

Том ушоққина тўриқ байтални арқонлаб, ўтга қўйди, байтал тумшуғини кўкка тинимсиз чўзиб, олис-олис кишнади.

Қари Курка шамол қаёқдан эсаётганини аниқлади, теваарак-атрофга назар солди. Уша ўзи қазишиб юборган ўра ҳалиям бор экан. Ўра очик, ичи тўла сассиқ сув, суғур, сичқон ўликлари сузиб юрибди. Сувлагани келган ҳайвонлар ўра четидан янги сўқмоқ очибди.

Курка кўм-кўк майсазор ёнидаги қуюқ қамишзорни маъқул топиб, шу ерга қозик қоқди, сўнг, пана бўладиган катта ўра қазиб, ичига адёл тўшади. Байтал олислаб ўтлаб кетмасин деб, арқонни ерга узатиб ташлаб, бир учини устунга боғлаб қўйди, арқонни тупроқ ва ўтлар билан бекитди. Кейин ўзининг хилватгоҳ ўрасига бекиниб ўтирди.

Туш вақти-туш вақти тўриқ байтал йўқлаб кишнади. Шунда... шунда, кунботардаги адирдан жавоб



кишнаш келди... Машхур ёввойи йўрға осмон фониде қоп-қорайиб, бўй берди!

Йўрға равон, алп-алп йўрғалади, оёқ илиб, тева-ракка ҳадиксираб аланглади, пишқириб йўрғалади. Байталнинг йўқлаб кишнаши йўрғанинг кўнглида акс садо берди. Йўрға яқинроқ келиб, яна кишнади, бирдан сергакланди, айланиб, катта доира ясади, бурни билан шубҳали ҳид овлади.

Шунда, тўриқ байтал яна кишнади. Йўрға яна бир бор доира ясаб, у ҳам кишнади. Байталнинг жавоб кишнаши йўрғанинг кўнглидаги бор ҳадикларни йўқ қилиб юборди. Йўрғанинг юраги ёниб кетди!

Йўрға гижинглади, тўриқ байтал — Соллининг олдига келди, бурнига бурни теккизди. Худди шу пайт орқа оёғи сиртмоқни босиб олди. Том арқонни бирдан тортди, мустанг сиртмоққа илинди. У важоҳат билан кўкка сапчиди. Том бундан фойдаланиб, айғирнинг оёғидан арқонни илондек икки айлантириб олди.

Машъум кўргилик айғирнинг кучига куч қўшди. У яна сапчиди, аммо сиртмоқдан оёғини тортиб ололмади, ерга ғарибона, мағлубона ағанаб тушди.

Чуқурдан қари Томнинг мункайган хунук жуссаси кўринди. У табиатнинг ноёб молини тезроқ қўлга киритиш учун шошилди. Отнинг қудрати ушоқдай заиф бир чолнинг ақл ва ҳунари олдида ожиз бўлиб қолди. Йўрға пишқирди, озодлик учун жон-жаҳди билан олишди, аммо бесамар бўлди, сиртмоқ оёқларига чайирдай ёпишиб олди.

Том айғирнинг олд оёқларига ҳам сиртмоқ солди. Сўнг, арқон билан айғирнинг тўртта оёғини битта қилиб қўшиб тортди. Дарғазаб йўрға, ахталанган чўчкадай ожизона сулайиб, ётиб қолди. Бечора сўнги дармони қолгунича типирчилади, ўпкаси тўлиб келди, ўксик зарбидан аъзойи-бадани зир-зир қалтиради, юзларидан маржон-маржон ёшлар оқди...

Том айғирнинг ҳолини кўриб, кўнглида ғалати бир нима пайдо бўлди. Илк бор сиртмоқ билан ҳўкиз ушлаганида бўлганидек, бош-оёғи зир титради. Бир неча дақиқа жойидан қимирлай олмай, ўзининг ноёб бандасига термулиб қолди.

Кўп ўтмай чолнинг ҳаяжони сўнди. Ута машъум ишни бажарган байталга эгар урди, янги арқон олиб, йўрғанинг бўйнига солди. Байтални айғирнинг олдига қўйди. Том йўрға энди кетолмаслигини билиб, арқонни бўш қўймоқчи бўлди, шунда, хаёлига фавқулодда бир фикр келди. Уйлаб қараса,

роят зарур бир иш эсидан чиқаёзибди. Гарчи шариот бўлмаса-да, шу ишни бажаришга киришди.

Гарб одати бўйича ёввойи йўрғанинг баданига ким биринчи бўлиб ўз тамғасини босса, йўрға ўшаники бўлади. Яқин йигирма милда ҳайвонларни тамғалайдиган асбоб топилмайди, нима қилса бўлади?

Қари Том тадбиркор эди. У байталнинг тақаларини бирин-кетин қараб кўрди. Тақаларнинг бирови хийла бўшаб қолган эди. Том шу тақани белкурак билан қўпориб олди.

Ёймани айланиб ўтин териб келди. Кўп ўтмай олов ловиллади. Том тақани бир учидан кўлрўмол билан ўраб ушлаб, оловга тоблаб қизартди. Кейин тақа қиррасини айғир бечоранинг чап яғринига уч марта босиб олди, яғринда курка из мисол дағал тамға қолди.

Йўрға қизиган темир баданига текканда сесканиб кетди. Иш кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Шундай қилиб, ёввойи йўрға инсонга қарам бўлиб қолди.

Энди йўрғани уйга олиб кетиш қолди. Том сиртмоқни бўшатди. Йўрға оёғи бўшаганини сезиб, бутунлай эркин бўлдим деб ўйлади, жойидан сапчиб турди, талпинди, аммо яна ағанаб тушди. Йўрғанинг олд оёқлари қўшиб боғлаб қўйилган, у фақат сапчиб-сапчиб юриши мумкин эди.

У қочишга кўп интилди, аммо ҳар сафар қўшалок боғлоқлик оёқлари халақит бериб, юмалаб тушаверди. Том байтални миниб, йўрғани уйга олиб жўнади. У йўрғани етаклади, чу-чулаб ҳайдади, турли йўллар қилиб кўрди, аммо қайсар, баджаҳл айғир, оппоқ тер кўпикларига ботган айғир бўйин эгмади. Айғир ёввойиларча кишнади, қаҳр билан пишқирди, озодлик йўлида телбаларча тўлғанди.

Олишув шафқатсиз, олис давом этди. Ёввойи йўрғанинг ярқироқ сағрилари қон аралаш тердан қорайиб кетди. Беҳисоб йиқилиб-туришлар, бесамар олишувлар йўрғанинг шундай тинка-мадорини қуритди, шундай қуритди, у узун кун давом этган қувғинда ҳам бунчалик ҳориб-толмаган эди.

Айғир гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига тинимсиз талпинди, шиддатли сапчишлари борган сайин заифлашиб борди, бурнидан отилаётган кўпиклар қонга беланди.

Бераҳм, зўравон ғолиб чол эса сокин бир кай-



фиятда айғирни чу-чулаб ҳайдади, юришга мажбур қилди.

Айғир билан чол ҳар бир қадам учун олишди, нишаб ердан дарага энди, яна ҳам пастдаги дараларга элтадиган сўқмоқлар бошига етди. Бир вақтлар йўрғага қарам бўлмиш яйловнинг шимолий чегараси худди шу ердан ўтади. Олислардан тўсиқлар ҳамда фермалар кўзга ташланади. Қари Том тантана қилади.

Ёввойи йўрға қолган бор кучини йиғиб, озодлик йўлида жон-жаҳди билан ёнбағир бўйлаб юқорига талпинди. Яна, яна юқорилади, баданига ботаётган арқонга ҳам, уни тўхтатиб, изига қайтариш учун узилган ўқ овозига ҳам парво қилмади, у озодликка талпинди...

Ёввойи йўрға яна, яна юқорилади, ана, тик қояга кўтарилди. Қоядан пастга — ҳавога сакради, икки юз футча учиб юрди, яна, яна пастлаб... тошга бориб тушди. У жонсиз сулайиб қолди, аммо... озод бўлиб қолди!



### I

Кун жуда исиди. Ян қуш овига бориб, поёнсиз ўрмон чангалзорларида адашиб қолди. Кун тафти ботқоқ ҳовузлар сувини иситди, Ян муздай сув ичса бўладиган яккаю ягона Излар Булоғига йўл олди.

Булоқ бўйида унинг эътиборини лойдаги майда туёқ излари тортди. У бундай изларни умрида кўрмаган бўлса-да, бу буғулар изи эканини билиб, қувончидан осмонга ирғишлади.

«Энди буёқларга буғу келмайди», шу ерликлар Янга шундай деди.

Биринчи қор ёққанда Ян булоқ бўйидаги буғулар изини эслади, милтиғини қўлига олиб, ўзига-ўзи сўз берди:

«Шу буғуларни ўлдирмагунимча ҳар куни адир айланганим-айланган».

Ян новчадан келган, ўн саккиз ёшлардаги йигит. У ҳали чинакам овчи бўлган эмас, аммо овда ҳориб-толмас, сабр-бардошли.

Ян ҳар куни адирга буғу излаб чиқди. Кунда ўн милаб қор кечиб, буғулар изини тополмади, кулбасига қоронғи чўкканда қайтди.

Сабрнинг таги олтин экан. Ян жанубий адирларда бетиним тентираб юриб, охири буғулар изига дуч келди. Излар эски, зўрға кўринса-да, барибир буғуларники эди. Ян қувончидан яна ёздагидек осмонга ирғишлади.

«Шу излар мени буғулар олдига олиб боради», ўйлади Ян.

Ян авваламбор буғулар қайси тарафга кетганини билолмади. Синчиклаб қараб, изларнинг бир ёғи иккинчи ёғига қараганда қорга чуқурроқ ботиб кетганини фаҳмлади, чуқурроқ ботган ёғи туёқнинг олд тарафи, деган хулосага келди. У, шунингдек, излар адирга ўрлаган сайин оралиғи торайиб кетганини кўрди. Қумлоқ ердаги чуқур туёқ излари шубҳаларига узил-кесил барҳам берди.

Ян ҳаяжонланиб, сочлари орасида ғалати бир оғриқ сезди, изни олиб бораверди.

Буғулар изи борган сайин аниқ-аниқ кўрина бошлади. Ян кун бўйи из олди, из кечга яқин уни ўз кулбаси яқинига олиб келди. Излар энди таниш ерлар бўйлаб кетди. Из ўрмон қирқадиган ер, кейин Митчелла ўтлоғидан ўтиб, қуюқ теракзорга бурилди.

Қоронғи чўка бошлади, Ян йўлдан қайтди, у ўз кулбасидан бор-йўғи етти милча олисда эди, шу сабаблиям бирор соатдан кейин маконига етиб келди.

Эрталаб яна из қувди, бу сафар қийинроқ бўлди, сабаби, турли тарафга айқаш-уйқаш бўлиб ёйлиб кетган изларга дуч келди. У омадини синаб кўриш учун яна олға юрди, кўп ўтмай иккита янги из кўрди, аввалгидан ҳам кўра комил ишонч билан яна из қувди.

У ерга эгилди, бошини кўтармай изни диққат билан кузатиб борди, тор ялангликда иккита кулранг, шалпангқулоқ жониворга дуч келди. Жониворлар уни кўриб, қочиб қолди, тепада тўхташиб, Янга қайрилиб қаради.

Ян кўнглида шу жониворларнинг беозор кўзлари нигоҳини туйди, нигоҳлар уни тўхтатишга мажбур этди. Ян қаршисида нимадир қараб турганини энди англади. Ян бу учрашувни бир ҳафта зориқиб кутди. Шундай бўлса-да, учрашув тасодифий бўлди. У ўйлаган режалар тутундай тарқаб кетди, у ҳайрат билан серрайиб қолди.

— О-о-о! — унинг кўнглидан сокин бир нидо отилиб чиқди.

Буғулар ўз йўлига бурилди, уларнинг мунис боқиши Яннинг кўз ўнгида қолди.

Буғулар осмонга ирғишлаб ўйнади. Афтидан, улар Янни умуман эсдан чиқарди, улар оёқлари ерга тегиб-тегмай, кўкка олти-етти фут енгил-енгил ирғишлади. Ян енгил-енгил, кулранг жониворларнинг ажабтовур ўйинига беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди. Уларнинг ўйинида қўрқув ҳам, шошмашошарлик



ҳам йўқ эди. Буғулар қўрқиб қочиб кетгунича Ян уларнинг ўйинини томоша қилди. «Буғулар менадан қўрқиши керак эди-ку, — ўйлади Ян. — Улар бўлса, кекса овчилар айтганидек, кўкка ирғишлагани ирғишлаган».

Буғулар қораси аста-аста кичрайиб борди, Ян шундагина уларнинг олислаб бораётганини сезди.

Буғулар адир бўйлаб янада юқорилади. Тик бурундан латиф-латиф эгилиб, айланиб ўтди. Ёриқ ерларга дуч келиб, улардан сапчиб ўтди, сапчиганларида бу қанотсиз қушлар ҳавода бир нафас муаллақ бўлиб қолди.

Қанотсиз қушлар кўздан пана бўлгунча Ян улардан кўз узмади. Уларни отиш хаёлига ҳам келмади.

Қанотсиз қушлар кўздан ғойиб бўлгач, Ян уларни дастлаб кўрган ерга келди. Қорда туёқ изларини кўрди. Излар тўсатдан йўқолиб қолди. Давоми қаерда экан? Ян теваракка назар солиб ҳайрон бўлиб қолди, сабаби, бир из иккинчисидан ўн беш фут олисда бўлиб, оралиқ масофа борган сайин кўпайиб, бир из кейингисидан ўттиз футгача узайиб кетган эди. Демак, буғулар ҳар сапчиганда ўн беш футдан ўттиз футгача масофани олган.


Йўқ, буғулар югурмаган, улар гўё учган, фақат гоҳи-гоҳида туёқлари адир учларига тегиб-тегиб кетган.

— Улар кўздан ғойиб бўлганидан жуда-жуда хурсандман, — пичирлади Ян. — Шундай ажойиб томоша кўрдимки, бундай томошани ҳали ҳеч ким кўрмаган.

## II

Эрталаб Яннинг кўнглида яна овга бориш иштиёқи пайдо бўлди.

«Яна адирга бораман, — деди у ўзига-ўзи. — Буғулар изини топиб, уларни итдек қуваман. Ақлимни буғулар ақли билан, кучимни кучи билан бир синаб кўраман, тезкорлигига бас келиш учун эса, мана, қўдимда қуролим бор».



Ҳай-ҳай, адирлар, адирларнинг бепоеён ёнбағирлари, кўллари, ўрмонларию ўтлоқлари қандай гўзал! Ҳар эсган шамолда ҳаёт нафаси уфуради. Яннинг вужудида ҳам ҳаёт гуркирайди. Ян ҳали жуда ёш, бақувват, тан-жони соғ. «Ҳаётимнинг энг яхши кунлари шу кунлар, — деди ўзига-ўзи. — Олтин кунларим».

Ян узун кун бўридай адирма-адир изғиб, оқ қуёнларни ҳуркитди, какликларни чўчитди, ёйилмаларга энди, қордан кўз олмай, буғу туёқлари изини излади. Қорбўрон бошланиб, излар кўмилиб кетди. Ян яна икки кун адирма-адир изғиди. Аммо буғу изларига йўлиқмади.

Ҳафталар кетидан ҳафталар ўтди. Ян кўп совуқ кунлар, қаҳратон кечаларни қор қоплаган адирларни кезиб ўтказди. Буғулар изини топган вақтлариям бўлди, аммо меҳнатлари беҳуда кетди, адир ялангликларида бекордан-бекор изғиб юрди, ўрмон қирқувчилар ҳикоясини эшитди, сўнг, чангалзорлар тубига йўл олди. Саргардон кунлари мобайнида бор-йўғи бир марта адир учига ўрлаб бораётган буғуларни кўрди. Шу орада ўрмон қирқиладиган жой орқасида улкан буғу пайдо бўлган эмиш, деган миш-миш тарқалди. Ян ўша буғу изини олди, лекин ўзини кўрмади.

Буғулар олис, тинимсиз таъқиблар оқибатида қўрқиб, жуда ҳуркак бўлиб қолди, шу боисдан овдан бирор ёруғлик чиқиши амримаҳол бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ов мавсуми бесамар ўтди. Ян бундан ўкинмади. Энг муҳими, у ов мобайнида табиат билан ошно бўлди. Адирма-адир юриш ёқ-қандан-ёқиб қолди. Сўнгсиз овларнинг ҳар бир куни Ян учун қувноқ байрам сайли бўлди.

### III

Йил ўтиб, янги ов мавсуми бошланди. Яннинг кўнгли яна овни хумор этди, ўлка бўйлаб юрган мишмишлар хуморига яна хумор қўшди.



Айтишларича, адирда улкан буғу пайдо бўлган эмиш. Уни «Қумлоқ адир буғуси», дермиш. Қумлоқ адир буғусининг ҳайбати ҳамда шиддати борасида, мисдан ясалгандай бақувват, улкан, сертармоқ шохию, шохининг фил суягидай ялтироқ учлари борасида кўпдан-кўп гурунглар бўлди.

Турган гап, Ян ерга биринчи қор тушиши билан овга отланди, бу сафар у уларга ўзи ов қутқуси солган ўртоқлари билан овга жўнади. Улар чанада Қарағайзор адирга келди, кунботарда учрашишга келишиб, ҳар тарафга тарқаб кетди.


Адир теварагидаги бутазорда қуён билан қур кўп эди. Шу боис дақиқа сайин отишма овози эшитилиб турарди. Буғулар изи адирга яқин йўламагани учун Ян бутазордан чиқиб, мишмишларга кўра яқинда улкан буғу пайдо бўлган Кеннеди водийсига йўл олди.

Бир неча миль йўл босиб, у чиндан ҳам йирик-йирик изларга дуч келди, излар қорга жуда ботиб кетган бўлиб, оралари улкан сапчишлар натижасида узилиб-узилиб қолган эди. Ян, бу излар кўп гурунгларга сабаб бўлган ўша Қумлоқ адир буғусининг излари эканини билди.

Овчининг кучига куч қўшилди, у худди бўридай из қувиб кетди. У яна сочлари ораси ва елкаларида ғалати бир жимирлашни ҳис этди, бундай ҳол авваллари ҳам бўлган эди, аммо бу сафаргиси жуда таъсирчан кечди. Ян ўзича туклари ҳурпайиб ўлжасини қувиб кетаётган бўри ҳам шундай ҳолни бошидан кечирса керак, деб ўйлади.

Ян қоронғи чўккунча из олиб бораверди. Кейин изига қайтишга тўғри келди. Чунки овчилар билан учрашувга келишилган Қарағайзор адир хийла олис эди. Ян Қарағайзор адирга келишилган вақтда етиб боролмаслигига, ўртоқларини ортиқча куттириб қўйишига кўзи етди. Аммо у ўзидан кўнгли тўқ бўлди. Унинг оёқлари темирдай мустаҳкам, ўзи худди ов итлари каби метин иродали эди. У узун кун ов қилиб, чарчаш нималигини билмай уйга қайтиши мумкин эди.

У келишилган ерда шерикларини тополмай, анча хурсанд бўлди, ўзини эркинроқ сизди. Албатта, Ян ҳали узоқ юриб ҳориб-толади, деб ўйлаб, унга



ачинган бўлсалар керак. Аммо Ян бу дашту адирларда қанчалар бахтли дамлар кечирганини ўртоқлари билмайдилар.

Тўғри, муздай, қаҳратон шамол Янни қийнади, аммо Яннинг қалбида чайир ёшлик олови ловуллаб турди. Ян ҳар сафар адирда сайр қилганида ўзича бир бахт топди. Буни ўзиям ҳис этди. У худди шу вақт чаналарда дилдираб уйларига қайтаётган... Янга ачинаётган ўртоқларини эслаб, мийиғида кулиб қўйди.

О, у Кеннеди водийсида кун ботишнинг қандай ажойиб манзарасини томоша қилди! Қор қуёш нурида қип-қизарди, тераклар қирмизи ранга кирди.

Оқшом чўкиб, осмонда ой балқигач, тез қоронғи тушган ўрмонда сайр этишнинг ўз гашти бор! «Бу кунлар ҳаётимнинг энг яхши кунлари, — такрорлади у. — Олтин кунларим».

Ян Қарағайзор адирга дохил бўлар экан, баланд овозда чўзиб қичқирди:

— Ур-р-ра!

«Балки ўртоқларим ҳалиям ўша ерда туришгандир?» — кўнглидан ўтди унинг. Аслида ўртоқларига эмас, қалбини тўлдириб ётган хушвақт туйғуларини оламга ёйиш учун қичқирди.

Ўртоқларининг жавоб ҳайқириғи ўрнида Кеннеди водийсида бўрилар увиллаши келди. Ян тентаклиги тутиб бўриларга тақлид қилиб увиллади. Бўрилар Яннинг увиллашига жавоб берди, у бўриларнинг жавоб увиллашини эътибор билан эшитиб, улар тўда бўлиб, ниманингдир изидан қувиб бораётганини англади. Дарҳақиқат, бўрилар ўлжасини қувиб бораётганда шундай увиллар эди.

Бўрилар увиллаши янада яқин келди, ўрмонда акс садо берди. Яннинг хаёлига фавқулодда шундай фикр келди:

«Улар менинг изимдан келяпти-ку! Улар мени қувиб келяпти!»

У бораётган сўқмоқ унча катта бўлмаган дарахтзорга дуч келди. Бундай совуқда дарахтга чиқиб жон сақлаш ҳақида ўйламаса ҳам бўлар эди. Шу сабабли ҳам Ян ялангликка чиқиб олиб, қор устига ўтирди. Бир қўлини милтиқ стволига қўйди, яна бири билан патронларни ушлаб кўрди. Кўнгли янги, машъум туйғулар гирдобиде эзилди. Ўрмондан узуқ-узуқ увиллаш эшитилди. Увиллаш яна, янада яқин келди...

Увиллаш ўзгариб, фавқулодда ўчиб қолди. Ойдин кундуздай ёруғ бўлди. Афтидан, бўрилар Янни кўриб, дарахтзор четида туриб қолди. Унга дарахт

қарсиллади, чапда яна бўрилар увиллаши эшитилди, яна сукунат бошланди.

Ян ўзининг ўраб олинганини, бўрилар дарахтларга паналаб уни таъқиб этаётганини сизди. У бўриларни нишонга олиб, бекордан-бекор кўзининг нурини тўқди. Бўрилар ақлли экан, улар бирон мартаям қорасини кўрсатмади. Ян ҳам ақлли, уям хотиржам ўтираверди. Борди-ю, Ян қочганда, бўрилар унга ҳамла қилар эди.

Чамаси, бўрилар тўдаси унчалик кўп эмас эди, шу боисдан улар ўзларининг ҳарбий кенгашларида Янни тинч қўйишга келишдилар. Ян йигирма дақиқа чамаси сабр қилиб, сўнг, уйига йўл олди.

Уйига келиб, ўзича ўйлади:

«Буғулар изларидан қадам товушларини, милтиқ шиқирларини эшитганда қандай ҳолга тушишини энди тушундим».

Ян Қумлоқ адирда кўпдан-кўп совуқ кунларни, аёзли қиш кечаларини бошидан кечирди. У бу ерларни миридан-сиригача билиб олди. Буғулар нега юлғунларга яқин йўламасликларини, нега уларнинг изи эман теварагида кўп учрашини энди англаб етди. Қамишлар қуриб, қорга эгилганда қандай овоз беришини, мушқдор каламушлар муз остида қандай қилиб ҳаёт кечиришини, қундузлар нега адирдан пастга тушишини, музлар қаҳратон кечаларда кўчганда қандай товуш беришини энди тушуниб етди. Олмаҳонлардан қарағай ғўддасини қандай қилиб тозалашни, қўзиқоринларни танлаб-танлаб ейишни ўрганди.

У яқин-атрофдаги жамики ҳовуз, ўрмон ва адирларни билиб олди. Минглаб овчилик сирларини ўрганди, аммо буғуларни қўлга туширолмади.

Ян айқаш-уйқаш бўлиб кетган сўқмоқлар бўйлаб юзлаб миль йўл босди, буғу изларини гоҳ топди, гоҳ кўздан йўқотди. У барибир умидсизликка тушмади, чунки дайдиб юрганларида бир неча бор улкан Қумлоқ адир буғуси изларига дуч келди.

## IV

Ян совуқ эрталарнинг бирида катта қарағай ўрмонида йўл олганда ов мавсуми охирлаб қолган эди. Йўлда ўрмон қирқувчисига йўлиқди. Урмон қирқувчи ўрмонда бир урғочи буғу билан «бошида бутун бошли ўрмондай шохи бор» улкан буғу юрганини гапириб берди.

Ян ўрмон қирқувчи айтган ўрмонга йўл олди, кўп ўтмай изларга дуч келди. Изларнинг бирови



Янга бир вақтлар дарё бўйида кўрган изларни эслатди, яна бирови шубҳасиз, Қумлоқ адир буғусиники эди.

Яннинг яна ваҳшийлик қони қўзғади. У ўлжа олган бўридай улигиси келди.

Излар ўрмон ва адирлардан ўтди. Ян бўримисол из қувгани қувган бўлди.

Узун кун из олиб, ҳар бир майда нарсани эътиборга олди, бу сафар излар сапчиб-сапчиб юрмай юмшоқ қорга ботиб-ботиб кетганини кўриб, янада хурсанд бўлди. У ортиқча кийимлари ва нарсаларини ечиб қўйиб, шовқин-суронсиз олға интилгандан-интилди.

Буғулар кун бўйи бирор егулик излаб, теваракни кезиб чиқди, баъзи-баъзида йўлларда тўхтаб, сув ўрнида қор ялади.

Фавқулодда буталар орасида нимадир кўринди. «Балки қушлармикин?» — ўйлади Ян, ўзини панага олиб, диққат билан кузата бошлади. Кулранг бутазор орасида нимадир кўринди. Ётган кулранг нима Яннинг кўзига бир учи шоҳдор кундага ўхшаб туюлди. Кутилмаганда кулранг кунда қимирлади, сершоҳ новдалари юқори кўтарилди. Ян сесканиб кетди... У дарҳол тушунди, буталар орасида ётган кулранг кунда — бу буғу, Қумлоқ адир буғуси эди!..

Буғу жуда улкан эди! Ян буғунини зўр қувонч ҳам аҳтиром билан томоша қилди.

Хавф-хатарсиз, хотиржам ётган буғунини отиш жиноят... Аммо Ян бу вазиятни бир ой излади. У отмаса бўлмайди.

Яннинг ҳаяжони ошгандан-ошиб, охири тоқати тоқ бўлди. Қўлидаги қуроли қалтиради, у кўнгилдагидек мўлжалга ололмади. Энтикиб-энтикиб нафас олди. Нафаси қайтди.

Ян қуролни туширди... Аъзойи-бадани ҳаяжондан қалтиради. Бир неча дақиқа ўтиб, Ян яна ўзига келди. Қўллари қалтирамай қўйди, кўзлари мўлжални аниқ-равшан кўрди. Нимага энди бунча ҳаяжонланади, ахир, қошида турган жонивор бор-йўғи биттагина буғу бўлса!

Шу пайт буғу ўгирилди, Ян унинг ғамгин кўзларини, шалпанг қулоқларини, бурун катақларини аниқ кўрди.

«Наҳотки мени ўлдирмоқчи бўлсанг?» — унинг Янга термулган кўзлари гўё шундай деяётгандай эди. Ян яна довдираб қолди... Танасини қалтироқ тутди... У бу қалтироқ «ов тўлғоғи» эканини яхши биларди. Ян бу туйғунини авваллари эъзозлар эди, айни шу дақиқада бу туйғудан нафратланиб кетди.

Ниҳоят, Яннинг кўнглидаги ваҳшийлик буғуни отишга даъват этди.

Уқ нишонга тегмади. Улкан буғу ўрндан сакраб турди, ёнида яна бир буғу кўринди. Ян яна отди, яна тегмади... Сўнг, кетма-кет отди...

Буғулар тепама-тепа сакраб, кўздан ғойиб бўлди.

## V

Ян хийла вақтгача буғулар изидан борди, аммо уларнинг изида қон изини учратмади, буғуларни ҳатто ярадор қилолмагани алаmidан тишларини ғижирлатди. Ян бир милча йўл босиб, бошқа бир изга дуч келди, баттар хуноби ошди. Бу из ҳиндулар киядиган чорик излари эди. Қаҳр билан шу изни олиб юрди, тепага чиқиб, баҳайбат ҳинду овчининг қорасини кўрди. Ҳинду дарахт кундасига чиқиб, Янга дўстона қўл силкиди.

— Кимсан? — дағдаға билан сўради Ян.

— Часка.

— Бизнинг юртимизда нима қилиб юрибсан?

— Бу юрт бир замонлар менинг юртим эди, — кескин жавоб берди ҳинду.

— Буғулар — менинг буғуларим, — деди Ян ўйчан.

— Ёввойи буғулар ҳеч кимники эмас, ўлса бошқа гап.

— Мен пойлаб бораётган излардан холисроқ юришингни маслаҳат берардим.

— Мен сендан кўрқмайман, — жавоб берди ҳинду. — Пачакилашишнинг ҳожати йўқ, яхши овчи ҳамиша буғуларни топади.

Хуллас, Ян ҳинду билан бир неча кун бирга бўлди. Ян буғуларни отолмади, аммо Часкадан бир қанча овчилик ҳадисларини ўрганиб олди. Масалан, ҳинду унга ҳеч қачон тепага ўрлаб чопаётган буғуларни қувмасликни маслаҳат берди, чунки буғулар тепадан туриб пастни кузатади, изидан таъқиб қилиб келаётганини кўради, деди. У Янга изга қараб, олислаб кетган-кетмаганини аниқлашни ўрганди. Буғулар яқингинада бўлганда уларни қувиш бефойдалигини айтди. Ҳинду шунингдек, бармоқни ҳўллаб юқори кўтариб, шамол эсаётган тарафни аниқлашни ўргатди. Ян ўзича ўйлади: «Ҳа-а, буғуларнинг бурни нега доим оқиб юришини энди билдим».

Часка унга овнинг барори кўпинча сабр-тоқатга боғлиқлигини ҳам тушунтирди. Овда юриш қоида-

ларини ўргатди, шундай юрса, қор қанчалик қалин бўлмасин, келган изидан орқасига қайтиш осон бўлишини айтди.

Часка билан Ян баъзан бирга, баъзан алоҳида ов қилди. Кунлардан бир куни Ян ёлғиз ўзи ов қилиб юрганида «Часка кўли» деб аталадиган кўл бўйида ўсиб ётган чакалаклар ичида буғулар изига дуч келди. Излар янги эди. Ян диққат билан тева-ракка қулоқ солди, шунда, чакалакзор ичидан бир шарпа товуши эшитилгандай бўлди. Кўп ўтмай, чакалак шохчалари қимирлаганини кўрди. Ян чакалакзор ичида яна бир ҳаракат сезса отиш учун мўлжалга олиб турди. Дарҳақиқат, бир неча сония ўтгач, шохчалар орасида қандайдир кулранг бир нима кўринди. Ян отишга чоғланди. Шунда, кулранг шарпа ёнида яна бир қизил шарпа қимирлади. Яна бир неча дақиқадан кейин чакалакзордан Часка чиқиб келди.

— Часка! — ҳаяжонланиб қичқирди Ян. — Сал қолди-я, отиб қўйишимга!

Ҳинду гапга жавоб бериш ўрнига бармоғи билан бошида танғиқли қизил рўмолни кўрсатди. Ян шундагина ҳинду овчилар бошини нега қизил рўмол билан танғиб юришларини тушунди, шу кундан эътиборан ов пайтида ўзиям шундай қилишга ўрганди.

Бир неча кун ўтиб, улар майсазорларда юрадиган какликлар галасининг қарағайзор ўрмонга учиб бораётганини кўришди. Кўп ўтмай, бошқа каклик галалариям уларнинг изидан йўл олди. Часка какликларни диққат билан кузатиб, деди:

— Какликлар ўзини ўрмонга уряпти, совуқ бўлади.

Дарҳақиқат, овчилар эртаси куни совуқда олов ёқиб ўтирдилар.

Икки кун совуқ бўлди, учинчи куни улар овни бемалол давом эттирди. Аммо Часканинг омади юришмади, у йиқилиб тушиб, милтиғини синдириб қўйди. Кечқурун Ян билан оловга исиниб, миқ этмай трубка тортиб ўтирди, сўнг, бирдан сукунат-ни бузиб, Янга қараб деди:

— Ян Буғулар тоғида ов қилганми?

— Йўқ.

— Яхши ов бўлади... кетдик ўша ёққа.

Ян бош ирғаб, бормайман ишорасини қилди. Ҳинду ғарб томонга қараб қўйиб деди:

— Бугун Сиу изларини кўрдим... Энди бу ерда овнинг барори келмайди...

Ян, Часканинг қарори қатъий эканини билди.



Часка кўздан ғойиб бўлди, Ян у билан бошқа учрашмади. Карберри дўнгликлари оралиғида жойлашган ягона кўл эса ҳали-ҳамон «Часка кўли» деб аталади.

## VI

«Карберри яқинида буғулар тўдаси пайдо бўлибди. Яқинда Кеннеди водийси билан ўрмон қирқиладиган жой ўртасида улкан буғу юрганини кўрибдилар».

Шарққа кетиб қолган Ян олган хатларида шундай гапларни ўқиди. У Шарқда кўнглига ўтирмайдиган бир хил ҳаёт кечирди. Хатни ов мавсуми бошланиши арафасида олди. Унда бу хатсиз ҳам ов тўлғоғи бошланган эди. У авваллари иккиланиб юрган бўлса, хат унинг иккиланишларига чек қўйди. У темир отларда қадрдон адирларига йўл олди. Кейин, тирик отларда йўл юриб, уйига етиб келди. Яна сўнгсиз ов сафари бошланди.

Кўп ўтмай, Яннинг қулоғига кўл бўйида буғулар галаси юргани, улар етита бўлиб, йўлбошчиси жуда улкан экани тўғрисидаги гап етиб келди.

Ян уч нафар овчи билан чаналарда шу кўлга йўл олди.

Хиёл ўтиб, овчилар буғу изларига дуч келди. Изларнинг олтигаси турлича эди, еттинчиси эса жуда катта бўлиб, бу, шубҳасиз, Қумлоқ адир буғусининг излари эди.

Овчиларда тош асрининг ёввойи одамларига хос қонхўрлик қони кўзғади! Кўзлари очкўзларча ёниб, буғулар изидан тушди!

Қоронғи чўкай деб қолди. Овчилар буғулар галасини қувиб етди. Яннинг ҳар қанча ялиниб-ёлворишига қарамай, овчилар чанани қолдириб кетмадилар.

Кўп ўтмай, қорли тепаликда жуда янги изга дуч келдилар. Афтидан, буғулар шу ерда тўхтаб, изларидан қувиб келаётган овчиларни кузатган, сўнг, турли тарафга тарқаб кетган эдилар. Уларнинг ҳар бир сапчиши йигирма беш фут келар эди.

Овчилар из қувиб юравериб, барибир буғуларни тополмади. Қоронғи тушди, овчилар қор устида тунади.

Эрталаб яна йўлларида давом этиб, буғулар тунаган ерга етиб келдилар. Қорда қолган етита тана изи бу ерда ҳайвонлар ётганини айтиб турар эди.

Ян яна чанани ташлаб кетишни талаб қилди. У сездди, излар катта ўрмонга қараб боряпти. Каклик-



лар сайраб, дарахтлар узра кўтарилди — демак, буғулар чангалзор оралаб бормоқда.

Ян овчиларга қандай йўл тутишни маслаҳат берди, аммо улар эшитишни истамади, оқибат, буғулар қочиб кетди. Қўрққанларидан иккови бир тарафга, бешови бошқа тарафга қараб қочди.

Ян Дафф деган овчи билан шерик бўлиб олиб, иккита буғу изидан кетди. Қолганлари бешта буғуни қувиб кетди. Ян нега иккита буғу изидан кетди? Боиси бу изларнинг бирови икки йилдан буён Яннинг оромини бузиб келаётган улкан буғу излари эди.

Улар буғуларга бир чангалзорда етиб олди, аммо кўз-очиб юмгунча бўлмай, буғулар кўздан ғойиб бўлди. Ян шеригини буғуларнинг бири изидан юборди, ўзи улкан буғу кетидан кетди.

Кун қиёмдан оғди. Ян нотаниш бир жойга келиб қолди. Буғу жуда яқин қолди, Ян ҳадемай уни кўради. Худди шу пайт кетма-кет милтиқ отилди. Буғу сакраб-сакраб, Яндан олислаб кетди. Энди уни қувиб етиб бўлмайди. Буғу бундай тезлик билан жуда кўп чопиши мумкин.

Ян изига қайтиб, шеригини топиб олди. Даффнинг айтишича, у буғуга кетма-кет икки марта ўқ узибди. Иккинчи ўқим мўлжалга теккан бўлса керак, деди. Улар худди шу буғу изидан кетди.

Улар ярим милча юриб, қонга кўзлари тушди, қон бора-бора йўқолди, аммо излар борган сайин катталашиб, аниқлашиб борди. Бўрон туриб, қор изни учириб кетди. Аммо Ян бу изларни оддий буғунинг эмас, балки шохдор буғунинг излари, деб тахмин қилди. У ишонч ҳосил қилиш учун изни олиб, орқага қайтди.

Ҳа, Ян ҳақ эди. Улкан буғу бу сафар жониворлар тақиб остига олинганда қўллайдиган қадимги усулни қўллаган эди: у ярадор ҳамроҳи тескари томонга қочиб қолишига имконият яратиш, шу

билан уни қутқариб қолиш учун айнан босган изидан кетига қайтиб келган эди.

Овчилар бу макрга учмади. Улар ярадор буғу изидан борди, оч бўридай олға талпинди.

Улкан буғу ўз макри барбод бўлганини билиб, яна ҳамроҳи олдига қайтиб келди.

Кун ботаётганда овчилар уларни қорли адирга ўрлаб бораётганда кўрди. Кичик буғу бошини қуйи эгиб, аста-аста борар, улкан буғу эса олдинда шошиб-пишиб борарди. Улкан буғу кейинда қолаётган ҳамроҳига ҳайрон бўлиб қараб-қараб қўярди. Изига қайтиб, ҳамроҳини меҳрибонлик билан ялаб-юлқар, афтидан, шошилишга ундарди.

Овчилар уларга етиб олди. Улкан буғу овчиларни кўриб, шоҳларини силкиди, теваракка аланг-жаланг бўлди, сўнг, қудратли ғанимидан қочиб, елдай учиб кетди.

Овчилар етиб келганда ярадор буғу ўрнидан туришга интилди. Ўта ҳолсизлигидан яна йиқилиб тушди. Дафф пичоғини чиқарди. Ян ҳалигача овчилар нега белбоғларига узун пичоқ осиб юришларини билмас эди, энди билди. Ярадор оху каттакатта кўзларини ғанимига тикди. Унинг кўзларида ёш ўйнарди. Аммо у инграган товуш чиқармади. Ян тескари ўгирилиб, юзларини яширди. Дафф қўлида пичоқ билан охуга яқин борди, шундай машъум бир иш қилдики, уни ифодалашга сўз ожизлик қилади.

Ян серрайганча қотиб қолди. Дафф уни чақирди. Ян аста бурилиб, кетига қаради. Улкан буғунинг ҳамроҳи қорда жонсиз сулайиб ётар эди.

Улар кетаётганларида олисда қандайдир бир қора кўринди-ю, яна тепалик ортида ғойиб бўлди.

Бир соатлардан кейин овчилар чаналарни олиб келиб, қорда қонга бўялиб ётган буғу мурдасини ортди. Улар яна теварак-атрофда улкан-улкан янги изларни кўрди, яна қоп-қора тунда оппоқ оқариб ётган адирда нимадир бир қорайиб кўринди-да, яна кўздан ғойиб бўлди.

Шу кеча гулхан ёруғида исиниб ўтирган Яннинг хаёлидан ғамгин, оғир ўйлар кечди! У ўзини-ўзи койиди. Ов дегани шуми? Шунини деб шунча сарсонсаргардон бўлдими?

Ҳа, у кўп кунлик ташвишлар, қатор омадсизликлардан кейин излаган ниятига етди: табиатнинг гўзал бир бисоти қонга бўялди, жирканч мурдага айланди...

## VII

Тун хотиралари эрталаб тарқалди. Адирлар узра увиллаган овоз таралди, Ян диққат билан эшитди. У, бўрилар буғу мурдасининг ҳидини олдимикин, деган ташвишга тушди.

Овчилар шу яқиндаги қишлоққа жўнади. Ян қандай қилиб ўзи ёлғиз қолиш йўлини ўйлади. Шунда у яна улкан буғунинг янги изларига дуч келди. Йигитча ўзини тутолмади, у буғу қувиш иштиёқида ёнди.

«Мен уни яна бир кўришим керак», аҳд қилди у.


Бошқа овчилар эса аёзли совуқдан бедор бўлди. Ян нарсалар ичидан кичкина қозон, аёл ва егулик олиб қолиб, шерикларидан ажралиб қолди.

— Хайр! — кетаётиб қичқирди у.

— Омадингни берсин!

Овчилар билан чаналар тепа ёнбағрида кўздан ғойиб бўлди. Ян ёлғиз қолди. У шу кунгача ёлғизлик нималигини бу даражада ҳис қилмаган эди. У ҳафталаб, ойлаб бийдай адирларда ёлғиз кезиб юрган, аммо ёлғизлик дардидан бугунгидай азобланмаган эди. Уни оғир ҳислар босиб кела бошлади. У чексиз оппоқ оламга назар солиб, юраги сиқилиб кетди. У шерикларига қичқиргиси, уларнинг изидан боргиси келди, аммо ғурури йўл бермади.

Шериклари эса алақачон кўздан ғойиб бўлган, энди уларнинг кетидан бориш, уларни чақириш фойдасиз эди. У буғу изидан, икки йилдан буён унга тинчлик бермаётган буғу изидан йўл олди. Бу излар адир ва далалар бўйлаб юриб айқаш-уйқаш бўлиб кетган, агар инсон бу излар сирини англаб етганда эди, унда, жониворларнинг девона ҳаёти қиссаси пайдо бўларди. Агар инсон бу излар сирини англаб етганда эди, у олғир рақиб билан бўлган даҳшатли тўқнашувлар қиссасини, қонли олишувлар оқибатида жон берган жониворлар





қисматини билиб олар эди. Ҳаётдан мақсади фақат қорин тўйғазиш бўлган яқин-яқин замонларда инсон жониворларни усталик билан таъқиб этди, жониворлар изи инсон тўйиб овқат ейдиган манзилга олиб борадиган яккаю ягона йўл эди. Шу сабабдан ҳали-ҳалигача инсон жониворлар изини кўрганда қалбида уни қидириб топиш, унга эга бўлиш истаги туғилади, кўнглида ёввойи овчиларга хос ҳайвоний туйғу пайдо бўлади.

Ян ана шундай енгиб бўлмас туйғулар гирдобида қолди, буғуни қўлга тушириш учун югурди.

Кечқурун деганда куюқ бир тоғтеракзорга етиб келди. Ян буғу шу ерда тунашини биларди. Шу сабабляим жуда авайлаб, овоз чиқармай, оёқ учида дарахтлар оралаб борди.

Аmmo унинг эҳтиёткорлиги зое кетди. Буғу уни пайқаб қолиб, қочиб кетишга улгурди.

Ян ўрмонда тунаб қолди. Тун совуқ, қоронғи бўлди. У ётиб, ёнига ағдарилди, аёлга ўраниб олди. У табиат ўзига тулкиникидай иссиқ тери ва сержун дум бермаганига ўкинди, борди-ю, берганда ҳозир совуқдан қалтираётган оёқ-қўлини ўраб оларди.

Дарахтлар билан ерлар совуқдан қирсиллади. Осмондаги юлдузлар ҳам совуқда жаранглаб овоз бергандай бўлди. Шу яқиндаги кўлдан қирсиллаган овозлар келиб турди: қирғоқда муз сина бошлади. Кўл билан ўрмон устидан юзни ачиштирадиган аччиқ шамол эсди.

Бир бўри олисдан туриб гулханни кузатди, ammo яқин келолмади. Аянчли увиллаб, кўздан йўқолди.

Эрталаб пича илиқ бўлди. Қор гупиллаб ёғди. Қорбўрон буғу изларини кўмиб юборди.

Ян ўзининг қаерда эканини билолмади. Ўрмонда мақсадсиз тентираб юриб, Қарағайзор булоққа боришга аҳд қилди. Лекин уёққа олиб борадиган йўлни қандай топади? Ҳавода қор учади, кўз очиргани кўймайди, юзни чимчилайди, теварак-атрофни кўрсатмайди. Яқин нарсалар туман ичида қолган, олис-олислар оппоқ ғуборга бурканган. У шундай тоғтеракзор оралаб юриб, қор остида «олтин томирлар» номи билан машҳур ўсимликнинг қуриган танасини излаб топди. Бу ўсимлик танаси ҳамиша шимолга талпиниб туради. Ян шу ўсимлик эгилган тарафга қараб йўлни белгилаб олди. У Қарағайзор булоқ оқадиган жануби-шарққа қараб йўл олди. Йўлдан адашган пайтлари қор ковлаб,



олтин томирни топиб, унинг оғишига қараб йўлини топиб олди.

Ниҳоят, ўрмондан чиқиб, олисдан Қарағайзор ариқни кўрди.

Ян буғу изларини излаб, кунни бекор ўтказди. Тунда яна гулхан ёқди, яна патли, иссиқ тери инъом қилмагани учун табиатдан ўпкалади. Шу биринчи тунда ияги билан оёқлари бармоғини совуқ олдириб қўйди. Совуқ олган аъзолари қақшаб оғриди. Аммо у уйга қайтишни хаёлига ҳам келтирмади. Шу сафар буғуларни топсам керак, деган ички бир ишонч уни йўлдан қайтариб турди.

Эртаси эрталаб қандайдир ажабтовур, англаб бўлмас бир туйғу уни бийдай ёйилма оралаб кезиб юришга мажбур этди, ваҳоланки, бу ерларда буғу изларидан ном-нишон ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кейин нима бўлди? У қаршисида буғулар тунайдиган жарни кўрди. Ҳали қор ёпмаган олтита қорайиб турган чуқурча, бу ер улкан буғу билан оила аъзолари тунайдиган бошпана эканидан далолат берарди.

Ян ҳали тўрт миль ҳам босмаган эди, туман қоплаган узун тепалар ортидан қулоқларини динг қилиб беш нафар бош кўринди, кейин сертармоқ шохларини кўрсатиб улкан йўлбошчи буғу пайдо бўлди. Улар бир кўринди-ю, яна кўздан пана бўлди. Ян ҳатто мўлжалга олишга ҳам улгуролмади, жониворлар ҳуркиб, тепалар ортида ғойиб бўлди.

Улкан буғу ўз оила аъзоларини йиғиб, улар билан қорли тепалар бўйлаб айланиб юрган эди. Йўлбошчи ғанимини кўрди-ю, оила аъзоларига водий бўйлаб тарқаб кетишни буюрди, оқибат, ҳаммаси бирпасда турли тарафга сочилиб кетди.

Ян фақат бир нарсани — уям бўлса йўлбошчи буғуни топишни ихтиёр этди. У чакалак ва узун хивич новдалари қалашиб ётган торгина жарликка йўл олди, худди шу ердан Қарағайзор ариқ оқиб ўтарди.

— У шу ерда, худди шу ерда бекиниб мени пойлаяпти, мен барибир уни кўлга тушираман, — аҳд қилди Ян.

У чакалакзордан кўз узмади. Ярим соатлардан кейин бир қора шарпа чакалакзордан чиқиб, эҳтиёткорлик билан тепалар бўйлаб юрди. Буғу кўздан пана бўлгач, Ян ёйилмани шошиб кесиб чиқди, уни айланиб ўтиб, жониворнинг олдидан чиқмоқчи бўлди. Аммо буғу овчидан пишиқроқ экан. У овчининг мақсадини сезиб қолиб, ўзининг олдинги келган йўлидан юриб, ғойиб бўлди.

буғу ўз тақдири ҳал бўлаётганини яхши билар эди. Таъқиб кетма-кет бир неча кун давом этса, энг кучли ва энг чопқир буғу ҳам ҳолдан тояди. Овчи тинимсиз қувса, жонивор дармони қуриб, ўзини-ўзи овчининг қўлига топширади.

Шундай қилиб, Ян ўлжасини оппоқ далалар ва тепалар оралатиб тинимсиз қувди. Буғу унга чап берди, ўз изидан юрди, овчининг яқинлашганини сезиш осон бўлсин учун чакалакзорнинг шамол эсаётган тарафига яшириниб турди. Жонивор инсонга панд берди, уни лақиллатиб изидан эргаштириб юрди, сўнг, бирдан ғойиб бўлиб, инсонга ечиб бўлмас жумбоқ ташлаб кетди. Аммо Ян ҳам бўш келмади, у матонат билан қувишда давом этди, буғунинг макрларини англаб олди, изларини қидириб топди.

Ниҳоят, улкан буғу ҳолдан тойди, овқат еёлмай-диган, ухлай олмай-диган даражада чарчади. Тинимсиз таъқиблар ваҳимаси оқибатида дармони қуриб, шалпайиб, одимлари торайиб қолди.

## VIII

Ниҳоят, овчи билан буғу тевараги ботқоқзор бир ўрмончада юзма-юз бўлди. Урмонда учта йўл бўлиб, бу йўллар гўё овчи билан буғунинг сўнгги, машъум учрашувига мўлжаллангандай эди.

Шу йўлларнинг бировида буғу яшириниб ётибди, у таъқибчисидан қўрқиб, энди изига қайтмайди.

Ян буни билди, шу сабабляям камзули билан белбоғини ечиб, бутага илиб қўйди-да, иккинчи йўл бўйлаб юриб, учинчи йўлга қараб шошилди. Чангалларни шитирлатиб юборишдан қўрқиб, жуда эҳтиёт билан учинчи йўлдан юрди, буталар орасига яшириниб пойлади. Бир оз тин олиб ўтириб, худди бирор хавфни сезган тўрғайдай ҳуштак чалди.

Буғулар ҳамаша ўрмон тўрғайи овозига қулоқ солади. Ян ўтирган еридан қўрдики, улкан буғу қулоқларини динг қилиб, теваракни кузатиш учун дўнгликка чиқиб келди. Яннинг сокин ҳуштаги буғуни серрайтириб қўйди. Буғуни чангаллар билан дарахтлар пана қилиб турди.

Буғу бир неча дақиқа тумшуғини чўзиб, олисларга қараб турди. У Янга тескари тургани учун унинг яқинлигини сезмади. Шамол бутага осифлик камзулнинг энгларини ҳилпиратди. Буғу дўнгликдан шошиб тушди, дарахтлар орасидан шарпасиз юриб, жимгина ғойиб бўлди.

Ян бор диққатини ишга солиб, буғунинг қайси тарафга йўл олганини билмоқчи бўлди. У ҳаяжон-

дан қалтиради, бутун аъзойи бадани жунбушга келди, юраги дук-дук урди. Милтиғи аллақачон отишга шай эди.

У авайлаб, секин ўрнидан турди. Шунда, ундан уч саржин нарида худди ердан чиққандай яна бир шарпа кўтарилди. Бу шарпа улкан буғу — Қумлоқ адир буғуси эди!

Бир жуфт қоп-қора кўзлар Янга қадалди. Сертармоқ шохлари улкан, чиройли бошига ярашиб тушган. Хушбичим қомати тошдай қотиб турибди.

Мана, ниҳоят, Ян билан Қумлоқ адир буғуси юзма-юз бўлди! Буғунинг тақдири Яннинг қўлида қолди.

Буғу ҳайкалдай қотиб қолди. У ўзининг олмадай-олмадай, покдомон кўзларини Янга тикиб тураверди.

Яннинг милтиқ ушлаган қўли қалтиради. У қуролни кўтариб, яна туширди, чунки буғу жойидан қимир этмай, ундан кўзини узмай тураверди.

Ян шунда ҳаяжони босилаётганини ҳис қилди, тишлари энди ғижирламай қўйди, у қалбида қандайдир бир сокинлик, хушвақтлик сезди.

«От, тезроқ от! Сен шу кунга етдинг!» — қалбидан шундай бир нидо келди. Аммо бу нидо жуда бетайин, ожиз эди...

Шунда Ян ўз бошидан кечирган қўрқинчли бир тунни эслади, ўшанда уни бўрилар тўдаси таъқиб этган, у ҳолдан тойиб, бўриларнинг яқин келишини даҳшат билан кутиб турган эди. У, шунингдек, отиб ўлдирилган оҳуни, қонга беланган қорни эслади. Хаёлига жон бераётган оҳунинг илтижо билан жовдираб боқаётган кўзлари келди, бу кўзлар: «Мен сизга нима ёмонлик қилдим?» — дея илтижо қилаётгандай эди.

Ўлдириш тўғрисида энди ўйламаса ҳам бўлади. Ян буғуга тикилди, буғу Янга тикилди. Улар бир-бирларининг кўзидан кўнгилларидаги дардларни уқиб олди. Ян буғунинг жонига қасд қилолмади. Кўнглида аллақачон пайдо бўлган нимадир етилгандан-етилди, пишиб, меъерига етди, бирдан дилидаги тилига отилиб чиқиб, нидо берди.

Мана, шу нидо:

«Эй бечора, гўзал жонивор! Биз кўп вақтлар бир-биримизга ғаним бўлдик, сен қочдинг, мен қувдим. Бўлган иш бўлди, ўтган ишга салавот. Энди бир-биримиз билан бетма-бет, кўзма-кўз бўлдик, биз табиат деб аталмиш бир онанинг фарзандларимиз. Биз ўзаро тиллашолмаймиз, аммо бир-биримизни тилсиз ҳам тушунамиз. Мен сени

авваллари билмасдим, энди эса яхши билиб олдим. Ишонаманки, сен ҳам мени яхши билиб оласан. Сенинг тақдиринг менинг қўлимда, лекин сен мендан ҳайиқмаясан. Эмишки, бир буғуни итлар ўраб олибди, шунда буғу паноҳ излаб овчига талпинибди, овчи уни қутқариб қолибди. Мен сени кўп кунлар таъқиб этдим, мана энди сен олдимда бемалол турибсан. Қўрқма, мен энди сенга икки дунёда ҳам қўл кўтармайман. Биз — оға-инилармиз, табиатнинг ноёб бисотларимиз, фақат мен сендан кексароқ ҳам қудратлироқман, холос. Менинг қудратим сени ҳамиша ўз паноҳига олса эди, сен абадий хавф-хатарсиз яшардинг.

Бор, ўрмонзор, адирлар оша чопқиллаб юр, қўрқма, мен энди сени бўридай ёвузларча, очқўзларча таъқиб қилиб юрмайман. Яшаганим сайин менга қадрдон бўлиб қолаверасан, мен энди сенга бир ўлжага, бир бўлак гўштга қарагандай қарамайман.

Бор, қўрқмай, бемалол кетавер.

Биз энди қайтиб кўришмаймиз. Алвидо!»



I

Бу воқеа 1882 йилнинг ноябрь ойи бошларида, Манитобга қиш кириб қолганда бўлди. Мен курсига ёйилиб, кулбамизнинг яккаю ягона деразасидан кўринаётган даштни, оғилхонамизни томоша қилиб ўтирардим.

Шунда, бир нимага кўзим тушиб, хаёлим бирдан бўлинди, улкан бир жонивор дашт бўйлаб қочиб, бизнинг оғилхонага йўл олди, изидан бир майдагина, ола-була жонивор қувиб келди.

— Бўри! — дедим ўзимга-ўзим, сўнг милтиқни олиб, итга ёрдам бергани югурдим.

Аммо мен боргунимча бўри билан ит оғилхонадан чиқиб қочди. Бўри қорда бир оз югуриб, тўхтади, ўзини ҳимоя қилишга шайланди. Қўшнимизнинг насл-насаби шотланд лайча ити бўрини айлаиб чопиб, ҳамла учун қулай вазият пойлади.

Мен бўрини олисдан икки бор нишонга олдим, аммо ҳар икковидаям хато кетдим. Бўри билан ит яна дашт оралаб қувлашиб кетди. Ит бўрига ҳар яқинлашганда, аввало унинг қуймичига ёпишди, ҳар сафар бўрининг ўткир тишларидан қочиб қутулишга улгурди. Бўри ўзини ҳимоя қилиб, дашт бўйлаб кўзига қарамай қочди. Ит уни одам бор жойга қараб қувди, бўри эса мақсадсиз орқасига қараб қочди, шарқ тарафда қорайиб кўринаётган ўрмонларни мўлжаллаб чопди. Улар гоҳ олишиб, гоҳ қувишиб, бир милча йўл босди, ниҳоят, мен уларга етиб олдим, ит менга ишониб узил-кесил ҳамлага ўтди.

Бир неча дақиқа ўтди. Икки жонивор олатасир олишиб, ажрашди, шунда ерда чалқанча ётган бўрига, унинг томоғидан гиппа тишлаб турган итга кўзим тушди. Мен учун бўрининг бошини нишонга олишдан бошқа иш қолмади.

Қўшнимизнинг бу ғаройиб лайчаси бўрининг жони узилганини билгач, унга қайрилиб қарамадиям. У қорда ликиллаб, эгасининг тўрт милча наридаги фермасига йўл олди.

Лайча ноёб ит эди, у мен бормасам ҳам бир ўзи бўрининг корини қиларди. У ўзидан қудратли



бўрини енгди. Кейин билсам, бу унинг ҳаётидаги биринчи воқеа эмас экан.

Мен унинг довюраклигига қойил бўлдим, уни қанча пулга бўлсаям сотиб олишга аҳд қилдим. Аммо қўшним рози бўлмади:

— Йўқ, бўлмайди, яхшиси кучугимни сотиб ола қолинг?

Шундай қилиб, Фрэнк лақабли бу итни сотиб ололмадим, ўрнига бир кучукни истар-истамай сотиб олдим. Шундай зўр итнинг зурриёти бўлмиш бу кучук бир юмалоқ жунга ўхшарди, у кучукдан кўра айиқ боласига келбат берар эди. Аммо унинг Фрэнкникидай оласи бор эди. Тумшуғи атрофидаги олалар унинг Фрэнкдай ит бўлиб етилишига умид туғдирарди.

Энди кучукка от қўйишим қолди. Бу осон. Мен уни Бинго деб атадим.

## II

Шундай қилиб, Бинго қишнинг охирини бизнинг кулбамизда қишлади. Такасаланг, хомсемиз, аҳмоқона ҳаёт кечирди. Ҳаминқадар семириб, кун сайин бесўнақай бўлиб қолди. У ҳатто мушукдан узоқроқ юриш кераклигини ҳам ўйлаб кўрмади. Унинг мушук билан дўст тутинишга уриниши, турган гап, мушукка ёқмади, оқибат, уларни бир неча бор таёқ билан ажратиб қўйишга тўғри келди.

Шунда Бинго ҳаётга жуда эрта мустақил қадам қўйди: кулбани тарк этиб, саройга бориб яшашга аҳд қилди.

Баҳор келгач, мен Бингонинг тарбияси билан жиддий шуғуллана бошладим. Кўп тер тўқдим, Бинго эса кўп қийналди. У ҳадемай менинг амримга биноан даштда ўтлаб юрган қари сариқ моли-мизни қидириб топиб келадиган бўлди.

Кўп ўтмай, бу иш Бингога ёқиб қолди, у зўр



иштиёқ билан молимизни уйга ҳайдаб келадиган бўлди. Имо қилишим билан хушчақчақ ҳуриб, даштга қараб чопди, ердан баланд-баланд сакраб, молимизнинг қаерда ўтлаётганини излади. Хиёл ўтмай молимизни олдига солиб, лўкиллашиб ҳайдаб келди. Молимиз пишқириб, ҳарсиллаб, оғилхона бурчагидаги жойига жойлашгандан кейингина Бингонинг кўнгли тинчиди.

У молни ҳайдаб келишга ҳаддан зиёд берилиб кетмаганда эди, биз уни ўз ҳолига қўйиб қўярдик, лекин у энди Донни лақабли бу молни бизнинг амримизсиз ҳам олдига солиб келадиган бўлди. Охир-оқибат шу даражага бориб етдики, у мол бечорани бир-икки мартаямгина эмас, кунига ўн икки марталаб ҳайдаб келадиган бўлди. Шунчаики югургиси келса ё бекорчи бўлса, ёки хаёли оғса ҳам тўғри даштга қараб югуриб, хиёл ўтмай бечора молимизни олдига солиб келаверди.

Аввал-аввал Бингонинг бу иши фойдалидай туюлди, чунки мол уйдан олислаб кетмай, шу яқинда юради. Кейин-кейин итнинг иши молнинг жонига тегди. Мол ориқлаб, кам сут бера бошлади. Капалаги учиб, теваракка олазарак боқиб, итнинг қачон пайдо бўлишини пойлайдиган бўлди. Эрталаблари оғилдан чиқмай, қўрққанидан даштга ўтлагани боролмайдиган бўлиб қолди.

Бинго ҳаддидан ошиб кетди. Уни йўлидан қайтаришлар самарасиз бўлди, оқибатда уни зўрлаб тийиб қўйишга тўғри келди. У Доннини бошқа қувишга юраги бетламади, лекин молни соғаётганларида оғил оғзида узала тушиб, унга тикилиб ётди.

Ёз келиб, майда чивинлар кўпайиб қолди, улар турли-туман нарсаларни булғаб бошлади. Яна тагин молни соғаётганда унга айланиб, тинчлик бермади, оқибатда мол думини силкий бериб, соғдиргани қўймади.

Молни соғувчи Фред укам мол думини лиқиллатмасликнинг йўлини ўйлаб топди. У молнинг думига ғишт боғлаб қўйди, у энди думини силжитмаслигига амин бўлиб, соғишда давом этди. Биз унинг бу ишига ишонқирамай қарадик.





Ишонмаганимизчаям бор экан, кутилмаганда чивинлар айланаётган ердан тарс этган товуш билан сўкиниш эшитилди. Мол бамайлихотир кавш қайтараверди, Фред эса ўрнидан сапчиб туриб, аччиқ билан унга курсини отмоқчи бўлди. Аччиқланмай бўладими ахир, мол думини силкиб, ғишт билан Фреднинг қулоқ-чаккасига солди! Қараб турганларнинг заҳарханда кулгиси эса уни баттар эзди.

Бинго ғала-ғовурни эшитиб, жанжалга аралашишни ўзининг бурчи деб билди-да, молга нариги тарафдан ҳамла қилди. Босди-босди бўлгунча сут ерга тўкилиб, пақир билан скамейка синиб бўлди, мол билан ит эса таёқ остида қолди.

Бечора Бинго нима айб қилганини билолмай ҳайрон бўлди. Узи-ку, кўпдан буён молни ёмон кўриб юрарди, энди эса ҳатто унинг оғили эшигига ҳам қарагиси келмай, отхонада ётадиган бўлди.

Мол менинг молим, от эса акамники эди, Бинго оғилни тарк этиб, отхонага кўчиб ўтди, айна вақтда мендан ҳам юз ўгирган бўлди. Шундай қилиб Бинго билан бўлган ошначилигимизга путур етди, аммо у бирор кори ҳол бўлса акамнинг эмас, менинг оддимга келадиган бўлди. Шунда у ҳам, мен ҳам инсон билан ит орасидаги яқинлик фақат нариги дунёдагина барҳам ейиши мумкинлигини англадик.

Бинго яна бир марта подачилик қилди. Бу шу йилнинг кузида Карберри ярмаркасида бўлди. Ярмаркада молларни белгиланган маълум бир жойга ҳайдаб бориш бўйича итлар билан тозилар





мусобақаси ўтказилди, голиб учун икки доллар қўйилди.

Бир ўртоғимнинг ҳа-ҳаси билан Бингони мусобақадорлар рўйхатига ёздирдим, мусобақа бўладиган куни молни қишлоқ ортидаги даштга ҳайдаб юбордим. Мусобақа бошланганда Бингога мол ўтлаётган тарафни кўрсатиб амр қилдим:

— Бор, молни ҳайдаб кел!

Турган гап, Бинго молни мусобақа ҳакамлари олдига ҳайдаб боришини истадим.

Жониворлар нима қилишни сиз билан биздан яхши билади. Бингонинг жон-жаҳди билан чопиб келаётганини кўрган қари Донни ундан фақат оғилхонага бориб қутулиши мумкин эканини тушунди, Бингонинг яккаю ягона мақсади эса молни иложи борича тезроқ оғилга қамаш бўлди. Бинго худди буғуни қуваётган бўримисол, молни дашт бўйлаб тўғри оғилга қаратиб қувди, кўп ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Мусобақа ҳакамлари на итни, на молни бошқа қайтиб кўрмади. Соврин Бингонинг яккаю ягона рақиби бўлмиш бир тозида кетди.

### III

Эрта кўкламдан бошлаб Бингони тарбия қилдим, ҳадемай унинг ўзи менга ақл бўла бошлади.

Бундан икки милча нарида, бизнинг кулбамиз билан Карберри қишлоғи ўртасида фермамининг чегарасини кўрсатувчи симёғоч бор. Бу узун, йўғон симёғоч олисдан ҳам кўринадиган кичкина дўнгликка ўрнатилган.

Кунлар ўтиб, шу нарсани сездимки, Бинго бу симёғочни аввал яхшилаб кузатмасдан туриб унинг ёнидан ўтмас экан. Яна бир неча кундан сўнг бу симёғоч олдига чиябўрилар билан қўшниларимизнинг итлари ҳам келиб-кетишини билиб олдим.

Мен неча бор бу симёғоч билан Бингони сирли



юришлари боисини билиб олиш учун узун дурбин орқали симёғочни кузатдим.

Билсам, бу симёғоч жониворларнинг ўзаро келишувига биноан адреслар столи вазифасини ўтар экан. Жониворлар ўзларининг ҳид билиш қобилиятлари туфайли яқинда бу ерга қайси биродарлари келиб-кетганини билиб оларкан. Ерга қор тушганда яна ҳам кўп нарсаларни билиб олдим. Бу симёғоч ўлкадаги адреслар столи вазифасини бажарадиган белгиларнинг фақатгина биттаси экан, холос.

Бундай адреслар столи вилоятда жуда кўп экан. Адреслар столи бир-биридан маълум бир масофада жойлашган бўлиб, ҳар бири кўзга тез ташланадиган жисмлардан танланган. Масалан, ё симёғоч, ё катта тошлар. Мен янаям эътибор билан кузатиб, бутун бошли алоқа ўрнатиш тармоқлари борлигини билиб олдим.

Ҳар бир ит ё бўри йўлида учраган адреслар столида тўхтаб, бу ерда яқинда ким бўлганини билиб олади. Бу одат бирор клуб аъзоси шаҳарга қайтиб келиб, унинг йўқлигида клубга кимлар келиб-кетганини билиб олиш учун йўқламалар дафтарини кўздан кечиришига ўхшарди.

Мен Бингонинг симёғоч олдига келиб, теваракни ҳидлаб кузатганини кўрдим. У ҳурпайиб ҳурди, кўзлари ёниб, орқа оёқлари билан ер тирнади. Сўнг кетига хўмрайиб қараб-қараб кетди. Унинг бу қараши маъносини инсоният тилига таржима қилсак, мана бундай бўлади:

«Ғр-р-р, ҳап! Яна ўша Маккарти сассиқ кўппак келибди-да! Ҳап, бу кеча мен унинг кунини кўрса-таман, ҳап-ҳап!»

Бошқа бир кун симёғочни айланиб ҳидлаб, кутилмаганда ғазоби тошди, чиябўрининг изидан жўнади. Кейин билсам, ўшанда Бинго ўзига-ўзи шундай деган экан:

«Бу шимолдан келаётган чиябўри изи, ундан анқиётган ҳид ҳаром ўлган молнинг ҳиди... Тўғри-ми? Поллуартнинг Бриндл деган қари моли ҳаром ўлибди-да? Буни текшириб кўриш керак...»

У баъзан думини ликиллашиб, симёғочни айланиб чопди, яна қайтиб келди, Брендондан қайтган укаси Билл кўрсин учун изларини кўзга янада аниқ кўринадиган қилиб қолдирди. У ўйлагандек, бир оқшом укаси Билл келиб қолди, ака-ука дийдор кўришганларини нишонлаш учун адирга бориб, бир от ўлакчасини топиб, баҳам кўрдилар.

Шундай вақтлар ҳам бўлдики, Бинго симёғоч олдига келиб, қалбини ларзага солувчи янгиликлар устидан чиқди. Шунда навбатдаги ахборотлар белгисига югуриб, бундан ҳам янгироқ маълумотлар олиш учун шошилди.

Гоҳида симёғочни жиддий эътибор билан кузатиб, ўзича шундай дегандай бўлди: «Бу нима? Бу ким бўлиши мумкин?..»

Симёғочни айланиб, ўзича ўйлади: «Адашмасам, у билан бултур ёзда сувдан сузиб ўтаётганимизда кўришган эдим шекилли?»

Бир куни эрталаб Бинго симёғоч олдига келганда жунлари ҳурпайиб, думи кўтарилиб, қалтирай бошлади, кўнгли айниб, ўзини ҳаддан зиёд ёмон ҳис қилди. Изни қувишдан кечиб, тўғри ўз маконига йўл олди. Ярим соатча вақт ўтди ҳамки, ўзига келолмади. Яғрин жунлари тикрайиб, кўзлари даҳшат, нафрат билан ёнди.

Мен Бингонинг феъл-атворини, мурод-мақсадини яхшилаб билиб олдим, Бингонинг қўрқув аралаш, «Ғр-р-р! Ҳап!»— деб ириллагани уларнинг тилида «ўрмон бўриси», дегани экан.

Мен Бингодан ана шуларни билиб олдим. Шундан кейин Бинго совуқ ётоғидан чиқиб, керишиб, сержун елкаларига қўнган қорларни силкиниб тўкиб, панжалари билан «тап-тап-тап» ер тепиниб, қоронғилик сари йўл оларди, шунда ўзимга-ўзим айтардим:

«Ҳа, қари кўппак-е! Отхонада ётгинг келмай, қаёққа бораётганингни биламан! Нимага тунлари айни бир вақтда теваракни айланишингни, ўлжа қидириб, қачон, қаёққа бориш кераклигини бунчалик яхши билишингни энди англаб етдим!»

#### IV

1884 йил кузида де Винтон фермасининг кулбаси михлаб ташлангач, Бинго бошқа жойга кўчди. У энди меҳнинг қўшним ҳам ўртоғим бўлмиш Гордон Райтнинг отхонасида яшай бошлади.

Бинго ўзининг янги маконида биринчи қишни ўтказди, шу вақт мобайнида хўжайиннинг уйига деярли қадам босмади. Фақат бир фалокат бундан мустасно. Ушанда милтиқнинг гумбурлаган товуши Бингонинг юрагини ёриб юборди. У паноҳ излаб, хўжайинининг уйига қочиб киришга мажбур бўлди.

Бинго доим отхонада тунади, совуқ қаҳрига олган тунлариям отхонадан бери келмади. У тамоман эркин, озодликда яшашни истади.

У тунлари олис-олисларда айланиб юрадиган бўлди. Кўпчилик уни таниб қолди. Бундан анча узоқда яшайдиган фермерлар Гордон чолни учратиб, агар унинг ити кечалари яна шундай изғийверса, унда, уни сочма ўқ билан отажакларини айтди. Фермерлар айтганини қилдиям. Шундан буён Бинго милтиқни кўрса ўтакаси ёриладиган бўлиб қолди.

Олис Петрелда яшовчи бир киши улкан ўрмон бўйсини кўрганини, у қиш кечаларидан бирида бир чиябўрини тилка-пора қилиб ташлаганини айтиб берди. У гапида иккиланиб, ўша ўрмон бўриси эмас, Райтнинг ити бўлиши керак, деди.

Қаерда совуқдан ҳаром ўлган ҳўкиз ё отнинг ўлакраси бўлса, Бинго ўша ерда ҳозир у нозир бўлди, чиябўриларни ҳайдаб юбориб, ўлжани ўзи пок-покиза туширди.

У баъзан узоқ қўшниларимизнинг итлари билан уришгани борадиган бўлди. Бингонинг юриш-туриши қанчалик хавф-хатар остида бўлмасин, биз унинг эсон-омон юришига ишончимиз комил эди.

Бир киши учта боласи бор чиябўрини кўрганини, болалари онасидан кўра улкан, қора туслилигини, тумшуклари ола эканини айтиб қолди. Дарҳақиқат, мартнинг охирлари чана билан кетаётиб, кутилмаганда шу чиябўрига дуч келдик. Чиябўри сойдан отилиб чиқиб, қоча бошлади. Бизнинг изимиздан қадамма-қадам чопиб келаётган Бинго чиябўрини қувиб кетди. Чиябўрининг югуришига қараганда, у таъқибдан унчалик ҳам ҳайқиётганга ўхшамасди. Хиёл ўтмай Бинго унга етиб олди, ҳеч қандай олишув содир бўлмади. Аксинча, Бинго у билан дўстона ёнма-ён чопиб, унинг тумшугини ялади.

Биз ҳайрон бўлиб, Бингони чиябўрига ол-кишладик. Бизнинг қичқириқларимиз чиябўрини қўрқитиб юборди, у қадамини тезлатди. Бинго яна унга етиб олиб, у билан дўстона искашди.

— Бу она бўри-ку! У она бўрига зиён бермайди! — гап нимадалигини билиб қичқирдим мен.

Охир-оқибат Бингони зўрлаб олиб кетишга тўғри келди.

Шу воқеадан кейин чиябўрилардан балага



қолдик, улар ҳафталаб бизга тинчлик бермади, товуқларимизни ўғирлаб қочди, бизнинг йўғимизда деразадан мўралаб, болаларни қўрқитди.

Бинго уйни қўриқлагиси келмай, чиябўриларга эрк бериб қўйди. Ниҳоят, чиябўрини ўлдиришди, Бинго бундан қаттиқ ғазабланди. Чиябўрини ўлдирган Оливерга нисбатан ўзича уруш эълон қилди.

## V

Инсон билан ит дўстлиги ажаб, кўнгилни тобловчи иш!

Бутлер олис шимолдаги бир ҳиндулар қабиласи ҳақида гапириб берди. Айтишича, иккита қабила ички низолар оқибатида бир-бирини йўқ қилибди. Жанжал бир қабилага мансуб ҳиндунинг итини иккинчи қабилага тааллуқли қўшнисини ўлдириб қўйганидан бошланибди. Бизда ҳам итлар туфайли ички низолар, ҳатто уриш-жанжаллар бўлиб туради, лекин биз: «Эгасини иззат қилган — итиниям иззат қилади», деган қадимги таомилга амал қиламиз.

Қўшниларибиздан бирининг Тан лақабли ажойиб бир тозиси бор эди. Қўшнимиз уни оламдаги энг яхши, энг ажойиб ит деб билар эди. Мен қўшнимизни ҳурмат қилардим, шу боисдан итиниям иззат қилардим. Бир куни шу Тан оғир яраланиб, уйига зўрға эмаклаб келди, остонадаёқ зорланиб ингиллаб бошлади. Қўшнимиз қаттиқ қайғуриб, агар Тан ўлиб қолса, унинг учун қасос олишга тайёр эканини билдирди. Мен қўшнимизга ҳамдардлик билдириб, ўша золимни қидириб топишга тушдим, унинг боши учун ширинкома атадим. Кўп ўтмай, жануб тарафимизда яшовчи ҳар уч одамнинг биттаси бу разил ишда иштирок этганини аниқладим. Биз уларга даъво қилдик, аблаҳларни бечора Таннинг машъум ўлими учун жавобгарликка тортмоқчи бўлдик.

Бироқ давқулодда бир ҳодиса содир бўлиб, менинг давволаримни бутунлай чиппакка чиқариб юборди, мен учун тозининг ўлими кечириб бўлмайдиган разиллик эмас, балки босди-босди қилиб юборса бўладиган шунчаки бир жиноятдек туюлди.

Гордон Райтнинг фермаси жануб тарафга чўзилиб кетган эди. Мен бир куни қотилни излаб шу ёқларга бориб қолдим. Гордоннинг укаси нима мақсадда юрганимни пайқаб, мени четга тортди, теваракка ғамгин аланглаб, дардли овозда деди:

— Танни Бинго ўлдирди...

Шу билан югуриб-елишларимни бас қилдим, шу

дақиқадан эътиборан, адлиячиларни чалғитишга уриндим.

Мен Бингони аллақачон қўшнимизнинг ихтиёрига бериб юборган эдим, лекин у билан ҳалиям дўстона алоқамиз бор эди, энди дўстлигимизни яна бир бор амалда кўрсатишга тўғри келиб қолди.

Кекса Гордон билан Оливер қалин ошна эдилар. Улар қиш ўрталаригача биргалашиб ўрмон кесдилар. Кейин Оливернинг қари оти ўлиб қолди, у от ўлигини судраб, даштга олиб бориб ташлади, унга бўриларга мўлжалланган заҳар сепиб қўйди.

Бечора бизнинг Бингомиз! У бўриларча яшашни истарди, оқибатда уям бўриларнинг кунини кўриб, ҳаёти доим хавф-хатар остида кечарди. Бинго ҳам бўрилар каби от ўлигини яхши кўрарди. У шу кечаси ҳам Райтнинг Керли лақабли ити билан от егани жўнади.

От теварагидаги базми жамшид ниҳоясига етди, заҳар ўз кучини кўрсатиб, улар йўлда оғу таъсирида бўлганича бўлишиб, маконларига зўрға етиб келди. Керли эгаси Гордоннинг оёқлари остига ўзини ташлаб, азоб-уқубатда жон берди.

Эгасини иззат қилган — итиниям иззат қилади!

Турли хил ўз-ўзини оқлашлар, фалокатга йўйишлар фойда бермади. Бингонинг Оливерга нисбатан бўлган эски нафрати янада олов олди. Райт билан Оливернинг ҳамкорликда ўрмон кесиш ишлари барҳам еди, ўрталаридаги ошначилик иплари узилди. Керли ўлими туфайли ҳали-ҳамон давом этиб келаётган икки қарама-қарши гуруҳ пайдо бўлди.

Бинго бир неча ой деганда оғу заҳридан фориг бўлди. Биз у энди бурунги довжорак, қудратли Бинго бўлолмайди, деган қайғуда эдик. Аммо у баҳор келиши билан яна куч-қувватга тўла бошлади.

## VI

Ҳаётимдаги баъзи бир ўзгаришлар Манитобдан олис-олисларга кетиб қолишимни тақозо этди. 1886 йилда яна қайтиб келсам, Бинго ҳалиям Райтнинг уйида юрган экан. Мен икки йиллаб бу ерда бўлмадим. Бинго мени эсидан чиқариб юборган бўлса ҳам керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ундай эмас экан. У қиш бошида икки кунлаб ғойиб бўлиб кетиб, учинчи кун ийўғон қозиқли бўри қопқонни судраб келди. Қопқонга тушган оёғини совуқ олиб, тошдай қотиб қолган эди. Уни қопқондан халос этишга ҳеч кимнинг юраги бетламади, чунки ким

олдига яқин борса ирилайверди. Шунда мен унга яқинлашиб, бир қўлим билан оёғини, бир қўлим билан қопқонни ушладим. У менинг қўлимга оғиз солди.

— Бинго, мени танимаяпсанми?

У дарров қўлимни қўйиб юборди. Қопқонни оёғидан олаётганимда кўп ингилади, аммо қаршилик қилмади. У мени кўпдан буён кўрмаган бўлса-да, аммо мени ўз эгаси деб билди. Гарчи уни бировлар ихтиёрига бериб юборган бўлсам-да, мен ҳам уни ўзимнинг итим деб билдим.

Гарчи Бинго истамаса-да, барибир уни уйга олиб киришди, ичкарида оёғига ёпишган музлар эриб тушди. У бутун қиш давомида оқсаб юрди, совуқ олган иккита бармоғи қуриб, узилиб тушди. Кунлар исииши билан у яна куч-қудратга тўлди.

## VII

Мен ўша қишда қопқон билан жуда кўп бўри, тулки тутдим. Баҳор келгандаям қопқонларни йиғиб олмадим, чунки йиртқичларни йўқ қилаётганим учун пул олар эдим.

Кеннеди текислиги қопқон қўйишга қулай ер, чунки ундан одам юрмайди. Текислик қуюқ, зич ўрмонлар орасида жойлашган. Мен у ерда овда бўлиб кўп мўйна топганман.

Апрель охирларида шу текисликка йўл олдим.

Маълумки, бўри қопқон пишиқ темирдан ясалади. Бўри қопқонда иккита пружина бўлиб, ҳар бирининг кучи юз фунтга барабар келади. Ҳар бир кўринмас тузоқ тевагагига тўрттадан қопқон қўйилиб, қоziққа яхшилаб боғлаб ташланади. Шундан сўнг устидан қум сепиб, яхшилаб бекитиб қўйилади.

Қопқонларимнинг бирига чиябўри илиниб қолди. Мен уни таёқ билан бир уриб ўлдириб, ўлигини четга отиб юбордим. Яна қопқон қўя бошладим.

Ҳадемай қопқон тайёр бўлди. Қопқонни бурайдиган бурагични отим турган тарафга отиб юбордим, шундай ёнимдаги майда қумларга кўзим тушиб, уни кафтларим билан сидириб олмоқчи бўлдим.

Қандай аҳмоқона хаёлга борибман-а! Қандай



тентакларча довдирлик қилибман-а! Бу, майда кумлар остида қопқон бор экан, мен қопқонга тушиб қолдим!

Хайрият, шакастланмадим, чунки бу қопқоннинг тиши йўқ эди. Аммо қалин ов қўлқопим гижим бўлди, қўлим темир исканжасида озор чекди.

Парво қилмадим, ўнг оёғимни бурагичга узатдим. Оёғимни иложи борица чўзиб узатиб, учи билан бурагични илиб олмоқчи бўлдим. Бурагичга бир вақтнинг ўзида ҳам оёқ узатиб, ҳам қараб бўлмас эди. Шу сабабли қарамай, оёғим учи бурагичга тегишини кутиб узатавердим.

Аввал уринишларим самара бермади. Оёғимни қанча узатмайин, бурагичга етказа олмадим. Оёғимни уёқ-буёққа силкидим, фойдаси бўлмади. Унг оёғимни узатиб, силкийвериб, чап оёғимни эсдан чиқариб қўйибман. Чап оёғимни учинчи қопқон шиқ этиб ўз исканжасига олмагунича уни ўйламабман.

Ҳолим хароб бўлганини ҳадеганда тушунавермадим, сўнг, қопқондан қутулиб кетолмаслигим аниқ эканини англаб етдим. Қопқонлардан қутулиб кетиш уёқда турсин, уларни ҳатто ўрнидан қимирлата олмадим. Ерда узала тушиб ётавердим.

Энди ҳолим нима кечади? Кун илиқ, музлаб қолишдан қўрқмасам ҳам бўлади. Лекин шундай ётавераманми? Кеннеди текислигига қишда дарахт кесувчилар келиб кетишини айтмаса, бошқа вақт ҳеч ким келмайди. Бунинг устига, менинг қаёққа кетганимни ҳеч ким билмайди, демак, қопқондан чиқолмасам мен ё бўриларга ем бўламан, ё очимдан ўламан!

Шундай ётавердим, қуёш қизариб, ботқоқликдаги қарағай буталари ортига оғиб кетди. Бир-икки қадам наридаги дўнглиқда бир тўрғай оқшом қўшиғини куйлади. Қайси бир оқшом кулбамиз эшиги олдида ҳам тўрғайлар худди шундай ашула айтиб эди. Қўлимда оғриқ турди, аъзойи баданим совуқ қотди, шундай бўлса-да, қушларнинг қулоқлари устидаги узун, тарам патларини томоша қилиб ётдим. Кейин, хаёлим оқшомлари Райтнинг уйида бўладиган дастурхонга кетди. Ўзимча, ҳозир улар ё кечки овқатга чўчка гўшти қовурипти, ё аллақачон стол атрофида ўтирибди, деган хаёлга бордим. Отимнинг югани ерга осилиб, мени уйга олиб кетиш учун кутиб тураверди. У менинг бунчалик узоқ қолиб кетишим сабабини билолмади, овоз бериб чақирсам, ўтдан бошини кўтариб, менга анграйиб, ҳайрон бўлиб қараб тураверди.

У уйга борса яхши бўларди! Ёнига оғиб қолган



эгарни кўрганлар менинг бир фалокатга йўлиққанганимни биларди. Кейин излаб келишиб, мени олиб кетарди. Аммо у менга содиқ қолиб, мени соатлаб кутди, мен эсам очимдан ўладиган бўлиб қолдим.

Шунда мен кекса бўри овловчи Жирунинг ҳалокатини эсладим.

Қари овчининг ўртоқлари унинг суяқларини келгуси баҳорда оёғи айиқ қопқонга қисилган ҳолда топиб олган эдилар. Мен, борди-ю, оламдан ўтсам, ўртоқларим суяқларимни қайси кийимларимдан билиб олишини ўйлай бошладим...

Хаёлимга фавқулодда фикр келди: қопқонга тушган бўри мана шунақа азобларни бошидан кечи-рар экан-да! Уларни қанчалар қийнабман! Мана энди яратганнинг ўзи менгаям кўрсатди...

Аста-аста тун чўка бошлади. Қардадир чиябўри увиллади. От қулоқларини динг қилиб, менинг олдимга келиб, бошини эгиб турди. Бўрилар бири қўйиб бири увиллади. Улар шу яқин бир жойга йиғилаётганини сездим. Нима қилишимни билмай, чўзилганимча ётавердим. Бўрилар ҳозир буёққа келиб, мени тилка-пора қилиб ташласа жуда яхши бўларди, дея ўйладим ўзимча.

Бўриларнинг бир-бирини чорлаб увиллашини узоқ эшитиб ётдим, сўнг уларнинг қоронғилиқдаги қора шарпаларига кўзим тушди. Бўриларни энг аввал от кўрди, пишқириб, уларни бир оз нари кетишга мажбур қилди. Бироқ бўрилар яна қайтиб келиб, узоқдан атрофимни ўраб олди. Бир ботирроғи ҳали мен четга отиб юборган чиябўри жасади олдига келиб, уни тортқилаб кўрди. Мен бўрига бақирдим, у ғингшиб, нари кетди. Яна қайтиб келиб, бир оз тимискиланиб турди, ниҳоят, жасадни судраб олиб кетди. Бўри бўрини еди.

Кейин улар менга яқинроқ келиб, теварагимни ўраб ўтирди. Энг довюраги милтиғимни искаб, унга тушган тупроқларни сидириб ташлади. Мен унга бўш турган оёғимни силкиб, бақирдим, бўри нари кетди, индамаётганимни билиб янада ботирроқ бўлди, ҳатто тўғридан-тўғри юзимга тикилиб ириллади. Буни кўрган бошқалариям дадил бўлиб, ириллади, янада яқинимга кела бошлади. Мен энди ўлдим, тилка-пора бўлдим, деб ўйладим. Шунда бирдан зим-зиё тун бағридан бошқа бир улкан, қоп-қора бўри увиллаб пайдо бўлди.

Бўрилар тумтарақай бўлиб қочди, биттасини янги келган улкан бўри ушлаб олиб, шу дақиқадаёқ жонсиз жасадга айлантирди. Шундан сўнг бу кўрқинчли йиртқич... Уҳ, қандай даҳшат... бу йирт-

қич менга ташланди... Қарасам, ўзимнинг Бингом майин жунли ёнлари билан менга суйкаляпти, совуқда қотган юзимни яляпти...

— Бинго... Бинго! Эски қадрдоним... бор, бурагични олиб кел!

У югуриб бориб, милтиқни судраб келди.

— Йўқ, Бинго... бурагични деяпман!

У яна чопиб кетиб, бу сафар камаримни олиб келди. Ниҳоят, бурагични ҳам топиб келди, айтганимни топиб келганини кўриб, қувончидан думини ликиллади.

Бўш қўлимни узатиб, жуда қийинчилик билан қопқон винтини бурадим. Қопқон очилиб, қўлим озод бўлди, бир дақиқалардан кейин ўзим ҳам бутунлай озод бўлдим. Бинго отни олдига солиб келди. Бир оз ҳаракат қилгач, қоним юриша бошлади, сўнг отга миндим. Йўлда аввал аста-аста юрдик, кейин чопдик. Бинго олдинда бор овози билан тантанали ҳуриб, бизнинг келаётганимизни маълум қилиб юра бошлади. Уйга келиб эшитсам, жонивор Бинго шу оқшом кўп безовта бўлибди. Ириллаб, ўрмон йўлидан кўзини узмабди. Қоронғи тушгач эса, уни қанчалик ушламасинлар, барибир қўлдан қочиб чиқиб, қоронғиликда кўздан ғойиб бўлибди.

Менинг содиқ Бингогинам! У кучуклигида шундай бир ажабтовур эди! Бир қарасанг тупшатузук эди, яна бир қарасанг, сенга қиё ҳам боқмасди. У умрининг охиригача шундай бўлиб қолди.

Умрининг охиригача бўриларча ҳаёт кечирди, бўрилар одатига амал қилиб, қишда нобуд бўлган отларни қидириб топди. Худди шу одати унинг бошига етди. У заҳарланган от ўлигини топиб олиб, уни бўриларча очкўзлик билан еди. Сўнг ўлим азобида қийналиб, Райтникига эмас, йўқ, менинг кулбам остонасига келди.

Эртаси куни уйга қайтиб келиб, Бингонинг қор устида узолиб ётган жасадини кўрдим. У умрининг сўнги дақиқасигача менинг итим бўлиб қолди, ўлим азобида мендан мадад сўради. Афсус, кеч бўлган эди.



## I

Ёзги таътилда Спрингфильдга келиб, бир ойдан буён товуқхонадаги товуқлар бирин-кетин ғойиб бўлаётганини эшитдим. Уйдагилар товуқлар қаёққа йўқолаётганини аниқлашни менга юклади. Кўп ўтмай мен бу ишнинг уддасидан чиқдим. Маълум бўлишича, товуқлар қўндоққа чиқмасиданоқ кимдир уларни ушлаб кетар экан. Кўчада юрган дайдилар билан қўшнилариимиздан бундай иш келмайди. Бойўғли фақат қўндоқдаги товуқни ўғирлайди. Борди-ю, товуқхонага сассиқкўзан, сувсар, қундуз айланса, улар товуқни шу ернинг ўзидаёқ саранжомлаб, суяк-патларини сочиб кетади. Йўқолган товуқларнинг эса изиям йўқ. Демак, бу иш фақат тулкидан келади.

Бепоён Эриндел қарағайзори дарёнинг нариги қирғоқларигача боради. Мен шу дарёнинг қуйи кечувларидан бирини кўздан кечириб, бир нечта тулки излари билан бизнинг плимутрок зотига мансуб товуқларимиздан бирининг ола-була патига кўзим тушди. Қирғоқ бўйлаб юриб орқа тарафдан чумчуқларнинг шовқин кўтариб чирқиллаганини эшитдим. Қайрилиб қараб, кечув бошида бир гала чумчуқ нимагадир ёпирилиб чирқиллаётганини кўрдим. Уғрини қароқчи урди, деган эски нақл шу-да. Дарҳақиқат, бир тулки тишида нимадир тишлаб кечувдан ўта бошлади. Турган гап, у бизнинг товуқхонамиздан янги ўлжа олиб келяпти. Чумчуқлар эса: «Ушла ўғрини!» — дея тинимсиз чирқиллади. Аслида-ку, чумчуқларнинг ўзи қипқизил ўғри. Борди-ю, чумчуқларга ўлжадан озроқ тегса, улар шу ондаёқ нафасларини ўчиради.

Одатдагидек, тулки ўз инига шу кечувдан ўтиб борарди. У сувда сузиб, боши узра тинимсиз чирқиллаётган чумчуқларга қарши ҳеч нима қилолмай қолди. У оғзида ўлжа, оқимни дадил кесиб сузиб келаверди. У қирғоққа етай деганда мен олдидан чиқдим. Шунда у чалажон товуқни ташлаб, ўрмонга қараб қочди.

Тулкининг товуқхонамизга узлуксиз қатнашига

қараганда унинг бола-чақаси кўп, у болаларини боқиш учун шунчалик елиб-югураётган эди. Мен унинг болаларини излаб топишга аҳд қилдим.

Кечқурун Рэнжер лақабли този итим билан йўлга тушдим.

Дарёдан ўтиб, Эриндел ўрмонига келдим. Ит ўрмонни айланиб эди, ёнимиздаги қоп-қора қуюқ чангал ичидан тулки овози келди. Рэнжер овоз келган тарафга чопди, овоз олислаб кетмасин учун йўлни ўртадан кесиб югурди.

Бир соатлардан кейин август иссиғида нафаси қайтиб, оғир-оғир энтикиб келиб, оёқларим остига чўзилиб ётиб олди.

Аmmo яна шу яқиндан «ванқ-ванқ-ванқ», деган тулки овози эшитилди. Рэнжер яна қувишга тушди. У қоронғи ўрмон оралаб кўздан ғойиб бўлди, ammo туманда гувиллаган кема овозига ўхшаш дағал, баланд овози ўрмон аро жаранглаб турди. Унинг «вов-вов-вов!» деган овози секин-аста пасайиб, «уу, уу!» бўлди, кейин «оо, оо!» дея жуда зайф эшитилди, бора-бора овози бутунлай ўчди. Афтидан, у жуда олислаб кетди, чунки қулоғимни ерга қўйиб ҳам ҳеч нима эшитолмадим, ваҳоланки, Рэнжернинг ўткир овози бир неча миллар наридан ҳам эшитиларди.

Зим-зиё ўрмонда Рэнжерни пойлаб ўтириб, кутилмаганда чакиллаб томаётган сув товушини эшитдим: чинк-чак, чинк-чак, чинк-чак!..

Мен шу яқинда булоқ борлигини билмабман. Булоқ нафасни бўғувчи дим кечада мен учун қувончли янгилик бўлди. Сув томчилаётган тарафга йўл олиб, улкан эман дарахти олдида тўхтадим.

Сув қўшиғи қандай ажойиб қўшиқ! Сув қўшиғи ушбу дим кечада янада ҳузурбахш жаранглади!

Чинк-чак, чинк-чак, чинк-чак,  
Чик-чик, чик-чик, чик-чик,  
Чак-чук, чак-чук, чак-чук,  
Ич-ич, ич-ич, ич-ич!

Фавқулодда япроқлар шитири, хириллаган овоз. Рэнжер келганидан дарак берди. У бутунлай ҳолдан тойган эди. Тили ерга осилиб, ундан кўпик томарди. Биқинлари фарқ тёрга ботган эди. У ҳарсиллаб нафас олиб, қўлларимга суйкалди, сўнг ўзини ерга ташлаб, япроқлар узра чўзилиб ётиб олди, ҳарсиллаган овози ўрмондаги бошқа овозларни босиб кетди.

Кутилмаганда яна «ванқ-ванқ-ванқ» деган шира-

ли овоз эшитилди, овоз шундайгина ёнимиздан келарди. Мен шундагина гап нимадалигини англадим.

Биз тулкининг инига келиб қолгандик, инда унинг болалари бўлиб, у бизни инидан чалғитиш учун шундай қилаётган эди.

Буёғи тун яримлаб, уйга қайтишга тўғри келди. Тулкининг иини деярли топганимизга амин бўлиб, уйга қайтдим.

## II

Шу атрофда бир тулки ўз болалари билан яшашини ҳамма биларди, аммо унинг ини шундай яқингинада эканини ҳеч ким билмасди.

Одамлар уни Олатулки деб атайдиган бўлди, чунки унинг кўзларидан бошлаб гардани билан қулоқлари орасигача чўзилиб кетган олеси бор эди. Айтишларича, тулки бу олани қуён овига бориб, тиканли сим тўсиқлардан ўтаётганда ортирган эди. Ушанда сим тилиб кетган яралари ўрнида оппоқ жунлар ўсиб чиқди.

Тизма қатор оқ жунлар кўзга тез ташланиб, танимол бўлиб қолди.

Мен бу тулки билан ўтган қишда юзма-юз бўлиб, унинг айёрлигидан анча-мунча хабардор бўлиб эдим. Ушанда ерга биринчи қор тушиши биланоқ овга йўл олдим. Бўм-бўш даладан ўтиб, эски тегирмон ортидаги чангалзор сойга етиб келдим. Келишим биланоқ сойнинг менга қарама-қарши бетида пастга эниб бораётган бир тулкига кўзим тушди. Тулкига билдириб қўймаслигим учун жойимда қотиб турдим, тулки сойдаги қуюқ чангалзор жарга кириб, кўздан ғойиб бўлди. У кўздан йўқолиши биланоқ сойга қараб чопдим, уни жарнинг бериги ёғида учратишга уриндим. Аммо тулки қорасини кўрсатмади.

Атрофни яхшилаб кўздан кечириб, ҳозиргина чакалак орасидан чиқиб келган тулки изига кўзим гушди. Ниҳоят, қари Олатулкининг ўзини кўрдим; у мендан хийла нарида турар, афтидан, менинг устимдан кулаётганга ўхшарди.

Унинг изларидан кўп нарсаларни билиб олдим. Мен уни кўрган пайтимда, уям мени кўрган, мен тажрибали овчидек бемалол юраверганман, у эса қочиб, менинг ортимга ўтиб олган. У менинг нодонлигимдан миннатдор бўлиб, изимдан келаверган.

Баҳорда Олатулкининг нақадар айёрлигига яна бир бор амин бўлдим. Бир куни ошнам билан юқори ўтлоқда сайр қилдик. Орасида бир-иккита кулранг, сарғишранг палахсалар кўзга ташланиб турган

тошлар тизмасига қараб ўттиз футча йўл босдик. Тошлар яқинига келганимизда ошнам бир тошни кўрсатиб:

— Ҳай, анави тош гужанак бўлиб ётган тулкига ўхшар экан, — деди.

Аmmo мен ошнам кўрсатган тош билан тулки орасида ҳеч қандай ўхшашлик кўрмадим. Биз йўлимизда давом этдик.

Беш-олти қадам юрмаган ҳам эдик, бирдан шамол туриб, ҳалиги тошнинг жунлари ҳилпирагандай бўлди.

Ошнам яна таъкидлади:

— Ишончим комилки, шу тош — ухлаётган тулки!

— Ҳозир биламиз! — дея изимга бурилдим.

Йўлдан бир қадам четга юрганимни биламан, ҳалиги тош — Олатулки жойидан сапчиб туриб, қочиб қолди.

Даштга ўт кетиб, ўтлоқнинг ўрталарини куйдириб, қоп-қора қилиб юборган эди. Олатулки ана шу қора доғлардан чопиб ўтди, оловдан омон қолган сап-сариқ хашакларни мўлжаллаб чопиб, уларнинг панасига ўтиб, кўздан ғойиб булди. Турган гап, у бизнинг ҳар бир босган қадамимизни кузатиб ётган, агар мен йўлдан бир қадам четга чиқмаганимда у жойидан қимирламас экан. Гап унинг ранги юмалоқ тош билан қовжираб қолган ўтга ўхшаб кетишида эмас, йўқ, энг ажабланадиган жойи, у ўзининг ўхшашлигини яхши билар, бундан усталик билан фойдалана оларди.

Шундай қилиб, Олатулки билан жуфти ҳалоли бўлмиш Виксен ўзимизнинг қарағайзор ўрмонда яшашини, иқтисоди бизнинг товуқхонамиздан кечишини билиб олдик.

Эртаси куни эрталаб, қарағайзорда айланиб юриб, шу яқин ойлар ичида қазилган юмшоққина тупроқ уюмини кўрдик. Тупроқ ниманингдир инидан чиқариб ташланган, иннинг ўзи қаерда, билиб бўлмади.

Одатда айёр тулкилар ана шундай қилади: ўзига янги ин ковлаб, тупроғини тешиқдан ташқарига чиқариб ташлайди, худди шу жойдан яқинроқдаги бир сойга қаратиб ер ости йўли очади. Кейин иннинг тупроқ чиқариб ташланган дастлабки оғзини бутунлай ёпиб, сойдан чиқадиган яширинча оғзидан кириб-чиқиб туради.

Дарҳақиқат, тупроқ уюмининг қарама-қарши тарафига қараб юриб, инга кириб чиқиладиган асл йўлни топиб олдим, ичкарида тулки болалари борлигини сездим.

Чангаллар юқорисида, тепа ёнбағрида ичи ковак улкан Америка арғувони савлат тўкиб турибди. Дарахт танасининг пастда катта, юқори қисмида эса кичкинагина коваклари бор. Болалигимизда швейцар Робинзон ўйинини ўйнамоқчи бўлсак, кўпинча шу дарахтдан фойдаланар эдик. Бунинг учун дарахтнинг юмшоқ танасини ўйиб, ковак ичига кириб чиқадиган зинапоя қилардик. Уша зинапоялар яна асқотди, эртаси эрталаб кун исиганда зинапоялар орқали дарахтга чиқиб, шу яқиндаги ер остида яшайдиган тулкилар оиласини кузата бошладим. Тулкининг тўртта норасида боласи бўлиб, улар майдагина бузоқларга ўхшаб кетарди, чунки тулки болаларининг жунлари ҳам бузоқларникидай пахмоқ, оёқлари узун, кўзлари мўлтирар эди. Аммо уларнинг кенг, қирра бурунли, ўткир кўзли башарасига эътибор билан қарасангиз, шу майдамайдагина беозор жониворларда ҳам ўз ажодларига хос бўлмиш айёрлик нишонларини кўрасиз.

Улар офтобда шўхлик қилиб, питир-питир ўйнаб, кўнгиларини чоғ қилди, шитирлаган овозни эшитиб, ер остига ғойиб бўлди. Улар бекордан-бекорга кўрқиб қочди. Шитирлаб келаётган ўз оналари эди. У тишида товуқ тишлаб, буталар орасидан чиқиб келди. Янглишмасам, бу бизнинг ўн еттинчи товуғимиз эди. Она тулки болаларини чақирди, болалари индан умбалоқ ошишиб чиқиб келди. Худди шунда кўз олдимда гўзал бир манзара намён бўлди: тулки болалари товуққа ёпишди, бир-бирлари билан талашиб, товуқни юлқилаб тортди, онаси эса теварақдан кўз-қулоқ бўлиб, айна вақтда болаларига қувонч билан боқди. Башарасида табассумга мойил хушвақтлик кайфияти пайдо бўлди. Барибир нигоҳида ҳаммишаги ёввойилик, айёрлик, ёвузлик ҳам бесаранжомлик бор эди, шунингдек, оналарга хос меҳр, фахр ҳам бор эди.

Мен чиққан дарахт таги тулкилар ини жойлашган дўнглиқдан анча пастда, чангаллар ичида эди. Шу сабабли мен тулкиларга билдирмасдан истаган пайтимда бу ерга келиб кетишим мумкин эди.

Бу ерга кўп кунлар қатнаб, тулки болаларининг қандай ўсаётганини кузатдим. Улар сал шубҳа сезганданоқ бошпанасига қараб югуришни жуда эрта ўрганди. Сал шитирлаган товушни эшитдими, ўзларини ер остига урадиган бўлди.

Баъзи бир жониворларда оналик меҳри шундай барқ уриб кўруниб турадики, бундан болаларининг кўнгли қувонади. Аммо қари Виксен бундай оналар-

дан эмасди. Унинг болаларига бўлган меҳр-муҳаб-  
батада чексиз золимлик ҳам мужассам эди. Ма-  
салан, каламуш, қушларни тириклайин тутиб, улар-  
га тан жароҳати етказмай олиб келади, сабаби,  
болалари уларни иложи борича кўпроқ қийноқ-  
азобларга солиб ейишини истайди.

Тепадаги мевазор боғда бир суғур яшайди. У  
беўхшов, камписанд, у қарағай томирлари ора-  
сидан ўзига ин қовлаб олди, бу инга тулкилар  
ўлиб ҳам киролмайди. Унга кириб бориш учун кўп  
меҳнат қилиш керак. Тулки зоти эса меҳнатни  
хуш кўрмайди. Улар меҳнатдан кўра айёрликни  
афзал кўради.

Суғур ҳар эрталаб қарағай кундасига чиқиб,  
офтобга исиниб ётишни яхши кўради. Тулкини  
кўриши биланоқ пастга тушиб, инининг оғзига  
бориб туради. Борди-ю, тулки яна яқин келаверса,  
у инига кириб олиб, тулки кетмагунича инидан  
чиқмайди.

Бир куни эрталаб эр-хотин Олатулки билан  
Виксен болаларини суғурлар ҳаёти билан таниш-  
тиришга аҳд қилди, бунинг учун мевазордаги айнан  
ана шу суғур боп келишини ўйлашиб, боққа томон  
йўл олди. Қари суғур уларни пайқамади.

Олатулки кунда яқинидан авайлаб ўтди, суғур  
шубҳага бормасин учун ҳатто бошиниям қимирлат-  
мади, ўзини беозоргина тутиб, очиқ майдонга чиқиб  
олди. Суғур пастга эниб, инининг оғзига бориб  
турди, сўнг, ҳар аҳтимолга қарши иннинг ичига  
кириб олди. Виксен худдй шуни кутаётган эди. У  
югуриб бориб, кунданинг панасига бекинди. Ола-  
тулки эса ўз йўлида имиллаб давом этди. Инда  
ўтирган суғур ҳеч нимадан ҳадиксирамай, томир-  
лар орасидан бошини чиқариб, теваракка алангла-  
ди. Олатулки борган сайин олислаб кетди, буни  
кўриб турган суғур янада дадил бўлди. У инидан  
чиқиб, хавф-хатар сезмагач, кундага чиқиб олди.  
Худди шунда Виксен жойидан сапчиб чиқиб, суғур-  
ни тутиб олди, суғурни ҳушидан кетгунча уёқдан-  
буёққа силкилади.

Ҳаммасини сезиб турган Олатулки иш ҳал  
бўлганини кўриб, бирдан изига қараб чопди. Вик-  
сен суғурни тишлаб, болаларининг олдига жўнади.  
Олатулки ўзининг ёрдами керак эмаслигини  
кўриб, кўнгли хотиржам бўлди.

Виксен суғурни шундай авайлаб олиб келдики,  
ерга қўйиши биланоқ суғур ўзига келди, ўзини-ўзи  
ҳимоя қилишга чоғланди. Виксен «ванқ-ванқ-ванқ»,  
дея болаларини чақирди, болалари индан тўдалашиб



чиқиб келди. Онаси уларнинг олдига суғурни ташлади. Тўртта шумтака суғурни ҳар тарафдан ўраб олиб, йиртқишларча тишлаб тортди, панжалари билан эзгилади. Суғур улар билан ҳаёт-мамонт кураши олиб борди, панжаларидан қутулиб чиқиб, чангаллар остига бориб яширинди. Тулки болалари изидан қувиб бориб, унинг думини тишлаб тортди, аммо кучлари етмади. Шунда оналари ёрдамга келди. Виксен икки интилишдаёқ суғурни очиқ майдонга судраб олиб чиқиб, болаларининг олдига ташлади.

Тулки болаларининг бири қаттиқ шикаст емагунича шафқатсиз ўйин шундай давом этди. Озор чеккан тулки чийиллаб юборди, Виксен сапчиб туриб, суғурнинг жонини олди, айна вақтда болаларига тушлик тайёрлади.

Индан нарироқда сийрак ўтлар билан қопланган текислик бўлиб, тулкилар бу ерда сичқон овлаш билан машғул бўлади. Тулки болалари худди шу ерда оналаридан ўрмонда яшаш қонун-қоидаларини, шуниингдек, сичқон овлашни ўрганди.

Қари Виксен болаларига дастлаб имо-ишораларни ўргатди. Бу имо-ишоралар маъноси бундай эди: «Қимирламай ётиб, кузатинглар!» «Буёққа келиб мен нима қилсам, сизлар ҳам шундай қилинлар!» Машқлар бир неча марта такрорланди.

Шундай қилиб, гўзал ёз оқшомларининг бирида қувноқ тулкилар тўдаси оналари билан адирга йўл олди. Оналари уларга ерга қапишиб ётинглар, деган фармон берди. Заиф чийиллаган овоз шу атрофда ўлжа борлигидан дарак берди. Виксен ўрнидан туриб, оёқ учида ўт оралаб кетди. У ерга эрилмади, аксинча, қоматини янада баланд кўтарди, ҳатто атрофни янада яхшироқ кузатиш учун орқа оёқларида тик турди. Сичқон юрадиган йўллар айқаш-уйқаш бўлиб ётган ўтлар орасида эди, шу сабабли уларни топишнинг бирдан-бир йўли ҳар бир қимирлаган гиёҳни назорат остига олиш эди. Тулкилар фақат сокин об-ҳаво вақтида сичқон овлашининг боиси ҳам ана шунда. Бунда ҳамма нарса сичқоннинг қаердалигини аниқлаб, уни кўз билан кўришни кутмасданоқ, устидан тап ётиб босишга боғлиқ. Виксен шундай қилди. У сапчиб, панжалари билан бир тутам хашакни ғижимлади, хашак ичидан ўлим талвасасида чийиллаган овоз чиқди. Сичқон тириклайин тулки томоғидан ўтди. Тулки болалари онасига тақлид қилиб бошлади. Уларнинг эслироғи умрида илк марта сичқон ушлаб, қувончидан титраб кетди, ўзининг энди чиққан сут тишларини сич-

қоннинг баданига шундай ёвузларча ботирдики, бу ишидан ўзиям ҳайрон бўлиб қолди.

Тулки болалари қизил олмахон баҳона яна бир сабоқ олди. Шу яқинда бир тўполончи, қўполдан-қўпол олмахон яшайди, у ҳар куни дарахтнинг тулқилар чиқолмайдиган энг баланд шоҳига чиқиб олиб, тулқиларни сўқади. Олмахон у дарахтдан-бу дарахтга ирғиб ўтаётганда тулқилар уни тутиб олиш учун кўп уринди, аммо фойдасиз бўлди. Олмахон бир футча баландда ўтириб олиб, тулқиларнинг устига тупурди, тулқиларни оғзига келган гап билан сўқди. Олмахоннинг қандай жонивор эканини яхши билган қари Виксен эса қулай пайт пойлади, шу пайт келди дегунча ишга киришди.

У болаларини бир пана жойга яшириб қўйди, ўзи эса очиқдаги сўқмоқ ўртасига чалқанча тушиб ётиб олди. Калтабин олмахон шоҳма-шоҳ ирғишлаб, тулкининг тепасига етиб келди-да, яна сўкиб бошлади. Тулки пинагиниям бузмади. Шунда олмахон унга янада яқин келиб, боши узра тўхтаб, сўқишда давом этди:

— Ҳей, ярамас! Ҳей, ярамас!

Виксен мурдадай бўлиб ётаверди. Олмахон ҳайрон бўлиб, дарахт танаси бўйлаб пастга тушди, теваракка аланглаб, югуриб бориб нариги дарахтга чиқиб олди, шоҳга жойлашиб ўтириб олиб, қари тулкини сўкиб қўяверди:

— Ҳей аблаҳ! Ҳей зарарқунанда, аблаҳ! Чи-и-йқ, чи-и-йқ!

Виксен шунда ҳам қимир этмади.

Олмахон тулкининг ётишига жуда қизиқиб қолди. У ўзи табиатан жуда қизиққон, олди-қочди гапга ўч эди, шу сабаблиям дарахтдан тушиб, тулкининг олдига чопиб келди. Виксен нафасиниям чиқармади. «Ўлиб қолди дейман-ов!»— хаёл қилди олмахон. Ҳатто тулкининг болалари ҳам ташвишда қолди: онамиз ухлаб қолмадимикин? Олмахоннинг тоқати тоқ бўлди. У тулкининг бошига бир парча дарахт пўстлоғини ташлаб кўрди. Виксен ҳамон жим. У сўқмоқ бўйлаб бир-икки марта уёқдан-буёққа бориб келиб, энди тулкининг шундайгина биқинига бориб тўхтади. Шунда тулки бирдан сапчиб туриб, олмахоннинг бўғзидан олди. Тулқилардан олмахоннинг суягиям қолмади.

Тулки болалари ана шундай тарбия кўриб ўсди, оналари уларни индан холисроққа олиб бориб, из олиш, ҳид билиш сирлариниям ўргатди.

Ҳар бир жониворнинг ўзига хос ов қилиш ҳунари бўлади, бу ҳунарни эгалламаса бўлмайди. Ҳар

бир жониворнинг бошқаларга нисбатан устун томони бўлади, бусиз у кун кўролмайди, айна вақтда бошқалардан заиф томони ҳам бўлади, шундай бўлмаса унинг дастидан ўша бошқалар яшай олмайди. Масалан, олмаҳоннинг заифлиги унинг ўта қизиққонлиги, тулкининг заифлиги эса дарахтга чиқолмаслигидир. Виксен шуларни назарда тутиб, болаларини тарбиялашда асосий эътиборни бошқа жониворларнинг заиф томонларидан қандай қилиб фойдаланиш, ўзларининг айёрлик фазилатларини қандай қилиб ишга солишга жалб этди.

Тулкилар ота-боболаридан тулкиликни ўрганди. Қандай ўрганганларини билиб бўлмайди, аммо қандай ўрганган бўлсалар ҳам, ўз аждодларидан ўрганган.

Гарчи сўз билан айтмаган бўлсалар-да, мен тулкилардан кўп тулкиликларни билиб олдим. Мана, тулкиларнинг айрим тулкиликлари:

Зинҳор-базинҳор ўз изингда ухлама.

Бурнинг кўзингдан олдинда юради, шундай экан, аввало бурнингга ишон.

Фақат нодонларгина шамолга қўшилиб чопади.

Оқар сув кўп дардларга даво.

Ўйдим-чуқур жар турганда текис йўлдан юрма.

Зинҳор-базинҳор тўғри йўлдан юрма, изингни ҳамиша чалкаштириб юр.

Гайритабиий кўринган жамики нарса шубҳали ҳам хавфлидир.

Чанг билан сув изни йўқотади.

Қуён бор ўрмонда сичқон овлама, товукхонадан эса қуён овлама.

Ут-ўландан олисда юр.

Тулки болалари бу маслаҳатларни қулоқларига қуйиб олди. Улар яна бошқа фойдали ўғитларни ҳам яхши билар эди. Масалан, яна шуни яхши билардиларки, «агар изда ҳеч қандай ҳид бўлмаса» уни пойлаб борма, фойдасиз, «қувиб бораётган нарсангнинг ҳидини ололмадингми, демак, шамол сен тарафдан эсяпти, демак, шамол сенинг ҳидингни ғанимингга олиб боради».

Тулки болалари қадрдон ўрмонларида яшовчи деярли барча қуш, ҳайвонларни билиб олди, бўйига етиб, оналари билан олис-олисларга сафар қилганда бошқа жониворларни ҳам кўриб келди. Ўзларича, оламдаги барча жониворларнинг ҳидини билиб олгандай бўлди. Бир кечаси онаси уларни очиқ далага олиб борди, борсалар, далада бир қоп-қора ялпоқ нарса ётибди. Онаси уларни худди шу нарсани ҳидлатиш учун олиб келди. Улар ялпоқ нарса

олдига бориб, уни ҳидлашлари билан бирдан жунлари ҳурпайиб, сесканиб кетди, ҳид гўё қонларига ўтиб, қалбларида нимагадир нафрат, нимадандир қўрқув туйғусини уйғотди. Уларга бу ҳид қанчалар таъсир қилганини кўрган онаси шундай деди:

— Бу — одам ҳиди!

### III

Ҳамон товуқхонамиздан товуқлар йўқолаверди. Мен тулкилар инини кўрганимни ҳеч кимга айтмадим. Чинимни айтсам, менга ўзимизнинг товуқлардан кўра шу майда-майдагина текинхўр тулки болалари ёқиб қолди, тоғам эса бирортаям гап тополмай қайтиб келганимни кўриб, мени, ўрмонни, умуман, овни билмасликда айблади. Тоғамнинг кўнгли учун яна тозини эргаштириб ўрмонга йўл олдим, бир очиқ нишабликдаги тўнкага жойлашиб ўтириб, итга тулки излашни буюрдим.

Уч дақиқа ҳам ўтмай, итнинг ҳуриб хабар берганини эшитдим: «Тулки, тулки! Пастдаги дарада тулки бор экан!»

Кўп ўтмай, дарёга қараб келаётган Олатулкини кўрдим. У дарё ёқалаб сув кечиб, икки юз қадамча юрди, сўнг, тўғри мен тарафга йўл олди. Мен шундайгина кўзга кўринадиган жойда ўтирган бўлсам-да, тулки мени кўрмади, елкалари оша итга қараб-қараб, тешага ўрлади. Мендан ўн футча нарида тўхтаб, менга тескари ўтириб олди, бўйинини чўзиб, итни кузатди.

Рэнжер ҳуриб, оқар сувгача чошиб келди, сувда ҳидни йўқотиб, ҳайрон бўлиб қолди. Изни топишнинг фақат бир йўли қолди: у энди дарёнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб юриб, тулки қаердан қирғоққа чиқганини билиши керак эди.

Тўғримда ўтирган тулки итни яхшироқ кўриш учун жойлашиброқ ўтирди, худди одамга ўхшаб, итни эътибор билан кузатди. Олатулки шундай яқинимда эдики, мен унинг ит ҳар кўринганда жунлари қандай тикрайиб кетишигача кўриб турдим. Ҳатто юрагининг уришини, кўзларининг ёнишини ҳам ҳис қилгандай, кўргандай бўлдим. У итни ўз найрангига учирганига тўла амин бўлди. У қувончидан жойида ўтиролмай қолди, завқ билан уёқ-буёғига чайқалиб, баъзан тентираб юрган итни томоша қилиш учун орқа оёқларида тик туриб қаради. Оғзи қулоғига етиб тиржайиб, пишиллаб-пишиллаб энтиқди.

Ит изни қидириб, кўп тентиради. Ниҳоят,

топди, аммо из шундай эскириб, ўз рангини йўқотиб қўйган эдики, топдим, деб ҳуриб ўтирмаса ҳам бўларди.

Ит тепага қараб юриши билан тулки ўрмонга йўл олди. Мен ҳамон уни шундайгина ёнида ўтириб кузатдим. Шундай қилиб, қари тулки ҳаёт-мамоти йигирма дақиқа мобайнида энг ашаддий ғаними қўлида бўлганини билмади.

Рэнжер ҳам пайқамай, ёнимдан ўтиб кетишига оз қолди, аммо мен уни чақириб олдим. Ит бир сесканиб, менга қараб юрди, менга хижолатомуз термулиб, оёқларим остига чўзилди.

Бу ҳангома бир неча кун давом этди, яна тагин уйнинг шундай яқинида, дарё ортида бўлди. Ниҳоят, тоғамизнинг тоқати тоқ бўлди, ўзи овга жўнаб, ўша очиқ жойда ўтириб олди. Олатулки яна ўша нодон итнинг тентирашини томоша қилиш учун назорат жойига келди, яна янги муваффақиятидан қувониб, кулиб ўтириб эди, тоғамиз ўйлаб-нетиб ўтирмай, елкасидан отиб ташлади.

#### IV

Товуқлар борган сайин камайиб қолаверди. Тоғамиз ғазаб отига миниб, тулкилар билан ўзи кураш олиб боришга аҳд қилди. Урмонга заҳарланган тузоқ қўйиб чиқди. У ҳамон менинг устимдан кулиб, бирор нима отиб келиш учун ҳар кечқурун елкасига милтиқ осиб, иккита итни эргаштириб, ўрмон оралайдиган бўлди.

Виксен заҳарланган тузоқ нима эканини яхши билади. У ё тузоқни ёнлаб ўтади, ё унга жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлади. У бир сафар шундай тузоқдан бирини топиб олиб, ўзининг эски ғаними бўлмиш сассиққўзаннинг инига ташлаб юборди. Шундан буён, шу сассиққўзаннинг қораси кўринмай қолди!

Авваллари тулкилар инини итлардан Олатулки қўриқлар эди. У энди йўқ, шундай экан, болаларни Виксен қўриқлайдиган бўлди. Энди Виксеннинг инга олиб келадиган изларни йўқ қилишга, яқин келиб қолган ғанимни адаштиришга вақти қолмаган эди.

Қиёмат-қойим келди. Рэнжер янгигина изларни олиб, инга жўнади, Скот лақабли иккинчи ит ҳам ҳамма тулки ўз инида эканидан хабар бериб, уям инга йўл олди.

Сир очилди, тулки болалари боши узра ҳалокат хавфи айланди. Бир хизматкоримиз келиб, лом, белкурак билан инни ковлай бошлади, биз итлар

билан қараб, турдик. Шу яқинда қари Виксен пайдо бўлди. Уни итлар олдиға солиб қувди. У дарё ёқалаб чошиб, бир қўйнинг устига миниб олди. Юраги чиқиб кетган қўй устидаги тулки билан бир неча юз қадам чошиб борди, кўп ўтмай, устидаги тулки йўлда тушиб қолди. У изидан қувиб келаётган итни ана шундай қилиб адаштириб кетди! Сўнг, хотиржам бўлиб, инига йўл олди.

Изни йўқотган итлар ҳам инга қараб юрди, келиб, бизни ўз маконидан чалғитиш учун уёқдан-буёққа зир югураётган ўша тулкини кўрди.

Хизматкор Подди лом, белкурак билан инни ковлашда давом этди. У ковлаётган чуқурнинг икки ёнида бир тўп сап-сарик қум пайдо бўлди, чуқур ичидан унинг фақат елкаси кўриниб турди. У бир соатлар чамаси тер тўкди, ниҳоят тулки инини очиб:

— Мана, улар, сэр! — деди.

Иннинг бир чеккасида тўртта майдагина тулки боласи писиб ётарди.

Мен ўртага тушгунимча белкурак зарбидан, кичкина йиртқич Скотнинг ҳамласидан тулки болаларининг учтаси нобуд бўлди. Тўртинчисини думидан тортиб олиб, осмонга кўтариб турдим, итларнинг унга бўйи етмади.

Тулки боласи чинқириб юборди, онаси унинг овозини эшитиб, бекиниб ётган еридан чошиб чиқиб келди. У боласини айланиб чопди. Уни алақачон отиб ташлашарди, лекин итлар уни ўраб олиб, отишга халақит берди, изидан югуртиравериб ҳолдан тойдирган ғаниминини ҳимоя қилаётганларини англаб етмади.

Омон қолган тулки боласини қопга солдик, у миқ этмай ётаверди, жувонмарг бўлганларини эса инга қўйиб, устидан тупроқ ташлаб юбордик.

Машъум ишни қилиб бўлиб, уйга келдик, тулки боласини занжирга боғлаб қўйдик. Уни нега омон сақлаб қолганимиз сабабини ҳеч ким билмади, аммо ҳамманинг кўнглида унга нисбатан ачиниш ҳисси пайдо бўлди, шу боисдан ҳам униям йўқ қилиш фикри ҳеч кимнинг хаёлига келмади.

У бир тулки боласига, бир бузоққа ўхшаб кетадиган норасида жонивор эди, Сержун тумшуғи билан танаси бузоққа келбат берарди, аммо сарғиш кўзлари ёввойи, айёрона ёнарди.

У яқинига бирор одам йўласа, тезда қутига кириб кетар, келган одам кетса ҳам қутида соатлаб бекиниб ётарди.

Мен энди уни арғувон дарахти ковакларидан

эмас, ўз хонаминг деразасидан кузата бошладим. Уни ўзига таниш турли хил товуқлар тоифаси ўраб олди. Кун кеч бўлаётганда товуқлар янада унинг яқинига борди. Бирдан занжир шиқирлаб, тулки боласи шу яқинидаги бир товуққа ёпишди. Занжир тортиб қолмаганда у ўша товуқни оларди. У ўз зарби билан орқасига йиқилиб тушиб, яна турди-да, қутига кириб кетди. У товуқни олиш учун яна кўп уриниб кўрди, эндиги уринишларида албатта занжирнинг узунлигини эътиборга олиб уринди, аммо товуққа тумшуғи етмади.

Кеч кириши билан тулки боласи безовта бўла бошлади. Қутидан ташқари чиқиб, бирон шарпани сездими, дарров инига кириб кетаверди. Занжири-ни силкиб, олд оёқлари билан ерга босиб, тишлай бошлади. Бирдан гўё бир нимани эшитаётгандай жим бўлиб қолди, қоп-қора тумшуқчасини осмонга чўзиб, узук-узук овоз чиқарди.

У икки марта шундай қилди. Ора-орада занжирини тишлаб, атрофини айланиб чопди. Ниҳоят, қаердандир қари тулкининг жавоб садоси келди: «Ванқ-ванқ!» Бир неча дақиқа ўтиб, ўтинлар уюми ортида қандайдир шарпа пайдо бўлди. Тулки боласи аввал қутига кириб бекинди, кейин яна чиқиб қувонч билан онасининг бағрига талпинди.

Онаси уни тезлик билан опичлаб олиб, қочиб кетмоқчи бўлди. Аммо на илож! Занжир уни онаси қучоғидан тортиб олиб, ерга чалқанча ётқизди. Онаси очилган деразани кўриб, ўтин уюмлари оша қочиб кетди.

Бир соатлардан кейин тулки боласи ғингшимамай, типирчиламай қўйди. Деразадан мўралаб, ой ёруғида ерга узала тушиб ётиб, ниманидир тинимсиз тишлаб тортаётганини кўрдим. Темирнинг шиқирлашидан нима гаплигини билдим. Бераҳм занжир уни қўйиб юборса эди, Тин лақабли бу тулки боласи ҳозир бўриб, одатдагидек онасининг пинжига кириб, уни эмиб ётган бўларди.

Ташқарига чиқсам, она тулки аллақачон қоронғи ўрмонда ғойиб бўлган, Тин яшайдиган қути олдида қонталаш бўлган иккита ўрмон сичқонининг ўлиги ётибди, уни меҳрибон онаси боласига кечки овқат учун олиб келибди.

Эрталаб тулки боласининг занжири тишлайверганидан ҳаддан зиёд ялтираб кетганини кўрдим.

Ўрмонда тулкиларнинг яксон бўлган ини атрофини айланиб юриб, яна Виксеннинг изига йўлиқдим. Боши қайғуда қолган бечора Виксен келиб, ер остида қолган болаларини ковлаб олибди.

Учала болаям қаторгина бўлиб ётар, уларни онаси ялайвериб, пок-покиза қилиб қўйган эди. Ёнларида эса яқиндагина оналари улар учун олиб келган бизнинг иккита товуғимиз ётарди. Теварак-атрофда тулки излари кўп эди. У кечаси болаларини шу ерга олиб чиққан, улар учун кечки тамадди олиб келган эди. У болаларининг ёнига чўзилиб, ўзининг оналик бурчини бажариш иштиёқи билан уларнинг лабига эмчақларини тутган эди. Аммо ўзининг жундор бағрида жонсиз, қотиб қолган жасадларни, ялаб-юлқашларга тамоман бепарво бўлиб қолган жонсиз, совуқдан-совуқ тумшуқчаларни кўрган эди. Она тулки шу кундан эътиборан хонавайрон маконига қайта қадам босмади, қадам босиб нимаям қиларди, болалари оламдан ўтган бўлса...

## V

Бизнинг асиримиз Тин онасининг омон қолган яккаю ягона зурриёти бўлиб, онаси бор меҳр-муҳаббатини шу ёлғизига тўккан эди.

Товуқхонани қўриқлаш учун итлар қўйилди, хизматкоримизга, борди-ю, қари тулки келиб қолса шартга отиб ташлаш топширилди. Менгаям шундай топшириқ берилди, лекин мен уни кўрмасликка қарор қилдим.

Товуқ каллаларига заҳар сепилиб, ўрмонга сочиб юборилди, уни тулкилар хуш кўради, итлар эса емайди. Буёғи Тиннинг олдига келиб-кетадиган яккаю ягона йўл ҳам хавфли, қолаверса, йўл ўтинлар уюми устидан ўтади... Аммо қари Виксен ҳар кечаси боласига янги товуқ ё бошқа бирор нима олиб келиб турди. Мен уни доим кўриб юрдим.

Иккинчи кечаси занжир шиқирлашини эшитиб, деразадан мўраладим, қути олдида зўр бериб ер ковлаётган қари тулкини кўрдим. Тулки чуқурни танасининг ярми сиғадиган даражагача ковлади, сўнг боласи боғланган занжирнинг йиғилиб қолган жойини чуқурга солиб, устидан тупроқ ташлади. У ўзича боласини шу йўл билан занжирдан қутқариб олмоқчи бўлди, Тинни бўйнидан тортиб, ўтинлар тўдаси устига қараб югурди, ҳай аттанг-а!—занжир тортиб қолиб, боласи орқаси билан юмалаб тушди.

Бечора майдагина жонивор зорланиб ингиллаб, қутисига қараб ўрмалади. Ярим соатлардан кейин ит ҳуриши эшитилди. Ит овози борган сайин олислаб борди, билдимки, ит Виксенни қувиб борапти.

Ит овози тобора олислаб, охири тинди.



Виксенни қувиб кетган ит эрталаб қайтиб келмади, сабабини кейин билдик. Айёр Виксен темир йўл нима эканини билиб олиб, ундан фойдаланишнинг турли йўллари йўлаб қўйди. Шу йўллардан бири, борди-ю, ит қувса, келаётган поезднинг йўлини кесиб қочиш эди. Шундай қилса, аввало поезд йўл ҳид олмайди, қолаверса, ўтиб кетган поезд тулкининг ҳидини йўқ қилиб кетади, янаям қолаверса, шашт билан қувиб келаётган ит довдирлик қилиб, поезднинг тагига кириб кетиши ҳам мумкин. Яна бир яхши йўли, аммо амалга ошириш қийин бўлган йўли, бу темир йўлнинг дўнгликка кўтарилиб кетган жойи бўйлаб, паровознинг олдига тушиб чопиш эди. Бунда паровоз итни босиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Виксен худди ана шу найрангини жуда устомонлик билан амалга оширди, биз қари Рэнжернинг қолган-қутган бўлақларини темир йўл кўтармаси пастидан топдик. Виксен ундан ёвузларча ўч олди.

У шу кечаси яна келди. Боласининг олдига яна бир товуқ ташлаб, ўзи ерга чўзилди, чарчаганидан нафаси қайтиб, ҳарсиллаб нафас олди. Виксен олиб келган ана шу товуқ тоғамизни кечаси унинг изига тушишга ундади.

Мен Виксенга меҳр қўйиб қолган эдим, шу боисдан ҳам бўлажак ур-сурга аралашмадим. Тоғамиз келаси кечаси қўлига қуроли олиб, бир соатча қоровуллик қилди.

Эрталаб туриб, Виксен барибир боласини оч қўймаганини кўрдик. Уз навбатида товуқхонамиздан яна бир товуқ йўқолди. Буни кўрган тоғамиз яна қўлига қуроли олиб, кечаси билан соқчилик қилиб чиқди.

Қоронғида ўқ овози жаранглади, Виксен оғзидаги ўлжасини ташлаб қочди. Кечаси билан яна бир бор Тиннинг олдига келишга уриниб кўрди, бироқ яна ўқ отилди. Эрталаб занжирнинг янада ялтираб қолгани шуни билдирдики, Виксен қандай йўл билан бўлмасин, яна келган, Тинни озод қилиш учун занжирни соатлаб тишлаб тортган эди.

Бундай мардлик, бундай содиқлик Виксенга нисбатан ҳурмат уйғотмай иложи йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак, келаси кечаси ҳеч ким қўлига қуроли олиб, қоровуллик қилмади. Ўзи, уни таъқиб қилишдан нима оқибат? Умуман, фойдаси йўқ. Қолаверса, уч марта ўқ узиб ҳайдагандан кейин ҳам боласини овқатлантириш, озод қилиш учун яна қайтиб келармикин? Қайтиб келишга юраги бетлармикин?

Виксеннинг меҳри — она меҳри. Тўртинчи кечаси Тин зорланиб увиллаганда, ўтинлар уюми узра яна ўша тумандай шарпа пайдо бўлди, буни фақат ёлғиз мен кўрдим. Бу сафар унинг оғзида ҳеч қандай ўлжаси йўқ эди. Наҳотки шундай бир довюрак, кўпни кўрган тулки мағлубиятга учраган бўлса? Балки у Тинни асирга олган одамлар уни ўзлари боқади, деган хаёлга бордимикин?

Ҳечам-да. Бу ёввойи ўрмон онасининг меҳр-муҳаббати унинг қаҳр-ғазаби каби чайир эди. Унинг бирдан-бир нияти боласини озод қилиш эди. У шу ниятини амалга ошириш учун жон-жаҳди билан интилар эди. У қўлидан келган ҳамма ишни қилди, ҳатто ўз жонини хавф остида қолдириб елиб-югурди. Қандай қилиб бўлса ҳам боласини қутқариш учун ҳеч нимадан қайтмади.

У бу галги келишида соядай келиб, соядай кетди. Тин онаси отиб юборган нарсани илиб олиб, майда тишлари билан ғарч-ғурч чайнаб, чапиллатиб ея бошлади. Оғзидагини охиригача еб бўлмаган ҳам эди, бирдан ичида бир нима тортишиб оғриди, Тин қуса бошлади. Танаси тортишиб, яна қўйиб юборди, шунда, жони чиқиб кетди.

Қари тулкининг қалби оналик меҳри билан лиммо-лим эди. У заҳар, заҳарланган тузоқ нималигини яхши биларди. Агар боласи ёнида юрганда унгаям ўргатган бўларди. Аммо у ҳозир она сифатида икки нарсадан бирини танлаши керак эди. Ё ғарибона асирлик, ё бевақт ўлим. У қалбидаги оналик меҳр-муҳаббатини енгиб, боласига бевақт ўлимни афзал кўрди.

Ҳайвонлар изи қорда янада яхшироқ кўринади. Мен қишда изларни қараб юриб, Виксен энди Эриндел ўрмонларида юрмай кўйганига амин бўлдим.

Балки у аччиқ хотиралардан холи яшаш учун олис-олисларга кетгандир?

Балки у ҳам ўрмондаги барча жонивор оналар каби ўз аччиқ ҳаётига ўзи яқун ясагандир?

Балки ўз жони учун ҳам омон қолган яккаю ягона зурриётини асирликдан халос этиш учун қўллагандаги йўлни қўллагандир?..

I

Янги Мексика шимолидаги улкан чорва яйлов Куррумпо деб аталади. Яйловнинг ўркач-ўркач адирлари бор, серўт-серўт ўтлоқлари бор, подапода моллари бор, сойларида зилол-зилол сувлари бор. Зилол сувлари оқиб бориб-бориб, Куррумпо дарёсига қуйилади, шу боисдан ҳам яйлов ана шу дарё номи билан аталади. Яйловда Лобо деган бир қари бўри ҳукм суради.

Қари Лобо арлони бўри, олис йиллардан буён Куррумпо водийси молларини қийратиб келаётган кулранг бўрилар галасининг арлониси. Водий чўпон-чўлиқлари Лобонинг кимлигини яхши билади, дарҳақиқат, Лобо галаси дохил бўлган макон қиёмат-қойим бўлиб, подачиларни зир қақшатади. Қари Лобо баҳайбат бўри, айёр ҳам куч-қудратли бўри. У тунлари увиллаганда водийликлар уни овозидан билиб олади. Бошқа бўрилар подачилар манзилгоҳи теварагида соатлаб увилласа ҳам подачиларнинг парвойига келмайди, аммо дарада қари Лобо увиллаши янграса, подачилар таҳликага тушиб қолади, биладилар, эрталаб моллари камайиб қолади.

Лобонинг галаси унчалик катта эмас. Нимага катта эмаслигини ўйлаб ўйимга етолмадим. Одатда Лободай қудратли бўри теварагига бўрилар кўп йиғилади. Ким билади, эҳтимол, Лобонинг ўзи галасининг кўпайишини хоҳламаётгандир, эҳтимол, табиатидаги жоҳиллик бошқа бўриларнинг галага келиб қўшилишига йўл бермаётгандир. Нимага-лигини аниқ билолмадим, аммо бир нарсани яхши билдимки, Лобонинг умри сўнггида унинг галасида бор-йўғи бешта бўри қолди. Аммо бештасиям шон-шухрат қозонган, куч-қудратли бўри, оз бўл-саям соз бўри. Айниқса, Лобонинг ўнг қўли бўлмиш бирови улкандан-улкан бўри. Аммо уям куч-қудрат ҳам айёрлик бобида арлони Лобо олдидан ўтаверсин.

Галадаги ҳар бир бўрининг ўз феъл-атвори, ранг-рўйи бор. Бирови ўта гўзал, оппоқ танли бўлиб, мексикаликлар буни Лобонинг жуфти ҳалоли дея ўйлаб, уни Бланка деб атайди. Яна бир

сарикроғи ўта учқур бўлиб, айтишларича, жайронларни ҳам қувиб етиб олади.

Бўрилар тақдир-мамоти подачилар қўлида қолди, подачилар бўлса уларнинг эртароқ гумдон бўлишини орзиқиб пойлади, битта бўри терисини олиб келган одамга подасидаги манман деган ғунажинларни бериб юбормоқчи бўлди. Аммо ҳеч ким бўри терисини олиб келолмади. Бўрилар овчиларни худди мазах қилаётгандай, улар қўйган заҳарли гўшtlарни айланиб ўтиб, йўлларида давом этди. Беш йил мобайнида Куррумпо подачиларининг ҳар куни биттадан молини еб, жами икки мингдан зиёд молни йўқ қилди, яна тағин энг сара молларни нобуд қилди.

Азал-азалдан бўри ҳамиша оч бўлади, шу сабабли йўлида дуч келган нарсани еб кетаверади, деган бир нақл бор. Айни вақтда бу нақл ҳақиқатга мос келмайди, боиси, тикмачоқдай хомсемиз бўрилар танлаб овқат ейди. Бўрилар ўз ажали билан ўлган молларни, ўлат олиб кетган ё нимжонлиги туфайли қурбон бўлган молларни, ҳатто подачилар сўйган молларни емайди, улардан ҳазар қилади. Бўрилар бир яшар бузоқларни бўғизлаб, энг мазали жойларини тушлик қилиб ейди. Қариб қолган ҳўкизлар билан сигирларниям емайди. Улар, шунингдек, қўй гўштиниям емайди, аммо гоҳи-гоҳида қўйларни эрмак учун бўғизлаб туради. Масалан, 1893 йил ноябрь кечаларидан бирида Бланка билан сариқ бўри икки юз элликтача қўйни бирин-кетин бўғизлаб, гўшtlаридан татиб ҳам кўрмади.

Бўрилар галасининг талон-тарончилик саргузашtlари ҳақида кўп гапларни гапириб беришим мумкин. Уларни қириб ташлаш учун ҳар йили турли-туман чора-тадбирлар кўрилди, аммо бўрилар ўз таъқибчиларининг барча ҳийла-найрангларига, югуриб-елишларига чап бериб, роҳат-фароғатда яшади.

Лобонинг териси учун катта мукофот қўйилди, оқибат, уни тезроқ қўлга олиш мақсадида жамики жойларга заҳар солинган гўшtlар қўйиб ташланди, аммо Лобо ҳаммасига чап берди. Лобо фақат милтиқдан кўрқиб яшади. Куррумполиклар милтиқсиз юрмаслигини билиб, одамларга ҳамла қил



мади, аксинча, одамларга рўбарў келмасликка интилди. Натижада жамики гала ҳатто кундуз куни олисдан одам шарпасини сезсаям, қочиб қоладиган одат чиқарди. Лобо ўз галасидаги бўриларга фақат ўзлари бўғизлаган мол гўштини ейишга ихтиёр берди, бу билан уларни ҳар хил кўнгилсизликлардан асраб қолди. Арлони Лобо ҳидни яхши билади, шу боисдан ҳам одам қўли теккан ё заҳарланган гўштни дарҳол пайқаб, галани бундан огоҳ қилади.

Кунларнинг бирида бир подачи қари Лобонинг танимол бўлиб қолган увиллашини эшитиб, овоз келаётган ёққа пусиб борди, шунда, бўрилар галаси бир тўда молни ўраб турганини кўрди.

Лобо четроқдаги дўнгликда ўтирибди, Бланка эса галани олға ундаб, бир ғунажинни тушлик қилиш учун уни четга ҳайдаб олиб чиқишга уринди. Аммо моллар бир ерга тўп бўлиб, бўриларни шохлаш учун шайланди.

Арлони бўрининг тоқати тоқ бўлди, хириллаб, ириллаб, молларга ёпишди.

Моллар қўрқиб кетиб, ўзларини четга олди, Лобо бундан фойдаланиб, тўда ўртасига ёриб кирди. Моллар бомба парчалари мисол теваракка отилди. Тушлик учун мўлжалланган ғунажин ҳам қочиб қолмоқчи бўлди, аммо у йигирма беш қадам босмасиданоқ изидан Лобо етиб борди. Лобо ғунажиннинг бўйнидан олиб, бор кучини йиғиб тўхтади, шунда, ғунажин ерга гурс этиб тушди. Лобо шундай шиддат билан ҳамла қилдики, ғунажин оёғи осмондан келиб ерга тушди. Тўғри, Лобо ҳам йиқилиб тушди, аммо у дарҳол ўзини ўнглаб олди. Бўрилар галаси ғунажинга ёпишиб, уни бирпасда саранжом-саришта қилди. Лобо галага қўшилмай, уларга қараб турди. Гўё: «Бекордан-бекор вақтни ўтказгандан кўра, бирорталарингиз олдинроқ шундай қилсаларингиз бўларди-ку?» — деяётгандай бўлди.

Подачи барчасини ўз кўзи билан кўриб, бўрилар устига от қўйди. Бўрилар қочиб қолди. Подачи билдики, бўрилар ҳали ўз ўлжалари олдига қайтиб келади, шу сабаблиям ғунажин гўштининг уч жойига шишадаги стрихнин доридан сепиб келди. Эртасига бўрилар мурдасини кўргани келиб, ҳайрон бўлиб қолди. Бўрилар ғунажинни пок-покиза еб, заҳар сепилган жойларини авайлаб олиб ташлабди.

Арлони бўри подачилар кўнглига даҳшат солгандан-даҳшат солди, оқибат, унинг териси учун



қўйилган мукофот ҳам йил сайин қимматлаб борди, бориб-бориб, Куррумпода ҳали-ҳозиргача кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган баҳога — минг долларга етди.

Техаслик Теннерей деган овчи мукофотга ўч одам бўлиб, минг доллар дарагини эшита солиб Куррумпо дарасига от қўйиб келди. Бўри ови учун ўзи билан бирга яхши-яхши милтиқлари, отлари ҳамда бўрибосар итларини олиб келди. У Техасда шу бўрибосар итлари билан бўриларнинг шўрини қуришиб келди, шу боисдан ҳам бир-икки кун ичидаёқ Лобонинг терисини эгарим қошига иламан, дея ўйлади.

Шундай қилиб, Теннерей ғира-шира ёз тонгида овга йўл олди. Бўрибосарлар овга бораётганларидан завқланиб вовуллади. Улар икки чақиримча йўл юрган эдилар ҳамки, фавқулодда Лобонинг машҳур галасига дуч келди. Бўрибосарлар жазава билан ҳуриб, олға талпинди. Итлар Теннерей етиб келиб, бўриларни отиб олмагунича уларни алаҳситиб ушлаб туришлари керак. Техас ялангликларида бунинг йўли осон, аммо Куррумпода шарт-шароит бошқача-да. Бунинг устига қари Лобо юрадиган йўлини билиб юради. Серқоя Куррумпо дарёси бутун яйлов бўйлаб ирмоқ-ирмоқ бўлиб оқиб, дараларга бўлиниб кетади. Арлони бўри ана шу дараларнинг энг яқинига йўл олди, сувдан сузиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейин бўрилар галаси ҳар тарафга қараб қочиб қолди. Кетидан итлар қувиб кетди. Булар яна бир ерга тўпланиб, уларга етай-етай деб қолган итларга ҳамла қилди, кейинда қолганлари етиб келгунича уларни бирёқли қилди. Теннерей кечқурун итларини йиққанида бор-йўғи олтитаси қайтиб келди, холос. У барибир ўз ниятидан қайтмади, яна икки марта Лобонинг терисини шилиб олишга уринди, аммо ниятига етолмади. Энг сўнгги мартасида энг яхши отидан айрилиб қолди. Оти йиқилиб тушиб, шу заҳотиёқ жон берди. Шу кўргилиқдан кейин Теннерей арлони бўридан қўлини ювиб қўлтиққа уриб, Техасга қайтиб кетди. Лобо Куррумпода ҳукм суриб юраверди.

Келаси йили мукофот кушандаси бўлмиш яна иккита овчи келди.

Овчиларнинг ҳар бири ўзича, бу машҳур бўрини айнан мен қўлга тушираман, дея ўйлади.

Овчиларнинг бирови ўз ниятини янги ўйлаб топилган заҳарни янгича жойлаштириб қўллаш билан амалга оширмоқчи бўлди. Канадалик фран-



цуз бўлмиш иккинчи овчи ҳам заҳар қўлади, аммо заҳарга дуо-ю, афсун қўшиб қўлади. Боиси, Лобони шунчаки оддий бўри эмас, йўқ, у алвасти, шундай экан, уни шунчаки ҳийлайи найранглар билан қўлга тушириб бўлмайди, дея ўйлади.

Аммо устомонлик билан қўйилган заҳарлар ҳам, дуо-ю, афсунлар ҳам кулранг бўрининг корини қилоллади. У ўз галаси билан ҳафталаб талон-торожлик қилиб, айшини суриб юраверди. Овчиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ўзга ўлкаларга кетиб қолди.

Куррумпо дарёсининг кичкинагина бир ирмоғи бўйида, қоялар оралиғидаги хушманзара дарада Жо Калон деганнинг фермаси бор.

Лобо ўз жуфти ҳалоли билан фермадан бор-ўғи минг ярдча келадиган ерда ин қовлаб, болаларини парваришlash билан машғул бўлди.

Бўрилар ёз бўйи шу ерда яшади. Жо Калоннинг қўй, молларию итларига қирон келтирди. Жо Калоннинг тузоқлари-ю, заҳарларини кўриб қолиб, унинг анойиларча ишларини майна қилиб яшади. Форлар ва қоялар оралиғида бехатар кун кечирди. Жо бўриларни қандай қилиб йўқ қилишни, бир кўнгли динамит қўйиб қириб ташлашни ўйлади. Бўрилар ҳамон соғ-саломат, талон-торож кун кечирришда давом этди.

— Лобо ёзда манави ерда яшади, — деди Жо Калон менга тошлоқ энишни кўрсатиб. — Унга ҳечам бас келолмадим. Аксинча, у мени истаган кўйига солиб ўйнатди.

## II

Мен 1893 йилнинг кузида бу абжир қароқчини ўз кўзим билан кўриб, бошқалардан кўра яхшироқ билиб олмагунимча, подачиларнинг гапига ишонмадим.

Мен бундан бир неча йил муқаддам бўри ови билан шуғулангандим. Ушанда Бинго ҳали ҳаёт эди. Кейин-кейин касби корим ўзгариб, ёзиш-чизишга берилиб кетдим. Стол-стулдан қимирламайдиган бўлиб қолгим келди. Шунда, куррумполик бир ошнам мени ўз фермасига таклиф қилиб, кел, қароқчи бўриларга балки сен бас келарсан, деб қолди. Бажонидил рози бўлиб, ошнамнинг фермасига йўл олдим.

Дастлабки кунлар отда юриб, теварак-атрофни ўрганиб олдим. Менга теваракни кўрсатиб юрувчи одам аҳён-аҳёнда олдимиздан чиқиб қоладиган, ҳали жунлари тўкилмаган мол суяқларини кўрса-



тиб: «Ана, у қилган ишлар!»— дея изоҳ бериб борди.

Юриб-юриб шу нарсага амин бўлдимки, Лобони бу адиру дараларда ит ва отлар билан таъқиб этишдан фойда йўқ. Яккаю ягона йўли қопқон билан заҳардан фойдаланса бўлади.

«Алвасти бўри»ни қўлга тушириш учун қўлланган ҳийлаю найрангларимни батафсил айтиб ўтирмайман. Уни заҳарлайман деб стрихнин, маргимуш, цианистий қалийни аралаштириб беришдан, турли туман гўштларни заҳарлаб қўйишдан армон қолмади. Ҳар эрталаб ишларимнинг натижасини билиб келиш учун бориб, ҳафсалам пир бўлиб қайтиб келавердим. Қари Лобо мен ўйлагандан ҳам айёр бўлиб, барча найрангларимга чап бериб кетди.

Лобонинг бағоят зийраклигини билдирувчи бир воқеани айтиб бераман.

Бир кекса овчининг маслаҳатига биноан бир тишлам пишлоқни ҳозиргина сўйилган бузоқ буйраги мойида эритиб олдим. Сўнг, темир ҳиди келмаслиги учун пишлоқни чинни идишда пишириб, суяк пичоқ билан қирқдим. Совигач, бўлак-бўлақларга бўлдим. Ҳар бир бўлакни тешиб ичига стрихнин, цианистий қалий солинган ҳид чиқармайдиган халтачаларни жойлаштирдим. Тешикларни пишлоқнинг ўзи билан бекитиб қўйдим. Бу ишни бузоқнинг илиққина қонига ботириб олинган қўлқопларни кийиб амалга оширдим, ҳатто пишлоққа нафасимни теккизмасликка уриндим. Ҳаммаси тайёр бўлгач, пишлоқни бузоқ қони суртилган тери халтага солдим, отланиб, йўлга тушдим. Бузоқнинг жигари билан буйрагини арқонга боғлаб, судраб боравердим. Ҳар тўрт милда заҳар солинган пишлоқдан ташлаб-ташлаб, ўн милча йўл юрдим. Заҳар ташлаётганимда унга қўлимни теккизмасликка ҳаракат қилдим.

Назаримда, Лобо бу ерларда ҳар ҳафтанинг бошида пайдо бўлиб, бошқа вақtlари Сьерра Гранде тоғлари этакларида юрса керак.

Тахминим тўғри чиқди. Бир душанба куни оқшом вақти-оқшом вақти бўри увиллаши эшитилди. Биз бу маҳал нарсаларимизни саранжомлаб, кетишга ҳозирланаётган эдик. Подачилардан бири увиллашни эшитиб бўлиб деди:

— Ана, ниҳоят келди! Энди эртагача оёқ илиб қараймиз.

Мен ҳийлаий найрангларим самарасини тезроқ билиш учун саҳармардондан отландим. Хиёл ўтмай, Лобо галасининг изини олдим. Лобонинг



изи бошқа бўрилар изидан хийла катта, шу боисдан ҳам унинг изини олиш осон бўлди.

Ўзимча, бўрилар галаси мен арқонга боғлаб судраб юрган пишлоқ ҳидини олган, Лобо дастлабки пишлоқни искаб қўриб, ютиб юборган, дея ўйладим. Ич-ичимдан қувондим.

— Охири қўлга тушдинг-а! — дедим ўзимча. — Энди ўлмаганингиям кўраман!

Лобонинг улкан панжалари тупроққа қолдирган излардан кўз узмай, от қўйиб боравердим. Излар мени галдаги пишлоқ ташланган жойга олиб келди. Қарасам, бу пишлоқ ҳам ғойиб бўпти.

Шундай қувондим, шундай қувондим!

Мана, ниҳоят у қўлга тушди! Ҳадемай галасидаги бўрилар ҳам қўлга тушса ажаб эмас. Аммо арлони бўрининг улкан излари ўз йўлида давом этди. Мен узангида тик туриб, теварак-атрофга қарадим, аммо бирон ерда бўри жасадини кўрмадим.

Шундай бўлса-да, изни олиб боравериб, учинчи пишлоқнинг ҳам йўқолганини кўрдим. Излар эса йўлида давом этиб, тўртинчи пишлоқ турган ерга қараб кетибди. Шунда мен Лобо пишлоқларни эмай, оғзида бир жойга олиб бориб тўплаб, ўзининг тезаги билан кўмиб кетганини кўрдим. Бу албатта, Лобонинг менинг ҳийлайи найрангимга нисбатан билдирган нафрати ифодаси эди. У ана шундай иш қилиб, кўз қорачиғидай асраётган галасини эргаштириб, бошқа ёқларга қараб кетибди...

Мен бор-йўғи биргина воқеани гапириб бердим, холос. Аммо шу воқеанинг ўзигина бу йиртқични заҳар йўли билан йўқ қилиб бўлмаслигини билдиради. Шундан кейин ҳафсалам пир бўлиб, қопқонлар олиб келишни буюрдим, қопқонлар келгунича дашт чиябўрилари ва бошқа шу каби йиртқич ҳайвонларни ов қилиб, кунни кеч қилдим.

Бир куни, Лобо нақадар айёр эканлигининг яна бир бор шоҳиди бўлдим. Лобонинг галасидаги бўрилар қўйларни, гарчи емасалар-да, уларни эрмак учун ҳурқитиб, қўрқитиб ўлдириб кетаверди. Одатда қўйлар бир неча минг туёқларга бўлиниб, сурув-сурув қилиб боқилади. Кечалари отарлар бир-бирларига яқин подаётоқларда ётади. Теварагида чўпонлар қоровуллик қилиб чиқади. Қўй дегани жуда бефаросат жонивор бўлиб, бўлар-бўлмас ҳадикдан ўзларини уёқдан-буёққа олиб уради. Аммо қўйларнинг яхши бир одати бор. Улар ҳамиша серкаларга эргшиб яшайди. Шу боисдан ҳам чўпонлар ҳар бир отар ичига бир нечта серка

қўшиб қўяди. Қўйлар соқолдор биродарларини ўта доно зотлар деб билади, шу сабабляям, борди-ю, кечаси бирор хавф-хатар содир бўлса, ёппасига ана шу серкалар атрофига тўпланади.

Ноябрь ойининг сўнгги кечаларид н бирида иккита чўпон бўрилар ҳамласидан уйғониб кетди. Қўйлар одатлари бўйича серкалар теварагига жам бўлди, серкалар қўйлар каби кўрқиб, довдираб қолмай, жойларида мардона турди. Ҳай-ҳай-ҳай! Бу сафар отарга ҳамла қилган бўри унча-мунча бўрилардан эмасди! Қари Лобо, «алвасти бўри», қўйларнинг суянган тоғи серкалар эканини чўпонлардан яхши билади. У шу сабабляям ғуж бўлиб турган қўйлар устидан сакраб ўтиб, энг аввало серкаларни бўғизлаб ташлади. Бечора қўйлар шу заҳотиёқ сочилиб кетиб, бошлари оққан ёққа қараб йўл олди.

Шу воқеадан кейин бир неча ҳафта мобайнида деярли ҳар куни чўпонларни учратавердим, ҳар бир учраган чўпон ташвиш билан ҳадеб бир гапни сўраб-суриштираверди:

— Мабодо бирон ерда «ОТО» деган тамға босилган қўйга кўзингиз тушмадими?

Мен ҳам ўз навбатида бир хил жавоб беравердим:

— Жавоҳир булоғи бўйларида бўрилар бўғизлаб кетган беш-олтита қўй жасадига кўзим тушгандай бўлиб эди.

Ёки бундай жавоб бердим:

— Йўғ-а, кўзим тушмади. Аммо Хуан Мейернинг айтишича, у бундан икки кун муқаддам Қарағайзор адирида бўрилар яқинда бўғизлаб кетган йигирматача қўйнинг ўлигини кўрибди.

Ниҳоят, буюрган қопқонларим келди. Иккита ёрдамчим билан бир ҳафта мобайнида қопқон қўйиш билан машғул бўлдик. Қўлимиздан келган бор ҳунаримизни, меҳнатимизни аямадик. Эртасига қопқонларни кўздан кечиргани бориб, у қопқон билан бу қопқон ўртасидаги Лобонинг изларига кўзим тушди. Изларни кузатиб, кечаси бу ерда нималар бўлганини билиб олдим.

Излар айтиб турибди, Лобо кечаси билан изғиб юрган, қопқон ҳар қанча яширилган бўлмасин, у барибир топиб олган. Сўнг, орқасидан келаётган галасини тўхтатиб, ерга кўмилган қопқонни, занжир ва ғўласи билан қўшиб ковлаб олган. Йўлида давом этиб, бошқа қопқонларни худди шундай ковлаб олаверган. Кейин, йўлида қандайдир бир ҳадик сезиб, бошқа ёққа бурилиб кетган.

Шунда, хаёлимга янги бир фикр келди. Янги фикримга биноан қопқонларни «Н» ҳарфи шаклида қўйдим. Яъни, қопқонларни сўқмоқнинг ҳар иккала тарафига қаторлаштириб қўйиб чиқдим, биттасини эса нақ ўртасига кўндаланг қилиб қўйдим. Сўнг, янги найрангимнинг самарасини пойладим, аммо овим яна бароридан келмади.

Излардан билдимки, Лобо сўқмоқ бўйлаб келиб, қатор қопқонлар ўртасидан юрибди, келиб-келиб нақ ўртага қўйилган қопқонни пайқаб қолибди-да, таққа тўхтабди.

Лобо сўқмоқ ўртасидаги қопқон олдидан ўннга-ям, чапга-ям бурилмай, кетига қайрилибди, панжаларини ҳозиргина келган изларига авайлаб, оҳиста-оҳиста қўйиб, қалтис жойдан қайтиб кетибди. Сўнг, қопқонлар олдига бошқа тарафдан айланиб бориб, орқа оёқлари билан тоштупроқларни тирнаб отиб, жамики қопқонларни ёпиб кетибди.

У ана шундай устомонлик билан барча дарди балолардан эсон-омон чиқиб кетди, ҳар қанча ҳийла-найранг ишлатмайин, барибир бўлмади, у қутулиб кетди. У ҳали ўз зафарли юришида давом этарди, аммо машъум ошиқ-маъшуқлик майли унинг бошига етди. Аммо номи яккама-якка олишувларда мағлубият нималигини билмай келиб-келиб, ишонган биродарининг биргина эҳтиётсизлиги туфайлигина ҳалок бўлган қаҳрамонлар номи қаторидан жой олди.

### III

Бўрилар изини кузатиб юриб, Лобонинг галасида фавқулодда бир ўзгаришлар рўй бераётганини пайқаб қолдим. Масалан, арлони бўрининг улкан излари олдида баъзан майда-майда бўри излари пайдо бўладиган бўлиб қолди. Нима гаплигини билолмай, ҳайрон бўлиб юрдим.

Шунда, подачилардан бири шундай деб қолди:

— Мен бугун уларни кўрдим. Қарасам, Бланка баридан олдинда олчоқлик қилиб бораётган экан.

Шундагина нима гаплигини билдим:

— Тушунарли, демак, Бланка чиндан ҳам урғочи



бўри, бўлмаса Лобо ўзидан олдинда юрадиган бўрининг кунини кўрсатиб қўярди.

Бу гапдан кейин менда янги бир фикр пайдо бўлди. Бир бузоқни сўйиб, танаси теварагига иккита қопқонни кўзга кўринарли қилиб қўйдим. Бўрилар жониворлар калласини хуш кўрмайди, унга қайрилиб ҳам қарамайди. Шу сабабляям мен бузоқнинг бошини кесиб олиб, сал нарироққа олиб бориб қўйдим, олтита бақувват пўлат қопқонни ҳар хил ҳидлардан фориг қилиш учун яхшилаб шамоллатиб, кейин бузоқнинг калласи атрофига яхшилаб яшириб қўйдим. Бу ишларни қўлларим, пойабзалларим ва асбоб-анжомларимга бузоқ қонини суртиб амалга оширдим. Теварак-атрофга, шунингдек, калланинг ён-верига ҳам қон тўкиб чиқдим. Қопқонларни кўмиб, устидан чиябўри терисини юргизиб олдим, тупроққа чиябўри изларини туширдим. Бузоқнинг калласи билан бутазор орасида торгина бир йўлак бўш қолди. Мен худди ана шу ерга энг яхши қопқонларимни ўрнатиб, бузоқнинг калласига матаб қўйдим.

Бўрилар бирон-бир маслиҳатини олсалар, гарчи егилари келмаса-да, уни бир ҳидлаб ўтиб кетиш одатлари бор. Мен, эҳтимол, бўрилар галаси шу одатлари туфайли тузоғимга илинар, дея умидландим. Барибир Лобо менинг тузоқларимни пайқаб қолиб, галасини унга яқинлаштирмаслигига кўзим етиб турди. Шундай бўлса-да, бир четда гўё кераксиз нарсадай бўлиб ётган бузоқ калласидан умидимни узмадим.

Эртаси кун эрталаб қопқонларни кўздан кечириш учун бордик. О, қандай хушвақт кун! Биз у ерда бўрилар изини кўрдик! Нимагадир бузоқнинг калласи билан қопқонлар кўринмади. Шошиб-суриниб, изларни кўздан кечириб, Лобо чиндан ҳам галасини тузоққа яқин йўлатмаганига амин бўлдик. Аммо унча катта бўлмаган бир бўри бузоқ каллани ҳидлаб кўраман деб, қопқонга тушиб қолибди.

Биз изни олиб, бир чақиримдан мўлроқ йўл юрдик. Билсақ, бу шўрпешона бўри Бланка экан. У бизни кўриб, қоча бошлади. Бузоқнинг калласи оғирлик қилаётган бўлса-да, пиёда бўлиб қуваётган йўлдошимдан тезроқ чопди. Аммо бузоқ калланинг шоҳлари тошларга илиниб қолиб, биз унга қоялар олдида етиб олдик.

Мен чиройли бўри кўриб, Бланкадайини кўрмаган эдим. Бланка теп-текис қуюқ жунли, оппоқдан келган бўри эди.

Бланка бизга бурилиб, жангари қиефада увиллади. Унинг увиллаши чўзиқ, илтижоли нидо бўлди. Шунда, олис адирлардан Лобонинг жавоб нидоси эшитилди. Бланка сўнгги марта увиллади. Бу орада биз унинг олдига етиб келдик. У энди жонжаҳди билан ўзини ўзи ҳимоя қила бошлади.

Шунда, йўлдошим билан машъум бир ишга қўл урдик. Ҳали-ҳали эслаб, сесканиб кетаман. Шўрлик Бланканинг бўйнига мен бир ёқдан, йўлдошим бир ёқдан, учи сиртмоқ арғамчи солдик, кейин отларимизни қарама-қарши ёққа ҳайдаб, бечорани улоқ қилиб тортқилдик. Бланканинг оғзидан тирқираб қон оқди, кўзлари сўниб қолди, оёқлари ёйилиб, ҳолсиз сулайиб қолди. Биз ниҳоят Лобонинг галасига дастлабки ўлим зарбасини бера олганимиздан хурсанд бўлиб, Бланканинг жасадини олиб қайтдик.

Вақти-вақти билан Лобонинг увиллаган овози эшитилиб турди. Афтидан, у адирларда тентираб, Бланкани излади. У Бланкани ташлаб кетгиси келмади. У энди Бланкани қутқариб кета олмаслигига ҳам кўзи етди, боиси, у ҳамон милтиқдан қўрқади.


Лобо узун кун зорланиб увиллади, увиллашини эшитиб ўтириб, бир подачига:

— Бланка чиндан ҳам Лобонинг жуфти ҳалоли экан, — дедим.

Хуфтон вақти Лобо биз турган дарага йўл олди шекилли, овози яқин-яқиндан эшитила бошлади. Лобонинг овози мунгли бўлди. У аввалгидек қаҳр билан эмас, балки ғам-андуҳ билан увиллади. У гўё жуфти ҳалолини йўқлаб: «Бланка! Бланка!» — деяётгандай бўлди. Афтидан, бизнинг изимизни олиб, Бланка ўлдирилган жойни топиб келди шекилли, юрак-бағирни эзиб, ҳазин-ҳазин увиллаб қўяверди. Кўнглим ўртаниб кетди. Тошбағир подачиларнинг-да, кўнгли бузилиб кетди.

Албатта, Лобо жуфти ҳалолининг қонлари сачраб ётган ерни кўриб, нима гаплигини билган. Сўнг, отларнинг изини олиб, фермагача келган. Ким биледи, балки у Бланкани топмоқчи бўлгандир, балки қасос олмақчи бўлгандир. Шу, қасос олмақчи бўлган бўлса керак-ов. Чунки бечора қўриқчи итимизни фермадан эллик қадамча нарига илакиштириб олиб бориб, тилка-тилка қилиб кетибди. Эрталаб изларни текшириб, бу сафар Лобонинг ёлғиз ўзи келганини билиб олдим. Излар айтиб турибди, Лобо жонидан қўрқмай, кечаси билан ферма теварагида тентираб юрибди. Мен Лобонинг бундай беғамлигидан фойдаланмоқчи бўлиб, яйлов-





нинг қолган жойларигаям қопқон қўйиб ташладим. Лобо яна шу қопқонларнинг бирига илинишга илинди, аммо ундан зўрлик билан чиқиб кетди.

Мен, Лобо Бланканинг жасадини топиб олмагунича тиниб-тинчимаслигини яхши билардим. Шу сабабляим уни қўлга тушириш учун худди ана шу вазиятдан фойдаланмоқчи бўлдим. Ана шунда Бланкани ўлдириб, катта хатоликка йўл қўйганимни билдим. Бланкани ўлдирмай, ундан тирик қопқон ўрнида фойдаланганимда, Лобони дастлабки кечадаёқ қўлга туширган бўлардим. Афсус билан жамики қопқонларимни йиғдим. Ҳаммаси бўлиб бир юз ўттизта пўлатдан ясалган бўри қопқон бўлди. Қопқонларни дарага борадиган сўқмоқларнинг ҳар биттасига тўрттадан қўйиб чиқдим. Ҳар бир қопқонни алоҳида-алоҳида ғўлаларга матаб боғлаб, ғўлаларни яхшилаб тупроққа кўмдим. Қопқонларни кўмаётганимда чимларни ердан авайлаб олиб, брезент устига қўйдим, сўнг, одам қўли теккани билинмаслиги учун чимларни ердан қандай авайлаб олган бўлсам, худди шундай авайлаб жойига қўйдим.

Қопқонларни қўйиб бўлиб, сўнг, улар орасидан Бланканинг жасадини судраб ўтдим. Битта панжасини кесиб олиб, қопқонлар устига қатор қилиб из қўйиб чиқдим. Хуллас, ўзим билган бор ҳийлаи найрангларимни қўллаб, барча эҳтиёт чораларимни кўриб, кечроқ кулбамга қайтдим. Кечаси Лобо увиллагандай бўлди, аммо кулоқларимга ишонмадим. Эртаси куни отланиб йўлга чиқдим, аммо шимолий дарани айланиб ўтгунимча бўлмай, кеч бўлиб қолди, яна изимга қайтиб келдим. Кечки ношушта маҳали подачилардан бири шундай деб қолди:

— Бугун эрталаб шимолий дарадаги моллар нимадандир безовта бўлди. Қопқонларга бирон нима тушди шекилли?

Эртаси куни отланиб, подачи айтган ерга кун қайтганда етиб бордим. Яқинроқ бориб, кулранг тусли улкан бир жонивор ўрнидан туриб, қочмоқчи бўлаётганини кўрдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда бутун Куррумпуни зир титратган Лобо турарди! У энди қочиб кетолмас, қопқонга бошлаб тушган эди! Шўрлик қари қаҳрамон-а! У ўзининг жуфти ҳалолани излайвериб-излайвериб, охири унинг танаси қолдирган изларни топиб олиб, шу изларнинг кетидан телбаларча югуравериб-югуравериб, охир-оқибат, қопқонга тушиб қолган эди. Энди унинг тўртта оёғини тўртта темир исканжа қисиб турарди.

У тақдирга тан бериб ётарди. Теварак-атрофидаги беҳисоб излар молларнинг изи бўлиб, моллар қўлга тушган йиртқични айланиб-ўргилиб томоша қилган, аммо яқин йўлашга юраклари бетламаган эди.

У икки кечаю икки кундуз қопқонда ётавериб, ҳолдан тойди. Шундай бўлса-да, мен яқин боришим билан жунлари ҳурпайиб, ўрнидан сапчиб турди, сўнгги бор дара қояларини зир титратиб, баланд, узиб-узиб увиллаб, галасини ёрдамга чақирди. Аммо биронта бўри зоти нидо бермади. Шунда у ёлғизлик алаmidан жон-жаҳди билан менга ёпишди. Бутун сабй-ҳаракатлари бекор кетди! Чунки оёқларидаги ҳар бир қопқоннинг оғирлиги бир юз қирқ килоча келади. У сўйлоқ тишлари билан қопқон занжирларини шундай ғижирлатиб тишлаб тортди! Уни милтиқ қўндоғи билан туртмоқчи бўлиб эдим, қўндоқни ғажиб ташлади. Кўзлари нафрат ва ғазабдан қорайиб кетди. Жағ тишлари такиллаб, қўрқувдан қалт-қалт этаётган отим билан менга ҳамла қилмоқчи бўлди. Аммо очлик ва қонсизликдан ҳолдан тойиб йиқилди. Шунда, у шу вақтгача бошқаларга қандай ёвузларча муносабатда бўлган бўлса, мен ҳам унга шундай муносабатда бўлмоқчи бўлдим. Аммо кўнглим эриб кетиб, яна ниятимдан қайтдим.

— Эй, маҳобатли қари йиртқич! Беҳисоб талон-тарончиликлар қаҳрамони! — дея мурожаат қилдим қари Лобога. — Сен яна бир неча дақиқадан кейин жонсиз жасадага айланасан. Шундай қилишдан бошқа иложим йўқ.

Мен шундай дея, унга учи сиртмоқ арқон отдим. Арқон бошлари узра визиллади. Бўлмади, бўлмади! У осонликча жон берадиганлардан эмасди. У арқонни бўйнига туширмасданоқ тиши билан илиб олди, сўнг шундай пишиқ, йўғон арқонни ғажиб-ғажиб, оёқлари остига ташлади.

Елкамда милтиғим бор эди, аммо уни ишга солиб, Лобонинг ажойиб терисини бузгим келмади.



Лагеримизга от чоптириб бориб, бир подачи билан янги арқон олиб келдим. Лобога бир пайраҳани отиб юбордик, у пайраҳани тишлари билан олиб олиб, ерга ташлагунича, арқонимиз визиллаб бориб, бўйнига ўралди. Лобонинг қаҳр-ғазабга тўла кўзлари сўниб бошлади. Шунда мен ёрдамчимга:

— Қўй, уни ўлдирмаймиз! Уни лагерга тирик-лайн олиб борамиз! — дея қичқирдим.

Лобо жуда чарчади. Биз бундан фойдаланиб, унинг қозик тишлари орасидан йўғон таёқни ўтказиб олиб, жағларини пишиқ арқон билан шу таёққа танғиб боғладик. Таёқ арқонни, арқон таёқни ушлаб турди. У безиён жонивор бўлиб қолди. Жағлари тортиб боғланганини билиб, типирчиламай қўйди, овозиям ўчди. Бизга мўлтираб қараб, шундай деяётгандай бўлди:

«Мана, ниҳоят, мени енгдиларинг. Майли, энди билганларингни қилинглр!»

У шу дақиқадан бошлаб, бизга қарамай қўйди.

Биз унинг оёқларини танғиб боғладик. Оёқларини боғлаётганимизда ақалли инграмади, бирон марта увилламади, бизга қайрилиб ҳам қарамади. Кейин уни бир амаллаб отга ўнгардик. У худди уйқуда ётгандай бир маромда, сокин нафас олди, кўзлари яна порлаб ёнди. Аммо бу кўзлар энди бизга қарамасди. Унинг кўзлари машҳур галаси тарқалиб, пароканда бўлиб кетган олис адирларда эди.

Биз фермага омон-эсон етиб келдик. Лобонинг бўйнидаги арқонни бўйинбоғ занжир билан алмаштириб, ўтлоққа боғлаб қўйдик.

Мен ана шунда уни биринчи марта яхшилаб кўздан кечириб чиқдим. Шундан кейин жонли қаҳрамонлар ҳамда бешафқат ҳукмдорлар тўғрисида тўқилган мишмишларга ишонмай қўйдим. Қарасам, Лобонинг бўйнида ҳеч қандай тилла бўйинбоғ, елкасида алвастилар билан тузган иттифоқлик рамзининг ҳеч қандай тескари тасвири йўқ экан. Тўғри, биқинида бир катта чандиғи бор экан. Аммо бу чандиқ Теннерей овчининг Юнона лақабли олғир ити ўлими олдидан қолдирган ёдгорлик эди.

Мен Лобонинг олдига гўшт билан сув қўйдим, аммо у қайрилиб ҳам қарамади. У бағрини ерга бериб, сариқ кўзларини ўзи ҳукм сурган олис дашту дараларга тикиб ётарди. Унга қўлимни теккизиб кўрдим, у шундаям қимир этмади. Қуёш ботгандаям даштларга термулиб ётди.

Мен кечаси Лобо ўзининг галасини чақиршини



пойлаб ётдим. Аммо у қопқонга илиниб, ғариб бўлиб қолганида галасини йўқлаб увиллаган, ўшанда биронтаям бўри нидо бермаган эди. Шу сабабляям, энди увилламади.

Эмишки, шер куч-қувватдан қолса, бургут эркидан ажраса, каптар жуфтидан айрилса, юраги ёрилиб ўлар эмиш. Бу йиртқичнинг юраги бирваракайига учта мусибатни кўтара олармикин? У ҳам куч-қувватидан, ҳам эркидан, ҳам жуфтидан айрилди. Эрталаб қарасам, у ҳамон дам олаётгандай осойиштагина ётибди. Аммо... жонсиз ётибди...

Мен унинг бўйнидан занжирини ечиб ташладим. Жасадини бир подачи билан судраб, Бланканинг жасади ётган бостирма остига олиб бордик. Лобонинг жасадини Бланканинг ёнига қўйдик. Подачи Лобога қараб, шундай деди:

— Сен шунга излаб юрганмидинг? Мана, ниҳоят яна топишдинг!

Вулли миттигина сариқ кўппакча. Сариқ жунли бўлиш, кўппак деган гап эмас, албатта. Табиат кўппакларга ҳаддан зиёд сариқ безак бағишлаб юборган бўлса-да, аммо уларни алоҳида ит зоти деб бўлмайди. Кўппакларда жамики итлар зотига хос бўлмиш нишонлар бор. Шу боисдан ҳам кўппаклар бирон-бир ит зотига мансуб бўлмай, жамики итлар зурриёти саналади. Айни вақтда кўппаклар ўзларининг келиб чиқишлари жиҳатидан аслзода итлардан кўра қадимийроқ ҳамда аъло-роқдир. Боиси, кўппаклар итлар зотининг ибтидоий зот-боборакотлари бўлмиш чиябўрилар наслига келбат беради.

Чиябўриларнинг илмий номи «*Canis aureus*» бўлиб, бу «сариқ ит» демақдир. Дарҳақиқат, кўппаклар кўпгина хислатлари билан чиябўриларга ўхшаб кетади. Кўппаклар дайди бўлиб, ўзларининг ўта сезувчан, серҳаракат ҳамда ботирлиги, шунингдек, қийинчиликларга бардош бера олишлари билан аслзода итлардан ажралиб туради.

Айтайлик, кимсасиз бир оролга този ит, бульдог ит ҳамда кўппак итни ташлаб келдингиз дейлик. Яна ярим йилдан кейин қайтиб бориб қарасангиз, шу учта итнинг қайси бири эсон-омон юрган бўлади? Албатта, камписанд кўппак эсон-омон юрган бўлади! У този итлар каби чопағон эмас, аммо ўпка, тери касалликлари билан оғримайди. Куч-қудрат ҳамда телбаларча довюрракликда бульдог ит билан беллашолмайди, аммо ақл-заковат бобида ундан аъло туради. Тани соғлиқ билан ақл-заковат эса ҳаёт учун жуда асқотади. Шу сабаблиям инсон марҳаматидан бенасиб бўлиб қолган итлар тез орада ҳалок бўлади; кўппаклар эса омон қолади.

Баъзи бир кўппаклар чиябўриларга ўхшаб, тиккайган қулоқ бўлади. Ана шу кўппакдан эҳтиёт бўлинг! У жуда айёр, ботир бўлиб, бўриларга ўхшаб тишлаб олишдан ҳам тоймайди. У ўзида итларга хос гўзал фазилатларни мужассам этган

бўлса-да, мабодо инсон унга нисбатан шафқат-сизлик қилган ё уни узоқ вақт қаровсиз қолдирган бўлса, у инсонга қарши ёвузлик қилишдан ҳам қайтмайди...

## I

Миттигина Вулли Шотландиянинг олис Чивиот тоғларида дунёга келди. Янги туғилган кучукчалардан фақатгина Вулли билан унинг акасини олиб қолдилар. Акасини олиб қолишларига сабаб, у шу атрофнинг энг зўр итига ўхшаб кетарди, Вуллини олиб қолишларига сабаб эса, у чиройли сариқ кучук бўлиб дунёга келганди.

Миттигина Вуллининг илк болалик даври унга ўз ҳунарларини ўргатган тажрибали шотланд лайчаси билан фаҳм-фаросат бобида улардан қолишмайдиган қари подачи ёнида ўтди. Вулли икки ёшга тўлиб, улкан кўппак ит бўлди. Сурувдаги қўй-қўзиларнинг феъл-атворини яхшилаб билиб олди. Натижада қари хўжайини Робин подачи унинг ақл-фаросатига қаттиқ ишониб қолиб, отарни унга топшириб кетадиган, ўзи эса қовоқхонада ўтирадиган бўлди. Вулли адирларда қўй боқиб юрди. У яхши тарбия кўриб ўсди. Калтафаҳм хўжайини Робинга нисбатан ёмонликни раво кўрмади. Қари подачи ҳам ундай айтган яхши одам бўлмаса-да, бунинг устига ичкиликка ружу қўйган бўлса-да, Вуллининг кўнглини оғритмади. Натижада Вулли қари подачини дунёдаги энг доно ва энг улуғ одам деб билиб, унга меҳр қўйиб қолди.

Дарҳақиқат, Вулли учун Робиндан улуғроқ одам йўқ эди. Ана шундай бир улуғ одамни Вулли қўриқлаётган отарнинг асл эгаси бўлмиш ўртамиёна бир молфуруш ақлан ҳам жисман эзиб ишлатиб, ҳафтасига бор-йўғи беш шиллинг ҳақ берарди, холос.

Робин ҳатто маҳаллий бойлар орасидан ҳам нуфузи йўқ шу одамнинг буйруғига биноан уч юз етмиш тўртта қўйни Йоркшир бозорига ҳайдади. Вулли бозорга уч юз етмиш бешинчи жонивор бўлиб жўнади.

Нортумберленд бўйлаб юриб, кўнгилдагидай саёҳат қилдилар. Тайн дарёсидан паромда ўтишиб, сертутун Саут-Шилдс шаҳрига омон-эсон етиб келдилар. Фабрикаларнинг улкан мўриларидан қоп-қора булутлар буралиб-буралиб осмонга ўрлаб, қуёш нурларини тўсди, кейин яна пастлаб, момақалдиروқ арафасида бўладиган булутлар каби кўчалар узра ёйилиб қолди. Қўйлар ёмғир ёғишидан

ҳадиксираб, саросимага тушиб қолди. Подачиларнинг ҳайт-ҳуйтлашига қарамай, уч юз етмиш тўртта қўй уч юз етмиш тўртта тарафга қараб қочди.

Робин ич-ичидан хуноб бўлди. Нима қилишини билмай, қўйлар кетидан қараб қолди. Сўнг Вуллига буйруқ берди:

— Вулли, чоп, қўйларни қайтариб кел!

У шундай дея ҳамма ишга қўл силтаб, тамаки тутади, ўтириб, битмаган пайпоғини тўқиб бошлади.

Вулли учун Робиннинг амри худонинг амридай гап эди. У шу заҳотиёқ уч юз етмиш тўрт тарафга чопиб, Робин пайпоғини тўқиб тамомламасданоқ уч юз етмиш тўрт қўйни паром яқинидаги уйча олдига олиб келиб тўплади. Робиннинг олдига келиб, отарни йиғиб келганини билдирди. Қари Робин қўйларни санади: 370, 371, 372, 373...

— Вулли, — деди у итга, — қўйлар тугал эмас. Яна битта етмаяпти. Чоп, топиб кел!

Вулли ўз ишидан изза бўлиб, етмаган қўйни топиб келиш учун шаҳар оралаб чопиб кетди.

Шунда кичкинагина бир бола Робин қўйларни нотўғри санаганини, аслида уч юз етмиш тўртта қўйнинг ҳаммаси тугал эканлигини айтиб берди. Чол талвасага тушиб қолди. Энди нима қилиш керак? Унга, Йоркширга ҳаялламай етиб бор, деб буюрилган. Буёғи Вулли кетиб қолди, у энди қуруқ қайтмайди, бунга гурури йўл бермайди. Чин, тополмаса, биронта бегона қўйни олдига солиб келади.

Бир вақтлар шундай воқеалар бўлиб, кўп кўнгилсизликларга олиб келган.

Кекса Робин қийин вазиятда қолди. У энди нима қилса яхши бўлади? Борди-ю, бирор кори-қол бўлса, ҳафталик беш шиллингидан айрилиб қолади-ку! Жўнаб қолай деса, Вулли жуда ажойиб ит, уни ташлаб кетиб бўлмайди. Хўжайиннинг буйруғини бажармаса, яна бўлмайди. Яна тагин Вулли отарни тўлдираман деб, бирорта бегона қўйни ҳайдаб келиб қолса, мусофир юртда Робин ким деган одам бўлади?

Робин шуларни кўнглидан ўтказиб, Вуллини ташлаб, отарни ҳайдади. Сафари яхши ўтдими,




ёмон ўтдими, унисини билмаймиз, билишниям истамаймиз.

Бу вақтда бечора Вулли кўчама-кўча изғиб, йўқолган қўйни излади: Куни билан излаб тополмай, кечаси ҳолдан тойиб, оч-наҳор бир ҳолда зўрға кечувга етиб келди. Келса, хўжайин ҳам, сурув ҳам йўқ.

У шундай ўксиди, шундай ўксиди! Одамнинг ичи ачиди! У зорланиб ингилаб, уёқдан-буёққа югурди. Паром орқали дарёнинг нариги соҳилига ўтиб, Робинни излади. Яна Саут-Шилдсга қайтиб келиб, кечаси билан Робинни излади. Эртасига яна паромда дарёнинг уёғидан-буёғига қатнаб, Робинни излаб куни ўтди. Паромга қадам қўйган ҳар бир одамни ҳидлаб кўрди, балки қовоқхонада ўтиргандир, деган хаёлда шу атрофдаги жамики қовоқхоналарни синчковлик билан қараб чиқди. Эртасигача паромга келган одамларни бир-бир ҳидлаб кўравериб, кунни кеч қилди.

Паром бир кунда эллик марта дарёнинг у бўйидан-бу бўйига бориб келиб, ўрта ҳисобда юзтача одам ташиди. Вулли одамлар тушадиган жойда туриб, ерга оёқ қўйган ҳар бир одамни ҳидлаб кўрди. Шундай қилиб, бир кунда беш мингта одамни, ўн мингта оёқни ҳидлаб кўрди. Унинг бир ҳафталик ҳаёти шундай ўтди. Робинни кутиб ўтиравериб, овқат ейишниям эсидан чиқариб қўйди. Оқибат, оч-наҳор ўтиравериб, ҳолдан тойди. Озиб-тўзиб, сержаҳл бўлиб қолди. Одамларнинг оёғини ҳидлаб кўраётганида сал қаршилиқ сезса ҳам аччиғи жунбушга чиқадиغان бўлди.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтди, Вулли сабр-қаноат билан хўжайинини кутди, аммо ундан дарак бўлмади. Паромчилар Вулдининг садоқатига қойил бўлди. Улар Вуллига бошпана ва овқат берди. У аввал-аввал рад қилди, кейин-кейин очлик зўрлик қилиб, паромчилар берган овқатни ейдиган бўлди. У жум-



лайи жаҳондан қаҳрланди, аммо хўжайинига содиқ бўлиб қолди.

Мен Вуллини ўн тўрт ойдан кейин кўрдим. У ҳамон сабр-қаноат билан паром бўсағасида хўжайинини пойлаётган экан. У энди анча ўнгла-ниб, тўлишиб қолибди. Кўзлари порлаб ёниб, қулоқлари тиккайиб, эътиборни жалб қиладиган бўлибди. У кела солиб оёқларимни ҳидлаб кўрди, у излаган одам мен эмаслигимга амин бўлиб, ҳафсаласи пир бўлиб нари кетди. Уч ой у билан тил топшига уриниб кўрдим, аммо барча ҳаракатларим бекор кетди. У мени шунчаики бир йўловчи деб билди. Садоқатли Вулли паром олдида икки йил ана шундай яшади. У қадрдон тоғларига кетиб қолмади, шу ерда қолди. У йўл олислигидан ё йўлда адашиб қолишидан қўрқиб қолмади, йўқ, хўжайини Робин, улуғи Робин уни шу ерга қўйиб кетди! Индамай кетдими, демак, мен келгунча шу ерда қимирламай тур, дегани бўлади! Ана, у шунинг учун қолди!

У ҳамон умидвор бўлиб, паромда у соҳилдан-бу соҳилга бориб келиб юрди. Охири ҳафсаласи пир бўлиб, қатнамай қўйди. Шунда паромчилар Вуллининг кира ҳақини ҳисоб-китоб қтди. Бир итни олиб ўтиш бир пенн туради, демак, Вуллининг қарзи бир неча юз фунт бўлади.

Вулли паромдан тушган биронтаям йўловчини ҳиддамасдан ўтказмади. У умумий ҳисобда олти миллионча оёқни ҳидлаб кўрди. Фойдасиз бўлди. Шундай бўлса-да, эгасига бўлган садоқатида қолди. Фақат кутавериб-кутавериб, бадфеълроқ бўлиб қолди.

Робиннинг тақдири нима бўлганини билолмадик. Бир куни паромдан бир барваста молфуруш тушиб келди. Вулли одати бўйича молфурушни ҳидлаб кўриб кутилмаганда сесканиб кетди. Жунлари тиккайиб титрай бошлади. Молфурушга қадалиб тикилиб, астагина ириллади.

Паромчилар нима гаплигини тушунмай, молфурушга бақирди:

— Ай, тегинма итимизга!

— Ким тегиняпти? Унинг ўзи қўймаяпти-ку!

Шундай қилиб, Вулли бирдан ўзгарди. Думини ликиллатиб, нотаниш молфурушга суйкалиб бошлади. Вулли эгасини йўқотгандан буён ҳали ҳеч ким билан бундай муомала қилмаган эди.

Кўп ўтмай, нима гаплиги маълум бўлди. Маълум бўлишича, Дорли исми бу молфуруш Робиннинг таниши бўлган экан. Бўйнидаги шарфи билан қўлидаги қўлқопини қария Робин тўқиб, уларни

аввал ўзи тутиб-тутиб, кейин Дорлига бериб юборган экан. Вулли ҳидлаб-ҳидлаб, қария эгасининг бисотлари ҳидини олибди.

Вулли эгасини кўришдан умидини узиб, ана шу молфурушга эргашиб кетди. Молфуруш кетидан эргашмади, йўқ, ўз эгасининг шарфи билан қўлқопи кетидан эргашиб кетди.

Дорли жон-жон дея, Вуллини Дербишир тоғларига олиб кетди. Вулли тоғда яна қўйчивонлик касбини давом эттирди.

## II

Монсалдэл Дербишир тоғларидаги энг машҳур водийлардан биридир. Водийда «Чўчқа ва ҳуштак» номли яккаю ягона, машҳур трактир бўлиб, у Йоркширлик Жо Греторекс деган норғул бир одамга қарашли эди. Табиат Жони қўриқ ерларни ўзлаштириш учун куч-қувватли қилиб яратди, аммо у ҳаёт тақозоси билан трактирчи бўлиб олди. Ундаги сут билан кирган майллар уни шундай бир ишларга бошларди... Ҳа, майли, айтмасак ҳам бўлади! Фақат, водийда ноқонуний ов қилиш авж олиб кетганини айтиб қўя қолсак бўлади.

Жо Греторекснинг трактири водийнинг шарқий тарафида жойлашган бўлиб, Вулли ана шу трактирнинг юқорисида яшаётган экан. Мен буни Вуллининг шу ердалигини эшитиб, водийга келганимда билдим. Водийда Вуллининг янги хўжайини бўлмиш Дорлининг ўзига яраша ери бор экан. Унда унинг сон-саноксиз қўй-қўзилари ўтлаб юраркан. Вулли кун узоғи ана шу қўйларни боқиб, кечаси қўтонга ҳайдаб келиб қамар экан. У одамови, баджаҳл, бегона одамларни кўрганда тишларини иржайтириб ириллайдиган бўлибди. Аммо қўйларни ўта зийраклик билан қўриқлаётган экан, Дорли йил давомида бирортаям қўзи йўқотмабди. Қўшни фермерлар эса бургут билан тулкилар дасидан кўп озор кўрибди.

Водийда този ит билан тулки овлаш жуда қийин. Чунки итлар қоялар, улкан тошлар, жарларда яхши чополмайди. Ундан кейин қояларда тулки бекинадиган коваклар жуда кўп. Шундай кўпки, шунча тешик-тирқишлар бўла туриб, водийда тулки тўлиб кетмаганига одам ҳайрон бўлади.

Водийликлар 1881 йилгача тулкилардан озор кўрмади. Худди шу йили серотар яйлов атрофида қари, айёр бир тулки пайдо бўлди. У ҳамшиша овчилар тозиси билан фермерлар итини майна қилиб, қочиб қолаверди.

Итлар ов вақтида уни бир неча марта таъқиб қилиб қувди, у ҳар гал Шайтон уя деган дарага ўзини уриб, қутулиб кетаверди. Шайтон уя бир неча чақирим масофада чўзилиб ётган дара бўлиб, унга кириб кетган тулкини топиш амри маҳол эди. Маҳаллий фермерлар тез орада тулки бекорга Шайтон уяни макон этмаганини тушунди. Бир този ит тулкини қувиб бориб, дара оғзида тутиб олай-тутиб олай деди. Ноилож исига қайтиб, бир ҳафтадан кейин қутурган касалга йўлиқди. Шундан кейин фермерлар бу тулки шайтоннинг синглиси экан, деган хулосага келди.

Тулки тўсатдан бостириб келиб, қўзичоқларни ўлдириб кетаверди. Ҳар келганида ўлим чангалига бир тушар, аммо яна қутулиб кетарди. У бора-бора шу даражага бориб етдики, энди қўзичоқларни шунчаки эрмак учун ўлдириб кетадиган бўлди.

Дигби деган фермер бир кечанинг ўзида ўнта қўзичоғидан айрилди, Каролл фермер эса етгита қўзичоғидан айрилиб қолди, кўп ўтмай, руҳонийнинг ҳовузидаги ўрдаклар йўқолиб қолди. Хуллас, ҳар кечаси паррандаю қўй-қўзилар, ҳатто бузоқлар нобуд бўлаверди.

Бу ишларни Шайтон уядаги тулқидан кўрдилар. Тулкининг излари катта-катта эканлиги сабабли унинг ўзиниям баҳайбат тулки бўлса керак, дея тахмин қилдилар. Аммо уни ҳали ўз кўзлари билан кўрмадилар. Момақалдироқ ҳамда Қўнғироқ лақабли энг жасур итлар ҳам унинг изларини кўрса нафаслари ичига тушиб кетадиган, изларни қувиб боришга юраклари бетламайдиган бўлди. Бу орада бу тулки қутурган, деган мишмишлар тарқалди. Буни эшитган маҳаллий овчилар бошлиғи водийга қадам босмай қўйди. Фермерлар Жо Греторекс билан маслаҳатлашиб, қишни пойлайдиган бўлди. Ерга қор тушиши билан қонун-қоидаларга қараб ўтирмай, бир жон, бир тан бўлиб, лаънати тулкини йўқ қилишга келишиб олишди.

Аммо ҳадеганда қор ёғавермади. Малларанг





тулки водийга ваҳима солиб юраверди. Қутурган бўлса-да, ниҳоятда пишиқ, айёрона иш тутди. У бир фермага кетма-кет икки кеча бормасди. Қаерда бирор нимани ўлдирган бўлса, ўша ерда ҳеч нима емасди, қайтиб кетаётганида эса изини қолдирмасди. Одатда изларини бирон-бир хас ўтлар ё серқатнов йўлларда адаштириб кетарди.

Айтгандай, мен уни бир марта кўрдим. Ушанда Бәкуэлдан Монсалдэлга қайтаётгандим. Кун кеч бўлиб, кучли бўрон бошланди. Стэднинг қўрасини айланиб ўтаётганимда бирдан яшин чақнаб қолди. Шунда, бир нафаслик яшин ёруғида умр бўйи эсимда қолган бир манзарани кўрдим. Йигирма қадамча наридаги йўл четида улкан бир тулки орқа оёқларида чўнқайиб ўтириб, менга шубҳали тамшаниб, нафрат билан қараб турарди. Бор-йўқ кўрган воқеам шу бўлди. Албатта, бу воқеа эсимдан чиқиб кетган бўларди, эсимдан чиқмасаям, тулки тушимда кўрингандай бўлиб қоларди. Аммо эртасига қўрада йигирма учта қўй билан қўзи жасади топилганини эшитиб, тулки хотирамда маҳкам ўрнашиб қолди.

Фақат ёлғиз Дорлигина тулкидан озор кўрмади. У Шайтон уядан бор-йўғи бир чақиримча олисда яшайди. Шундай бўлса-да, тулки ақалли бирон мартаям унинг қўйларига дохил бўлмади. Бу, қўйчивон Вуллининг эътиборини ошириб юборди. Дарҳақиқат, у қўйларини тус-тугал боқиб юрди. Биттасиниям йўқотмади. Қутурган тулки Дорлининг фермаси теварагида изғиб юрди, аммо довжорак, ақлли ҳам уддабурон Вуллининг яқинига йўлашда юраги дов бермади. У нафақат қўйларни бус-бутун сақлади, шунингдек, ўзиям тинч, осойишта кун кечирди.

Вуллини ҳамма иззат қилади. Агар ўжарлиги билан қайсарлигини ташласа, ҳамма-ҳамманинг суюкли ити бўлади. Шунингдек, табиатиям қувноқ эмас, яна тагин кун сайин сержаҳл бўлиб борапти. Шундай бўлса-да, у Дорли билан унинг рўзғор ишларини қилиб, Вуллига овқат бериб турадиган хушсурат, хушчақчақ қизига бир оз меҳр қўйгандай бўлди. Оиладаги бошқа одамлар



билан ўлмайиннинг кунидан ёнма-ён яшади. Қолган жамики оламни одамлари-ю, итлари билан кўргани кўзи бўлмади.

Бир куни Дорлининг уйи орқасидаги сўқмоқдан ўтиб қолдим. Қарасам, Вулли остонада ётибди. Мен унга яқинроқ бордим, у мени кўрмаганга олди, ўн қадамча нари юриб, сўқмоқнинг ўртасига бориб турди. Қимир этмай, олисларга тикилиб қолди. Ҳайкалдай тош қотди. Хайрият, бўйин жунлари хиёл хурпайди, бўлмаса жони бор-йўқлигиниям билиб бўлмасди. Мен унинг ёнига келдим, у ҳамон қимир этмади. Ҳафсалам пир бўлиб, уни айланиб ўтиб, йўлимда давом этдим. Шунда, Вуллига жон кирди. У юракни эзувчи сукут сақлаб, олдинга йигирма қадамча чопиб бориб, яна сўқмоқ ўртасида кўндаланг бўлиб олди. Мен унга яна етиб олиб, шундоққина тумшуғи олдидан бурилиб ўтиб кетдим. Шунда у овоз чиқармай, чап товонимдан тишлаб олди. Ўнг оёғим билан тепиб юбормоқчи эдим, у чап бериб қолди. Таёғим йўқлигидан ердан катта бир тош олиб, унга қаратиб олдим.

Тош унинг белига бориб тегиб, зовурга ағанаб кетди. Қаҳр билан вангиллади. Зовурдан бир амаллаб чиқиб олиб, индамай нари кетди.

Вулли водийликлар учун ҳар қанча бетамиз, бешафқат бўлиб туюлмасин, у барибир Дорлининг қўйларини алоҳида бир меҳр билан боқди. Қўзичоқлар ўр-чуқур, ботқоқларга тушиб кетса, уларни олиб чиқиб, ўлимдан сақлаб қолди, отарга ташланган бургутларни зийраклик билан пайқаб олиб, ўз вақтида ҳайдаб юборди. Унинг бу мардона ишлари водийда тилдан-тилга ўтиб, овоза бўлиб кетди.

### III

Ниҳоят, ерга қор тушди, қутурган тулки ҳар кечаси Монсалдэл фермаларидан ўз улушини олиб турди. Желт деган бир бечора бева боситидаги йигирмата қўйининг баридан ажраб қолди. Эртаси куни эрталаб бутун қишлоқ аҳли тулки қидириб йўлга чиқди. Забардаст фермерлар милтиқ кўтариб, очкўз тулкининг қордаги изларини олиб жўнади.

Излар аввал-аввал аниқ-равшан кўриниб турди, кейин-кейин дарё бўйига келиб, бирдан йўқолиб қолди. Худди шу ерда тулки тулкилигини қилиб, тик қиядан сувга ташлабди, оқим бўйлаб сузиб бориб, музламайдиган тезоб ерга ўтиб олибди. Дарёнинг нариги қирғоғида эса ҳеч қанақа из

кўринмайди. Овчилар излаб-излаб, ниҳоят, тулки сувдан чиқиб олган жойни топиб олди. Изни олиб бориб-бориб, улкан бир қорсиз харсангтош ғовга келиб қолди. Яна йўлларида давом этди. Из катта йўл билан ғов оралиғидаги қорни кесиб ўтди. Улар изни кўриб, бировлари тулки йўл бўйлаб юқорилаб кетган, деди, бировлари, йўқ, излар пастлаб кетган, деди. Жо Греторекс баҳсларни тинчитди. Улар юриб-юриб яна шу изни топиб олди, ammo энди излар бир оз катгароқдай бўлиб туюлди. Из уларни моллари тус-туғал қўрага олиб келди. Шум тулки бу ерда қандайдир бир ўткинчи излар устидан юриб, қишлоқ томон бурилибди, сўнг Дорлининг фермасига қараб йўл олибди.

Қор ёққанлиги сабабли қўйлар шу куни қўрада қолганди, Вулли ишдан бўшаб, тахта устида ўзини офтобга тоблаб ётарди. У уй олдига келган одамларни кўриб қаҳрланиб ҳуриб, қўйларнинг олдига қараб чопди.

Жо Греторекс итнинг орқасидан борди. Итнинг изларини кўриб, ҳайратдан қотиб қолди. Одамларга чопиб кетаётган итни кўрсатиб деди:

— Биродарлар, биз тулки излаб сарсон бўлиб юрибмиз! Беванинг қўйларини бўғизлаб кетган мана-ку!

Бировлар Жонинг гапига қўшилди, бировлар йўлда изларни чалкаштириб юборганларини эслаб, ўша ерга қайтиб бориб бафуржа гаплашишни маслаҳат берди.


Шунда, уйдан Дорлининг ўзи чиқиб келди.

— Том, — деди Жо унга, — итнинг ўтган кечаси Желт беванинг йигирмата қўйини бўғизлаб кетди. Назаримда, итнинг бундай ишларни биринчи марта қилаётган эмас.

— Менга қара, биродар, — эътироз билдирди Дорли, — нима бало, тентак-пентак бўлдингми? Мен ҳали умримда қўйларга Вуллидай жонкуяр итни кўрган эмасман. У қўйларни ўзининг боласидай кўради.

— Бўлмаган гап! Желт беванинг қўйларини нима қилиб кетганини ўз кўзимиз билан кўриб келдик-ку! — дея инкор қилди Жо.

Одамлар эрталабки саргузаштларини Дорлига гапириб бериб, бекорга овора бўлди. Дорли бари-



бир ишонмади, биламан, итимни кўролмайсизлар, уни мендан тортиб олиш учун шундай деяпсизлар, дея туриб олди.

— Вулли ҳар кеча ошхонада ётади, — деди у. — Уни фақат қўй боқиш учун қўйиб юборилади. У йил ўн икки ой қўй боқади. Ҳали шу вақтгача биронтаям қўй йўқотганимиз йўқ. Тушундингми, биродар?

Одамлар Вуллининг номини бадном этиб, ҳаётига таҳдид қилгани келганини кўриб, Дорлининг аччиғи келди. Жо билан унинг тарафдорлариям қизишиб кетди. Гульда орага тушиб, кўнгилсизликнинг олдини олди.

— Ота, — деди Гульда, — мен бугун ошхонада ётаман, майлими? Вуллини пойлаб ётаман, агар у кечаси кўчага чиқмаса, шундаям ҳамсояларимизнинг қўйлари нобуд бўлаверса, унда, Вуллини айблаб бўлмайди.

Гульда айтганини қилди. У ошхонадаги скамейкада ётди. Вулли одатдагидек столнинг остига кириб олди. Хиёл вақт ўтиб, Вулли кўзғалди. Икки бор ўрнидан туриб, керишди, Гульдага қараб-қараб қўйиб, яна жойига ётди.

Кечаси соат иккиларда Вулли ич-ичидан тошиб келаётган қандайдир бир ғалаёнга бардош беролмади. Оҳиста ўрнидан туриб, пастаккина деразага, сўнг, қимир этмай ётган қизга қаради. Гульда ўзини ухламишга олиб, бир меъёрда, сокин нафас олди. Вулли қизнинг олдига келиб, аввал юзини ҳидлади, сўнг, пуфлаб кўрди. Қиз қимир этмади. У энди қизни бурни билан туртди. Бошини ёнига эгиб, қулоқларини диккайтириб, қизнинг осойишта юзига диққат билан разм солиб қаради.

Гульда қимир этмади. Шунда Вулли авайлабгина дераза тоқчасига чиқди, тумшуғи билан дераза тавақасини кўтариб, остидан панжалари сиғадиган даражага олиб келди. Ундан кейин тумшуғи билан ромни кўтариб, эпчиллик билан ташқарига чиқиб олди. Кейин ромни елкаси ҳамда думлари билан суяб, авайлабгина жойига қўйди. Шундай эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдики, бу унинг авваллариям шундай иш билан шуғулланганидан далолат бериб турди. У деразадан ўтиб олиб, қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Гульда зўр таажжуб билан Вуллини кузатиб турди. Вуллининг кўздан ғойиб бўлганига ишонч ҳосил қилиб, ўрнидан турди, отасини чақирмоқчи бўлди. Яна ниятидан қайтди. Вуллини пойлаб туришга, охири нима бўлишини кутишга қарор

қилди. Зим-зиё кечага тикилиб, Вуллини пойлади, аммо ундан ҳадеганда дарак бўлавермади.

Гульда печкага ўтин солиб, яна скамейкага чўзилди. Тиқ этган товушга, ҳатто ошхона соатининг чиқиллашига қулоқ солиб, бир соатдан кўпроқ вақт ухламай ётди.

У Вуллини ўйлаб ётди. Наҳотки Вулли бева аёлнинг қўйларини бўғизлаб келган бўлса?

У, Вулли ўзларининг қўйини қандай меҳр-муҳаббат билан боққанини ўйлаб, ҳайратига яна ҳайрат қўшилди.

Орадан бир соат ўтди.

Гульда дераза ортидан шитирлаган товушни эшитиб, юраги дукиллаб ура бошлади.

Дераза роми кўтарилди, бир дақиқа ўтиб, тоқчада Вулли пайдо бўлди. Кетидан деразани ёпиб, ошхонага кириб келди.

Гульда печкада ёнаётган ўтин ёруғида итни кузатди. Итнинг кўзлари қандайдир бир ёввойилик билан чақнади. Тумшуғи билан қор ёпишган оппоқ ўнкарагида янгигина қон доғлари йилтиради. У энтикиб-энтикиб нафас олди. Бир оз ўзига келиб, қизга қаради. Қиз қимир этмади. Ит хотиржам бўлиб, жойига чўзилди, тумшуғи билан панжаларини ялади, яқинда рўй берган бирон-бир воқеани эслаган бўлиб аста ириллаб қўйди.

Гульда Жо Греторекс ҳақ эканлигига энди ишонди. Шунда, хаёлига янги, фавқулодда бир фикр келди. Ана, сирли, жодугар Монсалдэл тулкиси, ана, унинг шундайгина рўпарасида ётибди!

Қиз сапчиб ўрнидан турди, Вуллининг кўзларига қараб қичқирди:


— Вулли, Вулли! Демак, шу гаплар чин экан-да? Вулли, ваҳший экансан!..

Қизнинг овози ошхонада момақалдироқдай гумбурлади. Вулли ўқ еган жонивордай гандирак-лаб кетди. Таҳликага тушиб, ёпиқ деразага қаради. Кўзлари йилтиллаб, жунлари ҳурпайди. Гўё кечирим сўрамоқчидай, ётган қўйи қизга қараб силжиб бораверди.

Ит қизнинг олдига силжиб бориб, гўё унинг оёқларини яламоқчидай бўлди. Шунда, йўлбарс мисол овоз чиқармай бирдан ташланиб, қизнинг бўғзига чанг солмоқчи бўлди.

Гульда бўғзини бекитиш учун қўлини олиб борди. Ит қизнинг тирсагидан олиб, сўйлоқ тишларини суягигача ботириб юборди.

— Ёрдам беринг, ёрдам! Ота, ота дейман!.. — дея қичқирди қиз.



Вулли енгил әди, шу сабабляям қиз уни итариб юборди. Аммо ит ниятидан қайтмади. Ит билди, у фош бўлди, әнди унинг куни битди. Омон қолишнинг яккаю ягона йўли қизни йўқ қилиш бўлди, чунки ёлғиз шу қизгина унинг кимлигини билди.

— Ота! Ота деяпман! — дея қичқирди қиз.

Сариқ ҳайвон унга неча бор овқатлар берган қизнинг нозик қўлларини ғазаб билан тирнаб-талади, қизни ўлдирмоқчи бўлди...

Қиз ит панжалари орасида ожиз қолди. Ит сўйлоқ тишлари билан қизнинг бўғзидан олмоқчи бўлди, худди шу вақт отаси келиб қолди.

Вулли миқ этган овоз чиқармай, бирдан қизнинг отасига ёпишди.

У жон-жаҳди билан Дорлининг қўлларини тирнаб-талади. Дорли уни болта билан бир уриб, тош ерга юмалатди. Вулли ўлим азобида ҳарсиллаб нафас олиб, жойидан турмоқчи бўлди, кучи етмаса-да, охирги нафаси қолгунича олишмоқчи бўлди.

Шунда, бошига яна болта тушди. Боши ёрилиб, мияси уй деворларига, бир вақтлар ўзи кўп ҳам хўп хизмат қилган уй деворларига сочилиб кетди.

Ақли ҳам шафқатсиз Вулли чайқалди, садоқатли ҳам маккор Вулли талпинди, сўнг, бутунлай жимиб қолди...



### I

Какликлар онаси жўжаларини Тейлор адирларининг ўрмонзор этакларига олиб чиқди. Пастда зилол дарё оқади. Уни кимдир ўзибилармонлик қилиб, Балчиқзор дарё деб атаб кетган. Какликлар онаси эндигина кўз очган, аммо аллақачон оёққа туриб кетган норасидаларини ана шу дарёга сувлагани олиб боради.

Какликлар онаси ерга эгилиб, вазмин-вазмин одимлади, чунки ўрмонда ғаним зоти кўп эди, вақти-вақти билан қурқиллаб, момиқ патли пуфакка ўхшаш юм-юмалоқ жўжаларини ёнига чорлаб турди. Жўжалари оналаридан сал кейинда қолса ҳам зорланиб чирқиллади.

Улар бирам қилтириқ эди, бирам қилтириқ эди, ҳатто ниначиям улардан кўра кўримлироқ эди.

Улар ўнта эди. Какликлар онаси жўжалари ташвишида ҳар бир бута, ҳар бир дарахт, чангал, ҳатто осмонни кўздан кечирди. У ҳар қадамда ғаним учраб қолишини яхши биларди, чунки биродари жуда кам эди. Уйлаганидай, шундай ғанимларидан бирига дуч келди.

Кўм-кўк ўтлоқда улкан тулки пайдо бўлди. Тулки уларнинг изидан келарди, ҳадемай жўжалар ҳидини пайқаб қолиши мумкин эди. Эсининг борида этакни йиғиштириб олиш лозим эди.

«Ка-ка-ка! Ка-ка-ка!» (Бекининглар, бекининглар!) — Какликлар онаси оҳиста шундай деб эди, бир кунлик юм-юмалоқ жўжалар ҳар тарафга сочилиб кетди. Бирови барглар остига кириб олди, бирови томирлар орасига бекинди, бирови арчилик тушган қайин пўстлоқлари орасига кириб кетди, яна бирови ўзини чуқурга урди. Бирпасда ҳаммаси ғойиб бўлди. Фақат биттаси қаерга бекинишини билмай сарсон бўлди, сарғиш пайраҳага тиқилиб, кўзларини юмди, ўзича бехатар жойга бекинган бўлди.

Жўжалар чирқилламай қўйди, атроф жимжит бўлиб қолди.

Какликлар онаси тўғри тулкига қараб учди,

ундан бир неча қадам берига қўнди, сўнг қанотлари билан ер тапиллатиб, ўзини ярадор бўлиб, энди учолмайдигандай қилиб кўрсатди. У қурқилаб, аросатда қолди. Балки у қонхўр тулкидан раҳм-шафқат кутаётгандир?

Мутлақо! Каклик нодон эмас. Биз тулкилар айёрлиги ҳақида кўп эшитамиз. Қараб туринг, айёр тулки деганлари каклик олдида қанчалик нодон эканини кўрасиз.

Тулки ўлжасининг ўз оёғи билан келганини кўриб, боши осмонга етди, бир сапчиб... йўқ, у бир сапчиб какликни ололмади! Каклик кескин қанот силкиб, нари кетди. Тулки яна ҳамла қилди, бу сафар бир уюм ўтин-чўп халақит берди.

Каклик қуриган ўтин-чўплар остига кириб қолди, тулки устидан ирғиб ўтиб кетди. Каклик гўё парвоз қилмоқчи бўлди, аксига олиб бунинг уддасидан чиқолмагандай, пастга юмалаб кетди. Тулки унинг изидан қувиб бориб, энди думидан тутаман деганда, яна бўлмади. Тулки қанчалик шиддат билан сапчимасин, каклик ундан ҳам шиддат билан ўзини олиб қочди.

Қизиқ ҳангома бўлди. Шундай эпчил тулки бир яримжон какликни ушлолмаса-я? Тулки зоти учун қандай шармандалик!

Тулки қувган сайин какликнинг кучига куч қўшилаётгандай бўлди. У тулкини тўрт милча масофага лақиллатиб олиб борди, сўнг, бирдан қанотларини ёзиб парвоз қилиб, лақма тулкини келган жойида қолдириб кетди. Тулкига энг алам қилган жойи шу бўлдики, у шунда ўзининг бундан олдинлари ҳам худди шундай лақиллаб қолганларини эслади.

Какликлар онаси эса осмонда бир давра айлаиб, юм-юмалоқ жўжалари бекиниб ётган ерга шўнғиди.

Еввойи қушлар учган жойларини жуда яхши эслаб қолади, жумладан, какликлар онаси ҳам ҳали тулкига қараб учган ўтлоқ дўнгликка бориб қўнди. Бир нафас тўхтаб, жўжалари унинг фармойиши бўйича қандай сукут сақлаб бекиниб ўтирганини кўриб, хурсанд бўлди. Жўжалари уни кўрсаям миқ этмай тураверди, ҳатто пайраҳага тиқилиб





турган боласи онасини кўриб турган бўлса-да, нафасини чиқармади. Чини, у чакана бекинмади. Ниҳоят, какликлар онаси овоз берди: «Каква-каква-каква!» (Буёққа келинлар, болаларим!) Шунда худди келишиб олингандай майда-майда каклик жўжалари бекинган жойларидан чиқиб келди, пайраҳага тиқилиб тургани ҳам кўзларини шартта очиб: «чирқ, чирқ!»— дея чирқиллаганича пилдираб онасининг қанотлари остига югурди. Уларнинг хаста овозини уч футча масофадаги ғаними ҳам эшитмасди, аммо онаси бундан уч баравар олисдан бўлса ҳам эшитарди. Жўжалар ёппасига чийилларди, буни ўзлари ҳам билиб турарди. Улар бахтиёр эди.

Кун қиёмда эди, кун ёнар эди. Сувлагани бориш учун очиқ далани кесиб ўтиш керак эди. Какликлар онаси шуларни эътиборга олиб, теваракни яхшилаб кўздан кечиргач, жўжаларини офтобдан сақлаш учун уларни шамолда ёйилган кенг қанотлари остига олиб, сувга жўнади, дарё бўйида ўсиб ётган наъматаклар олдига келди.

Наъматаклар орасидан бир оқдум қуён отилиб чиқиб, какликлар онасини кўрқитиб юборди. Аммо унинг тинчликни билдирувчи оппоқ думига кўзи тушиб, кўнгли тинчланди. Қуён азалдан какликларга эл бўлиб келган. Шу куни жўжалар ҳам қуёнлардан бегонасирамасликни билиб олди. Қуёнлар тинчлик тарафдори эканини ўз кўзлари билан кўрди.

Сўнг бефаҳм одамлар Балчиқзор деб ном қўйган дарёдан сув ича бошлади.

Улар аввалига сувни қандай қилиб ичиш йўлини билмади, кейин оналарига тақлид қилиб, бир қултум сув ичиб, бошларини кўтарди, яна эгилиб, яна бир қултум ичди. Дарё бўйида йигирмата қилтириқ оёқ устидаги ўнта олтин тусли сарғиш жун пуфакча гўё бировга миннатдорчилик билдираётгандай майдагина бошчаларини ирғаб-ирғаб, ана шундай сув ичди.

Какликлар онаси уларни эргаштириб, ўтлоққа олиб борди, у ерда кўм-кўк ўтлар билан қопланган тепалик бор эди. Какликлар онаси бу тепа-



ликни кўпдан буён кўз остига олиб юрар эди. Бундай тепаликлар жўжа ўстириш учун керак эди. Чунки унда қумурсқа уялари кўп бўларди.

Какликлар онаси қумурсқа уяси устида тўхтади, теваракка аланглаб, ҳеч қандай шубҳали нарса сезмагач, тирноқлари билан уяни буза бошлади. Юмшоқ ер дарров кўчиб кетди. Уя очилиб, ер ости коваги пастга силжиб тушди. Ундаги қумурсқалар теваракка сочилиб, нима қилишларини билмай, бир-бирлари билан уриша кетди. Айримлари довдираб қолиб, уя атрофида зир югурди, айрим ақллироқлари хонавайрон бўлган маконларини тиклашга киришди. Какликлар онаси қумурсқалар тухумининг биттасини тумшуғи билан олиб, жўжаларининг олдига ташлади. Кейин тухумни яна тумшуғи билан чўқиб олиб, ютиб юборди.

Жўжалар онасини ўраб олиб, унга ҳавас ва қизиқиш билан қаради. Ҳалиги пайраҳага тиқилиб бекинган майдагина сариқ жўжа онасига тақлид қилиб, уям бир чумоли тухумини олиб келди. Тухумни бир неча бор ерга тушириб қўйиб, сўнг, худди биров қувиб келаётгандай шартта ютиб юборди. У овқат ейишни ана шундай ўрганди. Йигирма дақиқалардан кейин эса жўжаларининг ҳаммаси ейишни ўрганиб олди.

Какликлар онаси қумурсқа уясини бузиб, уларнинг ер ости қасрларини пастга юмалата бошлаганда улар орасидан ажойиб чумоли тухумларини топиб ейиш қандай гаштли! Жўжалар жигилдонлари қайнагунча еди.

Қоринлари тўйгач, дарё оқими бўйлаб юқорилаб юриб, тевараги буталар билан ўралган қирғоққа келдилар. Улар кун бўйи илиққина қумга майдагина панжаларини ботириб юрдилар.

Жўжалар дунёга келганларидан буён оналарига тақлид қилишни яхши кўради. Улар ҳозир ҳам оналарига тақлид қилиб, онаси ёни билан ётса, улар ҳам ёнлари билан ётди, онаси оёқларини бир-бирига уриб, қанотларини тапиллатса, улар ҳам шундай қилди.

Аслида ҳали уларнинг қанотлари йўқ эди, фақат ҳали-ҳозирча биқинларида қанот қўядиган бўртиқлари бор эди, холос.

Какликлар онаси шу кечаси жўжаларини бошқа бир қуриб-қовжираб қолган чангалзорга олиб борди, чангалзор тўла хазон эди, ғаним деганлари бундай қуюқ хазонзорга шитирлатмасдан яқинлашмасди, бунинг устига наъматакнинг қуюқ шохлари ҳаводан келадиган касофатдан ҳимоя қиларди.

Какликлар онаси ана шуларни эътиборга олиб, худди шу ерга жўжаларини ётқизди. Уйқуларига пипилаб, унинг бағрига тобора маҳкамроқ тиқилаётган жўжаларини кўриб, кўзи қувонди.

## II

Дунёга келганларига учинчи кун деганда жўжалар оёқларида дадил-дадил юра бошлади. Улар энди эманларни овора бўлиб айланиб юрмайдиган, қарағайларга бемалол чиқиб борадиган, бундайроқ тепаларга чиқа оладиган бўлиб қолди, қанот боғлайдиган биқинлари қизариб, бўртиб қолди.

Жўжалар осойишта ҳаёт кечиришлари учун уларнинг энг аввало онаси бўлиши лозим, тансоғлиги, оёғи бақувват бўлиши лозим, сўнг, туғма сезги билан бир оз ақл-идроки бўлиши лозим. Сезги уларни онасининг бир оғиз гапи биланок бекинишга ўргатди. Сезги уларни оналарига эргашиб юришни ўргатди. Ақл-идрок эса кун қизиганда уларни онасининг думлари остида соялашга ўргатди. Шу кундан бошлаб ақл-идроклари тўлиб бошлади.

Бир кундан кейин қизариб турган биқинларидан патлари уч бера бошлади. Патлари кун сайин ўсиб, бир ҳафта деганда қанот бўлди. Аммо ҳаммасига ҳам қанот чиқмади. Рунти деган бир ғариби туғилгандан буён нимжон эди. У тухумдан чиққанда бир соатча елкасига тухум пўстлоғи ёпишиб юрган эди. У имиллаб юрар, бошқаларга нисбатан кўп чийилларди. Бир оқшом какликлар онаси сассиққўзанни кўриб қолиб болаларига: «Ка-ка-ка!», яъни, «Учинглар!» дея фармойиш берди. Ҳамма жўжа учди, Рунти эса қолди.

Митти жўжалар кун сайин ҳаёт сабоғини олиб борди. Масалан, энг яхши чигиртка дарё бўйидаги узун ўт-ўланларда бўлишини билиб олдилар. Масалан, қорағат буталарида тўйимли, мулоғим, кўк чувалчанг бўлишини билиб олдилар. Масалан, ўрмон чеккасидаги чумоли инларида мазали тухум кўплигини билиб олдилар. Масалан, қулупнайлар жуда ширин бўлишини билиб олдилар. Масалан, Данаида деган капалак жуда яхши-ю, бироқ уни тутиш анча оғирлигини билиб олдилар. Улар яна шуни билиб олдиларки, чириган кундалардан ўсиб чиққан томирларнинг фойдаси кўп. Яна шуни билиб олдиларки, баъзи бир ҳашаротларга, жумладан, ари, тукдор капалакқурт, мингоёқ деганларга умуман тегинмаган маъқул.

Пишиқчилик оғи — июль келди. Жўжалар сўнг-

ги ойда ҳаддан зиёд етилди. Улар шундай етилди-ларки, онаси уларни қанотлари остига олиши учун туни билан оёғида туриб чиқишига тўғри келди.

Улар ҳар қуни дарё бўйида чўмилиб, қумда ётадиган бўлди, сўнг оналари бу одатга чек қўйди, шунда улар адир юқорисидаги қумлоқда офтобга тобланиб ётишни одат қилди. Бу ерда бошқа қушлар ҳам чўмилар экан, бу нарса какликлар онасига ёқмади. Шундай бўлса ҳам у борига шукур қилди, чунки бу ердаги қум гоят майда, тоза бўлиб, болаларига ёқиб қолди.

Икки ҳафтадан кейин жўжаларнинг тоби қочиб қолди, какликлар онасиам ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Жўжалар овқатни кўп есалар ҳам бари бир кун сайин озиб-тўзиб борди. Кейинроқ какликлар онаси бетоб бўлиб қолди, онасининг дарди хийла оғир бўлди. У очликдан, бош оғриқдан азобланиб, ўзини жуда беҳол сезди. Бу қандай касал эканлигини ўзиям билолмади. Дастлаб келганда сезибми, сезмайми бу ерни хуш кўрмаганида жон бор экан, ҳар хил қушлар чўмилиб, ағанайвериб, қумни булғаб ташлаган эди. Какликлар онаси ана шу қумдан касал юқтирди, касаллик ҳадемай жўжаларига ҳам ўтди.

Ҳар қандай ички ташналик албатта у ёки бу мақсад учун хизмат қилади. Шу боисдан ҳам какликлар онаси дардини даволаш учун ўз ички ташналигига қараб иш тутиши лозим эди. Шунга кўра какликлар онаси ич-ичини емириб бораётган очлигини қондириш учун еса бўладиган нимаики учраса еяверди, ички истак-хоҳишига итоат этиб, ўрмоннинг бир серсоя жойини излаб кетди. Кутилмаганда заҳарли мевали чакалақларга дуч келди. Бундан бир ой олдинлари бу каби чакалақлар олдидан индамай ўтиб кетарди, бугун эса унинг меваларидан еб кўргиси келди. Меваларнинг қуюқ, шўртак суви какликлар онасининг жон-танидаги қандайдир бир ташналикни қондирди. У мевалардан яна кўп-кўп еди, жўжалари ҳам оналаридан қолишмади. Шифокор ҳам улар учун бундан афзалроқ дори тополмасди. Меванинг шўртак суви юмшатиш кучига эга бўлиб, какликлар онаси



ичидаги кўринмас дардни парчалаб юборди. Хавф-хатар ўтиб кетди. Аммо бутунлай эмас. Масалан, иккита жўжага мева суви ёрдам беролмади. Табиатнинг заифлар ҳалокатга маҳкум, деган қонуни кучга кирди. Иккита жўжа ички бир ташналиқдан тинимсиз сув ичавериб, эртаси эрталаб ўлиб қолди.

Яна бир жўжа ўзига-ўзи қилди. Рунти деган биродарининг тақдири нима бўлганини ўз кўзи билан кўрган Хорек лақабли биттаси ўзи ёлғиз қолганда ҳалиги иккита жўжани еб, шу заҳотиёқ заҳарланиб ўлди.

Шундай қилиб, какликлар онасининг еттита жўжаси қолди. Қолган жўжаларда жуда эрта қобилият пайдо бўлди, уларнинг бу қобилияти кун сайин ривож топди. Нимжонлари алаҳқачон ўлиб бўлди, лекин тириклари орасида ҳалиям бир ланж, довдири бор эди. Аммо улар ичида яна бир улкани бўлиб, какликлар онаси шунисини кўп эркалатар эди. Бу ўша пайраҳага биқиниб, кўзларини юмиб олган жўжа эди. У нафақат улкан ва бақувват, шунингдек, чиройли ҳам эди. Энг қувонарли жойи — у жуда итоатгўй, одобли эди. Какликлар онаси «Р-р-р» (хавф-хатар!) дея нидо берганда жўжалари кўпинча йўлларидан қайтмас эди. Ҳалиги жўжа эса онасининг гапидан чиқмас эди. Онаси меҳрибон овозда: «Каква-каква!!!» (Буёққа келинлар!) дейиши биланоқ чопқиллаб югуриб борарди. Ана шу одоби унинг умрига умр қўшди.

Ланжлик фасли — август ойи келди. Жўжалар тамомила етилди. Улар кўп нарсаларни билиб олиб, ўзларини ҳаддан ташқари доно ҳис қилди. Майдалари оналарининг қанотлари остига кириб, қуруқ ерда ухлар эдилар. Катта бўлиб қолишгач, бу одатларини тарк қилди. Шунда какликлар онаси уларга катта какликлар одатини ўргатди. Масалан, дарахт шохларига чиқиб ўтиришни ўргатди. Чунки ўрмонда ёш сувсарлар, сассиқкўзанлар, тулки ҳамда қундузлар пайдо бўлиб қолган эди. Кечаси ерда тунаш хавфли эди, шу сабабли какликлар онаси кун ботиши билан: «Каква-каква-каква!» (Буёққа келинлар, болаларим!) — дея қуюқ дарахтлар тепасига учиб чиқди.

Какликлар оналари изидан дарахтга учиб чиқди, фақат ҳалиги лапашанг, довдир одатдагидай ерда ухлаш учун пастда қолди. Дастлабки кунлари унинг ҳаёти ҳам сокин кечди, аммо бир кечаси дарахт устидаги какликлар унинг чийиллашидан уйғониб кетди. Бир зум сукунат чўкиб, пастдан қисирлаган суяк товуши, ғарч-ғурч чайнаш овози келди. Какликлар бошларини эгиб, пастга, қўрқинчли қорон-



ғиликка қаради. Пастда бир жуфт ялтираган кўз кўринди, димоғларига бадбўй бир ҳид келди, шунда, довдир акаларининг бошига қундуз етганини англадилар.

Шундай қилиб, какликлар онасининг олтита боласи қолди. Болалари кечалари шохда ўтиравериб оёқлари совуққа қотганда, оналарининг елкасига суянди.

Улар ҳамон ўзларини тарбия қилаверди. Улар энди қанот қоқиб учганда қанотларидан потирлаган овоз чиқаришни машқ қилди. Одатда улар жуда сокин учади, лекин ўйлаб қарасалар, қанот шарпалари жуда керак экан. Айниқса юқорига кўтарилаётганларида асқотади. Масалан, қанотлар овози бошқа какликларнинг яқинлашиб келаётганидан хабар беради, қанотлар овози ғанимлар эътиборини ўзига тез жалб қилади, бу вақтда эса таъқиб остидаги бошқа бир каклик секингина жуфтакни ростлаб қолади.

Какликларнинг мана бундай ўз матали бор: «Ҳар бир ойнинг ўз ноз-неъматини, ўз ғанимининг бордир». Мана, сентябрь ҳам келиб қолди. Мевачевалар, чумоли тухумлари ўрнида уруғлар ва донлар пайдо бўлди, сувсар ва сассиқкўзанлар қолиб, какликлар шўрига овчилар пайдо бўлди.

Какликлар тулкини яхши биларди, аммо итни кўрмаган эди. Улар тулкиларни доғда қолдириш учун дарахтга чиқиб олиш кераклигини яхши биларди. Шу боисдан ҳам «овчилар ойна» сентябрда Кэдди деган чол думи қирқилган сариқ итини эргаштириб сойдан чиқиб келганда, какликлар онаси тезлик билан «Ка-ка-ка!» (Учинглар, учинглар!) дея қичқирди. Иккита каклик оналари тулкини кўриб, бекордан-бекорга ҳаяжонланаётганига ҳайрон бўлди. Чунки улар итни тулки деб ўйлаб, хотиржам ўтираверди. Улар оналарининг «Ка-ка-ка!» деган фармойишига биноан олисларга учиб кетиш ўрнига дарахтга чиқиб қўя қолди.

Бу орада калтадум ит дарахт остига келиб юқорида ўтирган какликларга қараб тинимсиз ҳураверди. Какликлар итга ажабланиб қараб қолиб, хазонлар шитирлашини пайқамади. Шунда «пақ» этган товуш чиқиб, ҳар икки каклик ҳам ерга тап этиб тушди, қонга беланиб, қанотларини қоқди, сўнг, уларни сариқ ит илиб кетди.

### III

Кэдди чол Торонто шимолидаги Дон дарёси яқинида, ғариб бир қапада яшар эди. Унинг ҳаёти

грек файласуфлари нуқтаи назаридан олиб қаралганда, жуда гўзал эди. Чунки у бой эмасди, солиқ ҳам тўламасди. Унинг меҳнатга унчалик ҳам ҳуши йўқ эди, умри саёҳат билан ўтарди. У ов қилишни яхши кўрарди, отган ўқи овози унга ҳаминқадар завқ берарди. Қўшнилари уни дайди дерди. Йил ўн икки ой умри пистирма қўйиб отиш билан ўтди. У календарга қарамасдан туриб, каклик гўшти ҳидидан бу ой қанақа ой эканини айтиб бера олиши билан мақтанади. Албатта, бу кўп йиллик тажриба ва кузатувчанлик самараси эди, аммо унчалик ҳам мақтанадиган фазилат эмасди.

Одатда каклик ови ўн бешинчи сентябрдан бошланади. Аммо Кэдди чолнинг сабри чидамади. У овга жўнади.


У какликларни отмади, отган билан қуюқ барглари орасидан теккизиш амримаҳол эди, шунинг учун тузоқ қўйиб каклик тутишга аҳд қилди. У сойда каклик уяси борлигини, унда какликлар осойишта яшаётганини яхши биларди, уларни эртароқ қўллик қилмаса бошқа овчилар келиб эгалик қилиши мумкин эди. У ҳали какликлар онаси қанотларини потирлатиб, тўртта боласи билан олисларга учиб кетганини пайқаманган эди. Шу сабабли иккита какликка шукур қилиб, қапасига қайтиб келди.

Шу куни какликлар тулки бошқа, ит бошқалигини, ит билан ўйнашиб бўлмаслигини билиб олди. Эскидан қолган катталарнинг гапига қулоқ сол, деган ақида нақадар тўғри ва ҳаққоний эканлигига яна бир бор амин бўлдилар.

Сентябрь охирида какликлар овчилар ва бошқа ғанимларидан қочиб кун ўтказди. Кечалари узун дарахтларнинг қуюқ баргли шохларида қатор бўлишиб ухлади. Уларни юқоридан келадиган балодан қуюқ барглари асради, пастдан келадиган балодан дарахтнинг узун бўйлари асради. Улар фақат дарахтга ўрмалаб чиқиб келадиган балодан ташвишда бўлди. Лекин дарахт танасидан ўсиб чиққан буталар шитирлаб, пастдан келадиган хавф-хатардан огоҳ қилиб турди.



Аммо япроқлар тўкилиб кун сайин камайиб борди. Энди ёнғоқ даври, бойўғли даври бошланди.






Шимолдан уккилар учиб келиб, бойўғлилар сони кўпайди. Кечалар совуқ тушиб, пастдан келадиган ганимлар хавфли бўлиб қолди. Какликлар тунаш жойларини ўзгартирди, дарахт шохларини тарк этиб, бодиёни румининг кўм-кўк қуюқ япроқлари орасида тунайдиган бўлди.

Фақат биттаси онасининг: «Каква-каква-каква!» деган чорлашига қулоқ солмай, биттаям барги йўқ шипшийдам қайрағочнинг энг юқори шохига чиқиб олиб ухлади. Эрталаб уни бир сариқкўз бойўғли илиб кетди.



Какликлар онаси учта боласи билан қолди. Болаларининг гавдаси онасиники билан тенг эди. Ҳалиги пайраҳага биқиниб, кўзларини юмиб олгани эса онасидан ҳам гавдали эди.

Какликларнинг бўйни атрофида бўлажак ёқаси — патлари ўсиб чиқа бошлади. Патлар ҳали майда, ингичка бўлса-да, аммо ҳозирданоқ улар бутунлай ўсиб етилгач, нақадар чиройли бўлишини башорат қилиш мумкин эди. Какликлар майдагина патлари билан ғурурланиб қўйди.



Товусга дум қанчалик керак бўлса, какликка ҳам патёқа шунчалик керак эди. Патёқа — какликлар зийнати. Қора тусли нар какликлар патёқаси оч зангори бўлади, макиён какликларнинг патёқаси эса каттароқ бўлиб, тўқ зангори тусда товланиб туради. Ҳаддан зиёд етилган улкан какликларнинг патёқаси сариқ-қизил тусли, оч бинафшаранг, ҳатто олтин тусли бўлади.

Ҳалиги пайраҳага биқиниб, кўзларини юмиб олган каклик бор-ку, ҳалиги доим онасининг гапидан чиқмайдигани? Ана ўша «эман ойи» — октябрь келгунича кап-катта каклик бўлиб етилди, сариқ-қизил тусли олтин патёқалари товланадиган бўлди. Дон водийсининг машҳур Қизилбўйин лақабли каклиги ана шундай каклик бўлди.

#### IV

Октябрь ойи ўрталарида какликлар тўйиб овқат еб бўлиб, улкан қарағай ёғочи олдида офтобга товланиб ётганларида олисдан ўқ овози келди. Қизилбўйин ёғочга сапчиб чиқиб, диққат бўлиб уёқдан-буёққа юрди, сўнг иссиқ ҳаводан ҳаприқиб қанотларини патиллатиб қоқди. Ўзини кўрсатиш учун ирғишлаётган тойчоқ мисол Қизилбўйин ҳам бирдан қанотларини ёзиб, янада кучли патиллатиб қоқди, сўнг ўзида янги бир куч ҳис қилиб қанотларини қаттиқ-қаттиқ силкиди. Қанотлари овозига шу яқиндаги ўрмонлар акс садо берма



гунича силкийверди. Ёнидаги биродарлари унга ҳавас ва ҳайрат билан боқди. Онаси шу кундан эътиборан ундан бир оз ҳайиқадагиган бўлди.

«Телбалик оий» — ноябрь келди. Табиатнинг қизиқ бир қонуни бор. Какликлар, қурлар ўзларининг кўз очиб кўрган дастлабки ноябрь ойидан телбанамо бўлиб қолади. Қаерларгадир дайди бўлиб кетиб қолгилари келади! Бу вақтда уларнинг энг ақллилари ҳам аҳмоқона ишлар қилиб қўяди. Кечалари гўё қаергадир шошилаётгандай кўзига қарамай учади, лекин қаёққа бораётганини ўзиям билмайди, оқибат, симларга урилиб икки бўлинади, паровоз чироқларига урилиб нобуд бўлади. Омон қолганлари тонгни турли жойларда, саройларда, ботқоқларда, бирор катта шаҳардаги телефон симлари устида, ҳатто қирғоқда лангар ташлаб турган кемаларда кутиб олади.


Дайдилик дардига ишқибозлик уларни кўчманчи қилиб қўяди. Улар дунёга келганларининг дастлабки йилида ана шу дардга мубтало бўлади. Баъзан келаси йили шу дардга чалинади, аммо учинчи йили телбалиқдан мутлақо халос бўлади.

Какликлар онаси ток томирлари қорайиб, барглари ерга сарғайиб тўкилаётганини кўриб, ана шу давр келаётганини англади. У бўйи етиб қолган болаларининг тан-соғлигини ўйлаб, уларни ўрмоннинг сокин жойларида олиб юрди.

Осмону фалақда жанубга қараб ғозлар галаси учиб ўтди. Какликлар умрида бундай бўйни узун қушларни кўрмаган эди. Какликлар уни аввал қирғий деб ўйлаб, қўрқиб кетди. Сўнг, оналарининг қўрқмаётганини кўриб, улар ҳам ғозларни бемалол томоша қилди.

Ғозларнинг ғалати ғағиллаши ўзига тортдими ё кўнгиллари шуни хоҳладими, ишқилиб, какликларнинг ғозлар изидан учиб боргилари келди. Улар камон ўқидай тизилиб, ғағиллашиб, жануб сари кўздан ғойиб бўлди. Какликлар ғозларни яна бир бор кўриш учун дарахтнинг энг юқори шохига кўтарилди. Шу кун уларнинг руҳида бир ўзгариш пайдо бўлди.

Ой тўлишганда телбалик даври бошланди. Телбалик дарди айниқса бўшангроқ какликларга кўпроқ таъсир қилди. Какликлар оиласидан меҳроқибат кўтарилиб, тарқала бошладилар. Қизилбўйин кечалари олис-олисларга дайдиб кетиб қоладиган бўлди. Жануб томонларга бориб қолиб, бепоён Онтарио кўлини кўриб келди. «Телбалик оий» охирларида Балчиқзор дарёгача бориб қолди.



Қиш кириб қолди. Ноз-неъматлар кун сайин камайиб борди. Қизилбўйин Тейлор қирлари ўрмонзор чўққиларининг эски ёриқларида яшаб юрди. Ҳар бир янги ой ўз ноз-неъматини билан бирга ўз дарду балосини ҳам олиб келади. Масалан, ноябрь телбаллик ва ёлғизлик билан бирга узум келтирди. «Қор ойи — декабрь» наъматак меваларини олиб келди, серғалва январь эса ўзининг бўронлари билан келди. Шохларда ўтириш қийин бўлиб қолди, ундаги музлаб қолган куртакларни олиб ташлайман дея чўқилайвериб, охири оғзини яхши ёпа олмайдиган бўлиб қолди.

Аммо табиат Қизилбўйинни сирғанчиқ ерда юришга ҳам ўргатди. Унинг нозик бармоқларида бир қатор ўткир-ўткир ўсимталар ўсиб чиқиб, ерга қор тушгунча қишга тайёр бўлиб турди. Табиат ана шундай қилиб уни чанғи ва чана билан таъминлади.

Совуқ кирғий, бойўғли ва бошқа тўрт оёқли касофатларни қувиб юбориб, Қизилбўйин тамоман осойишта яшай бошлади.

Қизилбўйин ҳар куни қорин дардида олис-олисларга учиб бориб келди, фалакнинг гардиши билан кумуш қайинлар ўсиб ётган Роздаль дарёси бўйларини, узумга бой Кэстл Франкни, дарахт шохлари учидаги қирмизи мевалари қорга тегайтегай дея осилиб турган Честер ўрмонларини топиб олиб, ўзиям, қорниям тўйди.

Қизилбўйин диққат қилиб, нимагадир милтиқ оспан одамлар Кэстл Франк буталари ичида юрмаслигини пайқаб қолди. У шу сабабли ўша ёққа кириб жойлашиб олди, осойишта жойда кун сайин ақлли, хушсурат бўла борди.

У ёлғиз яшади. Аммо ёлғизлигидан ўкинмади. Ўрмон айланиб, жуда ғаройиб нарсаларни кўриб, кўнгилхушлик қилди. Ўрмонлар қишнинг энг совуқ бўронли кунларида ўзларининг машҳур «Ҳадемай баҳор келади» деган қўшиғини айтди. Ўрмон қўшиқлари «очарчилик ойи» — февраль охирлаб, кўклам нафаси келгунича жаранглаб турди. Шунда ўрмонлар «Мен сизга айтиб эдим-ку!» — дея оламга жар солди. Кун илиб, Кэстл Франк қирларининг шимолий чўққиларидаги қорлар эриб, Қизилбўйин хуш кўрадиган кўм-кўк шиғил мевали буталар кўриниб қолди. У энди қиш бўйи еб, тирикчилик қилган дарахт куртакларини юлмай қўйди. Яна яйраб тўлишиб қолди.

Ҳадемай дастлабки жиблажибон учиб келди, йўл-йўлакай учиб ўтаётиб: «Баҳор келяпти!»— дея қичқирди. Офтоб кун сайин порлаб, чарақлаб кетди, «кўклам уйғонадиган ой»— март кунларининг бирида тонг чоғи-тонг чоғи: «Қағғ, қағғ!» деган товуш жаранглади. «Кумуш Қашқа» лақабли қарға ўз тўдаси билан жанубдан учиб келди. Кумуш Қашқа яна жар солди: «Баҳор келди!»

Жамики табиат баҳор келганини, қушлар фасли бошланганини тасдиқлади. Читтаклар: «Баҳор! Баҳор! Баҳор!»— дея чирқиллади. Читтаклар шундай узундан-узун, бетиним чирқиллаб бошладики, бундан кейин уларнинг қачон ва қандай қилиб тирикчилик ташвишлари учун вақт топишларига ишониб бўлмай қолди.

Қизилбўйин ҳам ўз аъзойи баданида қандайдир бир хушвақт ҳаяжон сезди. Хурсанд бўлиб тўнқага сапчиб чиқди, қанотларини патиллатиб-патиллатиб қоқиб, баҳор қувончларини намойиш қилди.

Кэдди чолнинг кулбаси бундан олисда, пастдаги водийда эди. У олис бўлса ҳам эрталабки тоза ҳавода қанот овозини эшитди, бу овоз қайси каклик қанотлари овози эканини ҳам билди. Шунинг учун милтиғини олиб, сойга йўл олди. Бироқ у келгунича Қизилбўйин киши билмас учиб, Балчикзор дарё бўйига бориб қўнди. Уша бир вақтлар биринчи бор қанотларини уриб қоққан ёғоч устига чиқиб олди, яна ёғочга қанотларини уриб қоқди, шундай қоқдики, овозини ўрмондан ўтиб кетаётган бир бола эшитиб, қўрққанидан уйига қараб чопди, онасига бориб, ўрмонда ҳиндулар уруш бошлаш учун ҳарбий ноғораларини чалапти, деб айтди.

Бола нега хурсанд бўлиб қичқиряпти? Елғизгина бола нега энтикяпти? Негалигини унинг ўзиям билмайди. Шунингдек, Қизилбўйин ҳам ҳар куни юмалаб ётган бирор кундага чиқиб олиб, бутун ўрмонга эшиттириб нега қанот қоқишини ўзиям билмайди. У кунда устида патёқаларини ҳилпиратиб ўтиради. Патёқалари ҳилпираб, офтобда қаҳрабо тош мисол товланишидан завқланиб, яна қанот қоқади.

Қизилбўйиннинг кўнгли кимдир келиб уни томоша қилиб, завқ-шавқ олишини истади, ажабо, фавқулодда бундай истак қаердан пайдо бўлди? Нега дарахтлар куртак ёзмасдан олдин кўнглида шундай истак пайдо бўлмади?

Қизилбўйин патиллатиб қанот қоқди...

У ўзининг бу севимли жойига ҳар куни келди.

У янада хушсурат бўлди. Унинг ёрқин кўзлари узра яна бир безак — лоларанг патлар пайдо бўлди. Оёқларидаги қорда юриш учун ўсиб чиққан ўсимталар бутунлай йўқолиб кетди. Кўзлари янада тиниқ порлади, патёқалари янада гўзаллашди, қуёш нурида турфаранг патларини ялтиратиб сайр этганда ўзгача бир нафосат касб этди, каклик-мисан каклик бўлди.

Аммо у ёлғиз эди, жуда ёлғиз эди!

У ҳамон қанот қоқиб, сайр қилди. Ниҳоят, май оғи бошларида, теварак-атроф кўм-кўк либосга бурканганида у яқин бир бутазордан шитирлаган товушни эшитди. Кимдир уни пойлаётганини сезиб, ҳайкалдай қотиб турди.

Уни пойлаётганлари чинмикин? Ҳа, чин экан! Буталар орасида бекинишга уринаётган бир майдагина қилтириқ каклик кўринди. Қизилбўйин бир зумда унинг олдига етиб борди. У ҳаяжонга тўлиб-тошди. Унинг олдида қоматини тик тутиб, патларини кенг ёйди! Бу макиён каклик ўзига ёқиб қолишини қаердан билибди? У турфаранг патёқаларини ёйиб, офтобда ялтиратди. Мағрур туриб, оҳиста, майин қоқоқлади. У макиён каклик қалбини асир этди. Аслида у аллақачон макиён қалбини забт этган эди. Макиён каклик Қизилбўйиннинг патиллатиб қанот қоқишини эшитиб қолиб, уч кундан буён шу ерга келади, холисроқда бекиниб ўтириб, унга хумор-хумор боқади, ундан ўпка-гина қилади, шундай ёнгинасида бўлсам-да, мени сўраб келмайди, дейди!

Мана, ниҳоят у макиённинг оёқ шарпасини эшитиб, унга яқинлашди. Макиён бошини қуйи эгиб, нозик-нозик қадамлар босиб, Қизилбўйинга ёр бўлиб келди!

Бедор ҳаёт барҳам еди, бечора бир ёлғиз дайди бирданига қўш баҳорни қарши олди.

Ёлғизликнинг оти ўчди.



Оҳ, улар хушманзара водийда қандай ажойиб турмуш кечирдилар! Қуёш ҳеч қачон бундай ёрқин порламаган, оламдан ҳеч қачон бундай нафис ҳид уфурмаган эди. Улкан макиён каклик баъзан ёлғиз ўзи, баъзан жуфти ҳалоли билан ёғоч устига келиб бахтиёрларча қанот қоқадиган бўлди.

Нега унинг ёнида Қизилбўйин кам кўринадиган бўлиб қолди? Нега у Қизилбўйин билан соатлаб ўйнаб, сўнг бирдан ғойиб бўладиган, соатлаб, баъзан кунлаб қорасини кўрсатмайдиган, Қизилбўйин хавотир олиб, қанотларини қаттиқ-қаттиқ силкигандагина қайтиб келадиган бўлди? Макиён какликнинг бир сири бор эди, Қизилбўйин бу сирнинг тагига етолмай ҳайрон эди.

Кунлар ўтган сайин макиён каклик Қизилбўйин билан кам бўладиган бўлди, охири бутунлай кўринмай кетди. Қизилбўйин ҳаяжонланиб, бетиним қанот қоқди, дарё оқими бўйлаб юқорига учиб, бошқа бир ёғочга қўниб қанот қоқди, қирдан ошиб ўтиб, бир сойда яна қанот қоқди. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Тўртинчи кун яна ўз ёғочи устига келиб, худди биринчи учрашувларидагидек яна уни чақирди, ниҳоят, буталар орасидан худди ўшандагидай қадам шарпалари эшитилиб, макиён каклик кўриниш берди! Аммо у бу сафар ёлғиз эмасди, ёнида ўнта майдагина жўжаси бор эди.

Қизилбўйин макиёнига талпиниб, кўзлари порлаб турган ушоқ жўжаларни чўчитиб юборди. У, митти жўжалар унинг макиёни эътиборини олаётгани, у эса четда қолиб кетаётганини кўриб, кўнгли бир оз ранжиди. Қизилбўйин ҳадемай бунга кўникиб кетди, макиёни билан ҳамкорлик қилиб, жўжаларни парвариш қилишга киришди.

## VI

Қур ва какликлар оламида яхши оталар кам бўлади. Шу боисдан макиёнлар ўзлари уя қуриб, болаларини оталарисиз ўзлари тарбия қилади. макиёнлар ҳатто уяларини болалари отасидан сир тутади, мабодо учрашгилари келса, бирор тайин жойда, масалан, қанот қоқадиган ёғоч устида, бирор егулик қидириладиган жойларда, баъзан эса қумга юмалаб ётадиган ерларда кўришадилар.

Қизилбўйиннинг макиёнини Бурка дер эди. Бурка жўжалари тухумини ёриб чиққанда тамомила уларни парвариш қилиш билан овора бўлиб қолди, уларнинг ажойиб оталари бор эканлигини унутиб



қўйди, оталарининг чорлашига жавоб бермади. Фақат тўртинчи куни жўжалари ўзларини бир оз эплаб олгач, уларни оталари билан таништиргани олиб келди.

Баъзи бир оталар болани хуш кўрмайди, аммо Қизилбўйин ундайлардан эмас, ҳа. У дарҳол макиёнига жўжаларни парвариш қилишга ёрдам берди. Жўжалар оталаридан сув ичишни ўрганди, оналари кетидан хотиржам эргашиб юрди, чунки орқаларида отаси борлигидан кўнгли тўқ бўлди.

Улар дарёга йўл олди, худди ипга тизилган мунчоқдай бўлишиб, қир ёнбағридан тушиб кела бошлади. Қарағай дарахтида ўтирган қизил олмахон жундор жўжаларга ажабланиб қаради. Қизилбўйин бир дарахтнинг баланд шохига чиқиб олиб патларини тозалаш билан машғул бўлди. Олмаҳон уни кўрмай қолиб, Рунтига яқинлаша бошлади. Унда қуш қонини бир татиб кўриш истаги пайдо бўлди, кейинда қолаётган жўжа эса тайёр ошдай бўлиб туюлиб, истагини янада қўзғади. Ана шундай ёвузларча ният билан нимжон жўжага ташланди. Бурка ёвуз олмахонни жуда кеч пайқаб қолди, аммо Қизилбўйин ҳаммасини кўриб турган эди. У малла қонхўрга ташланди. Қизилбўйиннинг бор-йўқ қуроли, унинг мушталари, яъни, бўртиб чиққан қанот пайлари бўлиб, у билан жуда кучли зарба бера олар эди! У дастлабки ҳамладаёқ олмахоннинг энг нозик жойи — биқинига зарба берди, олмахон бир айланиб ерга юмалаб тушди. Урнидан бир амаллаб туриб, шу яқиндаги шохшабба олдига судралиб борди. Ҳарсиллаб ётиб қолди. Бурнидан лахта-лахта қон келди. Қизилбўйин уни ўз ҳолига қўйиб берди. Олмаҳоннинг кейинги тақдири нима бўлди, нима қўйди, Қизилбўйин уёғига қизиқмади.

Какликлар оиласи йўлида давом этди, қумда бир молнинг чуқур излари учради, жўжалардан бири шу изга тушиб кетди. Жўжа мол изидан чиқолмай чийиллади.

Вазият оғир келди. Ҳар иккала катта каклик ҳам нима қилишларини, жўжани қандай қилиб издан тортиб олишларини билмади. Улар нима қилишга ҳайрон бўлиб юрганларида туёқ изининг бир чеккасидан қум силжиб кетиб, изга қия йўл очилди. Жўжа шу қия йўл билан издан чиқиб келди, оналарининг думи остида паналашиб ўтирган жигарлари сафига келиб қўшилди.

Бурка жуда хушчақчақ, зукко, ишбилармон макиён. У кечасию кундузи болаларини тарбия

қилишдан чарчамади. Болалари билан ўрмоннинг серсоя жойлари бўйлаб сайр қилиб юриб, болаларидан, ўз-ўзидан ғурурланиб-ғурурланиб қоқоқлади! Болаларига янада кенг имконият яратиб бериш учун думларини кенг ёйиб юрди, бирор ғанимни кўрганда ундан тап тортмади, у билан олишувга ё учиб кетишга тайёр бўлиб турди.

Жўжалар ҳали учишни ўрганмасдан туриб бир неча бор Кэдди чолга дуч келди. Июнь келиб, ов тақиқланган бўлса-да, Кэдди чол қўлида милтиқ билан сой ёқалаб келаверди, олдида югуриб келаётган Тейк деган ити Бурка билан жўжаларга жуда яқин келиб қолди, буни кўриб турган Қизилбўйин итга қараб юрди. У ўзининг эски, аммо ҳамшиша омадёр айёрлигини қўллади — итни ўзи билан Дон водийси тарафга алаҳситиб олиб кетди.

Кутилмаганда Кэдди какликлар уяси томонга қараб юрди, буни кўрган Бурка болаларига «Ка-ка-ка!», яъни, яширининглар, деган фармойиш берди, ўзи эса Қизилбўйин итни қандай алдаб олиб кетган бўлса, овчини ҳам шундай лақиллатиб олиб кетишга уринди.

Бурка оналик меҳр-муҳаббати билан тўлиб-тошиб, овоз чиқармасдан овчининг олдида учиб борди, кейин унинг шундай кўзи олдида қанотларини патиллатиб қоқиб, ўзини хазонлар устига ташлаб юборди, ўзини гўё ярадор бўлганга олиб ётаверди, пияниста чол бунга лаққа ишонди. Кутилмаганда Бурка қанотларини йиғиб олиб, аста-секин нари кета бошлади, шунда чол каклик найранг қилаётганини тушуниб етди. Каклик уни ўз уясидан узоқлаштирмоқчи эканини билди. Алам билан унга таёғини отиб юборди. Аммо Бурка жуда эпчил ва зийрак эди. У таёққа чап бериб, ниҳоллар орқасига бекинди, ўзини яна хазонлар устига ташлади, қурқуллаб, қанот қоқди, оғир яралангандай зўрға қимирлади. Кэддига жон кириб, яна таёқ отди. Бурка яна чап берди. Овчини қандай қилиб бўлмасин, бечора жўжалари ётган уядан адаштириш учун тўғри овчининг кўз олдида учиб келиб, ўзини кўкраклари билан ерга ташлади, ёлворувчи оҳангга ингради. Кэдди яна унга таёғини отиб, аксига олиб, яна теккизолмади. Сўнг, милтигини қўлга олди, айиқниям тил торттирмай ўлдирадиган ўқ билан бечора довюрак Буркани қонга беланган бир парча ичак-чавоққа айлантирди.

Евуз овчи каклик уяси шу атрофда эканини сезиб, уни излаб кетди. Аммо бирор қимирлаган жонни, чирқиллаган овозни эшитмади, жўжаларга



кўзи тушмади. У уя атрофидан бир неча марта ўтди, аммо ўлғудай қўрқиб қолган жўжалар миқ этган шарпа сездирмади, айримларининг қўрққанидан жони чиқиб кетди.

Бу орада Қизилбўйин итни бир жойларга адаштириб ташлаб, макиёни турган ерга қайтиб келди. Овчи итига бериш учун макиён ўлигини олиб, алақачон жўнаб қолган эди. Қизилбўйин макиённи излаб-излаб, охири унинг қони билан патларини топди. У, ҳалиги ўқ нимага отилганини энди англаб етди...

Қизилбўйиннинг қанчалар даҳшатга тушганини, қанчалар қайғурганини айтиб бериб бўлармикин? У бир неча дақиқа карахт бўлиб, қон оққан ерга бошини эгиб тикилганича туриб қолди. Сўнг, бирдан жонланди. Бечора жўжаларини эслади.

У болалари бекиниб ётган уяга йўл олди, барчасига таниш овозда қичқирди: «Қоқва-қоқва-қоқва!!!» Оталарининг бу қудратли овози тупроқда ётган жонсиз болаларини тирилтира олармикин? Йўқ, йўқ, болаларининг қарийб ярми алақачон оламдан ўтган! Бор-йўғи олтигагина юм-юмалоқ жўжа кўзларини очиб, оталари томон чопди. Қолган тўрттаси жойидан қимирамади.

Қизилбўйин омон қолган болаларининг ҳаммаси жам бўлгунча қоқоқлаб қичқирди. Сўнг болаларини эргаштириб, сим тўсиқлар билан ўралган ерга олиб борди, бу ер хийла тинч эди, борди-ю, хавф-хатар туғилиб қолса у ердаги наъматак буталари бекиниш учун анча қулай эди.

У шу ерда ўзини бир вақтлар онаси қандай тарбия қилган бўлса, болаларини ҳам худди шундай тарбия қилаверди. Аммо у онасига қараганда анча тажрибали эди, шу сабабли болаларини бирмунча яхшироқ тарбия қилди. У яқин-атрофни жуда яхши биларди, қаерларда ноз-неъматлар мўллигидан хабардор эди, шунингдек, какликлар ҳаётига хавф-хатар назар солгудай бўлса, уларни қандай қилиб огоҳлантиришни ҳам биларди.

Унинг кўпни кўрганлиги ва синчковлиги натижасида ёз бўйи биронтаям жўжа нобуд бўлмади. Жўжалар эркин ҳаёт кечириб вояга етди, «ов ойи» келганда Қизилбўйин бошлиқ олтигадан иборат какликлар оиласи бунёд бўлди, улар бошларидаги қизил тусли ажойиб патларини кўз-кўз қилди.

Қизилбўйин макиёнидан жудо бўлгандан буён қанотларини патиллатмай қўйди. Тўрғай учун сайраш қанчалик гаштли бўлса, каклик учун қанот қоқиш ҳам шунчалик гаштли эди. Қанот қоқиш



нафақат муҳаббат қўшиғи, шунингдек, ҳаддан ошган куч-ғайратни, тан-соғлиқни намойиш қилиш ҳам эди. Ланжлик даври тугаб, сентябрь ҳавоси ва ноз-неъматидан руҳи кўтарилиб патлари ялтираб қолганда яна ўзининг ўша эски ёғочига келди. Ўзида ички бир кучли интилиш сезиб, ёғоч устига чиқди-да, яна қанотларини патиллатиб қоқди.

У шу кундан бошлаб бу ерга ҳар куни келиб қанот қоқадиган, болалари эса атрофини айланиб ўтирадиган бўлди. Жўжалардан бири отасига тортган шекилли, шу яқиндаги тўнка, тошларга чиқиб олиб, уям отасига тақлид қилиб қанот қоқди.

Узум бошлари қорайиб, «Телбалик ойи» — ноябрь келди. Қизилбўйиннинг оиласи бузилмас, аҳил оила эканлигини намойиш қилди. Тўғри, уларда ҳам қаёқларгадир дайдиларча кетиб қолиш майли пайдо бўлди, аммо бу майл бир ҳафтадан ошмади. Учта каклик қаергадир учиб кетди.

Қизилбўйин қолган учта боласи билан водийда яшаб юрди. Қиш кириб, ерга қор тушиди. Биринчи қор момиқдай майин бўлди. Қишнинг дастлабки куни илиқ келиб, какликлар қарағай дарахтларининг энг пастки шохларида тунади. Аммо келаси куни совуқ тушиб, бўрон турди, кун узоғи қалин қор ёғди. Кечаси қор тинганда Қизилбўйин болаларини улкан қор уюми ўртасида бўй чўзиб турган оққайин олдига олиб борди. У қорга шўнғиди, болалари ҳам худди шундай қилди. Шамол туриб, какликлар кириб ётган қоруя оғзидаги қорларни учуриб, уяни худди оқ сурп ёпгандай ёпиб кетди. Какликлар қоруяда бир-бирларига суяниб, туни билан мириқиб ухлади, чунки қор иссиқ сақлаб, какликлар нафас олиши учун етарли ҳаво етказиб турди. Улар эрталаб кўзларини очиб, тумшуқлари олдида муз парчаларини кўрди, бу нафасларидан пайдо бўлган музлар эди. Улар бу ёнларига ағдарилиб, қоруядан осонгина чиқиб олди, оталарининг: «Қоқва-қоқва-қоқва! Қа-қа-қа!» (Келинлар, болаларим, келинлар!) деган эрталабки чорлашини эшитди.

Уларнинг қор остидаги биринчи туни ана шундай бўлди. Келаси кечаси яна қор остига кириб ётишди, яна шимол шамоли уларнинг устига оқ либос ёпиб кетди. Кечаси ҳаво ўзгариб, шамол шарққа томон эса бошлади. Аввал ёмғир аралаш паға-паға қор ёғди, сўнг қор музлади. Какликлар эрталаб туриб қоруяларидан чиқмоқчи бўлганларида ўзларини тошдай музлар остида ётгандек ҳис қилди.



Аммо қорнинг таги аввалгидай юмшоқ эди, шу сабабляим Қизилбўйин очиқликка осонлик билан йўл очди. Лекин қор устини қоплаб ётган музга етганда нима қилишини билмай қолди. Музни ёриш учун шунча уринди, бўлмади, қайтанга қаноти билан бошини ярадор қилгани қолди. У умрида бундай оғир вазиятга тушмаган эди. Тўғри, у кўп қийинчиликларни бошидан кечирган, аммо бунақасига дуч келмаган эди. Уни ваҳима босди. Мадори қуриди. Жамики интилишлари бесамар бўлди.

У болалари озодлик йўлида типирчилаётганларини, «чирқ-чийқ! чирқ-чийқ!» — дея ёлвориб чирқилаб, уни ёрдамга чақираётганларини эшитди.

Жўжалар қоруяларида жуда кўпгина ғанимлари дастидан бежавотир яшади, аммо очлик деган ғанимнинг исканжасида яшади. Шунинг учун ҳам жамики саёй-ҳаракатлари бекор кетган, очликдан мадори қуриган митти асирлар тун чўкканини пайқаб, янада ваҳимага тушди. Улар тулкилар келиб қолишдан қўрқди. Яна бир навбатдаги қоронғи чўккандан тулки ҳақида ўйламай қўйишди. Ҳатто тулкилар келиб, уларнинг устидаги музларни ёриб ташлашларини истади. Улар ана шунда ўз ҳаётлари учун курашиш имкониятларига эга бўлишларини тасаввур қилди.

Дарҳақиқат, тулкилар келиб, музлаб қолган қор устидан ўта бошлади. Қор остида ётган какликлар кўнглида яна яшаш умиди пайдо бўлди, улар нафасларини ютиб, тулкилар ўтиб кетгунча қимир этмади.

Эртаси куни бўрон бошланди. Шимолдан эсангучли шамол қорни ер бўйлатиб, ҳуштак чалиб учирди. Узоқ давом этган кучли бўрон ердаги қорни ағдар-тўнтар қилиб тўзғитиб, қоруяни ҳам бузиб кетди. Уя жуда юзага чиқиб қолди. Қизилбўйин куни бўйи боши устидаги муз қатламини кўчириш билан овора бўлди, охир-оқибат боши оғриб, тумшугини шикастлантириб олди. Кун ботиб кетди ҳамки, музни кўчириб, юзага чиқолмади.

Яна бир тун ўтди, энди уларнинг қоруялари устидан тулкилар ўтмай қўйди. Эрталаб Қизилбўйин яна ишга тушди, аммо олдинги куч-қудрати энди йўқ эди, у ҳатто болаларининг овозини, уларнинг тумшуқлари билан муз чўқилашларини ҳам эшитмай қолди. Аммо кун ёруғида қоруя ичида ўзини-ўзи кўрадиган бўлди. Чунки қоруя усти жуда юпқа бўлиб қолган эди, шу сабабляим иложи етганича музни чўқилайверди.

Бўрон кун узоғи тинмади, қоруя юзасида қотиб

ётган қорларни ялаб олиб кетавериб, уяни янада омонат қилиб қўйди. Ниҳоят, Қизилбўйиннинг тумшуги учи музни тешиб чиқди. Бу унинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшди.

У тинимсиз музни чўқилайверди, ниҳоят кунботар вақти музда унинг боши, бўйни, ҳатто ажойиб патёқалари ҳам сиғадиган тешикча пайдо бўлди. Лекин ҳали унга елкалари сиғмас эди, шунинг учун музни пастидан туриб бор кучи билан итарди. Муз унинг кучига бардош беролмади. Қизилбўйин муз қамоқдан озод бўлди.

Болаларининг ҳоли нима кечди экан? Қизилбўйин энг аввал шу яқиндаги қирғоққа қараб учди, кип-қизил наъматак меваларидан бир нечта еб бўлиб яна изига қайтди. У қоқоқлади, у тумшуги билан музни тўқиллатди, ер остидан: «Чийқ-чийқ!» деган заиф овоз эшитди. Уткир тирноқлари билан қор тирнаб, музни тешди, қорудан Кулранг Думча лақабли жўжа бир амаллаб чиқиб келди.

Бор-йўғи шу бўлди. Қор остининг турли жойларида сочилиб ётган жўжалардан садо чиқмади. Улар қорнинг қайси тарафида ётибди, билиб бўлмади, Қизилбўйиннинг ҳафсаласи пир бўлиб, бошқа қидирмади. Баҳор келиб, қорлар эриганда жўжалар жасади кўринди. Булар жўжалар жасади эмас, пат ёпишган қоқсуяклар эди, холос!

## VII

Қизилбўйин билан Кулранг Думча бу кўрғиликдан кейин ўзларини ўнглаб олгунларича кўп кунлар ўтиб кетди. Уларнинг кўп дардларига турлитуман ноз-неъматлар ва мусаффо иқлим даво бўлди. Қиш ўрталаридан бир илиқ кун Қизилбўйинни тагин ўша ёғоч тарафга ундади, у яна ўзининг шу яхши кўрган жойига бориб, қанотларини қоқди.

Кэдди чол қанот овозларини эшитдими ё Қизилбўйин билан Кулранг Думчанинг қордаги изла-



рини кўриб қолдимиз? Буниси номаълум, ҳар ҳолда у итини эргаштириб, қўлида милтиқ билан яна пайдо бўлиб қолди. Сой бўйлаб яшириниб бориб, каклик овламоқчи бўлди. У ҳар қанча яшириниб юрмасин, барибир уни какликлар кўпдан буён сезиб юрарди.

Улкан қизилпат хўроз каклик бутун водийга донг таратди.

Ов мавсуми келганда кўпгина овчилар уни отиб, ном қозонмоқчи бўлди, улар бу билан қадимги дунё мўъжизаси бўлмиш Эфес жомесига ўт қўйиб шон-шўҳрат қозонмоқчи бўлган нотавон кимсага ўхшаб кетди.

Қизилбўйин ўрмонни миридан-сиригача билиб олди. У қаерга яширинишни, қачон қанотлари товушини чиқармасдан учишни билди, овчи олислаб кетгач, қанотларини қоқиб юқори кўтарилишни, кейин бирор дарахт танасига бекиниб туриб олисларга учиб кетишни билди.

Кэдди қўлида қурол билан Қизилбўйинни таъқиб қилишдан толмади, бир неча бор нишонга олиб хато кетди, сабаби, йўлида гоҳ дарахт, гоҳ бирор дўнглик учраб, мўлжални аниқ олишга халақит берди.

У «Қор ойи» — декабрь келганда Кулранг Думча билан Кэстл Франк ўрмонига жўнади, ўрмонда турли ноз-неъматлар, улкан қари дарахтлар мўл эди. Тебранувчан зангпоялар орасида баҳайбат қарағай дарахти савлат тўкиб турарди. Унинг энг пастки бутюқлари бошқа дарахтларнинг энг юқори учи билан баравар эди. Ёзда шу қарағай шохларига сўфитўрғайлар ин қурди. Уларнинг ини ўқ етмайдиган баландликда бўлиб, улар ўз инларида ҳеч қандай хавф-хатарсиз яшашлари, ўйнаб-кулишлари мумкин эди. Сўфитўрғайлар отаси ўзининг осмонранг қанотларини ёйиб, сеҳрли, жозибали қўшиқлар куйларди. Қўшиқларни болаларига атаб айтарди, шу сабаблиям уни фақат болаларигина эшитарди.

Ана шу улкан қарағай Қизилбўйинга ёқиб қолди, яккаю ягона фарзанди билан шу қарағай атрофида яшай бошлади. Уни кўпроқ қарағайнинг пастки танаси қизиқтириб қолди. Тана теварагида тебранувчан зангпоялар, ёввойи узумлар, ҳамшиша кўм-кўк мевали буталар ўсиб ётибди. Қорни ковласа, қора ёнғоқлар чиқади. Бундан зиёд емишли жойни топиб бўлмайди. Борди-ю, овчилар келиб қолса, ундан қочиб қутулиш ҳам осон, масалан,

зангпоялар оралаб улкан қарағай панасига чопиб бориб, бемалол учиб кетиш мумкин. Шу қарағай уларни юз марталаб ўлимдан сақлаб қолди.

Кэдди какликлар феъл-атворига мўлжаллаб янги бир ҳийла ўйлаб топди. Ўзи дўнглик ортида бекиниб турди, овчи ошнаси какликларни чўчитиш учун эски заранг дарахтини ёнлаб кетди. Чангалзорлар орасидан паналаб бориб, Қизилбўйин билан Кулранг Думча емиш излаб юрган ердан чиқди. Қизилбўйин зийракликка ундади: «Қ-қ-қ!» (Хавфхатар!) — деди, шу заҳотиёқ ҳар эҳтимолга қарши улкан қарағай тарафга йўл олди.

Кулранг Думча бир оз кейинда қолиб, фавқулодда итни кўриб қолди. Дарҳақиқат, бир сарғиш ит унга томон келаётган эди. Қизилбўйин олислаб кетиб, чангаллар оралаб келаётган итни кўрмай қолди. Кулранг Думча талвасага тушди.

«Қоқва-қоқва-қоқва! (уч, уч, уч!) — дея қичқирди у ўзига ўзи, нишаблиқдан пастга қараб энар экан.

«Қоқ-қоқ-қоқ!» (Буёққа қоч! Бекин!) — аста қичқирди Қизилбўйин, чунки итнинг изидан милтиқ осган овчи келаётган эди.

Қизилбўйин улкан қарағайга келиб қўнди: қарағай танасига бекиниб олиб, яна Кулранг Думчага қичқирди: «Буёққа, буёққа қоч!» Қизилбўйин дўнглик пастадаги чангалдан шитирлаган овозни эшитди, демак, у ерда кимдир пойлапти.

Кулранг Думча қўрқинчли чийиллади.

Ит Кулранг Думчага ташланди.

Кулранг Думча шундай очиқликда пойлаб турган овчидан қочиб, ҳавога кўтарилди. Аммо дўнглик ортида бекиниб турган яна бир овчи мўлжалига дуч келди.

Пр-р-р! — этиб учиб, янада юқорилади.

Пақ! — этган овоз янгради, у қонга беланиб, сўнги жон талвасасида типирчилаб, ерга тушди. Қор устида жонсиз қотиб қолди...

Қизилбўйин учун энди бу ер хавфли бўлиб қолди. У пастга тушиб бекинди. Ит ундан ўн футча, Кэдди чол эса беш футча наридан чопиб ўтди. Қизилбўйин миқ этмай, ўзини сездирмади. Кейин Тейлор қир-адирларига қараб йўл олиб, эсон-омон етиб олди.

Шафқатсиз милтиқ Қизилбўйиннинг жамики яқинларини тутдай тўқди, у яна ёлғиз қолди.

«Қор ойи» жуда секин ўтди, бу орада Қизилбўйин неча марталаб ўлим ёқасидан қайтди, чунки

овчилар унинг ёлғиз ўзигина тирик қолганини билиб, уни тинимсиз таъқиб қилди. Тинимсиз таъқиб уни янада яккалатиб қўйди.

Кэдди уни милтиқ билан таъқиб қилиш фойдасизлигини билиб, ўзича янги бир ҳийла ўйлади. Қор қалин тушиб, емиш топиш қийинлашиб қолганда, худди Қизилбўйин емиш излайдиган жойга қатор қилиб тузоқ қўйиб ташлади. Бундай жой «Бўронлар ойи» бўлмиш январь давомида фақат бир ерда бўларди. Тўғри, Қизилбўйиннинг эски таниши оқдум қуён бу жойни топиб олиб, бир неча тузоқни ўткир тишлари билан ғажиб ташлади. Аммо қолганлари бутунлигича қолди, бир куни Қизилбўйин осмонда учиб юрган бир қора доғни кўриб қолиб, мабодо қирғий бўлса-я, деган ташвишда осмонга анграйиб қараб юриб, тузоққа тушганини билмай қолди. Оёғидан осилиб, ҳавода муаллақ туриб қолди.

Инсон бир жониворни шунчалик қийноқ-азобларга солишга нима ҳаққи бор? Жониворнинг айби инсон тилини билмаганими?

Бечора Қизилбўйин кун бўйи оёғидан осилиб, озод бўлиш учун улкан, қудратли қанотларини силкиб, азобланиб ётди. Кечасию кундузи ҳоли шу бўлди. Охири жонидан тўйиб, ўзига-ўзи ўлим тилади, тезроқ жоним узилса, бу қийноқ-азоблардан қутулармидим, деган хаёлга борди.

Аммо ўлим қурғур ҳадеганда келавермади.

Тонг отди. Яна бир кун ўтиб, оҳиста-оҳиста оқшом чўқди.

У ўз тан-соғлиги, куч-қудратидан нафратланди.

Қоронғи тушиб, теварак зим-зиё бўлганда бир шалпангқулоқ бойўғли унинг қанотлари шарпасини эшитиб қолиб, учиб келди-ю, Қизилбўйинни азоб-уқубатлардан халос қилди.

Бойўғли хайрали иш қилди...

Шимол шамоли эсиб, муз ботқоқ узра қор учирди. Теварак оппоқ бўлди. Шамол қор устида қандайдир бир қоп-қора патларниям учириб юрди. Булар Қизилбўйиннинг ўша ажойиб, машҳур патёқалари эди. Шамол патёқаларни олис жанубларга учириб кетди. Патлар қорайиб турган кўл узра учди. Патёқалар бир замонлар ҳам кўл узра учган, унда «Телбалик ойи» эди, аммо унда Қизилбўйиннинг бўйнида безак бўлиб учган эди, чунки унда Қизилбўйин ҳаёт эди. Мана, охир-оқибат, патёқалар қорга кўмилиб, Дон водийсида яшаб ўтган какликлар авлодининг сўнгги, энг сўнгги нишонаси ана шундай йўқ бўлиб кетди.

Шундай қилиб, Кэстл Франкда какликлар сайрамай қўйди, Балчиқзор дарё сойларидаги қарағай кундалари аста-аста чириб, ҳеч кимга керак бўлмай қолди.



## I

Умрингизда бирорта ёввойи жонивор билан яқиндан ошно бўлганмисиз? Мен бирорта жонивор билан фавқулодда учрашиб қолганингизни ё қафасда кўрган жониворингизни назарда тутаётганим йўқ. Мен бирор эркинликда юрган жониворни кўп йиллар мобайнида кузатиб, билганмисиз, деган мазмунда сўраяпман. Одатда бир тоифага оид жониворларни бир-биридан ажратиш қийин бўлади. Тулки тулкига, қарға қарғага шундай ўхшаб кетадики, уларни яна қайта кўрганда бу ўша дастлабки кўрган тулкими ё бошқасими, бу ўша қарғами ё бутунлай бегонами, ажратиб бўлмайди. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўладики, қайсидир бир жонивор куч-қудрати, ақл-фаросати билан ўзгалардан ажралиб туради. Ўзгаларга йўлбошлик қилади. Биз бундай жониворни баралла буюк жонивор десак бўлади. Бунинг устига у бошқаларга нисбатан серсават бўлса ё бирор белгиси билан одамлар кўзига тез чалинадиган бўлса, унда у ўз мамлакатада машҳур жонивор бўлиб танилади. Бундай ёввойи ҳайвонлар ҳаёти кўпгина одамлар ҳаётига қараганда қизиқарлироқ ҳам ранг-баранглироқ бўлади.

Бундай машҳур ёввойи жониворлар кўп. Масалан, XIV аср бошида бутун Парижни ўн йил мобайнида олиб бориб-олиб келган Куртан лақабли калтадум бўри; икки йил ичида барча чўчқахоналарни вайрон қилиб, Сакраментонинг юқори водийсида яшовчи фермерларнинг ярмидан кўпини ўз ишини ташлаб қочишга мажбур қилган Клабфут деган оқсоқ қўнғир айиқ; Янги Мексикада беш йил юриб, ҳар куни биттадан молни бўғизлаб кетган Лобо отли бўри; икки йил мобайнида уч юз одамни тилка-пора қилган Сене деган қоплон шундай ҳайвонлар сирасига киради.

Мен ҳозир сизга қилмиш-қидирмишини сўйлаб бермоқчи бўлган Кумуш Қашқаям ана шундай жониворлар тоифасига қўшилади. Кумуш Қашқа бағоят зукко, қари қарға. Унинг Кумуш Қашқа



дейлишига сабаб, ўнг кўзи билан тумшуғи орасида катталиги бир тангача келадиган оқ-сарғиш қашқаси бўлиб, лақабини шу қашқасидан олган. Мен уни бошқа қарғалар орасида шу қашқасидан таниб оламан.

Узингиздан қолар гап йўқ, қарға зоти жуда ақлли қелади. «Қарғадай доно», деб бекорга айтмаганлар-да. Қарғалар интизомда гап кўп эканини яхши билади, шу сабабляям ўзларини аскарларча метин интизомга ўргатади, ҳатто баъзи бир аскарлардан ҳам кўра интизомлироқ бўлади. Улар ҳаётда ҳаминша эҳтиёткор бўлади, ҳаминша интизомга риоя қилади, қалтис дақиқаларда ҳаминша бири-бирини қўллаб-қувватлайди. Уларга нафақат энг қари, энг ақллиси йўлбошчилик қилади, шунингдек, энг кучли, энг ботири ҳам етакчилик қилади, чунки улар орасида ҳам уриш-жанжал, норозиликлар бўлиб туради, шунда уни босди-босди қилиш учун куч керак, ботир керак. Бошқалари эса ёш, оддий қарғалар бўлиб, кўзга кўринадиган бирор фазилати йўқ.

Кумуш Қашқа улкан қарғалар галасининг йўлбошчиси бўлиб, гала Торонто шаҳри яқинидаги Кэстл Франк қарағайзор дарасида яшайди. Галада икки юзтача қарға бўлиб, улар негадир ҳеч кўпаймайди. Қиш яхши келганда қарғалар Ниагара бўйларида қишлайди, ёмон келганда эса жануб томонларга учиб кетади. Қари Кумуш Қашқа ҳар йили февралнинг сўнги ҳафтасида паноҳидаги қарғаларни йиғиб, улар билан Торонтони Ниагарадан ажратиб турувчи қирқ миль кенгликдаги сув ҳавзаси устидан учиб ўтади. У тўғри йўлдан учмайди, ғарб томонга бурилиб учади, Дендас тоғларининг қарағайзор қирларини мўлжаллаб учиб боради. У ҳар йили ўз қарғалари билан шу ерга келиб, олти ҳафтача яшайди. Қарғалар эрталаб уч тўдага бўлиниб, овга жўнайди. Бир тўдаси жанубдаги Атбриж кўрфазига, бир тўдаси шимолдаги Донга, энг катта тўдаси эса шимоли ғарбга йўл олади. Учинчи тўдага Кумуш Қашқанинг ўзлари бошчилик қилади. Бошқаларига қайсиниси етакчилик қилишини билмайман.

Борди-ю, эрталаб ҳаво яхши бўлса, қарғалар юксак кўтарилиб учади. Борди-ю, шамол бўлса, унда пастлаб, дарани паналаб учади. Мен яшайдиган уй деразаси худди ана шу дарага қараган. 1885 йилда худди шу деразадан биринчи марта Кумуш Қашқани кўриб эдим.


Мен бу ерга яқинда яна келдим, шу ерлик бир

киши қарғалар галасини кўрсатиб шундай деди:  
— Ҳай анави қари қарға йигирма йилдан буён  
шу дарадан учиб ўтади.

Кумуш Қашқа дарада уйлар қад кўтариб қолганга қарамай, ҳамон ўзининг эски йўли бўйлаб учди. У мартда, апрель бошида, ёз охири билан куз бошларида ҳар куни икки марта ана шундай учиб ўтди.

Мен унинг қандай парвоз қилишини кузатиб, қармоғидаги қарғаларга йўл-йўриқлар беришини эшитдим. Бора-бора қарғалар чиндан ҳам ақлли эканлигини, улар ҳам одамлар каби ўз тили, жамиятига эга эканлигини тушуниб етдим.


Бир куни дара баландидан ўтган кўприк устини айландим. Кун сершамол эди. Шунда, қари қарға ўз тўдаси билан маконига учиб кетаётганини кўриб қолдим. Ярим миль берида бўлсам-да, унинг ўз тўдасига айтган амрини эшитдим: «Ҳаммаси яхши, учаверинглар!»



У «Қағ-қағ!»— деди, муовини унинг гапини энг орқада келаётганларга етказди. Улар буйруққа биноан пастлаб уча бошлади, чунки юқорида кучли шамол эсаётган эди. Аммо мен турган кўприк уларни яна кўтарилишга мажбур қилди. Шунда Кумуш Қашқа мени кўриб қолди, уларни кузатаётганим унга ёқмади. Бир оз секинлаб, овоз берди: «Қағ», яъни, «Эҳтиёт бўлинглар!»— деди.



Яна юқорилаб учди. Қўлимда қурол йўқлигини билиб, бошим узра учди, тўдасиям худди шундай қилди. Кўприқдан ўтиб, яна ҳамишаги йўлларига тушиб олди.



Эртаси куни яна ўша кўприкка бориб турдим. Қарғалар яқин келганда қўлимдаги таёқни худди милтиқдай уларга тўғрилаб, гўё отмоқчи бўлдим.

Қари қарға қағиллаб дарров тўдасини огоҳ қилди. У таҳминан бундай деди: «Эҳтиёт бўлинглар, милтиғи бор экан!»



Муовини унинг фармойишини такрорлади, қарғалар ўққа чап бериш учун ҳар тарафга тарқалиб учди. Кўприқдан ўтиб олиб, яна ўзларини бехатар йўлларига қайтиб келиб учди.

Яна бир куни қарғалар дара бўйлаб учиб ўтаётганларида уларнинг йўлидаги бир дарахтда қизилдум қирғий пайдо бўлиб қолди. Қари қарға дарҳол тўдани воқиф қилди: «Қирғий! Қирғий!»



Келган жойида секинлаб учди. Бошқа қарғалар ҳам шундай қилиб барчаси бир жойга тўпланди. Энди тўдага қирғий писанд эмас. Аммо яна тўрт милча йўл юриб, қуроли бор одамга дуч келди. Қари қарға шу заҳотиёқ хавф-хатар, милтиқдан огоҳлик берди: «Эҳтиёт бўлинглар, милтиғи бор экан!.. Ҳар тарафга тарқалиб кетинглар!..» У яна бир марта узиб-узиб овоз берди: «Қағ-қағ, қағ-қар!»



Мен тўдани кўп кунлар мобайнида кузатиб, қари қарғанинг ўзига хос шартли хабарларини билиб олдим. Шунга амин бўлдимки, унинг қағиллаган овози оҳанги деярли бир хил бўлса-да, аммо мазмунан ҳар хил маънони англатар экан. Масалан, унинг бир қағиллаган овози қирғий каби йиртқич қушлар кўринганидан хабар беради, яна бир хил овози: «Йўлдан қайт!» деган маънони беради. Аммо буниси икки хил мазмунни беради. Бири хавф-хатардан дарак беради, яна бири орқангга қайт, дегани бўлади. Шунчаки «Қағ! Қағ!» дегани эса:



демақдир. Яъни, ёнидан учиб ўтаётган биродарига: «Ассалому алайкум», дея салом берганидир. Қари қарғанинг бутун тўдага қарата айтадиган яна бир шартли белгиси бор. Бу: «Диққат!» — деганидир:



Апрель бошларида қарғалар галаси бебошлик қилиб бошлади. Ўзларига егулик дон излаш ўрнига пешингача қарағайзорда санқиб юрди. Иккита, учтадан бўлишиб, бир-бирларини қувалаб ўйнади, ўзаро ким ўздилар уюштирди. Уларнинг яхши кўрган эрмаги:



яъни, жуда баланддан туриб пастдаги шохда қўниб турган қарғага қараб боши билан шўнғиш, сўнг унинг бошига тегай-тегай деганда яна юқорига кескин бурилиб кўтарилиш, кўтарилаётганда қанотларидан момақалди роқ мисол товуш чиқаришга уринишдан иборат эди.

Баъзан мана бундай воқеага кўзим тушади: қарғалардан бирови патларини ҳурпайтириб, бошини эгиб, бошқа бировининг олдига учиб бориб, бетиним бидиллайди: «Қар-р-р-р!»



У нима деяпти? Ҳадемай унинг нима деяганини ҳам билиб олдим. Айтайми, нима деяпти? У, макиён қарғага қўнғил изҳор қияпти, ҳа! Хушторлик даври-да! Нар қарғалар қанотлари қудратини, овозларини намоиш қияпти. Албатта макиён қарға улар намоиш этган истеъдодга тан берди,

улар апрель ўрталарида бир-бирлари билан қовушди, асал ойини ўтказиш учун мамлакат бўйлаб учиб кетди. Кэстл Франкдаги кекса қарағайлар ҳувиллаб қолди.

## II

Дон дарёси дараси аро Калла Қанд тепалиги сўппайиб кўринади. Тепаликни қоплаб ётган ўрмонлар ёйилиб, Кэстл Франк ўрмонларига бориб қўшилади. Ана шу ўрмон ўртасида бир баланд қарағай бўлиб, қарағайнинг энг узун учида қирғий уяси бор. Уяни эгаси ташлаб кетган. Бу уяни Торонтодаги ҳар бир мактаб ўқувчиси яхши билади, аммо уя ичида бирор жон асари бор-йўқлигини ҳеч ким билмайди. Бир сафар уя олдида турган қора олмахонни кўриб қолиб, отиб ташладим. Уя эса йил сайин титилиб, тўзғиб тураверди. Аммо нима сабабдандир ерга бузилиб тушмади.

Май ойи эди, бир куни эрта азонда ўрмонга йўл олдим. Ерни қоплаб ётган хазонлар ҳаминқадар намлигидан қадамимдан садо чиқмади. Уша эски уя остидан ўтаётиб, ҳайрон бўлиб қолдим, уя четида бир қора қушнинг думи осилиб ётарди. Қарағай танасини қаттиқ урган эдим, уядан бир қарға учиб кетди. Шундай қилиб, сир очилди. Дарҳақиқат, мен кўпдан буён бу уяга бирдан-бир қарға келиб кетса керак, деб ўйлардим, айтганим келди, аммо яна шунга ҳам амин бўлдимки, бу келиб-кетаётган қарға аниқ Кумуш Қашқа билан макиёни эди. Улар инни топиб олиб, ақл-фаросат билан иш қилди, яъни, ҳар баҳор келганда инни атайин тузатмай, ташландиқ ҳолича қолдирди. Қарға овига чиққан каттаю кичик ҳамма уя остидан бетиним ўтиб-кетиб турди, ташландиқ уяга бош кўтариб қарамадиям, уя ичида эса Кумуш Қашқа билан макиёни даврини суриб ётаверди! Шундан кейин узун дурбиним билан инни ҳар қанча кузатмайин, қари қаргани яна қайтиб кўрмадим.

Бир куни одатим бўйича теварак-атрофни кузатиб юриб, Дон дараси оралаб учиб бораётган қаргани кўрдим. Қарға тумшугида қандайдир бир оқ нарсани кўтариб олиб, аввал Роздэль дарёси томон учди, кейин сув қундузлари макон қурган қарағайзорга қараб йўл олди. Шу ерда қарға тумшугидаги оқ нарсани ташлаб юборди. Яхшилаб қараб, бу ўзимизнинг Кумуш Қашқа эканини билдим. У яна тумшуги билан оқ нарсани кўтариб олди, оқ нарса чиғаноқ экан. Йўлида давом этиб, дарёдан



учиб ўтди, турли сув ўтлари орасидан яна бир тўда чиганоқ ва оппоқ ялтироқ қамишларни териб олди. Сўнг уларни офтобга ёйди, тумшуғи билан битта-биттадан олиб, яна ерга қўйиб, худди тухум босаётгандек уларнинг устига ўтириб олди, ўз ишидан ўзи завқланиб, кўзлари нокас одамнинг кўзларидай ўйнаб кетди. Бу иш унинг севимли эрмаги эди. Албатта, мактаб боласи нега почта маркаси йиғишни яхши кўришини, қиз бола нега ёқутдан кўра марварид маржонни яхши кўриши сабабини айтиб беролмаганидек, қарға ҳам булар унга нега бунчалик ёқиши боисини айтиб беролмасди. Аммо бу ўз эрмагидан чин дилдан завқ оларди. У ярим соатча ўйнаб, сўнг эрмаklarини яна тупроқ ва хазонлар остига кўмиб ташлаб, учиб кетди.

Мен шу заҳотиёқ ўша жойга бориб, қарғанинг ўйинчоқларини томоша қилдим.

Унинг хазинасида бир тутам оқ қамиш, чиганоқчалар ҳамда бир парча тунука, шунингдек, чинни чойнакнинг балдоғи бор эди. Турган гап, улар ичида энг асл мол балдоқ эди.

Шундан кейин бу хазинани бошқа қайтиб кўрмадим. Кумуш Қашқа менинг хабар топганимни пайқаб қолиб, уларни бошқа жойга олиб кетди. Қаёққа олиб кетганини билолмай қолдим.

Кумуш Қашқа кўп савдоларни бошидан кечирди, кўп кўргиликлардан омон-эсон қутулиб кетди. Бир сафар уни қирғий қувганиниям кўрдим, у доим йиртқич қушлардан қочиб яшади. У бирор ери лат еб қолишидан кўркмади, йўқ, йиртқич қушларнинг тўс-тўполон гаштагидан қочиб юрди. Масалан, катта одамлар ёш болаларнинг шовқин-суронидан ўзини олиб қочади-ку, худди шундай-да.

Унинг ўзининг ҳам номаъқул қилиқлари кўп эди. Масалан, ҳар эрталаб майдагина қушчалар уясини айланиб, уларнинг энди қўйган тухумларини еб келади. У бу ишни жуда темир тартиб-интизом билан бажаради. Аммо биз уни бу номаъқулчилиги учун айблаб олмаймиз, чунки ўзимиз ҳам эрталаблари катақдан тухум олиб еймиз-ку.

Кумуш Қашқанинг сермушоҳадалиги ҳайрон қолдиради. У бир куни тумшуғида нон тишлаб жар ёқасидан учиб ўта бошлади. Пастда ишчилар ариққа гишт труба қилаётган эди. Сувнинг анчагина масофадаги қисмини аллақачон ёпиб бўлишганди. Кумуш Қашқа сувнинг очиқ жойлари бўйлаб учиб ўтаётди, кутилмаганда тумшуғидаги нонни тушириб юборди. Нонни сув оқизиб, труба ичига олиб кириб

кетди. Кумуш Қашқа пастга шўнғиди. У аввал сувнинг ер ости йўлига синчиклаб қараб олди, кейин хаёлига бир нима келиб, ўз-ўзидан қувониб кетди. Оқим бўйлаб учиб, ер ости йўлининг нариги оғзига бориб турди, сув ер остидан нонни оқизиб келди. У нонни шартта илиб олиб, учиб кетди.

Кумуш Қашқа бахти кулган қарға. У яшайдиган ўлка жуда хавф-хатарли, ammo ноз-неъматга бой. У ўз макиёни билан ҳар йили ўша ташландиқ уяга бориб яшаб, жўжа очади. Қарғалар галаси яна жам бўлганда эса яна уларга йўлбошчилик қилади.

Қарғалар одатда июнь охирларида йиғилади. Ўзларининг калтадум, майин қанот, чийилдоқ, майда-майда болаларини йиғин бўладиган эски қарағайзор ўрмонга эргаштириб келади. Ёш қарғаларнинг бўй-бастии ота-оналари бўйи бастига етай деб қолган. Эски қарағайзор ўрмон айни вақтда қарғаларга ҳам, мактаб, қалъа жамоасига ҳам хизмат қилади, шунингдек, ёш қарғалар ҳам биринчи марта худди шу ерда омма орасига олиб кирилади. Ёш қарғалар бу ерда бежавотир кун кечиради, чунки бу ер баланд дарахтлар билан бурканган. Улар бу ерда яшаш учун зарур бўлган барча ҳаёт таълимини олади.

Қарғалар аввал бир-бирлари билан танишади, чунки қарғалар оммасининг тартиб-қоидасига кўра, тўдадаги ҳар бир қарға бир-бири билан албатта таниш бўлиши керак. Энди уларнинг ота-оналари бемалол дам олсалар ҳам бўлади, чунки болаларини едириб-ичириб, вояга етказди, улар ўсиб-улғайди, энди улар ўз кунларини ўзлари кўриб кетади.

Икки ҳафтадан кейин ланжлик даври бошланди. Бу даврда кекса қарғалар жуда дарғазаб, сержаҳл бўлади. Улар бу вақтда ҳам болаларига таълим-тарбия беришни давом эттиради, ланжлик даври эмасми, қарияларнинг ланжларча берган йўл-йўриқлари болаларга ёқмайди. Барибир ҳаммаси ҳам болаларининг фойдаси учун қилинади. Бунинг устига қари Кумуш Қашқа жуда устомон устоз. Баъзан у маърузалар қилгандай бўлади, маърузасида нималарни гапирди, билмайман, ammo ёш қарғаларнинг диққат билан эшитишини кўриб, жиддий масала ҳақида гап бўлаётганини англайман.

Ёш қарғалар худди мактаб болаларидек синф-синфларга бўлиниб таҳсил олади. Ёши каттароқлари алоҳида, кичикроқлари алоҳида синфда ўқийди.

Сентябрь ойигача бир тўда калтафаҳмроқ қарға анча-мунча эсли-хушли бўлиб қолди. Зангори кўзлари катта қарғаларнинг кўзларига ўхшаб тўқ





сариқ рангга кирди. Улар энди болалик давридан ўтиб, катталар биладиган нарсаларни билиб олди, турли эҳтиёткорлик қоидаларини ўрганиб олди. Милтиқ нима, тузоқ нималигини билди, заҳарланган овқат билан тоза овқатни фарқлай олди. Шунингдек, кекса фермернинг бақалоқ хотини ўн беш яшар ўғлидан кўра хавфлироқ ғаним эканини тушуниб етди. Шунингдек, улар ака билан опанинг фарқига борадиган бўлди. Соябон деган нарса милтиқ эмас эканлигини тушуниб етди. Олтигача санашни ўрганди, бу ўз ёшларига нисбатан катта ютуқ бўлди. Уқ-дори ҳидини сезди, дарахтларнинг жануқ томони яхши эканлигини билиб олди. Охир-оқибат, ўзларини ўта жиддий, етук қарға ҳис қилди. Учишдан қайтиб, қўнаётганларида қанотлари ўз жойида рисоладагидай бўлиб турган-турмаганлигини билиш учун уни уч марта ёзиб-ёпиб кўрди. Улар тулкиларни еяётган овқатининг ярмини ташлаб кетишга қандай мажбур қилишни ўрганиб олди, борди-ю, кўкторғоқ тоифасидаги майда-майда қушчалар ҳамла қиладиган бўлса, дарҳол буталар орасига бекиниш кераклигини, чунки бақалоқ сотувчи саватидан олма олиб қочган болани ушлаймак, деб қувалашни фойдасиз бўлганидек, бу ушоқдай қушчалар билан ҳам олишиб ўтириш бефойдалигини билиб олди. Хуллас, улар кўп нарсаларни билиб олди, фақат қандай қилиб бировларнинг тухумини ўғирлаб ейишни ўргана олмади, чунки ҳали бу иш билан шуғулланиш вақти етмаган эди. Шунингдек, улар ҳали чиғаноқ нималигини, отнинг кўзи қанақа бўлишини, буғдой нималигини билмасди, таълим-тарбия учун зарур бўлган саёҳатларга чиқмаган эди.

Сентябрь қари қарғалар ҳаётида ҳам улкан бурилишлар ясади. Ланжлик даври ўтиб кетди. Улар яна ўзларига қараб, ўз ташқи гўзалликлари билан ғурурланадиган бўлди. Тан-соғлиги яхшиланиб, кайфиятлари кўтарилиб қолди. Ҳатто энг жиддий юрувчи Кумуш Қашқа ҳам қувноқ бўлиб қолди, оқибат, уни шу пайтгача шунчаки ҳурмат қилиб юрадиган ёш қарғалар энди унга меҳр ҳам қўйиб қолди.

Кумуш Қашқа ёш қарғаларни яхши тарбия қилди, уларга жамики хабар бериш, фармон бериш белгиларини, тартиб-қоидаларини ўргатди. Натижада ёш қарғаларнинг эрта тонгдаги юриш-туришини кўриб, кўз қувонадиган бўлди.

«Биринчи тўда!» — дея қари йўлбошчи қарғалар тилида қағиллаб қичқиради, биринчи тўда ёппасига лаббай, дея жавоб беради.





«Учинглар!»— қарғалар йўлбошчилари изидан учеди.

«Юқориланглар!»— ҳаммаси ёппасига юқори кўтарилади.

«Тўда бўлинглар!»— барчаси бир жойга йиғилиб келади.

«Тарқалинглар!»— ҳаммаси хазондек атрофга сочилиб кетади.

«Бир қаторга сафланинглар!»— қарғалар шу заҳотиёқ бир қатор бўлиб сафланади.

«Пастга шўнғинглар!»— улар қарийб ергача шўнғиб боради.

«Овқат изланглар!»— ҳаммаси ерга қўниб ҳар тарафга тарқаб, ноз-неъмат излаб кетади, иккитаси қоровуллик қилади, бирови дарахтнинг ўнг томонида, бирови дўнгликнинг чап тарафида туради.

«Милтиқли одам келяпти!»— қари йўлбошчининг бу хабарини қоровулар ҳам такрорлади, қарғалар шу заҳотиёқ парвоз қилиб, дарахт шохларига қўнади. Шохларда ўзини тутиб олиб, бир сафга тизилиб, яна қадрдон қарағайларига учиб кетади.

Қарғалар тўдаси ҳар йили ноябрь ойида жанубга учиб кетади, у ерда доно Кумуш Қашқа раҳнамолигида яшашни ўрганади, янги ўлка, унинг ноз-неъматлари билан ошно бўлади.

### III

Қарғалар кечаси довдир бўлиб қолади, бойўғли деганларидан балодан қўрққандай қўрқади. Зулмат қаъридан бойўғли овози келса борми, қарға зир титрайди. Кечаси бойўғли овози олисдан келса ҳам қарғани ваҳима босади. Улар дарҳол тумшуқларини қанотлари остига суқиб, кечаси билан қалтираб чиқади. Совуқ кечалари кўзларини совуқ олдириб қўяди. Борди-ю, бошларини қанотлари остига бекитмаса, кўр бўлиб қолишгача боради.

Тонг отиши билан яна мардона бўлади. Ўзларига келиб, ўрмон кезиб кетади. Кечаси уларнинг юрагини ёрган бойўғлини топиб олиб, ё ўлдиради, ё йигирма милгача олдига солиб қувиб, улар ҳолатда қийнайди.

1893 йили қарғалар одатдагидек Кэстл Франкка учиб келди.

Орадан бир неча кун ўтгач, ўрмон кезиб юрарканман, қор устида гўё биров қувгандай жон-жаҳди билан қочиб, буталар орасига панжалари изини муҳрлаб кетган қуён изига кўзим тушиб қолди.

Ажабланарлиси шундаки, яқин-атрофда таъқибчининг излари кўринмади.

Шу издан юриб, кўп ўтмай қорда қон томчиларини кўрдим, сўнг қўнғир жониворнинг ўлаксаларига кўзим тушди. Ким бундай қилди экан? Эътибор билан қараб, каттакон панжа излари билан қўнғир пат топиб олдим. Мен ана шундагина нима гаплигини англадим. Бу шалпангқулоқ бойўғлининг иши экан!

Бу воқеадан икки кундан кейин тонг вақти-тонг вақти қарғалар орасида қий-чув бошланди. Фавқулодда шовқин-сурон сабабини билиш учун чиқиб қорда сочилиб ётган қора патларга кўзим тушди. Уларни шамол учуриб келган эди. Патлар қаёқдан учиб келганини билиш учун шамол эсаётган томонга юрдим, кўп ўтмай қонталаш қарға қолдиқларига дуч келдим, ёнида иккита улкан панжа изи бор эди, демак, бу бойўғлининг иши. Теварак-атрофдаги поймол бўлган қор бу ерда катта олишув бўлганидан дарак бериб турибди. Турган гап, йиртқич бойўғли бечора қарғадан зўрлик қилган. Шохда ўтирган қаргани пастга туширган, чунки қарға кечаси ўзини-ўзи ҳимоя қилолмаслигини билган.

Мен қарғанинг қонталаш қолдиқларини ағдариб кўрдим, бошига кўзим тушиб, беихтиёр инграб юбордим.

Во ажабо, бу ўзимизнинг қари Кумуш Қашқа эди! Бутун ҳаёти авлодлари учун ибрат бўлган Кумуш Қашқа ана шундай яшаб ўтди. У юзлаб қарғаларни бойўғли балосидан асради, уларни бойўғлидан эҳтиёт бўлишга ўргатди, охир-оқибат, айнан шу бойўғли унинг бошига етди.

Калла Қанд дўнглигидаги эски уя ҳувиллаб қолди. Қарғалар баҳорда ҳамон Кэстл Франкка учиб келди, энди уларнинг машҳур йўлбошчиси йўқ. Йўлбошчилари оламдан ўтгандан буён уларнинг сони камайиб қолди, афтидан, улар ҳадемай ўзлари ҳамда аждодлари асрлар мобайнида яшаб, ҳаёт сабоқларини олган эски қарағайзорни абадий тарк этсалар ҳам ажаб эмас...



Бу оқдум қуённи Чиноқ дейдилар. Унга бундай лақаб қўйишларига сабаб, унинг бир қулоғи тишлаб ташланган, яъни, чиноқ бўлиб қолган. Дарҳақиқат, унинг ҳаётида шундай кўргилик содир бўлган эди. У унда онаси билан Олифант ботқоғида яшарди, мен уларни биринчи марта ўша ерда кўрган эдим. Ушанда ушбу ҳикояни яратиш учун маълумот тўплаш билан машғул бўлган эдим.

Жониворларни яхши билмайдиган одамлар, мени жониворларга кўп инсоний хислатларни юклайди, дея ўйлашлари мумкин. Лекин кимда-ким жониворлар ҳаётини, уларнинг ўй-хаёлларини яхшироқ билган бўлса, бундай хаёлга бормайди. Тўғри, масалан, қуёнлар гапиролмайди, аммо улар овоз, имо-ишора, ҳид ёрдамида, мўйловларини бир-бирига суйкаш, турли ҳаракатлар ёрдамида бир-бирлари билан гап бериб, гап олишлари мумкин. Мен ушбу ҳикоямда қуёнларнинг ана шундай гап бериб, гап олишларини инсон тили билан ифода этдим, қуёнлар гапирмаган гапни мен ҳам гапирмадим.

### I

Қуюқ ўсган кўкатлар бир ёнига эгилиб қолиб, онаси Чиноқни яшириб қўйган инни пана қилиб қўйди. Онаси уни яхшилаб ўраб-чирмаб қўйиб, одатдагидек қимирламай ётишни, қатъиян овоз чиқармасликни тайинлади. Аммо қуённинг уйқуси келмай, боши узра ёпилган кўм-кўк либослар орасидан мўралади. Иккита машҳур ўғри — сўфитўрғай билан қизил олмахон бир-бирларини «ўғри, ўғри», дея сўкиб, Чиноқ ётган ин устидан олишиб қолди. Сайроқи бир читтак Чиноқнинг шундайгина тумшуғи олдидан учиб ўтаётган мовий капалакни тутиб олди, қора холли қизил хонқизи мўйловини тоблаб-тоблаб, кўкатдан-кўкатга қўнди. Пастлаб бориб, Чиноқнинг тумшуғига қўнди. Чиноқ миқ этмай, қотиб тураверди.

Бир оздан кейин шу яқиндаги буталар орасидан хазонлар шитирлаши эшитилди. Хазонлар тинимсиз, ғалати шитирлади. Хазонлар товуши борган сайин яқинлашди, аммо бунинг қадам товушими, нима эканини билиб бўлмади. Чиноқ дунёга келганига уч ҳафта бўляптики, умри шу ботқоқда ўтяпти, аммо ҳалигача бундай шитир-шитирга дуч келгани йўқ. Шу боисдан ҳам қулоғи янада динг бўлди. Тўғри, онаси уни жим ўтир, деб тайинлаб кетган, лекин уни ҳамиша эмас, хавф-хатар туғилганда жим ўтир, деган. Шарпасиз хазонлар шитири тобора ваҳимали туюла борди. Шитир-шитир яқин келиб, ўнгга бурилди, сўнг изига қайтиб кетаётгандай бўлди. У нима қилишини ўйлаб қўйди. Коптокка ўхшаган қоматини кўтариб, орқа оёқларида тик турди, майдагина дум-думалоқ бошини инидан чиқариб, ўрмонга назар солди, У жойидан қимирлаши биланоқ ҳалиги шитир-шитир бирдан тинди. Чиноқ ҳеч қандай шубҳали нарса пайқамай, олдинга юрди. Шунда улкан бир қора илонга дуч келди. Илон унга ташланди.

— Эна! — ўлардек қўрқиб қичқирди бечора қуёнча.

Чиноқ қочиб қолиш учун бутун кучини оёқчаларига йиғиб талпинди, аммо илон яшин тезлигида унинг қулоғига чағ содди, коптокдай қоматига ўралиб олди, уни тушлик қилишга мўлжаллади.

— Эна, энажон! — ингради Чиноқ бераҳм махлуқ уни бўға бошлаганда.

Ҳадемай унинг овози абадий ўчиши мумкин эди, аммо ўрмон тубидан онаси ўқдай учиб келди. Онаси Ҳурпайма Дум Молли ўз соясидан ҳам қўрқадиган камсуқум бир бечора қуён эди. Аммо шу дақиқада уни таниб бўлмай қолди. Оналик меҳр-муҳаббати унга куч бағишлади. Болагинасининг ёлворувчи овози унда жасурлик уйғотди. У бир сапчиб, илонга орқа оёқлари тирноғини ботириб шундай чангалладики, илон бардош беролмай вишиллаб юборди.

— Эна! — зорланиб ингради қуёнча.

Онаси яна бир сапчиб, аввалгидан ҳам кучлироқ, даҳшатлироқ равишда тирноқларини ботирди, ниҳоят илон уни тишлайман деб уриниб, боласини қўйиб юборди. Илон Моллининг бир парча жунини юлиб ололди, холос, аммо қуён тирноқлари ботган чипор баданидан қон сизиб бошлади.

Илон оғир аҳволга тушиб, Чиноқни бутунлай қўйиб юборди. Чиноқ шу заҳотиёқ югуриб бориб

бута остига кириб кетди. Чиноқ деярли шикаст емади, ammo илон тишлаб ташлаган чап қулоғи айбдор бўлиб, Чиноқ бўлиб қолди.

Молли, қиладиган ишини қилиб бўлди. У шиддат билан чангалзор оралаб чопди, Чиноқ онасининг изидан югурди, онасининг оппоқ қордай думини йўлчи юлдуз қилиб олиб, югуриб бораверди, ниҳоят онаси уни ботқоқнинг бир бехатар жойига олиб келди.

## II

Эски Олифант ботқоқлиги мевали буталардан иборат бўлиб, ўртасида новдалар билан ўралган балчиқ ҳовуз билан дарёча бор эди. У ер-бу ерда эгри-бугри эски кундалар, дарахтларнинг синиб тушган бутоқлари, тўнкалар ётарди. Ҳовуз теварагида толлар ҳамда қиёқ ўтлар ўсиб ётибди. Булар албатта отларга ёқмайди, шунинг учун ҳам емайди. Ammo моллар қиёқ ўтни хуш кўради. Бошқа очиқ ерларда наъматаклар ва майда-майда ўрмон ўтлари ўсиб ётибди. Ботқоқликнинг очиқ далаларга туташ чеккаларида қарағай новдалари ғуж-ғуж. Қарағай шохларидаги барглари, хазон бўлиб ерга тушганлари, барча-барчаси шундай ҳузурбахш ҳид таратар эдики, бу ердан ўтган-кетган ҳузур қиларди.

Қарағайлардан нарёғи дала. Шу атрофда яшовчи тулкилар далани кесиб ўтавериб из қилиб ташлаган.

Ботқоқликда асосан Молли билан Чиноқ истиқомат қилади. Яқин қўшнилари анча олисда яшайди, яқин қариндош-уруғлари эса аллақачон оламдан ўтган. Ammo Моллининг умри шу ерда ўтди, шу ернинг доимий макони бўлиб қолди, Чиноқ боласи ҳам шу ерда ўсди, шу ерда ҳаёт сабоқларини олди.

Молли боласини меҳрибонлик билан тарбия қилди. Чиноқнинг онасидан олган дастлабки сабоғи «қимирламай ётиш, миқ этмаслик» бўлди. Илон билан тўқнашуви бу сабоқнинг нақадар ҳаққоний эканини кўрсатди. Шундан буён бу сабоқни асло эсидан чиқармай, унга доим риоя қиладиган бўлди.

Онасидан ўрганган яна бир сабоқ, бу «музлаб қолиш» бўлди. Бу сабоқ ҳам биринчисидан келиб чиққан бўлиб, Чиноқ чопишни билиши биланоқ унияям ўрганиб олди.

«Музлаб қолиш» дегани «қимирламай, тошдай қотиб қолиш» демакдир. Чиноқ, борди-ю, яқин-атрофда бирор хавф-хатар борлигини пайқаб қолса,

дарров жойида тўхтайти, чунки ўрмонда яшовчи жониворлар ранги билан ўрмонда ҳаракат қилмай-диган жонсиз нарсалар ранги бир хил бўлиб, қимирламай турса кўзга чалинмайди. Шу сабабли борди-ю, иккита ғаним тўқнаш келиб қолиб, қайси бири таққа тўхтаб, қимир этмай турса, яъни, «музлаб қолса», ана шуниси кўзга чалинмай, ютиб чиқади. Кейин у ғанимига билдирмай бемалол ҳамла қилиши ёки қочиб қолиши мумкин. Бу сабоқнинг қанчалар фойдалилигини фақат ўрмонда яшайдиганларгина билади. Шунинг учун ҳам бу сабоқни ҳар бир ёввойи жонивор, ҳар бир овчи яхши билиши керак, биладилар ҳам. Аммо ҳеч ким Молли Хурпайма Думчалик билмайди!

Молли Чиноқ боласиниям худди ўзидай тарбиялади. Чиноқ онасининг ҳурпайган думини мўлжаллаб чоғиб юриб, ундан кўп нималарни ўрганди. Онаси шартта тўхтаб, «музлаб қолса», уям онасига тақлид қилиб, таққа тўхтайдиган бўлди.

Чиноқнинг онасидан олган энг яхши сабоғи, наъматак сирини билиш бўлди. Бу сирнинг очилганига анча бўлиб қолди, шундай бўлсаям мен уни сизга айтиб бермоқчиман, ундан олдин, келинг, аввал сизга наъматак билан жониворлар нега жанжаллашиб қолганини айтиб берай.

Қадим-қадим замонларда гулнинг тикани бўлмас эди. Олмаҳонлар, сичқонлар бемалол гул шохлари бўйлаб юрар эди, моллар гулларни шохлаб синди-рар, қопчиқли каламушлар думлари билан уриб синди-рар эди, буғулар эса ўткир панжалари билан кўпориб ташлар эди. Наъматак ўз гуларини ана шу бало-қазолардан асраш учун танасида тикан ўстирди, ўзига осиладиган жамики жониворларга, шу жумладан, шохли, панжали, узун думли жониворларга уруш эълон қилди. Аммо Хурпайма Дум Молли билан иттифоқ бўлиб яшади, чунки Молли унга осилмади, осиламан деган билан унда шох ҳам, панжа ҳам, ундай айтган даражада дум ҳам йўқ эди.

Дарҳақиқат, Молли умри ўтиб, ҳали наъматакка осилган эмас. Наъматак Моллининг шу меҳр-оқибатини инobatга олиб, гарчи ғанимлари тўлиб-тошиб ётган бўлса-да, унинг боласини ўз паноҳига олди. Шу сабаблиям бечора Чиноқ бирор хавф-хатар сезса, югуриб бориб наъматак буталари орасига бекинади, биладики, наъматак Чиноққа келган

балого ўзининг миллионлаб заҳарли тиканини қалқон қилади.

Шундай қилиб, Чиноқ онасидан қуйидаги сирни билиб олди: «Наъматак — энг яқин биродаринг бўлади».

Ёзнинг кўп вақти теварак-атрофни, мевали буталар билан наъматакларни ўрганиш билан ўтди. Чиноқ атрофни шундай яхши билиб олдики, ботқоқни айланмоқчи бўлса, иккита турли-туман сўқмоқдан бемалол юра олар, борди-ю, бирон хавфхатар туғилса беш сапчишдаёқ наъматакка етиб олар эди.

Бу орада одамлар бу ерга мевали буталарнинг янги хилларини олиб келиб, қатор қилиб экиб чиқди. Янги новдалар шундай пишиқ, мустаҳкам эдики, уни биронтаям жонивор зоти синдира олмас эди, тиканлари ҳар қандай қалин териниям тешиб кетар эди. Новдалар сони йил сайин кўпайиб, ёввойи ҳайвонлар ҳаётига таҳлика сола борди. Аммо Моллининг парвойига ҳам келмади. Чунки у наъматак паноҳида катта бўлган. Ҳозир ҳам улар паноҳида яшайди. Итлар, тулқилар, мол, қўйлар, ҳатто одамларнинг ўзи ҳам наъматак тиканларидан озор чекади. Молли эса ундай эмас. Тиканли буталар кўпайган сайин Молли ўзини бехатар сеза бошлади. Бу янги тиканли буталар номи «тиканли сим тўсиқлар» экан.

### III

Моллининг Чиноқдан бошқа боласи йўқ эди, шу сабабляям бор меҳр-муҳаббатини Чиноққа бағишлаган эди. Чиноқ ҳаддан зиёд эпчил, бақувват эди, жуда осойишта, бехатар шароитда яшарди.

Бутун ёзи билан онаси уни йўл юрганда нималарга эътибор бериш кераклигини ўргатди, нималарни еб-ичиш керагу, нималарни умуман оғзига олмаслик кераклигини, суйкалгиси келганда нималарга суйкалиш кераклигини ўргатди. Хуллас, кечасию кундузи тиним билмай, ўзи нима билса, ҳамма билганини боласигаям ўргатди.

Чиноқ йўнғичқапоя ёки бирор чангалзорда онаси ёнида ундан кўз узмай ўтирди, онаси нима қилса уям шуни қилди. Онасига тақлид қилиб, ўзининг қулоқларини қашишни машқ қилиб олди, ўзининг ташқи кўринишини тартибга келтирадиган бўлди, уст-бошига илашган нарсаларни тишлаб олиб ташлайдиган бўлди. Шунингдек, мабодо сув ичгиси келса фақат наъматак баргларига қўнган шабнамларни ялаб ичиш кераклигини, ерга теккан сув тоза

эмаслигини билиб олди. Ер юзидаги жамики илмлар ичида энг қадимгиси бўлмиш ўрмон илмини ана шундай ўргана бошлади.

Чиноқ улғайиб, ёлғиз ўзи юра оладиган бўлгач, онаси унга хабар бериш тартиб-қоидаларини ўргатди. Маълумки, қуёнлар орқа панжалари билан ер тепиниб, бир-бирларига хабар етказади. Панжа зарби ер бўйлаб олисларга кетади. Бу зарбни ер устида туриб олти футча масофадан эшитиб бўлмайди, аммо ерга қулоқ қўйиб эшитса, юз метр масофадан ҳам эшитса бўлади. Қуёнларнинг эшитиш қобилияти жуда яхши бўлади, шу сабаблиям панжа зарбини икки юз қадам наридан туриб эшитади, бу деган сўз Олифант ботқоғининг бу четида туриб, нариги четидаги панжа зарбини эшитади демакдир. Панжанинг бир зарби «Хушёр бўл!» ёки «Музлаб қол!» дегани бўлади. Панжа зарби икки марта аста-аста такрорланса «Буёққа кел!» — деганидир. Борди-ю, икки марта тез-тез зарба эшитилса «хавф-хатар» туғилганидир. Кетма-кет уч марта тез-тез зарба берилса, «Эсингнинг борида эртароқ қочиб қол!» — дегани бўлади.

Бир куни ҳаво очиқ келди, сўфитўрғайлар бир-бирлари билан айтишиб қолди, бу, яқин-атрофда ганим йўқлигидан дарак берди. Шу куни у янги сабоқ олди. Онаси Молли қулоғини ерга қўйди, бу Чиноқни ерга ёт, дегани эди. Сўнг Молли чангал оралаб кетди, борган жойидан хабар бериб, уни олдига чақирди. Чиноқ хабар келган ёққа югуриб, онасини тополмади. Панжаси билан ер тепиб, хабар берди, аммо жавоб ололмади. Диққат-эътибор билан онасини излади, яна тополмади, аммо онасининг излари ҳидини олди, лекин ўзи қаердалигини билолмади, ваҳоланки онаси барча жониворлар биладиган, аммо инсон зоти туглақо билмайдиган жойда, яъни худди Чиноқ турган жойда бекиниб ётарди. Ана шундай қилиб из олиш борасида дастлабки сабоққа эга бўлди, бу сабоқ келажакда бўладиган овларга тайёргарлик вазифасини ўтади.

Ёз давомида кўпгина ҳийла-найрангларни ўрганиб олди, бу найранглар келажак ҳаётда жуда асқотадиган найранглар эди, баъзилари эса ҳаддан ташқари доҳиёна найранглар эди.

У дарахтлар панасига бекинишни, ерга қапишиб ётишни, ўзини тўнка қилиб кўрсатишни, шамолнинг қаёқдан эсаётганини, изларини адаштириб кетишни жуда яхши билиб олди. Шунингдек, сим тўсиқлардан қандай қилиб фойдаланишниям ўр-



ганди. Ҳар қандай ҳидни йўқотадиган қумни, тўсиқлар, инларни билиб олди, бирваракайига иккита из пайдо қилишдек мураккаб санъатни эгаллаб олди.

Аммо у ҳеч қачон доно ишлар доноси «қимир этмай ётиш» эканлигини, яккаю ягона ишончли паноҳи тиканли наъматак эканлигини эсдан чиқармади.

У ғанимлари ким эканини, улардан қандай қочиб қутулиш йўлларини билиб олди. Маълумки, калхат, бойўғли, тулки, турли тоифадаги итлар, қундуз, сувсар, мушук, сассиққўзанлар, шунингдек, одамларнинг ўз феъл-атвори, одати бўлади, демак, шу одатларга чап бера билиш керак. Чиноқ буниям билиб олди.

Ғаним яқинлашиб келаётганини билиш учун у аввало ўзига, қолаверса, онасига, янаям қолаверса, тўрғайга ишониб иш тутиши лозим. Буни онаси ўргатди.

— Сўфитўрғайдан кўз-қулоқ бўлиб тур, — тайинлади унга онаси. — Тўғри, у жуда мижғов, фисқу фасодчи қуш, бунинг устига ўғри, аммо жуда зийрак қуш, бирон нарсаниям кўздан қочирмайди. Наъматак бор экан, у бизга ёмонлик қилолмайди. Шу сабабляям унинг душмани, бизнинг ҳам душманимиз, шундай экан, унинг гапига қулоқ сол. Борди-ю, қизилиштон ғанимдан хабар берса, унгаям ишон, чунки у жуда ростгўй қуш. Лекин уям сўфитўрғайнинг олдида аҳмоқ бўлиб қолади. Сўфитўрғай қалтис ҳазил қилиш учун кўп алдайди, лекин барибир унга ишониш керак.

Сим тўсиқларда ўйнаш анча-мунча вазминликни, чаққон оёқликни талаб қилади.

— Бу жуда яхши ўйин, — деди Молли. — Аввал ўзингни қўлга тушадигандек кўрсатиб, итни тўғри йўлдан эргаштириб чопасан. Сўнг, уни ўзинга бир сақраса етадиган масофагача яқинлаштириб, энишнинг қинғир-қийшиқ йўналиши бўйлаб сим тўсиққа олиб келасан, кейин ит сим тўсиққа кўкраги билан келиб урилади. Ана шундай қилиб ўзини балога гирифтор қилган жуда кўп ит, тулкини кўрганман. Лекин бу ўйинда итни боплайман деб, ўз тузоғига ўзи тушиб қолган қуёнларни ҳам кўрганман!

Чиноқ бошқа қуёнлар умрида билмайдиган нарсаларни ҳам жуда эрта билиб олди, масалан, «инга кайриб олиш» ундай айтган даражадаги ишончли найранг эмас экан. Эс-ҳушли қуён учун бу қайсидир даражада паноҳ вазифасини ўташи мумкин, аммо эси кирар-чиқар қуён учун бу бир кун келиб

Ўлим тузоғи вазифасини бажариши мумкин. Кўпинча бундай инга ёш қуёнлар кириб олади, эсини таниганлари эса ўзига бошқачароқ ҳимоя паноҳи излайди. Одамлар, ит, тулки, бирор йиртқич қуш қувса инга қочиб кириб жон сақласа бўлади, аммо сассиққўзан, қундуз, ариқсичқон ҳамда сувсарлар қувса, унда ин ўлим келтиради.

Ботқоқликда бор-йўғи иккита ерда ин бор эди. Шулардан бири ботқоқлик жанубидаги қуп-қуруқ дўнгликда эди. Қуёнлар бу ерда кун очиқ кунлари қуёшга тобланар эди. Улар кўм-кўк қарағай баргларининг хушбўй ҳидидан ором олиб, худди мушукларга ўхшаб қатор бўлиб ётар, уёқдан-буйёғига ағдарилиб, офтобда тобланар эди. Офтоб тафтидан сесканиб, тиришиб, типирчиларди. Офтобдан завқу шавқ оларди.

Худди шу дўнглик устида улқан қарағай кундаси ётарди. Унинг томирлари дўнг нишабларида калтакесаққа ўхшаб осилиб ётар, шу томирлар остида бир айёр суғурнинг ини бор эди. Шу суғур ҳар куни тўполон қилиб жонга тегарди, шундай кунларнинг бирида инига кириб кетиш ўрнига тўхтаб, Олифант итлари билан талашиб қолиб ҳоли вой бўлди. Унинг инини Молли эгалламоқчи бўлди.

Аммо ўзига ортиқча бино қўйган бир ёш сассиққўзан келиб инга кириб олди, аммо у узоқ яшай олмади, чунки у ҳатто милтиқли одам ҳам мендан қўрқади, деб ўйларди. Афсуски, Моллини индан ҳайдаб чиқараман деб, тўрт кундан кейин ўзи чиқиб кетганини билмай қолди.

Яна бир ин йўнғичқапоя яқинида эди. Буниси жуда тор, зах бўлиб, иложсиз қолган вақтларда фойдаланса бўларди. Унияма бир суғур қурган эди, аммо уям калтабинлигидан ини ўзига буюрмай, териси Олифант қирчанғи отларига қамчи бўлиб кетган эди.

— Ҳақ жойига қарор топибди,— деди кекса фермер.— Бу тери бизнинг ишчи отларнинг ҳақидан ўғирлаб ейилган емиш ҳисобига боқилган.

Қуёнлар аста-секин ҳар икки инга ҳам эгалик қилиб олди. Аммо инлар олдига бормади, чунки борсалар ерда панжа излари қолиб, ғанимлари инни пайқаб қолиши мумкин.

Ин олдида ичи ковак ёнғоқ дарахти бўлиб, у ёнига оғиб, ерга тегай-тегай деб турар, аммо барглари ҳали-ҳамон кўм-кўк эди. Шу ёнғоқ дарахти ковагида кўпдан буён Лонгор лақабли қари бир ёнут яшарди. У қурбақа билан тирикчилик қилар, ўзини бошқа нарсаларни емайдиғанликка оларди.

Аслида эса агар йўлини топса, қуёнга ҳам кўз олай-тирарди. У бир кечаси товукхонага бостириб бориб, нобуд бўлди. Молли у бечорага заррача ҳам ачинмади, аксинча, хурсанд бўлиб, унинг тайёргина инига кириб олди.

#### IV

Мусаффо август қуёши ботқоқлик узра нур сочади. Жамики мавжудот офтоб нурларида чўмилади. Митти бир қушча ҳовуз ўртасидаги узун қамишга қўниб сайради. Қамиш олдида кўлмак сув оқариб кўринади. Кўлмак сувда зангори осмон акси, сап-сарик сув ўтлари, унда қўниб турган қушчалар, барча-барчаси бир бўлиб кўриниб, ажойиб бир манзара намоён бўлади. Кўлмак бўйидаги кўк-сарик карамлар ботқоққа қуюқ соя ташлаб туради.

Ботқоқ қушчаси табиат гўзалликларидан баҳра олишни билмайди, аммо биз кўрмайдиган нарсаларни бемалол сеза олади. Масалан, карам барглари остидаги иккита тўқ сарик рангли дўмпайиб турган нарса шунчаки дўнглик эмас, балки тумшуклари кўтарилиб-тушиб турган жундор жониворлар эканини сезиб ўтирди.

Дарҳақиқат, булар Молли билан Чиноқ эди. Она-бола карам остида унинг ҳидлари учун ётгани йўқ, уларнинг баданида канаси бўлиб, каналар карам ҳидига чидаёлмас эди, она-бола шунинг учун шу ерда ётган эди.

Қуёнларда сабоқ олишнинг аниқ вақти-соати йўқ, улар тўғри келган вақтда таҳсил олаверади.

Молли билан Чиноқ осойишта ором олиб ётиб эди, бирдан тўрғай товуш бериб қолди, Молли тумшугини юқори чўзиб, қулоғини динг қилди. Қараса, бир улкан қора ит ботқоқ оралаб келяпти.

— Сен бундай қил, — деди Молли, — ерга ёпишиб ётиб ол, мен анави довдирни жўнатиб келмагунимча қимирлама.

Молли шундай деб, итга қараб ўқдай чопди, итнинг йўлини кесиб ўтиб кетди.

— Вов, вов, вов! — ит ҳуриб, қуённинг изидан қувди.

Молли ит етолмайдиган масофа сақлаб чопиб, уни сим тўсиқлар тарафга олиб борди. Ит сим тиканлари нишидан тирналиб, тимдаланиб, вангиллаганича кетига қараб қочди. Молли, борди-ю, ит яна қайтиб келгудай бўлса уни чалғитиш учун аввал ерни айланиб, доира ясаб из қолдирди, кейин кўн-

далангига чопиб из қолдирди, шундан сўнггина боласининг олдига қайтиб келди. Чиноқнинг орқа оёқларида туриб, бўйнини чўзганича овни томоша қилаётгани устига келди.

Молли боласи унинг гапини олмаётганини кўриб, жаҳли чиқди, боласини орқа оёқлари билан бир тепиб, балчиққа отиб юборди.

Бир куни улар йўнғичқапоёда ўтлаб юриб эди, бир қирғий тепадан учиб ўтаётиб, ўзини уларга ташлаб қолди. Молли қирғийни орқа оёқлари билан бир тепиб, наъматаклар орасига кириб кетди. Турган гап, қирғий наъматакка яқин боролмайди. Молли бир тўда шох-шабба олдига олиб борадиган сўқмоқдан чопди. Олдидан гуж-гуж чирмовуқлар чиқиб қолди. Қирғийдан кўз узмай, йўлига ғов бўлиб турган чирмовуқларни тишлаб уза бошлади. Чиноқ ҳам онаси нима қилса, шуни қилди.

— Яша! Сўқмоқ ҳамиша керак бўлади, шундай экан, уни доим тозалаб тур. Сўқмоқ тор бўлсаям бўлаверади, аммо ҳамиша очик бўлиб туриши керак. Чирмовуққа ўхшаган нимаики ўт-ўлан йўлингда учраса, тишлаб олиб ташлайвер. Ҳали чирмовуққа ўхшаб кетадиган тузоқ деганиям бор, ҳали унияма кўрасан.

— Тузоқ дегани нима дегани? — сўради Чиноқ, чап орқа оёғи билан ўнг қулоғини қашиб.

— Тузоқ дегани чирмовуқ эмас. Қирғийдан ҳам ёмон бир офат, — жавоб берди Молли, тобора олислаб бораётган қирғийга қараб қўйиб. — Шундай офатки, тузоқ сўқмоқ ўртасида кечасию кундузи ёйилиб ётиб олиб, сени тутиб олмагунча тинчимайди.

— Мени тутиб олиб бўпти! — ғўрлик билан мақтанди Чиноқ. У орқа оёқларида туриб, бир новдага тумшуғи ва мўйловчаларини теккизиб қашиди. Чиноқ нима қилаётганини ўзиям билмади, аммо онаси нима гаплагини дарров тушунди. Болаларнинг товуши улғайиш даврларида ўзгариб, дўриллаб қолади, қуёнлар эса бу даврда ана шундай қилиқ қилади. Бу улғайиш даврлари бўлади. Онаси билдики, демак, Чиноқ ҳадемай кап-катта қуён бўлади.

## V

Оқар сувнинг ўз мазаси бор. Буни ким билмайди дейсиз?

Темир йўл ётқизувчи ботқоқ ё кўл, ҳатто денгиз қуйилишида ҳам кўтарма йўл ўтқизаётганда оқар сувга ниҳоятда илтифот билан қарайди, унинг қаёқ-

қа қараб оқишини диққат билан ўрганади.

Яйдоқ чўл оралаб бораётган йўловчи қиёқлар ўсиб ётган ҳовуздан сув ичгани кўрқади, ўртаси жилдир-жилдир қилиб турган сувга дуч келмагунича ўлардай чанқаб юраверади. Жилдир-жилдир қилиб турган сувдан эса мириқиб ичади, чунки жилдир-жилдир қилиб тургани бу оқар сув эканлигидан дарак беради.

Бу нарсани жониворлар ҳам жуда яхши билади. Айтайлик, ёввойи ўрмон фарзанди бўлмиш жониворни ғаними изма-из қувиб келяпти, ҳадемай ғанимининг қўлига тушади, демак, ўлими унинг қўлида. Жонивор бутунлай ҳолдан тойган, барча ҳийланайранглари бекорга кетган, бесамар бўлган. Мана, у оқар сувга дуч келди, у оқим бўйлаб сузиб, муздайгина сувда чўмилди, сувдан сузиб чиқиб, яна вужуди тетик бўлиб, ўрмонга йўл олди.

Уни таъқиб қилиб келаётганлар сув ёқасига келиб, нима қилишларини билмай, ҳайрон бўлиб қолади.

Улар иложсиз қолади.

Оқар сув уларнинг йўлини тўсган бўлади, бу вақтда ёввойи жонивор сувдан миннатдор бўлиб, озод юрган бўлади.

Молли ўғлига ана шу улкан сабоқни ҳам ўргатди.

— Эсингдан чиқмасин, — тайинлади у бола-сига. — Энг яқин биродаринг аввало наъматак, ундан кейин сув!

Августнинг иссиқ, дим кечаларидан бирида Молли боласини чакалакзорга эргаштириб борди. Чиноқ онасининг пахтадай оппоқ думини йўлчи юлдуз қилиб олиб, изидан чопиб бораверди. Онаси дам олиш учун тўхтаб, думини тагига қўйиб ўтирганда, Чиноқ йўлчи юлдузини бир дам йўқотиб олди. Улар ана шундай тўхтаб-тўхтаб, атрофга қулоқ солиб юриб, ҳовуз бўйига бориб қолди. Дарахт шоҳида ўтирган бойўғли: «Ухла! Ухла!» — дея сайради. Сув остидаги шоҳда бошини сувдан чиқариб ўтирган қурбақа ҳалқумини шишириб, бойўғлига тақлид қилиб қуриллади.

— Изимдан юр, — деди Молли боласига, сўнг, ўзини «шўлп» этиб сувга ташлаб, чўкиб ётган шоҳга қараб сузди.

Чиноқ чўчиб тушди, шундай бўлса-да, «уф», дея пишқириб, ўзини сувга отди, нафаси қайтиб, бурнини юқори кўтариб сузди. Ерда қандай ҳаракат қилса, сувдаям шундай ҳаракат қилди, қараса дуппа-дуруст сузишни билар экан. Онаси кетидан шоҳ олдигача сузиб борди. Шоҳнинг сувдан чиқиб

турган учига илашиб, онасининг ёнига ўтириб олди.

Чиноқ қари Спрингфильд тулкиси ўлжа излаб келган иссиқ бир қоронғи кечадан буён қаерда қурбақа қурилласа эшитади. Қурбақа овози унга хавф-хатар туғилганда қаёққа қочишни кўрсатади. Уша кечадан буён қурбақалар қуриллаб, мана бундай деяётгандай бўлади: «Буёққа кел, бошингга хавф тушган бўлса, буёққа кел!..»

Бу Чиноқнинг онасидан олган сўнги сабоғи бўлди. Аниқроғи, бу рисоладан ташқари сабоқ бўлиб, бошқа қуёнлар бундай сабоқ ололмас эди.

## VI

Ёввойи жониворлар ёшига етмай ўлади. Уларнинг нариги дунёси жуда яқин бўлади. Жониворларнинг қиёмат куни қачон келиши уларнинг ўз ғанимларидан қанчалик яшириниб юра олишига қарайди. Чиноқнинг ҳаёти шуни кўрсатадики, агар қуён боладигини яхши яшаб ўтиб, катта бўлиб қолса, унда бу давриниям кўнгилдагидек яшаб ўтиб, кексалик деб аталадиган энг сўнги даврига етиб қўз юмиши мумкин экан.

Қуёнларнинг атрофи тўла ғаним. Дунёнинг куни борки, қуёнлар ғанимидан, хавф-хатардан қочиб яшайди. Дунёда ит, тулки, мушук, сассиққўзан, ёнут, сувсар, қундуз, илон, қирғий, бойўғли деганлари борми, одамзот деганлари борми, барча-барчаси, ҳатто ҳашаротлар ҳам қуёнларга бир ёпишиб кўради. Натижада қуёнлар ҳар куни бир саргузаштни бошидан кечириб, эпчил оёқларини, устомон фаҳм-фаросатини ишга солиб, қочиб қолиш билан машғул бўлади.

Масалан, лаънати биргина Спрингфильд тулкисининг ўзи уни бир неча бор сим тиканлар билан ўраб ташланган чўчқахона харобаларида пусиб ётишга мажбур қилди. Лекин қуёнлар ҳам ўз навбатида тулкиларни болади, улар ичкарида бемалол жойлашиб олиб, сим тиканларни узаман деб панжаларини қонга ботираётган тулкилар ҳолини томоша қилди.

Чиноқни икки марта ит қувди, у икковидаям ҳийла билан итга ўз ўрнида сассиққўзанны рўбарў қилиб кетди.

Бир куни Чиноқ овчининг қўлига тушиб қолди, бу ишда овчига ит билан сассиққўзан ёрдамчилик қилди. Аммо у овчининг қўлидан эртасигаёқ қочиб кетди. Уни мушуклар қувлади, қирғий, бойўғлилар таъқиб қилди, барча-барчасидан омон-эсон қутулиб кетди. Чунки ҳар қандай хавф-хатарга қарши унинг

Ўзига хос, алоҳида ҳимоя ҳийлалари бор эди. Уларни унга онаси ўргатган эди, кейинчалик ўсиб-ула-ғайгач, ҳар бир ҳунарини қайта пишитиб олди, ҳатто янгиларини ҳам ўйлаб топди. Ёши етган сайин оёқларига камроқ ишониб, асосан ақл-фаросатига суяниб иш қилди.

Уларга Рэнжер деган бир този ит қўшни яшар эди. Рэнжернинг эгаси баъзан уни қуён овлаб келишга юборар эди. Рэнжер асосан Чиноқни олдига солиб қуваларди, бу эса итдан ҳам кўра Чиноққа кўпроқ завқ-шавқ берарди.

— Ай, эна дейман! — дерди у. — Ана, тулки яна келяпти. Демак, бугун ҳам чопаман.

— Жуда ғайратли чиқиб қолдинг, Чиноқ ўғлим! — дерди онаси. — Кўп чопадиган бўляпсан.

— Биласанми, эна, шу довдирни лақиллатишни яхши кўраман! Қолаверса, чопиш ўзимгайм фойдали, машқ-да, машқ! Мабодо ҳолим танг келиб қолса, ер тепиб хабар бераман, шунда келиб итни алдаб олиб кет, майлими?

Чиноқ шундай деб, чопиб кетади, Рэнжер уни ҳолдан тойдиргунича қувади. Шунда Чиноқ ер тепиб онасини чақиради, онаси шу заҳотиёқ етиб келиб, уни қутқариб қолади ё унинг ўзи бирор йўлини қилиб қочиб қутулади.

Чиноқнинг қуйидаги найранги унинг ўрмон ҳаётини нақадар яхши билишини кўрсатади.

У ўзининг ҳиди ерга ўтириб қолишини, қанчалик кўп жаҳди чиқса, ҳиди ерга шунчалик маҳкам ўрнашиб қолишини яхши билади. Борди-ю, бирон-бир баланд нарсага чиқиб, ердан оёғини узса, ярим соатлардан кейин жаҳдан тушишини, изларининг ҳиди ердан кўтарилиб кетишини, натижада хавф-хатарлардан қутулишиниям билади. Шунинг учун ҳам бир куни ит қувлаганда наъматаклар ўсиб ётган дарё бўйига қараб қочди, у ерда изларини чалкаштириб, итни адаштириб кетди. Сўнг сакраб-сакраб ўрмонга қараб чопди, шамолга қарши йўл олиб, дарахтдан-дарахтга салчиб югурди. Бир дарахтга келиб тўхтаб, яна орқада қолган дарахтга қайтиб борди. Кейин яна олдинги келган дарахти олдига қайтиб, ит унинг биринчи изи бўйлаб ўтиб кетишини пойлаб турди. Шундан кейин ўзининг эски изига қайтиб, «ҳидини йўқотиш» учун издан четроққа салчиб ўтди. Сўнг шохлари қирқилган баланд бир дарахт танасига сакраб чиқиб олиб, ўзини бир уюм тупроқ ёки тош қилиб кўрсатиш учун жойлашиб ётиб олди.

Рэнжер қуённи қуваман деб кўп сарсон бўлди,

наъматаклар орасида изғиди, из ҳидини йўқотди, ниҳоят яна ҳид олиб тўғри дарахтга қараб юрди. Яна ҳидни йўқотиб, яна топди. Бироқ из бирдан тўхтаб қолди. У энди изни қидириб бошлади. Теваракни айланиб-айланиб, қуён яшириниб ётган дарахт остига келди. Аммо қуённинг совиб қолган ҳиди, буёғи кун совуқлиги сабаб, пастгача етмади. Чиноқ қимир этмай, ўзининг бор-йўқлигини билдирмади, ит уни сезмай, ёнидан ўтиб кетди.

Аммо у яна қайтиб келди, ҳозиргина ёнидан ўтган дарахт танаси остини ҳидлаб кўрди.

Ҳа, бу қуён ҳиди эди! Аммо-лекин ҳид бир оз эскириб қолгандай эди. Шундай бўлса-да, ит дарахт танасига ўрмалаб чиқа бошлади.

Чиноқ итнинг дарахтга чиқиб келаётганини кўриб, эси чиқиб кетди. Аммо ўзини йўқотиб қўймади. Шамол унинг кўнглидагидек эсаётганини билиб, ит дарахт ярмига келганда сапчиб қочиб қолмоқчи бўлди. Бироқ ит дарахт ярмигача чиқмади. Тепадаги қуённи оддийгина уй итлари ҳам пайкаши мумкин эди, аммо тозининг бунга фаросати етмади. Бунинг устига, қуён ҳиди ҳам деярли йўқолиб қолди, оқибат, Рэнжер йўлидан қайтиб, дарахтдан сапчиб тушди. Чиноқ омон қолди.

## VII

Чиноқ ўзининг онасидан бошқа қуён кўрмаган эди. Оламда ўзларидан бошқаям қуёнлар борлигини тасаввур қилолмасди. У онасидан кўп вақтлар ажралиб, ёлғиз қолди, аммо бундан кўнгли ўксимади, чунки қуёнлар жамоат бўлиб яшашни хуш кўрмайди.

Декабрь кунларининг бирида дарахтлардан синиб тушган шох-шаббалар орасидан дарё бўйига йўл очаётиб, фавқулодда тепа ёнбағрида бегона бир қуённинг боши билан қулоқларини кўриб қолди. Қуён теварак-атрофни хотиржам кўздан кечириб, сўнг Чиноқ юрадиган сўқмоқ бўйлаб ирғишлаб-ирғишлаб, ботқоққа қараб йўл олди. Чиноқ ажабтовур туйғулар гирдобида қолди. Бу ғазабнафратдан иборат қизғаниш туйғуси эди.

Нотаниш қуён бир дарахт олдида тўхтади. Чиноқ орқа оёқларида туриб, дарахт танасига тумшурини қашиди. У буни жони ҳузури учун қиларди, энди билса, қуёнлар буни бошқа мақсадларда қилар экан. Аввало, бундай дарахт танасидан қуён ҳиди келиб туради, қуёнлар буни сезиб, бу ботқоқ қуён



халқига тобе эканлигини, бегоналар бу ерга келиш-га ҳаққи йўқ эканлигини билиб олади. Қолаверса, янги келган қуён дарахт танасидаги ҳид ўзларига алоқадор қуённикими ё йўқми эканлигини билиб олади, танага суйкалган жойнинг ердан қанчалик паст-баланд эканига қараб эса унинг бўйи бастини билиб олади.

Чиноқ зўр қайғу билан шуни қайд этдики, янги келган қуён унга нисбатан бўйига ҳам, энига ҳам баланд экан. Чиноқни янги бир туйғу босди. Бу қотиллик қилиш туйғуси эди. У оғзида ҳеч нима бўлмасаям асабий чайналиб, теп-текис ерда ирғишлаб-ирғишлаб юрди, сўнг оҳиста-оҳиста ер тепинди: «Тап-тап-тап!...»

Бу қуёнлар хабари бўлиб, қуйидаги маънони берар эди: «Менинг ботқоқларимдан қорангни ўчир, бўлмаса яккама-яккага чиқ!»

Бегона қуён қулоқларини «у» ҳарфи мисол диккайтирди, бир неча дақиқа керишиб ўтирди, сўнг олд оёқларини ерга қўйиб, орқа оёқлари билан бошлаб ер тепинди: «Тап-тап-тап!...»

Шундай қилиб, уруш бошланди.

Улар бир-бирига ён тарафдан яқинлашиб келди, ҳар бири шамолга қарши тарафдан юришга ҳаракат қилиб, ҳамла учун қулай пайт пойлади. Бегона қуён гавдали, пишиқ танли эди, аммо устомон, ҳийлакор эмасди, шу сабаблиям Чиноқ уни осон енгмоқчи бўлди. Мана, Чиноқ уни бир тирранчадай қарши олди. Улар бир-бирларини орқа оёқлари билан тепди. Бегона қуён шунақаям бегиним тепиб бошлади, охир-оқибат, Чиноқ умбалоқ ошиб кетди. Ғаними изидан етиб бориб, уни тишлаб олди. Чиноқ ўрнидан тургунича анча-мунча жунини бой берди. Айёр Чиноқ ўрнидан тура солиб қочди. Олишув бу билан тугамади. Чиноқ яна бегона қуёнга ҳамла қилди, яна ерга юмалаб тушди, ғаними яна бошлаб тишлаб олди. У бегона қуёнга бас келолмаслигини билди. Энди ўзини қутқариш йўлини ўйлади.

Дабдаласи чиқиб, ўрнидан тура солиб қочиб қолди. Аммо ғаними уни изма-из қувиб келди, уни ўз қадрдон ботқоғидан ҳайдаб чиқариш ҳам гапми, уни умуман нариги дунёга жўнатмоқчи бўлди. Чиноқ чаққон оёқ, эпчил эди, бегона қуён эса гавдали, оғир эди, шу сабаблиям бошқа қувмай қўя қолди, оғир яраланган бечора Чиноқ қутулиб қолди.

Чиноқ шу кундан эътиборан қўрқоқ бўлиб қолди. Бойўғли, ит, сувсар, айтилик, одам қувса қандай қочиб қутулишни биларди, аммо бирор қуён

қувса нима қилишни билмасди. Қўлидан келадигани миқ этмасдан бекиниб ётиш, борди-ю, пайқаб қолишса қочиб қолиш эди.

Бечорагина Молли эсанкираб қолган эди. У Чиноққа ёрдам бериш уёқда турсин, ўзи қандай қилиб бекинишни ўйларди. Барибир бегона қуён униям қидириб топди. Молли қочиб қолмоқчи бўлди, аммо қўлидан келмади, чунки у Чиноқ боласидек устомон эмасди. Бунинг устига, бегона қуён унга ҳамла қилиш ўрнига, илтифот кўрсата бошлади. Лекин Моллининг қочиб кетишга уринаётганини пайқаб қолиб, унга бўлган илтифотидан қайтди. Бегона қуён Моллига тинчлик бермай, ҳар куни олдига солиб қувди, Моллининг унга нисбатан бўлган нафратини йўқотолмай, уни талгани талаган бўлди. Ерга юмалатиб олиб, майин жунларини юлиб ташлади. Аммо у барибир, Моллидан ҳам кўра Чиноқни йўқ қилиш иштиёқида ёнди. Чиноқнинг борадиган бундан бошқа ботқоғи йўқ эди. Қаерда бўлмасин, ўлимдан қочиб қолишга ҳамиша шай бўлиб юрди. Бегона қуён ҳар куни Чиноқ ётган жойни қидириб топиб борди, Чиноқ эса ўз вақтида уйқусидан уйғониб, қочиб қолишга улгурди. Унга қийин бўлди. Буёғи, онасининг қанчалар азоб чекиб юрганини ўйлади! Ҳар куни бир лаънати бегона қуён унинг онасини шафқатсизларча қийнаётганини, уларнинг қадрдон ўтлоқлари, шинам йўл-йўлақларига эгалик қилаётганини қўли калта ожизларча ҳис қилиб, азоб чеқди! Бечора Чиноқ замона зўрники эканини билди, бегона қуённи тулки, сассиққўзанлардан ҳам баттар ёмон кўриб қолди.

Энди буёғи нима бўлади?

Чиноқ тинимсиз қочиб, осойишталик нима, овқат нималигини билмай, ҳолдан тойиб қолди.

Молли ҳам шундай ҳолга тушди.

Бегона қуён Чиноқни йўқ қилиш учун ҳамма нарсани қилди, охир-оқибат, жуда аянчли бир ёвузликка қўл урди. Одатда, яхши қуёнлар бир-бирлари билан ҳар қанча терс бўлмасин, бир ёмон кун келганда ҳаммаси бир жон, бир тан бўлиб, ғанимга қарши курашади. Аммо бир куни ботқоқлик узра улкан қирғий пайдо бўлганда бегона қуён ўзи яхшилаб бекиниб олиб, Чиноқни шу қирғий панжаларига тушириш учун уни очиқ майдонга ҳайдади.

Қирғий икки бор ташланиб, Чиноқни илиб кетмоқчи бўлди, аммо ҳар икковидаям уни наъматаклар қутқариб қолди.

Шундай қилиб, Чиноқ яна омон қолди, аммо

бу билан ҳаёти яна изига тушиб кетмади. У келаси кечаси онаси билан биргаликда бутунлай бошқа ёқларга қочиб кетишга аҳд қилди. Бирдан ботқоқ бўйида ер искаб юрган Рәнжернинг товушини эшитиб қолди. Шунда Чиноқ энг сўнгги тадбирини қўллаб кўрди. У атайлаб итнинг олдини кесиб ўтди. Тинимсиз қувғин бошланди. Чиноқ онаси яхшилаб бекиниб олмагунича ботқоқни уч марта айланиб чопди. Сўнг, ҳамон ўз ўрнида қимирламай ўтирган бегона қуёнга қараб чопди, ёнидан чопиб ўтаётди, орқа оёғи билан ирғиб, бошига бир тепди.

— Вой бечора овсар-е, ана энди кунинг битди! — деди қуён, сўнг инидан отилиб чиқиб, Чиноқ билан итнинг ўртасига тушиб қолганини билмай қолди.

Ит тинимсиз акиллаб, энди бегона қуённинг изидан чопди. Бегона қуённинг савлати билан вазни қуёнлар билан олишувда қўл келар эди, айна вақтда эса бошига битган бало бўлди. Унинг ҳунари кўп эди, масалан, «қўш из», «чалкаш из», «ин» каби ҳунарларни биларди. Аммо айна шу дақиқада ҳунарларининг биронтасиниям намоёиш қилишининг иложи йўқ эди, чунки ит жуда яқин келиб қолган эди, қўш из қолдиришнинг ҳам, чалкаш из қолдиришнинг ҳам иложи йўқ эди, бу атрофда қаерда ин борлигини ҳам билмасди.

Олишув очиқчасига бўлди. Бегона қуён наъматак панасига бекинмоқчи бўлди. Иложи бўлмади. Ит акиллаши бир дақиқа ҳам тинчлик бермади. Чиноқ билан Молли бекиниб олиб олишувни томоша қилди, наъматак шитирини, ит ангиллашини эшитди, итнинг қулоқларига наъматак тиканлари ботганини кўрди. Бирдан овозлар тиниб қолди. Қандайдир бир пинҳоний шитир-шитир, сўнг, жон аччиқ ингиллаш эшитилди...

Чиноқ нима гаплигини англаб, сесканиб кетди. Кўп ўтмай ўзига келиб, қадрдон эски ботқоқлари яна ўзиники бўлганидан қувониб кетди.

## VIII

Олифантлик чол ботқоқнинг шарқи жанубидаги шох-шаббалар уюмини ёқиб юборишга, чўчқахонадан чиққан чиқиндиларни эса сим тиканлардан ташқарига суриб ташлашга ҳаққи бор эди, шундай қилди ҳам. Бу Чиноқ билан онаси Моллига ёқмади. Чунки шох-шаббалар орасида ини, чўчқахона чиқиндилари орасида эса улкан қалъалари бор.

Улар ботқоқни шунчалик ўзиники қилиб олдиларки, ҳатто Олифантдаги қурилишларни ҳам ўзлариники деб билди. Шунинг учун бу ерларда пайдо бўлган ҳар қандай қуёнга душман кўзи билан қаради.

Олифантликлар январда бўлган эрувчилик пайтида ҳовуз бўйидаги катта-катта дарахтларни қирқиб ташлади, натижада қуёнлар макони анча очиқлиб, ҳувиллаб қолди. Аммо улар торайиб қолган маконларини ташлаб кетмади. Эндиги ҳаётлари янада хавф-хатар остида қолиб, яшай бошлади. Кейинги вақтларда уларни дарё оқими бўйлаб келиб қолган сувсар безовта қила бошлади. Аммо улар бу чақирилмаган меҳмонни ҳийла йўли билан Олифант товўқхонасига жўнатиб юбориб қутулди. Она-бола бу сувсар ҳали қайтиб келмасайди, деган ташвишда инларига кирмай юрди, акс ҳолда сувсар қайтиб келса, уларни инидан тутиб олишлари мумкин эди. Улар ҳар эҳтимолга қарши ҳозирча наъматаклар синиб тушган дарахт шохлари орасида кун кечириб турди.

Биринчи қор ёғди, ҳаво илиқ ҳам тиниқ бўлди. Моллининг оёқ оғриғи қўзғаб, мевали бута излаб, пастдаги чангалзорга қараб кетди. Чиноқ қирғоқ бўйида қолди.

Кун ботди.

Шарқ уфқида улкан қора булутлар пайдо бўлди, кўп ўтмай булутлар бутун осмонга ёйилди.

Кун борган сайин совиди, ерни бутунлай қор қоплаганда совуқ янада авжига чиқди.

— Уҳ, бунча совуқ бўлмаса! Бузиб ташланган печкамизнинг карнайларига ачиняпман! — деди Чиноқ.

— Қарағай кундаси ичидаги инимизда тунасақ яхши бўларди-да, — деди Молли. — Аммо ҳали сувсарнинг терисини деворга осишмаяпти-ку, яхшиси ҳозирча бормай турганимиз маъқул.

Ичи ковак ёнғоқ дарахти аллақачон қирқиб ташланиб, танаси ўтинхонада ётибди. Улар шунчалик қўрқиб ўтирган сувсар ўша ерни бошпаноҳ қилиб олган. Аммо она-бола буни билмайди. Шу сабаб-лиям улар ҳовузнинг жанубига жўнади, бир уюм шох-шабба топиб, ўзларига тунаш жойи тайёрлади, жойлашиб олиб, бўлажак хавф-хатарни ўз вақтида пайқаш учун тумшуқларини шамолга тутиб, атрофни искаб ётди.

Шамол борган сайин совиб, тун яримдан оққанда майдалаб қор ташлади. Қор хазонларни шитирлатиб, шох-шаббалар ичига ҳам тушди. Бундай

кечада ов қилиб бўлмаса-да, Спрингфильд тулкиси тумшуғини чўзиб шамолни искаб, ўзига бошпаноҳ излаб келаверди, шох-шаббалар олдига келиб, ухлаб ётган қуёнлар ҳидини олди. У бир зум ўйлаб туриб, шохчалар остига суқилиб кира бошлади. Шамол визиллаши билан қордан фойдаланиб, анча ичкари-лаб борди. Шунда Молли тулкининг оёғи остида шитирлаётган хазонлар товушини пайқаб қолди. Молли Чиноқнинг мўйловига туртди. Тулки ҳамла қилмоқчи бўлганда қуёнлар аллақачон оёққа турди. Маълумки, қуёнлар ҳатто ухлаб ётганларида ҳам чопишга шай бўлади. Молли оппоқ бўронга қараб сапчиди. Тулки унинг орқасидан сакраб, хато кетди, аммо изидан қувиб кетди.

Чиноқ бошқа тарафга қараб қочди.

Молли учун фақат бир йўл қолган эди. У шамолга қарши чопиб, тулкини ортда қолдириб кетди, тулки ҳали музламаган лой ботқоққа ботиб қолди. Молли ҳовуз четига етиб олди. У орқага қайтиши мумкин эмас, фақат олға чопиши керак эди.

Сув шалоплаб кетди: Молли қамишга сакраб, сувга ботиб қолди.

Изидан тулкиям ўзини сувга ташлади. Аммо, бундай кечада совуқ сувга чўмилиш тулкихонимга ёқмади, хоним тезда изига қайтди. Молли яккаю ягона йўлидан қайтмай, қамишлар орасидан сузиб, нариги қирғоққа интилиб бораверди. Шамол ҳамон тўғридан эсиб, қор сувни қоплаб олиб, сузишни қийинлаштириб қўйди. Тўғрида қорайиб кўринаётган қирғоқ жуда олисдай бўлиб туюлди. Яна тагин, ким билади, тулки уни қирғоқда пойлаб турибдими. У сув тўлқинларидан қулоқларини авайлаб сузди, шамол, оқим билан астойдил курашиб, олға интилди. Муздай сувда узоқ сузиб юриб, ниҳоят қамишлар тугаган ерга етиб келди, сувда сузиб юрган қор уюми йўлини тўсди. Буёғи етмагандай, қирғоқда эсаётган шамол тулкига ўхшаб овоз чиқарса бўладими! Унинг ҳафсаласи пир бўлди. У барибир жон-жаҳди билан олға интилди, йўлини тўсган қордан ҳам қутулди.

У яна олға талпинди, аммо жуда секин, ғоят секинлаб қолди! Қамишлар охирига етиб келганида тинка-мадори қуриди, панжалари совуқда қотиб қолди, олов қалби совиди, қирғоқда биров қараб турибдими-йўқми, унга барибир бўлиб қолди! Қамишлардан қутулиб, энди сув ўтлари гирдобига тушиб, суза олмай қолди. Ҳаракатлари сусайиб, панжалари интилиши фойда бермай қўйди, атрофидаги музлар уни бутунлай йўлдан тўхтатди, май-

дагина сержун тумшуғиям қимирламай қолди. Мол-  
лининг беозор, сариқ кўзлари мангу юмилди...

Аммо қирғоқда уни ғажиб ташлайман дея пой-  
лаб турган тулки йўқ эди. Боласи Чиноқ тулкининг  
дастлабки ҳамласидан қочиб қутулиб, онасига ёр-  
дам бериш учун яна изига қайтган эди. Ҳовузни  
айланиб, онаси олдига бораётганида тулкини кўриб  
қолди. У тулкини кетидан илаштириб, олис сим  
тиканларга олиб борди, тулкини адаштириб ташлаб  
келди, аммо ўзининг ҳам боши тирналиб келди.

Қирғоқ бўйига келиб, ер тепинди, онасини из-  
лади. Аммо бор саъй-ҳаракатлари бекор кетди, у  
онасини яна қайтиб кўрмади, онасининг қаёққа  
йўқолганини билмади. Онаси муз қоплаган сув  
остида ётганини хаёлигаям келтирмади.

Бечора оқ думлигина Молли! У асл қаҳрамон  
эди, қаҳрамон бўлгандаям ўз қаҳрамонлигини пеш  
қилмай, ўзига хос, камсуқумгина яшаб ўтди, қўли-  
дан келган ҳамма ишни қилиб, жон берди. У ҳаёт  
учун жон фидо қилиб яшади, курашди. Унинг умри  
бесамар ўтмади, ана, Чиноқ деган ўғли бор. Бор  
ақл-заковати, умри сабоғини шу умрига, авлодига  
қолдириб кетди.

Елғиз ўғил Чиноқ ботқоқда яшайверди. Оли-  
фантлик чол қишдан чиқмади, ундан қолган ўғил-  
лар беғамхўжа бўлиб, ботқоққа қайрилиб ҳам қа-  
рамади. Ботқоқ бир йилдан кейин хароб бўлиб  
қолди. Янги дарахтлар, янги буталар ўсиб чиқди,  
тўзғиб ётган сим тиканлар қуёнлар учун қулай ша-  
роитлар яратиб берди, на ит, на тулкилар сим ти-  
канлардан ошиб ўтолмайдиган бўлди. Чиноқ осо-  
йишта ҳаёт кечирди. У энди ҳар қандай рақибдан  
ҳам тап тортмайдиган улкан қуён бўлиб етилди.  
Унинг энди бир этак боласи, сарғишдан келган  
яхшигина аёли бор. Чиноқ билан унинг авлод-ав-  
лодлари бу ботқоқда ҳали узоқ йиллар яшаб, давру  
даврон суради, сиз уларни истаган офтобли кунда  
кўришингиз мумкин, фақат уларни чақиришингиз  
учун қачон, қандай қилиб ер тепинишни билсангиз  
бўлди.

### I

Бундан олис-олисларда, Фарбнинг ичкарасида, Кичик Пайни дарёсининг юқори оқимида, Палетт фермаси қарор топган ерда бир кулранг айиқ сокин ҳаёт кечиради. Айиқ фақирларнинг фақири бўлиб, қиладиган иши болаларини тарбия қилиш билан машғул бўлади. Айиқлар онасининг ҳаётдан тилайдиган бор-йўқ тилаги, уни болалари билан ўз ҳолига қўйсалар бўлди.

Июль ойлари эди, айиқлар онаси болаларини Грейбул дарёси бўйларига олиб боришга, у ерда уларга ертут нима эканини, уни қандай қилиб қидириб топиш кераклигини ўргатишга қарор қилди.

Айиқлар онаси болаларини дунёдаги энг кўримли, энг ақл-идрокли айиқчалар деб билади. Бизнинг она айигимизнинг тўртта боласи бўлиб, бошқа улкан айиқларнинг боласи эса иккитадан ошмайди.

Шундай қилиб, бароқ айиқчалар дарё ёқасида гўзал ёздан оромланиб, турли-туман мазали ёгуликлардан баҳраманд бўлиб, кунни хушвақт ўтказди. Онаси улар учун йўлда учраган ҳар қандай кунда, ҳар қандай ялпоқ тошни тўнкариб берди. Айиқчалар ёппасига тошлар остига ёпирилиб, яшириниб ётган қурт-қумурсқаларни ялаб-юлқаб қўйди. Айиқчалар тошлар остига ёпирилганда оналари қўлларидаги тошни ҳеч қачон ташлаб юбормасликларига ишончлари комил. Оналарининг улкан панжалари, кулранг жунлари остидаги кенг елкаларини кўрган одам бундай хаёлга бормади ҳам. Йўқ, йўқ, бу қудратли панжалар тошни ташлаб юбормайди, айиқчалар бунга амин. Шу боисдан ҳам улар ҳар бир кунда остига бир-бирларини туртиб, итариб, худди чўчқа, кучук, мушуклар тўдасидай чинқириб, чийиллаб, гингшиб ёпишди. Айиқчалар тоғдаги кундалар остида ин қўядиган қорамтир майда қумурсқаларни яхши билиб олди. Улар умрида биринчи марта бўлимли, мазали ўрмон қумурсқалари тўдасига дуч келди. Айиқчалар теваракка югуриб, учиб юрган қумурсқаларни тили билан илиб олишга уринди. Бироқ уларнинг тилига қумурсқалардан кўра кўпроқ қуманжир тиканлари билан қум дона-

лари илашаверди. Шунда, айиқлар онаси ўз тилларида болаларига шундай деди:

— Тўхтанглар, болаларим, қумурсқа овлашни ўзим кўрсатаман.

У қумурсқа инининг учини туртиб бузди, сўнг улкан панжасини инга ёни билан қўйиб турди, бир неча дақиқадан кейин кафтларини қумурсқа босди, шунда айиқлар онаси барчасини бирваракайига оғзига солиб, чапиллатиб чайнади. Шундан кейингина айиқчалар нима қилиш кераклигини тушунди. Улар ўзининг икки панжасиниям инга солди. Айиқчалар гоҳ ўнг, гоҳ чап панжаларини ялаб, борди-ю, униси бунисининг панжасига тумшугини чўзса, бир-бирини турткилаб, узоқ ўтирди. Хиёл ўтмай ин ҳувиллаб қолди, ширинтомоқлар яна бирор егулик топишга чоғланди.

Қумурсқа дегани хийла шўртак егулик, шу боисдан айиқчалар сувсираб қолди. Айиқлар онаси уларни пастдаги дарёга эргаштириб борди. Сувда мириқиб пишинишиб, қирғоқ ёқалаб юриб, дарёнинг сув остида балиқлар кўриниб турган жойига келди. Сув дарёнинг қорайиб турган энг чуқур жойи бўйлаб оқяпти, аммо жуда оз оқяпти. Шунда айиқлар онаси болаларига деди:

— Энди шу қирғоқда ўтириб туринглар, мен сизларга янги ҳунар ўргатаман.

Айиқлар онаси қуйироқдаги бир чуқур олдига келди, сув остидан улкан балчиқ бўлагини кўтариб олди. Сўнг юқориги чуқурга келди-да, лапанглаб, шовқин-сурон билан ўзини сувга отди. Балиқлар кутилмаган хавфдан зир қочиб, ўзларини балчиқлар орасига урди, нодонроқлари лойқа сув оқими бўйлаб кетди. Ҳуши ўзларига келгунча бўлмай, сертош саёзликка чиқиб қолганларини билмай қолди. Айиқлар онаси уларни битталаб ушлаб, қирғоққа ота бошлади. Айиқчалар бу ғалати кичкина илончаларга олатасир ёпишиб, қоринлари ноғорадай дўппайгунча уларни пок-покиза туширди.





Кун қизиди, айиқчаларнинг қорни тўйиб, уйқу-си келди. Айиқлар онаси уларни хилват бир ерга эргаштириб борди, айиқчалар онасининг пинжига тиқилиб, уйқуга кетди.

Айиқчалар бир соатлар чамаси ухлаб, сўнг, эснаб, кериша бошлади. Кенжа айиқ Пахмоқ тумшугини бир дақиқача чўзиб туриб, яна онасининг улкан панжалари орасига тиқди. Бу кичкинагина нозик-ниҳол онасининг эрка боласи эди. Тўнғич айиқ Уэб чалқанча ялпайиб ётиб, ердан чиқиб турган томирни тортиш билан машғул бўлди. У ўзича ғингшиб, томир ерга ётавермагач, уни гоҳ тишлаб тортди, гоҳ панжалари билан текислади.


Бевош Қашқа Жингаланинг қулоғидан тортиб, ундан оладиганини олди. Улар олишиб қолди, юмалоқ ёстиқ бўлишиб, кўм-кўк ўтлар узра пастга юмалаб кетди, эсларини йиғиб олгунча бўлмай, дарё бўйига юмалаб келиб қолди.

Шу пайт ёрдам сўраган чинқириқ эшитилди. Миттигина айиқ полвончаларнинг чинқириғи кўрқинчли бўлди.

Нозик таъбли айиқлар онаси бирпасда мисоли девга айланди. У бир зумда болаларининг олдига етиб борди, хайрият, ўз вақтида етиб келди. Чунки худди шу вақт улкан тоғ буқаси Жингалани сариқ ит деб ўйлаб, унга ҳамла қилмоқчи эди. Айиқлар онаси ўкириб, буқага ташланди.

Буқа кўрқмади. У даҳшатли бўкириб, айиқлар онасига қараб юрди. Буқа сузиш учун бошини энди эгган ҳам эди, айиқлар онаси унинг бошига боплаб зарба берди. Буқа ўзига келиб, кўзини очиб, устида ўтирган айиқлар онасини кўрди.

Буқа қутуриб бўкирди, устида айиқ билан ўзини гоҳ олдинга, гоҳ орқага ташлади. Ниҳоят, қирғоқнинг кемтик еридан дарёга юмалаб тушди, шундагина она айиқ уни тинч қўйди.



## II

Бадавлат чорвадор — кекса полковник Пикет ўз қарамоғидаги подани айланиб чиқди. Қир остидан ўтаётиб, қаердандир шу яқиндан мол бўкирганини эшитди. «Ўўкизлар шохлашаётган бўлса керак», ўйлади ўзича.

Аввал-аввал бу овозга эътибор бермади. Кейин қараса подасининг бир тўдаси туёқлари билан ер тирнапти. Яқинроқ келиб қараса, «поданинг сул-

тони бўлмиш» улкан буқа қонга беланган. Ийиқлари, биқинлари тирналган, боши ёрилган.

— Бу, айиқнинг иши, — минғиллади Пикетт.

Милтиғи елкасида эди, шу сабабляям тезда буқа келган издан йўл олди. Онда зағчалар босиб ётган Грейбул дарёси кечувига етиб келди, дарёдан кечиб ўта бошлади, қирғоқнинг нураган ерига келганда сувдан бошини кўтариб, шундай олдида айиқлар онаси билан тўртта боласини кўрди.

Айиқлар онаси, одамлар ҳамиша милтиқ олиб юришини яхши биларди. Шу боисдан ҳам болаларига шивирлади:

— Урмонга қочамиз.

Айиқлар онаси ўз жонидан эмас, митти болалари ҳаётидан қўрқди. У болаларини чакалакзор ўрмонга эргаштириб жўнади, худди шу пайт қўрқинчли отишма бошланди.

Пақ! — ҳалокат хавфини сезган бечора айиқлар онасининг юраги орқасига тортиб кетди.

Пақ! — бечора жажжигина Пахмоқ инграб, юмлаб қолди.

Айиқлар онаси қаҳр билан изига қайтиб, одамга ҳамла қилди. Пақ! — у оғир яраланиб, ағанаб тушди. Қолган айиқчалар нима қилишларини билмай, онасининг олдига қайтиб келди.

Пақ, пақ! — Қашқа билан Жингала ўлим талвасасида онасининг ёнига йиқилди.

Қўрқиб, эсанкираб қолган Уэб Қашқа билан Жингалани гир айланиб чопди. Кейин қандайдир бир хаёлга бориб, беихтиёр ўрмонга қараб қочди. Аммо сўнги ўқдан қочиб қутулолмади. Уқ орқа оёғига тегиб, уни майиб қилди.

Чўлоқ айиқча туни билан ўрмон кезди. Бечора Уэб уч оёқлаб юрди. Майиб оёғини босмоқчи бўлганда, ундан қон сизилиб оқди. Шунда у инграб, ҳўнгилаб йиғлаб, онасини йўқлади:

— Эна, эна, энажон! Қаердасан, энажон!

Айиқча совуққа қотди, қорни очди, майиб оёғи



оғригандан-оғриди. Онаси бўлса овоз бермади. Узи эса онасининг олдига қайтиб боролмади. Дарахтлар оралаб тентираб юраверди.

У фавқулодда ғалати бир ҳидни сезди, нима қилишини билмай, бир дарахтга ўрмалаб чиқиб олди.

Пастга мўралаб, бир нечта узун бўйли, ингичка оёқли жониворларни кўрди. Уэб бундай жониворларни бир сафар онаси билан кўриб эди. У ўшанда бу жониворлардан кўрқмаган эди, ҳозир эса кўрққанидан дарахтга ёпишиб олди. Улкан жониворлар дарахт олдига келиб, тумшуқларини ҳавога чўздида, кўп ўтмай кўздан ғойиб бўлди.

Бечорагина Уэб эрталабгача дарахт устида ўтириб чиқди, совуққа қотганидан зўрға ерга тушди. Кўп ўтмай кун чиқиб, анча исиб қолди, мева, қумурсқа излай бошлади. Чунки у жуда оч эди.

Сўнг, ўзининг қадрдон Пайни дарёсига йўл олди. Майиб оёғини муздай сувга солиб турди. Сўнг тоққа қараб жўнагиси келди, аммо кўнгли онаси билан жигарларининг жасади қолган ерга боришни буюрди. Тушдан кейин кун исиб кетди, у ўрмон оралаб пастга юрди, кейин Грейбул дарёси қирғоқлари бўйлаб кетди. Уэб юриб-юриб, кечагина онаси билан балиқ еган ерга етиб келди. Теварақда ҳадиям балиқ бошлари сочилиб ётибди. Уэб уларни очкўзларча териб олди. Қаердандир қўланса ҳид келди. Ҳид Уэбни кўрқитиб юборди. У онасини сўнгги бор кўрган ерга яқин келганда ҳид янада кучайди. Дарахтлар орасидан мўралаб, ўлакса талашаётган чиябўриларни кўрди.

Уэб ўлакса ниманики эканини билолмади. Аммо шу нарсага амин бўлдики, бу ерларда унинг онагинасидан ном-нишон ҳам йўқ эди. Ҳид эса борган сайин кучайиб, Уэбнинг таъбини хира қилди. У оҳиста кетига бурилиб, чакалакзор ўрмонга йўл олди, энди бу ерларга қайтиб қадам босмасликка аҳд қилди. У ҳамон онасини кўргиси келди, аммо онасини излаш бефойдалигини англаб, кўнгли ўксиди.



Қаҳратон тун бошланди. Бечорагина айиқча ҳамон онагинасини қўмсади, онагинасини соғинди. Жажжигина сағир айиқча аччиқ-аччиқ ҳиқиллаб йиғлаб, узоқ вақт уёқдан-буёққа тентираб юрди. У бетоб эди, у ёлғиз эди, уни майиб оёғи қийнар эди. У она сутига ташна эди, у энди она сутининг мазасини умрбод татиб кўрмайди!

У ҳиқиллаб йиғлаб юриб-юриб, ичи ковак дарахт кундасига дуч келди. Шу ковакка кириб олди. У жойлашиб, олиб, ўзини мен онагинамининг сержун қучоғида ётибман, дея хаёл қилди, шундай ширин хаёл оғушида уйқуга кетди.

### III

Уэб табиатан маъюс айиқча эди, бахтсизлик эса янада маъюс қилиб қўйди.

Барча ишлари тескари кетди. У Пайни дарёси оқими бўйлаб кетган ўрмондан ҳеч қаёққа чиқмасликка интилди. Кунлари ўзига егулик излади, тунлари кунда ковагида ётди. Бир кечқурун нишлари қуманжирнинг тиканидай ўткир бир улкан жайра келиб, унинг кулбасини тортиб олди. Бечора айиқча нима қилишини билмай, ўзига бошқа паноҳ излаб кетди.

Уэб Грейбул дарёси бўйларига тушиб, бир вақтлар онаси кўрсатиб кетган мазали томирларни излади. Бирор-бир томир топгунича бўлмай, қандайдир бир индан бир куланг махлуқ отилиб чиқиб, шовқин-сурон билан айиқчага ёпишди. Бу бўрсик эди. Бўрсик Уэбнинг кўзига жуда абжирдай кўринди, бунинг устига Уэб хаста, чўлоқ. Шу боисдан ҳам у қочиб қолди, шу яқиндаги дарага буриладиган довонга етганда тўхтади. Худди шу ерда уни чиябўри кўриб қолиб, қува кетди, ўзи қувгани етмагандай, бошқа бўриларниям ёрдамга чақирди. Уэб дуч келган дарахтга чиқиб олди. Чиябўрилар дарахтга сапчиб, улиди. Улар, айиқча дарахтга чиқиб хотиржам ўтирибдими, демак, шу яқинда онаси ҳам бор, яхшиси уни тинч қўйиш керак, деган хулосага келиб, тарқаб кетди.

Чиябўрилар кўздан ғойиб бўлгач, Уэб дарахтдан тушди. У Пайни дарёсига қайтиб бормоқчи бўлди. Аслида-ку, Грейбул дарёси бўйларида егулик кўп эди, лекин онасиз қолиб, уёқларга боролмай қолди, борса, албатта уни турткилайдилар. Пайни бўйларида эса унинг оромини ҳеч ким бузмайди. Бунинг устига Пайнида дарахтлар кўп бў-



либ, борди-ю, ғанимига дуч келса у дарҳол шу дарахтлардан бирига чиқиб олади.

Лат еган оёғи жуда секинлик билан битди. Аниқроғи, оёғи бутунлай соғайиб кетмади. Яра битди, оғриқ ўтди, аммо лат еган оёғи соғ оёғидай бўлмади, оқибат, у оқсоқ бўлиб қолди. Бу ногиронлик дарахтга чиқаётганда, ғанимдан қочаётганда жуда-жуда билинди.

Сағир Уэбнинг ғанимлари кўп эди, биродарлари эса деярли йўқ ҳисоби эди. Унинг яккаю ягона биродари оламдан ўтган онаси эди. Онасидан жуда эрта ажралган бечорагина Уэб кўп кўргиликларни кўрди, табиат ато қилган чайирлиги туфайлигина барча кўргиликларга бардош берди.

Шу йили кедр ғуддалари бўлиқ бўлди. Ҳар шамол турганда ғуддалар худди чақилган ёнғоқдай ерга тўкилаверди. Уэбга жон кирди. Соғлиги яхшиланиб, кучига куч қўшилди. Ҳар куни дуч келадиган жониворлар энди унга тегинмайдиган бўлди. Бир кун эрталаб кедр ёнғоқларини чақиб ўтириб эди, тоғдан улкан қора айиқ тушиб келди. Уэб дарҳол бир дарахтга чиқиб олди. Қора айиқ кулранг айиқ исини олиб, аввалига кўрқиб турди. Сўнг, дарахт устидаги майдагина бир айиқча эканини кўриб, дадилланди, ўкириб, Уэбнинг изидан жўнади. Юқорига ўрмалаб бораверди. Уэб қанчалик юқориламасин, қора айиқ ҳам унинг изидан қолмади. Ниҳоят, бизнинг жажжи айиқчамиз энг юқоридаги ингичка шох учига чиқиб борди. Қора айиқ уни худди шу шохдан ерга отиб юборди. Уэб баданлари ёрилиб, тирналганидан инграбинграб, оқсоқланиб жўнаб қолди. Қора айиқ уни қувиб етмоқчи бўлди, лекин шу яқинда кулранг она айиқ бор деб ўйлаб, кўрқди. Қора айиқ Уэбни кедр ўрмонидан ана шундай қилиб ҳайдаб юборди.

Грейбулда егулик нарсалар жуда оз қолди. Мева-чевалар пишиб ўтиб кетди, балиқ, қумурсқалар ҳам қолмади.

Ғарибгина Уэб қорин ташвишида олис-олисларга қараб кетди. У дарё ёқалаб, Мититсе дараси тарафга бориб қолди.

Мармаракзордан бир чиябўри чиқиб, уни олдига солиб қувди. Уэб жонининг борича қочди, аммо чиябўри унга етиб олди. Уэб жон-жаҳди билан кетига бурилиб чиябўрига ёпишди. Эсанкираб қолган чиябўри кўрққанидан думларини қисиб қочиб қолди.

Уэб ҳаётида илк бор шуни англаб етдики, ўр-

монда ҳаловат курашлар эвазигагина қўлга киритилар экан.

Афсуски, бу ерларда ҳам егулик нарсалар кам экан. Шунда Уэб Мититсе дарасининг энг олис кедр ўрмонларига йўл олди. У бу ерда онагинасини отиб ташлаган худди ўша одамга ўхшаган бир одамни кўрди. Худди шу дақиқада «пақ!» этган овоз эшитилиб, тепасидаги мармарак шохлари ерга учиб тушди. Уэб шундай югурдики, ҳали умрида бундай югурган эмас. Бир жарликка дуч келиб, шу жар ичидан дарага қараб чопди. Икки қоя оралиғидаги ёриққа кўзи тушиб, шу ерга бекинишга аҳд қилди. Бироқ ёриққа яқин борганда ундан бир мол чопиб чиқди. Мол пишқириб, шохдор бошини силкиди.

Айиқча шу яқинда ётган дарахт кундасига сапчиди. Кутилмаганда кунданинг нариги учиде ёввойи мушук пайдо бўлди. Бечора Уэб бу ердан ҳам жўнашга мажбур бўлди. Чунки ёввойи мушук унга нисбатан ғанимларча муносабатда бўлди, у билан ўчакишиб ўтиришининг эса асло вақти эмас. Бечора айиқча алам билан шу нарсага амин бўлдики, дунё деганлари ғанимга тўла экан! У ноилож қолиб, серқоя қирғоқ бўйлаб пахта тушди-да, ўрмоннинг ичкарисига йўл олди.

Бироқ унинг пойқадами бу ердаги олмахонларга ёқмади, олмахонлар шовқин кўтарди. Олмахонлар ўз қарамоқларидаги ёнғоқлардан хавотир олди, айиқча ёнғоғимизни ўғирлаб кетади, деб ўйлади. Улар Уэбнинг изидан шохма-шох ирғишлаб бориб, уни шовқин солиб сўқдилар, бу шовқинлари билан айиқча бас келадиган бирор ғанимни ёрдамга чақирдилар. Бу олмахонларнинг айёрлиги эди.

Бирон-бир ғаним кўринмаса-да, айиқча безовта бўлди, ўрмоннинг энг чеккасига кетишга уринди, чунки уёқда егуликлар оз бўлса ҳам ҳар ҳолда ғанимлар кам эди. У фақат шу ерда, ўтлоқнинг четиде беғалва ором олиши мумкин эди.



#### IV

Сонсиз ғанимлар таъқиби Уэбнинг қонини қайнатиб юборди. Нимага ҳамма унга, бир бечора айиқчага тинчлик бермайди? Нимага ҳамма, ҳа, ҳамма-ҳамма уни кўргани кўзи йўқ? Эҳ, онагинаси тирилиб келса эди! Эҳ, уни қадрдон ўрмонидан қувиб юборган ўша қора айиқча кучи етса эди! Уни ҳатто бир шўртумшуқ ёввойи мушук ҳайдаб юборди-я! Инсон деган зот эса уни отмоқчи бўлди!

У ғанимларидан нафратланди, уларнинг башарасини эслаб қолди.

Уэб бу сафар қулайроқ масканга жойлашиб олди. Теварақда ёнғоқлар кўп эди. Бунинг устига димоғи олмахонларнинг қишга жамғарган емишлари қаердалигини сизди. Уэб бу жамғармани еб қўйса, албатта олмахонларга қийин бўлади. Лекин у хурсанд бўлди, чунки ёнғоқ деганлари кўп мазали таом-да. Кунлар қисқариб, тунлар музлади. Уэб тўлишиб, бир текис бўлиб қолди.

У энди Мититсе дараси ўрмонлари бўйлаб сайр қиладиган бўлди. Кўп вақтини ўрмон юқорисида ўтказди, баъзан егулик қидириб дарёга ҳам келиб кетди. Бир кечаси дарё ёқалаб бораётиб, димоғи жуда мазали бир ҳидни туйди. Уэб қизиқсиниб сув олдигача келди. Ҳид сув юзасида сузиб турган дарахт кундасидан келди. Уэб сувга кириб, кунда олдига борди, шунда, бир нима шиқ этди, унинг бир оёғи сув қундузига қўйиладиган темир қопқонга тушди.

Уэб ўкириб, жон-жаҳди билан ўзини орқага отди. Қопқоннинг қозигини суғуриб юборди. Қопқондан қутулиш йўлини излади, бўлмади, сўнг уни судраб чакалакзор тарафга юрди. У қопқонни тиши билан тишлаб олиб тортмоқчи бўлди, лекин муздай темирни жойидан қўзғатолмади. Қопқон оёғида судралиб келаверди. Уэб ҳар қадамда тўхтаб-тўхтаб юрди, чунки қопқон оёғини оғирлаштириб ерга босди, оёғини қисди, оёғини кесди. У қандай қилиб бўлмасин, қопқонни ташлаб кетиш учун уни судраб дарахтга чиқди, бўлмади, қопқон оёғига чайирдай ёпишиб тураверди. Ўрмон ичига кирди, жойлашиб ўтириб, қопқондан қандай қилиб қутулиш йўлини ўйлади. Бу касофатнинг нима эканини ўйлаб ўйига етолмади. Унинг кўк-сарик кўзлари бу янги ғанимга нисбатан қўрқув ҳам нафрат билан ёнди.

Уэб чангал тагига ётиб қопқонни тишлаб торта бошлади. Бир учини оёғи билан босиб туриб, бир учини тишлаб тортди. Қопқон очилиб, Уэбнинг оёғи озод бўлди.

Ваҳоланки, Уэб қопқоннинг ҳар икки пружинасини айни бир вақтда тасодифан бураган эди, оёғи қандай қилиб чиқиб кетди, ўзиям билмай қолди. Аммо қопқон унинг хаёлида маҳкам ўрнашиб қолди, қопқон деганда шундай хулосага келди: «Ғанимлар орасида шундай бир майдаси борки, у сув остида яшириниб ётади, айиқчаларга сездирмай ҳамла қилади. Бу ғаним кўп ҳид таратади. У дабдурустдан оёқдан олади, уни тишлаб

бўлмайди. Уни фақат куч билан бураб, ундан қутулиш мумкин».

Жажжигина Уэбнинг қопқонга тушган оёғи бир ҳафтача оғриб юрди. Айниқса дарахтга чиқаётганларида ёмон оғриди.

Куз кирди. Гулдурлаган буғу овозлари тоғларни ларзага солди. Уэб бу овозларни ҳар кечаси эшитди. У бир неча бор улкан шохли буғулардан қўрқиб, дарахтларга чиқиб қочди. Ўрмонга овчилар келадиган бўлиб қолди, юқори тарафдан эса ёввойи ғозлар ғағиллаши эшитиладиган бўлди. Шунингдек, ўрмонда янги-янги ҳидлар пайдо бўлди. Уэб шу ҳидлардан бирини мўлжаллаб борди. Бир неча майда-чуйда ходалар уюмига дуч келди. Мазали ҳиддан бўлак яна бир шундай бемаза ҳидни сездик, бу одамнинг ҳиди бўлиб, у бу ҳиднинг нима-лигини онагинасини йўқотган куни яхши билиб олган эди. Бу ҳид унчалик ўткир анқимаётган эди. Шундай бўлса ҳам Уэб теваракни яхшилаб искаб чиқди, бу ҳид нариги ходалар уюмидан келаётганига амин бўлди. Мазали ҳид эса орқадаги чакалак остидан келаётган эди. У орқадан айланаб келиб, чакалакни жойидан сурди, қўйилган тузоққача борди, қараса — бир парча гўшт турибди. У гўштни олиши биланоқ, хода уюми ерга ағанаб тушди.

Уэб бу кутилмаган тасодифдан сапчиб тушди, ҳар ҳолда бир парча гўштни олиб, қочиб қолишга улгурди. У «бемаза инсон ҳиди ҳамиша яхшиликка олиб бормаслигига» яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Ҳаво борган сайин совиди, Уэбнинг уйқуси келди. У одатда совуқ кунлари кун узоғи ухлар эди. Яна шундай ухлай деса, ётадиган тайин жойи йўқ. Ҳар ҳолда, кун очиқ вақтлари, бўрон турган пайтлари паналайдиган бир-иккита жойлари бор эди. Шулардан бири томирлар тагидаги ин бўлиб, у шу ерни жуда хуш кўрар эди. Шамол туриб, қор ёғиб бошлаганда Уэб шу инга биқиниб ётиб олиб, уйқуга кетди. Бўрон зўрайгандан-зўрайди, қор кучайди. Қор дарахт шохларини ёпиб, уларни эгиб юборди, бўрон шохларни қордан озод қилди, яна шохларга қор тушди. Қор тоғларга ёғди, дараларга ёғди, жарлар қорга тўлди. Уэбнинг макони узра қор уюми пайдо бўлди. Қор уюми Уэбни совуқдан сақлади. Уэб ўзининг сержун пўстинига ўралиб, ухлагандан-ухлади.



## V

Барча айиқлар каби Уэб ҳам қиши билан ухлади. Баҳор келганда уйғониб, ўзининг хўп ҳам кўп ухлаганини англади. У уйқу давомида унчалик ўзгармади. Фақат етилиб, бир оз озди, холос. У жуда оч эди, шу сабаблиям маконини ҳамон қоплаб ётган қор уюмини ёриб чиқиб, ўзига тамадди излаб кетди.

Бироқ ҳали кедр ёнғоғи ҳам, мева ҳам, қумурсқа ҳам йўқ эди. У ҳавони ҳидлаб, димоғи бир ҳидни туйди, шу ҳидни олиб, жарга йўл олди, қараса, қишда отиб ўлдирилган буғу жасади ётибди. Бизнинг Уэб ундан тўйганича еди, қолганини бошқа кунлар учун яшириб қўйди. У ҳар куни шу ерга келиб, қорнини тўйғазди. Кўп ўтмай буғу ўлакрасидан асар ҳам қолмади, у икки ойча оч юрди. Уэб шу ойлар мобайнида хийла озди.

Бир марта Ворхаус водийсига бориб қолди. Водий анча илиқ, қуёш тафтига сероб экан, кўкатлари ниш уриб қолган экан. Шу водийда Уэбнинг қорни тўйди. У янада пастга, қуюқ ўрмонзор сари юриб эди, димоғига яна бир куланг айиқ ҳиди келди. Уэб шу ҳидни олиб борди, айиқлар юрадиган сўқмоқ олдидаги ёлғиз дарахтга дуч келди. У орқа оёқлари билан туриб, дарахтни искаб кўрди. Дарахтдан айиқ ҳиди келди. Тананинг оқори роғида айиқ жунлари илашиб ётибди. Демак, дарахтга жуда катта айиқ суйкалган. Уэб узалди, ammo айиқ жунларига бўйи етмади. У ҳаяжонланиб кетди. У кўпдан буён ўз аждодига мансуб бирор айиқ билан кўришишни истар эди. Инчунин, уни ваҳима ҳам босди. Чунки у ўзининг танҳо кечаётган ҳаётида кўргани нуқул ғаним бўлди. У бу улкан айиқ билан қандай қилиб бўлмасин, кўришиш йўлини ўйлади. Уэб ўйлаб ўйига етгунича, тоғ ўнгирида ўша қари айиқ қора берди. Қари айиқ бошини эгиб келар, гоҳо тўхтаб, панжалари билан ердан ёввойи шолғом, мазали томирлар ковлаб олар эди.

Қари айиқ улкан афсонавий махлуққа келбат берар эди. Уэб унга кўзи тушиб, кўнглида бир ҳадик сизди, дарахтлар оралаб чопиб, тепаликка чиқиб олди. Шу ердан туриб, қари айиқни пойлади.

Қари айиқ Уэбнинг изини кўриб қолди. У қаҳр билан ўкириб, изни олиб дарахтга қараб юрди. Орқа оёқлари билан тикка туриб, дарахт танасидан ўсиб чиққан бутоқларни юла бошлади. Сўнг, яна Уэбнинг изидан йўл олди. Уэб жуда қўрқиб кетиб, яна Мититсе дарасига қараб кочди. Дарада

егулик нарсалар жуда танқис бўлганлиги сабабли буёқларга ўзга айиқлар қадам босмаслигига Уэбнинг ақли етди.

Ёз яқинлашиб қолиб, Уэбимизнинг дангасалик феъли тутди. Бадани қичиганда ифлос ерга юмалаб, елкасини томирларга, тошларга ишқади. У энди дарахтларга чиқолмай қолди. Чунки тирноқлари ҳаддан зиёд ўсиб кетди. Олдинги оёқлари етилган бўлса-да, аммо бурунги куч-қувватини йўқотиб, бўшашиб қолди. У янги бир одат чиқарди: дарахтга суйкалаётганда тумшуғини иложи борича баландроқ кўтаришга уринди. Дарахтга ҳар гал келганда тумшуғини янада юқорига кўтара берди. Натижада у борган сайин ўсиб, куч-қувватга тўлиб борди.

Уэб Мититсе дарасининг гоҳ уёғида-гоҳ буёғида кезиб юриб, ўзини бу ерларнинг эгасидай ҳис қилди. Турли-туман дарахтларга суйкалиб, барчасида из қолдирди. Шундай йўл билан юрадиган йўллариغا белги қўйиб чиқди.

Кеч куз эди. Бир куни Уэб ўз қарамоғидаги ерларда қора айиқни кўриб қолди. Уэбнинг қаҳри келди. Қора айиқ янада яқинроқ келди, шунда Уэб унинг жигарранг-қизилчадан келган башарасини, кўкрагидаги оқ қашқани, чиноқ қулоғини аниқ кўрди, димоғи ҳидини сезди. Бу ҳид бир вақтлар уни Пайни дарёсига қувиб юборган қора айиқ ҳиди эди. Қора айиқ жуда кичрайиб қолган эди! У бир вақтлар Уэбнинг кўзига жуда улкан бўлиб кўринарди. Энди эса Уэб уни панжалари билан бир солиб юмалатишига кўзи етди. Энди Уэб бу қизилбурун айиқдан ўч олишга қудрати етишини англаб, ич-ичидан қувонди. Буни сезган қора айиқ олмаҳондай питиллаб, дарахтнинг учига чиқиб олди. Уэб унинг изидан бормоқчи бўлиб, дарахтга шунча тирмашди, аммо чиқолмади. Ниятидан воз кечиб, нари кетди, қора айиқнинг заҳарханда йўталишини эшитиб, қаҳри келди, бир неча бор изига қайтиб, яна кетди. Шу куни кечроқ қора айиқ чиқиб олган дарахтга яна қайтиб келди, аммо қизилбурунни тополмади.

Ёз охирлаб қолди. Дара юқорисида емиш камайиб қолди. Бир кечаси Уэб емиш излаб Қуйи Мититсе тарафга жўнади. Шамол димоғига мазали бир ҳидни олиб келди, у ҳидни олиб бориб, ҳўкизнинг маслиқи устидан чиқди. Маслиқ тева-рағида бир нечта чиябўрилар чўнқайиб ўтирар эди. Улар Уэбнинг кўзига у кўрган чиябўрилар олдида жуда майда, ногирон кўриниб кетди. Чиябўрилар-

нинг бирови ўлаксининг шундай бошида турар эди. У турган ерида ўзича осмонга сапчир, ҳеч қаёққа кетмас эди. Уэб уни кўриб, кўнглида яшириниб ётган эски дарди қўзғади. У чиябўрига ташланди, уни панжалари билан бир уриб, бир парча пўстакка айлантирди-қўйди. Тўғри, чиябўри ҳам уни тишлаб-тишлаб олди, аммо қовурғалари айиқнинг панжалари орасида қисир-қисир синди, айиқ ўз оғзида унинг илиқ қони мазасини туйди. Уэб ҳузур қилди! Уэб ланнати темир ҳидини сезиб, чиябўрини ерга ташлаб юборди: чиябўрининг жасади қопқонга тушиб қолган, шу туфайли у турган жойида сапчиган экан.

Уэб бир неча қадам босиб эди, бирдан шиқ этган товуш чиқди, оёғи беихтиёр бўриларга қўйилган қопқонга тушиб қолди.

У дарров бир вақтлар қопқондан қандай қилиб озод бўлганини эслади. Орқа оёғи билан иккала пружинани босиб туриб, оёғини тортиб олди.

Теварақдан Уэб учун жирканчли бўлган одам ҳиди анқиди. У дарё оқими бўйлаб пастлаб кетди, бироқ одам ҳиди шу ёққача келди. Ноилож қолиб, яна кедр ўрмонларига қараб жўнади.

## VI

Айиқчамизнинг ҳаётида учинчи ёз келди. Уэб катта айиқ бўлиб қолди. Лекин ҳали айиқ деса дегудай улкан, кучга тўлмаган эди. Аммо жунлари кўзни ўйнатди. Шу боисдан ҳам Шошон тоғларида яшовчи Спават деган ҳинду овчи бир неча бор айиқнинг изидан тушди, худди шу овчи айиққа «Уэб», яъни «ярқироқ пўстин», дея ном берди.

Спават бинойидай овчи эди. У бир суни Мититсе дарёсининг юқори оқимида Уэб суйкалган дарахтни кўриб қолди. Спават, дарахтга суйкалган айиқ улкан айиқ эканини, у қаерда бўлса ҳам шу атрофда эканини сизди. У водийни кўп кезди, ниҳоят, Уэбни отиб, елкасидан ярадор қилди. Уэб оғриқдан инграб юборди, аммо ғаними билан олишгиси келмади. У водий бўйлаб юқорига йўл олди, тоғ этагидан ўтиб, овлоқ бир жой топиб, ётиб олди. Кўнглининг майлига қараб, ярасини даволади. Ярасини тинимсиз ялаб турди, қимирламадан ётди. Уз-ўзини даволашнинг бундан афзал йўли йўқ эди. Ярасини ялаб, ундан ҳар хил ифлосликларни олиб ташлади, яраси теварагидаги жун-

лар тупуги тегиб, бир-бирига ёпишиб қолди, оқибат, жунлари ярани ташқи таъсирдан — шамолдан, чанг, зараркунандалардан пана қилди.

Аmmo Спават Уэбнинг изидан келди. Уэб ётган ерида тобора яқинлашиб келаётган ғаним ҳидини сезди, тоғнинг юқорироғига чиқиб бекинди. Уэб кўп ўтмай бу ерда ҳам овчи ҳидини олди. Айиқчамиз яна йўлга тушди. У ғанимидан чекиниб бораверди, ниҳоят, Спаватнинг иккинчи ўқи унга янги дард келтирди. Шунда, Уэбнинг қаҳри қайнаб кетди. Онагинаси оламдан ўтгандан буён одам, темир, милтиқ ҳидидан кўрқиб қолган эди. Айни шу дақиқада эса танасида кўрқувдан асар ҳам қолмади. Оғриқларга зўрға бардош бериб, тоғнинг янада юқорисига кўтарилди, катта камар остидан ўтди, уни айланаб ўтиб, яна юқори кўтарилди, сўнг камарга қайтиб келиб, унда бекиниб ётиб олди. Спават айиқнинг изидан келди. Милтиқ билан пичоқ олиб олган Спават шошиб-суриниб изларни кузатди. Излардаги қонни кўриб, хурсанд бўлди. Узида йўқ қувониб, сертош тоғ ёнбағри бўйлаб юқорилади. Дўнгда Уэб бор азоблари, ғазабларини ичига ютиб, пайт пойлаб ётди. Тиниб-тинчимас овчи унга тобора яқинлашиб келди. Унинг бутун диққат-эътибори қонли изларда. У шу сабаблиям дўнгликка ақалли бирор марта бошини кўтариб қарамади.

Уэб эса унга ўлим тилаб келаётган ҳиндуни аниқ кўриб, қўланса ҳидини сезиб турди. У бор кучини йиғиб, қалтираётган ярадор оёғини босиб, ўрнидан турди. Бор сабр-тоқатини йиғиб, пайт пойлади. Қулай пайти келиб, соғлом панжаси билан Спаватни шундай солдики, ҳинду миқ ётган овоз чиқаролмай учиб тушиб, пастга юмалаб кетди. Бу зарбада Уэбнинг овчига нисбатан бўлган нафрати жамланган эди. У шундан кейин ярасини даволаш учун холироқ макон излаб кетди. Уэб шу кундан бошлаб Спават ҳиндуни қайтиб кўрмади. Кўнгли хотиржам бўлди.

Шундай қилиб, бизнинг Уэбимиз тинчлик, оёйишталикда яшаш учун курашиш, яна ҳам курашиш кераклигини ана шунда билди.

## VII

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Ҳар қиш келган сайин Уэб камуйқу бўлиб қолди, ҳар баҳор келганда эрта уйғонадиган одат чиқарди. У улкан айиқ бўлди, у билан юзма-юз бўладиган ғанимлариям

камайди. Олти йил деганда баҳайбат, бақувват, маъюс айиқ бўлиб етилди. У онагинаси билан жигарларини йўқотгандан буён меҳр-муҳаббат нима, дўстлик нималигини билмай ўсди.

Муҳаббат Фасллари кетидан муҳаббат фасллари ўтди. Аммо Уэбнинг бирор айиққа кўнгил берганини ҳеч ким кўрмади, ҳеч ким эшитмади. Уэб ёшлигида қандай ёлғиз бўлса, куч-қувватга тўлганида ҳам шундай ёлғиз бўлиб қолди. Айиқларга эса, ёлғизлик ярашмайди. Унинг маъюс, бадқовоқлиги кучи билан бирга етилди. Уэбга дуч келган одам, уни ғоятда хавфли айиқ дейиши турган гап эди.

Уэб Мититсе дарасига қадам қўйгандан буён шу ерда яшаб қолди. Фейл-атвори қопқонларга оид саргузаштлар, турли ёввойи ҳайвонлар билан бўлган олишувлар жараёнида шаклланди. Энди унга ҳеч қайси бир ҳайвон писанд бўлмай қолди. Қопқонлардан ҳам қўрқмайдиган бўлди, чунки у темир билан одам ҳидини жуда яхши пайқаб олди. Айниқса олти ёшида бошидан кечирганлари Уэбга улкан сабоқ бўлди.

Бир куни у ҳавони искаб, ўрмонда қандайдир бир ўлакса борлигини сезди. Ҳидни олиб бориб, мазали буғу гўштига дуч келди.

Гўшт сочилиб ётибди. Теварақдан одам билан темирнинг билинар-билинмас қўланса ҳиди анқиди. Гўшт Уэбнинг кўзини ўйнатди... У гўштни гир айланди, орқа оёқларида тик туриб, унга баланддан қаради, сўнг, эҳтиёт билан олдинга юрди. Шунда, бирдан ўкириб, ўзини уёқдан-буёққа отди. Олдинги чап оёғи айиққа қўйиладиган қопқонга тушиб қолди. Бу, Уэб осонгина қутулиб кетадиган қундуз қопқони эмас эди, бу бир пуд келадиган айиқ қопқони эди.

У ғазаб билан қопқонни тишлаб торта бошлади, талвасага тушиб, оғзидан кўпиклар оқди. У ўзининг эски усулини қўллади. Қопқон пружиналарига орқа оёқларини тираб, ўзининг бор оғирлигини ташлади, бўлмади. Шунда у қопқоннинг қозигини суғуриб олди, қопқонни шалдир-шуддир қилиб, тоққа судраб кетди. Йўл-йўлакай бир неча бор қопқондан қутулиш йўлини қилди, бўлмади. Йўлда кўндаланг бўлиб ётган дарахт кундасига дуч келди. Шунда, Уэбнинг хаёлига яхши фикр келди. Кунда олдига келиб, забардаст елкасини кундага тиради, орқа оёқларини қопқон пружинасига қўйиб, бор кучи билан босди. Бу сафар пружиналар бардош беролмади, қопқон очилиб, Уэб

оёғини чиқариб олди. Оёғини-ку, чиқариб олди, аммо шарт қирқилган бош бармоғи қопқонда қолиб кетди.

Бечорагина айиғимиз яна ярасини даволаш билан машғул бўлди. Бир неча вақтлар чапақай бўлиб қолди. Масалан, бирор тошни ағдармоқчи бўлса, олдинги ўнг оёғида туриб, чап оёғи билан ишлади. Шу сабабли бизнинг Уэбимиз бир қанча вақт тош, кундалар остида бўладиган мазали егуликларни ололмай, бенасиб бўлиб қолди.

Ниҳоят, яраси битди! Аммо бу воқеа Уэбнинг кўнглидан кетмади. Шундан буён инсон билан темир ҳиди Уэбнинг жинини кўзгайдиган бўлди.



## VIII

Бир сафар Уэб ўзига тааллуқли ернинг энг олис чеккасига бориб қолди. У бу ерларда кўпдан буён бўлмаган эди, шу боисдан одамлар яшайдиган бир кулбага кўзи тушиб, ҳайрон бўлиб қолди. Уэб теваракни айланди, шамол эсаётган тарафга ўгирилиб ҳавони ҳидлади, шамол димоғига инсон билан милтиқ ҳидини олиб келди, унинг қаҳри қайнади. Шу пайт «пақ!» этган товуш янгради, Уэб чўлоқ чап орқа оёғида кучли оғриқ сизди. Уэб ўгирилиб, янги қурилган кулбага чопиб бораётган одамни кўрди. Борди-ю, Уэб елкасидан ўқ еганда ожиз бўлиб қоларди, аммо у бор-йўғи оёғидан яраланди, холос.

Уэбнинг қудратли панжалари қарағай ходаларини мисоли чўпдай ўйнатади, бу панжаларнинг бир зарбаси энг зўр тоғ буқасини чалпак қилади, тирноқлари қоядаги ҳар қандай улкан тошни узиб олади, жон олувчи оддий бир милтиқ унинг учун нима деган гап?

Кечқурун Уэбни отган одамнинг ўртоғи уни кулбасига излаб келди. У кулбадан ўртоғининг жасадини топди. У кулба олдидаги қонларни, ўртоғи қалтироқ қўли билан газета орқасига битган номани кўриб, нима гаплигини тушунди.

Номада шундай сўзлар бор эди:

*Уэб абжағимни чиқарди. Мен уни сув бўйида кўриб отган эдим. Кулбамга қараб қочган эдим, изимдан етиб олди. Авзойи баданим зирқираб оғрияпти! Жек.*

Жекнинг ўртоғи Миллер номани ўқиб бўлиб, шу айиқни отиб ўлдиришга қасам ичди. У Уэбнинг изини олиб, дарага жўнади, кун бўйи тентираб юрди. Тузоқ ташлади, қопқон қўйди, аммо Уэб-

нинг қорасиниям кўрмади. Ниҳоят бир куни Миллер қарсиллаган, дукиллаган товушларни эшитди, сўнг, бир нафар оҳуни ҳуркитиб, нишабликдан ўрмон сари юмалаб кетган улкан тошга кўзи тушди.

Миллер аввалига кўчки кўчяпти, деб ўйлади. Сўнг, Уэб қумурсқа қидириб тош ағдараётганини билди.

Шамол Уэб тарафдан эсди, шу боисдан ҳам одам ҳидини сезмади, Миллер бундан фойдаланиб айиқни яхшилаб кўриб олди.

Улкан Уэб оқсоқланиб, оёғи оғриганда инграб, томоқ дардида изғиди.

Миллер ўзини панага олиб, ўзича ўйлади: «Уни ҳозир ерга ё юмалатаман, ё хато кетаман». У чийиллатиб ҳуштак чалди.

Айиқ қоққан қозиқдай қотиб қолди, қулоқларини динг қилди. Миллер унинг бошини мўлжалга олди. Уқ Уэбнинг улкан жундор бошини ялаб кетди, холос. Уэб, отган одам тутун чиққан ерда эканини англади, лапанглаб, ўша ёққа югурди, ғанимига ёпишди.

Миллер милтиғини ташлаб қочди, шу яқиндаги яккаю ягона узун дарахтга чиқиб олди. Уэб дарахт теварагида бекордан-бекорга асабийлашиб, дарахт пўстлоқларини тишлаб, тирнаб юрди. Чунки у овчи чиқиб борган шохгача барибир чиқолмасди. У дарахт остида тўрт соатча айланиб юрди, сўнг, оҳиста-оҳиста чангалзор оралаб, кўздан ғойиб бўлди. Миллер Уэбнинг чиндан ҳам кетганига ишонч ҳосил қилиш учун дарахт учида яна бир соатча ўтирди. Сўнг дарахтдан тушиб, милтиғини олди-да, кулбасига йўл олди.

Бизнинг Уэбимиз жуда айёр эди. У жўрттага дарахтдан олислаб, яна изига қайтиб келди, паналаб, дарахтни пойлади. Миллер ерга тушиб, дарахтдан хийла олислади, энди ҳар қанча югурсаям дарахтга етиб келолмайдиган масофага бориб қолди. Ана шунда бизнинг Уэбимиз овчини қувиб бошлади! Ярадор бўлса-да, Миллердан кўра илдамроқ чопди. Тўрт милча чопиб, Миллерга етиб олди, инсон айиқни нима қилмоқчи бўлган бўлса, акси бўлди, айиқ инсонни шундай қилди.

Орадан кўп вақтлар ўтгандан кейингина Миллернинг ўртоқлари унинг милтиғини топиб олди, нима гаплигини билди. Шундан кейин Мититсе водийсидаги кулба бузиб ташланди. Чунки унга ҳеч ким кўчиб келмади. Аниқроғи, даҳшатли айиқ ҳукмронлик қилаётган бу кўримсиз ерларда ҳеч кимнинг яшагиси келмади.

## IX

Кунларнинг бирида Мититсе дарёси юқори оқимида олтин топилди. Дарров олтин изловчилар пайдо бўлди. Улар тоғ қоялари оралаб изғиди, ерларни ковлаб, ариқ сувларини лойқалатиб ташлади. Уларнинг кўпчилиги ёши ўтиб қолган одамлар эди. Улар айиқлар мисол доимо тоғда яшади. Айиқлар каби дуч келган ерни ковлаб, қазиб ташлади, аммо айиқлардек мазали, соғлом томирлар излаб эмас, еб бўлмайдиган сариқ қум излаб шундай қилди. Худди айиқлардек улар ҳам осойишталик истади, ўз ҳолига қўйишларини истади.

Олтин изловчилар бизнинг Уэб билан келишиб кетди. Уэб уларни дастлаб кўрганда орқа оёқларида тикка турди, кўзлари нафрат билан ёнди. Олтин изловчиларнинг кексароғи ёнидагига шундай деди:

— Индама, сен индамасанг, уям индамайди!

— Қара, қандай баҳайбат-а! — ҳаяжонланиб деди униси.

Уэб уларга ёпишмоқчи эди, лекин нимагадир ниятидан қайтди. У албатта одамларнинг гапига тушунмади, аммо улар билан шу кунгача кўрган одамлари ўртасида фарқ борлигини англади. Уэб яна одам, темир ҳидини сезди, лекин бу ғалати ҳид ундай қўланса эмас эди, шу сабаблиям унинг аччиғи келмади.

Одамлар турган жойларида қотиб тураверди. Шунда Уэб бўғиқ ўкириб, шаштидан тушди, индамай бурилиб кетди.

Шу йил охирида бизнинг Уэбимиз яна ҳалиги қизилбурун айиққа дуч келди. Қизилбурун майдагина бўлиб қолибди! Уэб уни бир уриб, Грейбул дарёсидан ошириб юбориши мумкин эди!

Қора айиқ Уэбни кўриб қолиб, апил-тапил дарахтга чиқиб олди. У бақалоқ, хомсемизлигидан ҳансираб нафас олди. Уэб дарахт олдига келди, узалиб, панжаларини тўққиз футча юқорига чўзди. Дарахт пўстлоғини сидириб олди. Дарахт айиқ панжалари зарбасидан ларзага келди, шохида ўтирган қора айиқ қалт-қалт қалтираб, кўрққанидан чинқириб юборди.

Уэб қора айиққа қараб, ўша Пайни дарёси, емишга сероб ўрмонларни эслади. У дарахт шохида қалтираётган айиқни ўз ҳолига қолдириб, Пайни дарёсига йўл олди. Кўп ўтмай мева-чева, қумурсқаларга мўл Пайни ўрмонларига етиб келди.

Пайни ўрмонлари шундай хушрўй, шундай



хушрўй! Афтидан, бу ерларга ҳали биронтаям кулранг айиқ қадам қўймаган эди. Чунки бу хушманзара ерларга қора айиқлар ҳукмронлик қиларди. Энди эса уларга қулоқ солмасаям бўлади.

Уэбнинг димоғи чоғ бўлди. У авваламбор чўмилиб, пок-покиза бўлди. Сўнгра Пайни дарёси билан Грейбул сойининг қоқ ўртасидаги дарахт олдига келди. Елкаси билан дарахтга суйкалиб, ердан саккиз футча баланд келадиган жойга тамға қолдирди.

Уэб эртаси кунлари Шошон тоғларининг қўйи қияликлари бўйлаб кезди. Қадам қўйган ерларини ўзига қарам қилиб олаверди. Масалан, қора айиқ суйкалиб кетган қуриган дарахтни учратса, баҳайбат панжалари билан бир уриб, юмалатаверди. Борди-ю, биронта кўм-кўк дарахт танасида қора айиқ белгиси учратса, унда шу дарахтнинг янада юқорироғига темирдай панжалари билан ўзининг тамғасини ўйиб қолдирди.

Бу ерларда қора айиқлар кўп ҳукмронлик қилди. Улар олмахонларнинг дарахт ковакларига яшириб қўйган жамғармаларини еб тамомлади. Олмахонлар энди топган-тутганларини тошлар остига бекитиб қўядиган бўлди. Чунки қора айиқлар бу тошларни кўтаролмайди. Уэб эса уларни осонгина тўнкариб ташлаб, остидаги емишни олиб еди. У ўрмондаги ҳар тўрт ёки бешинчи тош остидан олмахонлар насибасини топиб еди, баъзан мўл-кўл овқат топди. Уэб уларни бамайхотир, пок-покиза туширди.

Уэб қаердан юрган бўлса, барча ерга манавиндай айиқча ёзма қолдирди:

«Чегарани бузувчилар, эҳтиёт бўлинглар!»

Бу ёзмаларни дарахт танасининг юқорисига битди, унга фақат ўзининг бўйи етарди. Бу дарахт олдига қадам босган кимса, Уэб қолдирган белги, ҳид ҳамда жунларини кўриб, бу ерларни улкан кулранг айиқ макон этганини билиб олар эди.

Уэбнинг онагинаси омон бўлганда эди, унга баҳори яхши келган ернинг ўзи ёмон бўлишини ўргатар эди. Уэб бошидан кечирган ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб яшади, йил фасли алмашганда яшаш жойини алмаштирди.

Масалан, илк кўкламда пода боқиладиган, буғулар юрадиган ерларда яшаган яхши. Чунки бу ерларда қишдан чиқолмай қолган молларнинг ўлак-саси кўп учрайди. Ёз бошларида офтоб тафти урадиган адир ёнбағирларида емиш топиш осон. Мазали томирлар, ҳинд шолғоми топилади. Ёз охирларида эса дарё бўйидаги ўт-ўланларнинг ме-

васи пишади. Кузда бўлса қарағайзор ўрмонларда истаганча емиш топилади, шулардан баҳраманд бўлиб, қишга куч-қувват тўпласа бўлади.

Уэб ҳар йили у ердан-бу ерга кўчиб, қўл остидаги ерларни кўпайтирди.

У Пайни ҳамда Мититсе дарёларининг чўмиладиган жойларини қора айиқлардан халос этди, сувнинг нариги бўйидаги Ворхаус водийсига ўтиб бориб, уни бир вақтлар худди шу ерлардан қувиб юборган ўша қора айиқни ўлдирди.

Уэб нафақат янгидан-янги ерларни забт қила олди, шунингдек, уни ҳимоя ҳам қила олди.

Бир куни Уэбга қарашли Мититсе дарёсининг ўрта оқимида ферма қуриш учун қулай жой излаб юрган одамларнинг қароргоҳлари пайдо бўлиб қолди. Уэб уларнинг отларини ҳайдаб юбориб, қароргоҳларини бузиб ташлади.

Шундай қилиб, шу яқиндаги жамики жониворлар, одамлар Франко чўққисидан тортиб Шошон тоғлари ёймаларигача бўлган ерлар Уэб деган айиққа қарашли эканини, у керак бўлса ўз мулкини ҳар қандай шумқадамдан ҳимоя қила олиши мумкинлигини билиб олди.

Дарҳақиқат, Уэб фавқулодда бақувват айиқ эди, унга ҳеч ким очиқдан-очиқ ҳамла қилолмасди. Шунда, ғанимлари уни айёрлик йўли билан енгмоқчи бўлди. Аммо уям анойи эмасди, ёшлигида қопқонга тушган ҳангомалари ҳамон эсида эди. Шу боисдан у инсон билан темир ҳиди анқиган ерга яқин йўламади, натижада ғанимлари қўйган қопқонга тушмади.

Шундай қилиб, Уэбнинг танҳо умри емиш излаб улкан тошларни қамишдай юмалатиб, баҳайбат дарахт кундаларини гугурт чўпидай ағдар-тўнтар қилиб ўтди. Тоғ, ёймалардаги жониворлар Уэбнинг кимлигини яхши билиб олди, бир вақтлар бахти қаро бўлиб юрган Уэбни кўрганда, олдига тушиб қочадиган бўлди.

Уэб, бир вақтлар уни бир қора айиқ хўрлагани учун жуда кўп қора айиқларни нобуд қилди. Дарахтларга чиқиб қочган ёввойи мушукларни қувиб бориб, борди-ю, дарахт қуриган бўлса, уни ерга ағанатиб, устидаги мушук-пушуги билан бўлак-бўлак қилиб ташлади. Ҳатто ёввойи отлар галасининг мағрур айғири ҳам Уэбга дуч келса, унга йўл берадиган бўлди. Уэб пайдо бўлганда улкан бўз ўрмон бўрилари, тоғ йўлбарслари ҳам ўлжаларини ташлаб қочадиган бўлди. Уэб мармаракзор ёймаларда қора берганда, кийиклар кўзига қарамай

қочди. Йўлида бирор фаросатсиз улкан тоғ буқаси учраб қолса, Уэб уни баҳайбат панжалари билан бир уриб, қовурғасини синдириб кетаверди. Ешлигида кўрган кўргиликлари энди асқотди, у иродали, тажрибали ҳам ақлли айиқ бўлди.

Уэбнинг ёлғизона ҳаёти ана шундай ўтди. Ҳамиша қовоқ солиб, ҳеч нимадан тап тортмай, доим олишувга шайланиб юрди, ҳаётдан ҳамиша бир тилакни тилади: уни тинч қўйсалар бас. У бор-йўғи бир нарсадан — ўзининг улкан куч-қудратидан завқ олди, дабдаласи чиққан ғаними сулайиб қолганда, баҳайбат тошни кўтариб отганда, унинг синиқ парчалари осмонга сачраганида, кўнгли завқ-шавққа тўлиб кетди.

## Х

Кимда-ким ҳидни яхши билса, у ҳар бир нарсанинг ўзига хос ҳидини аниқ фарқлай олади. Уэб бутун умри давомида турли-туман ҳидларни ўрганди. Тоғларда анқийдиган кўпгина ҳидларни яхши ажратиб олди. Уэб ҳар бир нарсани унинг ҳидидан биладиган бўлди.

Ҳар бир нарса Уэбни ўзига чорлади: «Мана мен!»

Арча, наъматак мевалари, қулупнайлар нафис, хушовоз билан куйладилар: «Мана, биз мевалармиз, мевалармиз!»

Улкан игнабаргли ўрмонлар бор овозлари билан куйладилар: «Мана биз, қарағайлармиз, кедрлармиз!»

Уэб шу ўрмонлар олдига келиб, янада нафис куйни эшитди: «Мана биз, кедр ёнғоқлари!»

Май ойи еллари мевали томирлар қўшиғини олиб келди: «Биз мазали томирлармиз, биз мазали томирлармиз!»

Уэб томирлар олдига бориб, ҳар бирининг қўшиғини алоҳида-алоҳида эшитди.

Ҳар бир томир ўзининг дил сўзларини айтди: «Мен пишиб етилган, мазали, улкан томирман!» Яна бири қаттиқ кетди: «Мен ярамас, қаттиқ томирман!»

Барқ уриб етилган куз қўзиқоринлари баралла овоз берди: «Мен бўлиқ, тўйимли қўзиқоринман, мана мен!»

Заҳарли қўзиқорин, қурбақасаллалар қичқирди: «Мен қурбақасалламан, менга тегинма, оғриб қоласан!»

Гулларнинг-да ўз овози бор. Дара ёнбағридаги қўнғироқгуллар ўз бандларидай нозик, осмонранг гулбаргларидай нафис қўшиғини айтди. Аммо Уэб

гуллар қўшиғига қизиқмади, гуллар қўшиғини эшитмади.

Шундай қилиб, ҳар бир кимирлаган жон, ҳар бир гул, ҳар бир қоя, тош Уэбнинг димоғига ўз дардини айтди. Уэбнинг катта-катта, ҳамиша нам бурунлари туну кун, туманли, ёруғ ҳаво кунлари зарур нарсаларни тез илғаб олди. Аҳамиятсиз нарсалар олдидан бепарво ўтди. Кунлар ўтган сайин димоғига ишониб яшади. Кўзлари билан қулоқлари минг гапирсаям ишонмади, фақат димоғининг: «Ҳа, шундай!» деган гапига ишонди.

Уэб юзлаб ҳидларни таниб олди, минглаб ҳидларга эътибор бермади, кўплари димоғига ёқмади, яна кўплари қаҳрини қўзғади.

У Пайни дараси юқорисига бориб эди, ғарбдан эсаётган шамол димоғига ғалати бир ҳидни олиб келди. Уэб ҳидга эътибор бермади, ҳид жуда қўланса эди. У ҳар эҳтимолга қарши ҳид келаётган тарафга яқин бормади.

Бир куни шимол шамоли димоғига ўзгача бир ғалати ҳидни олиб келди. Уэб бу ҳиддан тезроқ қочиб қолгиси келди.

Уэб энди ёш эмас эди. Мана, қачонлардир кўп марталаб яраланган орқа оёғи оғриб бошлади. Ҳаво айниганда, кечаси совуқ бўлганда эртасига оёғини зўрға босадиган бўлди. Оёғи оғриб, оқсаб юрган кунларининг бирида ғарб шамоли димоғига яна ўша ғалати ҳидни олиб келди.

Уэб бу ниманинг ҳиди эканини билолмади, аммо ич-ичидан бир нидо уни ҳид тарафга ундади: «Бор!»

Қорни тўқ ҳайвон емиш исини олса, кўнгли айнийди, қорни оч ҳайвон емиш исини олса, кўнгли кетади. Шу пайтгача ғарб шамоли олиб келаётган ғалати ис Уэбнинг кўнглини айнитаётган эди. Энди эса шу исга кўнгли кетди. У ўзича пинғиллаб, юзларига урилган чангалларни четга суриб, сўқмоқ бўйлаб тоққа ўрлади.

Ғалати ҳид борган сайин зўрайиб, уни чорлади. Ниҳоят, умрида қадам қўймаган ерга етиб келди. Бу оппоқ қумлар қоплаган тоғ нишаблиги эди. Камар ёриғидан чакиллаб сув томар, ўрадан ғалати буғ чиқарди. Уэбнинг димоғи қомагга келди: қандай нотабий ҳид! У камарнинг устига чиқди. Бир илон қумни оралаб юрди. Уэб панжалари билан илонни шундай солди, зарбидан теваарадаги дарахтлар зириллаб кетди, бир тош чирсиллаб майдаланиб, пастга учиб кетди. Яна тагин Уэб шундай ўқирди, дарадан акс садо келди. Сўнг

буғ қошлаб ётган ўра олдига келди. Ура тўла сув эди, сув оҳиста тўлқинланиб, буғланиб турарди. Уэб сувга оёғини тиқиб кўрди. Сув илиқ бўлиб, оёғига хуш ёқди. Шунда Уэб ҳар иккала оёғиниям сувга солди. Кейин ўзиям бутунлай кириб қўя қолди, сув қирғоғидан тошди. Уэб осмонранг илиқ сувда ялпайиб ётиб олди. Боши узра илиқ буғлар айланди.

Серқоя тоғларда бундай шифоли булоқлар кўп, аммо Уэбга қарашли ерларда бор-йўғи битта эди. У бир соатларча сувда ётди. Сўнг, камарга ўрмалаб чиқди. Оёғидаги оғриқ қолиб, ўзини енгил, яхши ҳис этди.

У силкиниб, теваракка жунларидан сув сачратди, сўнг офтобрўй дўнгликка йўл олди. Узала ётиб, ўзини офтобга тоблади. Кейин булоқ бўйидаги дарахтга елкаси билан суйкалиб, белги қолдирди. Булоққа кўп жониворлар келиб, дардига малҳам топиб кетгани шундайгина сезилиб турарди. Аммо Уэб сезиб-сезмасликка олди.

Шундай қилиб, булоқ бўйида эълон пайдо бўлди, эълон ўзининг ҳиди, жунлари билан барча жониворларни мана бундай огоҳлантирди:

«Яқин йўлама, бу менинг чўмиладиган булоғим! Уэб».

Уэб елкалари қуригунча офтобда исиниб ётди. Сўнг чалқанча ётиб, қорнини офтобга тоблади, у ёнидан-бу ёнига ағдарилди. Ўзини янада яхши ҳис қилди. Албатта ўзига-ўзи: «Оёқ оғриқдан қийналиб юриб эдим, шифоли булоқ малҳам берди», деёлмайди, лекин: «Оёғим зирқираб оғриб эди, бадҳид булоқда чўмилдим-у, хийла яхши бўлиб қолдим», дея олади.

Шундан буён оёғи оғриси, булоққа келиб чўмилиб, дардини даволаб кетадиган бўлди.

## XI

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Уэб ўсишдан қолди, аммо очилиб, янада заҳар, янада даҳшатли бўлиб қолди. Қарамоғидаги ерлар янада кўпайди. Ҳар баҳорда ўз ерларини айланиб юриб, қиш изгиринлари ўчириб юборган белгиларини қайтатдан тиклаб чиқди. Яна аниқроғи, Уэб баҳорда емиш излаб изғиди. Чунки баҳорда лойқа чуқурлар сероб бўлар эди.

Уэбнинг бадани қаттиқ қичий бошлади, чунки қиши билан ётавериб заифлашиб қолган жунлари тўкилиб бошлади. У муздай лойга ағанаб олди,

кейин дарахтга суйкалди, шундай маза қилди, шундай маза қилди, тараф йўқ! Ҳар баҳорда ана шундай дарахтма-дарахт суйкалиб юришлари айни вақтда ўчиб қолган белгиларини қайта жонлангирди.

Шундай кунларнинг бирида Пайни дарёси этакларида Палетт фермаси қарор топди. Фермадагилар кўп ўтмай «қари алвасти» Уэбни кўриб қолди. Молларга тамға босувчилар Уэб бор экан, бу атрофда бошқа айиқлар юрмаслигига амин бўлди, Уэбнинг эса йўлини тўсмаслик, у билан ўчакишмасликка қарор қилди. Улар Уэбни кам учратди, аммо изларини ҳар қадамда кўрди. Ферма хўжайини ашаддий овчи бўлиб, у Уэб билан қизиқиб қолди. У бу қари айиқ саргузаштини Пикеттдан сўраб, унча-мунча билиб олди, аммо у Уэб ҳақида Пикетт билмаган нарсаларни ҳам билар эди. Масалан, Уэб жанубда Юқори Виггинс харобалари, шимолда эса Сассиқ сув атрофларида юришини, шунингдек, ғарб билан шарқда Мититседан тортиб то Шошон тоғларигача кезиб юришини биларди.

Шунингдек, Уэб айиққа қўйиладиган қопқон нима эканлигини овчилардан кўра яхшироқ тушунишини ҳам билади. Яна шуни биладики, Уэб қопқонга тушмайди, аксинча, уни айланадиган ўтади, қопқонга тегинмай, қозигини суғуриб олади. Баъзан эса биронта ходани атайлаб қопқонга босиб, уни безарар қилади.

Ферма хўжайини эътибор бериб, Уэб ёзнинг иссиқ кунлари ҳамда қиш уйқуси мавсумида қаерларгадир кетиб қолишини билиб олди.

## XII

Бундан кўп йиллар муқаддам ҳукумат Йеллоустоннинг юқорисидаги ерларни хилват қўриқхонага айлангирди. Улуғ мамлакатнинг жониворлари осойишта ҳаёт кечиршини истади. Дарҳақиқат, у ердаги жониворлар, қушлар қўрқув нималигини билмай кун кечирди. Сокин ўрмонлар болта нималигини билмади, ариқ сувларини завод, конлар булғамади. Бу ерлар ўзининг табиий чиройини сақлаб қолди.

Қўриқхонадан ёввойи жониворлар хабар топди. Жониворлар қўриқхонанинг тевараги ўралмаган бўлса-да, унинг қаердан қаергача эканини яхши билиб олди. Улар бу ерда осойишта умр сурди, феъл-атворлариям ўзгариб қолди. Чунки одамлар билан бемалол юзма-юз бўлади, ҳеч қандай ҳадик сезмайди, ўзлариям одамларга ҳамла қилмайди.

Қўриқхонада емиш мўл эди. Шу боисдан ҳам

Йеллоустонда жониворлар сони борган сайин кўпайди.

Қўриқхонанинг қоқ ўртасида «Булоқ меҳмонхонаси» ташкил этдилар. «Булоқ меҳмонхонаси» атрофида айиқлар кўп тўпланадиган бўлди. Меҳмонхонадан тўрт милча олисда, ўрмон ичида бир сайхонлик бўлиб, хизматкорлар қолган-қутган овқатларни шу ерга ташлаб келади. Бу емиш қолдиқлари айиқлар учун эди. Айиқлар эса турлитуман, кўп эди: қора, қўнғир, сариқ, кулранг, қумуш тусли айиқлар, катта-кичик айиқлар. Улар орасида бутун бошли оилалар, ёлғиз дайдилари ҳам бор эди. Қўриқхонада бир-бирини қийнаш мумкин эмаслигини улар яхши билади, шу сабабли энг бебошлариям одоб билан юради. Меҳмонхона атрофида ўнлаб айиқлар кун кечиради, бирортасиям одамзотга ҳамла қилмайди.

Айиқлар меҳмонхонага ҳар йили келиб кетади. Хизматкорлар уларнинг кўпчилигини таниб ҳам олди. Айиқлар ёз мавсуми бошланиб, меҳмонхона очилганда келди, ёпилганда яна келган ерларига қайтиб кетди. Улар қаердан келиб, қаерга кетаётганидан ҳеч кимнинг хабари бўлмади.

Бир куни Палетт фермаси хўжайини Йеллоустон қўриқхонасига келиб қолди. У меҳмонхонага кўниб, айиқларни кўргани сайхонликка йўл олди.

У ерда бир нечта қора айиқ сарқит овқатларни еяётган эди. Улар кечқурун жойни улкан кулранг айиққа бўшатиб берди. Йўл бошловчи уни Палетт хўжайинига кўрсатиб, шундай деди:

— Бу қўриқхонамиздаги энг улкан айиқ. Яхшиямки, у оғиргина, бўлмаса нима ҳангомалар бўлмасди дейсиз.

— Манави айиқми? — ҳайрон бўлиб сўради хўжайин.

У айиқни эътибор билан кузатди. Айиқ одатдагидай лапанглаб, гўё далада бир ғарам пичан силжиётгандай салобат билан юрди.

— Э, бу мититселик ўзимизнинг Уэб-ку! У жуда қўрқинчли айиқ, бир пайтлар Катта Шох ҳовузига тўнкаларни юмалатиб юборган ҳам шу эди.

— Бекор гап, — деди йўлбошловчи. — Бу айиқ ҳар йили июль-август ойларида келади, у шу яқин атрофда яшайди.

— Июль-август ойларида келади? Демак, шу айиқ Уэб бўлади. У худди шу ойлари биз тарафдан ғойиб бўлиб қолади, — деди ферма хўжайини. — Ана қаранг, орқа оёғи оқсайди, олдинги оёғининг тирноғи йўқ. Бу айиқ қаерда ёзлар экан деб ҳайрон

бўлардим-а! Лекин бу қари баттолнинг ўз маконидан олисда бунчалик тинчгина юришини хаёлимгаям келтирмаган эдим.

Уэб Йеллоустон қўриқхонасида жуда машҳур бўлиб кетди. Бир сафар бевошлик қилиб қўйди. Ушанда қўриқхонага дастлаб келган йили бўлиб, бу ернинг тартиб-қоидасини ҳали яхши билмасди.

Бир куни меҳмонхона олдига келиб, катта эшикдан тўғри ичкарига йўл олди. Саккиз футча келадиган гавдасини олдинга ташлаб, идорага кириб борди.

Меҳмонхонадагилар қўрқиб, чор тарафга қараб қочди. Уэб идорага кирди. Ичкарида ўтирган идорачи столдан сапчиб ўтиб, ўзини телефонхонага урди-да, ичкаридан қулфлаб олди.

Идорачи қўриқхона бошқарувчисига сим қоқиб, қари айиқ идорага кириб ўтириб олди, кўринишидан меҳмонхонага хўжайинлик қилмоқчи, деди. У шунингдек, айиқни отиб ташласам майлими, деб сўради. Саволига қўриқхонада отиш мумкин эмас, фақат ўт ўчирувчилар шлангидан фойдаланиш мумкин, деган жавоб олди. Идорачи шундай қилди. Буни кутмаган айиқ идорадан чиқиб қочди. Гурс-гурс қадам босиб, орқа эшикка қараб юрди. Ошхонадан ўтаётиб, осиглиқ турган ҳўкиз сонини олиб қочди.

Уэб ана ўшанда бир бевошлик қилиб қўйган эди. Ушандан кейин қандайдир бир айиқ унинг аччиғини келтирди, у яна жамоат тартибини бузди. Бу айиқ қора айиқлар наслига мансуб бўлиб, ўзининг ҳазилкашлиги билан машҳур эди. Унинг бир кўримсиз, нимжон боласи бўлиб, у шу боласи билан гурурланар, боласи учун ҳар нимага тайёр эди. Онасининг эркаси бўлмиш боласи ўзини оламдаги жамики эркалар каби олчоқ тутарди. Онаси жуда улкан, уришқоқ эди. Бошқа қора айиқларга ҳукмронлик қиларди. Шу айиқ бир сафар бизнинг Уэбни ҳайдаб юбормоқчи бўлди. Шунда Уэб унинг қулоқ-чаккасига шунақаям солди, у коптоқдек учиб





кетди. Уэб уни олдига солиб қувди, қўриқхона интизомини бугани учун уни ўлдирмоқчиём бўлди. Она айиқ ундан дарахтга қочиб чиқиб қутулди. Қараса, бечора боласи аллақачон дарахт устида ўтирар, қўрққанидан қалт-қалт қалтирарди.

Она айиқ билан бўлган борди-келди шундай тугади. У энди Уэбга осилмайдиган бўлди. Хизматкорлар Уэб оғиргина айиқ деган хулосага келди. Кўпчилик хизматкорлар, бу айиқ ҳали милтиқ, қопқон бормаган бир чеккадан келган, шу боисдан ҳам одобли бўлса керак, деб ўйлади.

### XIII

Биттеррут кулранг айиқлари дунёдаги энг ёвуз айиқлар экани барчага маълум ҳам машҳурдир.

Биттеррут тизмалари тоғнинг чиқиб бўлмайдиган ерига жойлашган. Тизмаларда бир-бири билан кесишиб кетган чуқур жарликлар кўп бўлиб, уларда чангаллар ўсиб ётибди.

У ерга отда бориб бўлмайди, у ерда отиш ҳам қийин.

Шу боисдан ҳам унда айиқлар кўп яшайди. Овчилар айиқ овлагани кўп-кўп келиб туради.

Биттеррут айиқларини «пахмоқ» айиқ, деб атайдилар. Пахмоқ айиқлар жуда айёр, довжорак бўлади. Қари пахмоқ айиқлар ўт-ўлан билан томирларни ботаниклардан яхши билади, қопқонни эса оддий овчиларга нисбатан дуруст тушунади. Чувалчанг каби ҳашаротлар қаерда, қачон пайдо бўлишини аниқ билади. Бир миль наридан туриб, келаётган овчи ёнида заҳар борми, ит борми, қопқон борми, милтиқ борми ё шуларнинг барчаси борми, шуни аниқ сезади. Пахмоқ айиқларнинг яна бир фазилати, улар овчиларни ҳамиша доғда қолдириб келади: пахмоқлар нимани ният қилса, ниятини ғоятда тез, охиригача бекаму кўст қилади.

Масалан, одамзот билан юзма-юз келса, унга ҳамла қилиш ё қочиб қолиш кераклигини тезда амалга оширади. Борди-ю, ҳамла қилса, унда, сўнгги нафасигача олишади.

Бэдленд айиқлари эса ундай эмас. Улар ҳурпайиб, овозини қўйиб ўкириб тураверади. Оқибат, овчи уни отишга улгуради. Шу сабаблиям Бэдленд айиқларининг кўплари қириб ташланган.

Пахмоқ айиқлар бошқа гап. Улар нима қилишини ҳеч қачон билиб бўлмайди.

Биттеррут айиқлари хавф-хатардан қандай қилиб қутулишни яхши билиб олди, шу сабаб-лиям жуда кўп оқ танли овчилар таъқибига қарамай, йил сайин кўпайиб борди.

Аммо ҳар қандай емишга бой ер ҳам барча айиқларни бирдек боқолмайди, кўплари бошқа ёқлардан емиш қидиришига тўғри келади. Бир ёшгина пахмоқ айиқнинг тақдири ҳам шундай бўлди. У туғилган ерини тарк этиб, ўзга ёқларга емиш излаб кетди.

У унчалик бўйчан эмасди, аммо ҳар қандай ерда ишини битириб кетадиган айёр эди. У Буғулар дарёси тоғларига бориб, тевараги тиканли сим билан ўралган Илон ёймасига кириб қолди. Бу ер унга ёқмади, яна йўлга тушди. Бир тасодиф бўлиб, Йеллоустон қўриқхонаси тарафга боролмай қолди, агар борганда ўша ёқда кун кечириб кетган бўларди. Илон дарё тоғига борса, у ерда мева-чевадан кўра овчи кўп экан. Кейин Тетон тоғларига ўтиб кетди. Бу ерда Жексон-Хоул колониясига қарашли одамлар ғиж-ғиж экан. Шундан кейин пахмоқ айиқ Грос-Вентр тизмалари ва Шамол дарёси суви бўлинадиган жой орқали Грейбулнинг юқори оқими тарафга келиб қолди. Бу ерлар эса Уэбга қарашли эди. Шундай қилиб, пахмоқ айиқ Уэбнинг тақдирига таъсир қиладиган бўлди.

Пахмоқ айиқ Жексон-Хоул колониясини тарк этгандан буён одам зотини кўрмади. Ноз-неъматга бой Уэб ерлари пахмоқ айиққа жаннат бўлиб кўринди. Йўлида учраган ноз-неъматлардан татиб юриб, фавқулодда Уэб белги қўйиб кетган дарахтга кўзи тушди: «Чегарани бузувчилар, эҳтиёт бўлинглар!»

Пахмоқ айиқ дарахтга тескари ўгирилиб, ҳайрон бўлиб қолди: «Баччағар, қандай улкан айиқ-а!»

Уэб қолдирган белги дарахтнинг анча юқорисида бўлиб, унга ўзидан бошқанинг бўйи етмас эди. Бунга ақли етган айиқлар индамай кетиб қоларди. Лекин Тепакал лақабли бу пахмоқ айиқ кетмади, у, агар шу улкан айиқ бўлмаса, бу ерларда яшаш жуда маза эканини англади. У теваракни диққат билан кузатиб ҳидлаб, улкан айиқ йўқлигига ишонч ҳосил қилди, сўнг яна емиш излади. Уэб белги қолдирган дарахтдан икки одимча нарида ётган қарағай тўнкани кўриб қолди. У Биттеррут тоғларида худди шундай тўнкалар остидан сичқон инини топиб оларди. Тўнкани ағдариб, бу гал ҳеч нима тополмади. Тўнкани Уэбнинг

белгиси бор дарахтга қаратиб юмалатиб юборди. Шунда, унинг шум хаёлига бир фикр келди. Бошини уёқдан-бу ёққа ирғаб, тўнкага, кейин дарахтга қаради. Сўнг, тўнка устига чиқди, тескари ўгирилиб, яғрини билан дарахтга суйкалиб, дарахт танасига ўзининг белгисини қўйди. У қўйган белги Уэбнинг белгисидан хийла юксак эди. У дарахтга кўп суйкалди. Кейин кўлмак сувни топиб олиб, унда боши билан елкаларини яхшилаб ювиб олди, яна қайтиб келиб, тўнкага чиқиб, яғринини дарахтга ишқади. Натижада дарахт танасида жуда йирик, чуқур тамға пайдо бўлди. Тепакалнинг иши бу жаннатмакон ерлар ҳокимини олишувга чорлаш белгиси эди. У тўнкадан тушиб, уни нарига юмалатиб юборди.

Тепакал душманлардан хавфсираб, теварагига аланглаб-аланглаб, дара пастига йўл олди.

Уэб ўз қарамоғидаги ерларда бегона айиқ юрганини дарров пайқади, йиртқичлиги қўзғади. Ҳафталаб бегона айиқни таъқиб қилди. Лекин шум Тепакал қорасини кўрсатмади. У Уэб белги қўйган ҳар бир дарахтга янада юқорироқдан белги қолдириб кетаверди.

Ҳар гал белги қўяётганда оёқлари остига ҳар хил тўнкалар, тошларни қўйди, дўнгликлардан фойдаланди.

Кўп ўтмай Уэб янги белгиларни кўриб қолди, қараса, қандайдир бир баҳайбат айиқ унинг тамғасидан ҳам юқорироққа ўз белгисини қўйиб кетибди. Уэб бундай улкан ғанимга бас кела олишига кўзи етмади. Аммо у одатича тап тортмай, олишувга шай бўлиб юрди. Ҳар куни ўз ерлари бўйлаб сайр қилиб, ғаниминини пойлади. Ҳар куни ғанимининг изини, у қўйиб кетган янги белгиларни кўрди.

Қари Уэбнинг кўз нури сўнгги вақтларда хийла хиралашиб қолди, якка нарсалар кўзига айқашиб кўринадиган бўлди. У шу боисдан ҳам Тепакалнинг исини олди, аммо ўзини кўролмади. Уэбнинг тишлари, тирноқлари тушиб, ейилиб қолди, тинчлиги хавф остида қолди. Эски майиблари тез-тез қўзғайдиган бўлди, у агар юзма-юз келса ҳар қандай ғаним билан, ҳатто бир тўда ғаним билан ҳам олишувга тайёр бўлиб юрди. Аммо туну кун ғаним пойлаш, диққатбозлик, ғанимнинг панд бериб кетишидан ҳадиксираб яшаш Уэбнинг руҳига, тан соғлигига катта зиён бера бошлади.

## XIV

Тепакал ҳам ҳушёр бўлиб юрди. Изларини адаштирди, Уэб билан юзма-юз бўлиш ўлим эканини тушуниб, доимо қочиб қолишга шайланиб юрди.

У бир неча бор хилватга бекиниб, улкан айиқни кузатди, шамол унинг ҳидини Уэбнинг димоғига олиб боришидан қўрқиб ўтирди. Уни бир неча марта ўзининг сурбетлиги омон сақлади. Бир сафар Уэбдан торгина сўқмоқ бўйлаб ўрмалаб, қояга чиқиб қутулди, чунки Уэб улкан гавдаси билан бу сўқмоқдан юролмас эди.

Тепакал Уэбнинг ерларида тинимсиз кезиб, дарахтларга ўз белгисини қўйишда давом этди.

Бир куни Тепакал шифоли сув исини олди, ўша ёққа қараб юрди. Бу қанақа сув эканини тушунолмади, шундай бўлса-да, чўмилиб, ҳеч қандай фойдасини сезмади. Шунда булоқ бўйида Уэбнинг изларига кўзи тушди.

Тепакал изни кўргач, булоқни иложи борича кўпроқ булғашга ҳаракат қилди. Бир дўнгликка чиқиб, Уэбнинг дарахтдаги белгисидан беш футча юқорироққа ўз тамғасини босди. Пастга тушиб, булоқни ифлос қилиш учун сувга кириб, уёғидан-буёғига югурди. Айни пайтда атрофдан ҳам огоҳ бўлди. Кутилмаганда ўрмон тарафдан ғала-ғовур эшитилди, Тепакал жойида қотиб қолди. Ғала-ғовур борган сайин яқиндан эшитилди, Тепакал қўланса бир ҳидни — Уэбнинг ҳидини сизди. У қўрққанидан шошиб-суриниб, тескари тарафга қараб юрди, дарахтлар орасига бекиниб олди.

Кейинги вақтларда Уэбнинг мазаси қочиб қолди. Оёғидаги эски дарди қўзғади, иккита ўқ қолиб кетган ўнг елкаси оғриб бошлади. Уэб имиллаб, оқсаб келди. Димоғи ғаним ҳидини сизди. Лойдаги изларни кўрди. Излар унча катта бўлмаган айиқники эканини сизди, лекин димоғи улкан айиқдан башорат қилди. Шунда кўзи ўзининг белгисидан ҳам юқорироқдаги бегона тамғага тушди. Уэб бу бегона айиқ шу атрофда эканини, ҳали-замон келиб қолиши ҳам мумкинлигини ҳис қилди.

Уэбнинг мазаси йўқ, эски оғриқлар туфайли анча қувватсиз бўлиб қолган эди. Бу аҳволда ғаним билан олишиш калтафаҳмлик бўларди. У шу сабабли ҳатто чўмилишдан ҳам воз кечиб, изига қайтди, булоққа тескари томонга қараб кетди. Уэб умрида биринчи марта ғаними билан олишувдан воз кечди.

Бу чекиниш Уэбнинг ҳаётида ҳал қилувчи воқеа

бўлди. Афсус, у ғанимининг изидан бормади! Яна эллик қадамча юрганда эди, қўрқувдан пусиб, қалтираб, юраги така-пука бўлиб ўтирган ғанимини кўрарди. Тепакал тевараги қирлар билан ўралган майсазорда бир тўнка орқасида бекиниб ўтирарди. Уэб, шубҳасиз, уни нариги дунёга жўнатарди. У ақалли булоқда чўмилиб олса, яхши бўларди, яна кучга тўлиб қоларди, Тепакал билан бошқа бирор кун учрашган бўларди. Аммо у йўлидан қайтмади. Ҳаётида биринчи марта нима қилиш кераклигини билмай, хато қилди.

Уэб оғир-оғир оқсаб, Шошон тоғлари этаклари бўйлаб кезди. Димоғи бадбўй бир ҳидни сезди. У, бу ҳидни кўп йиллардан буён билади, аммо ниманинг ҳиди эканини тушунолмайди.

Шу ҳид энди шундайгина олдидан кела бошлади. Уэб бу сафар жиддий қизиқиб, ҳидни олиб борди. Борса, ҳид гиёҳ ҳам ўсмайдиган, турлитуман суяклар, қора таналар сочилиб ётган бир ўрадан чиқяпти. Аввал ҳайрон бўлиб қолди, кейин ўра ичида ётган таналар ҳайвонлар жасади эканини билди. Дарҳақиқат, дара юқорисидаги қоялар ёригидан ҳалокатга олиб келувчи заҳарли ел чиқарди. Кўзга кўринмас бу ел ёриқни тўлдириб, унинг пастки чеккасидан юқорига кўтариларди. Уэб шу ёриқ ёнидан юриб, димоғи жуда жирканч бир ҳидни сезди. Боши айланиб, уйқуси келди. Бу ердан тезда жўнаб қолди, димоғига яна қарағайзор\*ўрмон ҳиди урилиб кўнгли яйради.

Уэб шифоли булоқ бошида ғанимидан чекиниб, бошига иккита кулфат орттирди. Аввало, бир келгиндига даволи булоқни бериб қўйиб, у ерга энди қайтиб бормайдиган бўлди. Қолаверса, оёқ оғриғини даволашдан маҳрум бўлди, оғриқ кун сайин зўрайиб, Уэб нафақат ғаними билан олишувга яроқсиз бўлиб қолаверди, ҳатто ғанимидан қочиб қутулишга ҳам ярамайдиган ҳолга кела бошлади.

Баъзан ғанимининг изини кўрган Уэбнинг бурунги ботирлиги тутди, дўрилаган товуш билан ўкириб, қақшаб оғриётган оёғида оқсаб, изнинг кетидан тушди, кўргани кўзи йўқ ғанимини бир уриб йўқ қилмоқчи бўлди. Лекин кўзга кўринмас ғанимини ҳадеганда учратавермади.

Уэб гоҳида олишув учун ноқулай ерда ётганида ғанимининг яқин келиб қолганини сезди. Шунда олишувга қулай жой келишини пойлаб, курашдан воз кечди. Қулай вазият келганда эса Тепакалга яқин боришга юраги бетламади. Имконият ҳамиша Тепакал тарафда бўлди, чунки у вазиятни кутиб юрди.

Шундай кунлар ҳам бўлдики, Уэб ўзини ёмон ҳис қилиб, олишув ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, ўзини тетик сезганда эса ғаними қорасини кўрсатмади.

Уэб кўп ўтмай, ғанимининг излари кўпроқ Ворхаус водийси билан Пайнининг ғарбий қирларида учрашини пайқаб қолди. Чунки бу ерларда ноз-неъмат кўп эди. Уэб ўзининг олишувга қодир эмаслигини ҳис қилган кунлари худди ўша ерлардан йироқ юрди. У энди деярли ҳар куни ўзини ёмон сеза бошлади. Оқибат, келгинди айиққа ўзининг энг яхши ерларини бериб қўйди.

Ҳафталар кетидан ҳафталар ўтди. Уэб ўзининг даволи булоғига бориб чўмилиши кераклигини англади, аммо бормади, натижада аҳволи борган сайин оғирлашди. Энди оёғидан ташқари ўнг елкаси ҳам оғрий бошлади.

Узундан-узоқ олишувни кутиш унинг кўнглини безовта қилди, бу безовталик гоҳида уни ҳаяжонга солди. Безовталик ундаги ботирликни емириб борди, чунки бу ботирлик ўз кучига ишончдан пайдо бўлмаган эди. Уэб кучини тўплаб олмагунича қандай қилиб бўлмасин, ғаними билан рўбарў келмаслик йўлини излади.

Шундай қилиб, арзимаган бир чекиниш бутунлай чекинишга олиб келди. Уэб Тепакалга дуч келмаслик учун Пайни дарёси қирғоқлари ёқалаб пастга қараб кетди. Емиш топиш кун сайин қийинлашди. Уэб қорни тўйиб овқат емай, куч-қувватдан қола бошлади.

Уэбнинг қарамоғидаги ерлардан унга фақат Пайни дарёси этаклари қолди. Уэб бир вақтлар бу ерларда онагинаси, жигарлари билан бирга яшаган эди. У ўзининг ҳозирги ҳаётини ўша йилларда сағир қолиб, ғариб, бечораларча кун кечирган гўдаклик ҳаётига ўхшатди. Балки ҳозир ёнида онагинаси билан жигарлари бўлганда ўзини ўзгача ҳис қилармиди.

У бир эрталаб оқсоқланиб, теракзорни айланди. Бирор бутанинг олмахон, қурлардан қолган қурт еган мева-чевасини излади.

Фавқулодда шу яқиндан шалдир-шулдир қилиб тош юмалади, шамол Уэбнинг димоғига ғанимининг қўланса ҳидини олиб келди. У Пайни дарёсининг муздай сувидан шошиб кечиб ўтди. Уэб бир вақтлари шу дарёдан сакраб ўтар эди! Аъзойи бадан муздай сув таъсирида қақшаб оғриди. Шунга қарамай, йўлида давом этди. Қаёққа борсин? Унинг бор-йўғи биттагина йўли қолган эди. Бу Палетт

фермасига олиб борадиган йўл эди. Аммо у фермага етиб боргунича уёқдан шундай ғала-ғовур эшитилдики, оқибат, у изига қайтишга мажбур бўлди.

Энди қаерга борса экан? Афтидан, ўз ерларини келгинди айиққа ташлаб кетишига тўғри келади.

Уэб ерларидан бир бегона, бас келиб бўлмайдиган айиқ томонидан хўрланиб, эзилиб қувғинди қилинганига узил-кесил ишонч ҳосил қилди. У юқорига, ғарбга томон йўл олди. Унинг забардаст оёқлари аввалгидек чаққон ва бақувват эмасди, шу сабабли ҳар бир таниш тўсиқдан ошиб ўтиш учун аввалгига нисбатан уч баравар кўп куч сарф қиларди. Бунинг устига ғанимидан огоҳ бўлиш учун орқасига қараб-қараб юришга мажбур эди.

Олис-олислардан Шошон тоғлари кўринди. Ана шу мунис тоғларда ғаним зоти йўқ! Тоғлар ортида эса Йеллоустон қўриқхонаси бор. Олға-олға!

У чайқалиб, юқорига кўтарила бошлади, димоғи бирдан ўлим ҳидини сезди. Ҳид ўша ўлим ёригидан, ҳалокатли елга тўла ўрадан келди. Уэб одатда бу ҳидни сезса, кетиб қолар эди, аммо ҳид бу сафар уни ўзига тортди, ўзига чорлади. Йўлида Улим Водийси пайдо бўлди.

У ўзининг оппоқ жунли кулранг тумшугини осмонга чўзди. Улим ҳиди ёқимли, оромбахш бўлиб туюлди.

Уэб ҳамон серрайиб, теваракка боқди. Кўз олдида бепоён бир юрт ястаниб ётибди. Бир вақтлар шу поёнсиз юрт унга қарашли эди, у шу юртга ҳукмрон эди, у шу юрт оралаб-оралаб юрганда ҳеч ким, ҳеч нарса унга рўбарў келолмас эди. Ёйилиб кетган бу юрт жуда хушрўй эди. Аммо ҳозир Уэб унинг чиройини ўйламаётган эди. У бу юртда яшаш нақадар гаштли бўлганини, у бир вақтлар ўзига қарашли эканини, энди эса уни қўлдан бой бериб қўйганини ўйлаётган эди, кучқудратдан қолганини, энди қолган умрини осойишта яшаб ўтиши учун қулайроқ ер топиши керак эканлигини ўйлаётган эди.

Ана шу Шошон тоғлари ортида шундай жой бор, заиф, ғариб Уэб осойишта ҳаёт кечирса бўладиган макон бор. У жойни қўриқхона, дейдилар. Аммо қўриқхона ҳали олис-ку, унга ета олармикин? Ўзи, ўша ёққа бориб нимаям қилади? Мана шу ерда, шу торгина водийда ҳам паноҳ, ором топса бўлади-ку?

У бир нафас оёқ илди.

Шунда, шамол билан келган ўлим шарпалари аста-аста ўз ишини бошлади. Унинг бешта паноҳини — ҳидлаш, кўриш, эшитиш, ҳис қилиш ҳамда дидини секин-аста кучдан қолдирди. Мана, бурни, гўдаклигидан буён жонажон биродари бўлиб келган бурни унга ёрдам бермай қўйди. Яна бир неча дақиқа ўтди. Уэб аросатда қолди. Ниҳоят, қари айиқнинг эски довьораклиги тутди, у водийга йўл олди.

Нафасни бўғувчи ўлим шарпалари боши узра айланди, бутун аъзойи баданини қамради. Қувғинди бўлган Уэб секин-аста сертош ерга эгилди, чўзилиб, уйқуга кетди. Уйқуга кетаётиб, ўзини шундай яхши ҳис этди, шундай яхши ҳис этди, ўша олис Грейбулда, ҳа, ўшанда онагинасининг сержун оёқлари орасида ётганида ўзини шундай яхши ҳис этиб эди...





I

Мен Виннипег бӯрисини илк бор 1882 йили улкан қорбўрон вақтида кўриб эдим. Мартнинг ўрталарида бир кундаёқ даштдан ўтиб, Виннипегга етиб бораман, деган умидда Сент-полдан йўлга тушдим. Аммо шамол ҳазратлари ўз ҳукмига биноан, еру заминга ўзининг қақшатқич изғиринини сочди. Шиддат билан тинимсиз ёғаётган қор соат сайин авж олди. Мен умрим бино бўлиб бундай изғиринни кўрмаган эдим. Жамики олам қорга беланди. Қор, қор, қор. Қор ўйнади, қор чимчилади, қор заҳрини сочди, қор учди. Оқибат, пишқириб келаётган улкан паровоз табиатнинг момиқдай мулойим, биллурдай мусаффо оппоқ мўъжизаси амрига бўйсуниб тўхташга мажбур бўлди.

Одамлар ерга тушиб, йўлимизда ғов бўлган қор уюмларини белкураклар билан кураб ташлади, паровозимиз бир соатдан кейин йўлга тушди. Аммо кўп юрмай яна қор уюмига дуч келди. Кўргилигимизни кўрдик: кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўтди. Биз қор уюмига ботиб-ботиб, яна ундан чиқиб-чиқиб, йўл юрдик. Қор ҳавода чарх уриб, элаклаб ёғиб турди.

«Эмерсонга боришимизга йигирма икки соат қолди», деди кондуктор, аммо Эмерсонга икки ҳафта деганда етиб келдик. Эмерсоннинг қуюқ теракзорлари поездимизни қор уюмларидан халос этди. Поездимиз тезлигини оширди. Поездимиз илгарилаб борган сайин теракзорлар қуюқлашиб бора-бора бир неча миллар бўйлаб ястаниб ётган шинам, улкан ўрмонга айланди.

Виннипег шарқига яқинлашиб, Сент-Бонифейс ёнида кенглиги эллик қадамча келадиган ўрмон сўқмоғи олдидан аста-аста ўтаётиб, қалбимни туб-тубигача зир титратган ажаб бир синоатни кўрдим.

Сўқмоқ ўртасида малла, оқ, қора тусли катта-кичик итлар тўда бўлиб турибди. Итлар ҳалқа бўлиб, гоҳ ўртага талпинади, гоҳ кейинларига тисарилади. Бир малла кучук қорга узала тушиб ётиб олади. Бир ғоят ҳайбатли қора ит

негадир ўзини олиб қочиб, тўда четидан талпиниб ҳуради. Тўда ўртасида улкан бир бўри важоҳат билан ҳурпаяди.

Шу чиндан ҳам бўрими? У кўзимга шер бўлиб кўринди. У итлар галаси ўртасида ёлларини ҳурпайтирганича ёлғиз ўзи дадил, вазмин турибди. Оёқларини кенг ёйиб, уёқ-буёғига олазарак боқиб, ҳам-лаларга қарши шайланди. Лаблари четини буриб, тишларини иржайтирди. Тўда унга, бўрисифат бир ит йўлбошчилигида тахминан йигирманчи марта сурбетларча ҳамла қилди. Улкан кулранг бўри тишларини шиқ-шиқ-шиқ, дея даҳшатли гижирлатиб, теварагига чанг солди. У ангилламади, увилламади, улимадиям. Аксинча, унга ёпишган итлар жон талваса билан ангиллаб, кетларига чекинди. У таслим бўлмас, енгилмас, озор бериб бўлмас бир жонивор бўлиб қолди.

Мен айна шу дақиқада поездимиз яна қор уюмига ботиб қолишини жуда-жуда истадим! Кўнглим мени шу кулранг жонивор сари чорлади! Мен унга жуда-жуда ёрдам бергим келди. Афсуслар бўлсинки, оппоқ сўқмоқ орқада, тераклар ортида қолиб кетди, биз эса олға юрдик.

Кўрган-кечирганим бор-йўғи шу бўлди. Бир неча кун ўтиб, ўшанда ғаройиб воқеани кўрганимга амин бўлдим. Мен ўшанда ёп-ёруғ кунда табиатнинг ажойиб жонивори — Виннипег бўрисининг нақ ўзини кўришга муяссар бўлибман экан.

Бу қизиқ тақдирли бўри. У шаҳарни ўрмондан афзал кўрувчи, қўйлар ёнидан бепарво ўтиб кетувчи, нуқул итларни ўлдирувчи, фақат ёлғиз ўзи ов қилувчи бўри.

Баъзи бировлар айтганидай, ўтмиш-кечмишни афсун билан қайтарар эканман, мен аввало бу бўрининг маҳаллий элга аён ҳаётидан айтиб бераман. Шаҳарликлар ҳали бу бўрини эшитмаганлар. Масалан, марказий кўчада хизмат қилувчи пулдор баққол бу бўри ҳақида сўнгги қирғин бўлиб ўтиб, унинг тулуми Гайд деган тулумчига олиб келиб берилганда билди. Гайднинг тулумхонасида Чикаго кўргазмаси учун бўрилар тулуми тайёрланарди, афсуски, 1896 йилда маҳаллий мактабга ўт тушганда тулумхона ҳам нобуд бўлиб кетди.

## II

1880 йил июнь кунларининг бирида хушсурат такасалтанг, меҳнатдан кўра кўнгилхушлик учун





ов қилиб яшашни афзал кўрадиган ғижжакчи Поль Дерош елкасига милтиқ осиб, ўрмонзор Қизил дарё бўйларида дайдиб юрди. Шунда, жар остидаги бир ковакдан чиқиб келган бўрига кўзи тушиб, уни шартта отиб ташлади. Кейин, инда бошқа бўрилар бор-йўқлигини билиб келиш учун итини юбориб, ўзи ўрмалаб борди. У зўр ҳайрат, қувончлар билан индан саккизта бўри боласини топди. Демак, у ҳар бири ўн доллардан тўққизта мукофот олади! Бу ҳаммаси бўлиб қанча бўлади? Анча бўлади! У таёқ билан бўри боласининг етти-тасини уриб ўлдирди, малла ити ёрдам бериб турди. Инда қолган охиргисини ўлдирмади. Боиси, айгишларича, жониворларнинг энг сўнгги норасида зурриётини ўлдириш инсонга бахтсизлик келтирар эмиш. Шундай қилиб, Поль бош териси шилиб олинган бўрилар онаси билан еттита ўлик ҳамда битта тирик қолган боласини олиб шаҳарга қайтди.

Хоган деган трактир хўжаси тирик қолган бўри боласини сотиб олди. У бўри боласини занжирга бойлаб боқди, шаҳар итларидан фарқли ўлароқ, бўри боласининг оғзи ҳамда кўкрагини доимо бўш, эркин қўйди. Уни келиб-кетувчиларга эрмак бўлсин учун ҳовли юзида сақлади, келим-кетимлар бўри боласига итларини ол-кишлаб ўйнади. Итлар бўри боласини бир неча бор чалажон қилиб талади, аммо бўри боласи ҳар гал яна соғайиб, ўзини ўнглаб олди, унга ёпишган ғаним итлар сони эса борган сайин камайиб борди. Бўри боласининг кўрмаган куни қолмади. У Фавқулодда трактир хўжасининг кичкинагина ўғли Жим билан биродар бўлиб қолди, бу дунёдаги яккаю ягона илинжи бўлмиш ана шу биродарлик унинг кўнглини кўтариб турди.

Жим ўз билганини қиладиган шумтака эди. У, бўри боласи Жимни қошиб олган итни талагандан буён уни яхши кўриб қолди. Шундан буён бўри боласини эркалатиб, унга овқат бериб бошлади. Бўри боласиям ўз навбатида биродарлик билдириб, фақат Жим билан ошно бўлди, ундан бошқа ҳеч кимни яқинига йўлатмади.

Жимнинг отаси рисолага солиб мақтайдиган оталардан эмасди. Тўғри, у ўғлини эркалатарди, аммо шу заҳоти қаҳрланиб, ўғлини арзимаган сабаб учун аёвсизларча қалтаклаб бошларди. Кўп ўтмай Жим бунинг сабабларини билиб олди, билса, отаси уни бирон-бир айби учун эмас, шунчаки жаҳли чиққанидан урар экан. Шундан кейин Жим отасининг қаҳри қўзғганини сезиб қолса бирон хилват



ерга бекиниб ўтирадиган бўлди. Бир сафар дарғазаб бўлган отасидан қочиб, бўри боласининг катагига ўзини урди. Жимнинг кулранг биродари катак оғзидан бошини чиқариб, оппоқ тишларини иржайтириб ириллади, бу билан дарғазаб отага шундай деди: «Унга бир тегиниб кўр-чи».



Трактир хўжаси бўри боласини отиб ташламоқчи бўлди, аммо ўқ ўғлига тегиб кетишидан қўрқиб, индамай изига қайтди. Ярим соатлардан кейин бўлган воқеани эслаб, хохолаб кулиб юборди. Шундан буён сал хавфни сезса, Жим бўрининг катагига кириб оладиган бўлди, унинг йиртқич асир кетига паналаб турганини кўрганлар ҳам у бирор айб қилиб қўйганга ўхшайди, деган хулосага келадиган бўлди.

Хоган хасис одам эди. Шу сабаблиям буфетида бир хитойликни ишлатарди, чунки хитойлик оз ҳақ талаб қиларди. У ушоққина, қотмадан келган одам бўлиб, ғижжакчи Поль у билан бемалол, очилиб гаплашар эди. Шу боисдан ҳам кунларнинг бирида Поль кайф билан трактирга келиб, хитойликнинг ёлғиз ўзини учратиб қолиб, ундан қарзга меҳмон қилишини сўради. Аммо Тун Лин хўжайинининг буйруғига амал қилиб, Полнинг илтимосини рад этди. Хитойлик унга ҳурматсизлик қилгани учун Поль унинг адабини бериб қўймоқчи бўлиб, пештахтага осилди. Агар шу вақт қаердандир Жим пайдо бўлиб, Полнинг оёқлари остига узун ёғочни ташлаб юбормаганда хитойлик кўрадиганини кўрар эди. Жимнинг қилиғи оқибатида ғижжакчи полга йиқилиб тушди, сўнг ўрнидан туриб, сен бола, энди бу ишинг учун бошинг билан жавоб берасан, дея туриб олди. Аммо Жим яқингинасидаги эшикдан чиқа солиб, бўрининг катагига кириб олди.

Поль қараса, боланинг ҳомийси бор экан, шунда у қўлига узун бир таёқ олиб олди, берироқда туриб, бўрини савалаб бошлади. Кулранг ҳайвон занжирини тортиб сапчиб, ўзини кетма-кет тушаётган таёқдан ҳимоя қилди, таёқни тишлари билан ғажиди. Бўрига қийин бўлди. Шунда Поль тинимсиз нималардир деяётган Жим бўрининг занжирини ечишга уринаётганини кўриб қолди, демак, бўри ҳадемай занжирдан бўшайди, у фақат занжирни таранг тортавериб, ўзига-ўзи қиялпти, чунки таранг бўлган занжирни ечиш анча мушкул.

Поль ҳадемай қутуриб сапчиётган йиртқич билан яккама-якка олишажагини тасаввур қилиб, сесканиб кетди.

Шу пайт Жимнинг ёлворувчи овози келди:

— Бир оз сабр қил, бўривой, занжирни тортма, бўшатиш осон бўлади, ҳозир ечиб юбораман, кейин уни тушлик овқат қиласан. Тортма, тортма, бўш қўй! Ҳа, яша!

Ғижжакчига шу гапнинг ўзи кифоя бўлди. У эшикларни орқасидан маҳкамлаб ёпиб, қочиб қолди.

Жим билан бўри ўртасидаги биродарлик янада мустаҳкамланди. Бўри катта бўла борган сайин ит билан ароқ ҳиди келадиган одамдан нафратлана борди. Жим ва бошқа болаларга бўлган меҳр-муҳаббати эса кун сайин орта борди.

### III

1881 йилнинг кузига келиб маҳаллий фермерлар бўрилар кўпайиб, молларни қириб кетаётганидан нолиди. Заҳар, қопқонлар фойда бермади. Шундай кунларнинг бирида Виннипег клубида таниқли бир немис саёҳатчиси пайдо бўлиб, менинг шундай итларим борки, улар юртингизни бўрилардан халос этишга қодирдир, деб қолди, унинг гапи барчани қизиқтириб қўйди. Фермерлар ов ишқибози эди, шу боисдан ҳам бўрибосар билан ўлкани бўрилардан тозалаш, деган гапга қизиқиб қолди.

Кўп ўтмай немис Дания зотларига мансуб иккита баҳайбат итни олиб келди. Итларнинг бирови оппоқдан келган, бирови қоп-қора холлари бор малла ит эди. Итларнинг ҳар бирови тахминан икки юз фунтга келар, пайлари йўлбарс пайларидек чайир эди. Немис теварақдагиларга бу иккала итим манман деган зўр бўрини ҳам олади, дея мақтанди, одамлар итларга разм солиб, немиснинг гапига ишонди. Немис итларининг одатини баён қилди:

— Уларга изларни кўрсатсанг бўлди, армон йўқ, излар босилганига бир кун ўтган бўлса ҳам шу заҳотиёқ из бўйлаб бўрини излаб кетади. Кейин уларни тўхтата олмайсан. Бўри қанчалик йўлини чалкаштириб, ўзини яширмасин, итлар барибир уларни топиб олади. Бўри қочмоқчи бўлса, малла ит дарров унинг сонидан олади, кейин мана бундай қилиб отиб юборади, — немис осмонга нон ушоғини отиб кўрсатди, — бўри ерга қайтиб тушмасидан оқ ит унинг калласидан, малласи эса думидан олади, кейин икковлари бўрини тилка-пора қилиб ташлайди.

Одамлар немиснинг гапларига ишонди. Улар итларни амалда бир синаб кўргилари келди. Овчиларга Асинибуанга бўри овлашга боришни маслаҳат

берди, овчилар имилаб ўтирмасдан шу заҳотиёқ йўлга тушди. Овчилар уч кун бўри излаб, ҳеч бало тополмади, ҳафсалалари пир бўлиб, бўри излашни бутунлай бас қилмоқчи бўлди, шунда кимдир трактирчи Хоганнинг хонаки бўриси борлигини, уни арзон-гаровга сотиб олиш мумкинлигини, кейин бўри бор-йўғи бир яшар бўлса-да, аммо итларни у билан талаштириб, синаб кўриш мумкинлигини айтиб қолди.

Трактирчи ўз бўрисининг нимага керак бўлиб қолганини эшитиб, унинг нархини кескин кўтариб қўйди. Яна тагин, бўрини сотиш учун «виждони йўл қўймади». Аммо овчилар бўрининг нархини етарлича тўлагач, трактирчининг «виждони йўл қўйди».

Шундан кейин трактирчи кичкина Жимни момосиникига жўнатиб юборди, бўрини катакка қамаб, устидан михлаб ташлади, сўнг аравага босиб, яйдоқ даштга олиб борди.

Итлар бўри ҳидини олиб, олға талпинди, немис уларни зўрға ушлаб турди.

Бўрини катакдан олиб чиқиш қийин бўлди. У ўзини орқага олиб, оёқ тираб туриб олди. У, ўзига узатилган қўлларни тишламади, фақат қандай қилиб бекиниш йўлини излади. Қийқириқ, ҳуштаклардан ўзига келиб қараса, озодликда юрибди, шунда у силовсиндай писиб, жанубга қараб чопиб кўяверди.

Немис шу заҳотиёқ бўрининг изидан итларни қўйди, итлар қаҳр билан ҳуриб, бўрини қувиб кетди.

Одамлар хушчақчақ хохолашиб, итларнинг кетидан от қўйди. Таъқиб бошиданоқ бўри қочиб қутулолмаслиги аён бўлди. Итлар бўрига қараганда хийла эпчил эди. Айниқса оқ ит чопишда ҳар қандай тозидан ҳам қолишмасди. Немис ўзининг суюкли ити дашт узра ўқдай\* учиб борган сайин бўрига яқинлашаётганини кўриб, тантана билан завқланди.

Кўпчилик одам итлар ютиб чиқади, дейишиб, гаров ўйнамоқчи бўлди, бу ўз-ўзидан равшан бўлгани учун ҳеч ким гаров ўйнамади, аммо итларнинг қайси бири зафар қозонади, деган баҳс билан гаров ўйнамоқчи бўлишди. Кичкинагина бўри энди жон-жаҳди билан чопди, аммо кўп ўтмай оқ ит етиб олди.

— Ана энди қаранглар, — қичқирди немис, — бўри ҳозир ҳавога қандай учиб кетишини кўрасизлар!



Бир дақиқалардан кейин бўри билан ит тўқнашиб қолди, аммо шу заҳотиёқ бир-бирларидан ажралиб кетди. Немис ўйлаганидек бировиям ҳавога учиб кетмади, фақат оқ ит елкасидан оғир яраланиб, ўлмоқдан бери бўлиб, йўлда қолиб кетди. Энди малла ит оғзини катта-катта очиб, бўрини қувиб бошлади. Улар орасидаги олишув ҳам худди биринчи олишувдагидек йўл-йўлакай, кўз илғамас вазиятда бўлиб ўтди. Ана, бўри билан малла ит тўқнаш келди. Кулранг ҳайвон ўзини четга олди. Малла ҳайвон бир сапчиб тушди, шунда биқини қонга белангани аён бўлди.

Шу вақт немиснинг малайи яна тўртта ит етаклаб келди. Бу итларниям бўрининг кетидан қўйишди, овчилар қўлларига таёқ ҳамда арқон олиб, бўрини тезроқ бирёқли қилиш учун яна уни қувиб бошлади, шунда, бир бола ёйма бўйлаб тўпичоқ отини йўрттириб келди. Отдан тушиб, бўрини ўраб олган оломонни ёриб ўтиб, бўрининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. У бўрини «жонажон бўривойгинам», «қадрдон бўривойгинам», дея суйди. Бўри боланинг изларини ялаб, думини ликиллатди. Шунда бола юзлари кўзёшига беланиб, оломонга шундай деди... Келинг, яхшиси, бола нима деганини баён қилмай қўя қолайлик. Бола бор-йўғи тўққиз ёшга тўлди, аммо жуда қўпол бўлиб ўсди, боиси, қўлбола трактир муҳитида катта бўлиб, турли-туман сассиқ сўкишларни билиб олди.

Бола оломонни аввал ёппасига, кейин битта-битталаб сўқди, отасиям қуруқ қолмади.

Борди-ю, кап-катта одам ана шундай куракда турмайдиган гаплар билан сўкинса, турган гап, кунини кўрарди. Начора, бола — бола-да, болага қаттиқ гапириб бўладими? Охир-оқибат, овчилар вазиятни юмшатиш йўлини қилди. Улар ёппасига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Албатта, ўзларининг устидан ўзлари кулмади, қайси тентак ўзининг устидан ўзи кулади, йўқ, улар машҳур итлари кичкинагина бир бўридан панд еган немиснинг устидан кулди.

Жим кўзёшларини артавериб ҳўл бўлиб қолган жажжи қўлини чўнтагига тиқиб, ундаги хас-чўп, обаки қанд, тамаки, гугурт, тўппонча пистони ва бошқа лаш-лушлар орасидан ингичкагина чилвир бўлагини олиб, бўрининг бўйнига бойлади. Кейин, ҳамон ўпкасини босолмай ҳиқиллаб йиғлаб, тўпичоқ отига минди, бўрини чилвирдан ушлаб етаклаб, уйига йўл олди. Кетаётиб, немис зодагонига хайрлашув сўзини айтди:

— Агар менга икки чақа берсангиз, бўривойим-ни сизга гиж-гижлардим, унинг чангалида маза қилиб ҳаром ўлардингиз!

#### IV

Қиш бошларида Жим оғриб қолди.

Бўри биродарини соғиниб, зорланиб увиллади, беморнинг илтимосига биноан бўри у ётган хонага олиб кирилди. Ёввойи ит — бўри, ҳа, ҳа, ёввойи ит, бўри биродарининг бошида унга қараб ўтирди.

Дард аввал-аввал унчалик хавфли эмасдай туюлди, сўнг бирдан авж олиб кетди, барча таҳликага тушиб қолди, ҳайитга уч кун қолди деганда Жим оламдан ўтди.

Ҳаммадан ҳам бўри чин кўнгиладан йиғлади. Кулранг ҳайвон мотам маросими иштирокчиларига эргашиб, черковга борди, черков кўнғироқчалари занг чалди, бўри кўнғироқ овозига нидо бериб, фарёд билан увиллади. Кейин трактир орқасидаги ҳовлига қайтиб келди, уни яна занжирламоқчи бўлганларида у девордан сапчиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Шу қишда дарё бўйидаги ёғоч кулбага Рено деган кекса қопқончи Нинетта номли бинойидеккина қизи билан кўчиб келди. Кекса қопқончи кичкина Жимни умуман эшитмаган, дарёнинг ҳар икки қирғоғида ҳам бўри изларини кўриб эса ҳайрон бўлган эди.

Қария Гудзон Қуйилмаси Кампанияси хизматчиларининг қандайдир бир бўри шундоқ ёнларида яшаётгани, бўри баъзан шаҳарга ҳам оралаб қолиши, у айниқса Сент-Бонифейс яқинидаги черков ёнида ястаниб ётган бутазорда кўп юриши ҳақидаги ҳикоясини эшитиб, бир ишонди, бир ишонмади.

Черков кўнғироқлари занг урди, Жим вафот этганда ҳам кўнғироқлар шундай занг уриб эди. Худди ана шу пайт ўрмондан ёлғиз, маъюс увиллаш эшитилди. Қария Рено шундагина эшитганлари





ҳаққост чин эканлигига амин бўлди. Қария бўри овозларини яхши биларди: ёрдам сўровчи овоз, муҳаббат овози, ёлғизлик овози ҳамда аччиқ овоз. Ҳозиргина эшитгани ёлғизлик овози эди.

Қария дарё соҳилига тушиб, худди шундай овоз берди. Ўрмондан бир қора соя чиқиб келди, муз устидан юриб, тўнка устида худди тўнкадай қотиб ўтирган одам тарафга келди. Соя янада яқин келиб, одамни бир, айланди, сўнг унга тумшугини чўзди. Шунда соянинг кўзлари олов бўлиб ёнди, худди қаҳри келган итдек ириллаб, яна қоронғиликка сингиб кетди.

Шундай қилиб, қария Рено, бошқа шаҳарликлар шаҳар кўчалари бўйлаб улкан кулранг бўри кезиб юришини, у «бир вақтлар Хоганнинг ароқхонасида занжирлаб боқиладиган бўридан уч баравар катта» эканлигини билиб олди. У итларнинг шўри бўлди, ўнг келган итни ўлдириб кетаверди. Гарчи ҳеч ким кўрмаган бўлса-да, айтишларича, бўри шаҳар четида тентираб юрган бир нечта маст-аластни еб кетган эмиш.

Мен қорга беланган ўрмонда кўрган Виннипег бўриси ана шундай бўри эди. Мен унинг танг аҳволда қолганини кўриб, ҳатто унга ёрдам бергим келди. Аммо у ҳақда кейинроқ эшитган гапларим, дастлабки фикрларимни ўзгартириб юборди. Уша олишув кимнинг фойдасига ҳал бўлди, билмайман, фақат шунисини биламанки, ўшанди, кейин одамлар бўрини кўп марта кўрган, итларнинг бир нечтаси бўлса яна қайтиб кўринмаган.

Ҳали-ҳозиргача биронта ҳам бўри бундай ғалати ҳаёт кечирмаган эди. У ўрмон-даштларга кетиб қолиш эрки бўла туриб, шаҳарда телба-тескари, беқарор ҳаёт кечиришни афзал кўрди. Ҳар куни ажалга тик боқиб мардона қаҳрамонликлар кўрсатиб яшади. У одамлардан нафратланиб, итлардан жирканиб ҳаёт кечирди. Ҳар куни итларни гала-гала қилиб, олдига солиб қувди, якка-ёлғиз учраганларини ўлдириб кетаверди. Маст-аластларнинг юрагини ёрди, милтиқли одамларни четлаб юрди, қопқон, заҳар нима эканлигини яхшилаб билиб олди, қандай қилиб билиб олди, тушунтириб бўлмайди, аммо билиб олганлиги ҳаққост чин, чунки бир неча бор заҳар сепилган гўшт бўлагига жирканиб қараб, ёнлаб ўтиб кетди.

Виннипегда у юрмаган кўча қолмади, тонг чоғи унинг лип этиб пайдо бўладиган соясини кўрмаган полициячи қолмади, жуфтгарчи шамол қурғур унинг келаётганини билдирганда қўрқиб қалтира-

маган ит қолмади. У қиёмат қирғинни қўмсади, жамики дунё ғаними бўлди. Аммо ёш бола деган зотнинг кўнглини оғритмади.

## V

Нинетта даштда туғилиб-ўсди. Нинеттанинг онаси ҳинду, отаси норманд бўлиб, унинг кулранг кўзлари отасига келбат берди. У ўн олтига тўлиб, ўлканинг энг гўзал қизи бўлиб етилди. У ўлкадаги манман деган бойвачча, нуфузли йигитга эрга тегиши мумкин эди, аммо нимагадир Поль Дерошга кўнгли кетди. Уста ўйинчи, бинойидай ғижжакчи, эътиборли йигитча бўлмиш Поль Дерош жамики тўй-маъракаларга таклиф қилинар, шундан бўлса керак, қайтариб бўлмас даражада кўп ичарди. У бир сафар Нинетта билан никоҳдан ўтаман, деб келди, шунда Рено уни олдига солиб қувиб, тўғри иш қилди. Аммо буям фойда бермади.

Нинетта кўнгилчан, гапни оладиган қиз бўлса-да, аммо танлаган йигитидан кечмади. Отаси Полни ҳайдаб юб-эрган куннинг эртасигаёқ у билан ўрмондаги дарё ортида учрашишга ваъда берди. Нинетта қалин қор оралаб учрашувга бораётиб, изидан бир кулранг ҳайвон келаётганини кўрди. Ҳайвоннинг авзойи дўстона эди, шу боисдан ҳам қиз (у ҳали келин эмас, қиз) ундан қўрқмади. Нинетта уни кутиб турган Полга яқинлашганда баҳайбат ит ғазаб билан ириллаб, олға талпинди. Поль ўгирилиб қараб, улкан бўрини таниди, юраги орқасига тортиб, тирақайлаб қочиб қолди. У кейинроқ, ўшанда милтиқни олиб келаман, деб қочиб эдим, дея тўққиз кўйди. Милтиғини қаерга қўйгани эсидан чиқдими ё дарахт устига қўйганми, ишқилиб, милтиғини излаб, югуриб дарахт устига чиқиб олди. Бу орада Нинетта қор кечиб уйга чопиб бориб, таниш-билишларига Полнинг ҳаёти хавф остида эканлигини билдирди. Жувонмард Поль дарахт устидан милтиғини тополмади, бир шохни синдириб олиб, учини найза қилиб йўнди, найза учига пичоғини ўрнатди, кейин, уни бўрининг бошига тиқиб олиш учун пайт пойлади. Бўри дарахт остига келиб, даҳшатли ириллади, сўнг нарироққа бориб, дарахт устидаги одамнинг ерга тушишини пойлаб ўтирди. Аммо оломон яқинлашиб қолиб, бўри ўз йўлига кетди.

Ғижжакчи Поль ўз кўнглини ёлғиз Нинеттага баён эта оларди. Чунки Нинетта ҳамон уни севарди. Аммо отаси Полга жирканиш билан қарарди,



шунинг учун улар Польша итлар билан Гарри қалъасидан Александр қалъасига хат-хабарларни бериб қайтиши биланоқ пинҳона никоҳдан ўтмоқчи бўлди. Польша тажрибали ит ҳайдовчи ҳисобланарди, чунки у аёвсиз одам эди.

Польша азонда туриб, йўл олдидан отиб олди, сўнг ўзини тетик ҳис қилиб, дарё томон пастлаб кетди. Чанага қўшилган учта ит қор узра елдай елиб кетди. Итлар йўғонадай улкан ва кучли, қароқчидай шиддатли, даҳшатли эди. Чана Ренонинг дарё бўйидаги кулбаси ёнидан шиддат билан ўтди, Польша қўлидаги даррани боши узра силкиганича чана кетидан чопиб, остонада қараб турган Нинеттасига қўл силкиди.

Хиёлдан сўнг шиддатли итлар қўшилган чана билан маст ҳайдовчи дарё бурилишидан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди, шундан кейин ғижжакчи Полни кўрдим, деган одам бўлмади.

Кечаси итлар битта-битта бўлиб, яна Гарри қўрғонига қайтиб келди. Итлар бир неча жойидан яраланиб, қонга беланган, энг ажабланарли жойи, уларнинг қорни тўқ эди.

Одамлар из олиб кетди. Улар даставвал Польша олиб кетган пакетни топиб олди. Кейин чананинг бўлак-сўлагини топди. Сўнг, пакетдан сал нарида ётган ғижжакчи кийимининг йиртиқларига кўзлари тушди.

Барчаси равшан бўлди, итлар ўз ҳайдовчисини талаб еган.

Итларнинг эгаси бу кўргиликни эшитиб, жуда диққат бўлди, энди у итлари учун жавоб беради. Шу боисдан ҳам у одамларнинг гапига ишонмай, ўзи бориб кўриб келмоқчи бўлди. Рено унга ҳамроҳ бўлиб борди, уч милча йўл юрмаслариданоқ қария дарёнинг жанубий соҳилидан ғарбий соҳилига ўтган, кейин чананинг изидан юрган йорган йирик-йирик изларга ишора қилди. Итларнинг эгасига ўгирилиб, инглизчани бузиб гапирди:

— Чана изидан улкан бўри юрган.

Улар шу изларни олиб, дарёнинг ғарбий соҳилига ўтди. Излардан кўринишича, бўри Килдонан ўрмонлари ортига келганда чопмай, аста-секин юрган, чанани бошқа қувмай, ўрмонга кириб кетмоқчи бўлган. Аммо Польша худди шу бўри тўхтаган



жойда нимадир бир нимани, эҳтимол, пакетни тушириб қолдирган. Бўри тушиб қолган нарсани ҳидлаб кўриб, бир пайтлар унинг бошини уриб ёрган Поль пияниста ана шу чанада кетаётганини сезиб қолган.

Яна бир милча йўлдан кейин югурган бўри излари қорда чанага бориб тақалди. Шундан кейин қордаги одам излари йўқолди, чамаси, у чанага чиқиб олиб, итларни тезлатиб ҳайдаган. Чанани энгиллатиш учун юкларни бирин-кетин ерга ташлаб кетган. Шу сабаблиям пакет қорда ётибди.

Итлар қамчи остида шундай елиб-югурибди! Ана, Полнинг пичоғи қорда ётибди. Афтидан, у ўзини бўридан ҳимоя қиламан деб, пичоғини тушириб қўйган. Мана бу ерда бўри излари йўқолган, чана бўлса ўқдай учиб бораверган, демак, бўри чанага чиқиб олган. Итлар даҳшат ичида янада елиб-югурган, афсуски, бўри чана устида борган. Яна бир дақиқадан кейин барча ишлар барбод бўлган. Чанадаги одам билан бўри йўлда тушиб қолган. Бўри изи яна жанубий соҳилда пайдо бўлиб, сўнг ўрмонга кириб йўқолган. Чана эса чап соҳил бўйлаб бир милча йўл юриб дарахт томирларига бориб урилиб, чилпарчин бўлган.

Рено қордаги изларни синчиклаб қараб шу нарсага амин бўлдики, итлар йўл-йўлакай айқаш-уйқаш бўлиб, бир-бирларини талаган, кейин шатакларини узиб чиқиб, собиқ зулмчиларининг жасадини топиб олиб, зиёфатхўрлик қилган.

Кўриниб турибди, яхши гап кам, ёмон гап кўп. Шундан кейин итлар қотил, деган шубҳага барҳам берилди. Жамики жавобгарлик бўрининг бўйнига қўйилди. Рено фожиани кўриб бўлгач, бир дақиқа ўтган заҳотиёқ энгил тин олиб, деди:

— Бу Виннипег бўрисининг иши. У бу иши билан менинг қизимни Полдан қутқариб қолди. Виннипег бўриси болаларга ғамхўр бўри.




Полнинг ўлими ҳал қилувчи катта овга сабаб бўлди, ов Жим вафотидан кейин роппа-роса икки йил ўтгач, ҳайит кунига белгиланди. Овга чор тарафдан итлар олиб келишди. Полнинг чанасига қўшилган итлар эгаси ўз итларининг овда иштирок этишини зарур деб билиб, уларни ҳам овга олиб келди. Шунингдек, овда дог зотли итлар, изқувар итлар, ўзининг авлод-аждодини билмайдиган кўппак итлар бўлди. Овчилар эрталаб Сент-Бонифейс жанубидаги ўрмонни оралаб қараб, ҳеч нима тополмади. Шунда телефон орқали шаҳарнинг ғарбидаги Асинибуан ўрмонларида бўри излари пайдо бўлганлиги ҳақида хабар келди. Овчилар бир соатдан кейин Виннипег бўрисининг янги изларини қидириб жўнади.

Ана, улар йўлда боряпти. Бир гала ит, бир гуруҳ отлиқ ҳамда эркаклар билан болалардан иборат пиёда овчилар.

Бўри итлардан қўрқмайди, инсон қўлидаги милтиқдан қўрқади. У Асинибуан ўрмонларининг қуюқ ерларини мўлжаллаб жўнади, отлиқлар тептекис ерлардан йўл олиб, кўп ўтмай бўрига етиб олди ва уни изига қайтишга мажбур қилди. Бўри Колон-Крик жарини ёқалаб чопиб, боши узра ғизиллаб учиб ўтаётган ўқлардан ўзини олиб қочди. Сўнг тиканли сим тўсиқларга қараб чопди, ундан сакраб ошиб ўтиб, бирпас бўлса-да, отлиқлар кўзидан пана бўлди, аммо у сим тўсиқлар эмас, жардан қолмаслиги керак эди, чунки жарга ўқ етмасди. Бу орада итлар бўрига яқин келиб қолди. Бўри итлар билан юзма-юз бўлишни, майли, итлар қирқта бўлсин, элликта бўлсин, улар билан бир ўзи яккама-якка чиқишни орзу қилди. Ана, итлар бўрини ўраб олди, аммо биронтасиям унга яқин келолмади. Қотмадан келган този ит ўзининг чаққонлигига ишониб, бўрининг ён тарафидан бориб эди, бўри сўйлоқ тишлари билан уни силкиб отиб, ерга ағнатди. Отлиқлар айланма йўлдан ўтиб келди. Ов ҳангомаси шаҳарга яқин бориб қолди. Шаҳардан кўплаб одамлар, итлар югуриб чиқиб овга қўшилмоқчи бўлди.

Бўри ўзига таниш шаҳар қассобхонаси томон бурилди, шунда отишмалар ҳам бирпас тинди, сабаби, овчилар итларга ўқ тегиб кетишидан қўрқди, қолаверса, уйларга жуда яқин келиб қолди. Итлар бўрини занжирдай зич бўлиб ўраб олди, оқибат, бўри ҳеч қаёққа қочолмай қолди. У теварак-



ка аланглаб, сўнгги олишув учун қулай бир паноҳ излади, оқова ариқнинг ёғоч кўпригини кўриб қолиб, шунинг тагига кириб олди. Аммо одамлар лом олиб келиб, кўприкни бузиб бошлади. Шунда, бўри ажали тўлганини ҳис қилиб, ўлимини бўйнига олиб, ўлганда ҳам мардонавор ўлишни ният қилиб, кўприк остидан чиқиб келди. Одамлар бўрини биринчи марта кун ёруғида кўрди. Ана у, ана, итларнинг офати, Сент-Бонифейс ўрмонларининг ўзи йўғу овози бор сирли жонивори, афсонавий Виннипег бўриси!

## VII

Шундай қилиб, бўри уч йил мобайнида олишавериб-олишавериб, охир-оқибат қирқтача ит билан яккама-якка чиқди, милтиқли одамлар итларга мадад бериб турди. Бўри, ўша қишда илк бор ўрмонда кўрган имдагидек бу сафар ҳам итларга қарши мардонавор борди. Лаблари нафрат билан бурилди, пай биқинлари бир оз ҳурпайди, сарғиш-зангори кўзлари ёнди. Итлар янада ўраб келди. Итларни улкан лайча ит эмас, лайча бўри билан бир марта тўқнаш келиб, кўрадиганини кўрган, йўк, уларни шаҳар кўчаларидан бошқа ёқни кўрмаган тўмтоқ тумшуқ, жағдор бир ит бошлаб келди. Қадам товушлари эшитилди. Итлар акиллашни қўйиб, ириллаб бошлади. Бўри ҳам тишларини иржайтириб, ириллади. Итлар ўзини кейинга олиб, бўри холи қолди. Қари, аммо кучли ваҳший ҳамлага шайланди. Итлар уч марта ҳамла қилди, у учтасиниям бартараф этди. Теварагида манман деган итлар юмалоқ ёстиқ бўлиб, жон берди. Тўмтоқ тумшуқ ботир ит биринчилардан бўлиб кетди. Омон қолганлари акиллаб-акиллаб, кетига чекинди, бўри ҳамон дадил туриб, ҳамлани кутди. Бир неча дақиқача шундай туриб, сўнг, беш-олти қадам олға юрди, шунда, ҳай-ҳай-ҳай, ана шунда овчиларга худо берди, улар кўпдан буён пойлаган вазият келди! Овчилар бўрини уч бора гумбурлатиб отди, бўри қорга юмалаб тушиб, ўзининг шавкатли йўлига якун ясади.

Ким бўрининг қалбини билади? Ким бўрининг кўнглидаги гапни топиб айта олади? Нега у шаҳар дастидан шунчалар кулфат кўриб, яна тагин шаҳар яқинида яшаб қолди? Ахир, теварак-атрофи қуюқ ўрмон, егани олдида, емагани кетида эди-ку? Ё шаҳардан қасдини олиш учун шаҳарни ёнлаб яшадими? Асло, асло ундай эмас. Ҳайвон зоти қасд

олиш учун бутун умрини исроф қилмайди. Қасд деб аталмиш ёвуз туйғу инсон зотига хос туйғу, фақат инсонларгина шундай ёвузлик қилади. Ҳайвон зоти тинч яшашни хоҳлайди.

Дунёда яккаю ягона улуғ бир илинж бор, буюк бир салтанат бор, қудратли бир куч бор, ана шу илинж, ана шу салтанат, ана шу куч бўрини шаҳарга боғлаб қўйди, бу меҳр-оқибатдир.

Бўри оламдан кетди. Ҳатто териси-да ёниб кетди. Аммо Сент-Бонифейс черкови қоровулининг айтишича, чин арафа кунлари черков қўнғироқлари занг урганда қўшни ўрмонзор қабристондан ҳали-ҳамон юракни ўртовчи, қайғули бўри увиллаши эшитилар эмиш. Худди ана шу қабристонда бўрига меҳр-оқибат нималигини ўргатиб кетган дунёдаги яккаю ягона инсон, миттигина Жим ётибди.



Биринчи ҳаёт

I

— Гў-ш-т! Гўшт келди! — Скримпер кўчасидан қулоқни кар қилгудай овоз келди.

Шу яқин-атрофда юрган мушуклар овоз келган тарафга чопди. Итлар жирканиб юз ўгирди.

— Гў-ш-т! Гўшт келди! — овоз янада баландлади.

Ниҳоят замбилғалтак судраган бир исқирт одам пайдо бўлди. Чор тарафдан мушуклар вағиллаб, унга пешвоз чиқди. Замбилғалтак ҳар эллик қадам юриб, мушуклар тўдаси олдида тўхтаб-тўхтаб ўтди. Кимса қутидан сихга дона-дона терилган, ҳиди анқиб турган жигарни олди. Эринмай, узун хивич билан жигар доналарини ерга туширди. Мушуклар биттадан жигар бўлагини олди, тевааракка қулоқларини диккайтириб олазарак қараб, биғиллаб, маза қилиб ейиш учун бурчак-бурчакларга қараб кетди.

— Гў-ш-т! Гўшт келди!

Насибасини сўраб келган мижозлар сони кўпайгандан-кўпайди. Жигар сотувчи уларни яхши танийди. Мана, бу йўлбарссимон Косильонники, мана ҳораси Жонсники, анави тошбақасифати Пралицкийга, мана бу оппоққинаси эса мадам Дантонга тегишли. Ҳув анави писиб турган ангорий мушукнинг эгаси Бленкинсоф. Анави замбилғалтакка сапчиётган қари, малла Билли — Соьернинг мушуги бўлиб, ўтакетган сурбет, шум, шу боисдан ҳам унинг овқати учун биров бир тийин тўламаган. Барини ёдда тутиш керак. Мана бу югуриб келаётган мушукнинг хўжаси ҳеч қанда қилмай, ҳафтасига ўн цент гўшт ҳақи тўлайди. Манавинисига бўлса, умуман, ишониб бўлмайди. Манави Жон Ушининг мушугига озроқ бериш керак, чунки Жон пул






тўлашни орқага чўзаяпти. Бўйнида бўйинбоғу тасмалар билан безанган ресторан эгасининг каламушхўри эса хўжасининг сахийлиги туфайлигина қўшимча бўлак билан тақдирланади. Гарчанд хўжасинча пул тўламай, аксинча пул йиғса-да, солиқчининг мушуги ҳам каламушхўр мушукдан кам кўрилмайди. Ана, жажжигина тумшукчаси оқ, ўзи қора мушук умид билан унга пешвоз чопди, афсус — у шафқатсизларча четга сурилди. Бечорагина, нима гаплигини англаб етолмади. Ахир у неча ойлардан буён ўз насибасини оларди-ку. Нега бундай қилишяпти? Жигар сотувчи бунинг сабабини яхши билади: мушукчанинг бекаси унинг хўрагига пул тўлашдан бош тортган. Кимсанинг ҳеч қанақа қайд дафтари йўқ, у хотирасигагина ишониб иш кўради, хотираси уни алдамайди.

Киборларга ёт фуқаро мушуклар эса бир четда тизилиб, жигарнинг димоқни қитиқловчи ҳидини туйиб, бирон-бир бахтли тасодиф содир бўлармикин, дея умид қилади. Бу текинтомоқлар сафида бир харобада яшовчи, худо урган қоқсуяк ва ирkit, кулранг мушук ҳам бор. Уни қайсидир қоп-қоронғи бир харобазорда оч-наҳор мушукваччалар кутаётганини англаш қийин эмас. Мушукнинг бир кўзи замбилғалтақда, бир кўзи бурчакда ит биқиниб пойлаб турмаганмикин, деган таҳликада олазарак бўлди. Унлаб омадли мушуклар насибаларини олиб кетди. Кулранг мушук эса нонушта илинжида сарғайиб қолаверди. Ана, худди унинг сингари бошпанасиз қора мушук жигарини тортиб олиш учун бир мижозга ташланди. Мушук ўзини ҳимоя қиламан деб, оғзидаги насибасини тушириб юборди. Улар тепалашиб қолди, кулранг мушук пайтдан фойдаланиб, гўштни илиб олди-ю, жуфтакни ростлаб қолди.

У девор остидан сирғалиб, орқа тўсиқдан сапчиб ўтди, чўнқайиб, жигардан еди, таъмидан аъзойи бадани яйради, кейин айланма йўллар билан ахлатхонадаги қоқ нондан бўшаган эски бир яшиқда уни кутаётган гўдаклари олдига йўл олди. Бирдан зорланиб миёвлашни эшитиб қолди. Мушуклар онаси елиб бориб, бир қора мушук унинг гўдакларини еяётганини кўрди. Қора мушук ўзига икки баравар келса-да, мушуклар онаси унга чунонам қаҳр билан отилдики, қора мушук жиноят устида қўлга тушганидан довдираб қолиб, кетига қараб ура қочди. Мушук болаларидан кўриниши онасига ўхшаб кетадиган, аммо елкасида қора оласи бор, бурни, қулоқлари, думи учи оқ кулранги омон қолди.





Мушуклар онаси дастлаб тоза куйди. Бора-бора ғам-алами ариб, бор меҳр-муҳаббати тирик қолган гўдагига жамланди. Албатта, қора мушук, унинг болаларини еяётганда савоб иш қиялпман, деб ўйламаган. Аммо шундай бўлдики, у беихтиёр мушуклар онасига ҳам, унинг гўдагига ҳам мурувват кўрсатди. Битта мушукни боқиш бир галасини боқишдан мушкул эмас-да. У узун кун бирор егулик ахтарди. Жигар сотувчидан онда-сонда ҳақ олиб турди, доимо ахлат идишларини титкилаб, очликдан сақловчи картошкалар ҳам топиб турди.

Бир кечаси мушуклар онасининг димоғи ажабтовур бир ҳидни туйди. Ҳид Ист-Ривер тарафдан, жинкўча тубидан келди. Ҳид мушуклар онасини бино тарафга, ундан лангаргоҳга чорлади. Бирдан қулоқларига ириллаш эшитилди, шунда у йўлини эски ғаними — кемалар тузатиладиган корхона ити тўсганини пайқади. Унинг хушбўй балиқ иси келаётган кемага сапчиб чиқишдан бўлак иложи қолмади. Ит қирғоқда қолиб кетди, эртасига эрталлаб балиқчи кема сафарга шайланди, мушуклар онаси ҳам беихтиёр кема билан бирга сузиб кетаверди, шундан буён унга ҳеч кимнинг кўзи тушмади.

## II

Харобалар мушукчаси онасини беҳуда кутди. Тонг отди, кун кетди. Мушукчанинг қорни жуда очқади. Кечга яқин бирор егулик топиш умидида йўлга тушди. Қутидан чиқиб, ахлат титди, искаб кўрди, бироқ ейдиган бирор нарса топмади. Ниҳоят, парранда сотувчи Мали деган японнинг ертўла дўконига олиб тушадиган тахта зинапоёга келди. Эшик қия очиқ эди. Мушукча ғалати, ўткир ислар оғушида қолди. У мўралаб, қафасларга банди қилинган сонсиз жониворларни кўрди.

Бурчақдаги қути устида бир ҳабаш ўтирибди. Ҳабашнинг нигоҳи фавқулодда миттигина нотанишга тушиб, уни қизиқиш билан кузата бошлади. Мушукча қафасдаги қуёнлар олдидан ўтди. Қуёнлар унга қайрилиб ҳам қарамади. Кейин катта қафасда ўтирган тулки олдига бориб қолди. Ҳурпайма дум аслзода хоним қафаснинг бир бурчида ўтирибди. Хоним ерга чўзилди. Кўзлари ёнди. Мушукча искаланиб-искаланиб қафас олдига келди, тешигидан ичкарига бошини суқиб, искаб-искаб кўрди, кейин хўрак солинган товоққа узалди, ана шунда тулки хонимнинг чангалига тушди. «Миёв!» деган зорланувчи овоз эшитилди, тулки ўлжасини бир силкиб олди, ана шунда ҳабаш ўртага тушиб, мушукчанинг


жонига ора кирди. Ҳабашнинг қуроли бўлмаса-да, қафас ичига кира олмаса-да, тулкининг тумшугига шундай урдик, тулки шу заҳотиёқ мушукчани қўйиб юбориб, қўрққанидан ўзини бир бурчакка урди.

Ҳабаш мушукчани қафасдан суғуриб олди. Тулки чангалига тушган мушукчага зиён етмаган бўлса-да, аммо у гангиб қолган эди. Мушукча хийла вақтгача бир жойда ўзини уёқ-буёққа ташлаб гир айлана бошлади. Аста-аста ўзига келди. Орадан бир оз ўтгач, ҳабашнинг тиззасига ўтириб олиб, миёвлаб бошлади. Шу вақт парранда сотувчи Мали япон дўконга кириб келди. У Японияда эмас, баки Лондон атрофидаги бир жойда туғилган. Шундай эса-да, унинг кўзлари пўстак йиртиғидай қисик, кенг, юмалоқ юзида ёй шакли чизиб қўйилганга ўхшайди. Ҳеч ким унинг ҳақиқий исми нима эканини билмайди. Шу сабабляям ҳамма уни Япон, деб атайдди. У ўз қарамоғидаги қушлар билан жониворларга зolimлик қилмайди. Япон фақат ўз манфатини кўзлайди, ўзига нима кераклигини яхши билади. Масалан, унга манави хароба мушукчасининг кераги йўқ. У шу сабабляям мушукчанинг қорнини яхшилаб тўйғазди, сўнг чеккароқ бир маҳаллага олиб бориб, майда-чуйда темир-терсакар омборига ташлаб келди.

### III

У бир марта тўйиб тушлик қилиб олди, бўлди, энди икки-уч кунга бемалол етади. Унинг қорни тўқ, кайфияти соз. У деразаларга осиглиқ қўл етмас қафасдаги канарейкаларни мароқ билан томоша қилди, ахлат уюмини титди, девордан мўралаб, ҳовлида ётган, баҳайбат итга кўзи тушди, астагина паствади, панароқ жой топди, бир соатча мизғиб олди.

У заиф пишқириқдан уйғониб кетди. Қараса, қаршисида кўк кўзларини ялтиратиб бир каттакон қора мушук турибди. Қора мушукнинг юзида оқ чандиги бор, чап қулоғи кесик. Авзойи бузуқ. У қулоқларини чимириб, думини тинимсиз ликиллатди, димоғида биғиллади. Мушукча соддадиллик билан унга пешвоз юрди. У биродарлари қотилини танимади. Қора мушук тумшугини устунга уриб





олди, сўнг аста-аста изига қайтиб, кўздан ғойиб бўлди. Мушукча унинг ликиллаётган думини кўриб қолди, холос. Мушукча худди ўша тулки қафасига кирмоқчи бўлгандаги каби ҳозир ҳам бир ўлимдан қолганини билмади.

Кечга бориб, мушукчанинг қорни очди. У шамол деб аталмиш узундан-узун, кўзга кўринмас турфа ҳаво оқимини диққат билан ҳидлаб кўрди. Энг мазалисини сайлаб олиб, димоғини тутиб пешвоз юрди. Ҳовли бурчагида ётган сарқитларни титкилаб, нафсини бир оз қондирди. Кейин жўмрак остидаги бочкадан сув ичди. Туни билан ҳовлини синчиклаб ўрганди. Келаси кунни аввалги кунлар сингари офтобда ширин тушлар кўриб ўтказди.

Вақт шу тарзда ўтиб борди.

У сарқит титкилаб, баъзан унча-мунча тушлик топди, баъзан ҳеч вақо тополмади. Бир куни яна ўша қора мушукни учратди, сездирмай, авайлабгина изига қайтди. Биргина сарқитга ишониб яшаб бўлмайди. Мана, уч кундирки, мушукча сарқитга ишониб оч қолди. Унинг тоқати тоқ бўлиб, деворни синчиклаб кўриб чиқди, торгина ёриқни топиб, ундан кўчага чиқиб олди. Теварак-атрофга энди назар сола бошлаган ҳам эдики, фавқулодда ириллаган овозни, шовқин-суронни эшитди. Қараса, баҳайбат бир ит унга ҳамла қилмоқчи бўлиб келаяпти. Мушукча лип этиб, ёриқдан ўзини яна ичкари олди. Қорни ўлгудай очқади. Омади келиб, озгина картошка пўчоғини топиб олди, шу жонига ора кирди. Эрталаб уйқуга ётмай, овга жўнади.

Ҳовлида чумчуқлар чуғурлади. Чумчуқлар авваллари ҳам келарди, аммо мушукча бу сафар уларга бошқача кўз билан қарай бошлади. Боиси, узлуксиз давом этган очлик мушукчада йиртқичлик туйғуларини кўзғатиб юборди. У энди чумчуқларга ўлжа, тайёр ош сифатида қаради. Мушукча ерга қапишиб ётиб олиб, чумчуқларни пойлади. У чумчуқларни кўп писиб-писиб пойлади, аммо ниятига етолмади, чумчуқлар ҳар сафар эпчиллик билан «пирр» этиб учиб кетаверди. Охир-оқибат, чумчуқлар ўлжаликка ўлжа, аммо етиб бўлмас ўлжа эканлигига кўзи етиб, ҳафсаласи пир бўлди.

Мушукча ушбу омадсизликдан сўнг беш кун ўтиб, яна бирон нима топиш илинжида кўчага йўл олди. Девор ёриғидан ўтиб бир оз юриб эди ҳамки, шу яқинда ўйнаб юрган болалар уни гишт бўлаклари билан тошбўрон қилиб бошлади. У қочди. Кетидан бир ит қувди. Қочоқ ночор ҳолда қолди. Фавқулодда қандайдир бир уй олдида кўҳна


услугда қурилган панжарани кўриб қолиб, ўзини шу панжарага урди, панжара орасидан сирғалиб ўтиб, итга чап берди. Тепадаги деразадан бир аёл итга бақирди. Сўнг бечора мушукчага бир бўлак гўшт ташлади, мушукча гўштни еб шундай маза қилдики, умрида бундай маза қилмаганди. У гўштни еб бўлиб, пиллапоя остига кирди, шу ўтирганича тун чўкиб, оламда осойишталик бўлгунича ўтирди, кейин соя мисол яна ўз кулбасига йўл олди.

Шу тариқа икки ой ўтди. Мушукча ўсиб-улғайди, куч-қувватли бўлди. Теварак-атрофни яхшилаб ўрганиб олди. Жумладан, Даунинг-стрит деган жойни ҳам билиб олди. У ҳар эрталаб Даунинг-стритда тизилиб қоладиган ахлат қутиларига назар солиб, қайси уйда қанақа, қандай одам яшашини билиб олди. Мушукча учун улкан уй сара балиқ қолдиқлари, мўл ахлат қутилари омбори бўлиб қолди. У, шунингдек, жигар сотувчи билан ҳам танишиб, текиндан-текин жигар ейдиган мушуклар сафига қўшилиб олди. Кема тузатадиган корхона ити, яна бошқа итлар билан юзма-юз келди. Мушукча улардан қандай кўргуликлар келишини, ана шунда қандай қилиб қочиб қолишни машқ қилиб олди.

Мушукчамизнинг бахти кулиб, ўлжа топишнинг янги йўлини топиб олди. Сут сотувчилар ҳар эрталаб остона ҳамда дераза токчаларига сут тўла бидонларини қўйиб кетади, мушуклар эса сут илинжида бидонларни бекордан-бекорга айланиб юради. Ана шундай эрталарнинг бирида бизнинг мушукчамизнинг бахти кулиб, тасодифан қопқоғи синиқ бидонни очиб қолди. Қопқоқни кўтариб, тўйгунича мириқиб сут ичди. Мушукчамиз шиша тикинини очишнинг эпини қилолмади, аммо қопқоғи яши эпилмаган қанчадан-қанча бидонлар дуч келмади, у мириқиб сут ичмади. Мушукчамиз сабот-матонат билан ана шундай бидонларни излаб топди. У бора-бора жамики квартални ўрганиб олди. Изғиб юриб-юриб ўзини яна парранда сотувчининг дўкони орқасида қалалиб ётган бочка ва қутилар орасида кўрди.

У темир-терсак омборида бегона бўлса-да, аммо нимагадир ўзини омбор хўжаси ҳис этди, шу боисдан яна бир мушук пайдо бўлганда унга ўшшайиб





қаради. Вазоҳат билан янги келган мушукка қараб юрди. Иш биғиллаш, ғуғиллашга бориб эдиямки, тепадаги деразадан биров бир сатил сув сепиб юборди, шундан кейин улар шаштидан қайтиб, бошлари оққан ёққа қараб қочди. Янги келган мушук девор оша қочди. Бизнинг мушукчамиз ўзи туғилиб-ўсган ўша қути тагига кириб кетди. Бу овлоқ макон мушукча учун жуда қадрдон эди, шу сабаблиям у шу ерда яшаб қолди. Бошқа ҳовлилардаги каби бу маконда ҳам егулик кам, сув йўқ эди, аммо мазали сичқонлар бор эди. Ана шу сичқонлар туфайли бизнинг мушукчамиз ўзига бир биродар топди.

#### IV

Бизнинг мушукчамиз вояга етиб, хушрўй, йўлбарскелбат мушук бўлди. Оч кулранг терисини қора олапар беади, тумшуғи, думи ҳамда қулоғидаги тўрт дона оппоқ оласи чиройига зеб берди. У егулик топиш йўлини яхши билса-да, неча кунлаб оч-наҳор юрди, шунда, эски феъли қўзиб, чумчуқ пойлади, одатдагидек, бесамар бўлди. У ёлғиз яшади.

Август кунларининг бирида мушугимиз ўзини офтобга тоблаб ётиб, устига тикка бостириб келаётган қора мушукни кўриб қолди. Мушугимиз уни чиноқ қулоқларидан таниб, ўзини қути тагига уриб, биқиниб олди. Қоратой эҳтиёткорона юриб, ҳовли четидаги бостирма деворидан осонгина сапчиб ўтди, бизнинг мушугимиз ётган қутидан ҳатламоқчи бўлди, шунда қошида малла мушук пайдо бўлди. Қоратой биғиллади, маллавоё жавоб берди. Мушуклар думи гажак бўлди. Димоғларида биғиллади. Қулоқлари зинкийиб, аъзойи баданлари таранг бўлиб, бир-бирларига қараб юрди.

«Бигғғ!» — деди қоратой.

«Ғигғғ!» — вазоҳат билан жавоб берди маллавоё.

«Бигғғ!» — деди яна қоратой тўрт дюймча яқин келиб.

«Ғуғғғ!» — дея жавоб қайтарган маллавоё қоматини тик тутиб, керилиб бир қадам олға босди.

«Ғу-у-у!» — думи билан ёнларига уриб, яна олға юрди.

«Бигғғ!» — қоратой овозини бир парда юқори олди, аммо ганимининг кенг кўкраklarини кўриб, саккиз дюймча кетига чекинди.

Теварак-атрофдаги уй деразалари очилиб,

одамлар овози эшитилди, аммо мушуклар биғиллашни қўймади.

«Вағғғ!»— шовқин солди маллавой, сўнг қоратойнинг овози кўтарилганини кўриб овозини сал пасайтирди: «Фу!»— кейин олға қадам босди.

Уларнинг тумшуқлари орасида икки-уч дюймча масофа қолди. Ёнламасига туришиб, ҳамлага шайланди, қани, биринчи сен бошла, деган бўлиб бир-бирини кутди. Уч дақиқача бир-бирларини еб қўйгудек бўлиб тикилиб, тош қотди. Фақат думлари учигина ликиллаб турди, холос.

Сўнг маллавой яна бошлади:

«Фу-у!»— деди оҳиста.

«Ва-а-ағғғ!»— ғаними кўнглига ваҳима солиш учун вағиллади қоратой. Аммо ўзи ўн олти дюйм кетига чекинди.

Маллавой ярим дюйм олға босди. Шунда мўйловлари бир-бирига тегиб кетди. Яна бир қадам босди, тумшуқлар нақ бир-бирига урилаёзди.

«Фу-у-у!»— каромат қилди маллавой.

«Ва-а-ағғғ!»— қоратой ўттиз икки дюймча кетига чекиниб, дод солди.

Маллавой ботир олға отилиб, қоратой бақироққа ҳамла қилди.

О, ана олишув, мана олишув! Улар умбалоқ ошди, бир-бирларини тишлади, тимдалаб-тирнади! Шундай тишлашди, шундай тортқилашди, шундай эзғилашди! Хусусан, маллавойга тараф йўқ!

Улар бирининг устига бири чиқиб, умбалоқ ошиб олишавериб, охири дераза олдида қарашиб турган томошағўйларнинг қувноқ қийқириқлари остида чердақдан юмалаб тушдилар. Юмалаб тушаётганларида ҳам бир-бирларини тинмай тимдалаб тирнади. Айниқса маллавой ўхшатиб тирнади.

Маллавой ерга қоратойни босиб тушди. Икковиям бўлганича бўлиб ажралди. Айниқса қоратой вағиллаб, қони оқиб девордан ошди-да, кўздан ғойиб бўлди. Шу заҳотиёқ Билли маллавой қандай қилиб Қоратой Нигнинг таъзирини берганлиги ҳақидаги гап деразама-дераза ўтиб, теваракка ёйилди.

Маллавой ё ўзи чиндан ўтакетган синчков, ё хароба мушуги унчалик яхши яшириниб олмаган шекилли, ишқилиб, маллавой уни қутилар орқасидан топиб олди, у ҳам қочишга уринмади. Аёл қалбини ҳеч бир нима кураш даврасидаги зафар каби забт эта олмайди. Исботи мана, маллавой билан мушукчамиз дўст бўлиб олди. Бу, энди улар турмуш-



нинг аччиқ-чучуги-ю, топган-тутганларини бирга баҳам кўради, деган гап эмас, йўқ, бу мушукларга ёт одат, улар шу кундан эътиборан ўзларида бир-бирларига нисбатан биродарлик туйғусини туйди.

## V

Сентябрь оғи ўтиб, октябрнинг қисқа кунлари кириб келди, ана шундай кунларнинг бирида қоқ нондан қолган эски қути остида ғаройиб воқеа содир бўлди. Бордию маллавоё Били келиб қолганида, оналарининг — хароба мушугининг бағрида биқиниб ётган бешта мушукчани кўрган бўларди. Ҳа, хароба мушугининг бахти очилди. У ўзида йўқ шод бўлиб, гўдакларини ялаб-юлқади, силаб-сийпади.

Унинг ғарибона ҳаёти қувончларга тўлди, аммо бу қувончнинг ўзига яраша ташвишлари ҳам бўлди. У энди бор куч-қувватини норасидаларига егулик излашга сарфлай бошлади. Мушукваччалар эсайган сайин ташвишлари ҳам орта борди. Бир ярим ойлар деганда мушукваччалар қутидан чиқишни ўрганди, оналари ўлжага жўнаши биланок ташқари чиқиб, теварак-атрофни айланди.

Камбағалчиликда кулфат булутдай ёпирилиб, бахт эса аста-секин келади. Дарҳақиқат, мушугимизни кучуклар уч марта талади, Мали японнинг ҳабаш малайи уни нақ фишт билан тушираёзди. Сўнг ишлар юришиб кетди. Эртаси эрталаб қопқоғи йўқ сут тўла бидонни топиб олди, жигархўр мижозлар ҳақидан усталик билан ўғирлашга муясар бўлди, каттакон балиқ калласи топди. Булар бор-йўғи бир-икки соат ичида содир бўлди. Маконига қорни тўқ, сокин кайфиятда қайтиб, ҳовлида жажжигина қўнғир жонзотга кўзи тушиб, ўзининг аввалги овларини эслади. У ҳаётида кўплаб сичқонларнинг бошига етди. Манави қўнғир жонивор ҳам сичқон, сичқон бўлгандаям тўмтоқ думли, шалпанг қулоқли, семиз сичқон бўлса керак-ов, дея хаёл қилди.

У ҳожати бўлмаса-да, жонивор олдига биқиниб борди. Жажжигина қуёнча мушукнинг қилиғидан завқ олаётгандай чўккалаб ўтирди, қочишга уринмади, мушук бундан фойдаланиб, уни осонлик билан тутиб олди.

Мушук қуёнчани ейишга қўнғли тортмади, мушукваччалар орасига қўйиб юборди. Қуёнча унча оғриқ сезмади. Кўп ўтмай қўрқувдан халос бўлиб, қутидан чиқа олмаслигига кўзи етиб, мушукваччаларга кўникиб бошлади. Улар овқатланишса,



у ҳам тортинмай, қўшилиб овқатланди. Мушук гангиб қолди. Улжага нисбатан нафс туйғуси бошқа барча туйғулардан юқори туриши керак эди, бироқ мушукнинг қорни тўқ эди, ана шу тўқлик қуёнчани ўлимдан сақлаб қолди. Қоратой мушугимизда оналик туйғуси қўзғалди, у қуёнчани эмизиб бошлади.

Қуёнча оиланинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Мушукваччалар нима еса, уям шуни еди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Мушукчалар онаси йўқлигида қутилар орасида ўйнади, қуёнча эса ташқарига чиқа олмади. Мали япон ҳабаш малайига мушукчаларни отиб ташлашни буюрди, малай эрталаб йигирма икки дюймлик милтиғини ўқлаб, хўжайиннинг буйруғини бажо келтиришга киришди. Мушукчаларни бирин-кетин отиб ташлади. Шу вақт деворда оғзида каламуш тишлаган улкан мушук пайдо бўлди. Ҳабаш унияма отиб ташламоқчи бўлди, аммо оғзидаги каламушни кўриб шаштидан қайтди. Каламушга қирон келтирган мушук яшай-версин, деган хулосага келди.

Бу бизнинг мушугимиз тутган биринчи каламуш бўлиб, айнан шу каламуш мушугимизнинг ҳаётини сақлаб қолди. Мушук турли-туман ахлату чиқиндилар оралаб қутисига етиб келиб, гўдақларини чорлади. Аммо биронтаям гўдаги овоз бериб, онасига пешвоз чиқмади. Қуёнча бўлса каламушни емади. У шунда қуёнчани эмиза бошлади. Вақти-вақти билан мушукчаларини йўқлаб, чорлаб турди. Чорлаш овозини эшитган ҳабаш биқиниб келиб, қутига мўралаб, ундаги мушук, қуёнча ҳамда каламуш ўлигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлади.

Мушуклар онаси қулоқларини бўйнига қисиб биғиллади. Ҳабаш нари кетди. Кўп ўтмай қути устига тахта тўнтарилиб, ичидаги тиригу ўлик жониворлари билан бирга паррандалар ертўласига олиб кетилди.

— Хўжайин, йўқолган қуёнча мана-ку! Сен бўлсанг мени ўғри қилиб юрувдинг!

Мушук билан қуёнчани катта темир қафасга солиб қўйиб, бахтиёр оила намунаси сифатида бир неча кун намойиш қилдилар. Аммо кўп ўтмай қуёнча хасталаниб ўлиб қолди.

Мушук ўзини қафасда бир сония ҳам бахтиёр сезмади. Ваҳоланки ейиш-ичишдан камчилиги бўлмади, тўйғунича еб-ичди. Йўқ, у тутқунликда азоб чекди. Кунлар шундай ўтаверса, у абадий кўз юмиши ё озод бўлиши мумкин эди. Бахтига қарши тўрт кун давом этган тутқунлигида ўзининг

жунларини шундай ювиб-таради, натижада жунларини чунонам жилвалана бошладики, буни кўрган Япон мушукни олиб қолишга аҳд қилди.



## Иккинчи ҳаёт

### VI

Мали япон Лондон чеккасида ўсиб-улғайган айёр одам бўлиб, бир вақтлар ертўлада арзон канарейкалар сотиш билан шуғулланган эди. У жудаям камбағал бўлиб, ночор кун кечиради, Япон лондонлик бўлганлиги учунгина ҳабаш у билан стол ва каравотдан тенгма-тенг фойдаланади. Хулласи калом, аксарият америкаликлардан фарқли ўлароқ, ҳабаш Японни ўзи билан тенг ҳуқуқли кўради.

Япон ит, мушукларни ўғирлаб яшириш ҳисобига кун кўриши барчага аён бўлса-да, аммо у ўзини ҳалол одам деб билади. Қарамоғидаги олти дона канарейкаси шунчаки парранда сотувчи деган ном учун керак, холос. Аммо Япон тушкунликка тушмайди. Омади келган вақтлари, «Сэмми, мана кўрасан, ҳали ўзимнинг шахсий каретамда юраман!» — дейди. У ўзига яраша шуҳратпараст бўлиб, одамлар уни ўз ишининг устаси, дейишларини истайди. У бир сафар мушугини Никербокерлар уюштирган зотли мушук ҳамда турли уй жониворлари киборлар кўргазмасига олиб боришга ҳам журъат этди. Бу иш билан у учта сирли мақсадни амалга оширмоқчи бўлди. Биринчидан, ўз иззат-нафсини қондиради, иккинчидан, мушукни кўргазмага қўйиб, у ерга текинга кириш ҳуқуқига эга бўлади, учинчидан,

«мушуклар билан ишлашга аҳд этганлиги учун бошқа зотдор мушуклар билан ҳам танишиб қўяди». Бироқ кўргазмага фақат киборларгина қатнашиб, ҳайвонлар ҳам фақат киборлардан қабул қилинади. Шу боисдан ҳам унинг бечора мушугидан жирканиб, рад этишди.

Японни қизиқтирадиган яккаю ягона нарса мушукларнинг йўқолиши ҳамда топилиши ҳақидаги газета хабарлари бўлди. У шунингдек, «Мушук терисини қандай қилиб мўйнага айлантириш» ҳақидаги мақолани ҳам қирқиб олиб қўйди. Дўконча деворига ёпиштириб қўйилган бу мақола Японни мушуклар онаси устидан аянчли тажриба ўтказишга даъват этди. У аввало мушук баданига жониворларни ўлдирадиган доридан суртиб қўйди. Сўнгра тирнаб-юмдалаб фарёд кўтаришига қарамай, иссиқ сув билан совунлаб, қиртишлаб ювди. Мушук ғазаблангандан-ғазабланди. Бир оздан кейин қафасни печка яқинига қўйишди, шунда мушукнинг бадани роҳатланиб, жунлари пахмайиб, топ-тоза, майин бўлиб қолди. Япон билан ёрдамчисининг оғзилари қулоқларига етди. Аммо бу тажрибанинг ибтидосигина бўлиб, асосийси ҳали олдинда эди. «Мўйна янада яхшироқ бўлиши учун ёғли овқат бериб, совуқ ҳавода айлантириш керак», деб ёзилган эди газетада.

Қиш кирай деб қолди, Мали япон қафасни ҳовлига олиб чиқиб, ёмғиру шамоллардан пана жойга қўйди, сўнг ичидаги мушукни бурнидан чиққунча балиқ калласи бериб боқди.

Бир ҳафта деганда мушук ўзгарди. Тўлишиб, миқтидан келди, жунлари момиқлашиб, майинлашди. У янада семириш, жунларини силаш билан машғул бўлди. Қафас озода тутилди, табиатнинг совуқ ҳавоси ҳамда мойли овқатлар мушук жунларига кун сайин жило бериб, дуркун, чиройли қилиб юборди, қиш ўрталарига келиб эса хароба мушуги худди атайлаб чизилгандай ола-була, дуркун жунли, гўзалликда ноёб мушук бўлди. Япон ўз тажрибасидан мамнун бўлиб, кўз кўрмаган, қулоқ етмаган шуҳрат ҳақида хаёл сура бошлади. Нега энди мушукни яқинда ўтказилажак кўргазмага қўймайди? Аммо у бултурги омадсизликдан сўнг эҳтиёткор бўлиб қолганди.

— Биласанми, Сэмми, — деди у ҳабашга, — уни дайди мушук деб тавсия этиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, Никербокерлар талабини бекаму кўст адо этамиз. Энг аввало бир яхшироқ ном топиш керак. Бирор киборча ном топмасак, ишимиз хуржун бўла-



ди, Никербокерлар назаридан ўтолмаймиз. Мабодо «аслзода Дик ёки аслзода Сам» деб қўйсак-чи. Тўхта, тўхта, ахир бу номлар эркакча-ку. Айт-чи, Сэмми, сен туғилган орол нима деб аталарди?

— Мен туғилиб-ўсган юрт Аналостан ороли деб аталади, сэр.

— Зўр! Уни Асл Аналостан мушуги деб атаймиз, топдимми?! У кўргазмада Асл Аналостан зотининг ягона вакили бўлади! Кулгили-я, тўғрими? Улар хохолашиб кулди.

— Энди насл шажарасини тайёрлаб қўйиш керак.

Шундай қилиб, оғайнилар мукамал қалбаки насл шажарасини тузишга киришди.

Сэм бир оқшом ижарага олган цилиндрини кийиб, мушукнинг қалбаки насл шажарасини кўргазма ҳакамларига топшириб келди. Ҳабаш ўйланган режани аъло даражада адо этди. У қачонлардир Олтинчи авенюда сартарош бўлиб ишлаган, шу сабабляям ўзини Малидан кўра анча сипо ва калондимоғ тута оларди. Афтидан, унинг ана шу хислати кўргазмада Асл Аналостан мушугининг иззат-ҳурмат билан кутиб олинишига сабаб бўлди.

Япон ўз мушугининг кўргазмага қўйилганидан бениҳоя ғурурланди. Собиқ Лондон баққолининг қалбида киборлар жамиятига сажда қилиш туйғуси жўш урди. Кўргазма очиладиган куни дарвоза томон мисоли оқиб келаётган экипаж ва цилиндрларни кўриб тўлқинланиб кетди. Эшик оғаси унга бошдан-оёқ разм солди, қўлидаги паттани кўрди, кейин, кўргазмага мушугини олиб келган бирон нуфузли боённинг отбоқари бўлса керак, деган хаёлда ичкари киритиб юборди. Ичкарида қатор тизилган қафаслар пойига бахмал пойандозлар тўшаб қўйилибди. Япон зал четидан юриб, турли хил мушукларни томоша қилди, хусусан ҳаворанг, қирмизи тасмаликларга алоҳида эътибор бериб қаради, сўнг, ўзининг мушугини излади, киборлар жамоаси найрангини пайқаб қолишидан хавфсираб, мушугини сўраб-суриштиришмади, тилини тийди.

У жуда кўп совриндор жониворларни кўрди, ammo ўзининг хароба мушугига кўзи тушмади. Катта йўлакни тўлдириб турган оломонни ёриб ўтиб қаради, бироқ мушугини учратмади. Шунда Япон хатолик ўтган, ҳакамлар мушукни қабул қилмаган, деган шубҳага борди. Японнинг парвойи фалак бўлди. Тўғри-да, киришга билет олдим, олди, зотли форс ангорий мушукларни қаердан излашни билиб олдим, олди.

Марказий йўлак ўртасига энг яхши, зотдор мушуклар қўйилди. Оломон уларни ўраб олди. Йўлак ип билан тўсилди, иккита полициячи оломон бир жойда тўпланиб қолмаслигини назорат қилиб турди. Япон энг тиқилинч жойдан ўтиб олди.

Оломон оша қарашга бўйи паканалик қилди, гарчи пўрим оломон жулдурвоқи Япондан ирганиб, ўзини четга тортган бўлса-да, Япон барибир ўртадаги қафас олдига ўтолмади. Аммо тева-ракдагиларнинг гапидан худди шу ўртада кўргазма гули ҳисобланмиш қафас борлигини билиб олди.

— Қара, чиройли-а? — деди бўйчан бир аёл.

— Жудаям гўзал! — деган жавоб бўлди.

— Кўзларидаги эринчоқлик асрлар бўйи тантиқ яшаб келганлигидандир.

— Қани эди, ана шундай ажойиб жониворинг бўлса!

— Ана кибр-ҳаво, ана вазминлик!

— Айтишларича, ҳужжат бўйича унинг насл шажараси нақ фиръавнларгача бориб тақалар эмиш.

Бу гапларни эшитган фақир, кичкинагина Япон шундай сараланган киборлар жамияти эътиборига бир исқирт мушугини ҳавола этишга қандай журъат этганига ҳайрон бўлди.

— Узр, хоним! — кўргазма директори шундай дея оломонни ёриб ўтди. — Кўргазмамиз «дури»-нинг расмини чизиб, тезликда чоп этиш учун «Спорт газетаси»дан рассом чақирганмиз. Пича йўл бўшатишингизни ўтиниб сўрайман. Ана шундай, ташаккур.

— О, директор жаноблари, мана бу нодир жониворни сотиб олиш учун хўжасини кўндириб беролмайсизми?

— Ҳм, қайдам, — деди директор. — Айтишларича, унинг хўжаси жудаям бадавлат ҳамда хилватнишин одам эмиш, ҳузурига кириш мушкул дейишади. Шундай бўлса ҳам, бир уриниб кўраман, хоним, уриниб кўраман. Эшик оғасининг айтишича,




у жаноб бисотини кўргазмага қўйишга зўрға рози бўлибди... Ай, нимага тиқиласиз? — директор аслзода жонивор расмини чизаётган рассомни қисиб қўяётган юпун одамга бақирди.

Бечора Япон қандай қилиб бўлса ҳам ноёб мушуклар қаердалигини билгиси келди. Қафасга бир назар солиб, «Никербокер жамияти ўзининг ҳаворанг тасмаси билан олтин медалини ҳаваскор эсквайер Я. Мали кўргазмага қўйган зотдор Асл Аналостан мушугига беради. Сотилмайди» деган ёрлиққа кўзи тушди. Япон энтикиб нафас олиб, яна ёрлиққа қаради. Ҳа, чин экан, тепадаги олтин суви югуртирилган қафасдаги бахмал тўшақда тўртта полициячи назорати остида оч кулранг, тимқора, йўл-йўл жунли хароба мушуги кўкиш кўзларини қисиб ётибди. Мушук жуда зерикди. Теварагида бўлаётган ура-ураларга қайрилиб ҳам қарамади.

## VII

Мали япон қафас олдида соатлаб туриб, хароба мушугининг мақтовларини эшитиб, маза қилди. Хароба мушугининг бундай шон-шухрат, мақтовларга сазовор бўлиши Японнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. У, барча ишларни «эшик оға»сига қўйиб, чеккароқда турган маъқул, деган оқилона фикрга келиб, ўзини четга олди. Кўргазма муваффақият қозонди, бу муваффақият учун албатта, хароба мушугидан миннатдор бўлди. Мушукнинг баҳоси хўжасининг кўзи ўнгида кун сайин ошиб борди. Мали бундай вазиятларда мушукларни қандай нархда сотиш мумкинлигига ақли етмади, «эшик оға»си орқали директорга айтиб, Аналостан мушугини юз долларга сотишга розилик берганида, нархини жудаям ошириб юбормадиммикан, деган гап кўнглига келди.




Шундай қилиб, хароба мушуги кўрғазмадан тўғри Бешинчи авенюдаги ҳашаматли уйга борди. У бирдан ёввойи бўлиб қолди. Унинг эркалитишларни жини суймаслигини беодобликни ёқтирмайдиган оқсуяклик деб қабул қилинди. Гарчи ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб, булғаб ташлаган бўлсада, уй кучугидан қочиб, овқатланадиган стол ўртасига чиқиб олишини туғма одат деб тушунилди. Хонаки канарейкага ёпишганини она Шарқига хос қизиққонлик оқибати деб билинди. Сут тўла бидонларни киборларча қилиқлар билан очиши барчанинг олқишига сазовор бўлди. Шойи қопланган саватда ухламаслиги сават яхши безатилмаганлиги билан, дераза ойналари билан келиша олмаслиги эса бир вақтлар у яшаган саройда кўзгули ойналар йўқлиги билан оқланди. Орқа тарафдаги ҳовлининг баланд деворларида чуғурлашаётган чумчуқларга бесамар, ҳавойиларча ташланишини аслзода тарбиянинг бўшлигидан деб тушунилди, ахлат қутиларига бориб туриш одатини эса, аслзода хонимнинг кечириш лозим бўлган ғалати одати деб қабул қилинди.

Мушугимизни турли-туман ноз-неъматлар билан сийлашди, эркалитишди, аммо у ўзини бахтиёр деб билмади. У юртини кўмсади, юртини соғинди. Бўйнидаги ҳаворанг тасма жонига тегиб, юлқиб, йиртиб ташлади, дераза ойналарини туртиб, итарди, назарида деразаларни кўчага олиб чиқадиغان йўл деб ўйлади, одамлар билан итлардан нари юрди, уларни азалий душмани деб билди. Дераза токчасида, томлар, орқадаги ҳовлиларга маъюс термулиб ўтирди. Кўчага чиқиб кетишни жуда-жуда истади! Аммо уни қаттиқ таъқиб этиб, кўчага чиққани қўйишмади. Шундай бўлса-да, Асл Аналостан март оқшомларидан бирида ҳовлига ахлат қутилар қўйилаётган бир вақтда қулай пайт топди, эшикдан билдирмасдан лип этиб сирғалиб чиқиб, орқа-олди-га қарамай қочди.

У қочгач, бу ерда қандай шов-шув, тўполонлар бўлганини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Мушук бунни билмади, билишнисям истамади. У тезроқ уйига етиб олишни ўйлади. Анча-мунча майда-чуйда саргузаштларни бошдан кечириб, Грамерси-Грэнж-Хилл олдида пайдо бўлди. Энди буёғи нима бўлади? Уйига етолмади, устига-устак, тайёр ошидан ҳам айрилди. Қорни очиб бошлади, шунга қарамай у жуда хурсанд эди.

У қандайдир бир уй олдидаги боғчада хийла вақт биқиниб ётди. Шарқдан қаттиқ шамол туриб,





самимий хушхабар олиб келди. Одамлар уни лангаргоҳ тарафдан келадиган бадбўй ис дейдилар, бизнинг мушугимиз эса уни уйидан келган қувончли хабар деб билди. У узун кўчадан уй панжараларини қоралаб шарққа қараб чопиб кетди, аҳён-аҳёнда ҳайкалдай қотиб тўхтаб яна чопди. Ниҳоят сунга, лангаргоҳга етиб келди. Аммо лангаргоҳ унга нотаниш эди. Бу ердан жанубга ҳам, шимолга ҳам бориш мумкин. У жанубга йўл олди, итларга, арава ва мушукларга чап бериб, эгри-бугри кўрфаз, тик панжаралар ёқалаб юриб, икки соатлар деганда ўзига таниш ҳидли жойда пайдо бўлди. У ҳолдан тойиб, чўлоқланиб парранда дўкони орқасидаги эски ёриқдан — ўзи туғилиб-ўсган ўша қутига ўзини урганда қуёш ҳали чиқмаган эди. О, агарда Бешинчи авенюдагилар уни «Она шарқи» бағрида кўрганларида эди! У нафасини ростлаб олиб, паррандалар ертўласига егулик излаб тушди. Эшик очилиб, остонада ҳабаш кўринди. Ҳабаш парранда сотувчига қичқирди:

— Хўжайин, буёққа бир қара! Ана, Асл Аналостан мушуги уйга қайтиб келибди!

Япон остонасига келганида, мушук девордан ошишга интилди. Улар бараварига майин, ялинчоқ товушда мушукни чақирди: «Пиш-пиш! Шўрлиг-а! Буёққа кел, ма, пиш-пиш!» Аммо улар мушукка маъқул келмай, ўзининг бошпанасига равона бўлди.

Асл Аналостан Японни бойвачча қилиб юборди. У мушукдан келган юз долларга бир қанча жонивор-у, керакли асбоб-анжомлар сотиб олди. Шу боисдан ҳам «жаноби олияларини» яна бир марта қўлга тушириш пайида бўлди. Мушук пойига хўраклар қўйди. Мушук очликдан ночор аҳволда қолиб қутига қўйилган улкан балиқ калласи томон писиб келди. Ҳабаш тузоқ ипини тортди, қопқоқ ёпилиб, мушук тузоққа тушиб қолди. Асл Аналостан мушуги яна ертўладаги асирлар қаторидан жой олди. Бу орада Япон газеталардаги эълонларни диққат билан ўқиб бориб, манави гапга кўзи тушди: «5 доллар ширинкомаси бор...» Жаноб Малининг «эшик оғаси» шу оқшомиеқ йўқолган мушук билан Бешинчи авенюдаги ҳашаматли уй остонасида пайдо бўлди.

— Жаноб Мали Сизга салом айтдилар, сэр. Асл Аналостан мушуги эгасига қайтиб келди, сэр. Жаноб Мали Сизга Асл Аналостан мушугини қайтараётганларидан бағоят мамнунлар, сэр.

Турган гап, жаноб Малига суюнчи бериш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, аммо «эшик оғаси»



ваъда қилинган «чайчақани» бажонидил қабул қилишини билдирди.

Шу воқеадан кейин мушук устидан назорат кучайтирилди. У оч-наҳор юргандан кўра, тўқ хонадон бағрида яшаб хурсанд бўлиш ўрнига кун сайин ёввойи ҳамда сержаҳл бўлиб борди.

## VIII

Баҳор Нью-Йоркка бор бўйи билан кириб келди. Исқирт чумчуқлар сув қувурларига қўниб ликиллади, питирлади. Кечалари томларда мушуклар миёвлади.

Бешинчи авенюдаги хонадон эса шаҳар ташқарисидаги виллага кўчишга тараддудланди. Буюмларни жойлаштириб, уйни қулфлашди, мушукни саватга солиб, Нью-Йоркдан эллик чақиримча келадиган виллага жўнаб кетишди.

— Мушукка худди шу керак эди. Ҳаво алмаштириш, шароитни ўзгартириш эски хўжаларини унутишга ёрдам беради, энди у бахтиёр бўлиб кетади.

Саватни каретанинг юкхонасига қўйдилар. Мушукнинг қулоғига ўткинчи товушлар, димоғига турфа ҳидлар келди. Карета қайрилди. Кўплаб оёқ товушлари эшитилиб, сават яна силкина бошлади. Пича тўхтадилар, кейин яна бурилдилар, ғижирлаб, шиқирлаган, тақирлаган, чўзиқ-қисқа ҳуштаклар, қўнғироқ овозлари, гумбур-гумбур, пишиллаган овозлар эшитилди, ёқимсиз, бадбўй ис, қўланса, нафасни бўғадиган ис, ярамас, оғули, сассиқ тутун келди. Гумбур-гумбур овозлар бечоранинг фарёдларини босиб кетди — у ҳаво етмай, нафаси қисилди. Шунда бирдан каретага ёруғ тушди, ҳаво ҳам мўътадиллашди. Сўнг одам овози келди: «Юкларни чиқаринглар!» Овоз мушугимиз учун бақирлиқ бўлиб туюлди. Гумбурлашлар тинди.

Орадан бир оз ўтгач, силкинишлар яна давом этди. Яна турли овозлар эшитилди. Энди заҳарли, бадбўй ислар бўлмади. Бўғиқ бақирлиқлар кучайди. Ана, лангаргоҳнинг димоққа хуш ёқадиган ҳиди келди. Яна туртиниб, қичқириб, ғижирлашлар, тўхташлар, шитирлаган, тақир-туқур қилган овозлар, қўланса ис, силкиниб, лўкиллаб кетишлар бошланди. Янги-янги ислар димоққа урилди, туртини-суртинишлар бўлди, газ, тутун, чийиллашлар, жаранг-журунг, фарёдлар, гумбурлаб қарсиллашлар бўлди. Сўнг янада янги-янги ислар димоққа келди, тебранишлар, тақ-тақ, тарақ-туруқ овозлар эшитил-



ди. Ниҳоят тўхтадилар. Сават қопқоғи ораларидан ёруғ тушди. Аслзода мушукни яна карета юкхонасига жойлашди. Карета бурилиб, ғилдираклар гумбурлаб кетди. Энди яна бир даҳшатли овоз — итнинг вовуллаши эшитила бошлади. Вовуллаш шундоқ яқиндан, нақ қулоқ устидан эшитилди. Сават очилиб, хароба мушуги ўзини шаҳар ташқарисидаги виллада кўрди.

Теварақдагилар мушугимизни шундай иззат-икром қилдиларки, бу иззат-икром охир-оқибат хиралик; сурбетликка айланиб кетди. Барча аслзода хонимнинг кўнглини олишга интилди, бу шараф фақатгина семиз ошпаз аёлга насиб этди. Мушугимиз ошпаз аёл билан ошхонада танишди. Ошпаз аёлдан ўша харобалар ҳиди келди. Шу боисдан ҳам Асл Аналостан мушуги унга меҳр қўйиб қолди. Ошпаз аёл хўжайин мушукнинг қочиб кетишидан қўрқаётганини кўриб, уни қўлга ўргатишга ваъда берди. У яратганнинг ноёб жониворини шартта тутиб олиб, этагига солди, бераҳмларча таҳқирлаб, мушук панжаларига қуйруқ ёғидан суртиб қўйди. Турган гап, бундан мушукнинг қаҳри келди. Қўйиб юборганда у панжаларини ялаб кўрди, қуйруқ мойи кўнглига жуда ўтириб қолди. Бир соат давомида тўртала панжасини тозала ялади, буни кўрган ошпаз аёл: «Энди у ҳеч қаёққа кетмайди», деди тантанали суратда. Ошпазнинг каромати тўғри чиқди, мушук ҳеч қаёққа кетмади, аксинча, ошхонага, ошпазга, сарқит челаққа ажаб-товур бир меҳр қўйиб қолди.

Хўжайинлар бу кибор хонимнинг ғалати қилиқларидан ташвишга тушдилар, аммо Асл Аналостаннинг хурсанд, тетик юрганини кўриб, кўнгиллари жойига тушди.

Икки-уч ҳафталардан кейин уни янада эркин қўйдилар. Ярамас кўнгилисизликлардан ҳам авайладилар. Уни итлар ҳам иззат қилиб бошлади. Бирон-бир одам, бирон-бир бола улуғ зотли мушукка тош отишга журъат этолмади. Унга бурнидан чиққунича овқат беришди, шундай бўлса-да, у ўзини бахтсиз ҳис этди. Кўнгли кўп нарсаларни хоҳлади, аммо нималигини ўзи ҳам билмади. Бўлмаса егани олдида, емагани кетида. Аммо кўнгли ниманидир қўмсади. Ажабо, сутнинг таъми ҳам олдин ичганларига асло ўхшамайди, ўхшасайди, бориб ликопчадан бемалол мириқиб ичиб келган бўларди. Уни қорин очиб, қулдураб турган вақтда тунука бидондан ўғринча ичиш мазали, бунақа пайтда-чи, сутнинг сутлигиям билинмайди.

Уйнинг орқасида катта ҳовли бўлиб, унда атиргуллар барқ уриб очилиб ётибди, гуллар ҳиди ҳавони заҳарлаб қўйибди. Ҳатто отдан от, итдан ит ҳиди келмайди. Бутун мамлакат қўланса боғ-роғлар, кўм-кўк ўтлоқлардан иборат саҳрога ўхшайди. Бирон-бир нурай деб турган хароба уй, бирон-бир завод мўриси йўқ. Барча-барчаси кўзига шундай хунук кўринди, шундай хунук кўринди! Хунукдан-хунук бутун бир чорбоғда бор-йўғи бир тупгина бута бор, уям бўлса бир пастқам ерда тиқилиб ётибди. У гоҳи-гоҳида бутанинг япроқларини юлиб, устида юмаларди. Бута мушук учун чорбоғдаги бирдан-бир файзли жой бўлиб қолди. Дарҳақиқат, чорбоққа келганидан буён на биронта балиқ калласи, на биронта сарқит кўрди.

Чорбоғ мушукка худо урган бадбахт мамлакат бўлиб туюлди. Ўз эрки қўлида бўлганида дастлабки кечасиёқ жуфтакни ростлаган бўларди. Лекин эркинлик бир неча ҳафта ўтганда келди, афсуски, у бу вақтда ошпаз аёлга ўрганиб қолди. Аммо ёзнинг охирларида бир қатор воқеалар содир бўлиб, мушукнинг кўҳна туйғуларини қўзғаб юборди.

Чорбоққа лангаргоҳда той қилиб боғланган мол олиб келишди. Той молдан лангаргоҳ ҳамда харобанинг ўткири, бошни айлантиргувчи хушбўй ҳиди анқиди, шунда, мушукнинг кўз ўнгидан ўтмиши ўтди. Эртаси куни аллақандай сабабларга кўра ошпаз аёлнинг жавобини беришди. Ошпаз аёл кетиши билан мушук ёлғиз бўлиб қолди. Шу оқшом чорбоғ бекасининг оқсуяклар қонига ҳурмат туйғусидан маҳрум кенжа ўғли бўлмиш ярамас америкаликнинг хаёлига кибор мушукнинг думига тунука боғлаш фикри келиб қолди. У ўз қилмишини эзгулик деб билди. Аммо мушук бу бемаъниликка йўл бермай, эркатойни балиқнинг тишидай келадиган беш тирноқли панжалари билан урди. Хўрланган кенжа Америка фарёди, Америка онасининг қаҳрини келтирди. Қўлидаги китобни мушукка отди, мушук китобга чап бериб, тепага қараб қочди. Тўғри-да, каламушни қувса, пастга қараб қочади, итлар тўғрига, мушуклар эса юқорига қочади.

Мушук томда биқиниб ўтириб, кеч киришини пойлади. Кеч киргач, зиналардан сирғалиб тушиб, эшикларни бир-бир туртиб кўрди, аммо очигини тополмади, кейин мунғайиб туриб-туриб, август оқшоми зулматига сингиб кетди. Тун инсон кўзига қора мойдай қоп-қора бўлиб кўринади, аммо айти шу дақиқада тун мушукнинг кўзига кулранг бўлиб

туюлди. У кўргани кўзи йўқ ўша бута ва гулпушталар орасига бекинди, хайрлашув олдидан баргларидан юлиб олди, сўнг баҳорда қайси йўлдан келган бўлса, шу йўлдан изига қайтди.

Аммо ҳеч қачон кўрмаган йўлини қандай топа олади? Ҳар бир жониворда йўл топа олиш сезгиси бўлади. Бу сезги инсонда жуда заиф, отларда эса кучли бўлади. Бу сезги туйғуси мушукларда жудаям ўткир бўлиб, ана шу сезги мушукни ғарб томонга бошлади. Соатига икки милдан йўл босиб, Гудзон дарёсига етди. Димоғи тўғри йўл танлаганлигини тасдиқлади. Теваракни ҳидлаб кўриб, барча-барчаси бирин-кетин ёдига тушди. Масалан, одам ҳам нотаниш кўчадан юриб, уни дарҳол ёддан чиқаради, бироқ яна йўли тушиб қолса, ўзига-ўзи: «Ҳа-я, мен ахир бу ерларда бўлганман», дейди-ку. Мушукда ҳам худди шундай ҳол юз берди. Димоғи унга айтиб турди: «Ҳа, тўғри, бултур баҳорда ҳам шу ердан ўтиб кетган эдик».

Соҳил ёқалаб темир йўл ўтган. Мушукнинг олдида шимолга қараб юриш керакми ё жанубгами деган савол кўндаланг бўлди. Сезгиси аниқ-равшан қилиб айтди: «Шимол тарафга юр». Шунда мушук темир йўл билан девор оралиғидаги йўл бўйлаб чопиб кетди.



## Учинчи ҳаёт


### IX

Мушуклар дарахт ёки деворга жуда тез чиқа олади, аммо бир меъёрда олисга югуришда ит биринчиликни олади. Мана, йўл равонлигига қарамай, мушук бадбўй атиргуллардан бор-йўғи икки милча узоқлашганига роппа-роса бир соат вақт ўтди.

У ҳолдан тойиб, сезилар-сезилмас оқсаб бошлади. Бечора энди дам оламан деб турганида бирдан девор томондан ит вовиллаб қолди. Мушукнинг капалаги учиб, йўлак бўйлаб жон-жаҳди билан чопиб қўяверди, мабодо ит девордан ошиб тушмадимикин, деган ташвишда кетига қараб-қараб чопди. Йўқ, ит ҳали-ҳозирча кўринмаяпти! Бир маҳал ёнига бундай қараса, ит қулоқни кар қилгудай ириллаб, ёнма-ён елиб келаяпти. Итнинг ириллаши бора-бора бўғиқ гумбур-гумбурга, сўнг наърага, момоқалдиروقқа айланди. Олов ярқиради. Мушук яна қайрилиб қараб... ит эмас, унга томон елиб келаётган ягона қизил кўзли улкан қора махлуқни, чийиллаб, вишиллаб келаётган махлуқни кўрди. Мушукнинг бор вужуди таранг бўлиб, ақл бовар қилмас тезлик билан чопди, аммо деворни ошиб ўтишга журъат этмади. У елди, учди... Барчаси беҳуда бўлди: баҳайбат махлуқ барибир уни қувиб етди, аммо қоронғида мўлжалидан адашиб, мушукнинг ёнгинасидан ўтиб, қоронғиликка сингиб кетди. Уйига ярим милча қолганида мушукнинг нафаси тиқилиб қолди, баҳайбат ит овози ўчгунча ерга қапишиб ётиб олди.

Мушук бу ғалати махлуқни биринчи марта кўриши эди. Аммо уни исидан таниди. Бир вақтлар сават ичида чорбоққа кетаётиб, уни кўриб эди. Махлуқни кўриб, қўрқиб кетган мушук аста-аста ўзига кела бошлади. Мушук амин бўлдики, улар жуда нодондирлар, у девор тагига биқиниб олса бўлди, улар уни икки дунёдаям тополмайдилар. Дарҳақиқат, у тонг отгунча бир нечта қизил кўзли махлуқларни кўрди, аммо улар уни пайқамади.

Тонг чоғи харобаларга етиб келди, уюм-уюм кулларни титиб, пичагина егулик топди. У иккита ит ҳамда бир тўда болакайлар яшайдиган отхона олдида кунни кеч қилди, болакайлар уни ўлдириб қўйишига оз қолди. Манави пастқам-пастқам уйлар, ҳовлилар унга қадрдон жойларини эслатса-да, аммо





бу ерда қолгиси келмади. Эски феъли тутиб, тонг ёришиши билан яна йўлга тушди.

Кун бўйи ёнидан бир кўзли гулдурак махлуқлар ўтиб турди. У энди махлуқларга ўрганиб қолди, улардан қўрқмай, туни билан югуришда давом этди. Эртаси кунни омборда ўтказиб, бир сичқон тутиб ейишга муваффақ бўлди. Тун аввалгилари каби ўтаётиб эди-ю, фавқулодда бир ит пайдо бўлиб, уни олдига солиб қувди. У муюлишларда бир неча бор адашиб, олис-олисларга кетиб қолди, аммо йўлини топиб олди. Шундай қилиб, кундузлари егулик излаш, итлар, болалардан яшириниш билан ўтди, тунлари яна йўл босди. Бечора чарчаб, мадордан қолди, аммо доим олдинга — жанубга, фақат жанубга милма-мил талпинди. Итлар, болалар, гулдурак махлуқлар, оч-наҳорлик... Яна итлар, болалар, гулдурак махлуқлар, оч-наҳорлик... У судралиб бўлса ҳам фақат олға интилди, димоғи вақт-вақти билан унга шундай далда бериб турди: «Бу ҳидни бултурги баҳорда ҳам туйган эдик».

## X

Ҳафта шу тариқа ўтди, мушук ҳаммаёғи кир-чир, бўйнида тасмаси йўқ, чўлоқланиб Ҳарлем кўпригига етиб келди. Кўприкдан нафис ҳид уфураётган бўлса-да, аммо унга ёқмади. Ярим кечада уёқдан-буёққа изғиб, кўприкдан бошқа ўтадиган йўл тополмади. Яна Ҳарлем кўпригига қайтиб келди. Кўприк ҳиди таниш бўлиб, ундан биркўз махлуқ ўтаётиб шундай гумбур-гумбур қилдики, мушук ўзининг баҳорги сафарида ҳам ана шундай гумбурлашни эшитиб эди.

Мушук сув тўсиққа сакраб ўтиб, югуриб бораётганида тун сокин эди. У ҳали йўлнинг учдан бирини ҳам босиб ўтмаган эди ҳамки, қарама-қарши томондан бир кўзли махлуқ гулдураб кела бошлади. Мушук жуда қўрқиб кетди, аммо гулдурак махлуқнинг бефаҳм, кўзи кўрлигини билиб, пастки тўсинга сакраб тушиб, тош қотди. Бефаҳм махлуқ унинг шундоқ ёнгинасидан ўтиб кетди, у енгил нафас олди, аммо ўша махлуқ яна орқасига қайрилдими ё ўшанга ўхшаш бошқасими, ишқилиб унинг нақ елкасида яна бир махлуқ вишиллаб қолди.

Мушук нима қилишини билмай, олға юрди. Агар қаршисидан учинчи биркўз махлуқ пишқириб келмаганида қадрдон қирғоғига эҳтимол етиб олган бўларди. У жон-жаҳди билан югурди, аммо икки олов оралиғида қолди. Кўприкдан зулмат қаърига

сакрашдан бўлак чора қолмади. Пастга, пастга, яна пастга... Шўлп! У унчалик совуқ бўлмаган, аммо ўлгудай ёқимсиз сувга «шўлп» этиб тушди. Йўталиб, туфлаб-туфлаб, сув юзасига қалқиб чиқди, махлуқ тагин изимдан қувиб келмаяпти-микин, деган шубҳада кетига қараб-қараб қўйиб, соҳил томон сузиб кетди. У умрида сузиб кўрмаган, сузишни билмайди. Шундай бўлса-да, мушукчасига сузди. Яъни, юрган-юргганида қандай ҳаракат қилса, сувда худди шу ҳаракатларини такрорлади. Сувнинг хавфли жойларига тушиб қолиб, ундан чиқиб кетишга уринди, шу зайлда соҳилга келиб қолди. Қайси соҳилга? Юртга муҳаббат туйғуси ҳеч қачон алдамайди. Унинг соҳили жанубий соҳил, уйига яқин соҳил. У ҳаммаёғи шилта-шалаббо бўлиб, балчиқ соҳилга чиқиб олди. Соҳилда тўпланиб ётган кўмир ҳамда турли чиқиндилар оралаб юриб, бутун танаси қоп-қора бўлди, кибор эмас, исқирт хароба мушуги бўлди-қолди.

Асл хароба мушуги бир оз ўзига келиб, сувнинг нафи текканини ҳис этди. Вужуди ёниб, ўз ғалаба-сидан завқланиб, ғурурланди. Ҳазилми, учта баҳай-бат махлуққа чап берди-я.

Димоғи, хотираси ҳам йўл топиш сезгиси уни эски йўлига қайтишга ундади, аммо тўғри кетган йўл тарафда гулдурак махлуқлар кўп, у шу боисдан ҳидлари унинг юртини эслатиб турадиган дарё қирғоғи ёқалаб кетди. Шундай қилиб, таърифидан тавсифга сизмас кўрқинчли ер ости йўлидан юрмайдиган бўлди.

Ист-Ривер соҳилининг хавфли жойларини ўрганиш учун уч кун кетди. Бир куни у янглишиб Лонг-Айлендга кетаётган паромга чиқиб қолди, уёқдан яна биринчи паром билан қайтиб келди. Учинчи кеча деганда ўша илк бор кечаси қочиб ўтган таниш жойни топиб олди. Энди ҳамма нарса равшан бўлди. У қаёққа бораётганини, уйига қандай қилиб етиб олишни, ит қувганда қаерга яширинишни билиб олди. У қадамини тезлатди, юраги ҳаяжондан дук-дук урди. Яна озгина юрса бўлди, «она Шарқид» — орқа ҳовлидаги қутида маза қилиб ётади.

Яна бир муюлишдан ўтса бўлди, таниш уйларни кўради.

Ия, бу қанақаси бўлди? Бари ер билан яксон бўлиб кетибди-ку! У ўз кўзларига ишонмади, аммо ишонмасдан иложи қолмади. Энди ўша хароба кулбалар йўқ, улар ўрнида ғиштлар синиғи, уюм-уюм чиқиндилар сочилиб, ер ўйдим-чуқур бўлиб



ётибди. Мушук харобазорни бошдан-оёқ айланиб чиқди. Тош кўчани рангидан фарқлай олди, шунга қараб ўз юртига келганини билди, ана, анави ерда парранда сотувчи истиқомат қиларди, манави ер эса эски ҳовли эди. Барча-барчаси ошно ҳидларни олиб, йўқлик қаърига сингиб кетибди. Бечора мушук тушкунликка тушиб, кўнгли эзилди, кўнгли сиқилди. Ўз юртига меҳр-муҳаббат унга ҳамиша қанот бағишлаб турарди. У ўз юртига дунёдаги барча нарсадан кечиб келди, келса, юрти йўқ. Шунда унинг довиюрак қалби илк маротаба қайғуга лиммо-лим тўлди. Ахлат уюмларини маъюс айланиб, ўзига на юпанч топди, на бирор егулик топди.

Бир қанча маҳалла вайрон бўлиб, вайроналик дарёгача етибди. Бу ёнғиндан эмас, бир вақтлар мушук ёнғин нималигини кўрган, ёнғин қанақа бўлишини билади. Афтидан, бу вайроналик қизил кўзли махлуқлар иши бўлса керак. У қад кўтараётган улкан кўприкка назар солди, шубҳасига ўрин қолмади.

Кун чиқиши билан бирор макон излашга тушди. Қўшни маҳаллалардан бири ҳамон сақланиб турган экан. Асл Аналостан мушуги ана шу тарафга йўл олди. У бу маҳалланинг кўпгина ўғринча киришчиқиш йўллари биларди. Аммо бу ерга келиб, ҳафсаласи пир бўлди. Ўзи каби маконидан қувғинди бўлган мушуклар галасига дуч келди. Қараса, ҳар бир ахлат қутисига бир нечтадан мушук тўғри келяпти. Бу албатта очликдан нишона. Бизнинг мушугимиз бир неча кун тақдирга тан бериб юрди, охири бўлмади, ўша Бешинчи авенюдаги уйини излаб кетди. Уйни топиб келиб, уни қулф ҳамда кимсасиз кўрди. Узун кун уй остонасини пойлаб ўтириб, охири кўк кўйлақли басавлат одам билан уришиб қолди, эртаси кечқурун яна мушуклар тўла харобасига қайтиб келди.

Сентябрь кетидан октябрь ўтди. Қанча-қанча мушуклар очликдан ўлди, яна қанчаси силласи қуриб, ғанимлари панжасида қурбон бўлди. Бизнинг соғлом ҳамда навқирон мушугимиз омон қолди.

Бу орада маҳаллада улкан ўзгаришлар юз берди. Мушук маҳаллани кечаси кўрган, ўшанда бу ерлар теп-текис вайрон эди, кундузлари ғала-ғовур қилиб ишчилар ишларди. Октябр ойи охирларига келиб эса бу ерда улкан иморат қад кўтарди. Бир куни қорни оч хароба мушуги ҳабаш ташқарига қўйиб кетган челақ томон писиб борди. Афсуски, у сарқит



челаги эмас, бу ерда энди одат бўлаётган пол ювадиган челак экан. Мушукнинг ҳафсаласи пир бўлди, аммо кўнглида умид учқунлари пайдо бўлди, боиси, челак тутқичидан таниш қўллар ҳиди келди. Мушугимиз челакни искаётганда остонада ҳабаш лифтчи пайдо бўлди. Ҳабаш эгнига кўк ливрея кийиб олган бўлса-да, мушук уни ҳидидан таниб, кўчанинг нариги бетига ўтди. Ҳабаш ундан кўзини узмади.

— Наҳотки шу ўзимизнинг Асл Аналостан мушуги бўлса? Буёққа қара, ма, пиш-пишш! Буёққа ке, ма, пиш, пиш! Қорни очми дейман-ов!

Албатта, оч-да! У неча ойлардан буён қорни тўйиб овқат егани йўқ. Ҳабаш уйга кириб, ўзининг эрталабки нонуштасидан шоша-пиша бир бўлак олиб чиқди.

— Ма, пиш-пиш-ш, пиш!

Хўрак ҳиди димоғини қитиқлади, аммо мушугимиз бу одамга ишонмади. Ҳабаш гўшти тош кўчага қўйиб, ўзи ичкарига кириб кетди. Хароба мушуги аста-аста писиб келиб, гўшти искаб кўрди, сўнг уни тишлаб олиб, худди йўлбарс каби ўлжасини бехатар жойда маза қилиб ейиш учун орқа-олдига қарамай югурди.



## Тўртинчи ҳаёт

### XI

Шундай қилиб янги давр бошланди. Энди мушугимиз оч қолса шу уй эшигига келадиган бўлди, кун сайин ҳабашга меҳр қўя борди. У олдинлари бу одамни билмаган экан. Олдинлари ҳабаш унга душман бўлиб кўринарди. Энди маълум бўлдики, бу одам унинг дунёдаги ягона дўсти экан.

Мушукнинг бир ҳафтаси бахтиёр ўтди: етти кун мобайнида устма-уст етти марта тўйиб тушлик қилди. Еттинчи тушлиқдан сўнг ўлик каламушга йўлиқиб қолди, каламуш бўлгандаям, каламуш-мисан каламуш. Узининг саргузаштга тўла ҳаётида бирон марта ҳам катта каламушни учратмаган



мушук, уни шошиб бирон жойга яширмоқчи бўлди. У эндигина янги иморат ёнидаги кўчадан ўтган ҳам эдики, эски рақибни бўлмиш кема тузатадиган корхона итига кўзи тушиб қолиб, дўстининг уйи эшигига ўзини урди. Эшикни энди туртмоқчи ҳам эдики, ҳабашнинг ўзи эшик очиб қолиб, яхши кийинган бир одамни кузата бошлади. Улар мушукнинг каламуш тишлаб турганини кўрди.

— Оҳо! Зўр мушук экан-ку!

— Ҳа, сэр, — жавоб берди ҳабаш. — Бу менинг мушугим, сэр. Узиям роса каламушларнинг додини беради, сэр. Каламушларни қийратавериб, қаранг, эти суягига ёпишиб қолган.

— Уни оч қўйманг, — деди жаноб, гап оҳангидан унинг уй хўжайини экани сезилди. — Наҳотки уни яхшилаб боқолмасангиз?

— Жигар сотувчи ҳар кўни келади, сэр. Ҳафта-сига чорак доллардан олади, сэр, — деди ҳабаш топган гапи учун ўн беш цент қўшишга ўзини ҳақли сезиб.

— Бўпти, пулини тўлайман.

## XII

— Гў-ш-т! Гўшт келди! — кекса жигар сотувчи хуш овозда ана шундай дея қичқирди, замбилғалтагини янгитдан бунёд бўлаётган Скримпер жин кўчалари бўйлаб ҳайдади, мушуклар худди аввалгидай гала-гала бўлиб, ўз насибаларини олиш учун югурди.

Албатта, қора, оқ, малла, кулранг тусли жамики мушукларни эсда сақлаб қолмоқ зарур, уларнинг эгаларини ёдда сақлаш эса ундан ҳам зарур.

Жигар сотувчи янги бинони айланиб ўтиб, замбилғалтагини илгарилари тўхтатмай ўтиб кетадиган ерга келиб тўхтатди.

— Қочларинг йўлдан, зоти пастлар! — сотувчи шундай дея бақириб, сеҳрли ҳассасини силкиб, кулранг, бурни оқ, кўзлари кўкиш мушукка йўл очиб берди.

Бу мушукка жигарнинг энг катта бўлаги тегди, боиси, ҳабаш ундан келадиган даромадни жигар сотувчи билан тенгма-тенг баҳам кўради. Ана, хароба мушуги насибасини олиб, ўз томига қараб юрди. Шундай қилиб, унинг тўртинчи ҳаёти хаёлига келмаган бахтиёрлик билан ўта бошлади. Аввал-аввал бари ишлари чаппасидан келди, кейин-кейин мана ишлари юришиб кетди, энди бундан ортиғи ортиқлик қилади. У бошидан кўп савдоларни кечи-



риб, ақлли бўлиб қолди, деб бўлмайти, йўқ, у нима қилишни билиб олди, шу сабаблиям ўзи истаган мақсадга эриша оладиган бўлди. Масалан, бутун умри бўйи иззатталаблик билан қилган орзусини рўёбга чиқарди, тош кўчада қувалашиб юрган бир эмас, бирваракайтига иккита чумчуқни тутиб олишга муяссар бўлди.

Унга каламуш тутиш насиб этмади, бироқ ҳабаш доимо қотиб ётган ўлик каламушларни йиғиб, бу мушугимиз иши, дея кўз-кўз қилди. Каламушлар хонадон хўжаси келгунча даҳлизда ётди, сўнг ҳабаш узр сўраб, уларни бир чеккага улоқтирди.


— Бу мушукнинг иши, сэр! Томирида Аналостан қони бор, сэр, каламушнинг кушандаси, сэр.

Бу орада бир эркак мушук унинг олдига бир неча марта келиб кетди. Ҳабаш бу малла мушук шу атрофда юрган мушукларнинг айримларининг отаси бўлса керак, деган хаёлга борди, дарҳақиқат, унинг гапида жон бор эди.

Ҳабаш Асл Аналостан мушуги барибир бирикки кундан сўнг қайтиб келишини билса-да, уни бир неча бор хотиржамгина пуллади. Мушук лифтга ўрганди, ҳатто чиқиб-тушиш илмини ҳам билиб олди. Ҳабашнинг айтишича, мушук қайси бир куни юқори қаватда жигар сотувчининг овозини эшитиб, тугмани босиб, лифтни чақирган эмиш.

Мушукнинг жунлари яна шойидай товланиб, хушрўй бўлиб кетди.

У кибор мушукларнинг биринчи сафидан ўрин олди. Жигар сотувчи унга жуда яхши мулозатат кўрсатди. Ҳатто судхўр аёлларнинг қаймоқ, жўжа бериб парвариш қилинадиган мушуги ҳам иззат-ҳурмат борасида Асл Аналостан олдидан ўтадиган бўлди. Аммо шунчалик омадли, жамиятда ўрни, аслзодалик нишони ҳамда қалбаки наслшажараси бўлишига қарамай, кечқурунлари билдирмасдан овлоқ харобаларни титиб, ҳидлаб келмаса, ўзини бахтиёр санамайди, боиси у қалбининг туб-туби билан харобалар мушуги бўлиб келган, бундан кейин ҳам харобалар мушуги бўлиб қолади.



## I. Болакай

Торберн эндигина ўн бешга чиқди. У ов қилишни жуда яхши кўради. Узун кун ложувард кўл узра ёввойи каптарлар галаси парвоз қилиб, майсазор чеккаларидаги қуруқ бутоқларга қаторлашиб қўнди. Қани энди, унинг жуда бўлмаса биттагина ана шундай каптари бўлса! Унинг вақти каптарларни беҳуда пойлаб ўтди. Каптарлар Торберннинг алмисоқдан қолган милтиғи мўлжалини аниқ билади шекилли, у яқинлашиши биланоқ шовқин солиб учиб кетаверди. Ниҳоят, унинг кулбаси яқинидаги жилға бўйи буталарига бир галаси келиб қўнди. Торберн кулба панасига биқиниб, уларни жимгина кузата бошлади. Галадан четда қолган бир каптарни кўз остига олди, нишонни аниқ мўлжалга олиб, тепкини босди. Фавқулодда деярли бир вақтда ҳавода яна бир ўқ овози янгради, каптар ерга учиб тушди.

Торберн каптар томон югурди, аммо худди шу пайт буталар орасидан яна бир йигитча чиқиб, каптарни олиб қўйди.

— Корни! Каптаримга тегма!

— Сенинг каптарингми? Ана сенинг каптаринг осмонда учиб юрибди! Каптарлар гуж бўлиб қўнганини кўриб, қани бир отиб кўрай-чи, деб отдим.

Каптарни титкилаб қарашиб, унга айнаи бир вақтда ҳам винтовканинг, ҳам ов милтиғининг ўқи текканини кўрдилар. Яна тагин ҳар иккала ўқ ҳам айнан бир жойга текканди. Иккалови роса кулишиб, хумордан чиқди. Зотан, уларнинг аҳволи куладиган даражада эмасди, ўрмонда яшашга уларнинг на озиқ-овқати, на ўқ-дорилари қолган эди.

Корни оиланинг тўнғич фарзанди. Йигитчанинг мустақил яшагиси келиб ўрмонни ўзига макон қилиб олди. Бўй етган иккита синглиси — мўмин-вазмин Маргет билан шўх-шаддоо Лу унинг қозон-товоғига қарайди, кир-чирини ювади. Торберн Олдер яқинда уларникига меҳмон бўлиб борганди. Кейин Торберн оғир касалдан турган-



лиги учун уйидагилар уни зора табиат қўйнида кўнгила ёзиб, соғайиб кетса, деган умидда ўрмонга жўнатди. Бошпаналари рандаланмаган гўлалардан ясалган кулба бўлиб, пол қоқилмаган, томига шохчалари осилиб ётган бутуқлар ёпиб қўйилган. Бу ердаги қуюқ ўрмон сукунатини шаҳар тарафга янги тушган йўл ҳамда тош қирғоқли кўл шовқини бузиб туради.

Улар бир хил кун кечирди. Корни саҳармардондан туриб ўчоққа ўт қалайди, сўнг сингилларини уйғотади. Кейин отларга ем беради, Корни келгунча қизлар нонушта тайёрлайди. Соат олтиларда нонушта қилиб бўлишиб, Корни ишга жўнайди. Маргет туш вақти бўлганини дарахтларнинг ариқдаги соясидан билади, Лу жердига оқ латта осиб қўяди, Корни буни кўриб, ер ҳайдашдан ё бўлмаса, пичан ўришдан чанга ботиб, сақичдай қорайиб келади. Тор баъзан узун кун йўқ бўлиб кетади. Оқшомлари ҳаммалари дастурхон тепасида тўпланади. Тор юриб-юриб, бирон-бир кўлданми ё олис бир тоғданми қайтиб келади, кейин улар тушлиқдан қолишмайдиган кечки овқатни тановул қилишади. Уларнинг овқатларим кечираётган кунлари сингари бир хил: чўчка гўшти, нон, картошка ейишади, чой ичишади, борди-ю, калта ходалар билан ўралган отхона теварагида юрадиган товуқлар тухум туғса, шуни ейишади. Дастурхонда илвасин гўшти онда-сонда пайдо бўлади, чунки Тор милтиқни ёмон отади, Корни эса фермадан бўшамайди.

## II. Силвсин

Ўрмонда бир қари тол ёшини яшаб, ошини ошади. Ажал толга мурувват кўрсатиб, жон олишдан олдин ҳузурига учта огоҳлантирувчи хабар борди: биринчидан, тол барча опа-сингилларидан олисда ўсди, иккинчидан, толнинг бола-бақралари аллақачон ўсиб-улғайди, учинчидан, толнинг ичи бўм-бўш, ғовак бўлиб қолди. Шундан кейин қиш бўронлари толни ерга майиштириб ташлаб, қоқ биқинидан дарча очди. Тол қуёш нурлари мўлкўл майсазор узра узун ғор мисоли узала тушиб ётди. Бўлажак фарзандларига бошпана излаб юрган бир силвсин тол ковагини ўзига макон қилиб олди. Силвсин қари бўлиб, устига-устак, териси устихонига ёпишиб қолган, чунки силвсин учун йил ёмон келди. Кузда ўлат унинг энг асосий насибаси бўлмиш қуёнларни қириб битирди. Қиш



бўрони фавқулодда ҳаммаёқни муз, яхмалакка айлантириб, какликларга қирон келтирди. Узундан-узун серёмғир кўклам бутун ҳовузу дарёларни сувга тоширди, оқибат, бақалару балиқларга силовсиннинг чангали етмади, хуллас, силовсин бошқа силовсинлардан кам қийналмади.

Заиф, нимжон силовсинваччалар эса онасига ортиқча юк бўлиб, вақтини олди, ов қилиб келгани қўймади.

Силовсиннинг яхши кўрган овқати қуён. У кунига элликталаб қуён овлаган вақтлари ҳам бўлган. Аммо бу йил омади келмай, биронтаям қуён тутолмади.

Айтгандай, тунов куни тол ковагига югуриб кириб кетаётган олмахонни тутиб олди. Шундан бошқа тузукроқ ов қилолмади, куни сассиқ илонга қолди. Шунисиям ғанимат экан, кейин-кейин ейишга ҳеч вақо тополмади, гўдаклари очликдан чийиллаб, сут сўради. Силовсин бир куни қўланса, аммо таниш ҳидли ҳайвонни кўриб қолди. Дамини чиқармай, бирдан ҳайвонга чанг солиб, тумшуғига урди. Ҳайвон бошини ерга эгиб, думини юқорига силкиди, шунда силовсинлар онасининг баданига майда-майда найзалар санчилиб, ярадор қилди. Силовсин найзаларни тишлари билан суғуриб ташлади, у бу ҳайвонни яхши билар, бундан олдин ҳам ундан таъзирини еган эди-ю, аммо начора, очлик, ночорлик уни яна ҳужум қилишга мажбур этди.

Силовсин шу куни қурбақадан бўлак ҳеч нима тутолмади. Эртаси куни қулоғига қандайдир ўзига чорловчи овоз чалинди, овоз унга бегона эди. У шамолга қарши юриб, аста-аста овозга яқинлашди, димоғи янги-янги ҳидларни туйди, қулоғи нотаниш овоздан динг бўлди. Силовсинлар онаси катта ялангликка етганида яна гумбур-гумбур овоз келди. Қараса, яланглик ўртасида иккита каттакон сув-каламушнингми ё сув қундузинингми ини қақ-қайиб турибди. Силовсинлар онаси бундай инларни биринчи марта кўриши эди. Инлар ходалардан

ясалган бўлиб, ҳовузга эмас, қуп-қуруқ ерда жойлашган.

Инлар теварагида бир нечта каклик, аниқроғи, какликка ўхшаш, лекин ундан йирикроқ қизил, сариқ, оқ тусли турли-туман паррандалар айланиб юрибди.

Силовсин ҳаяжондан титраб кетди. Қаранг-а, қанчадан-қанча тайёр ош! Қари кушанда ерга қапишиб ётиб олди. Кўкраги билан ўт устида сирпанди. Ниҳоятда усталик билан сирпаниб бориб, тирсақлари билан кўтарилди. Нима қилиб бўлса ҳам шу какликлардан лоақал биттасини ушлаб олишни мўлжаллади. Бундай ўлжани қўлга туширишда жиндай хатога ҳам йўл қўйиб бўлмайди, бўлмаса бор ҳаракати беҳуда кетади. Майли, вақт кетса кетсин, аммо парранда олдига шундай биқиниб борсинки, токи қуш «пир-р» этиб учиб кетмасин.

Аслида ўрмондан қундузнинг инигача бир-икки ҳатлашда етса бўлади, аммо у бу ораликни сирпаниб босиб ўтиш учун роппа-роса бир соат сарфлади. Силовсин буталар панасидан, ғўлалару ўтлар уюмидан ерга ёпишганча сирпаниб ўтди, какликлар сезмай ҳам қолди. Какликлар одатдагидай дон чўқилашди, энг улкани ҳар замон-ҳар замонда қаттиқ-қаттиқ ка-калаб турди, силовсин бундай ка-калашни ўрмонда ҳам эшитиб эди. Фавқулодда какликлар нимадандир хавфсирашаётганга ўхшаб, бирпас жим бўлиб қолди, кейин яна ўзларига келди. Какликлар энди қўл узатса етгудай яқин қолди. Оч-наҳорлик, ов шавқидан силовсиннинг азбойи бадани *даф-даф* қалтиради. Нигоҳи оппоқ паррандада *тўхтади*, каклик силовсиндан олисроқда



бўлса-да, аммо унинг оппоқ ранги силовсинни ўзига жалб этди.

Қундузнинг ини яйдоқликда эди. Индан анча нарироқда шохлари тарвақайлаб ётган қуюқ дарахтзор бор. Оппоқ парранда дарахтзор ичига шўнғиди, қип-қизил тусли хушовозлиси қундузнинг инига чиқиб олиб, яна бор овози билан сайради. Силовсинлар онаси ерга янада ёпишиб олди. Қизил парранданинг ҳайқириғи унга хавфдан огоҳлантирувчи сигнал бўлиб туюлди. Йўқ, унчалик эмас, оқ каклик ҳамон шу ерда қанот қоқиб юрибди.

Силовсинга янада кенг йўл очиди. У худди қуп-қуруқ тери каби ерга қапишиб, даммини чиқармай, бўйнидан ҳам ингичка ходалар остидан сирғалиб ўтди. Энди анави ўт уюмига етиб борса бўлди, ундан дарахтзорга шўнғиб кириб олади, ана уёқдан туриб ҳамла қилса бўлади. Димоғига парранда ҳиди — қудратли, илиқ ҳаёт ҳиди, қон ва гўшт ҳиди келди. Димоғи шу ҳидни туйиб, бадани таранг бўлди, кўзлари ялтиради.

Какликлар ҳамон тупроқ титиб, дон чўқиди. Бирови қанот қоқиб, том тепасига учиб чиқди, оппоғи жойидан жилмади. Силовсин нафас чиқармай яна беш қадамча ўрмалаб сирпаниб, дарахтзорга кириб олди. Дарахтлар орасидан оппоқ қанотлар товланиб кўриниб турди. У орадаги масофани чамалади, оёғи остидаги ерни босиб кўрди, халақит бераётган думини орқа оёқлари билан суриб қўйиб, ҳамла қилди. Воқеа шундай тез юз бердики, оппоқ парранда қандай қилиб ажал домига тушганини билмай қолди. Кулранг соя бамисоли учиб келди, ажалнинг ўтқир тирноқлари оқ парранда баданига ботди, бошқа паррандалар хавфни сезмай, қочолмай қолди, силовсин жон талвасасида типирчилаётган какликни чангаллаб кўздан ғойиб бўлди.

Силовсин очлик хуружидан, шодликдан жони ичига сиғмай, ўрмонга учиб кириб, кейин инига қараб ўқдай учди. Чангалидаги ўлжа бир типирчилаб, жон берди. Силовсин оғир-оғир қадам товушларини эшитиб, ўзини ғўла панасига олди. Ўлжасининг қанотлари кўзларини ўйнатди, паррандани панжалари билан маҳкам ғижимлаб кўкрагига қўйиб олди. Қадам товушлари яқинлашиб,





буталар силкинди-да, бир бола кўринди. қари силовсин одамларни билар, уларни ёмон кўрарди. У кечалари одамларни кузатиб, таъқиб қилган, улар қувганда қочган, одамлар бир марта уни ярадор ҳам қилган эди.

Силовсин билан болакай бир дақиқа юзма-юз бўлди. Силовсин ўзини ҳимоя қилган бўлиб, ириллади, сўнг чангалидаги парранда билан бир ирғиб, буталар панасига бекинди. Маконигача ҳали икки милча йўл бор эди, аммо у улкан тол дарахти узалиб ётган офтобли ялангликка етиб келмагунича бирор марта ҳам тўхтамади. Силовсин болалари «Пр-р-ир-р-ир-р» деган оҳиста овозни эшитиб, ковакларидан бирин-кетин чиқиб келди, қуюқ зиёфат бошланди.

### III. Силовсинлар макони

Тор шаҳарда катта бўлган эмасми, аввал-аввал Корнининг болтаси овози эшитилмайдиган ерларга боришга ҳайиқди. Кейин-кейин ўрмон ичкарироғига бемалол кириб борадиган бўлди. Энди дарахтлар танасидаги алдамчи шохларга қараб эмас, балки қуёш ва компасга қараб йўл оладиган бўлди. У энди ҳайвонларга ўқ отмай қўйди, уларни ўрганмоқчи бўлди, шундай бўлса-да, милтигини елкасидан қўймади.

Уларнинг яккаю ягона қўшниси суғур. У ҳам бўлса, кулбаларидан юз қадамча нарида, тўнкалар остида яшайди. Суғур эрталаблари тўнкага чиқиб олиб, ўзини офтобга тоблаб ўтиришни яхши кўради. Аммо ўрмонда яшовчи ҳар бир жонивор ўта эҳтиёткор бўлмаса бўлмайди. Суғур ҳам қочишга доим шай бўлиб юрди. Тор уни отаман, ҳеч бўлмаганда ушлаб оламан, дея бекордан-бекорга овора бўлди.

— Биласанми, нима, — деди бир кун эрталаб Корни, — энди янги гўшт топмасак бўлмайди.

Корни шундай дея ичкаридан учи ингичка қадимги милтигини олиб чиқди, уни мерганларча пухта ўқлаб, кулба эшигини очди, кейин, ташқарига қаратиб ўқ узди. Суғур ўзини орқага ташлаб, жойида қимир этмай қолди. Тор суғур томон югурди, ўлжани олиб қайтаётиб, ҳаяжондан қичқирди:

— Роса бир юз йигирма қадамдан қоқ миясига тегибди-я!

Корни қувончини яширишга уринди, аммо





лаблари чети илжайиб, кўзлари янада порлади. У суғурни атайин йўқ қилиш учун отмади, йўқ, суғур даладаги бор экинни еб битирди, ана шунинг учун отди. Суғур гўшти икки маротаба мазали тушлик бўлди, шунингдек, Корни Торга суғурнинг терисини қандай ошлашни ҳам ўргатди. У аввал терини бир кун кул орасига ташлади, шунда терининг жунлари тўкилиб тушди, сўнг кулдан олиб мағзавага солди, тери мағзавада уч кун ивиди, кейин қўлига олиб, чайир, оппоқ бўлгунича роса эзгилаб қуритди.

Тор ўрмонда санқиб юриб, баъзан олис-олисларга кетиб қоларди. У саргузашт излар, аммо бари ишлари чапчасига кетарди. Кўп кунлари бир хил, туссиз кечиб, баъзида бирон-бир тасодифий саргузаштга дуч келиб қоларди, ахир овнинг гашти ҳам шунда-да.

Тор бир куни адир ошиб, тўсатдан улкан тол узала ётган яланглиқдан чиқиб қолди. Толнинг улканлигидан ҳайратланди. У қўл томонга юриб, қарағай устида, ердан ўттиз футча тепада ўтирган бир қора жониворга кўзи тушиб, эти увишиб кетди. Айиқ! Ана, ёз бўйи кутган вазият — куч, мардликни синовдан ўтказадиган вазият келди. Кейинги йилларда мабодо айиққа дуч келгудай бўлса, нима қилишини, ўзини қандай тутишни озмунча ўйладими! Тор турган жойида қотиб қолди. Унг қўлини беихтиёр киссасига тикди. Киссадан йирик-йирик сочма ўқ олиб, милтиғидаги майда ўқ устига тўқди, тагин сочилиб кетмасин дея ствол оғзидаги латгани маҳкамроқ тикиб қўйди.

Айиқ жойидан қимир этмади. Бола айиқнинг бошини кўрмаётган бўлса-да, барибир уни диққат билан кузата бошлади. Айиқ унчалик катта эмасди... Уни ҳатто митти айиқча деса ҳам бўлаверарди. Демак, шу атрофда онаси ҳам юрибди. Тор аллақандай қўрқув аралаш теварагига аланглаб, айиқ онасининг шарпасини сезмади, сўнг, нишонга олиб, тепкини босди.

Ҳайвон ўқ узилиши биланоқ ерга ағнаб тушиб, жон берди. Бола ҳайрон бўлди. У айиқ эмас, каттакон бир жайра экан. Бола нима қилишини билмай, унга ачиниб қаради, у безиён жайрани ўлдирмоқчи эмасди. Тор жайранинг юзида иккита-учта чандиқни кўриб, ундан олдин ҳам жайрани кимлардир отганини англади. Кетига қайтаётиб, кўзи иштонидаги қон изига тушди, шундагина жайранинг нишлари қўлини тилиб юборганини сезди.

Лу Торнинг жайрани ташлаб келганини эшитиб, уни роса койиди. Чин-да, жайрани олиб келганида Лу унинг терисини щилиб олиб, қишга ғамлаб қўйган бўларди, унга мўйна жуда керак эди!

Тор бу сафар ўрмонга милтиқсиз йўл олди, бирор ноёб ўсимлик топаманми деган умидда бир ялангликка келди, ерда ағнаб ётган толни кўриб, қаерга келиб қолганини англади. Дафъатан бир ажабтовур товушни эшитди, дарахт ичида нимадир қимирлаётганга ўхшади. У дарахт бутоқларини суриб қараб, улкан силовсиннинг боши билан думини кўрди. Силовсин ҳам уни кўриб, кўзлари ёниб унга ириллади. Силовсиннинг панжалари орасида оппоқ парранда ётибди, Тор паррандага синчиклаб разм солиб, ўзларининг зотдор товуғини таниди. Силовсин Торнинг кўзига жудаям йиртқич, ёвуз кўриниб кетди! Бола силовсинни ич-ичидан ёмон кўриб қолди. Қўлида милтиғи йўқлиги алам қилиб, тишларини ғижирлатди, шундай ўлжани бой бериб қўяётганидан куйди. Дағ-дағ қалтираб, нима қилишини билмай, серрайиб тураверди. Силовсин янада қаттиқ ириллади. Қахр билан думини ликиллатиб, ўлжасини чангаллаганича дарахт ковагидан чиқиб, ўзини бутазорга урди.

Ёз серёмғир келди, ёш овчи нам ерда ҳаво қуруқ кунлари кўрмаган изларни учратди. Бир куни ўрмонда тўнғиз панжасини эслатувчи изларга дуч келди. Афтидан, тўнғиз яқиндагина ўтган бўлса керак, излари аниқ-таниқ билиниб турибди, бошқа изларни эса тонгги ёмғир ювиб кетибди. Тор тўнғиз изларини олиб борди. Ярим милча йўл юриб, нариги бетиде оқ доғлар оқариб кўринаётган жарликка дуч келди. Унинг ўткир кўзлари буғу қораси ҳамда унга ажабланиб қараб турган буғу боласини илғаб олди. Бола ҳайрон бўлиб, уларга оғзини очганича анграйиб қараб қолди. Буғулар онаси оппоқ думини ликиллатиб, ташвишли сигнал берган бўлди, сўнг боласини эргаштириб, бўронда синиб тушган шох-шаббалар устидан осонлик билан сапчиб ўтди, пастаккина сершоҳ буталар остидан мушукдай сирғалиб ўтди.

Тор буғулар изига яна дуч келди, аммо уларни отиш имконияти бўлмади. Она-бола буғуни бошқа учратмади. Бир марта буғу онасининг якка ўзига дуч келди. Буғу онаси нимадир излаётгандай ерни ҳидлади, авзойи ташвишли, эзгин кўринди. Шунда Торнинг хаёлига Корни ўргатган ҳийла келди. У аста эгилиб, ердан шапалоқдек бир ўтни юлиб олди-да, бармоқлари орасига қўйди, сўнг, лабла-





рига босиб, ҳуштак қилиб чалди. Ҳуштак буғу боласининг онасини йўқлаб чақирган ёлворувчи овозига ўхшаб кетди. Буғу овозни эшитиб, бола тарафга сапчиб-сапчиб чопиб қўяверди. Тор буғуни отмоқчи бўлиб милтиғини ўнглаб эди ҳамки, буғу болани пайқаб қолиб, жойида таққа тўхтади. Бўйнидаги ёллари титради. Пишқириб, болага савол назари билан тикилди. Мунис, олма кўзлари боланинг кўнглини эритиб юборди. Буғу оҳиста-оҳиста яқинлашиб, чуқур нафас олди, шунда қаршисида боласи эмас, ажал турганини сезиб, дарахтлар панасига ўзини уриб, кўздан ғойиб бўлди. Бола шундагина ўзига келди.

«Бечора! — ўйлади у, — боласини йўқотиб қўйган шекилли».

Бола ўрмонда силовсинни тагин кўрди. У буғулар онасини учратиб, ярим соатлардан кейин кулбаларидан бир неча миль олисда чўзилиб ётган қоялардан ошиб ўтди. Тол ағнаб ётган ялангликка етай деганда, бирдан қаршисидан чўлтоқ думли улкан мушук чиқиб қолди. Мушук Торга тик боқди. Бошини бир ёнга қийшайтириб, хотиржам қараб тураверди. Шу пайт яна бир мушук пайдо бўлиб, ҳамроҳининг думидан тортиб ўйнади, ҳамроҳини ўйинга чорлади.

Бола уларнинг ўйинларини томоша қилиб қолиб, милтиғи борлигини ҳам унутди. Кўп ўтмай кўнглидаги эски адовати яна қўзиди. Милтиғини олишга чоғланди, шунда бирдан қандайдир бир ҳайвон ириллаб қолди, Тор чўчиб тушиб, ўзидан ўн футларча нарида турган йўлбарсдай улкан ва абжир, қари силовсинни нишонга ола бошлади, ammo силовсин оёқлари остидаги ниманидир олди-ю, жўнаб қолди. Бола унинг оғзидаги қора нарсани, буғу боласининг жонсиз танасини элас-элас кўриб қолди. Силовсин болаларини эргаштириб буталар орасида ғойиб бўлди. Шундан кейин Тор ўзининг ҳам, силовсиннинг ҳам ҳаёт-мамоти ҳал бўладиган кун келгунича силовсинни бошқа қайтиб кўрмади.

#### IV. Ўрмон безгаги

Орадан бир ярим ой ўтди. Корни бир кун эрталаб хўмрайиб ўтириб дўстию сингилларини хавотирга солиб қўйди. Хушрўй чехраси жиддийлашиб, уйдаги майда-чуйда юмушларни бажариб, олдингидай хиргойи қилмади. Тор билан Корни

катта хона бурчагидаги похол тўшакда ётар, Тор кечалари ўртоғининг инграб, уёқдан-буёққа ағдарилишидан уйғониб кетарди.

Корни ҳар кунги одатича, эрталаб туриб, отларга ем бериб келди, сингиллари нонушта тайёрлагунларича яна ётиб олди. Пича вақтдан сўнг ўзини қўлга олиб, ишга отланди, аммо ишдан оёқ-қўллари титраб-қақшаб, вақтлуроқ қайтиб келди. Саратоннинг жазирамасига қарамай, ҳеч исий олмади. Бир неча соатдан сўнг, иситмаси кўтарилиб, бадани оташ бўлиб ёнди. Шундагина Корнининг ўрмон безгаги билан оғриб қолгани аён бўлди. Маргет иситмани туширадиган ўт териб келиб, қайнатиб ичирди, бироқ қизнинг бутун ҳаракатлари зое кетди, Корнининг аҳволи борган сайин оғирлашди. Ун кун ичида озиб-тўзиб, ишга ярамай қолди. Ниҳоят бир оз ўзига келиб, сингилларига шундай деди:

— Сингилжонларим, қимирлашга ҳолим қолмади. Яхшиси, уйга кета қолай. Бугун сал дурустман, жуда бўлмаса отларни ярим йўлгача арамалаб ҳайдаб кетарман. Мабодо аҳволим ёмонлашса, амал-тақал қилиб аравага тушиб оламан, уёғига отларнинг ўзи олиб бориб қўяди. Онам бир ҳафтада оёққа турғазиб олади. Борди-ю, озиқ-овқатинглар тугаб қолса, қайиқ билан Эллертоннинг олдига боринглар, ўша беради.

Қизлар отларни эгарлаб, аравага пичан тўшади. Ранглари сўлғин, бемадор Корни ўнқир-чўнқир йўллардан жўнаб кетди. Корни кетгач, қизлар ўзини кимсасиз саҳрода ёлғиз қолгандай сезди.

Орадан икки кун ўтар-ўтмас ҳаммалари — Маргет ҳам, Лу ҳам, Тор ҳам даҳшатли иситмага дучор бўлиб, мадордан қолди.

Корнининг оёққа туриб, тузук бўлиб кетган кунлари ҳам бўлган эди, учаласи эса бутунлай тўшакка михланиб қолди, кулбага кулфат тушди.

Етти кун ўтди ҳамки, Маргет тўшакдан туролмади, Лу хонадан-хонага аранг ўтадиган бўлди. Лу иродали, қувноқ қиз эди, шу сабаблиям беморларнинг руҳини кўтаришга ўзида куч топа олди. Бироқ уям борган сайин сўлиб, қоқсуяк бўлиб





қолди, ҳазилларидан восвос ҳиди келди. Тор ҳам, гарчанд, касал, мадорсиз бўлса-да, аммо қизлардан дадил эди, у қизларга оби ёвғон қайнатиб берди. Қизларнинг иштаҳалари йўқлиги сабабли кунига атиги бир марта қозон қайнатди. Қизлар шунисигаям шукур қилди. Буёғи озиқ-овқатнинг таги кўриниб қолди, Корни эса бир ҳафталардан кейин келади. Кулбада фақат Торгина ўрnidан туриб ўтира олди, холос.

Тор бир кун и эрталаб одатдагидай нонуштага ёғдан бир бўлак кесиб олгани келса, шунча эҳтиёткорлик билан яширилган ёғ жойида йўқ эди. Кулба орқасидаги пашшалардан пана жойга яшириб қўйилган ёғни қандайдир бир жонивор илиб кетган эди. Кулбада чой билан ундан бўлак ҳеч вақо қолмади. Торнинг кўнглига ташвиш тушди. Фавқуллодда отхонада юрган товуққа кўзи тушди. Қўлидан нимаям келарди? У ожизланиб қолди, энди у учун товуқ тутиш кийик ёки қирғий овлашдай гап. Шунда бирдан хаёлига милтиғи келди... У хиёл ўтмай, семиз товуқ патини тозалаб бошлади. Тор товуқни қозонга бутунича солиб қайнатди, товуқ шўрва тўйимли ҳам мазали бўлди.

Улар шу товуқнинг кучи билан уч кунни ўтказди. Товуқ гўшти соб бўлгач, Тор яна милтиғини қўлига олди, бу сафар милтиқ жуда оғир туюлди. Омборга аранг судралиб кириб, мадорсизликдан титраб-қақшади, товуқни бир неча марта мўлжалга олиб, тегизолмади. Ёнида бор-йўғи уч донагина ўқ қолди. Тор омборда атиги тўрттагина товуқ юрганлигини кўриб ҳайрон бўлди, аслида ўн иккита товуқ бор эди. Тор уч кундан кейин атиги биттагина товуқни кўрди, сўнгги ўқини шунга сарф қилди.

Торнинг кўрган кунлари аянчли, ваҳимали кечди. Эрталаблари бир оз ўзига келиб, ҳам ўзига, ҳам қизларга пича-пичадан егулик тайёрлади, кечаси бўладиган иситмага ҳозирлик кўриб, ҳар бир қизнинг бошига бир сатилдан сув тайёрлаб қўйди. Туш вақти-туш вақти безгак хуруж қилди. Боланинг бошидан-оёғигача қалтироқ турди, тишлари такиллаб, совуқ вужуд-вужудигача ниш санча бошлади. Энди уни ҳеч нима исита олмади, чамаси, олов ҳам ожиз бўлиб қолди. Бадан-баданини исқанжага олаётган азобга тоқат қилиб ётишдан бўлак чораси қолмади. Шу азобда олти соат ўтди. Титраб-қақшашнинг устига-устак кўнгил айниш азоби ҳам қўшилди. Кеч соат етти-саккизларда бирдан совқотмай қолди. Энди азбойи баданида қаттиқ исит-

ма бошланди. Борди-ю, шу пайт унга муз берганларида, турган гап, у музни муз демас эди. Сув, сув, сув! У сувдан бошқа ҳеч нарсани хоҳламади. Тинмай сув ичди. Тонг вақти-тонг вақти тинка-мадори қуриб, кўзи илинди.

«Борди-ю, озиқ-овқатларинг қолмаса, қайиқ билан Эллертоннинг олдига боринглар», деганди Корни жўнаётиб. Бироқ ким қайиққа ўтира олади?

Улар билан ажал ўртасида бор-йўғи яримта товуқ қолди. Корнидан бўлса ҳамон дарак йўқ.

Шундай қилиб, азоб-уқубат чекаётганларига ҳам уч ҳафта бўлди. Улар тузалиш ўрнига кундан-кунга баттарлашди. Кунлар шундай давом этаверса, яна бир неча кундан сўнг Тор ҳам тўшақдан туролмай қолади. Унда ҳоллари нима кечади?

Улар қайғуга толди. Ҳар бири қўрқув билан: «Корни қачон қайтаркин-а?» — дея ўйлади.

## V. Болақайнинг уйида

Товуқнинг қолган-қутганини емасларидан бир кун олдин, Тор эрталаб бор куч-қувватини йиғиб, уч сатил сув олиб келди. Безгак қалтироғи одатдагидан эртароқ бошланди, иситма ҳам ҳар доимгидан қаттиқроқ бўлди.

Бола тўшаги бошида турган сувдан узлуксиз ичди. Кечқурун сувга тўлдириб қўйилган сатил кечаси соат иккиларга бориб бўшаб қолди. Иситма болани тарк этиб, бола уйқуга кетди.

Ғира-шира тонгда ғалати овоз — сувнинг шалоплашидан уйғониб кетди. У бошини кўтариб, шундоқ пешонасида бир жуфт ёниб турган кўзни кўрди. Қандайдир бир каттакон жонивор унинг бошида турган сувдан шалоплатиб ичаяпти.

Тор жониворга қўрқув билан қаради, сўнг, аста кўзларини юмди, ўзини ухлаётганга, тушида Ҳиндистонни, бошгинасига келиб турган йўлбарсни кўраётганга солди. Сувнинг шалоплаши ҳадеган-



да тинмади. У бошини кўтариб, жонивор ҳалиям шу ердалигини кўрди. Бола қичқирмоқчи бўлди, аммо томоғидан заиф ҳирқироқ чиқди, холос. Улкан пахмоқ калла қимирлади, кўзлари ялтираб, ириллади, сўнг ерга тушиб, хона бўйлаб юрди-да, стол тагига кириб кетди. Торнинг уйқуси ўчиб кетди. У зўрға ўрнидан туриб, тирсақларига таянди, «ш-ш-ш», дея ногирон овоз берди. Шунда стол тагидан бир жуфт кўз ёниб қаради, кейин кулранг қора кўринди. Жонивор шошилмай девор томон борди, картошка ўрага сирғаниб тушиб, кўздан ғойиб бўлди.

Бу нима бўлдийкин? Хаста болакай бу қандайдир бир йиртқич жонивор эканлигини ғира-шира тасаввур этди. Унда матонатдан асар ҳам қолмади. Тор қўлидан ҳеч нима келмаслигига ақли етиб, қўрқувдан дағ-дағ титради. Гоҳ қўрқув аралаш кўзлари илинди, гоҳ даҳшатли кўзларни, ғойиб бўлган кулранг жониворни аланглаб қидириб, уйғониб кетди. Тун шу зайлда ўтди, тонгга яқин уйғониб, кечаси шунчаки алаҳлаб чиқдим, деб ўйлади. Шундай бўлса-да, у теваракка ғўлаларни териб қўйишга уринди.

Учаловининг ҳам иштаҳаси йўқ эди, шундай бўлса-да, учаласиям туришига тўғри келди, боиси энг охирги яримта товўқлардан бўлак, бошқа ҳеч вақолари қолмаган эди. Корнидан бўлса ҳамон дарак йўқ. Чамаси, Корни улар Эллертондан озиқ-овқат олиб келган, деб ўйлаган бўлса керак.

Эртаси кечаси иситмадан ҳолдан тойиб охири пинакка кетган Торни суяк қисирлашини эслатувчи овозлар уйғотиб юборди. Кўзларини очиб стол устида ўтирган улкан жонивор қорасини ғира-шира кўрди. Тор бақириб юборди, унга этигини отмоқчи бўлди. Жонивор столдан ирғиб тушиб, яна картошка ўрага кириб кетди.

Тор шундагина кўрганларининг туш эмаслигига ақли етди. Қизлар ҳам унинг гапларига ишонди, чунки улар нафақат жониворнинг овозини эшитди, шунингдек, охирги насибалари бўлмиш яримта товўқларидан ҳам ажралиб қолди.

Бечора Тор тўшақдан қимир этмади. Аммо хаста қизларнинг ялиниб-ёлворишларини эшитиб, ўрнидан қўзғалишга мажбур бўлди. Жилғагача аранг бориб, пича мева териб келди. Сўнг безгак, ташналикка қарши одатдаги тайёргарлигини кўрди, бу сафар янги нарсалар қўшди: тўшаги ёнига тара-ша, бир нечта гугурт ҳамда яккаю ягона қуроли — айрини қўйиб қўйди. Тўғри, милтиғи бор, аммо



Ўқсиз милтиқ нимагаям ярайди. У билди, жонивор яна келади, келгандаям оч-наҳор келади. Агар жонивор егулик тополмаса, қаршисида ҳолсиз ётган тирик ўлжага ташланиб қолмасмикин? Шунда Торнинг кўз олдига шафқатсиз жағ синдирган буғу боласининг оёқчалари келди.

Тор кучи етганича яна ғўлаларни қатор қилиб териб чиқди, бу сафарги тун осойишта ўтди, ёвуз меҳмон келмади. Эртасига улар кисель қайнатиб ичди, кисель қайнатиш учун баррикададаги ғўлаларнинг бир қисмини ишлатишга тўғри келди. Лу, шундай енгил бўлиб қолдимки, учиб кетиш ҳам қўлимдан келади, дея ҳазиллашди, аммо ўрнидан туришга мажоли етмади.

Тун қайтиб, тонг туғаётганда Тор сувнинг шапиллашидан уйғониб кетди, ўгирилиб қараб, дераза ёруғида яна ўша ёниқ кўз, говкалла ҳамда кулранг сояни кўрди.

Тор жон-жаҳди билан бақирмоқчи бўлди, аммо овози чийиллаб чиқди. Ўрнидан оҳиста кўзғалиб, қизларни чақирди:

— Лу, Маргет! Қаранглар, силовсин, яна силовсин келди!

— Бизга ишонма, — жавоб берди қизлар.

— Ш-ш-ш! — Тор жониворни тунов кундагидай қўрқитмоқчи бўлди.

Силовсин деразадан столга ирғиб ўтиб олиб, ириллади. Силовсин бир неча сония деразага ўгирилди, Тор ҳозир у ойнани синдириб, ташқарига отилади, деб ўйлади. Аммо силовсин яна қайрилиб, ёниб турган кўзларини Торга қадади. Тор секин ўрнидан турди. У ҳозир ё ўлиш, ё ўлдириш пайти келганлигини англади. Гугуртни чақиб, тарашани тутатди. Чап қўли билан ёнаётган тарашани тутди, ўнг қўлига айрини олди, аммо ўзини шундай мадорсиз сездикки, айрига ҳассага суянгандай суянишдан бўлак иложи қолмади. Улкан йиртқич ҳамлага чоғланиб, столга чўнқайди. Ҳайвоннинг кўзлари тараша алангаси ёруғида қизил нур соча бошлади, гўмтоқ думи уёқдан-буёққа бориб келди, ириллагандан-ириллади. Торнинг оёқлари майишди, айрини қулочкашлаб отмоқчи бўлди.

Силовсин шу заҳоти бола ўйлаганидай унга эмас, бошқа томонга сапчиди. Олов, боланинг дидиллиги силовсинни чўчитиб қўйди, у Торнинг боши устидан сапчиб ўтиб, каравот остига кириб кетди.

Бир дақиқалик жимлик чўқди. Тор бундан фойдаланиб, ёнаётган тарашани мустаҳкамлаб олди,



айрини қўшқўллаб ушлади. У ҳозир бўладиган жанг ҳаёт-мамот жанги бўлажагини ҳис этди. Қизлар қўрққанларидан қичқириб юборди. Тор фақат каравот остидаги ёниқ кўзларни кўриб, ҳайвоннинг тобора қаттиқ ириллаётганини эшитиб турди. У бор кучини йиғиб, жон-жаҳди билан айрини ёниқ кўзларга отди.

Айри қандайдир юмшоқ нарсага бориб тегди, шунда хонани даҳшатли фарёд тутди. Бола бор оғирлиги билан айрини босди.

Сировсин болага ташланмоқчи бўлди, бола унинг тишлари гижирлашини эшитди, айри дастасига тирноқларини ботирганини кўрди, шунча тармашишига қарамай, сировсин унга яқинлашиб келаётганини сездди. Уткир тирноқли панжалар болага тобора яқин келди. Бола ҳадемай ҳолдан тойишини билиб, бутун куч-қувватини тўплаб, яна оғирлигини айрига ташлади. Сировсин ўзини олға отди, ирилаган, тарс-турс овоз чиқди. Айрининг чирик дастаси узилиб тушди, ҳайвон бола томон бир сапчиб, унинг шундайгина ёнидан ўтиб кетди, болага тегмадиям, картошка ўрага ўзини уриб, шу кетганича бутунлай ғойиб бўлди.

Тор каравотга ўзини ташлаб, ҳушидан кетди.

... Шу тарзда қанча вақт ётди, билмайди, фавқулодда бир жарангдор хушчақчақ овоз уни ўзига келтирди, кўзларини очса, кун чиқибди.

— Ҳой, ким бор? Нима, ўлиб қолдиларингми? Лу! Тор! Маргет!

Торнинг жавоб қайтаришга ҳоли етмади, у ҳовлидан отларнинг дўпир-дўпири, гурс-гурс қадам товушларини эшитди.

Эшикни бақувват қўллар очиб, остонада хуш-руй, соғлом Корни пайдо бўлди.

— Ўлиб қолдиларингми?— деди Корни ваҳима билан.— Ким ўлди? Қаердасизлар? Тор! Ким ўлди деяпман? Лу? Маргет?

— Корни, Корни!— тўшакдан заиф бир овоз эшитилди.— Улар кулда ётибди. Аҳволлари жуда ёмон. Ёйишга ҳеч нима қолмади...

— Эҳ, калла!— алам билан қичқирди Корни.— Мен сизларни Эллертондан озиқ-овқат олиб келгансизлар деб ўйлабман!

— Иложимиз бўлмади, Корни! Сен кетишинг билан ҳаммамиз бараварига ётиб қолдик. Устига-устак сировсин бор-йўғимизни, товуқларимизни еб кетди.

— Ундан ўчингни олган бўлсанг керак!— деди



Корни бурчакдаги тарашалар остига сизиб кетган қонга имо қилиб.

... Кўп ўтмай лаззатли таом, яхши парвариш, дори-дармонлар учаловини ҳам оёққа турғизди.

Орадан икки ойлар ўтиб, қизларга янги кади керак бўлиб қолди. Тор уларга шундай деди:

— Мен ичи ковак йўғон толнинг қаердалигини яхши биламан, юринглар.

Қизлар билан Корни ўрмондаги бир сайҳонликка келиб, тодан бир кадилик ёғоч қирқиб олди, шунда улар тол ковагининг нариги бошида онаси ёнида қотиб ётган иккита силовсин боласининг мурдасини кўриб қолди, силовсинлар онасининг биқинидан эскириб қолган айри синиғи чиқиб турар эди.



## СНАП

Бир кучукнинг бошидан кечирганлари

### I

Мен уни илк бор тонг саҳарда кўрдим.

Бир эрта тонгда мактабдош ошнам Жекдан телеграмма олдим:

«Сенга бир ажойиб кучук жўнатяпман. Унга яхши муомала қил. Қўполларни иқи суймайди».

Жекнинг ғалати феъли бор, у, масалан, кучук юбораман деб, ўрнига аллақандай машина ё бўл-маса сассиққўзан жўнатишим мумкин. Шу сабаб-лиям совғани қизиқиш билан кутдим. Ниҳоят совга келди, қарасам, қути устига: «Хавфли!» деб ёзиб қўйилибди. Қути ичидан ириллаган, гингшиган овоз эшитилди. Қутининг панжарали дарчасидан қараб, шер боласини эмас, кичкинагина оқ бультерьер<sup>1</sup>-ни кўрдим. У мендан қочмоқчи бўлиб, тинмай ириллади. Унинг ириллаши қулоғимга хунук эшитилди, одатда итлар икки хил оҳангда ирил-лайди. Бир тури, паст, кўкрак қафасидан чиққан товуш бўлиб, бу унинг иззат қилгани ёки яхшилиқ қилувчига ташаккури бўлади, иккинчиси, овозини қўйиб вовиллайди, бу ҳужум олдидан сўнги сўзини айтгани бўлади. Ҳамма ит боқувчи одамлар каби мен ҳам итни ҳар қандай кўйга сола оламан, гапимга кўндира оламан, деб юраман. Шу боисдан ҳам совғани олиб келган кишига жавоб бериб юбориб, асбоб-ускуналар солинган қутича-дан қаламтарош, болғача, болтача ҳамда косовни олиб, қафасни очдим. Болғача ҳар тўқиллаганда кучук бор овози билан вовуллади. Қутини ёнлама-си билан тўнтарганимни биламан, кучук тикка бў-либ оёқларимга сапчиди. Агар панжалари тўр сим-ларига ўралиб қолмаганида, билмадим, ҳолим не кечарди. Мен унинг бўйи етмайдиган стол устига ирғиб чиқиб олиб, уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Мен ҳамиша ҳайвонлар билан суҳбатла-шиш тарафдори бўлиб келганман. Ишончим комилки, ҳайвонлар гапларимизнинг сўзларини тушуниб етмасалар-да, аммо маъносини илғаб оладилар. Бироқ бу кучуквачча, афтидан, мени тил-

<sup>1</sup> Бультерьер — ит тури.

ёғламалик қияпти, деб ўйлади чоғи, хушомадларимдан жирканди. У теварак-атрофга бир қараб олиб, стол остига кириб ётиб олди, мени ерга тушармикан, деб кутди. Мен унинг кўзларига тикилиб, келишиб кетамиз, деб ўйладим, аммо кўзим кўзига сира дуч келмади, шу сабабли ҳам стол устидан қимирламадим. Мен ўзи совуққон одамман. Ахир мен темир-терсак билан савдо қилувчи фирма вакилиман, бу фирмада хизмат қиладиганлар ўта вазминликлари билан ном чиқарган, улар бу борада фақатгина тайёр кийим-кечаклар билан савдо қилувчи ҳамкасабаларига ён беради, холос.

Шундай қилиб, столда мусулмончасига чордана қуриб ўтириб олдим, қўйнимдан сигара олиб тутатдим, кичкинагина золим ҳайвон эса пастда, оёқларим остида пойлаб ўтирди.

Чўнтагимдан ўртоғимнинг телеграммасини олиб, яна ўқидим: «Ажойиб кучук. Унга яхши муомала қил. Қўполларни иқи суймайди». Ўзимни хотиржам тутганим яхши самара берди, орадан ярим соат ўтар-ўтмас кучукнинг ириллаши тинди. Бир соатлар чамаси ўтгач, тинчландими-йўқми, деб пастга астагина газета ташладим, у газетага ўзини отмади. Эҳтимол, қафасдаги асабийлиги тарқалгандир. Мен учинчи сигарани тутатдим, шунда у битта-битта қадам босиб камин олдига борди-да, узала тушиб ётиб олди, аммо мени унутиб қўйгани йўқ, мендан бир кўзини узмади. Мен унинг калтагина думидан кўзимни олмадим. Борди-ю, думи лоақал бир мартагина қимирлаганда ўзимни ғолиб деб ҳисоблаган бўлардим. Бироқ думи қимирламади. Мен қўлимга китоб олиб, то оёқларим увушгунча, каминдаги олов ўчгунча ўқиб ўтирдим. Соат ўнларга бориб, хона совиди, ўн яримларда эса, олов бутунлай ўчди. Дўстим қилган туҳфа ўрнидан турди, керишиб эснаб каравот остидаги жун гиламга келди. Мен столдан жавонга, жавондан каминга ҳатладим, бир амалаб тўшагимга бориб, товуш чиқармай ечиниб ётиб олдим. Ҳали



кўзимга уйқу инмасдан ниманингдир шарпасини сездим, бир нима каравотдан, сўнг оёқларим устидан юрди. Афтидан, Снап<sup>1</sup> каравот таги совуқлик қилиб қолгани учун ўзига бирон-бир қулайроқ жой қидираётганга ўхшайди.

Кучук оёқларим остига ғужанак бўлиб ётиб олди. Мен ноқулай аҳволда қолиб, яхшироқ ўраниб ётолмадим, сал оёқ чўзганимни биламан, кучук ғазаб билан оёғимга ёпишди, фақат қалин кўрпагина мени оғир жароҳатдан асраб қолди.

Орадан бир соат ўтди, бу вақт ичида мен оёқларимни сал-сал қўзғатиб-қўзғатиб, секин узатиб олишга муваффақ бўлдим, шундан кейингина ухлашга имкон туғилди. Тунда бир неча маротаба кучук дарғазаб ириллаб, мени уйғотиб юборди, балки унинг рухсатисиз оёқ узатишга журъат этганим, яна устига-устак ўқтин-ўқтин хуррак отганим малол келгандир.

Эрталаб Снапдан вақтлироқ турмоқчи бўлдим. Эшитяпсизми, мен уни Снап деб атаяпман... Унинг номини тўлиқ айтганда, Жинжерснап<sup>2</sup> бўларди. Баъзи итларга лақаб топиш мушкул, баъзиларига лақаб қўйишни ўйлаб ўтирмасаям бўлади, лақаби ўз-ўзидан топилади-қолади.

Шундай қилиб, соат еттида ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Снап соат саккизларгача ётишни маъқул кўрди, шунинг учун ҳам саккизда ўрнимиздан турдик. У мени каминни ёқишимга ва кийиниб олишимга қўйиб берди, бирон марта ҳам стол устига ҳайдаб солмади. Нонушта тайёрлаш учун хонадан чиқаётиб, унга шундай дедим:

— Снап дўстим, мендан бошқа одам бўлганда сени калтаклаб тарбия қиларди. Лекин мен сени ўзимча тарбия қилмоқчиман. Ҳозирги докторлар «Эрталабки нонуштани бермаслик» тадбирини ўйлаб топганлар. Мен шу тадбирни сенга қўллаб кўрмоқчиман.

Албатта, уни кун бўйи оч қўйиш бераҳмлик бўлади, лекин мен ўз сўзимда турдим. У эшикни тирнаб, расво қилиб ташлади, уни кейинчалик бўяшга тўғри келди. Кечқурун пичагина овқат бериб эдим, бажонидил олди.

Биз бир ҳафта деганда дўст бўлиб қолдик. У энди менинг каравотимда ётадиган бўлди, қимирласам ҳам мени қопишга уринмади. «Эрталабки нонуштани бермаслик» тадбири жуда ажойиб са-

<sup>1</sup> Снап (Snap) — олғир.

<sup>2</sup> Жинжерснап (gingersnap) — занжабил солинган қатлама кулча.

мара берди, биз у билан уч ой деганда орамиздан қил ўтмайдиган даражада иноқлашиб кетдик.

Назаримда, у ҳали қўрқув нималигини билмайди. Борди-ю, ўзидан ҳам майда кучукни кўриб қолса, унга аҳамият ҳам бермайди, борди-ю, ўзидан катта итни кўриб қолса, унинг чўлтоқ думи таранг бўлади, бегона итни айланиб, орқа оёқларини ерга тап-тап уради, дам кўкка, дам ерга, олис-олисларга қараб ҳуриб, бегона ит пайдо бўлганидан дарак бериб, зир айланиб югуради. Бегона ит кетса кетди, кетмаса жанжал чиқаради. Шундан кейингина бегона ит жуфтакни ростлаб қолади. Снап жанжал қилавериб жуда кўп таъзирини еди, аммо булардан кераклича хулоса чиқариб олмади.

Бир куни итлар кўрғазмаси пайтида извош каретада кетаётиб, сайр қилиб юрган филсимон сенбернарни кўриб қолди. Сенбернарнинг кўриниши кучукни ҳайратда қолдирди ва у лип этиб ўзини карета дарчасига уриб, оёғини синдириб олди.

У ҳамон қўрқув нималигини билмади. У мен билган итларнинг биронтасига ўхшамади. Масалан, агарда бирон-бир болақай унга тош отгудай бўлса, у боладан қочмади, аксинча, болага қараб югурди. Мабодо болақай яна тош отаверса, у шу заҳоти бола билан орани очди қилди, шунинг учун ҳам ҳамманинг эътиборини қозонди. Фақат мен билан идорамиз дастёри унинг фазилатларини кўра олдик. У ҳам фақат икковимизнигина дўст бўлишга муносиб деб билиб, биз билан дўстлашди. Ёзинг ўрталарида Карнеги, Вандербилдт ва Астор<sup>1</sup> уювлари бир бўлиб пул йиққан тақдирларида ҳам мендан жажжигина Снапни сотиб олишга қурблари етмаган бўларди.

## II

Гарчанд мен гумашта бўлмасам ҳам хизмат қилаётган фирмам мени кузда саёҳатга жўнатди, шу туфайли Снап уй бекаси билан қолди. Уларнинг фель-атворлари бир-бировиникига тўғри келмади. Кучук бекадан жирканар, бека эса ундан қўрқарди, хулласи калом, икковлари бир-бирини ёмон кўриб қолди.

Мен эса Шимолий штатларда тиканли сим ўтказиш ишлари билан банд бўлдим. Ҳафтада бир марта уйдан хат оламан. Уй бекаси Снапдан дод деб ёзади.

Мен Шимолий Дакотадаги Мендозага келиб,

<sup>1</sup> Америкалик уч миллиардер.

сим ўтказишнинг яхши йўлини топиб олдим. Турган гап, аввало йирик савдогарлар билан шартнома туздим, сўнг эҳтиёжини билиш мақсадида фермерлар билан духоб келдим, шу тариқа ака-ука Пенруфлар фермаси билан ҳам танишиб қолдим.

Чорвачилик билан шуғулланувчи жойларда бўлмай, у ерларда олғир, қонхўр бўрилар келтирган қиронлар ҳақида билиб бўлмайди. Бўриларни заҳарлаб қўлга тушириш давлари ўтиб кетди. Аксарият подачилар сингари ака-ука Пенруфлар ҳам заҳар-оғу ва қопқон ишлатишдан воз кечиб, бўри овида турли итларни синаб кўрди, бу билан нафақат теварак-атрофни бўрилардан тозалади, шу билан бирга овдан завқ ҳам олди.

Тезоёқ итлар ҳал қилувчи олишувларда ярамай қолиши, Дания доглари жудаям даққи экани, този итлар эса ғанимини кўрмагунларича чопмаслиги аён бўлди. Ҳар бир жониворда қандайдир бир машъум камчилик бўлди. Подачилар энди бир гала турли хил итларни аралаштириб, овга қўйди, мени бу овга таклиф этишганида у ердаги итларнинг турли-туманлигини кўриб завқим келди. Овда қанчадан-қанча майда, беўхшов итлар қатнашди, аммо улар орасида зотдорлари ҳам, масалан, нархи бир дунё пул бўладиган бир нечта рус бўрибосарлари ҳам бор эди.

Маҳаллий овчилар «бошлиғи» бўлмиш Гилтон Пенруф бу итлар билан фахрланиб, улардан мисли кўрилмаган жасоратлар кутди.

— Този итлар бўри овига нозиклик қилишяпти, доғлар бўлса яхши югуролмайди, энди бўрибосарларни ишга соламиз, улар бўриларни бурда-бурда қилиб ташлайди.

Шундай қилиб, този итлар қувиш учун, доғлар ҳар эҳтимолга қарши, бўрибосарлар эса энг асосий олишув учун мўлжаллаб қўйилди. Бундан ташқари иккита-учта димоғи сезгир ит мабодо бўри кўздан ғойиб бўлиб қолса топиб бериш учун ажратиб қўйилди.

Ҳаво очиқ октябр кунларидан бирида адирлар оралаб йўлга тушишимиз ажойиб манзара кашф этди! Гарчанд йилнинг сўнги фаслларидан бири бўлса-да, ҳаво беғубор ва топ-тоза, на қор бор, на совуқ. Овчилар оти аста-секин қизиди, шунда у менга икки марта қандай қилиб эгасини устидан тушириб ташлашини кўрсатмоқчи бўлди.

Ялангликда иккита-учта кулранг шарпага кўзимиз тушди, Гилтон уларни ё бўри, ё чиябўри деди. Итлар галаси жон-жаҳди билан ҳуриб чопиб



кетди. Улар қора шомгача елиб-югуриб, ҳеч нима тутолмади. Фақат този итлардан биттаси бўрини қувиб етибди, уям елкасидан ярадор бўлиб, йўлда қолиб кетибди.

— Гилт, назаримда, сенинг бўрибосарларингдан наф чиқмайдиганга ўхшайди, — деди Пенруфларнинг кичкинаси бўлмиш Гарвин. — Менга қолса, жайдари ит бўлса ҳам ҳаммаси кичкина қора дог олдидан ўтаверсин.

— Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди! — тўнғиллади Гилтон. — Бўри уёқда турсин, ҳаттоки чиябўрилар ҳам бу този итлардан ҳеч қаёққа қочиб қутулмасди. Ов итлари ҳам зўр, уч кунги изни десанг ҳам топиб беради. Доглар-чи, айиққа ҳам бас келарди!

— Қўй, тортишиб ўтирмайлик, — деди оталари, — итларинг қувишни, искабтопарликни эпласа эплар, айиққа бас келса-келар, бироқ улар бўри билан тўқнаш келишни истамаепти. Лаънати итлар, бари қўрқиб ўтирибди-я. Шуларга кетган пулимни қайтиб олиш учун кўп нарсаларимдан кечган бўлардим.

Улар шу тариқа тортишиб қолди. Мен улар билан хайрлашиб, йўлимга равона бўлдим.


Този итлар кучли ва илдам бўлса-да, афтидан, бўрининг важоҳати уларни қўрқитиб юборганга ўхшайди. Уларда бўрилар билан ўз кучларини синаб кўриш учун юрак етмаган. Шунда беихтиёр кўз ўнгимда тўшагимнинг бир бурчагини эгаллаб олган ўша ботир кучук гавдаланди. Унинг ҳозир бўлишини шундай истадим! Шунда мана бу беўхшов тўнкалар жасур йўлбошчига эга бўлган бўларди.

Бароқада тўхтаб, почтадан уй бекасининг иккига номасини олдим. Биринчисида «бу ярамас итнинг хонада қилаётган тентакликлари» ҳақида ёзибди, иккинчисида эса бундан ҳам дарғазаб бўлиб, Снапни тезда йўқотиш зарурилиги хусусида талабнома битибди.

«Нима учун уни Мендозага олиб келмаслигим керак экан? — ўйладим мен. — Бор-йўғи йигирма соатлик йўл бўлса. Буёғи Пенруфлар Снапни кўриб хурсанд бўлади».

### III

Жинжерснап билан бу сафарги учрашувимиз ҳам олдингисидан сира фарқ қилмади. Кучук менга ташланди, ўзини мени қопмоқчи қилиб кўрсатди, тинмай акиллади. Овози кўксидан чиқиб, думи тинмай ликиллади.





Пенруфларникига келганимдан буён улар яна бир неча маротаба бўри овига чиқди, ҳар сафар овлари бароридан келмай, жиғибийрон бўлиб қайтди. Итлар деярли ҳар гал бўрини қувиб етарди, аммо уларга тегинолмасди, овчилар нега итларнинг қўрқатганига ақллари етмай, бир неча марта уларга яқинроқдан бориб қаради.

Охири қария Пенруф: «Бу қаланғи-қасанғи итлар ботирликда қуёндан ҳам хароб экан», деган хулосага қелди.

Эртаси кунни тонг саҳарлаб йўлга тушдик. Яна ўша учқур отлар, яна ўша ажойиб чавандозлар ҳамда кўк, сариқ, ола-була итлар бизга ҳамроҳ бўлди. Бундан ташқари, сафимизда пинжимга тиқилиб олиб, нафақат итларга, шунингдек, менга яқинлашмоқчи бўлган отларга ҳам тишларини иржайтириб келаётган кичкинагина, оппоққина Снап ҳам бор эди. Снап, яқинидаги ҳар бир одам, ҳар бир ит, от билан уришиб чиқди.

Биз улкан адир ёнбағрига келиб тўхтадик. Гилтон дурбин билан теварак-атрофга қараб, бақириб юборди:

— Ана у! Ана, жилға томон келяпти, Скелл. Бу чиябўри бўлса керак.

Энди този итларга ўлжани кўрсатиш керак. Бу осон иш эмас, чунки улар дурбиндан кўра олмайди, яланглик эса ит бўйидан баландроқ буталар билан қопланган.

Шунда Гилтон: «Дандер, буёққа кел!» — деб итни чақириб олиб, оёғини олдинга қўйди. Дандер эпчиллик билан бир сакраб эгарга учиб чиқиб, жойлашиб ўтириб олди. Гилтон унга ўлжани кўрсатиб деди:

— Ана у, Дандер, ана! Бор, қоп, бор, ғус, ғус!

Дандер эгаси кўрсатган томонга синчковлик билан тикилди, бир нимани кўрди шекилли, астагина ҳурди, ерга сапчиб тушиб, югуриб кетди. Бошқа итлар унинг изидан эргашди. Биз ҳам уларнинг кетидан ошиқдик, аммо хийла орқада қолиб кетдик, чунки йўлимизда ўрлар, бўрсиқлар ини, катта-катта тошлар, узун-узун буталар кўп экан. Бундай йўлда тез югуришнинг оқибати чатоқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, биз орқада қолиб кетдик, эгарга ўрганмаганлигим учун мен ҳаммадан орқада қолиб кетдим. Итлар тезроқ нариги бетга ўтиб олиш учун яланглик бўйлаб чопди, ўр-чуқурлар оралаб чопди. Тўдага Дандер този йўлбошчилик қилди. Биз навбатдаги ўрқачга чиқиб, овнинг бор манзарасини

кўрдик: чиябўри елдай учиб бораяпти, улардан чорак милча кейинроқда итлар қувиб бораяпти... чиябўрини етиб олди шекилли, итлар кўринмай қолди. Яна бир қараганимизда ерда сулайиб ётган чиябўри билан уни ўраб олган итларни кўрдик. Нимагадир иккита ов ити билан бизнинг Жинжерснап кўринмади.

— Олишувга кеч қолишибди! — деди Гилтон орқада қолган ов итларига қараб. Сўнг фахр билан Дандерни уриб-суриб қўйиб деди: — Кўриб турибсиз, ҳар ҳолда сизнинг кучукваччангизга зарурат қолмади!

— Жасоратни қара-я, ўнта сўлоқмондай ит майдагина бир чиябўрига ёпишиб ўтирса! — пичинг қилиб деди оталари. — Бирон-бир бўрига дуч келиб қолсин, кўради!

Эртаси куни яна овга отландик.

Адирга ўрлаётиб, ғимир-ғимир этаётган кулранг нуқталарга кўзимиз тушди. Қимирлаётган нарса оқ бўлса, унда у кийик бўлади, қизили тулки, кулранги ё бўри, ё чиябўри бўлади. Унинг бўри ё чиябўрилигини думидан билса бўлади. Масалан, думи осилиб турган бўлса чиябўри, тепага кўтарилиб турган бўлса, йиртқич бўри бўлади.

Худди кечаги сингари бугун ҳам Дандерга ўлжа кўрсатилди, у худди яна кечагидай турфа този итлару бўрибосарлар, ов итларию доғлар, бультерьер ва отлиқларни изидан эргаштириб олға босди. Кўз очиб юмгунча қувди-қувди бошланди. Итлардан олдинда узун-узун сакраб чопиб бораётган бўри эканлигига шубҳа қолмади. Негадир менга олдиндаги итлар аввалгилардагидек яхши чополмаётганга ўхшаб туюлди. Уёғи нима бўлди, буни ҳеч ким кўрмади. Итлар бирин-кетин изларига қайтди, бўри эса кўздан ғойиб бўлди.

Энди итларга таънаю пичинглар ёғилди.

— Эҳ! Қўрқдинлар, қўрқиб кетдинлар! — ижирғаниб деди оталари. — Шундоқ етиб туришган эди-я. Сал буларга ўгирилдими, тамом, жуфтакни ростлаб қолишди, т-фу!

— Қани ўша бебаҳо ботир терьерингиз? — сўради Гилтон нафрат билан.

— Қайдам, — дедим мен. — Эҳтимол, Снап бўрини кўрмаган ҳам бўлса керак. Гаров ўйнайман, агар кўзи тушганида борми, ё бўрини ўлдирарди, ё ўзи ўларди.

Шу куни кечаси фермага яқин жойдаги бир қанча сигирни бўри бўғизлаб кетди, биз яна овга отландик.



Бу ов ҳам худди аввалги кунлардаги сингари бошланди. Кун пешиндан оққанда ярим милча келадиган ерда думи юқори кўтарилиб бораётган кулранг ҳайвонни кўрдик. Гилтон Дандерни эгарга ўтказиб олди. Мен ҳам уни кўриб Снапни чақирдим. Кучугимнинг оёқлари шундай калта эдики, у отнинг устига ирғиб чиқа олмади. Менинг оёқларимга тирмаша-тирмаша тепага чиқиб олди. Мен унга бўрини кўрсатиб, то ҳайвонни илғамагунича, сўнг жон-жаҳди билан югуриб кетаётган тозиларни қувиб етмагунича: «Бор, қоп, қоп!»— деб туравердим.

Бу галги қувди-қувди чангалзор оралаб, дарё ёқалаб очиқ ялангликдан кетди. Ҳаммамиз бир бўлиб тоғ ёнбағрига чиқдик, Дандер бўрини қувиб етиб, унинг орқа оёқларидан олмоқчи бўлаётганини кўриб қолдик. Кулранг ҳайвон ҳамлага шайланиб орқасига ўгирилди, шунда кўз олдимизда ғаройиб манзара намоён бўлди. Итлар то кичкина оқ кучук етиб келмагунига қадар, икки-учтадан бўлишиб бўрининг теварагини ҳалқа каби ўраб ҳуриб тураверди. Оқ кучук вақтини беҳудага ҳуриб сарф қилиб ўтирмай, ўзини тикка бўрининг бўғзига отди, аммо мўлжални аниқ ололмай, орқасига қалқиб кетди, шундай бўлса-да, рақибининг тумшуғини тишлаб олишга улгурди. Шундан кейингина ўнтача келадиган барзанги ит ҳам бўрига ташланди, орадан икки дақиқача ўтиб, бўри жон таслим қилди. Биз гарчанд олисдан бўлса ҳам Снап менинг ишончимни оқлаганига гувоҳ бўлдик.

Энди мақтаниш навбати менга келди. Чунки Снап бўрини қандай овлаш кераклигини кўрсатиб қўйди, ниҳоят, Мендозанинг итлариям одамларнинг ёрдамисиз бўрини бирёқлик қиладиган бўлди.

Аммо муваффақиятимиз татимади, иккита воқеа кўнглимизни хуфтон қилди. Биринчиси, нобуд бўлган бўри жуда ёш, ҳатто норасида эди. У шунинг учун ҳам гўдаклик қилиб, яланглик бўйлаб чопган эди. Иккинчиси, Снап яраланди, бўри унинг елкасига тирноқларини ботириб олди.

Биз ғурур билан изимизга қайтаётиб, кучугимнинг оқсоқланаётганини сезиб қолдим.

— Буёққа ке! — деб қичқирдим. — Ке буёққа, Снап!

У икки марта эгарга ирғиб чиқмоқчи бўлди, эплай олмади.

— Уни буёққа бериб юборинг, Гилтон,— дея илтимос қилдим.

— Илтимос қилганингиздан хурсандман. Шақилдоқ илонингизни ўзингиз билан бемалол олиб кетишингиз мумкин,— деди Гилтон, энди Снап билан ўйнашиш хатарли эканини билиб.

— Буёққа, Снап, ма, ол!— дедим унга қамчи учини узатиб.

У узашиб, қамчини тиши билан тишлади, мен уни кўтариб, эгарга ўтқазиб олиб, уйга олиб кетдим. Шундан кейин уни ёш болани парвариш қилгандай парваришладим, чунки Снап подачиларга уларнинг итларида айнан нима етишмаётганлигини исбот қилиб берди. Ов итларининг гўзал тумшуклари, този итларнинг тезкор оёқлари-ю, бўрибосарлар билан доғларнинг куч-қудрати бультерьернинг жасорати олдидан ўтаверсин. Шундай қилиб, подачилар шу куни бўри масаласига барҳам берди, Мендозага йўлингиз тушиб қолса, буни ўз кўзингиз билан кўрасиз, чунки энди бу ердаги ҳар бир итлар галаси орасида бультерьер пайдо бўлиб қолди, бультерьер бўлганидаям асосан Снапомендоз қонли бультерьерлар.

#### IV

Эртаси куни Снапнинг меникига келганига бир йил тўлди. Шу куни ҳаво очиқ келиб, кун чарақлаб кетди. Ерга ҳали қор тушмади. Подачилар яна бўри овига отланди. Аммо ҳамон Снапнинг яраси битмай, ҳамманинг энсаси қотди. У, одатдагидай, менинг оёқларим остида ухлади, кўрпада қон излари қолди. У албатта бўри овига қатнашолмайди. Шу сабабляям уни ташлаб кетмоқчи бўлдик. Снапни алдаб, омборга киргиздик-да, устидан қулфлаб қўйдик. Кейин ўзимиз йўлга тушдик. Аммо кўнглим аллақандай кўнгилсизлик бўлишини ҳис қилди. Мен кучугимсиз омадсизликка йўлиқишимизни сездим, аммо бу омадсизлик нечоғли улкан бўлишини хаёлимга келтиролмадим.



Биз узоқлашиб, адирлар оралаб бораётиб эдик, бирдан кетимиздан буталар оралаб лип-лип этиб, оқ коптокдай думалаб, Снап етиб келиб қолди. Бир дақиқа ўтиб, чўлтоқ думини ликиллайтиб ғингишиб отимнинг олдида пайдо бўлди. Уни изига қайтариб юбориб бўлмайди, агар шундай қилмоқчи бўлган тақдиримда ҳам у барибир менинг гапимга ўла қолса кирмайди. Буёғи яраси баттар зўриқиб кетган. Уни чақириб, қамчи учини узатдим ва эгарга ўтқазиб олдим. «Шу ердан, — ўйладим мен, — уйга қайтгунимизча қўзғалмайсан». Лекин мен ўйлаганимдай бўлмади. Гилтон «ғус! ғус!» — дея ҳайқириб, бўри кўриб қолганидан дарак берди. Дандер билан Райл баравар олдинга отилди, аммо бир-бирига тўқнашиб кетиб, ерга чалқанчасига бориб тушди. Снап сергаклик билан қараб, бўрини кўрди. Мен уёқ-буёғимга қарагунча у эгардан сапчиб тушиб, эгри-бугри йўллар билан гоҳ юқорилаб, гоҳ пастлаб, буталар ёнидан, остидан чопиб, бўрини мўлжаллаб бораверди. Бир неча дақиқа ичида бутун галани изидан эргаштириб олиб кетди. Бу узоқ давом этмади, албатта. Баҳайбат тозилар қимирлаётган нуқтани кўриб, яланглик бўйлаб узун занжир каби чўзилиб кетди. Овнинг мароқли бўлиши равшан бўлди, чунки бўри унча олисда бўлмай, итлар ҳам шитоб билан югурди.

— Улар Айиқ жарга бурилди! — қичқириб юборди Гарвин. — Кетимдан юринглар! Биз уларни кесиб чиқамиз!

Биз орқамизга қайтиб, адир шимолидан от қўйдик, бу пайт қувди-қувди, афтидан, жанубий қиялик бўйлаб давом этди.

Биз тепага кўтарилиб, энди тушамиз деб турганимизда Гилтон қичқириб қолди:

— У шу ерда экан! Нақ рўпарасидан чиқиб қолибмиз!

Гилтон сакраб отдан тушди, тизгинни ташлаб, олдинга югурди. Мен ҳам шундай қилдим. Рўпарамиздаги очиқ ялангликда уёқдан-буёққа чайқа-



либ чопиб бораётган улкан бўрини кўрдик. Боши эгик, думи тик таранг бўридан эллик қадамлар орқада ундан икки карра тезроқ Дандер чопиб бормоқда. Бир дақиқалардан сўнг този ит бўрини қувиб етиб, акиллаб тармашиб бошлади, бўри унга томон ўгирилиши билан у ортига тисарилди. Улар шундоқ пастимизда, эллик футча нарида эди. Гарвин револьверини чиқарди, аммо Гилтон уни қайтарди.

— Йўқ, йўқ! Кўрайлик-чи, нима бўларкин.

Зум ўтмай, иккинчи този, кетидан учинчиси, сўнг бошқалари етиб келди. Ҳар бир този бўрини нимта-нимта қилиб ташлагудай ғазаб билан келди. Бироқ улар бирин-кетин орқага чекиниб, хавфсизроқ бўлган масофага бориб акиллаб бошлади. Икки дақиқалардан сўнг ажойиб рус бўрибосарлари етиб келди. Олисдан улар, шубҳасиз, қари бўрига тиккасига ҳамла қилмоқчига ўхшаб кўринди. Аммо ғанимнинг дадил туриши, мушаклари бўртиб турган бўйни, ажал келтирувчи жағлари уларни чўчитиб юборди, шундай қилиб, улар ҳам даврага тиқилди, кулранг талончи эса уларнинг ҳар бири билан, керак бўлса, ҳаммаси билан ёппасига олишиш учун гоҳ уёғига, гоҳ буёғига олазарак қараб, шай бўлиб турди.

Ана, ҳар бири шу бўридай келадиган барзанги доғлар ҳам етиб келди. Уларнинг оғир-оғир нафас олиши даҳшатли хириллашга айланиб, улар бўрини нимталаб ташлагувчи важоҳат билан келди. Аммо даҳшатли, қўрқмас, жағлари бақувват, панжалари ўткир, керак бўлса ўлимга ҳам тайёр ғанимларини яқинроқдан кўриб, учала доғ ҳам бўри жон берсаям бир ўзи жон бермаслигини, бошқаларнинг ҳам бошига етиб жон беришини сезиб, дарҳол шаштларидан тушди. Нафасларини ростлаб олиб, бирпасдан кейин ҳамла қилмоқчи бўлди. Улар бўридан қўрқмади. Овозлариям жасурона янгради. Улар биринчи ҳамла қилувчининг ҳоли вой бўлишини яхши билди, аммо улар ҳуришиб, ўзларини бардам тутиб тураверди.

Унта барзанги ит бечора йиртқични ўраб тураверди, шунда буталар остидан шитир-шитир овоз эшитилди. Сўнг қордай оппоқ резина копток сакраб-сакраб келиб, кичкинагина бультерьер бўлиб қолди. Доим орқада юрувчи Снап оғир-оғир нафас олди, сўнг бўрига ташланишга юраги бетламаётган итлар ҳалқасига ўзини урди. У иккиландими? Сираям! Акиллаб турган итлар орасини тиккасига ёриб ўтиб, адирлар ҳукмдорининг нақ ҳалқумини

нишонга олиб, ўзини отди. Шунда бўрининг йигирмата ўткир тишлари зарбига дуч келди. Аммо у тура солиб ғанимга иккинчи марта ташланди, кейин нима бўлди, билиб бўлмади. Итлар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Хаёлимда оппоқ кучук бўрининг тумшуғидан олди, кейин бошқа итлар бўрига бирваракайига ҳамла қилгандай бўлди. Биз итларга ёрдам беролмадик, аммо улар ҳам бизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлмади. Уларнинг йўлбошчиси жасурликда тенгсиз бўлди. Ниҳоят, олишув ниҳоясига етди. Улкан йиртқич бўри ерда сулайиб ётиб қолди, майдагина оппоқ кучук ҳам бўрининг тумшуғига ёпишганича қимирламай қолди.

Биз аралашшга чоғланиб, аммо нима қилишимизни билмай, қараб туравердик. Ниҳоят, ҳаммаси тугади. Бўрининг жони узилди. Мен Снапни чақирдим, лекин у қимир этмади. Мен унинг устига эгилиб:

— Снап, Снап, бари тамом бўлди, сен уни ўлдирдинг! — дедим, аммо кучугим қимир этмади. Шунда кучугимнинг баданидаги иккита катта жароҳатга кўзим тушди. Уни кўтариб олмоқчи бўлдим. — Бўлди, биродар, ҳаммаси тугади.

У заифгина ириллаб, бўрини қўйиб юборди.

Чапани молбоқарлар Снапнинг теварагига тиз чўкди, қария Пенруф овози титраб пичирлади:

— Ундан айрилгандан кўра йигирмата хўкизимдан айрилганим яхши!

Мен Снапни қўлимга кўтариб олдим, отини айтиб-айтиб бошини силадим. У оҳиста ингиллади, назаримда мен билан видолашди, сўнг қўлларимни ялаб бутунлай жимиб қолди.

Биз уйга ғамгин қайтдик. Йиртқичнинг терисини ҳам олиб олдик, аммо бу бизни юпата олмади. Жасур Снапни ферма орасидаги адирга дафн этдик. Ёнимда турган Пенруфнинг шундай деганини эшитдим:

— Мана буни чинакам жасурлик деса бўлади! Бизнинг ишимизда жасур бўлмасанг узоққа боролмайсан.





## УЧҚУР ТОЙЧОҚ ЖЕК

Бир қуён. саргузашти

### I

Учқур Тойчоқ шаҳарчанинг деярли барча итини билади. Масалан, улкан бир қўнғир ит неча марта-лаб уни оддига солиб қувди, у ҳар гал тахта девор тешигидан ўтиб қутулиб кетди. Яна бир майдагина абжир ит ҳам бор. У Учқур Тойчоқ ўтадиган тешикдан ўта олади, аммо Тойчоқ ундан тезоқар, ясси соҳил ариқдан сакраб ўтиб қутулиб кетади. Майдагина ит ҳамиша уни қувиб келиб, ариқдан ўтолмай қолиб кетади. Агар ариқдан сакраса, жонидан айрилишини яхши билади. Болалар Учқур Тойчоқ сапчиб ўтадиган жойни «қари Жек сакрайдиган жой» деб атайдди. Шаҳарчада бир този ит ҳам бўлиб, у Тойчоқдан ҳам яхши сакрайди. У Тойчоқ ўтган тахта девор тешигидан ўтолмайди, аммо девордан сакраб ўтиб кетади. У бир неча марта Учқур Тойчоқни қонига белади. Тойчоқ унга чап бериб, тиканли буталар остига яширинадиган бўлди. Този тикандан қўрқиб, изига қайтиб кетадиган бўлди.

Шаҳарчада бу учта итдан бўлак яна бир қанча хира итлар галаси бўлиб, улар чопишда Учқур Тойчоқ билан беллаша олмайдилар.

Булардан бошқа шаҳарча четларида ҳам итлар кўп эди. Улар орасида оёқлари узундан келган қоп-қора уй ити бўлиб, шундай тезкор, шундай чайир эдики, Учқур Тойчоқ ундан қочиб қутулиб кетаман деб, бир-икки марта бир ўлимдан қолди.

Тойчоқ шаҳарча мушукларига парво қилмади, мушуклар ҳам деярли унга озор бермади. Фақат





бир ойдин кечаси овқат еб ўтириб эди, ўзинини қатор ғолиб юришлари билан ғурурланувчи улкан бир мушук писиб келди. Учқур Тойчоқ кўзлари ёниб турган қоп-қора жониворни кўриб қолди. Мушук ҳамла қилгунича бўлмай, Тойчоқ унга ўтирилди, орқа оёқларида тик туриб, қоматини керди. Қулоқларини тикрайтириб, баланд овоз билан «чрр-чрр», деди, сўнг тўғридан-тўғри мушукнинг бошига чанг солиб, ўткир тирноқларини ботирди. Қари мушук улкан жониворнинг ўткир тирноқларидан зўрға қочиб қутулди. Тойчоқ бу ҳийла-найрангини кўп ишлатиб кўриб, шундан икки марта-сида балага учради. Бир марта болали мушукка чанг солиб, улардан зўрға қочиб қутулди, яна биринчи да сассиққўзанга ёпишаман деб балага қолай деди.

Учқур Тойчоқнинг энг хавfli ғаними барибир този ит бўлиб қолаверди, у бир сафар бир бахтли тасодиф туфайлигина тозининг тишлари орасида жон беришдан қутулиб қолди.

У одатда кечаси егулик излаб чиқарди, чунки кечаси ғанимлар кам бўларди, бўлсаям қоронғида улардан бекиниш осон бўларди. Ана шундай қиш кечаларининг бирида пичан ғарами олдида бирор егулик излаб юравериб, тонг отганини билмай қолди. Ўтлоқ оралаб кулбасига йўл олди, аксига олиб, шаҳарча четида юрган бир този ит билан юзма-юз бўлиб қолди. Оппоқ қор билан оппоқ тонгда бекинадиган қора тополмади. Бор кучи билан момиқ қор оралаб чопди. Итлар қорда қуюндан яхши чопади, шу боисдан ҳам този қуёндан афзал чопди.

Ана, улар бор кучлари билан чопиб бораяпти. Ҳар сакраганларида қадамлари остидан момиқ қор сачрайди. Улар гоҳ ўннга, гоҳ чапга қараб чопади. Итнинг қорни оч, буёғи кун совуқ, оёқлари остидаги қор момиқдай мулойим. Шу сабаблиям яхши чопаяпти. Қуён эса ҳозиргина қорнини йўнғичқага тўйдириб олиб эди. Шундай бўлса-да, чопганида оёқлари остидан шундай қор сачрадики, ҳавода бир зум қор учқунлари ўйнаб турди. Улар қувишиб, ялангликка чиқиб қолди. Тойчоқ теваракка назар солиб, бирон-бир бекинадиган жойни кўрмади, девор тарафга қочайин деса, този қўймади. Тойчоқнинг тинка-мадори қуриб, қулоқлари шалпайиб қолди. Фавқулодда улар бамисоли байроқчадай ҳилпираб, яна юқорилаб чопди. Учқур Тойчоқ жон-жаҳди билан чопди, энди жанубдан бирор бекинадиган жой топиб олиш учун эмас, шарққа қараб кетган ялангликдан тезроқ ўтиб олиш учун чопди. Този унинг изидан қолмади. Тойчоқ эллик

қадамлар босиб, бирдан тозига чап бериб, бошқа ёққа йўл олди, сўнг яна Шарққа бурилди. У бетиним уёқ-буёққа бурилиб, йўлини чап солиб, шу яқиндаги фермана мўлжаллаб чопиб бораверди. Ферманинг баланд ёғоч девори бор, деворнинг товуқлар кириб-чиқиб турадиган тешигиям бор, шунингдек, фермада унинг иккинчи ашаддий ғаними бўлмиш улкан қоратой ит ҳам бор. Тойчоқ ана шу тахта девор тешигидан лип этиб ўтиб, ҳовлининг бир бурчагига бекиниб олди. Този тешиқдан ўтолмай қолди. Пастаккина кўча эшиқдан сакраб ўтиб, товуқлар орасига тушди, товуқлар қоқоқлаб, ўзларини ҳар тарафга урди. Қўйлар безовта бўлиб маъради, уларни қўриқлаб ётган қоратой олға талпинди. Учқур Тойчоқ яна тешиқдан чиқиб қочди. Ҳовлида бир-бирини талаётган итлар товуши, шунингдек, одамлар овози эшитилди. Итлар кураши нима билан тугади, Тойчоқ уёғини билмади, билгисиям келмади. Фақат шуни билдики, ўша кундан буён уни този қувмайдиган бўлди.

## II

Кейинги йилларда Каскадо штати қуёнлари ҳаётида кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Қуёнлар олдинлари йиртқич ҳайвонлар ва қушлар билан, жазирама иссиқ ва қаҳратон совуқ билан, турлитуман касалликлар ҳамда касал юқтирадиган чивинлар билан тинимсиз курашиб, уларга бас келиб яшарди. Фермерлар кўчиб келиши билан қуёнлар ҳаёти ўзгариб кетди.

Итлар ва милтиқлар туфайли қуёнларнинг азалазий ғаними бўлмиш чиябўрилар, тулкилар, бўрилар, бўрсиқлар ҳамда қирғийлар сийраклаб қолди. Натижада қуёнлар бир-икки йил мобайнида ҳаддан зиёд кўпайиб кетди. Аммо фавқулодда ўлат келиб, қуёнларнинг кўпини олиб кетди. Энг соғлом, чайирларигина омон қолди. Оқибат, қуёнлар жуда озайиб қолди. Бу орада тагин бир янгилик бўлди: керакли жойларга айлантириб экилган тиканли буталар қуёнлар паноҳи бўлиб қолди. Энди қувғинга йўлиққан қуёнлар ўзининг чопағонлигига эмас, ақл-заковатига қараб иш қиладиган бўлди, эсли-ақллилари чиябўри ё ит қувса, тўғри бута деворга қараб қочиб, торгина тешикка кириб кетиб йўқ бўладиган бўлди. Чиябўрилар кўп ўтмай нима гаплигини билиб олди ва энди иккита-иккита бўлиб қуён қувадиган бўлди. Бирови бута деворнинг нарёғига ўтиб турадиган бўлди, бирови деворнинг буёғидан қуён қувиб келди. Оқибат, қуён бута девор



тешигидан нарёққа ўтиб, иккинчи чиябўрига дуч келди. Қуён бундай вазиятда фақат иккинчи чиябўрини ўз вақтида пайқаб қолсагина омон қолади.

Улат даф бўлиб, қуёнлар яна болалади. Азоб-уқубатларни бошидан кечиравериб чиниққан қуёнлар аждодлари бир-икки ой ҳам яшай олмайдиган ерларда яшади. Улар бепоён ва теп-текис ўтлоқлар, ҳашаматли фермаларда яшашни хоҳламади, улар ёввойиларча яшашни хоҳлади, бир-бирига тутшиб, худди қишлоқларга ўхшаб қолган торгина фермаларда яшашни хоҳлади.

Ньюкузен темир йўл станцияси теварагида ана шундай бир ферма пайдо бўлди. Ферма атрофида энг сара қуёнлар зоти ғуж-ғуж ўйнади. Улар орасида бир майдагина қуёнлар онаси ҳам бўлиб, кўзлари чиройлилиги учун Порлоқкўз деган лақаби бор эди. Порлоқкўз бағоят уддабурон бўлиб, чиябўриларни лақиллатиб кетишга уста эди. У бир вақтлардаги даштдан қолган теп-текис ўтлоққа ин қурди. Болалари ана шу инда туғилиб, вояга етди. Бир боласи ўзига тортиб, порлоқ кўз ҳамда кумуш-қуланг жунли қуён бўлди, аммо феъл-атвори унга ўхшамади. Бошқа бир боласи эса онасида бор фазилатларни ўзида жамлаб, қуёнларнинг янги наслига хос қобилият эгаси бўлди.

Биз айтаётган Учқур Тойчоқ ана шу қуён эди. У кейинчалик шунқорликлари учун Учқур Тойчоқ деган лақаб олиб, оламга дoston бўлди. У ғанимларни аҳмоқ қилиб кетишнинг янги-янги йўллари-ни ўйлаб топди.

У зарра бошиданоқ шундай бир ҳийлайи найрангни ўйлаб топдики, бу ҳийласи учун уни Каскадо штатининг энг доно қуёни деса бўларди. Воқеа бундай бўлиб эди: уни бир даҳшатли малла ит қувади. У итдан қочиб қутулиш учун бекордан-бекорга тўсиқлар билан ферма ўртасида уёқдан-буёққа йўлини чалкаштириб чопиб юради. Тўсиқлар билан ферма чиябўридан қочиб келган қуён учун паноҳ бўла олади, чунки ферма эгалари билан итлар ўртага тушиб қуённи чиябўридан ҳимоя қилади. Аммо ит уни изма-из қувиб келиб, тўсиқ тешигидан ҳам ўтиб кетиб қувди, Учқур Тойчоқ ҳали ёш, нимжон эмасми, чарчай бошлади. Тикрайган қулоқлари буришиб, бора-бора шалпайиб қолди. У тўсиқнинг майдагина тешигидан бир амаллаб ўтиб олиб кетига ўгирилиб қараса, ишбилармон ғаними ҳам тешикдан ўтиб олибди.

Ўтлоқ ўртасида бир тўда мол билан бир бузоқ ўтлаб юрибди.




Ёввойи ҳайвонлар жон талваса онларида йўлларида учраган нарсага ё кимсага ишонадилар. Боиси, изларидан ўлим қувиб келаётганини яхши биладилар. Шунингдек, йўлда учраган нарса биродар чиқиб қолиши мумкин, деган хом хаёлга-да борадилар. Учқур Тойчоқ ана шундай сўнги умидлар билан молларнинг олдига бориб турди.

Шубҳасиз, агар гап фақат қуёнда бўлганида, моллар бир четда туриб, уларнинг олишувини томоша қилган бўларди. Аммо молларда итларга нисбатан туғма бир нафрат бор, шу сабаблиям малла лайчани кўришлари билан тумшукларини чўзиб, думларини юқори кўтарди. Нафрат билан пишқириб, бузоқнинг онаси бошчилигида саф бўлишиб, итга қараб юрдилар. Тойчоқ бу орада пастаккина мевали бута остига кириб олди. Лайча четга бурилди. Бузоқнинг онаси лайча бузоққа ҳамла қилмоқчи дея тушуниб, уни олдига солиб шундай қувдики, у зўрға қочиб қутулди.

Шундай қилиб, Учқур Тойчоқ қойилмақом ҳийла ишлатди. Бу ҳийлайи найранг ёввойи қорамоллар билан чиябўрилар олишган олис замонлардан қолган бўлса ажаб эмас. Учқур Тойчоқ ушбу ҳийлайи найрангини эсдан чиқармай, уни келажакда жуда кўп қўлади.

Учқур Тойчоқ қуёнлар орасида фақат ақл-заковати билангина эмас, шунингдек, ранг-туси билан ҳам ажралиб турди.

Жониворлар ранг-туси уларни ё кўзга чалинмай, паналаб юришларига ёрдам беради, бу ранг «паналайдиган ранг» дейилади, ё кўзга яқин бўлишларига ёрдам беради, буниси «йўл кўрсатувчи ранг», дейилади. Қуёнларнинг ноёб жониворлиги шундаки, уларнинг ранг-туси ҳам паналайдиган, ҳам йўл кўрсатадиган ранг бўла олади. Улар кулранг буталар, ерранг кесаклар орасидаги инларида ўтирганларида кулранг қулоқлари, бошлари, елкалари ҳамда биқинлари кўринади, холос. Улар ер билан бир тусда бўлиб қолади, яқинроқларига келиб қарамаса, уларни кўриб ҳам бўлмайди. Аммо қуёнлар тобора яқинлашиб келаётган ғанимлари кўриб қолишларини билиб, шу заҳотиёқ сапчиб туриб, қочиб қолади. Шунда уларнинг ранг-туси яшин тезлигида ўзгаради. Кулранг туси йўқолиб, қулоқлари оқариб, учлари қораяди, оёқлариям оқаради, думлари оппоқ танасида қорайиб кўринади. Улар энди кулранг қуён эмас, ола-қора қуён бўлади. Яъни, кўзга яқин бўлади. Қуён қандай қилиб тусини ўзгартиради? Бу жуда осон. Масалан, қуёнлар қулоғининг сирти





кулранг, ичи эса оқ-қора бўлади. унда-оунда оласи бор қора думлари билан оёқларини ерга қапиштириб туради. Кулранг жунларини ҳам ерга ёпиб ётади. Қуёнлар жойларидан сапчиб туришлари билан кулранг туслари кўздан пана бўлиб, яъни, ерга қараб, оқ-қора ранглари эса юзага чиқади. Қуёнлар ранг-туси аввал: «Мен кесакман...» дея шивирлаган бўлса, энди, «Мен қуёнман!» — дейди.

Қуёнлар нимага шундай қилади? Нимага бор-йўғи енрил оёқларига ишониб яшовчи юраксиз қуёнлар яшириниш ўрнига ўзларини оламга кўз-кўз қилади? Бир гаплари бордир-да. Ҳа, бор, гап мана бундай. Борди-ю, қуёнга бошқа бир қуён таҳдид солса, унда қуён дарҳол ўзининг асл ранг-тусини кўрсатиб, хавф-хатарнинг олдини олади. Борди-ю, чиябўри, тулки ё ит таҳдид солса, ундаям яхши — улар ёпишмоқчи бўлган жониворлари қуён эканини билиб, қуённи қувган билан етиб бўлмаслигини, бекордан-бекорга вақт кетишини англаб индамай қўя қоладилар. Ўзларига ўзлари шундай деган бўладилар: «Бу қуён-ку, бундай теп-текис яланглиқда қуённи ушлай олмайман». Бу ўз навбатида қуёнларни жуда кўп ташвиш ва югур-югурдан сақлаб қолади.

Оқ-қора қуёнларнинг миллий кийими ҳамда миллий байроғи ҳисобланади. Нимжонроқ қуёнларнинг оқ-қора оалари унча яхши билинмайди, аммо буқувват ва соғломларининг оласи дарров кўзга ташланади. Масалан, Учқур Тойчоқ инда ўтирганида гоҳ кўмирдай қора, гоҳ қордай оппоқ бўлиб товланди, тулки ё чиябўри қувганида эса бир олачипор қуён бўлиб, бир оппоқ нуқта бўлиб, ниҳоят, оппоқ пар бўлиб чопиб, кўздан ғойиб бўлди.

Ферма итларининг кўплари кулранг қуённи ушлаб олса бўлади, аммо олачипорини етиб бўлмайди, деган якунга келди. Шундай бўлса-да, Тойчоқни яна бир-икки марта эрмак учун қувди. Учқур Тойчоқ ўз кучига ишониб қолиб, итлар билан қалтис ўйин ўйнамоқчи бўлди.

Барча ҳайвонлар каби Учқур Тойчоқ ҳам маълум бир гузарни ўзиники қилиб олиб, ундан деярли четга чиқмади. Гузарнинг қарийб ҳамма ерида қатор-қатор инлар, маҳаллийчасига айтганда «ўлан тўшақлар» қўйиб ташлади. Булар буталар остидаги ўт-ўлан ҳамда барглар тўшалган оддийгина коваклар эди. Аммо яшаш учун қулай эди. Масалан, бир ин оғзи шимолга қараган бўлиб, кунга тескари эди, кун қизиганда Тойчоқ шу инда яшарди. Қишда



яшайдиган ини жуда чуқур бўлиб, оғзи жанубга қараганди. Намгарчиликда яшайдиган ини эса ғарбга қараган бўлиб, оғзига хас-хашаклар ёпиб қўйганди. У узун кунини ана шу инларининг бирида кеч қилди, қоронғи чўкиб, қуёнлар билан тамадди қилиб келгани жўнади. Қуёнлар ой ёруғида ум-балоқ ошиб ўйнаб, бир-бирлари билан шўхлашиб, тонг вақти инларига қайтиб келди.

Қуёнлар фермалар оралиғидаги ўтлоқда бежавотир ўтларди. Сабаби, ўтлоқ жонли тўсиқлар бўлмиш одамлар ва тиканли симлар билан ўралган бўлиб, бу ерга ғаним зоти қадам босолмасди. Уйларга яқинроқ жойда одамлар эккан зироат бўлиб, унга яқин бориш ғоятда қалтис эди. Зироатда бўри ё тулки йўқ эди, аммо одамлар, уларнинг қўлида милтиғи, итлар, шунингдек, ўтиб бўлмас деворлар бор эди. Шундай бўлса-да, Учқур Тойчоқ худди шу зироат ўртасидаги қовун эғатлар олдидан ўзига ин қилиб олди. Учқур Тойчоқни билганлар бундан ажабланмади, боиси, Тойчоқ Тойчоқ-да. У зироатда ўнлаб хавф-хатарлар домида яшади, аммо ҳаётдан завқ-шавқ олиб яшади. Деворнинг бир қатор тешиктирқишларини ҳам билиб олди, зарур келганда шу тешиқлардан чиқиб олиб, ўнлаб ҳийлайи найранглар ишлатишни ўйлаб қўйди.

### III

Ньючүзен Ғарбий Американинг ўзига хос шаҳарчаси. Ундаги бари нарса кўнгилини айнитади. Шаҳарчада одам юрадиган кўча йўқ, йўллари тўппатўғри кетган, чорраҳалари йўқ, кўз қараб роҳатланадиган жойи йўқ. Уйлари арзон, бўлмағур тахта ва толлардан қурилган, шу боисдан ҳам хунукдан-хунук кўринади, аммо ўзларининг хунукликларини тан олмай, қараган кўзга бежирим кўрингиси келади. Шаҳарчадаги ҳар бир уй аслида йўқ шинамдорлигини кўз-кўз қилгиси келади. Бировини икки қаватли уй қилиб кўрсатиш мақсадида олдидан омонат айвон қуриб қўйилган, бирови тахтадан қурилиб, ғишт уй дея кўз-кўз қилиш учун тахта деворлари ғиштсифат қилиб бўялган, яна бирови



Ўзини мрамрдан бино бўлган мачит қилиб кўрсат-  
гиси келади.

Бу уйлар дунёдаги энг бемаъни уйлар бўлиб,  
турган-туришидан эгалари бу ерда бир-икки йилча  
яшаб, сўнг бошқа ёққа кўчиб кетишини билиб  
олса бўлади.

Шаҳарчага одамлар соялаш учун экилган дарахт-  
лар бир оз кўрк бериб туради. Дарахт таналари  
оққа бўялиб, шохлари учи қирқиб ташланганидан  
дарахт сиёҳини йўқотиб қўйган. Шундай бўлса-да,  
ҳаётбахш, кўркем кўринади.

Шаҳарчада бор-йўғи биттагина кўркем бино  
бўлиб, бу ҳам бўлса ғалла омбори эди. У грек мачит-  
ларига, швейцар уйларига келбат бермасди, шун-  
чаки, одми, содда, улкан ва бесўнақай бир ғалла  
омбори эди. Шаҳарчанинг йўллари даштга, ундаги  
фермаларга, сув чиқарадиган шамол парракларга  
ва мевали буталарга олиб борарди. Бу ерлар хуш-  
манзара эди. Қатор кетган оч-кўк буталар ғоят  
қуюқ ва адл бўлиб, мевалари олтиндай товланиб  
турарди, афсуски, бу меваларни еб бўлмасди, ammo  
мевалар узун шохларда шундай чиройли осилиб  
турардики, беихтиёр кўрган кўзни қувонтирарди.

Ньюкузендай шаҳарчага келиб қолган одам  
ундан қандай қилиб тезроқ чиқиб кетишни ўйлай-  
ди. Қишнинг охирида шаҳарчага келиб, унда  
икки кун қолиб кетган бир саёҳатчи ҳам шундай  
қолга тушди. У шаҳарчанинг диққатга сазовор  
жойларини кўриб бўлди. Ресторандаги ойна остига  
тўшаб қўйилган сувкаламушнинг оппоқ терисини,  
бундан қирқ йил муқаддам қизилтанлилар соч-  
ларини териси билан қўшиб шилиб олган Бэнки  
Буллин деган чолни ҳамда Кит Карсон чеккан  
трубкани кўрди. Бирортасиям саёҳатчини қизиқ-  
тирмади, у қорга бурканган даштларга қараб йўл  
олди.

Йўлда сонсиз ит излари орасида қуённинг из-  
ларини ҳам кўриб қолди. Йўлдан ўтиб кетаётган  
бир одамдан, бу шаҳарчада ҳам қуён боқишадими,  
деб сўради.

— Шаҳарчада ҳали-ҳозиргача қуён зотини  
кўрган эмасман, — дея жавоб берди йўловчи.

Тегирмон ишчиси ҳам худди шундай жавоб  
берди. Шунда, бир даста газета қўлтиқлаб олган  
бир бола шундай деб қолди:

— Утлоқда қуёнлар ғуж-ғуж тўлиб ётибди, улар  
баъзан шаҳаргаям келиб-кегиб туради. Калбанинг  
зироатида шундай бир каттаси бор, кўрсангиз,  
баҳайбат давангир дейсиз, жунлари шахмат тахта-  
сидай ола-була.



Бола айтган «баҳайбат давангир» Учқур Тойчоқ эди. Аммо Тойчоқ бола айтганидай, Калбанинг зироатида яшамасди, у ерга онда-сонда кириб чиқиб турарди. Худди шу куни Тойчоқ шарқдан совуқ шамол тургани учун ғарбга қараган инида ўтирарди. Бу ин Медисон-авеню шарқида эди. Саёҳатчи худди ана шу ин тарафдан юрди, Тойчоқ уни кузатиб бошлади. Саёҳатчи йўл бўйлаб келаётганини кўриб, кўнгли хотиржам бўлди. Йўл шимолга қараб бурилганда, саёҳатчи йўлини дала ўртасидан кесиб солди. Ана шунда Тойчоқ таҳликага тушди. Саёҳатчи далага қадам қўйиши билан Тойчоқ инидан отилиб чиқиб, ўтлоқ оралаб, Шарқ тарафга қараб қочди.

Одатда қуёнлар қочганда саккиз-ўн қадамлик масофани бир сакраб чопади. Ҳар беш-олти сакрашдан кейин ўзини осмонга отиб, ўт-ўланлар ва чангаллар узра кўтарилиб, теварак-атрофга назар солади. Нодонроқ қуёнлар тўрт сакрашдан кейин юқори сапчиб, ўз вақтларини ўзлари олади. Донороқ қуёнлар эса саккиз-тўққиз сакрашдан кейин осмонга сапчиб, теваракни кузатиб, ўзига етарли ахборот олади. Учқур Тойчоқ эса ўн-ўн икки қадамни бир сакраб чопиб, ҳар ўн икки сакрашдан сўнг юқори сапчиб, керакли маълумотларни олиб олди. Тойчоқ қолдирган изларнинг ҳам ўз сир-асрори бор. Кўпгина қуёнлар чопаётганларида думларини қорга теккизмай, кўтариб олади. Улкан шимол қуёни ҳам шундай қилади. Баъзи қуёнлар эса думларини ерга осилтириб, қордаги изларида думларининг ҳам изини қолдириб кетади. Учқур Тойчоқнинг қоп-қора, узун думи ҳам қорда чувалиб, узундан-узун из қолдириб юради. Унинг думи шундай узун эдики, қордаги думи изига қараб, бу ерлардан Учқур Тойчоқ ўтганини дарҳол билиб олса бўларди.

Бошқа қуён бўлганда ити йўқ одамдан қўрқмаган бўларди, аммо Учқур Тойчоқ келаётган одамни кўрди-ю, бир вақтлар уни ўққа тутган одамни элади: шу сабабляим одам билан оралари етмиш беш қадамча қолганда, ер бағирлаб қочиб қолди. Девордан ошиб ўтиб, қирғийдай учиб чопди, бир миллардан кейин ўзининг пинҳона инига етиб келди, осмонга сапчиб, теваракка назар солди, кейин инига кириб ётиб олди.



Аммо кўп ётолмади. Йигирма дақиқалардан кейин узун қулоқлари ғирч-ғирч-ғирч этган овозни эшитди. Билди, бир одам қорни ғирчиллатиб босиб келяпти. У сапчиб туриб, таёқ ушлаган одамни кўрди. Одам жуда яқин келиб қолган эди.

Учқур Тойчоқ жон-жаҳди билан деворга қараб қочди. Симлар ва хоҳа тўсиқлардан ошиб, одамдан олислаб кетгунича осмонга сапчий кўрмади. Тойчоқ бекордан-бекорга ваҳимага тушган экан: одам бор-йўғи, унинг изини кўриб қолиб, ўзини эса кўролмай ҳам қолибди.

Тойчоқ ер бағирлаб тинимсиз чопиб, айна вақтда бошқа ғанимлар йўқмикин, деган ташвишда теварак-атрофига қараб борди. У билдики, изидан қувиб келаётган одам йўлидан қайтадиганлардан эмас. Шунда у бир вақтлар сассиққўзан билан бўлган олишувда орттирган сиртмоқ қўйиш ҳийласини ишлатмоқчи бўлди. У аввал деворга қараб чопди, деворнинг нарёғига ўтиб, яна эллик қадамча чопди, кейин эски изларидан юриб келиб, тамомила бошқа ёққа қараб чопиб, иккинчи бир инига келди. Туни билан чопиб чиқиб, энди дам олмоқчи бўлди, чунки кун чиқиб қолган эди. У энди нафасини олиб, исий бошлаган эди ҳамки, тагин ғирч-ғирч этган қадам товуши келди, у яна йўлга тушди.

Ярим милча чопиб, тепаликда тўхтади. Ҳамон изидан одам келаётганини кўриб, изларини боплаб чалғитди. Ўзининг энг яхши кўрган инини ёнлаб ўтди, кейин иннинг орқа тарафидан айланиб келиб, ичига кириб олди, ғанимини тамомила адаштириб келганига амин бўлиб, ётиб дамини олди.

Хийла вақт ўтиб, яна қадам товушлари эшитилди: ғирч-ғирч-ғирч.

Учқур Тойчоқ уйғониб кетди, аммо жойидан қимирламади. Одам изни олиб келаверди.

Тойчоқ жуда айёр одам билан ғаним бўлганини англаб, бирон-бир бошқачароқ хийла ўйлаб топиш учун билдирмайгина инидан чиқди. Қуён билан одам Учқур Тойчоққа тобе гузарни айланиб чиқиб, қора ит яшайдиган ферманинг ярим милча яқинига келиб қолди. Тойчоқ фермани дарҳол таниб, ўзида йўқ хурсанд бўлди: ферманинг тахта деворлари товуххонага яқин бўлиб, товух овига жуда қулай эди, Тойчоқ бу ерда қатор-қатор зафарлар қозонганди, баҳайбат тозини ҳам худди шу ерда аҳмоқ қилган эди.

Учқур Тойчоқ шуларни эслаб, қорли ёйилмадан йўл олиб, Қоратой итнинг ҳовлисига жўнади.

Товуххона ёпиқ экан. Тойчоқ нима қилишини



билмай, бошқа йўлларини излаб кўрди, барибир бўлмади. Бурчакка қараб юриб, фавқулодда ланг очик турган эшикка кўзи тушди. Эшик орқасидаги тахталар уюми устида улкан Қоратой ухлаб ётибди. Товуқлар ҳовлининг бир илиққина бурчагида бир-бирига тиқилиб, қунишиб ўтирибди. Мушук сесканиб қоқиниб, омбордан ошхонага чопиб боряпти.

Учқур Тойчоқ эшик олдида тўхтади.

Қорли ёйилмада уни таъқиб этиб келаётган ғанимининг сояси кўринди. Тойчоқ парво қилмай ирғишлаб-ирғишлаб, ҳовлига кирди. Узуноёқ хўроз қуённи кўриб, ўз ишларини йиғиштириб қўйиб, баланд пардаларда қичқирди. Узини офтобга тоблаб ётган Қоратой бошини кўтариб ўрнидан турди. Тойчоқнинг ҳаёти хавф остида қолди. У кўп ўйлаб ўтирмасдан дарҳол ерга қапишиб ётиб, ерранг кесак бўлиб олди. У ўзини усталик билан яширдик, аммо бундан қатъий назар, агар мушук бўлмаганида ҳаёт билан видолашарди. Мушук ўзи билмаган ҳолда қуённи қутқариб қолди. Қоратой қуённинг борлигини билмасдан туриб, унга томон уч қадам юрди, шу билан ҳовли эшигини ёпиб қўйди. Худди шу вақт уй бурчагидан мушук чиқиб келиб, лип этиб дераза тоқчасига чиқиб олиб, гул тувакни тушириб юборди. Мушукнинг бу довдирлиги ит билан ораларидаги бир-бирларига тегинмаслик шартини бузиб юборди. Мушук омборга қараб қочди, итларнинг эса қочган мушукни кўргани кўзлари йўқ. Улар қуёндан ўттиз қадамлар наридан қувишиб бошлади. Мушук билан ит кўздан ғойиб бўлгуничайин бўлмай, Тойчоқ изига қайтиб, ҳовлидан чопиб чиқди, бир оғизгина: «Раҳмат, мушукча!» ҳам демасдан тошдай метин йўлдан чопиб кетди.

Уй бекаси мушукни итдан қутқариб олди, ит қайтиб келиб, яна тахталар уюмига узала тушиб ётиб олди. Энди қуённи қувиб юрган одам келди. Одамнинг қўлидаги милтиқ эмас, йўғон таёқ экан. Шу сабабляям ит одамга индамади.

Шундай қилиб, Учқур Тойчоқ изини йўқотди. Тойчоқ билиб шумлик қилдими ё билмай қилдими, ишқилиб, елимдай ёпишқоқ ғанимидан қутгулиб, узил-кесил зафар қозонди.

Эртасига ғаними яна Тойчоқнинг изига тушди, бу сафар унинг ўзини эмас, изини топиб олди.



Ғаним Тойчоқни унинг узун думи изидан, олис-олис сапчиган қадамларидан ҳамда теваракка қараш учун осмонга сакраб-сакраб чопганидан билиб олди. Ажабо, бу гал Тойчоқнинг изи ёлғиз эмас эди, унинг излари ёнида яна бир майда-майда излар бор эди. Чамаси, Тойчоқ бирорта қуён билан топишиб қолиб, йўл-йўлакай бир-бирлари билан ўйнаб, шўхлашиб кетганди. Бир ерда ёнма-ён офтобга товланиб ётган, бир ерда ёнма-ён чопган, яна бир ерда қорга юмалаб, шўхлик қилиб ўйнаган. Ғаним нима гаплигини билди. Ҳозир йилнинг жуфт-жуфт бўлиб яшайдиган вақти. Демак, Учқур Тойчоқ жуфтини топган, излар Тойчоқ билан жуфтнинг изи.

#### IV

Ёз келиши билан қуёнларнинг омадиям келди. Шу ёзда ўйламай-нетмай бир қонун қабул қилиниб, ҳар бир отиб ўлдирилган қирғий билан бойўғли боши учун мукофот тақдим этилди. Оқибат, қирғий билан бойўғли зоти деярли қирилиб кетди. Қуёнлар эса аксинча, шундай кўпайиб кетдики, ҳадемай бутун мамлакатни қуён босадигандай бўлди.

Шунда, ферма хўжайинлари ўзлари чиқарган қонундан ўзлари зиён кўриб, қуёнларга қарши ялпи юриш эълон қилди. Барча маҳаллий халқни эрталаб катта шимолий графлик йўлига келиб туришга тақлиф қилди. Ферма хўжайинлари бутун ўлка бўйлаб шамолга қарши юриш қилиб, сим тўрлар билан ўралган молхонага олиб бориб қамамоқчи бўлди. Итларни ялпи юришга олишмади, боиси, улар нозик вазиятларда хол қўйиб қўйиши мумкин. Қўлларига милтиқ ҳам олишмади, чунки ялпи овда ўқ отиш қалтис. Аммо одамлар, болалар қўлларига узун таёқ олиб, сумкаларига тош солиб олди. Аёллар отлар, араваларда йўлга тушди. Кўпчилик аёллар қўлларига тартарак, овчилар найзаси ҳамда турли-туман темирлар олиб олди. Арава оёғининг кегайига урилиб, даранг-дурунг шовқин чиқариш учун айрим араваларга кўҳна сатиллар, турли темир-терсаклар осиб олди. Бундан мақсад, ғоятда нозик эшитиш қобилияти бўлмиш қуёнлар юрагига ғулғула солиш эди.

Шу куни ҳаво очиқ келди. Эрталаб соат саккизда йўлга туриш учун хабар бўлди. Оммавий юриш ҳалқаси беш миллик масофани олди. Ҳар ўттиз-қирқ қадамга бир одам тўғри келди. Отлар билан аравалар тўғри йўлдан юрди, пиёдалар дала бўйлаб

юрди. Одамлар иложи борича кўпроқ бақириб-чақириб, буталар орасини таёқ билан титкилаб борди. Буталар орасидан қуёнлар қочиб чиқди. Кўплари аччиқ билан одамларга ташланди, аммо тошбўронга учраб, нобуд бўлди. Битта-иккиталаригина одамларга чап бериб, қочиб қутулиб кетди.

Ялпи юриш қуёнларни бир ерга супуриб йиққандай йиғди. Буталар тевараги ғуж-ғуж қуён бўлди. Одамлар ҳалқаси уч соатлар ичида беш милча йўл юрди, шунда, ҳалқанинг ҳар икки учлари ўзаро бирлашсин, деган кўрсатма бўлди. Одамлар орасидаги масофа ўн қадамча озайиб, молхонага қараб келаверди. Қуёнлар тузоққа тушди. Одамлар яқин келган қуёнларни бирин-кетин йўқ қилиб, илгарилаб бораверди. Ер қуёнлар мурдасига тўлди, аммо тирик қуёнлар кўпайгандан-кўпайди. Ураб олинган кенг майдонда қуёнлар ғуж-ғуж бўлиб сакради, югуриб-елди. Осмонга сапчиб айланиб, қандай қилиб қутулиб кетиш йўлини излади. Одамлар ҳалқаси борган сайин торайиб келиб, ниҳоят, қуёнлар молхонага қамалди. Бир қуён довдирларча молхона ўртасига ўтириб олди, бировлари сим тўр ёқалаб чопди, яна бировлари бурчакларга ўзини урди, бир-бировларининг пинжигга тикилди.

Бу вақтда Учқур Тойчоқ қаерда эди? У ҳам кўп қатори қуёнлар ичида юриб, биринчилардан бўлиб молхонага кириб борди.

Ялпи юриш ташкилотчилари қуёнларни нафақат ёппасига қириб ташлаш, шунингдек, уларнинг энг яхшиларини олиб қолишмоқчи ҳам эди. Устомонлик билан ўйлаб топган оммавий юришларидан мақсад ҳам шу эди.

Шундай қилиб, молхонага қамалган қуёнлар ёппасига қириб ташланиб, энг ақлли, бақувватлари олиб қолинадиган бўлди. Бундай қарасалар, кўплари ҳеч нарсага ярамас экан. Ёввойи ҳайвонлар бекаму кўст бўлади, деб ўйлайдиганлар манави чўлоқ, майиб, қилтириқ қуёнларни кўрганларида эди, ҳайратдан ёқаларини ушлаган бўларди.

Шундай қилиб, қадимги римча қонун қўлланди: заифлар кетади, зўрлар қолади. Олиб қолинган қуёнлар марду майдонга боради. Марду майдонга боради? Ҳа, Пойга клубига боради.

Молхонанинг бир бурчагида олдиндан тайёрлаб, тахт қилиб қўйилган элликтача қути қатор бўлиб турибди. Ҳар бирови бир қуёнга мўлжаллаб қўйилган.

Ишбилармон қуёнлар югуриб келиб қутига кириб олди. Ўзи ишбилармон-у, аммо нодонроқлари



қути ичида ўзини уёқ-буёққа уриб бошлади. Ҳам ишбилармон, ҳам донолари қутига кириб, яшири-ниб олди. Ҳадемай, қутилар қуёнга тўлди. Ана шундай оддий ҳам осон йўл билан энг чаққон ва энг ақлли қуёнлар сайлаб олинди. Элликта қути-даги элликта қуён този итларни ўрганиш учун мўлжаллаб қўйилди. Қолган тўрт мингдан ҳам кўп қуён аёвсизлик билан қириб ташланди.

Элликта қутидаги элликта қуён шу куниёқ поездга ортилди. Қуёнлар орасида бизнинг Учқур Тойчоқ ҳам бор.

## V

Қуёнлар тақдир тақозосига бефарқ қарайди, шу сабаблиям уларни молхонага ҳайдаб келиб қамаган одамлар овози ортда қолиб кетганини ҳис қилиб, ваҳимага тушиш уёқда турсин, ҳатто парво-ларигаям келмади. Катта шаҳардаги Пойга клубига етиб келишиб, қуёнларни қутиларидан бирин-кетин ташқарига чиқарганларида, улар мамнун қиёфада эди. Қуёнлар тагин тевараги берк ерга тушиб қолди, аммо бу ерда мазали егуликлар мўл, ғаним зоти эса йўқ эди.

Қуёнлар машқи эртаси эрталабдан бошланди.

Улкан Пойга клубига кириладиган қатор эшик-чалар очиб қўйилди.

Қуёнлар Пойга майдонида ёйилиб юрганларида қаердандир бир тўда болалар келиб қолиб, қуён-ларни қувиб бошлади, қуёнлар яна тевараги берк ерга кириб олди. Бу ерни Лангаргоҳ дер экан. Бу сабоқ яна бир неча кун давом этиб, қуёнлар шу баҳона ўзларининг яккаю ягона паноҳлари Лангар-гоҳ эканлигини билиб олди.

Энди иккинчи сабоқ бошланди. Қуёнлар ён эшик орқали узун йўлакка солиб ҳайдалди. Бу йўлак Пойга майдонини айланиб, яна бир атрофи ўраб олинган ерга бориб тақаларди. Қуёнлар йўлак бўйлаб чопиб, ана шу ерга кириб борди. У ерда ҳам



болалар итларини қуёнларга олқишлаб, уларни бутун майдон бўйлаб қувди. Бир-иккита ёшгина қуён одатлари бўйича теваракни кузатиш учун осмонга сапчиб олди, қуёнлар олдида бир олачипор қуён ерга бағрини бериб чопди. Унинг тик оёқлари билан ёнар кўзлари ёпиқ ердаёқ кўпчиликнинг эътиборини тортган эди. У очиқ майдонга чиқиб, жамики қуёнлар галасини бошқариб, кетидан эргаштирди. Бошқа қуёнлар итлардан қанчалик ўзиб кетган бўлса, олачипор қуён ҳам улардан шунчалик ўзиб, илгарилаб кетди.

— Анавинга қаранглар, бу қуён эмас, Учқур Тойчоқ! — дея қичқирди бир ирланд отбоқари.

Қуён Учқур Тойчоқ, деган лақабни ана шундан олди.

Қуёнлар майдоннинг ярмигача чопиб бориб, бирдан Лангаргоҳни эслаб қолди ва қорбўрондай учиб, ўз паноҳларига йўл олди.

Иккинчи сабоқ ана шундай тугади. Демак, уларни қўйиб юборишлари биланоқ дарҳол Лангаргоҳга қараб чопиш керак экан. Бир ҳафта деганда қуёнлар Пойга клубини яхшилаб билиб олиб, тантанали мусобақаларга шай бўлиб турди.

Учқур Тойчоқни энди отбоқарлар ҳам, томошабинлар ҳам яхши таниб қолди. У ўзининг ранг-туси билан кўзга яқин бўлди. Бундан ташқари, жамики қуёнлар эли уни ўзларининг сардори деб тан олди. Клуб хизматчилари илгарилари итларни пойгага қўйиб гаров ўйнарди, энди Тойчоқни қўйиб гаров ўйнайдиган бўлди.

— Қизиқ, Дигнам чол бу йил ўзининг Минкисини пойгага қўярмикин-йўқмикин?

— Агар қўйса, гаров ўйнайман. Учқур Тойчоқ унинг Минкисиниям, йўлдошиниям йўлда қолдириб кетади.

— Ишончим комилки, менинг Женим Учқур Тойчоқни Катта трибунага етмасданоқ ушлаб олади, — деди бир ит эгаси.

— Келяпти! — деди ирланд Мики. — Бир ойлик моянамни гаровга қўйиб айтаманки, бу ердаги



итларнинг биттасиям Учқур Тойчоқни етиб оломайди.

Одамлар талашиб-тортишди, баҳслашди, Учқур Тойчоқнинг улкан қудратига ишонувчилар сони кун сайин кўпайиб борди.

## VI

Пойга эрталабки қуёш нурида бошланди. Катта трибуна шаҳар аҳли билан лиқ тўлди. Итбоқарлар тозиларини битта-битталаб, жуфт-жуфтлаб етаклаб келди. Итларнинг елкаларига ёпинғич ёпилган бўлса-да, аммо уларнинг пайдор оёқлари, илон-симон бўйинлари, узун жағли бошлари ҳамда доим ўйнаб турадиган сариқ кўзларини томоша қилиб, завқ олса бўларди. Бу итларни табиат ва инсон ақл-заковати томир-томири, қон-қони билан ҳайрон қоларли даражада чопағон қилиб яратган эди. Итбоқарлар итларини кўз қорачиғидай авайлар, уларга худди болаларга мулозамат қилгандай мулозамат қилар, олдиларига ташлаган нарсаларни едирмай, ҳар хил нималарни искаб кўришдан тияр, энг муҳими, уларнинг олдига бегона одамни йўлатмасди. Бу итлар учун катта-катта пуллар гаровга қўйиларди. Шундай воқеалар ҳам бўлардики, усталик билан яшириб берилган бир парча нон ё атайлаб тайёрлаб келинган бир тишлам гўшт, ҳатто ёлғондакам ҳид итларни алаҳситиб, бўшаштириб, оқибат, чопишга ярамай, эгаларини хонавайрон қилиб қўярди.

Итлар майдонга жуфт-жуфт қилиб туширилади, чунки пойга дегани бу ўз навбатида мусобақа дегани. Дастлабки даврада ғолиб чиққан итлар жуфт-жуфтларга бўлинади. Ҳар бир даврадан кейин майдонга битта қуён қўйиб юборилади. Қуён маълум бир масофагача чопиб боргач, старт берувчи одам ҳар иккита итни қатор қилиб, қуённинг изидан қўйиб юборади. Қизил костюм кийиб олган судья отда итлар кетидан чопиб, пойгани назорат қилади. Қуён олган сабоқларига асосланиб, майдонни кесиб чопиб, тўғри Катта трибуна қаршисидаги Лангаргоҳга йўл олади. Итлар қуённинг изидан қолмай қувади. Биринчи ит қуёнга яқин бориб қолганда қуён ундан ўзини олиб қоча бошлайди. Қуён ҳар йўлини ўзгартирганда, итлар ҳисобига очко ёзилади, қуённи ушлаб ўлдирса, узил-кесил ғалаба қозонган бўлади.

Баъзи пойгаларда итлар старт олиб, юз қадамча чопибоқ, қуённинг кор-қолини қилади. Демак,



қуённинг мазаси йўқ бўлади. Бундай воқеа кўпинча Катта трибуна қаршисида бўлиб ўтади, бу вазиятда камдан-кам қуён Лангаргоҳга қочиб қутулиб кета олади. Одатда бу воқеа тўрт хил натижа билан тугайди: қуён қисқа вақт ичида ўлади ё Лангаргоҳга қочиб кетади, офтоб тафтида чопавериб, юраги ёрилиб қолиши эҳтимоли бор итлар алмаштирилади ва ниҳоят, қуён Лангаргоҳга қараб қочмай, итларни ҳаллослатиб, ҳолдан тойдириб кетидан чоптириб юради.

Навбатдаги пойга олдидан ирланд Мики билан бриллиант узук таққан бир одам «фавқулодда» ҳамсуҳбат бўлиб қолди.

Бриллиант узукли одам Микига сигара берди. Шу, сигараям гапирадиган гапми? Йўқ, гап шундаки, сигара яшил қоғозга<sup>1</sup> ўраб берилди. Мики уни сигара тутатишдан олдин авайлаб олиб қўйди. Бир-иккита узук-юлуқ гаплар бўлди:

— Агар сизни эртага стартга қўйиб, Минки Дигнамга ютқазиб қўйса борми, унда мен сизга яна битта сигара берардим.

— Мен старт бошида бўладиган бўлсам, шундай қиламанки, Минки ҳам, унинг йўлдоши ҳам биттаям очко ололмайди.

— Шундай-а? — ҳамсуҳбати жонланди. — Унда, жуда яхши. Шундай қилсангиз, иккита сигаралик бўласиз.

Старт берувчи Слаймен ҳамиша ҳалол ишлаб, ҳаром-ҳариш йўлларга юрмаганлигини ҳамма биларди. Шунинг учун ҳам унга кўпчилик ишонарди, аммо ундан норозилар ҳам йўқ эмасди. Ана шундай норозилардан бўлмиш беҳисоб олтин жевакчалар тақиб олган бир жаноб пойга бошлиғи олдига келиб, Слайменни ёмонлаб бошлади, ёмонлагандаям далиллар билан ёмонлади, оқибат, бошқарувчи Слайменни вақтинча пойгадан четлаштириб, унинг ўрнига Мики Ду деганни қўйишга мажбур бўлди.

Мики камбағал, бунинг устига, ўлғудай инжиқ одам эди. Ана шу одам ҳозир бир йилда топадиган даромадни бир дақиқада топадиган ишга ўтди. Даромад топганда ҳам итгаям, қуёнгаям зиён бермай топадиган ишлик бўлди. Барчага маълумки, қуёнлар ранг-туси билан бир-бирларидан унчалик ҳам кескин фарқ қилмайди. Энг муҳими, қуёнларни тўғри танлаб пойгага қўя билиш керак. Микининг иши шу бўлди.

<sup>1</sup> Яшил рангли Америка доллари.

Дастлабки давра тугади. Пойгага элликта куён қўйилиб, элликтасиям қурбон бўлди. Мики итлар жуфтини пойгага қўйишда ҳам хатоликка йўл қўймайди. Натижада стартчилик вазифасида қолаверди.

Энди катта-катта гаровлар қўйиладиган ҳал қилувчи пойга — кубок финалига навбат келди.

## VII

Қотма, ихчам тозилар навбатларини кутиб турди. Минки деган този билан йўлдоши биринчи бўлиб чопди. Ҳалол бораётган иш фирромликка айланади деб ким ўйлабди дейсиз? Мики ўзи хоҳлаган куённи пойгага қўйиши мумкин.

— Учинчи рақам! — қичқирди у ёрдамчисига. Қутидан олақулоқ Учқур Тойчоқ отилиб чиқди. Тойчоқ беш қадамни бир сапчиб чопди. Халойиққа бегонасираб қараб, атрофни кўриб олиш мақсадида жуда баландлаб бир сакраб олди.

— Фир-р-р-р! — дея жар солди стартчи, ёрдамчиси таёқ билан панжарани тарақлатди.

Учқур Тойчоқ саккиз-тўққиз одимни бир сапчиб чопди.

Уттиз қадамча чопиб борганида кетидан дарров този итни қўйишди. Кўпчилик, тозини йигирма қадам қолганда қўйилганида яхши бўларди, дейишди.

— Фир-р-р! Фир-р-р! — Учқур Тойчоқ ўн тўрт одимлик масофани бир сапчиб чопди, осмонга сакрамадиям.

— Фир-р-р!

Қандай ажойиб итлар-а! Майдон бўйлаб чопишларини айтмайсизми! Учқур эса ўз отига яраша жуда олдинда оқчорлоқдай, оқ булутдай учиб боряпти! Ана, Катта трибуна олдидан ўтди! Қуён билан итлар ораси озайдими? Аксинча, янада узайди! Буни тасвирлаб беришга вақтимиз йўқ, боиси, Учқур Тойчоқ ўша товукхонага ўтадиган тахта девор тешигига ўхшаш Лангаргоҳ эшигига аллақачон кириб кетди. Итлар тўхтаб қолиб, кулги бўлди. Халойиқ «ура», дея Учқур Тойчоқни олқишлади. Мики шундай хохолаб кулди! Дигнам шундай сўкинди! Мухбирлар бетиним қайд қилиб борди...

Эртаси кунни газеталарда шундай хабар чоп этилди:

«Қуён кўз кўрмаган зафар қучди. Учқур Тойчоқ лақабли қуён спорт оламида донг таратган иккита машҳур итни тамомила тор-мор келтирди».

Ит эгалари тортишиб қолди. Пойга дуранг натижа билан тугаганлиги учун итларни яна навбатдаги пойгага қўйишди, аммо дастлабки пойгада қолдан тойиб қолган итлар, бунисида жуда ланж чопди.

Эртаси куни Мики бриллиант узук таққан одам билан яна мулоқотда бўлиб қолди. Тасодиф туфайли, албатта.

— Сигара чекасизми, Мики?

— Қуллуқ, сэр. Сигарангиз шундай яхши эканки, яна битта берсангиз йўқ демасдим. Раҳмат, сэр.


## VIII

Учқур Тойчоқ шу кундан эътиборан ирландияликлар фахри бўлиб қолди. Слаймен стартчини яна ўз жойига қўйишди. Мики ҳамон қуёнларни пойгага қўйиш билан машғул бўлди, охир-оқибат, унда итларга эмас, қуёнларга бўлишиш ҳисси пайдо бўлди. Аниқроғи, Учқур Тойчоққа бўлишди, чунки Тойчоқ элликта қутида келган қуёнлардан ёлғиз ўзигина шуҳрат қозонди. Тўғри, пойгага бир неча марта қатнашган яна бир-иккита қуён бор эди, аммо ёлғиз Тойчоққина бутун майдонни айланиб, бирон марта ҳам йўлидан адашмай чопиб келди. Бу каби пойгалар ҳафтада икки марта бўлиб турди. Ҳар пойгада қирқтадан элликтагача қуён нобуд бўлди. Ҳадемай беш юз қуёндан биттаям қолмади.

Учқур Тойчоқ ҳамма пойгада иштирок этиб, ҳаммасида ғолиб бўлиб, Лангаргоҳга етиб келди. Мики суюкли қуённинг истеъдодини мақтайвериб ўзидан кетди. У узуноеқ чопагонни чин кўнгилдан яхши кўриб келди. Тойчоқдан мағлубиятга учраш ҳар қандай итга улуғ шарафдир, деган гапни қайта-қайта такрорлашдан толмади.

Қуёнлар бутун майдонни омон-эсон чопиб ўтолмайди, Учқур Тойчоқ эса кетма-кет олти марта бунинг уддасидан чиқди, шунда, ҳар бир пойгадан кейин газеталар у ҳақда шундай деб ёзди:

«Учқур Тойчоқ яна йўлидан бирон мартаям четга чиқмай чопиб, Лангаргоҳга етиб борди. Қа-





рияларнинг айтишича, яхши-яхши итлар йўқолиб кетаётган эмиш!»

Учқур Тойчоқнинг олтинчи ғалабасидан кейин қуён боқувчилар қувончининг чеки бўлмади, уларнинг каттаси Мики ўзида йўқ тантана қилди.

— Уни қўйиб юбориш керак! У озод яшаш учун ҳар қандай америкаликдан кўпроқ хизмат қилиб қўйди, — деди у, собиқ қуёнлар эгаси, ҳозирги пойга бошлигининг ватанпарварлик туйғуларига таъсир қилиш учун.

— Хўп, Мики. Ун уч марта ғалаба қозонсин, кейин туғилган юртига жўнатиб юборасан.

— Йўқ, сэр, ун ҳозир бўшатиб юбориш керак!

— Йўқ-йўқ, у менга ҳали керак, мен у билан ҳали кўп итларни ўргатишим керак.

— Демак, гап битта, сэр, ўн учинчи ғалабадан кейин қўйиб юборамиз.

Шу кунларда янги қуёнлар олиб келдилар, қуёнларнинг бирови ранг-туси билан Учқур Тойчоққа ўхшаб кетаркан, аммо чопишининг мазаси йўқ экан. Мики тагин адаштириб қўймаслиги учун назоратчидан омбир олиб келиб, Учқур Тойчоқни қутига қамаб, қулоғига омбир билан белги қилди. Тойчоқнинг юпқа кемирчагида юлдузча мисол белги пайдо бўлди, Мики тантанали равишда деди:

— Энди ҳар бир пойга учун биттадан юлдузча оласан!

Мики шундай деб, Тойчоқнинг ўнг қулоғига яна шундай бешта юлдузча қилди.

— Ана, бўлди, Учқур Тойчоқ. Ун учта юлдузчалик бўлсанг, қуёнлар ичра озодлар озоди сен бўласан! Озодликка эришгунимизга қадар бизнинг байроғимизда ҳам ўн учта юлдузча бор эди.<sup>1</sup>

Келаси ҳафта Учқур Тойчоқ янги тозиларни мағлуб этди, энди чап қулоғида юлдузча пайдо бўлди. Яна бир ҳафтадан кейин чап қулоғида олти-та, ўнгида еттита, жами ўн учта юлдузча бўлди.

Газеталар Тойчоқнинг жасоратини шов-шув қилди.

— О-о-о! — дея тантана қилди Мики. — Энди сен озод қуёнсан, Учқур Тойчоқ! Ун уч — бахтли рақам. Ун уч рақами мени ҳеч қачон алдамаган.

<sup>1</sup> Америка Қўшма Штатлари Англия мустамлакасидан озод бўлганида бор-йўғи ўн учта штатдан иборат эди, шу боисдан байроғидаги юлдузчалар ҳам ўн учта эди. Кейинчалик штатлар сони элликкага етиб, байроғидаги юлдузчалар ҳам худди шунча кўпайди.

## IX

— Ҳа-ҳа, биламан, ваъда берганман, эсимда турибди, — деди бошлиқ. — Аммо мен уни яна бир марта пойгага қўйсам деган эдим. Мен Тойчоқни яна бир янги ит билан майдонга солиш учун пулдан гаров ўйнаб қўйганман. Тойчоқ унинг корини қилади, бундан қўрқмасаям бўлади. Мики, қўй энди, ўжарлик қилма! Ахир, итлар кунига икки-уч марта-лаб чопади-ку, қуён яна бир мартагина чопса нима бўпти?

— Итлар гаровга қўйилмайди, сэр.

— Қўйсанг-чи!

Лангаргоҳда турли-туман катта-кичик, мўмин-қобил ва уришқоқ қуёнлар кўпайиб қолди. Бир эрталаб улкан урғочи қуён Учқур Тойчоқнинг жон-ҳолатда Лангаргоҳга қочиб келганини кўриб, вазиятдан фойдаланиб, унга ҳамла қилди.

Агар бошқа вақт бўлганда Тойчоқ ўша мушукни болаганидек, бунинг ҳам бошларига панжаларини ботириб олиб, адабини берарди, шу билан қутулиб қўя қоларди. Афсуски, олишув чўзилиб кетди. Чунки пойгадан олдин олган яра-оғриқлари Тойчоқнинг ҳоврини пасайтириб қўйди.

Пойганинг бошланиши олдингиларидан унчалик фарқ қилмади. Учқур Тойчоқ қулоқларини динг қилиб, ер бўйлаб елиб кетди. Ун учта юлдузчаси остида шамол ғувиллади. Кетидан Минки билан Фанго деган янги ит қувди, кутилмаганда улар орасидаги масофа торайиб қолди. Учқур Тойчоқ секинлади. Катта трибуна олдида қари Минки Тойчоқнинг олдини олди. Халойиқ кимсан Учқур Тойчоқнинг олдини олганини кўриб, ҳаяжон билан оҳ урди. Яна эллик қадамлардан кейин Тойчоқнинг йўлини энди Фанго тўсди, шундан кейин Тойчоқ старт олган ерига қайтишга мажбур бўлди. У ерда Слаймен билан Мики турарди. Итлар изидан етиб келди, Тойчоқ уларга чап берди.

Учқур Тойчоқ ўлиши муқаррарлигини билиб,





ўзини тўғри Микига отди. Мики уни кўтариб олиб, итларни оёқлари билан қайтарди.

Тойчоқ кўҳна ҳис-сезгиларининг, ғаниминг қувганда тўғри келган яхши одамдан паноҳ сўра, деган амрига амал қилиб, ўзини Микининг бағрига отган эди. Билса, Мики ҳақиқатан ҳам унинг биродари экан. Халойиқ Мики билан қўлидаги қуённи кўриб, қувонч билан шовқин солди. Ит эгалари норози бўлиб: «Бекор! Пойгани охиригача чопиш керак!» деди. Улар пойга бошлиғига мурожаат қилди. Бошлиқ пойганинг муваффақиятсизликка учраганидан хафа бўлиб, қайтатдан пойга қўядиган бўлди.

Учқур Тойчоқ ҳеч бўлмаса бир соатгина даммини олиб олиши учун Мики зўрға жавоб олди. Сўнг, яна майдонга тушди, яна Фанго билан Минки рақиби бўлди. Бу сафар аввалгидан яхши чопди, аммо трибунадан ўтганда Фанго, ундан кейин Минки олдини олди. Тойчоқ гоҳ чапга, гоҳ ўнгга қараб сапчиди, ўзини уёқдан-буёққа олиб урди, ниҳоят бир амаллаб қутулиб кетди. Бир неча дақиқа шундай бўлди. Мики қараса, Тойчоқнинг қулоқлари борган сайин шалпайиб боряпти. Шунда, итларнинг бирови қуёнга сапчиди. Тойчоқ унинг танаси остидан сирғалиб чиқиб, иккинчи итдан эҳтиёт бўлиш учун ўзини ўнглаб олиб, шайланиб турди. Тойчоқ қолдан тойиб, қулоқлари бўйнига шалпайиб қолди. Тозилар ҳам чарчаб, тили осилиб қолди. Оғиз-бўйинлари ғарқ терга ботди. Шунда, бирдан Учқур Тойчоқнинг қулоқлари динг бўлди. Чамаси, Тойчоқ итларнинг чарчаганини кўриб, руҳ олди. У тўғридан-тўғри Лангаргоҳга йўл солди. Аммо итлар бурилиш йўлдан кўра тўғри йўлдан яхши чопарди, шу сабабляим улар яна Тойчоқнинг олдини олиб, уни йўлидан қайирди. Този эгалари ҳориган итларига раҳми келиб, яна иккита тозини майдонга қўйди. Ана бу янги иккитаси Тойчоқни дабдала қилиши мумкин эди. Шу сабабляим Учқур Тойчоқ сўнгги кучларини тўплаб чопди. Олдинги иккита тозини орқада қолдириб, Лангаргоҳга яқинлашди, шунда, изидан янги иккитаси етиб келди.



У энди фақат итларга чап берибгина ўзини омон сақлаб қолиши мумкин эди. Унинг қулоқлари яна шалпайиб қолди, юраги орқасига тортиб кетди, аммо ўзини руҳан дадил сездди. Уёқдан-буёққа саланглаб югурди. Итлар уни ушлай-ушлай деди. Бирови Тойчоқнинг қоп-қора думи учидан тишлаб олди, аммо у қутулиб кетди. У бу сафар Лангаргоҳга етиб боровмади. Омад ундан юз ўгирди. Беихтиёр яна Катта трибуна олдига келиб қолди. Мингминглаб хоним унга қаради. Бу орада пойга ҳам ниҳоялади-қолди.



Янги икки ит ҳам ҳолдан тойиб қолди. Мики бирдан ўзича бақриб-чақриб, итларга қараб юрди:

— Ҳай, итдан бўлган қурбонликка ярамаслар! Ҳай, аблаҳлар!

У важоҳат билан итларга ёпишди. Оғзига келган сўз билан сўкинди, итлар ҳам қолмади, одамлар ҳам. Хизматчилар югуриб келиб, Микини четга тортди.

— «Ҳалол» пойга эмиш! Топган ҳалол пойгангни қара! Тамагирлар, товламачи, қонхўрлар!

Хизматчилар Микини майдондан олиб чиқиб кетди. Мики сўнгги марта кетига қайрилиб қараб, нимжон қуённи қувавериб, ҳолдан тойган тўртта итни ҳамда қўлига милтиқ ушлаган отлиқ судьяни кўриб қолди.

Эшик Микининг орқасидан ёпилди. У кетма-кет отилган ўқ овозини, ғала-ғовур оломон овозини, итларнинг вангиллашини эшитди. Билдики, Жекнинг — Учқур Тойчоқнинг куни битди.

Мики билдики, энди уни майдонга қўймайди. Шу сабабляим кўп ўйлаб ўтирмай, Лангаргоҳга қараб чопди. Лангаргоҳда қулоқлари бир оз шалпайиб, оқсаб-оқсаб келаётган Жекни — Учқур Тойчоқни кўрди. Мики шундагина билдики, Тойчоққа отилган ўқ хато кетиб, итларга тегибди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди: бир ярадор тозини майдондан кўтариб олиб чиқишди, яна бировини мол доктор қараб бошлади.

Мики теvarакка аланглаб, бир қутини кўриб қолди, уни Лангаргоҳнинг бир четига олиб бориб, ичига хўрланган қуённи ҳайдаб солиб, оғзини бекитиб қўйди. Сўнг, қутини халтага солиб олиб, оломонга билдирмай девордан ошиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.


Ўз-ўзича кетмагандаям, барибир уни ҳайдашарди! У шаҳардан пиёда чиқиб, шу яқиндаги станциядан поездга ўтирди, бир-икки соатдан кейин қуёнлар мамлакатига етиб келди.

Аллақачон кун ботиб, яланглик узра юлдуззор тун чўкди. Мики фермалар, жонли деворлар ҳамда ўт-ўланлар ичига келиб, қутини очди, Учқур Тойчоқни озодликка қўйиб юбориб, шундай деди:

— Қўҳна Ирландия ўн уч юлдузларни кўп озод қилган!

Учқур Тойчоқ бир зум аланг-жаланг бўлиб турди. Сўнг, уч-тўрт сапчиб чопиб кетди, тўхтаб, қаерга келиб қолганлигини билиш учун осмонга бир сакраб олди. Ундан кейин фахрли юлдузлар бёзаб турган қулоқларини олға буриб, не-не машаққатлар билан эришган озодлик сари дадил, мардона елиб кетди, хиёл ўтиб, зим-зиё она юртига сингиб кетди.

Шундан кейин уни Каскадода кўп кўрдилар. Каскадода қуёнларга қарши кўплаб ялпи юришлар бўлди, у одамлардан қутулишнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топган шекилли, ишқилиб, қўлга тушган минглаб ўлик қуён билан тирик қуёнлар орасида юлдуз қулоқли Жек — Учқур Тойчоқ кўринмади.





## I

Биз ёнбошдаги эшикдан отхонага кирдик. Отхонанинг ўзига хос билинар-билинмас ҳиди хушбўй пичан исиди билинмай кетди. Пиллапоялардан кўтарилиб, узун чердакдан чиқдик. Чердакнинг жануб тарафи тўсиб қўйилган бўлиб, у ердан қулоққа таниш «Ку-ку-ку», «к-у-у-у, ку-ку-ку» овозлари, қанотларнинг «пирр-пирр-пирр» деган садолари эшитилди, шунда биз каптархонада турганимизни билдик.

Бу каптархонада зўр каптарлар бор эди. Шу куни каптарлардан элликтасининг мусобақаси ўтказиладиган бўлди. Каптархона эгаси мени шу мусобақага ҳакамлик қилишга таклиф этди.

Мусобақадан мақсад, ёш қушларни синаб кўриш бўлди. Шу кунгача ёш каптарлар икки марта ота-оналари билан далага олиб чиқилиб, яна каптархонага қайтиб боришни ўрганиб олсинлар учун ўз ҳолларига қўйиб юборилди. Мана энди улар катталарсиз, ўзлари мустақил равишда учадиган бўлди. Уларни Элизабет шаҳарчасида қўйворишга қарор қилишди, албатта, ёш каптарлар учун бу жуда олислик қилади.

— Гап бор, — тушунтирди тренер. — Гап шундаки, биз шу билан уларнинг дардисарларидан қутуламиз-қўямиз. Каптархонага эса энг зўрлари қайтиб келади, бизга ана шу зўрлари керак.

Каптарбоз ҳамда каптарга ишқибоз ҳамсоялар турли каптарлардан бир жуфт-бир жуфтидан ушлаб турди. Улар ғолиблар учун мукофот ҳам таъсис этди. Мен, ҳакамлик қилиб, зафар қозонган каптарни аниқлаб беришим лозим бўлди. Ютиб чиққан каптар деб биринчи бўлиб қайтиб келгани эмас, балки каптархонага биринчи учиб киргани айтилади, боиси, уясига қайтиб келишга келиб, аммо унга учиб кирмаган каптардан яхши хат ташувчи чиқмайди.

Ҳамиша, ҳар қандай ердан ҳам уйига қайтиб келувчи каптарни хонаки каптар дейдилар. Хонаки каптарларнинг айтадиган ҳуснлари ҳам бўлмайди, кўримсиз бўлади, шу сабаблям қушлар кўргазмасига ярамайди. Уларни кўз-кўз қилиш учун эмас, бал-

ки учқур қанотли, эс-ҳушли бўлганликлари учун боқиб кўпайтирадилар. Улар ўзларининг қадрдон маконларига меҳр-оқибатли келади, ўз маконларини адашмай топиб келиш қобилиятига эга бўлади. Эндиликда айтишларича, хонаки каптарларда топа олиш туйғуси қулоқларининг чиғаноқсимон ички тарафида бўлармиш. Оламда хонаки каптарлардай топа олиш туйғуси бор жонзот йўқ. Одатда бундай каптарларни қулоқлари устидаги каттакон қавариқлардан ҳамда қудратли қанотларидан билса бўлади.

Шундай қилиб, ёш каптарлар қобилиятини си-наб кўрадиган бўлдик. Гувоҳлар кўп бўлса-да, каптархонанинг биттасини очиқ қолдириб, қолган бари эшикчаларни ёпиб қўйишни, ўша очиқ эшикчани ҳам биринчи каптар каптархонага учиб кириши биланоқ дарров ёпиб қўйишга шай бўлиб туришни лозим топдим.

Шу куни бошимдан нималар кечирганимни ҳеч унутмайман. Каптарларни соат ўн иккида қўйворамиз, дея мени огоҳлантиришди. Улар соат ўн икки яримларда шу ерда бўлади, қулоқни динг қилиб турмаса бўлмайди, каптарлар худди қуюндай учиб келади. Уларни аранг фарқлаб бўлади, улар жуда тезлик билан каптархонага учиб киради.

Биз каптархона деворларига тиқилиб, қаторлашиб туриб олдик, тешиклар, ярим ёпиқ эшик тирқишларидан мўралаб, жануби-ғарбий уфқни кузатдик, шунда орамиздан алақам бирдан қичқириб юборди:

— Қаранглар, ана улар!

Оппоқ булут шаҳар томлари узра пастлаб, фабрика мўрисини айланиб ўтди, орадан сония ўтар-ўтмас каптарлар жой-жойига етиб келди. Оппоқ булутлар, қанотлар патир-путури шундай тез, фавқулодда рўй бердики, мен қанчайин ўзимни тайёрламайин, барибир ғафлатда қолдим. Менинг жойим ўша ягона очиқ эшикча олдида эди. Кўк қанотлар шундай ёнгинамдан визиллаб, юзларимга тегиб ўтиб кетди, мен эшикчани қўйворганимни ҳам биламан, бирдан бақириқ-чақириқ бошланди:

— Арно! Арно! Мен сизларга айтувдим-ку, у ютиб чиқади деб! Ҳай, менинг каптаргинам-а! Бор-йўғи уч ой ичида мукофотли бўлдинг-а! Менинг қувончим-а!

Арнонинг эгаси пулдан ҳам кўра каптарининг муваффақиятидан боши осмонга етиб ирғишлади.

Ҳаммамиз каптар теварагида чўк тушдик, сув ичиб бўлиб, донлаш учун чоғланган ғолибни эҳтиром билан томоша қила бошладик.

— Қаранглар, кўзларини, қанотларини қаранглар! Умрларингда унинг кўкрагидай кўкракни кўрганмисизлар? О, зўр-да, дунёнинг нариги чеккасидан ҳам учиб келади! — Арнонинг эгаси дами чиқмай қолган омадсиз каптарбозларга қараб шундай дея валдиради.

Бу Арнонинг илк жасорати эди. У элликта саралаб олинган каптарлар ичида энг зўри бўлди, уни келгусида улкан шон-шуҳрат кутди.

Арно энг зўр каптарлар тақдирланадиган кумуш ҳалқа билан мукофотланди. Ҳалқада унинг «2590 С» рақамли ёрлиғи жилваланиб турди. Бу рақамни ишқибозлар ҳанузгача ҳурмат билан гапириб юради.

Каптархонага жами қирқта каптар қайтиб келди. Деярли ҳамиша шундай бўлади. Бировлари ҳолсизланиб, йўлдан қолиб кетди, бировлари довюраклик қилиб четга чиқиб қолди. Каптарбозлар ана шундай жўн усул билан насларни такомиллаштирдилар. Қолган ўнта каптарлардан бештаси дом-дараксиз йўқолди. Бештаси ўша куни кечроқ битта-биттадан эмас, бешови бирга қайтди. Уларнинг энг охирида катта, лапашанг кўк каптар етиб келди. Каптархонада ишловчи киши каптарни кўриб, шундай деди:

— Мана, Жек мусобақага қўйган эси паст кўк каптар. Мен уни қайтиб келади, деб хаёлимгаям келтирмагандим. Жудаям бўқоғи катта-да.

Улкан Кўк, уни Бурчаклик деб ҳам аташади, чунки у бурчакдаги уяда дунёга келган, ана шу Улкан Кўк кўз очиб дунёни кўрган илк кунларидан бошлаб ўзининг куч-қудрати билан ҳаволаниб юради. У барча каптарлар билан тенгдош бўлиб, тенгдошларидан бўлимлиги ҳамда ҳусни жамоли билан ажралиб туради. Афсуски, каптарбозлар каптарнинг чиройини кам қадрлайди. Улкан Кўк, афтидан, ўзининг гўзаллигидан фахрланади, шундан бўлса керак, кичкиналигидан бошлаб заифларни ерга уришни яхши кўради. Унинг эгаси каптарининг катта келажаги борлигидан башорат қилди, аммо отбоқар Билли каптарнинг узунчоқ бўйни, каттакон бўқоғи, лапашанглиги, ортиқча семизлигини кўриб, бунга ишонмади.



— Бу каптар жониворинг бўйнидаги бўқоғи билан қандай учади? Кейин саланглаган оёқлариям турган-битгани юк, — камситганнамо вайсади Били, эрталаблари каптархонани супураётиб.

## II

Биринчи парвоздан сўнг каптарлар машғулоти мунтазам ўтказиб турилди. Оралиқдаги масофа кун сайин йигирма беш-ўттиз милларгача ошиб борди, йўллар ҳам то каптарлар Нью-Йоркнинг юз эллик милчалик теварак-атрофларини ўрганмагунларига қадар ўзгариб борди. Элликта каптардан бор-йўғи йигирматаси қолди, чунки қаттиққўлик билан ўтказилган саралаш нафақат заифлар ва ношудларга, шунингдек, фавқулодда касалга чалинган, бирор кулфатга йўлиққан ё бўлмасам пойга олдидан қорнини тўйдириб олган каптарларга ҳам дахл қилади.

Каптархонада чиройли-чиройли, кенг кўкракли, кўзлари равшан, узунқанот, инсонга энг керакли вақтда ёрдам берадиган каптарлар кўп. Бу каптарларнинг ранги асосан оқ, кўкиш ёки жигаррангдир. Улар муайян бир турга кирмайди, аммо саралаб олинган ҳар бир каптарнинг кўзлари равшан, қулоқлари устидаги қавариқлари хонаки каптарларнинг асл зотига мансуб бўлади. Улар орасида энг зўри кичкинагина Арно бўлиб, деярли ҳаммавақт биринчи парвоз қилади. Уясида бошқа каптарлардан унчалик ҳам ажралиб турмайди, чунки энди бари каптарлар кумуш ҳалқалар билан безаниб олганлар. Аммо осмонда ўзининг кимлигини билдириб қўяди. Саватни очишлари биланоқ биринчи бўлиб учиб, маълум баландликка кўтарилади, уйига олиб боражак йўлга тушиб, ҳеч янглишмай, дондун ҳам демай, сув ичмай, кўнглини ҳам ёзмай елдек учади.

Биллининг шунча жон куйдириб гапирганига қарамай бурчакдаги уядан чиққан Улкан Кўк йи-



гирмата сара каптарлар орасига тушиб қолди. У дам-бадам йўлда кечикиб қолди, аммо ҳеч қачон биринчи бўлиб қайтиб келмади. Яна бир сафар шерикларидан бир неча соат кечикиб келди, келгач, унинг на очлиги, на ташналиги билинди, бу унинг йўлда дамини олиб, қорнини тўқлаб олганлигидан далолат берди. Аммо ҳар сафар қайтиб келганида, панжаларида бошқа каптарларники сингари кумуш ёрликли ҳалқаси бўладиган бўлди. Билли Кўкни ёмон кўради, аммо каптар хўжайини қайта-қайта такрорлайверади:

— Унга муддат беринг. Қайсики каптар тез етилса, тез кучдан қолади. Яхши қуш ҳаммадан кейин ўзини кўрсатади, мен буни тажрибамдан билман.

Кичкинагина Арно бир йил деганда рекорд қўйиб, донг таратди. Ҳаммасидан ҳам денгиз устидан учиш мушкул, чунки денгизда йўлни бирор-бир белгидан фарқлаш имконияти бўлмайди. Бундан ҳам ёмони, туманда учиш, бунда ҳатто қуёш ҳам кўринмайди. Каптарда эсда сақлаш, эшитиш ҳамда кўриш қобилияти кўмак беролмаган тақдирда ҳам туғма йўл топа олиш туйғуси сақланиб қолади. Фақат қўрқувгина бу туйғуни йўқ қилиши мумкин. Қудратли қанотлар остида ботир юрак жой олишининг сири ҳам ана шунда.

Арнони иккита каптар билан бирга Европага бораётган океан кемасига солиб юбордилар. Уларни очик денгизга чиқишлари билан қўйвормоқчи бўлишди, аммо тўсатдан қуюқ туман босиб барча режаларни пучга чиқарди. Кема уларни олдинга олиб кетди. Биринчи дуч келган кемада каптарларни жўнатиб юбормоқчи бўлишди. Соат ўнлардан сўнг кема машинаси ишдан чиқди, туман қуюқлашиб, кема шамол ва тўлқинлар ихтиёридаги яроқсиз ўйинчоқ кўйига тушиб қолди. Бирдан-бир йўли, гудок чалиб, ташвишдан хабар бериш бўлди. Аммо бу чора ҳам ёрдам бермади. Шунда денгизчиларнинг эсига каптарлар тушиб қолди. Чек 2592 С рақамли Старбекка тушди. Ивимайдиган қоғозга хат ёзиб ўраб, каптарнинг пастки патига боғлашди.



Старбек кўкка ўқдай парвоз қилиб, кўздан ғойиб бўлди. Орадан ярим соатчадан сўнг бурчақдаги уядан чиққан 2600 С рақамли Улкан Кўкни ҳам пати-га хат боғлаб учуришди. У ҳам ҳавога кўтарилди, бироқ шу лаҳзанинг ўзидаёқ изига қайтиб келиб, кема арқонига қўнди. У қўрқувдан ғужанак бўлиб олди. Уни ҳеч қандай йўл билан кемадан чиқариб бўлмади. У шу даражада қўрқиб кетган эдики, ҳеч бир қаршиликсиз ўзини тутқазиб, беҳаёларча қа-фасга кириб олди.

Эндиги навбат кичкинагина пишиқ каптарга келди. Денгизчилар у ҳақда ҳеч бир тасаввурга эга эмасди, шундай бўлса-да, унинг лақаби билан ҳал-қасидаги: Арно, 2590 С битигини эътиборга олиб қўйишди. Улар учун ҳалқадаги бу битик унча аҳа-миятга эга эмас. Аммо каптарни қўлида ушлаб тур-ган денгизчи Арнонинг юраги олдинги чопарники-дай дукиллаб урмаётганлигига амин бўлди. Улкан Кўкдан ечиб олинган хатни унга боғлашди. Ушбу хат мана бундай эди:

*Эрталаб соат 10, сешанба.*

*Машина Нью-Йоркдан 210 миль нарида ишдан чиқди. Туманда қўлимиздан ҳеч нима келмай тен-тираб юрибмиз. Шатакчи кемани иложи борича тезроқ жўнатинг. Ҳар олти-ўн секундда узун, сўнг ҳисқа-ҳисқа сигнал берамиз.*

*Капитан.*

Хат ивимайдиган қоғозга карнай қилиб ўралиб, Кемалар уюшмасига йўлланган каптар думининг пастки томонига маҳкам боғлаб қўйилди.

Каптар қўйворишлари биланоқ кема узра доира-симон учди-да, сўнгра юксакроққа, то кема кўздан ғойиб бўлгунича янада юксакроққа ҳаволанди. Яго-на йўл топиш туйғусидан бўлак бари туйғулардан кечиб, мақсад сари интилди. У қўрқувни билмади. Худди компас мили сингари бехато, манзилга ҳеч иккиланмай, шубҳаланмай илгарилади. Қафасдан чиқибоқ гўё нур сингари тикка, ўзи ўсган каптар-хонага, ўзини уйимдаман, деб ҳис қилган ягона маконга йўл олди.

Шу куни каптархонада Билли навбатчилик қи-ларди. Тўсатдан учқур қанотлар овози эшитилди, каптархонага кўкиш нур кириб, сувли идишга ўзини урди. Каптар чанқаб сувлаб бошлади, шунда Билли уни таниб қолди:

— Арно, бу сенмисан, лочиним!

Кейин каптарбозга ўрганиш бўлиб қолган одати-га биноан ёнидан соатини чиқариб, вақтини белгилаб қўйди: соат 2 дан 40 дақиқа кечибди. У худди шу пайт каптар думидаги ипни пайқаб қолди. Билли эшикчани қия ёпиб, Арнонинг бошига тўр ташлади. Орадан бир дақиқа ўтгач, унинг қўлида хат пайдо бўлди, икки дақиқадан сўнг эса бўлажак мукофот эпкинидан роҳатланиб, уюшма идораси томон шошиб жўнади. У идорада Арнонинг денгиз устида, туманда 210 милни тўрт соату қирқ дақиқа ичида босиб ўтганини билди, орадан бирон соат ҳам ўтмай фалокатга учраган кемага ёрдам кўрсатиш учун шатакчи кема юборилди.

Тўрт соату қирқ дақиқа ичида туманда, денгиз устида икки юз ўн миль йўл босиш! Бу мисли кўрилмаган рекорд! Арнонинг номи Каптарлар клуби рўйхатига киритилди. Арнони ушлаб, котиб резина муҳр ва ўнгмайдиган сиёҳ билан унинг оппоқ қанотлари орасига жасорат кўрсатган кунини қайд этди.

Иккинчи каптар Старбек шу кетганича қайтиб келмади. Унинг денгизда ҳалок бўлганлигига шубҳа қолмади.

Бурчакдаги уядан чиққан Кўк каптар шатакчи кемада келди.

### III

Бу Арнонинг биринчи қаҳрамонлиги бўлиб, шундан кейин бирин-кетин бошқа жасоратлар ҳам кўрсата бошлади.

Бир куни отхонага бир карета кириб келди, ундан сочлари оқарган жаноб тушди-да, чанг-тупроқ бўлиб ётган зиналардан каптархонага чиқди, эрталаб бутун вақтини Билли билан бирга тилла кўзойнаклари ортидан дам бир тўда қоғозга, дам шаҳар томларига тикилиб ўтказди. Қирқ миль масофадан келтирилган хабарлар унинг учун жудаям катта аҳамиятга эга эди, бу хабарлар уни ё қутқаруви, ё хароб этмоғи керак эди, бу хабарлардан у жуда тезликда хабардор бўлиши зарур бўлиб, бу хабарлар телеграфдан кўра тезроқ келиши керак, ахир телеграмма ҳар бир йўналишда бир соатдан тутилиб қолади-ку. Қирқ миль масофага телеграммдан кўра нима тезроқ келиши мумкин? Уша маҳалларда биргина восита бўлиб, у ҳам бўлса, аъло хат ташувчи каптар эди.

Агар ғалаба қозонгудай бўлишса, пул нима деган гап. Банкир чол қанча тўласам тўлайин, энг зўр

каптарларингдан жўнатинглар, дея ўтинди. Шунда даракчи қилиб, ўчмас жасоратлари қанотларига битилган Арно тайинланди.

Орадан бир, икки, уч соат ўтувди ҳамки, кўк яшин қанот қоқиб, каптархонага отилиб кирди, Билли эшикчани ёпиб, каптарни тутди. У аста ипни узиб, хатни банкиргга узатди. Чолнинг рангида ранг қолмади, қоғозни аранг очди, бирдан чеҳраси ёришиб:

— Худога шукур! — дея гўлдиради.

Сўнгра бахтиёр банкир ғалаба қозонганига амин бўлиб, йиғилишга шошилди. Жажжи Арно уни ўлимдан қутқариб қолди. Банкир каптарни опкетмоқчи, халоскорини авайлаб парвариш қилмоқчи бўлди. Бироқ Билли бунга кўнмади.

— Нима фойдаси бор? Хонаки каптарнинг юрагини сотиб олиб бўлмайди. Сиз уни тутқун қилиб қўясиз, вассалом. Дунёда ҳеч қандай нарса уни ўзи кўз очган эски каптархонасини тарк этишга мажбур қилолмайди.

Шундай қилиб, Арно Ғарбий ўн тўққизинчи кўчада, 211-номерда қолди. Банкир уни унутиб юбормади.

Бизнинг мамлакатимизда учиб кетаётган каптарни ўзининг қонуний ўлжаси деб ҳисоблайдиган, уларни ушлаш мушкул бўлгани учун ўлдириб қўлга оладиган ярамас одамлар кўп топилади. Ҳаёт-мамот хабарини элтаётган кўплаб олижаноб чопарлар ана шундай ёвуз одамлар қўлида қурбон бўлиб, пирогига қийма бўлган.

Арнонинг учта рекордни қўлга киритишга муяссар бўлган акиси Арнольф беморга табиб чақириш учун кетаётганида ўлдирилди. У мерганнинг оёқлари остига келиб тушди, шунда унинг жасоратлари қайд этилган улуғвор қанотлари ёзилиб кетиб, оёқларида кумуш ҳалқа кўзга ташланди, овчи бундан виждон қийноғида қолди. У докторга хатни жўнатиб, каптарни Каптарлар клубига гўёки, «уни топиб олдим», деган хабар билан қайтиб берди. Каптар эгаси унинг уйига келган маҳал, овчи ўзини йўқотиб қўйди, чопар каптарни ўзи отганига иқдор бўлишга мажбур бўлди. Аммо у, бемор қўшним каптар қиймаси солинган пирог егиси келгани учунгина отганман, деб баҳона қилди. Каптар эгасининг нафрат-алами кўз ёшлари билан қоришиб кетди:

— Арнольф, каптаргинам! У йигирма марта энг зарур хабарларни етказди, уч марта рекорд қўйди, икки марта инсон ҳаётини сақлаб қолди, сиз бўлсангиз уни пирог қиламан деб отиб ўтирсангиз!





Мен сизни қонун бўйича жазога тортишим мумкин-у, ammo бундай ожизона қасос олишга юрагим чидамайди. Фақатгина бир нарса сиздан ўтиниб сўрайман: мабодо яна бирон-бир бемор қўшнингиз каптар қиймаси солинган пирогни кўнгли тусаб қолгудай бўлса, бизнинг олдимизга боринг, биз сизга пирогга ярайдиган нотавон каптарларимиздан текинга берамиз. Агар сизда номус-ор туйғусидан заррача бўлса, ҳеч қачон бизнинг олижаноб, баҳосиз хабарчиларимизни ўлдирманг, бошқаларнинг ҳам бундай қилишларига йўл қўйманг.

Бу воқеа банкир каптархонага тез-тез қадам ранжида қилиб турган, қалбида каптарларга нисбатан миннатдорлик ҳислари тўлиб-тошган пайтларда содир бўлди. Банкир мавқеи катта одам бўлиб, Арнонинг биргина жасоратидан хулоса чиқариб, Олбанида<sup>1</sup> каптарларни ҳимоя қиладиган қонун бўлишини талаб қилди.

#### IV

Биллининг бурчакдаги уядан чиққан Кўкка, 2600 С га ҳеч кўнгли чопмасди. Шунга қарамай Кўк ҳамон Кумуш орденлилар рўйхатида турар, Билли эса унга одатдагидай менсимай қарарди. Кемада содир бўлган ҳодиса унинг қўрқоқлигини кўрсатди. Бундан ташқари, у ўтакетган уришқоқ ҳам эди.

Бир кун эрталаб Билли каптархонада жанжал устидан чиқиб қолди. Иккита, бири катта, иккинчиси кичкина каптар бир-бирларига ташланганларича чанг-тўзон кўтариб ерда уришиб ётибди. Билли каптарларни бир-бирларидан аранг айириб, қараса, улардан бири жажжи Арно, каттаси эса, бурчакдаги уядан чиққан Кўк экан. Арно қаттиқ туриб уришди, бироқ Кўк ғолиб келди, чунки у рақибидан икки баравар семиз эди.

Тез орада жанжал сабаби равшан бўлди — жанжал чиройли жажжи макиён каптар устидан экан. Улкан Кўк анчадан буён қўполлиги билан Арнонинг ғашига тегиб юрарди, бироқ охирги катта



<sup>1</sup> О л б а н и — Нью-Йорк штатининг пойтахти.

жанжалга олиб борган туртки жажжи макиён каптар бўлди. Билли Кўкнинг суробини тўғрилаб қўйишга ҳаққи бўлмаса-да, аммо яхши кўрган каптари Арно учун қўлидан келган тadbирни қилди.

Билли Арнони жажжи макиён билан алоҳида жойга икки ҳафтача қамаб қўйди, Улкан Кўкни ҳам биринчи учраган хоним билан жуфт қилиб, бир жойга қамади.

Бари у кутганидай чиқди. Кичкина макиён Арнони ўзининг хўрози деб билди, «биринчи учраган хоним» ҳам Улкан Кўкни шу тарзда қабул қилди. Каптарлар ин қурди, мурод-мақсадга етиб барига нуқта қўйилгандай бўлди. Улкан Кўк жуда хушқомат, хушсурат эди. У бўқоғини олдинга чиқарганда, бўйни атрофида қуёш нури остида шундай камалак ҳосил бўлардики, буни кўрган ҳар қандай макиён ҳам маҳлиё бўлиб қоларди.

Бизнинг Арномиз гарчанд ўзи пишиққина бўлса-да, бўйи паст бўлиб, унчалик чиройли ҳам эмасди. Фақатгина кўзлари ғалати чақнаб турарди. Бунинг устига-устак, Арно каптархонани муҳим ишлар важдан тез-тез тарк этиб турди, Улкан Кўк бўлса каптархонада ўзини кўз-кўз қилиб, битиклардан халос қанотларини ёйиб юришни қанда қилмади.

Ёзувчилар ҳамиша жониворлардан, хусусан, каптарлардан жуфтлик, вафо, садоқат намуналарини излайдилар. Умуман олганда, улар ҳақдирлар, аммо афсуски, ҳамиша ҳам ҳақ бўлавермайдилар.

Арнонинг жуфти ҳалоли аввал-бошдан Улкан Кўкка мафтун бўлиб юрардики, ахир бир куни, Арно иш билан кетган куни хунук воқеа содир бўлди.

Арно Бостондан келиб қараса, Улкан Кўк бур-



чакдаги уясида рисоладаги «хоним»идан юз ўгирмай, айна бир вақтда Арнонинг жуфти ҳалолени ҳам, уясини ҳам ўзиники қилиб олибди. Оқибат, ўртада қаттиқ кураш кетди. Жуфти ҳалоллари уларнинг курашини лоқайдлик билан томоша қилиб ўтирди.

Шунда Арно ўзининг хушрўй қанотларини ишга солди, аммо шунча жасоратлар кўрсатган қанотлариям иш бермади. Шунингдек, барча хат-хабарчи каптарларники сингари калтагина тумшуғи билан оёқлари ҳам, жасур юраги ҳам ёрдам беролмади. Олишув унинг фойдасига ҳал бўлмайдиган бўлди. Жуфти эса ўз уясида гўё бетарафдай хотиржамгина қараб ўтираверди, хайрият, шу вақт Билли келиб қолди, бўлмаса Арно у дунёга равона бўларди. Биллининг чунонам қаҳри келдики, Кўкнинг нақд бўйнини узиб ташламоқчи бўлди, хайрият ҳамки, у каптархонадан ўз вақтида жуфтагини ростлаб қолди.

Билли бир неча кун Арнони меҳр билан хўп парвариш қилди. Арно орадан бир ҳафта ўтгач, бутунлай соғайди, ўн кунлардан сўнг эса йўлга чиқди. У, афтидан, бевафо жуфтининг хиёнатини кечирди шекилли, ўз уясида осойишта яшай бошлади. Арно шу ой ичида иккита янги рекорд қўйди: У ўн миллик йўлни саккиз дақиқа ичида босиб ўтиб хат келтирди ҳамда Бостондан Нью-Йорккача тўрт соатда учиб келди. Ҳар сафар уни она юртига муҳаббат туйғуси чорлаб турди.

Арнонинг қайтиши қайғули бўлди, у яна жуфтининг Улкан Кўк билан суҳбат қуриб ўтиргани устидан чиқди. У қанчалик ҳориб-толган бўлишига қарамай олишувга чиқди, яна Билли аралашмаганида олишув Арнонинг ўлими билан тугарди. Билли аввал уларни айирди, сўнг Кўкни иложи бўлган заҳотиёқ йўқотишга аҳд қилиб, қамаб қўйди.

Шу аснода барча катта-кичик ёшли каптарлар орасида Чикагодан Нью-Йорккача бўлган тўққиз юз миллик масофани учиб ўтиш мусобақаси яқинлашиб қолди.

Каптарлар Чикагога темир йўл орқали жўнатилди. Уларни Чикагода бирин-кетин қўйиб юборишди. Энг яхши каптарни ҳаммасидан кейин қўйворишади. Шу боисдан ҳам Арно энг охири қўйиб юборилди.

Бир нечта каптар Чикагодан ўтиб, беихтиёр бир тўда бўлиб учди. Хонаки каптарлар умумий йўл топиш туйғусига амал қилиб тўғри йўл бўйлаб учди, ўзларига таниш йўл бўйлаб учганларида эса



хотираларида сақланиб қолган белгиларга қараб учди. Уларнинг анчагинаси Колумбус орқали Буффалога ўтадиган йўлда машқ олди. Арно Колумбусдан ўтадиган йўлни билади, аммо Детройт орқали ўтувчи йўлдан ҳам хабардор. Шунинг учун ҳам Мичиган кўлидан ўтиб, тўғри Детройт томон парвоз қилди. Шу тариқа, у бирданига бир қанча миль ютди.

Детройт, Буффало, Рочестер таниш минораларию мўрилари билан бирин-кетин ортда қолиб, гала Сиракузага яқинлашиб борди. Кун қайтиб, кеч кира бошлади. Арно олти юз миль масофани ўн икки соат ичида босиб ўтиб, ҳеч шубҳасиз, ҳаммадан биринчи бўлди, шунда унинг бирдан сув ичгиси келиб қолди. Шаҳар томларидан учиб ўтаётиб, кўзи бир каптархонага тушди ва юксақда икки-учта катта-катта доира ҳосил қилиб пастлади, қон-қардошларининг сафига қўшилиб, сувдондан ташналик билан сув ичди. У биринчи марта шундай қилиши эмас, илгарилари ҳам шунақа тўхтаб сув ичиб олган вақтлари кўп бўлган.

Албатта, ҳар бир каптарбоз борки, чопар каптарларни меҳмон қилгиси келади. Арно келган маҳал каптархона эгаси каптархонада бўлиб, меҳмон каптарни пайқаб қолди. У каптарни эҳтиёт билан кузатиш мумкин бўлган жойга туриб олди. Унинг каптарларидан бири меҳмон билан талашиб қолди, меҳмон ўзини мудофаа этиб, қанотларини ёйди, шунда кўрсатган рекордлари кўз-кўз бўлди-қўйди. Каптарбоз эшикча ипини бир силтаб тортди. Арно кўз очиб юмгунча унинг асини бўлди.

Каптарбоз Арнонинг ёзувларга тўла қанотларини ёзиб рекорд устига рекордларни ўқиди, кумуш ҳалқага назар солди, ҳалқада каптарнинг лақабини ўқиб, қичқириб юборди:

— Арно! Арно! О, мен сен ҳақингда эшитганман, биродар, сени ушлаб олганимдан жуда хурсандман!

У хатни қирқиб олиб ўқиди:

*Арно Чикагони бугун эрталаб соат 4 да тарк этди. У турли ёшдаги каптарларнинг Чикаго-Нью-Йорк маршрүти бўйлаб катта мусобақасида қатнашмоқда.*

— Ўн икки соат ичида олти юз миль йўл босиш-а! Сен рекордлар рекордини қўйибсан, Арно!


Шундай қилиб, каптарбоз типирчилаётган каптарни авайлаб-эъвозлаб қафасга қамеди.

— Хўш, — деди у. — Биламан, сени бу ерда қолдириб бўлмайди, лекин мен сени қолдириб, сенга насл олиб, наслингни кўпайтираман.

Шундай қилиб, Арно яхшигина бир жойга бир нечта каптарлар билан бирга қамаб қўйилди. Каптархона эгаси ўғри бўлса-да, каптарни жон-дилидан яхши кўраркан, у ўз асиридан ҳеч нимани аямади.

Шу тариқа узун-узун уч ой ўтди. Арно аввалига куни бўйи тепага, пастга олазarak бўлиб, қаердан чиқиб кетсамикин, дея қафас бўйлаб юрди, тўртинчи ой деганда, афтидан, қочиш фикридан қайтди, шунда синчков қамоқ эгаси навбатдаги ниятини бажаришга киришди. У Арнонинг олдига ёшгина макиён каптарни киритиб қўйди. Аммо бу усул наф бермади: Арно макиён каптарга ҳатто қиё ҳам боқмади. Қамоқхоначи бир оз вақт ўтказиб макиён каптарни чиқариб олди, Арно яна бир ой якка ўзи қамоқда ётди. Сўнгра яна ёнига янги каптар киритдилар, бироқ бундан ҳам бирон иш чиқмади, шу тариқа йил ўтди. Арно ўзининг олдига киритилган гўзалларни гоҳ аччиғи келиб чўқиб ташлади, гоҳ улардан жирканиб, қарагиси келмаётганини намоёйиш қилди, унда уйга қайтиш истаги ошгандан ошиб, ўзини сим деворга урди, безовталаниб, уёқдан-буёққа зир югурди. Ҳар йили каптарлар туллаганда қамоқхоначи Арнонинг қимматбаҳо патларини эсдалик учун авайлаб олиб қўйди, янги патларга эса Арнонинг шон-шуҳратини битиб қўйди.

Икки йил имиллагандан-имиллаб ўтди. Қамоқхоначи Арнони янги каптархонага кўчириб, ёнига янги макиён каптарни киритди. Бу макиён каптар Арнонинг уйда қолган бевафо ёрига жуда-жуда ўхшаб кетди, Арно унга қайрилиб қаради. Бир куни қамоқхоначига ўзининг машҳур асири гўзал макиён атрофида парвона бўлаётганга ўхшаб туюлди, дарҳақиқат, бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади! — ана, макиён ўзига уя тайёрлапти. Бундан, каптарлар бутунлай иноқлашиб кетибди, деган хулосага келган қамоқхоначи биринчи марта дарчани очди, Арно озод бўлди. Арно иккиланиб қолдими? Ё доддираб қолдими? Ҳеч ҳам-да! Қаршисида бепоён фазо намоён бўлиши биланоқ озодликка талпинди, битикли ажойиб қанотларини ёйиб, манфур қамоқдан нари кетиш учун олға интилди.





## V

Ҳеч бир одам ўз уйини Арно ўз каптархонасини севганичалик сева олмайди.

Уйга, уйга, жонажон уйига кетяпти! Қадрдон уйида кечирган барча синовлару аламлар унут бўлди. На асирликда кечирган йиллари, на сўнгги ошиқлиги, на ўлим ваҳимаси юртига бўлган муҳаббатини сўндиришга қодир бўлди, мабодо Арнода қўшиқ куйлаш, сайраш иқтидори бўлганда эди, шубҳасиз, мардона қўшиқ куйлаган бўларди. У доира ҳосил қила-қила кўкка парвоз қилди, мана, истакка бўйсунушга мойил ажойиб қанотлари юртига муҳаббат, ёлғиз уйига ҳамда бевафо ёрига садоқат билан тобора юксалиб учди. Кўзларини юмиб десак-да бўлади, қулоқларини юмиб десак-да бўлади, эс-ҳушини йўқотиб десак-да бўлади — ўзини сирли йўловчиси бўлмиш йўл топа олиш туйғуси ихтиёрига тамоман бериб қўйиб, зангори самода сузиб кетди.

Арно жануби-шарқ томон ўқдай учди. Сиракузалик каптаркушанда Арно билан бир умрга хайрлашди.

Пастдаги дарада тезюрар поезд тутун бурқситиб боряпти. Поезд жуда олдинда бораётган бўлса-да, Арно уни қувиб етди, сўнг худди ёввойи ўрдак сузиб кетаётган сувкаламушдан ўзиб кетгани сингари поезддан ўзиб кетди. Даралар узра ҳаволади, Ченанго тоғларининг шамолда шивир-шивир этаётган қарағайларини пастлаб ўтиб, тобора олға парвоз этди.

Бирдан эман дарахтидаги индан қирғий чиқиб қолди, каптарга кўзи тушиб, кўнгли кетди. Арно на ўннга, на сўлга, на юқорига, на пастга қайрилди, қанотлари парвоздан бир дақиқа ҳам тўхтамади. Қирғий пойлайвериб овора бўлди. Арно худди буғу кучга тўлай-тошган пайти айиқлар пистирмасидан ўтиб кетганидай унинг шундай ёнгинасидан учиб ўтиб кетди! Уйга, уйга олға!

Пат, пат, пат! — қанотлар ўзига ошно йўллардан ана шундай қанот қоқиб, ялт-ялт этиб учиб борди. Яна бир соатдан сўнг қадрдон қояларни кўрди. Ана, у қоялар устидан учиб ўтмоқда. Қаршидан пешвоз чиқаётган қадрдон жойлар унга янги-янги куч бағишлади. Уйга, уйга кетяпти! — унинг юраги сўзсиз куйлади. Худди ташналиқдан жон бераётган йўловчи олисдан аранг кўзга чалинаётган пальма дарахти учларига тикилгани сингари унинг ҳам ярқироқ кўзлари умид билан узоқларда-

ги Манхаттан<sup>1</sup>дан ўрлаган тутунга термулди.

Шу пайт тоғ чўққисидан каптар оладиган лочин қуш учиб тушди. Йиртқичлар ичида энг тезучар, ўз кучи, қанотларига бино қўйган лочин яхшигина ўлжа топганидан қувониб кетди. Қанчадан-қанча каптарларнинг бошига етган лочин ўзига дам бериб-дам бериб, кучини авайлаб, қулай маврид пойлаб шамол билан учди. О, у шундай пайт топдики! Шунда пастга, пастликка томон худди ўқ каби отилди. На ёввойи ўрдак, на қирғий ундан ўзини четга ололди, чунки у ўз оти ўзи билан лочин-да!

Орқанга қайт, каптаржон! О, каптаржон, эҳтиёт бўл, кўрқинчли қояларга чап бериб ўт!

Каптар йўлидан қайтдими! Йўқ, чунки у Арно! У уйга, уйга, уйга кетяпти! У бошқа ҳеч нима тўғрисида ўйламади. У лочиндан эҳтиёт бўлиб, янада шиддат билан учди. Лочин олдинга ташланиб, ялт-юлт қилаётган нарсага ҳамла қилиб, ортига ҳеч вақосиз қайтди. Арно бу орада худди сопқондан отилган тош каби дара фазосини ёриб ўтди: аввалига оққанот қуш бўлди, сўнг титраб турган ёниқ нуқтага айланди, кейин кўринмай кетди. Қадрдон Гудзон дараси, эскитдан таниш катта йўл бўйлаб учди. Бу йўлни кўрмаганига ҳам икки йил бўлди. Энди у пастлаб учди. Шимол тарафдан шамол эсиб, пастдаги дарё мавж ура бошлади. У уйга, уйга, уйга кетяпти! Энди қиялаб учиш керак, чунки шамол эсяпти.

Пастлаб учиш! Афсуски, у жудаям пастлаб учиб юборди! Овчини июнь палласи шу қоя ёнбағрига яшириниб ўтиргин, деб қайси ёвуз руҳ йўлдан оздирди? Лип-лип қилиб кўзга чалинган, осмон бўшлиғидан шимолга пешвоз қалқиб чиққан оппоқ доғни қайси иблис кўрсатди? О, Арно, пастлаб учиб бораётган Арно, мерган ёдингда бўлсин! Бу қоядан сен жуда, жудаям пастлаб учяпсан! Жуда!

Бирдан ўт чақнаб, қасир-қусур бўлди! — шунда ажал дўли Арнога бориб етди; дўл унга бориб тегиб шикаст етказди, аммо йўлидан адаштирмади. Лип-лип этиб бораётган қанотлари битиклар битилган патларини ерга тушириб борди. Унинг денгизда кўрсатган жасоратидан «ноль» ғойиб бўлди. Энди у 210 милни эмас, 21 милни кўрсата бошлади. О, бу шармандали талончилик бўлди! Кўксига қора доғ ёйилиб борса-да, Арно таслим бўлмади. Уйга, уйга шошилди! Хавф орқада қолди. Уйга, нима бўлсаям уйга, худди аввалгидай тўғрига учди.

<sup>1</sup> Манхаттан — Нью-Йорк шаҳри жойлашган орол.

Аммо мўъжизавор тезлик энди камаё борди: орадан бир дақиқа ҳам ўтмади, шамол майиб бўлган қанотларида ғайритабий шовқин қилди. Кўксидаги оғриқ синган куч-қудратидан дарак берса-да, барибир олға учди. Уйи, уйи олислардан кўзга чалинди, шунда кўксидаги оғриқ ҳам унут бўлди. Ўткир кўзлари олдида шаҳарнинг баланд-баланд миноралари гавдаланди, у Жерси қоятошларини ёнлаб ўтди. Олға, олға! Қанотлари заифлашди, кўзлари хиралашди, аммо ватанига бўлган муҳаббат ошгандан-ошди.

У юсак қояларни ёнлаб, шамолларга чап бериб жимир-жимир қилаётган сувлар узра, дарахтлар узра учди, каптархўр лочин уялари, даҳшатли йиртқичлар ўтирадиган қоялардаги истеҳкомлар остидан учди. Қора ниқоб кийиб олган қароқчиларга ўхшаб ўтирган йиртқичлар каптарнинг яқинлашиб келаётганини пайқаб қолди. Арно уларни азаддан билади. Бу уяларда неча-неча етиб бормаган номалар қолиб кетди, бу уялардан неча-неча битиклар битилган патлар жон титроғида ерга учиб тушди. Арно уларга биринчи марта дуч келиши эмас, у ўз йўлида давом этди, аввалгидай олға, олға учди, аммо олдингидай суръати қолмади. Ҳали отилган ажал қуроли унинг қувватини синдирди, шиддатини сўндирди. Олға, олға! Лочинлар мавридини пойлаб, худди иккита ўқ мисол учиб тушди. Дармондан қолган, ҳолдан тойган каптарни тутиб олди.

Эндиги таъриф-тавсифнинг ҳожати бормикин? Ожиз қолган мард қалбни тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати бормикин? У, у қалб ҳатто уйини ҳам кўриб эди... Бир зумда бари тугади... Каптархўрлар тантанали овоз бериб, каптар жасадини чангаллаб, ўз қояларига келиб қўнди. Жажжигина жасур Арнонинг тақдири шу бўлди.

Қояда қароқчиларнинг тумшуғи билан тирноқлари қаҳрамон қонига бўялди. Мислсиз қанотлар парча-парча бўлди, номалар тошлар узра сочилди. Вақти келиб, қароқчиларнинг ўзлари ўлдирилиб, қалъалари ҳувилаб қолмагунича номалар офтобда сочилиб ётди.

Агар эски-туски лаш-лушлар орасидан фавқуллодда бир кумуш ҳалқа чиқиб қолмаганида бу ажойиб каптарнинг қисмати ном-нишонсиз бўлиб қоларди, биринчи даражали хат-хабарчи каптарнинг муқаддас ордени бўлмиш бу ҳалқада мана бундай сермазмун битиклар битилган эди:

АРНО, 2590 С.





## I

Ана чуғур-чуғур тўда-ю, ана шовқин-сурон!  
Уч-тўртта чумчуқ бир ердан иккинчи ерга  
ирғишлаб, сув оқиб тушадиган уй тарнови ўртаси-  
да лик-лик ўйнайди. Тўда сал тарқалса, чумчуқ-  
ларнинг нега шовқин солаётганини англаса бўла-  
ди: кичкинагина макиён чумчуқ ўзини уришқоқ  
ошиқларидан зўр бериб ҳимоя қилади. Чумчуқлар  
ўзича тегишади, хушомад қилади, аммо бу ҳара-  
катлари билан макиён чумчуққа ҳеч бир зиён ет-  
казмайди. Макиён ҳам дилозор маҳбублари билан  
аёвсиз олишиб, улардан тезроқ қутулишни истайди.  
Агар қўлидан келса, барини битта қўймай чўкиб  
ўлдиргиси келади.

Нар чумчуқлар унинг атрофида ҳар қанча  
парвона бўлсалар-да, макиён чумчуқ уларнинг  
бировини ҳам ёқтирмаслиги шундайгина кўриниб  
туради. У ўзининг кўнгилсизлигини ошиқларига  
билдириб қўйиш мақсадида аввал улар билан бир  
чўкишиб олди, сўнг ошиқларининг ўзаро низосидан  
фойдаланиб, шу яқиндаги томга учиб бориб қўн-  
ди. Шунда қанотларидан биридаги оппоқ патлари  
кўриниб кетди, бинобарин, худди ана шу оппоқ  
патлари уни бошқалардан ажратиб, ўзгача ҳусн  
бағишлаб туради.

## II

Бўйнида оппоқ ёқаси-ю, қора бўйинбоғи бор-  
лиги билан кеккайиб юрадиган хўроз чумчуқ ишга  
шўнғиб кетди. У боғда болалар қўйиб кетган  
қуш инининг чаласини битириш учун тиришиб-  
тармашди. У кўп жиҳатдан етук қушдир. Унинг  
ишида қурилиш материаллари сифатида шох-  
шабба, хас-хашаклар аёқотди, у буларни шу яқин-  
атрофдаги майдонлардан териб олиб келди. Тонг  
чоғлари бир нафасгина қурилишни тўхтатиб,  
ўзича канарейка бўлиб, жарангли, таъсирли қўшиқ-  
лар куйлади.

Чумчуқлар одатда ёлғиз ўзлари ин қурмайди.





Аmmo биз уни бекорга етук қуш деб таърифламадик. У ёлғиз ўзи бир ҳафта деганда инни битказди, уйчаси то дарчасига қадар шаҳардаги дарахтлардан юлиб олиб келган шох-шаббага лиқ тўлди. Эндиликда музика билан шуғулланишга ҳам вақт топди, чумчуқ чирқиллашига ўхшамайдиган ўзгача бир оҳангда куйлаб, барчани ҳайрон қолдирди. Агар Олтинчи хиёбонлик қушсевар сартарош унинг ҳаётини илк давридан бошлаб воқиф этмаганида борми, бизнинг чумчуғимиз табиатнинг англаб бўлмас жумбоқларидан бири сифатида тарихга кирган бўларди.

Кейинчалик маълум бўлишича, айнан ана шу одам чумчуқ тухумини канарейкалар ини вазифасини ўтовчи толчивиқ саватга солиб қўйибди. Тухумни ёриб чиққан полапонни янги ота-она парвариш қила бошлабди. Сайраш, куйлаш эса канарейкалар касби коридир. Полапоннинг танаси пишиқ, ўпкаси жуда яхши бўлди. Канарейкалар полапонни аъло даражада тарбия қилди. Полапондан табиат ато этмаган туғма истеъдод ўрнини ўзининг завқ-шавқи билан тўлдира олган қўшиқчи чиқди. Бу зўр, уришқоқ, сайроқи мақтанчоқ тез орада бутун қафаснинг хўжайинига айланди. У, ҳеч иккиланмай канарейкани оғзини очмай қўйишга мажбур қилди ва шу тариқа ғалабани осонгина қўлга киритган дақиқаларда унинг сайроғи фавқулодда ажойиб бўлди, шунда хўжайин Рэндининг — чумчуққа шундай лақаб қўйилганди — канарейка билан истаганича мусобақа қилиб, ҳузурига келган меҳмонларни тантанали ғалаба қўшиғи билан ром қилишига тўлиқ имконият яратиб берди.

Рэнди ўзи билан бир қафасдаги ҳар қандай канарейкани жим бўлишга мажбур қилди. Ёлғиз ўзи алоҳида қафасда ўтирганида эса қўшни қафасда сайраётган канарейканинг овозини ўчириш иложини қилолмади. У бундай вазиятларда ўз куйини унутиб, чумчуқчасига ғазаб билан чирқ-чирқлайдиган бўлди.

Вақти келиб, кўкрагида қора пешбанд пайдо бўлган Рэнди сартарошхонанинг диққатга сазовор жониворига айланди. Бироқ кунлардан бир куни қафаслар тизилган токча қулаб, бари қафас ерга тушиб, кўпга келган фалокат туфайли қушлардан анчаси-мунчаси озодликка чиқиб қолди. Бу қушлар орасида Рэнди ҳам бор эди. Канарейкалар ихтиёрий равишда ўз қафасларига қайтиб келди ё ўзларини тутиб берди, Рэнди эса шартта деразадан



учиб чиқди, бирпас «чирқ-чирқ»лаб турди, шаҳар темир йўли паровозининг ҳуштагига жавобан сайраб берди, сўнг ўзини тутишга қўймай, теварак-атрофни синчиклаб ўрганишга киришди. У асир бўлиб яшаш учунгина дунёга келмаган, шу туфайли ҳам озод қуш ҳолатини тезда ўзлаштириб олди. Орадан бир ҳафталар ўтгач, ўз жинсидаги қушлар сингари ҳуркак бўлиб қолди ва кўчада доимо бир-бири билан чўқишгани чўқишган бошқа чумчуқларга ўхшаб, кичкина, уришқоқ кўча чумчуғига айланди. У чумчуқларга зарба бериб, чўқилади. Аҳён-аҳёнда тингловчиларни кутилмаганда канарейкалардан ўзлаштириб олган турли куй оҳангларини намойиш этиб сайраб, ҳайратда қолдирди, аммо сайраганда ҳам ҳақиқий чумчуқ завқи илҳоми билан сайради.

### III

Қуш уйчасини ўзига ин қилиб олган жонивор ана шу Рэнди эди. Унинг шунча шох-шабба тўплагани сабаби ҳам энди аён бўлди. У умрида кўз очиб кўрган бирдан-бир ин чивикдан тўқилган саватча бўлди. Шунинг учун ҳам ўзига хас-хашакдан ин қура бошлади.

Бир неча кундан сўнг Рэнди бу ерда ўз ошиғи билан пайдо бўлди. Агарда мен Рэндининг ошиғи бўлмиш оққанот хонимни, жанжалга сабаб бўлган ўша кичкина Биддини танимаганимда тарновдаги воқеани унутиб юборган бўлардим.

Афтидан, Рэнди унинг кўнглидан олган кўринади, бироқ барибир ўзини гердайиброқ тутаяди, Рэнди яқинлашдимми, тумшуғи билан уни чўқимоққа ҳозирланади. Рэнди бўлса, бошқа нар чумчуқлар сингари макиён атрофида қанотларию думи шалпайиб айланади, нималардир деб чуғурлайди, бир тин олиб, бир сайрайди.

У охири Биддининг кўнглини олишга муваффақ бўлди, эҳтимол, гўзал сайрашлари билан зафарга эришгандир, ишқилиб, ўзи олдинда учиб йўл бошлаб, ошиғини ўз инига олиб жўнади. Бидди унинг изидан учиб, аммо шу заҳотиёқ изига қайтди, Рэнди ялиниб-ёлвориб, чирқ-чирқ қилиб унга эргашди. У ўзича нималардир деб узоқ чуғурлаб, макиённи яна бир амаллаб қайтарди, бироқ Бидди яна уядан чиқиб, изига қайтди, бу гал унинг жаҳли чиққани аён бўлди. Рэнди яна Биддини кўндиришга муваффақ бўлди, ахири Бидди уя ичига кирди, аммо тагин тумшуғига хас илиб қайтиб

чиқди, хасни ерга ташлади-ю, учиб кетди. Рэнди ҳам ташқарига учиб чиқди. У қурган ини билан ортиқ фахрланмай қўйди. Бу унга катта зарба бўлиб тегди. У остонада туриб ҳасрат билан шундай мазмунда чуғурлади: «О, қайт, қайта қол!», бироқ ошиғи қайтмади. Сўнгра яна лип этиб ичкарига кирди. Шитир-шитир қилиб тумшуғида катта бир хасни олиб чиқиб ерга ташлади. Яна ичкари кириб бошқа бир хасни олиб чиқди-да, унияма пастга улоқтирди. Шу йўсинда ўзи шунчалик қунт билан, заҳмат чекиб ясаган инидан шох-шаббаларнинг барини битта қўймай пастга отмагунча тинмади. Манави камёб айри бутоқни Иттифоқ майдонидан келтириш учун у озмунча заҳмат чекмади, манави иккита мулоғим хас худди тутинган онасининг уясидаги хасларга ўхшайди — бари, бари йўқ бўлиб кетмайдими!

У бир соат давомида ўзи қурган уйни ўзи бузиб ташлади. Пастда майдороқ бир гулхан қилиб ёқса бўладиган хас-чўп йиғилди.

Рэнди ўзининг бир ҳафта қилган меҳнати оқибатини шафқатсизлик билан кузатди, бўм-бўш бўлиб қолган уйчага мўралади, дағал, аста-аста чирқиллади, афтидан, чумчуқчасига сўкинди, сўнг, чирқ-чирқ этиб-этиб, учиб кетди.

Рэнди эртаси куни қочоқ маҳбубаси ҳамроҳлигида яна келди, маҳбубаси атрофида парвона бўлиб, чирқиллаб учиб юрди. Яна Биддини ўз уйчасига бошлади. Бидди ичкарига шўнғиди, сўнгра отилиб чиқиб, ерда уюм бўлиб ётган шох-шаббага қаради. Кейин яна уйчага кириб, афтидан, Рэнди унутиб қолдирган кичкинагина бутоқча билан қайтиб чиқди ва уни ерга отди, шохчанинг қандай учиб бориб уюмга тушишини шавқ билан томоша қилди. Ин ичига югуриб кириб-чиқавериб икковиям учиб кетди, тез орада яна орқаларига қайтди. Биддининг тумшуғида хашак, Рэндида эса чўп бор эди. Улар олиб келган нарсаларини уйчанинг ичкарисига опкириб қўйди, эҳтимол, бу билан қурилиш санъатининг барча қоидаларига риоя қилди. Сўнгра улар яна хашак келтириш учун жўнади. Кейин Бидди уйчада жой қилиш



учун қолди, Рэнди бир тишлам-бир тишламдан хашак опкелди, у жуда ҳаяллаб қолган маҳал изидан Биддининг ўзи жўнади.

Ниҳоят уларнинг дидларини синаб кўришим учун қулай маврид келиб қолди. Мен қуш уйчаси яқинига — балконга ўттизтача тасма билан латталарни ёйиб ташладим. Булардан ўн бештаси энг жўн мато қийқими, саккизтаси қимматбаҳо мато қийқими бўлиб, еттитаси эса ярқироқ қийқим эди. Ҳар бир оқишроқ тасма қорамтироғи билан алмаштириб қўйилди. Биринчи бўлиб Бидди бу кўргазмани пайқади. У пастга шўнғиди, қийқимларга теваарак-атрофидан дам чап кўзи, дам ўнг кўзи билан синчиклаб қараб, ҳеч нарсага тегмасликка қарор қилди. Шу пайт Рэнди келиб қолди. У собиқ хонаки парранда эмасми, унга буларнинг бари қадрдон кўринди. У лик этиб бир томондан иккинчи томонга сакради, битта қийқимга тегиниб, орқасига сапчиди, сўнгра яна яқин келиб, уёғидан-буёғидан чўқиди-да, ўлжасини тумшугига илиб, ҳавога парвоз қилди. Сўнг яна Бидди учиб келди, бу гал икковлашиб қийқим ташиди. Қорамтироқ қийқимлар уларнинг дидларига ўтирди, аммо булар тугагач, Бидди бир нечта оқишроқ тасмаларни танлаб олди. Энг ярқироқ қийқимлар эса жойида қолаверди.

Рэнди яна бир марта чивиқ олиб келгунча иннинг деярли ярми битди. Бироқ орадан лаҳза ўтмай чивиқ пастга, уюм устига улоқтирилди, Бидди унинг кетидан ғолибона қаради. Шўрлик Рэнди! Яхши кўрган нарсалари аямасдан пастга улоқтириляпти. Бари ажойиб чивиқлар эди-я! Онасининг уясиям чивиқдан тўқилган ажойиб уя эди! У итоат қилишга мажбур бўлди. Уйчада хасхашакдан бўлак ҳеч нарса, бир дона ҳам чивиқ қолмади, фақат майин-майин қийқимлар қолди. У шунисига ҳам шукр қилди. Озодлик унга ҳар куни итоатгўйлик сабоғини берди. Олдинлари у сартарошхонани бир олам, ўзини эса бу оламда яшайдиган энг диққатга сазовор мавжудот деб биларди. Энди унинг иккала тасавури ҳам барбод бўлди. Бидди унинг қарашларини амалий жиҳатдан жуда яроқсиз деб топди, шунинг учун ҳам у ҳар бир қадамда Рэндига сабоқ берди.

Уянинг учдан икки қисми битганда топган эрмаклари ҳақиқатан ғаройиб бўлган Бидди аллақаёқдан катта-катта майин патлар келтира бошлади. Рэнди бу ғалва анча узоққа боради, бунга чек қўйиш керак, деб билди.



Патлардан ясалган, бунақаси кўз очиб дунёни кўрган бешигида бўлмаган тўшак Рэндига ёқмай, кўнглига ўтирмаган нарсаларни пастга улоқтира бошлади. Худди ана шу вақтда Бидди янги пат олиб келиб қолиб, олдин келтирган патларининг пастга улоқтирилаётганини кўриб қолди. У патлар кетидан отилиб, уларни ҳавода учиб бораётганлигидаёқ тутиб олди, ин оғзида туриб ўзига хуш келмаган патларни отаётган бегига рўбарў келди. Улар бир-бирларига тикилиб, оғизлари тўла пат, юраклари тўла алам билан тўхтаб қолди.

Кейин қизиқ воқеа содир бўлди. Улар патларни дам уйга олиб кирди, дам нарига улоқтирди ё бўлмасам патларни шамол боғ бўйлаб учуриб кетди. Сўнг орага сукунат чўқди, эртаси куни патлар йиғиштирилиб, қайта уяга келтирилди. Улар қандай қилиб бир қарорга келди, бу ҳамиша сир бўлиб қолаверди. Ҳар аҳтимолга қарши, асосий ишни Рэнди қилди, у уйча катта-катта майин патга лиқ-лиқ тўлмагунча тинчимасди.

Одатда эр-хотин бирга учарди, бироқ Бидди бир марта ўзи учиб кетиб, анча пайтгача қайтмасди. Рэнди теваракка олазarak бўлди, чирқ-чирқ этди, юқорига қаради, сўнг пастга тикилиб, ўзи шунчалар машаққат билан келтириб йиққан чивик-хаслар уюмига кўзи тушди. Ўзи туғилган бешикдаги ажойиб чивикларнинг худди ўзи-я! Рэнди пастга учиб тушди. Ҳамон ерда ётган ажойиб айри бутоқдан кўзини ололмай қолди. Рэнди айри бутоқни тумшуғига илганича шошилди, ичкарига кирди. Бутоқчани ичкарига олиб кириш қийин бўлди. У айри бутоқча билан эшикчага ёпишди. Рэнди охириги пайтларда тез-тез ичкарига нарса ташийвериб, нима қилишини яхши билиб қолганди. У бутоқчани ярим дақиқа деганда ичкарига судраб кириб яна ташқарига чиқди, теваракка мағрурона қаради, қанотлари остини тозалаб қоқди, сўнг канарейкага ўхшаб, бир неча марта бошидан охирига қадар сайраб чиқди, жуда бахтиёр бўлиб, қўшиғига янги оҳанглар қўшди.

Бидди тумшуғида пат билан учиб келганида у аҳтиёткорлик билан нарсаларни жой-жойига қўйишга ёрдамлашди. Ин битди.

Икки кундан сўнг мен уяга чиқиб, у ердан тухум топиб олдим. Чумчуқлар менинг инга қандай қилиб чиққанимни кўриб турди, лекин аксарият қушлар каби шовқин солиб чуғурламади, хийла нарига учиб бориб, мени тутун мўрисидан туриб хавотирланиб кузатди.

Учинчи кун уйча ичида қандайдир ҳаракатлар бўлди, тўс-тўполон, чирқ-чирқлар эшитилди, икки-уч маротаба уйча эшикчасидан қуш думи кўришиб кетди, худди ин эгаси ниманидир ташлаб юбориш учун орқага қадам ташлагандай бўлди. Сўнг уйча эгасининг думи ташқарига шунчалик чиқдики, бундан Биддини таниб олса бўларди. Шунда яна уни ичкарига тортқилашди. Уйчада аллақандай оилавий жанжал чиққанлиги аниқ эди. То Бидди ташқарига чиқмагунича ва Рэндининг севимли айри бутоқчасини шу заҳоти нафрат билан улоқ-тирмагунича нима бўлганига тушуниб бўлмади. Бидди бутоқчани ўзи ётган тўшаги остидан топиб олган, уни Рэнди яшириб қўйган эди.


Мана, улар нима учун жанжаллашган эканлар! Лекин менга Рэнди қаршилиқ қилаётган чоғда Бидди қандай қилиб бутоқчани олиб чиққанлиги қоронғи бўлди. Мен Рэндининг оиладаги тотувлик-ни бузмаслик учунгина чекинганлигига ишонмайман.

Уриш-жанжал қиёмига келган пайтда айри бутоқча билан бирга тухум ҳам тушиб кетган эди. У энди пастдаги чинни синиқларига сарғиш парда бўлиб ёпишиб ётибди. Чумчуқлар, афтидан, тухум қисматидан ташвишга тушмади. Тухум индан тушиб кетибди, демак, чумчуқлар оламини ҳам тарк этибди.

#### IV

Шу ҳодисадан сўнг бизнинг бу жуфтимиш анча кунгача тотув яшади. Уяга бирин-кетин тухум қўйиб бошлади. Бир ҳафтадан сўнг тухумлар сони бештага етиб, улар бундан жуда бахтиёр бўлди. Рэнди бутун ўлкани ҳайратга солиб сайрагандан-сайради, Бидди эса гўёки қишнинг ғамини еяётгандай кундан-кунга кўп-кўп пат йиғди. Миямга кичкина бир тажриба қилиб кўриш фикри келиб қолди. Мавридини қилиб, шом кирганда уларнинг дабдабали уяларига мармар тухум солиб қўйдим. Оқибати нима бўлди, хабарим бўлмади.

Эртаси куни сайр қилгани чиқдим. Яқшанбалиги учун кўчалар сокин бўлиб, бир тўда одам тарновга тикилиб турарди. Мен яқинроқ бориб, чирқ-чирқлаган товушларни эшитдим, тўда орасига кириб, бир-бирига ташланишиб, аёвсиз олишаётган, қаттиқ чуғурлашаётган, тинмай бир-бирини чўқишаётган иккита чумчуқни кўрдим. Улар анча вақтгача атрофида томоша қилаётган одамларга



этибор ҳам бермай патиллашиб уришаверди. Охири улар пича ўзларига келиб олиш учун ҳолдан тойиб, чарчаб думлари билан ўтирди, ўтирганларида улар Бидди билан Рэнди эканлигини билиб, ҳайрон бўлдим. Уларни янги олишувдан кейин, афтидан, якшанба кунлари жанжал бўлишини маъқул кўрмайдиган томошабинлардан бири ҳуркитиб юборди. Шунда улар уришишларига ҳеч ким халақит бермайдиган жой қидириб шу яқиндаги томга қараб учди. Худди шу кунни мен ердан нафақат ўзим қўйган мармар тухумимни, шунингдек, мармар тухум билан бирга улоқтирилган уларни ўзининг бешта тухуми пўчоқларини ҳам топиб олдим. Менинг тахмин қилишимча, бутун жанжал айнан шу ғалати, қаттиқ, юмалоқ тухум туфайли келиб чиққан.

Бу уйчада, шубҳасиз, бахт ҳам, осойишталик ҳам бўлиши мумкин эмасди, шу сабаблиям улар инни жиҳозлари билан бирга, шу жумладан, патлари билан ташлаб кетди. Қилиқлари доимо ўзига хослиги билан ажралиб турган Бидди бу сафар ин учун майдон ўртасидаги фонарь қалпоғини танлади. Улар бутун ҳафта давомида заҳмат чекиб, қаттиқ бўрон бўлаётганига қарамай инни қуриб битирди. Қушлар қандай қилиб шундай тумшуқлари остидаги ёруғда ухлашининг эпини қилганларига ақл бовар қилмасди. Бидди мамнун кўринар, Рэнди эса энди фикрини билдирмасликка одатланганди. Агарда биринчи тухум пайдо бўлмасдан анча илгарироқ фонарь ўчиб қолмаганида-ку, ҳаммаси соз бўларди. Фонарчи фонарни тузатаркан, ҳеч ачинмасдан Бидди билан Рэндининг иморатини ахлат устига отди.

Тўрғай ёки қалдирғоч бундай зарбадан ўзига келолмай қолган бўларди, аммо ғайрату ўзига ишонишда чумчуққа тенг келиб бўлмайди. Турган гапки, ё ин мустаҳкам қурилмаган, ё бўлмасам қурилишга материал танлашда хато қилган бўлишлари мумкин. Ҳар эҳтимолга қарши, яхшиси янги иморат қилганлари маъқул.

Бидди қўшнисининг инидан чиқиб ётган бир нечта хасни ўғирлаб олиб, майдон боғидаги қайрағочнинг энг баланд бутоғига қўйди, бу билан Рэндига ўзи танлаган жойни кўрсатди. Шунда, Биддининг ҳукмига қулоқ тутса, қулоғи тинчроқ бўлишини амалда синаб кўрган Рэнди икки марта канарейкачасига сайраб олди-да, ахлат уюми орасида учраган яхшигина чивиқни истамайгина четлаб ўтиб, қурилиш материаллари излай бошлади.





Майдоннинг нариги томонидаги уяда расволиги билан ном қозонган бир жуфт чумчуқ яшайди. Жуфтнинг нар чумчуғи бошқаларнинг муҳаббатига сазовор бўлолмаган. Бу дуркун ва бўйнида каттакон қора бўйинбоғи бор жуда чиройли, ўтакетган уришқоқ чумчуқ. Бу жангари чумчуқ зўрлик билан танлаганига эришган, ин учун энг яхши жойни эгаллаб, устига-устак, майдондаги энг ҳайратланарли ажойиб нарсаларни ҳам ўзиники қилиб олган. Менинг чумчуқларим эса мен тавсия қилган ялтироқ тасмаларни рад этди, чунки бу борада уларнинг ўзига яраша бадиий дидлари бор. Шу яқиндаги ҳайвонот боғидан тасодифан учиб келиб қолган Гвинея товуғининг бир нечта патлари у индан-бу инга ўгринча ўтиб юриб, ниҳоят, Буяннинг гўзал хонадонидида қўним топди, у жуфти билан иккови патларни олиб, янги банк биносининг мармар устунига илиб қўйди.

Буян истироҳат боғи ичида кўнгли хоҳлаган ишини қилади, бир куни Рэндининг қўшиғи қулоғига чалиниб, унга томон учиб келди. Рэндидан канарейкалар роса қўрқади, лекин бу сафар у Буянни енга олмади. У жуда яхши олишди, бироқ калтак еб қолиб, қочсам қутуламан, деб қочишга тушди. Буян ўз муваффақиятидан ўзи руҳланиб, Рэндининг янги уясига учиб келди, уяни писанд қилмай кўздан кечирди, ўз инига ярайдиган хасчўпларни суғуриб ола бошлади. Рэнди роса калтак еганди, бироқ ғанимининг бунақа қилиб уйини вайрон қилиши бизнинг қўшиқчимизда илгариги журъат-жасоратини қайта қўзғади, у энди ўзи ҳужумга ўтди. Олишув қизиб кетиб, иккалови ҳам бутоқдан ерга қулаб тушди. Бошқа чумчуқлар ҳам келиб қўшилди, улар... айтишга ҳам уят! — улар барзанги Буяннинг ёнига тушиб, келгинди Рэндига қарши уруш бошлади. Рэндининг аҳволи чатоқлашди, патлари тўзғиди. Шу пайт бирдан давранинг қоқ ўртасига кичкинагина қанотлари орасида оқ патлари бор макиён чумчуқ тап этиб тушиб: «Чирқ, чирқ, ур, адабини бер!» деди. Бу Бидди эди. О, Бидди ўзини шундай мудофаа қилди! Эрмак учун жанжалга келиб қўшилган чумчуқлар дарҳол жуфтаси ростлаб қолди, чунки ҳазилга ўрин қолмади, жанг жиддий тус олди, вазият кескин ўзгарди. Буяннинг шавқи тез сўниб, орқасига, ўз томонига қараб, Бидди билан учди,





Бидди унинг думига худди кичкина бульдогга ўхшаб ёпишиб олди. Бидди шу тарзда то рақибининг қанотидан битта патини юлиб олмагунича осилиб кетаверди, сўнг патни ўғирлаб келтирган буюмлар билан қўшиб инини безатди.

Бу воқеадан икки кун ўтгач, Буян инининг ноёб буюми сифатида узоқ вақт безак бўлган Гвинея товугининг патлари Биддининг янги уйини безади, шундай қилиб, ҳеч ким у билан ҳақ-ҳуқуқ талашиб ўтиришга ботинолмади.

Ёз охирлаб бораётгани туфайли патлар ҳам камайиб кетди, Бидди тўшаги учун пат тополмай қолди. Бироқ у пат ўрнини боса оладиган шундай нарса топдики, бу билан у яна бир маротаба янги нарсаларга бўлган муҳаббатини намойиш қилди. Майдонда извош тўхтайдиган жой бўлиб — тевараги тахта билан тўсилган бу жой атрофидан от қиллари тиқилиб ётади, булардан яхшигина тўшак қилиш мумкин бўлади. Бу ажойиб фикр бўлиб, ҳеч тушкунликка тушмайдиган жуфтимиш мислсиз ғайрат билан от қилларини тўплашга, бирданига иккитадан, учтадан элтишга киришди. Эҳтимол, уларга шундай қилинглари, деб истироҳат боғларидан биридаги бошқа хил чумчуқлар қулоқларига қуйгандир. Чиппи деган чумчуқлар тури тўшагига ҳаммаша от қилларидан тўшайди ва ин ичига қилларни гир айлантириб ўраб, ҳақиқий пружинали тўшак ясайди. Бир ишни бошлаш-ку яхши, аммо бунинг қандай қилиб уддасидан чиқишни ўйлаш керак. Агарда чумчуқларимиз қилни қандай қилиб ишлатишни аввалдан билганларида ҳаммаси жойида бўларди. Чиппи ҳам қил тўплашда бирданига биттадан ортиқ кўтармайди, шу билан бирга қил ҳеч зиёнсиз кўринса-да, баъзан хавф туғдиришини назарда тутган ҳолда эҳтиёткорлик билан учидан аста кўтаради. Бизнинг чумчуқларимиз эса фақат хасхасак ишлатишга одатланган. Бидди қилнинг ўртасидан тутди, буни узун билиб, тумшуғи билан бир неча дюйм олдиндан олди. Бунда кўпинча Биддининг боши узра ё тумшуғи узра каттакон ўрам ҳосил бўлади. Бироқ бу Биддининг учишига анча қўл келади, аввалига унга ҳеч бир зиён бермади, зероки, чиппи тоифасидаги ҳар қандай чумчуқ бунақа ўрам-ўрам юкни кўриб қўриб кетиши ҳам мумкин.

Уларнинг инлари битишига бир кун қолди. Бидди Рэндига ўзича энди ҳеч нима келтирмаслик лозимлигини уқтирган бўлди. У кўтаринки



кайфият ва ғурур билан атрофни йиғиштирди, сўнги толани жойига қўйди, бу вақт Рэнди боғдаги адмирал Фаррагут ҳайкали бошига қўниб, ўзининг энг яхши қўшиқларини айтиб сайради. Бирдан қаттиқ хавотирли чирқ-чирқлаган овоз унинг шуурини эсанкиратиб қўйди. У ини томонга қараб Биддининг ҳеч бир сабабсиз типирчилаб индан ташқарига чиқолмаётганини кўрди. Биддининг калласи ўзи ясаган қил толаларнинг энг хавфли тугунига илашиб қолди, тугун таранглашиб, у тузоққа тушиб қолди. Бидди қутулишга уриниб, типирчиллагани сайин тугун шунчалик таранглашиб борди.

Рэнди ҳозир ўзининг бу майдагина, ўжар маҳбубасига қанчалик боғланиб, ўрганиб қолганини билди. У шундай даҳшатга тушди, шундай даҳшатга тушди, бор овози билан чирқ-чирқлаб ёрдамга учиб келди. Рэнди Биддини қутқармоқчи бўлиб, унинг панжаларидан чўқиб, тортқилай бошлади, бу билан ишни баттар расво қилди. Уларнинг шунча тиришиб-тармашишлари бефойда бўлди, толада янги тугунча, ўрамлар ҳосил бўлди. Уяда ётган бошқа толалар ҳам гўё бир битимга келгандай чувалиб, чигаллашиб, шўрлик қурбонини тобора исканжага олди. Шунда боғда болалар пайдо бўлди, таажжуб билан тўзғиб кетган, жонсиз, ҳавода муаллақ осилиб қолган бир тутам патга разм солди. Шаддод, ишбилармон Биддидан қолгани шу бўлди.

Шўрлик Рэнди жуда-жуда қайғурди. Яқин-теварақдаги чумчуқлар бу фалокатдан хабар топиб келди, Рэндининг қайғусига шерик бўлди, аммо улар ҳам ёрдам беролмади. Улар яна ин-инларига қараб учиб кетди, Рэнди бўлса \*уёқ-буёққа сакраб, кейин қанотлари шалпайиб бир жойда жим ўтирди. У узоқ вақтгача суюкисининг ўлганлигига кўниколмади, кунни бўйи Биддини ўрнидан қўзғатиб, нималаргадир ундаб қизиқтириш, одатдаги ҳаётларига қайтариш учун уриниб овора бўлди. У тунни ёлғиз ўзи дарахтда ўтириб ўтказди, тонг ёришар-ёришмас яна индаги ўша бадбахт от қилига ўралиб осилиб ётган Биддисини айланиб чирқиллаб бошлади.

## VI

Рэнди ҳеч қачон бошқа чумчуқлар каби эҳтиёткор бўлмади. Канарейкалар орасида катта бўлган Рэнди эҳтиёткорликка ўргатилмади. У болалардан

ҳам, извошлардан ҳам ҳайиқмади. Эндиликда ундаги бу хусусият янада яққол кўринди, чунки у қайғуга ғарқ, эзгин бўлди. Худди ўша кунни у дон ахтариб юриб, хат ташувчи велосипедчидан қочолмай қолди, думи велосипед ғилдирагига кириб кетди. Думини ғилдиракка қурбон қилиб бўлса ҳам ўзини қутқаришга уринди, аммо ўнг қаноти орқа ғилдирак остида қолди. Хат ташувчи велосипедини ғизиллатиб кетди, Рэнди эса синган қаноти билан бир амаллаб дарахтлар билан бурканган хиёбонга учиб кирди. Шунда уни бир қизалоқ тутиб олди. Қизалоқ уни уйига олиб бориб қафасга солди, акаларининг фикрича, ҳеч ҳожати бўлмаган эътибору меҳр билан парвариш қила бошлади. Чумчуқ соғайди, ажойиб кунларнинг бирида канарейкачасига сайраб, ҳаммани ҳайратдан ёқа ушлатди.

Бундан бир газета мухбири дарак топди. Газетада Рэнди ҳақида мақола босилиб чиқди. Бу газета сартарошнинг қўлига тушиб қолди. Сартарош бир неча гувоҳлар қуршовида қизалоқларникида пайдо бўлди, ғаройиб қушнинг эгаси мен бўлман деб, Рэндини олиб кетди.

Шундай қилиб, Рэнди яна қафасга тушди, уни жуда асраб-авайлашди, дон беришди, у яна бу кичкина оламнинг энг олди қуши бўлди. У сира ўзини бахтсиз деб ҳис қилмади. У ҳеч қачон ҳақиқий ёввойи қуш бўлмади. Озодликка мутлақо тасодифан чиқиб қолди. Тасодиф уни Бидди билан таништирди. Уларнинг биргаликда кечирган қисқа ҳаётлари хавф-хатар ва тасодифларга тўла бўлди. Тасодиф Биддини қурбон қилди, бошқа бир тасодиф эса Рэндини қафасга қамади. Қафасдаги осуда, фавқулодда воқеа-ҳодисалар Рэндининг музыкага бўлган лаёқатини ривожлантиришга имкон берди. Бу ерда, у ўзининг кекса устозлари ва мураббийлари билан ёнма-ён, худди консерваториядаги каби ҳаёт кечирди.

Баъзан ўзига ҳаслардан уя ясашга киришди, бироқ кимдир унинг олдига яқинлашаётганини кўрса, қафас бурчини айбдорона тарк этди. Борди-ю, қафасига бир-иккита пат ирғитилса, Рэнди аввалига патларни бирма-бир текислаб қўйди, бироқ эртасига эрталаб патларни албатта полга улоқтирди.

Унинг тиришқоқлик билан қурилиш қилишга уринишларидан Рэнди маҳбубага муштоқ эмасмикин, дея гумон қилишди, қафасга турли-туман макиён қушлардан киргизишди, бироқ бунинг

оқибати чатоқ бўлди. Ҳар сафар тезда қушлар ишига аралашинга, яъни қон тўкишнинг олдини олишга, унга қайлиқликка тавсия этилган макиёни қутқаришга тўғри келди. Охири бундай тажриба қилиб кўришлар барҳам еди, чунки хонанда бўйдоқ ўтишни аъло кўргани равшан бўлди. Унинг қўшиқларида муҳаббат тароналаридан кўра жанговар оҳанг кўпроқ жаранглаб бошлади, саргарош тез орада бир нарсани кашф қилди, маълум бўлишича, Рэнди канарейкалар тулumi устидан қозонган ғалабасидан сўнг эмас, хўроз чумчуқ тулумини енганидан кейин айниқса жўшиб сайрар экан. Рэнди тулумни чўқилаб кўриб, гунг ғанимни кўксидан ўзига таниш каттакон қора бўйинбоғини кўриб қолса, унда жуда илҳом билан, жўшиб-жўшиб сайраб қўяди.



## I

Агар бир майда тош бўлмаса, ушбу ҳикоям ҳам бўлмасди.

Бу тош Бэдлент адирлари йўлида ётарди. Зимзиё, дим кечаларнинг бирида ширакайф Жек подачи ана шу йўлдан отда келаётиб, шу тош отининг туёғига тикилиб қолди. Подачи одатича отдан сапчиб тушиб, от нега оқсай бошлаганини билмоқчи бўлди. У кайф билан жиловни қўйиб юборганини билмай қолди, бундан фойдаланган от қоп-қора тун оралаб қочди. Жек подачи билдики, энди отни қувиб етиб бўлмайди, шу сабаблям буталар остида ёнбошлаб, хуриллаб ухлаб қолди.

Саратон офтобининг эрталабки олтин нурлари гўзал Бэдлент адирлари чўққиларини ёритди. Катта сой ёқасидаги йўлда қари чиябўрилар онаси кўринди. Чиябўрилар онаси оғзига қуён тишлаб, болаларига эрталабки тамадди олиб боряпти.

Маҳаллий молбоқарлар азал-азалдан чиябўриларга қарши курашиб келади. Қопқон, милтиқ, заҳар ҳамда итлар чиябўриларни деярли қириб битирди, унча-мунча омон қолганлари бўлса эҳтиёткорликда устаси фаранг бўлиб кетди.

Жумладан, мана, қари чиябўрилар онаси ҳадик олди-ю, йўлини чап солди: инсон қадам қўйган ҳар қандай ер чиябўрилар онасини ўлим таҳликасига солади. Шу боисдан ҳам у унча юксак бўлмаган ўркак-ўркак адирлар ёқалаб юрди, сўнг, игнабаргилар босиб ётган сойга эниб келди, ҳадиксираб, аллақачон шамол олиб кетган инсон излари ҳидини искаб кўрди, кейин, нариги адирга ўрлади. Адирнинг офтобрўй бетида унинг ини бор. У турган жойида эҳтиёт бўлиб айланди, турли тарафга қараб бир-икки бор сапчиди, тумшугини ҳавога чўзди. Димоғи хавф-хатар ҳидини туймади. Кўнгли хотиржам бўлиб ини оғзига келди-да, астагина пишқирди.

Ин оғзини қоплаб ётган шувоқлар орасидан бир-бировининг устидан ирғишлаб ошиб, бир тў-

да митти чиябўрилар чиқиб келди. Улар кучулар мисол узук-юлуқ чийллаб, ингиллаб, оналари олиб келган тамаддига ёпишди. Митти чиябўрилар қуённи талашиб-тортишиб еди, онаси уларни кузатиб, қувониб ўтирди.

Жек подачи кун чиқаётганда уйғониб, адирдан ошиб ўтаётган чиябўрилар онасига кўзи тушди. Чиябўрилар онаси кўздан йўқолиши биланоқ Жек сапчиб туриб, адирнинг энг юксак чўққисига чиқиб бориб, қувноқ чиябўрилар оиласини кўрди.

Жек подачи уларни томоша қилиб ўтириб, ҳар битта чиябўри боши учун бинойидай мукофот олиш мумкинлиги эсига тушди. Ёнидан улкан револьверини чиқариб, тамадди қилаётган болаларини ялаб-юлқаётган чиябўрилар онасини нишонга олди. Гумбурлаб ўқ отилиб, чиябўрилар онаси жон бериб йиқилди.

Чиябўри болалари қўрқиб, инга кириб кетди, Жек ин оғзини тошлар билан ёпди, ўзининг шум отини сўкиб-сўкиб, шу яқиндаги фермага пиёда йўл олди, индаги митти асирлар эса титраб-қақшаб бир бурчакка тиқилиб олди.

Чиябўри болалари кун бўйи зим-зиё инда ўтириб, оналари нега бирор егулик олиб келмаганига ҳайрон бўлди. Ниҳоят, кечга яқин ин оғзида шарпа эшитилиб, инга ёруғ тушди. Энг додирлари онамиз келди дея ўйлаб, пешвоз чиқди, ammo келганлар оналари эмасди. Иккита ажабтовур махлуқ уларнинг инини очаётган эди.

Бирор соатлардан кейин одамлар иннинг тўригача кириб бориб, бурчакда бир йиғим жун мисол тўда бўлиб турган пахмоқ жун, порлоқ кўз бўри болаларини топиб олди. Одамлар қўрқувдан дағдағ титраётган норасида жониворларни белкурак билан битта-битталаб уриб ўлдириб, бирин-кетин халтага сола бошлади.

Норасида жониворларнинг ҳар қайсиси ўлими олдидан ўзини ўзича тутди.



Бирови чийиллади, бирови ириллади. Яна иккитаси тишламоқчи бўлди.

Биттаси хавф-хатарни биринчи бўлиб англаб етиб, ҳаммадан олдин бекиниб олди, бошқалари бирин-кетин оламдан ўтгач, энг охирги навбат шунга келди. У нафасини ичига ютиб, кўзларини ярим юмиб, ўзини ўлганга олиб ётди. Бадалига дағал қўллар тегсаям пинагини бузмади. Шунда Жек хўжайинига яхши кўрингиси келиб, шундай деди:

— Қўй, индама, шунисини болалар учун қолдирамиз.

Шундай қилиб, энг сўнгги бўри боласи жигаргўшалари жасади ётган халтага тириклайин бориб тушди. У халтадаям қимир этмади, миқ этмади.

Чайқалиб-чайқалиб узоқ юрилди, сўнг халта очилиб, ундан жонивор олинди, шунда бўри боласи ўзини бир тўда икки оёқли жониворлар олдида кўрди.

Булар Чимни-Пот фермасининг одамлари эди. Улар орасида болалар ҳам бўлиб, Жек шу заҳотиёқ уларга тирик совғани тақдим этди. Хўжайин ҳар бир чиябўри жасади учун Жекка доллар ҳисобида тўлади.

Шу кунни фермада юрган бир мексикалик болаларга тирик чиябўрини кўрсатиб, бу «Койотито» яъни, митти чиябўри, чўл бўриси, деди.

Шундай қилиб, митти жониворни аввал-аввал Койотито, кейин-кейин лўндагина қилиб Тито, деб атадилар.

## II

Тито урғочи экан. У момиқ жунли, улкан каллали, бинойидай жажжигина жонивор бўлди. Кўринишидан кучукка келбат берди, аммо болалар билан эл бўлмади, боиси, у жуда ёввойи ҳам эҳтиёткор эди.

Тито нима берса шуни еди, биров билан биродар бўлмади, чақирсалар ҳам катагидан чиқмади. Боиси, фақат гўдакларгина у билан хушмуомалада бўлди, болалар билан катталар эса уни занжиридан зўрлаб судраб чиқиб, эрмак қилди. Шунда у мунгсиз эзилди, баъзан ўзини ўликка олиб ётди.

Чорвадор боласининг ичида ўн уч ёшли Линкольн деган бола ҳам бор эди. Ана шу бола, шунингдек, тошкўнгил ҳам золим бўлди.

Линкольн тенгқур ўртоқлари каби подачи бў-







лишни орзу қилди, шу сабабли доимо арқон ташлашни машқ қилди. Аммо арқон билан кимни, нимани тутишни билмади. Симёғоч, тўнкаларга арқон ташлайвериб жонига тегди, акаси, опаларига арқон ташлашга қўйишмади. Итлар унинг қўлида арқонни кўрса қочадиган бўлди. Охир-оқибат, Титога арқон ташлашдан бошқа йўли қолмади. Бечора жонивор бу балодан фақат катагига яшириниб қутуладиган бўлди, катакка бекинишга улгуролмаса, ерга қапишиб ётиб оладиган бўлди. Шундай қилиб, Линкольн ўзи билмаган ҳолда Титога арқон балосидан қандай қилиб қутулиш йўлини ўргатди, аммо бу сабоқ Титога анча қимматга тушди.

Бориб-бориб Тито арқонга чап беришни шундай машқ қилиб олдики, охир-оқибат, уни тутиб бўлмай қолди, шунда, тошкўнгил бола эрмак қилишнинг янги хилини ўйлаб топди. У қаердандир тулки қопқон топиб келиб, катак олдига қўйди, устини ҳар хил егуликлар билан кўмиб ташлади. Бир оз вақт ўтиб, Тито таом ҳидини олиб, катагидан чиқиб келди, эҳтиёткорлик билан егуликка яқинлашди ва бир оёғи билан қопқонга тушиб қолди. Бир четда бекиниб, пойлаб ўтирган бола Титога арқон ташлади, сўнг уқувли шогирди бўлмиш кичкинагина укаси билан Титони қопқондан озод қилди.

Ана шундай бир-иккита воқеа Титони қопқондан ўлгудай кўрқадиган қилиб қўйди. Тито энди темир ҳидини биладиган, қопқондан ўзини олиб қочадиган бўлди, Линкольн қопқонни жуда усталик билан ерга кўмса-да, кичкинагина укаси жонивор қопқонни кўриб қолмаслиги учун курт-касани катак оғзига тутиб турса-да, барибир қопқондан эҳтиёт бўлди, қопқонга чап берди.

Бир куни катак деворига бойланган занжир узилиб кетиб, Тито қочмоқчи бўлди. У занжирни судраб, омонат қадамлар билан катакдан чиқди. Аммо бир подачи кўриб қолиб, Титони майда






сочма ўқ билан отди. Титонинг бадани ўқдан куйиб оғриди, яна яккаю ягона кулбасига қайтиб келишга мажбур бўлди.

Занжир яна деворга маҳкамлаб бойланди. Шу куни Тито билдики, дунёда нафақат қопқон, шунингдек, милтиқ деган балойи қазолар ҳам бор экан, улардан фақат катакка яшириниб қутулиш мумкин экан, холос.

Тито кўп ўтмай яна бир балойи қазони билиб олди.


Линкольн катталар гурунгига қулоқ солиб, чиябўриларни заҳарлаб ўлдириш ҳақида эшитиб эди. Шу гапни Тито мисолида синаб кўрмоқчи бўлди.

Йиртқич ҳайвонларга қирон келтирувчи стрихнин деган заҳарни топиш амримаҳол, чунки уни катталар яшириб ташлайди. Унда нима қилиш керак? Линкольн излаб-излаб, каламушдори топиб келди, уни гўштга сеппиб, Титога берди. Ўзи каттак четида янги моддалар ўйлаб топаётган кимё фанлари профессори мисол вазмин қиёфада туриб, ишининг натижасини кутди.



Тито гўштни ҳидлаб кўрди. Тўғри-да, ҳар бир нарсани аввало ҳидлаб кўрмоқ керак. Димоғи гўштни уч хил ҳидини туйди. Биринчиси гўштининг хушбўй ҳиди, иккинчиси нохуш, аммо таниш инсон қўллари ҳиди, учинчиси ажабтовур бир ҳид. Тито билдики, ҳар ҳолда сўнгиси қопқон ҳиди эмас, шу сабабли гўштни ея бошлади. Гўшtdан бир тишлам ютиб эди ҳамки, бирдан қорнида оғриқ турди, томирлари тортишиб, чангак бўлиб қолди. У бўрилар авлоди табиатидан келиб чиқиб, ўзини зўрлаб, еган гўштини қусиб ташлади.

Кейин қандайдир бир ўтнинг бир нечта поясини очқўзларча чайнаб ютди. Бирон соатлар ўтар-ўтмас бутунлай яхши бўлиб кетди. Ваҳоланки, Линкольн гўштга ўнлаб бўрини ўлдиришга қодир заҳар солиб берган эди. Агар озроқ заҳар солиб берганда, бўри қорин оғриғини кечроқ пайқаб, қусиб ташлашга улгура олмаган бўларди. Тито шу кундан эътиборан қорин оғритадиган каламушдори ҳидини билиб олди.



Шунингдек, Тито шифобахш ўтлар билан даволанишни ҳам билиб олди. Табиат бу ўтларни чор тарафга экиб ташлаган. У бирон жойида оғриқ сездими, дарҳол шу ўтларни излаб топади. Линкольн яна бир марта билдирмай заҳар бериб эди, Тито дарҳол ўт чайнаб, ўзини омон сақлаб қолди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, Линкольннинг бир қариндоши унга бир ит инъом қилиб юборди. Ит Линкольнга чексиз қувончлар, Титога эса қайғулар келтирди. Бола бу абжир итни Титога ол-кишлаб куни ўтди. Тито бундай вақтларда босиқ ва сокингина бўлиб ётишни маъқул деб билди. Бориб-бориб, бу ишга катталар аралашиб, итни Тито ётган ерга қўймайдиган бўлди.

Тагин, Тито бутунлай босиқ ва сокин бўлиб қолди дея ўйламанг. Йўқ, у тишлашни ўрганиб олди. Ҳовлида ўйнаб юрган товуқларни таъқиб эта бошлади. Ўзини ухламишга солиб, товуқларни пойлади, товуқлар катакка яқинлашганда бирдан уларга ҳамла қилиб, довдирроқларини ушлаб олди.

Бу қилиғи етмагандай, Тито энди қўшиқ айтиб, одамларнинг жонига тегди. У асосан эрталаблари ва оқшомлари қўшиқ айтди.

Қўшиқ айтавериб, жуда кўп таёқ еди. Шу сабаблиям эшик ва дераза тавақалари тарақлаши биланоқ қўшиғини бас қилиб, катагига кириб оладиган бўлди. У, агар дарҳол бекинмаса, бошига таёқ ё тош келиб тушиши, ё бўлмаса сочма ўқ тегишини яхши биларди. Шундай қилиб, одамлар ва уларнинг қўлидаги милтиқларни кўриб, Титони кун сайин ваҳима боса бошлади.

Тито нега қўшиқ айтишни хуш кўриб қолди? Буни ҳеч ким билмайди. Унинг қўшиғи узиб-узиб улиш, зорланиб-зорланиб увиллашдан иборат бўлди. Итлар унинг қўшиғига жавобан ҳурди, бир сафар олис адирлар ортидан ёввойи чиябўри овоз берди. Тито одатда оқшомлари ва тонглари қўшиқ айтди, баъзан фавқулодда овозларни эшитиб қолиб, туш маҳаллариям қўшиқ айтди.

Тито катагининг энг тўрига бир тўда суяк яшириб ташлади, катак олдини тирнаб ковлаб, бир-икки тишлам гўшт кўмиб қўйди. Буларни оч қолганимда кунимга ярайди, деб қилди. Бекитган хазиналари қаердалигини эсидан чиқармади.

Одамлар унинг хазиналарини билиб қолганда, у дарҳол уларни ковлаб олиб, бошқа ерга кўчириб кўмди.

Тито асир бўлганига бир йил бўлди. У бу вақт ичида ўсиб-улғайиб, кўп нарсаларни кўриб, кўзи очилди. Қопқон, милтиқ деган офатларни кўриб, улардан эҳтиёт бўлишни ўрганди. Заҳарли тузоқлар қандай ҳид таратишини умрбод эсида сақлаб қолди, тасодифан заҳарланган гўштни еб юборганда нима қилиш кераклигини билиб олди. У, шунинг-



дек, оқшом ва тонг қўшиқларини мумкин қадар камайтиришни англаб етди. Итлардан ҳазар қилиш ва эҳтиёт бўлишни ўрганди. У айниқса бир нарсани, хавф-хатар пайдо бўлганда ерга қапишиб ётиб олиб, миқ этмаслик, қимирламасликни яхши билиб олди.

Тито кап-катта бўлганда ферма хўжайини иккита зотдор този ит сотиб олди. Хўжайин бу тозилар билан адирларда ҳамон қўй ва бузоқларга ҳамла қилаётган қолган-қутган чиябўриларни қириб ташламоқчи бўлди.

Тито хўжайиннинг жонига тегди, у шу сабаб-лиям тозиларни Титога ол-кишлаб, уларни чиябўри овига ўргатмоқчи бўлди. Титони халтага солиб уйдан тўрт миль олисга олиб бориб, халтадан чиқариб қўйди, ўзи қайтиб келиб, тозиларни ол-кишлади. Тозилар бошқа тўрт оёқли жониворлар чополмайдиган тезликда чопди. Қийқириқлардан ваҳимага тушган Тито, озодликка чиққанини билган Тито жон-жаҳди билан чопиб қўяверди. Аммо итлар билан унинг орасидаги тўрт миллик масофа борган сайин камайиб борди. Қочиб қутулишнинг иложи қолмади. Ана, ҳадемай итлар етиб келиб, уни бурда-бурда қилиб ташлайди. Шунда, Тито бирдан таққа тўхтаб, кетига қайрилди ва думини ликиллади, итларга пешвоз юрди.

Този — ўз оти ўзи билан този, ўзига хос ит. Тозилар қочган жониворни ёмон кўради, шу сабаб-лиям ҳамини қочоқни қувиб етиб, бурда-бурда қилиб ташлаш пайида бўлади. Қайси жониворлар қочмай, тозиларнинг кўзига тик қараса, улар билан дарҳол эл бўлади-қолади.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қувиб келаётган тозилар Титони ёнлаб ўтиб кетиб, нима қилишларини билолмай, яна қайтиб келди. Одамлар ҳам нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб қолди. Миттигина довжурок чиябўри барчани лақиллатди.

Тозилар думини ликиллади, қочмай турган чиябўрига ҳамла қилмади, аммо одамлар қарасалар, чиябўри киши билмас аста-аста юриб, олислаб кетяпти. Шунда ҳавода визиллаб арқон ўйнаб, Тито яна асир бўлди.

Хўжайин бир куни бу ҳангомани яна тақрорлади, бу сафар тозиларга бир қопагон итни ҳам қўшди. Аввалгидагидек, Тито бу гал ҳам тозиларни аҳмоқ қилди. Аммо уч дақиқалардан кейин ҳал-лослаб етиб келган ит, тозиларга ўхшаб сиполик қилиб ўтирмади. У бирдан Титонинг сержун бўйнидан олиб, бор кучи билан силкилай бошлади.

Яна бир неча дақиқалардан кейин Тито ерга чўзилиб, сулайиб қолди. Одамлар жасур итни ушлади, тозилар нима гаплигини билолмай ҳайрон бўлиб, теваракни айланди.


Чиябўриларни эрмак қилиб қийнаш қанақа бўлишини томоша қилгани келган бир инглиз Титонинг думини эсдалик учун сўради. Хўжайин рози бўлди. Инглиз Титонинг думини кўтариб, пичоқ билан ярмини қирқиб олди. Тито ангиллаб, ўзини ерга олиб урди, сўнг сапчиб туриб, боши оққан тарафга қараб қочди. У шу пайтгача муғамбирлик қилиб, ўзини ўликка олиб ётган экан. Оғриқ зўридан қутуриб, жон-жаҳди билан тиканли ўтлар ва шувоқлар оралаб чопди.

Ингичкаоёқ тозилар билан оққўкрак ит Титони қувиб кетди. Титонинг бахтига бир қуён итларнинг йўлини кесиб чопди. Итлар Титони кўздан йўқотиб қўйиб, қуённи қувиб кетди, қуён эса юмронқозиқнинг инига уриб кетди. Тито қутулиб кетди.

У ўзини яхши ҳис этди, аммо думининг қирқилган ери зирқираб оғриб турди. У адирлар орасидан ўзига бирор паноҳ топиш учун шиддат билан буталарга бекиниб чопди, жарлар оралаб чопди.

### III

Ҳар бир ёввойи ҳайвон дунёни билишда учманбадан фойдаланади. Биринчи манба — бу, аждодлардан мерос бўлиб қолган ҳаётий тажриба, сезгирликдир. Аждодлар бу тажрибани асрлар мобайнида хавф-хатарлар билан олишиб топган. Бу тажриба айниқса ҳайвон эндигона дунёга келиб, оёққа тура бошлаганда ғоят асқотади. Иккинчиси — ота-оналар ва шу наслдаги қари ҳайвонлар тажрибаси. Бу тажриба шахсий намуна си-



фатида ўргатилиб, ёш ҳайвон ҳаётининг дастлабки биринчи йилида зурур вазифани ўйнайди. Учинчиси — ҳайвоннинг ўз бошидан кечирган тажрибаси бўлиб, бу тажриба ёш ўтган сайин мустаҳкамлашиб, муҳимлашиб боради.

Аждодий сезги ҳайвонга ҳамиша ҳам асқотавермайди, боиси, ҳайвон зоти етарлича ўзгарувчан, ҳаракатчан эмасдир, ҳаёт эса ҳамиша ўзгарувчандир. Иккинчи манбанинг заифлиги шундаки, ҳайвонлар ўз фикрини тил билан ифодалаб беролмайди. Дунёни билиш борасидаги учинчи манбанинг ёмон тарафи шуки, бунда шахсий тажрибалар қалтис воқеалар туфайли орттирилади. Булардан қатъий назар, ҳар учала манба бир бўлиб, ҳайвонни турли балойи қазолардан асрай олади.

Тито ҳаётни аждодлари ўрганган каби ўрганмади. У бошқа ёш чиябўриларга нисбатан кўпроқ шахсий тажриба орттирди, аммо ўздан катталарнинг шахсий намунасини кўрмади, шунингдек, аждодий сезги нима эканлигини билмай ўсди.

Тито тинмай чопди. Баъзан думининг қирқилган жойини ялаш учун тўхтади. Ниҳоят, чопиб-чопиб, юмронқозиқлар гузарига дуч келди. Бир тўда юмронқозиқ инлари олдида ўтириб, бу чақирилмаган меҳмонни томоша қилди, Тито янада яқин келиши билан ин-инларига кириб кетди. Тито юмронқозиқ овламоқчи бўлиб, бекорданбекор тентираб юрди.

Тито дарё соҳилидаги ўтлар орасидан иккита сичқон тутиб олмаганда оч қоларди. У бир-икки кундан кейин қорин тўйғазиш йўлини тамоман билиб олди. Чунки теварак-атрофда сичқон, қуён, юмронқозиқ, калтакесак жуда мўл эди.

Тито ов қилишда кун сайин устомон бўла борди, натижада омади ҳам юришди. Бу орада бир-икки бор ит эргаштириб юрган одамларни кўрди. Бундай вақтда унинг ўрнида бошқа бир ёввойи чиябўри бўлганида борми, шу заҳотиёқ ириллаган бўларди ё ганимларини кузатиш учун адирга чиқиб олган бўларди. Аммо Тито бундай қилмади, бунини ўта нодонлик ва хавфли деб билди. У ерга узала тушиб ётиб, ўликдай қотиб қолди. Борди-ю, қочганида албатта итларнинг эътиборини тортган бўларди. Шундай қилиб, фермада орттирган тажрибаси Титони ҳаёт-мамонт хавфидан сақлаб қолди.

Чиябўрилар чопағонликда донг таратган. Чиябўри бу дунёда уни ҳеч қандай ҳайвон қувиб

етишига ишонмайди, шу сабабляям қувиб етмоқчи бўлганларни майна қилиб ўйнайди. Аммо този қувган чиябўрининг шўри қурийди. Афсуски, чиябўри този билан ўйнашмай, ундан иложи борича тезроқ қочиб қолиш кераклигини вақт ўтгандан кейин билади.

Тито занжирбанд бўлиб ўсиб, чопиш нималигини билмади. У шу боисдан ҳам оёқларига ишонмади. У фақат ақлига ишониб яшади.

Тито узун ёзни Литл-Миссури дарёси бўйларида ўтказди. У ёз бўйи овнинг фириб-найрангларини машқ қилди. Эркин ўсганда эди, у бу ҳийла-найрангларни сут тишлари тушмасданок ўрғаниб олган бўларди.

У иложи борича одам яшайдиган жойдан қочиб яшади, одам ё бирор ҳайвон ҳидини олса, дарҳол ўзини панага олди.

Тито ёзни ёлғиз ўтказди. Кундуз кунлари ёлғизлигини ҳис этмади, кун ботиши биланок қўшиқ айтгиси келаверди.

У қўшиқни ўзи тўқиган эмас. Қадим-қадим замонлардан буён чиябўрилар ўз кўнгилларини шу ёввойи оҳанглар билан ифодалаб келган, бу оҳангларда чиябўрининг қалби бор, уни бино этиб кетган ота-бобосининг арвоҳи бор. Шу сабабляям бир чиябўри қўшиқ куйлаб бошласа, бошқалариям эшитиб, шу заҳотиёқ нидо беради. Аскарлар билан ҳиндулар буғу асбоби ё ноғора овозини эшитиб, дарҳол жанговар ҳолатга келади. Бу, ана шу ҳолатни эслатади. Ҳар бир чиябўри қаерда бўлишидан қатъий назар, тун қўшиғига нидо беради. Тун қўшиқлари кун ботганда, ой боққанда куйланади. Энг сержаранг, энг мунис қўшиқ тонгда куйланади:

— У-в-ввв-оо-о-у...

Бу ёввойи нақорат қайта-қайта такрорланади. Инсон учун бу қўшиқ шунчаки нақорат бўлиб туюлади, сабаби, чиябўри подачининг қўшиқларидаги сўзларга тушунмаганидек, инсон ҳам чиябўрининг қўшиқларидаги нозик торларга тушунмайди.

Тито одатига биноан маълум бир вақтда қўшиқ айтди. Бошидан кечирган кўргиликлари сабоқ бўлиб, оз-оз, аста-аста қўшиқ айтди. Шундай бўлса-да, бир неча бор уруғ-аймоқларининг нидосини эшитди, кўнгли бузилиб, жим бўлиб қолди, дарҳол маконини ўзгартирди.

Бир куни Катта сой бўйларида тентираб юриб, жабтовур бир изга дуч келди. Афтидан, бу ердан



гўшт судраб ўтишган эди. У хушбўй гўшт исини олиб жўнади. Кўп ўтмай бир тишлам гўшт топиб олди. У жуда оч, кўпдан буён оч эди. Шу сабаб-лиям нафси кўзгагандан-кўзгаб, гўшздан ғалати бир ҳид келаётган бўлишига қарамай, уни ютиб юборди. Бир неча дақиқадан кейин қорнида кучли оғриқ бошланди. У бир вақтлар фермада бир боланинг гўштга заҳар солиб берганини эслади. У оғзига кўпик келиб, титраб-қақшаб, бир-иккита ўтни тишлаб узиб олди, еган гўштини қусиб ташлаб, чангак бўлиб ётиб қолди.

Бу гўштни Жек ташлаб кетиб эди. У эрталаб дарё кўпригидан ўтаётиб, олисдан чангак бўлиб типирчилаб ётган Титони кўрди. Берган заҳари ўз ишини қилганини кўриб, дарҳол Титонинг олдига етиб келди. Тито от туёқлари дупур-дупурини эшитиб, жон-жаҳди билан сапчиб турди. Жек Титони шунчаки қўрқитмоқчи бўлиб, тўппонча отди. Тито қочмоқчи бўлди, аммо орқа оёқларини ололмади. У бор кучини тўплаб, олға босди, орқа оёқлари судралиб-судралиб чопди.

У борди-ю, жойида ётаверганда, яна бир-икки дақиқадан кейин оламдан ўтган бўларди. Уқ овози билан одам ҳиди уни оёққа туришга мажбур қилди. У энди ўз хасталиги билан ўзи кураша бошлади. Жонсиз орқа оёқлари кучга тўлди, оёқлари хасталикка эмас, чайир иродага бўйсунга бошлади. Тўппончанинг ҳар бир овози Титонинг кучига янада куч қўшди. Тито ёввойиларча бир зўр бериб эди, бир орқа оёғи яхши бўлиб кетди. Яна бир зўр бериб эди, иккинчи орқа оёғи ҳам ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетди. Тито адирлар оралаб чопди, ҳамон тан-танини зирқиратаётган қорин оғриғига парво қилмай чопди.

Агар Жек Титони таъкиб қилиб қувмаганда, Тито ерга ётиб олган бўлар, кейин, ўз-ўзидан ўлиб кетган бўларди. Бахтига, Жек уни тинмай





қувиб, ўқ кетидан ўқ отиб келаверди. Ниҳоят, икки милча йўл чопганларида Титонинг қорин оғриғи қолди. Шундай қилиб, ғаним Жек Титони жон-жаҳди билан чопишга, бор кучини ишга солишга мажбур қилди. У бу иши билан Титони касал ҳам ажалдан сақлаб қолди.

Тито бу саргузаштдан шундай хулоса чиқариб олди: ҳалигидай ҳиди бор гўшт ажал азобини олиб келади. Бу ҳидни эсда сақлаш, энди ундан эҳтиёт бўлиш керак.

Хайрият, қопқон ё заҳар билан ов қилаётганларида итларни қўшмайдилар, бўлмаса итларнинг ўзи қопқонга тушиб қолган бўларди, ё заҳарланиб ўларди. Титони таъқиб этишда бирорта ит қўшилганда борми, шу билан бизнинг саргузаштимиз ҳам ниҳоясига етган бўларди.

#### IV

Куз совуғи яқинлашиб, Титонинг ишлари юришиб кетди. У ўз қилиқлари-ю, одатлари билан чинакам ёввойи чиябўри бўлиб олди, оқшом қўшиқларини дадил-дадил куйлай оладиган бўлди.

Бир ойдин тунда қўшиғига жавоб овози келди, шунда у эҳтиёткорликни йиғиштириб қўйиб, ўз зотига нидо берди, хиёл ўтиб, бир улкан қора чиябўри пайдо бўлди. Чиябўри ҳадиксираб-ҳадиксираб Титога қараб юрди. Титонинг ёллари хурпайди. Ерга қапишиб ётиб олиб, нотаниш чиябўрини пойлади. Нотаниш чиябўри ўктам юриб келди. Тумшугини ҳавога чўзиб ҳид олиб, Титога қараб юрди. Титони бир айланди, бу билан Титоям унинг ҳидини олишини истади, сўнг, дўстона дум силкиди. Бу бўлажак дўстлик нишонаси бўлди. Тито шундан кейингина ўрнидан туриб, чўлтоқ думини силкиди. Шундай қилиб, улар танишиб олди.

У Титога иккита келадиган улкан чиябўри бўлиб, ягринидаги қора тасмалар ҳаминқадар катта ҳам қоп-қоралигидан подачилар унга Эгарлик чиябўри дея лақаб қўйганлар. Тито билан Эгарлик чиябўри шу кундан эътиборан елкама-елка ҳаёт кечирди. Бу, улар узун кун ёнма-ён юрдилар, деган гап эмас, албатта. Йўқ, улар баъзи кунлари бир-бирларидан бир неча милаб олисда яшади. Аммо кеч кира бошлаши биланоқ ё униси, ё буниси бирор тепаликка чиқиб олиб, баланд овоз билан қўшиқ айтадиган бўлди:

— Ув-ув-ув-оу-уу-ууу-ууу...



Қўшиқдан кейин бир-бирлари билан топишиб, бирорта ўлжа топиб келишга шайландилар.

Эгарлик Титодан бақувват эди, аммо Тито ундан илмироқ ва донороқ эди, шу сабабляим арлони бўри бўлиб олди. Бир ой ҳам ўтмай, аввал бир чиябўри, кейин яна иккитаси келиб қўшилиб, мустақил бир иттифоқ туздилар.

Миттигина, чўлтоқдум Тито чиябўрилар орасида ўзининг ўта билимдонлиги билан ажралиб турарди. У одамларнинг макрига қандай чап беришни яхши биларди. Чиябўрилар Титонинг ов қилиш йўлига тан берди, чунки бир сафар усиз овга бориб, қуруқ қайтиб келдилар.

Бир қўшни чорвадорнинг йигирма беш қўйи бор эди. Отарни улкан бир қопағон ит қўриқларди. Қиш кунларининг бирида иккита чиябўри куппа-кундузи кунни ана шу отарга ҳамла қилди, аммо ит уларни олдига солиб қувди.

Яна бир-икки кундан кейин чиябўрилар оқшом вақти отарга тўдаси билан ҳамла қилди. Тито буни қандай уюштирганини аниқ билиб бўлмайди. Фақат шу нарса аниқки, бу ҳамланинг яловбардори ҳам, йўлбошчиси ҳам Тито бўлди. Чиябўрилар толзорда яшириниб турди, жасур ва эпчил Эгарлик тўғри отарга қараб йўл олди, баланд пардада увиллаб, улкан итни курашга чорлади. Ит қаҳр билан ириллаб, олға чопди, Эгарликка кўзи тушиб, унга ташланди. Эгарлик итни чунонам яқинига қўйиб бердики, ит уни таппа босиб олиши ҳам мумкин



эди, ammo у охирги дақиқада чап беравериб-чап беравериб, Эгарликни ўрмон ичкарасига илакиштириб олиб кетди. Тито чиябўрилар билан толзордан бемалол чиқиб келиб, отарни йигирма ёққа қаратиб қувди, қўйларни битта-битталаб ёриб ташлаб, қорга қатор қилиб сулайтириб кетди.

Қўйчўпон ити билан иккови қоронғида қўй жасадларини зўрға йиғиштириб олди. Эртаси эрталаб, бўрилар тунда тўрттача қўйни отардан хийла олисга олиб бориб бўғизлаб, зиёфат қилганларига амин бўлди.


Қўйчўпон қўй мурдаларига заҳар сешиб ташлади. Эртаси кечаси чиябўрилар яна келди. Тито қўй мурдаларини ҳидлаб кўриб, заҳарланганини билди, ириллаб, чиябўриларни огоҳ қилди, сўнг, бошқалари оғиз солмаслиги учун мурдаларни булғаб ташлади. Шундай бўлса-да, бир очкўзроғи Титого қулоқ солмай, ўлик гўштга оғиз солди. Оқибат, чиябўрилар галаси кетди, очкўз бўри эса қорда қўй мурдалари қабатидан жой олди.

## V

Жек теварак-бошдан чиябўрилар кун сайин ёмон бўлиб бораётганини эшитди. У энди чинакам шайланиб, ҳеч бўлмаса Катта сойда яшайдиган чиябўриларни қопқон ва заҳарлар билан йўқ қилмоқчи бўлди. Бўш вақтларида итини эргаштириб, Литл-Миссури соҳиллари ёқалаб ов қилди. Узун қишни шундай тентираб ўтказди, ишлари бесамар бўлмади. Иккита бўрини ҳамда чўлтоқ Тито галасига тобе бир нечта чиябўрини ўлдирди.

Чиябўриларнинг узун қиши қатор-қатор ҳамалару жасоратларга мўл бўлди. Қорда қолган излар ва ўз кўзи билан кўрганларнинг гаплари бу миттигина чўлтоқ Титонинг галаси эканлигидан далолат берди.

Шу ҳамлаларнинг бирови кўп шов-шувга сабаб бўлди.



Бир оқшом чиябўрилар қўшиғи Чимни-Пот фермасининг шундай яқингинасидан эшитилди. Итлар ҳуриб жавоб берди, занжирланмаган бўш бир ит чиябўрилар қўшиғи келган тарафга қараб чопди. Аммо балониям тополмай, ириллаб қайтиб келди.

Йигирма дақиқалардан кейин чиябўрилар қўшиғи янада яқиндан эшитилди. Бўш ит яна қоронғиликка қараб чопиб кетди. Бир дақиқалардан кейин қаҳр билан ҳуришидан маълум бўлдики, у ганим изини олди. Ит қутуриб ҳуриб, овози тобора олислаб кетаверди, бора-бора овози абадий ўчди.

Одамлар эртаси эрталаб қордаги изларни кўриб, тун саргузаштини билиб олди.

Чиябўрилар дастлаб қўшиқ куйлаб, итлар бўшми ё бўш эмаслигини билмоқчи бўлди. Фақат биттагина ит бўш эканлигини билишиб, ишга киришди. Бешта чиябўри итларнинг ферма йўлида қолдириб кетган изларини олиб, паналаб турди, бирови олға юриб, улиди. Ит учарларча чиябўри улишига жавобан ҳуриб келди, чиябўри уни кетидан илакиштириб, пистирмага олиб борди. Биттагина ит олтита чиябўрининг олдида нима деган гап?

Чиябўрилар итни бурда-бурда қилиб, еб қўйди.

Бу фожиа бир вақтлар худди шу ит Титони талаган ерда содир бўлди. Одамлар эрталаб қордаги изларга разм солиб, бу иш режали равишда амалга оширилганини, унинг ташкилотчиси, шубҳасиз, чўлтоқдум Тито эканига амин бўлдилар.

Барча қайғуга толди, Линкольн ғазабга тўлди, Жек шундай деди:

— Менимча, чўлтоқ Тито итдан ўчини олиш учун атайин келган.



## VI

Баҳор келиб, Тито билан Эгарлик янада аҳил дўст бўлиб олди. Чиябўрилар одамлар каби бир-бирларининг номини атаб чақиролмайди, жумладан, Тито билан Эгарлик ҳам бир-бировларининг отини айтолмайди, аммо улар ўзларига хос калта-калта увиллаб, бир-бирларини чақира оладилар.

Чиябўрилар галаси ўз-ўзидан тарқалиб тўзғиб кетди, боиси, баҳор келиши билан чиябўрилар жуфт-жуфт бўлиб олди, бундан ташқари баҳорда ўлжалар сероблашиб, гала-гала бўлиб ов қилишга ҳожат қолмади.

Одатда, чиябўрилар инларида ухлаёлмайди, улар кечаси билан уёқдан-буёққа юриб чиқади, кундузи бирорта адирнинг офтобрўй бетини олиб, бир-икки соат ухлаб олади, чунки бу ердан ғанимнинг келаётган-келмаётганини билса бўлади. Баҳор чиябўрилар турмуш тарзини ўзгартириб юборади.

Кунлар исиб қолганда Тито билан Эгарлик ўзларининг бўлажак оиласи учун ин ҳозирлай бошлади. Улар унча катта бўлмаган бир жар бетидан бўрсиқнинг хароба инини топиб олди, инни тозалаб, катгартириб, чуқурроқ қилди. Инга ўт-ўланлар, барглар ташлаб, шинам қилиб олди. Ин Литл-Миссури ғарбидан ярим милча келадиган адирларнинг қуруқ ва офтобёр нишабида эди.

Тито бутун вақтини янги кулбаси теварагида ўтказди. Эгарлик унга егулик ташиб турди, баъзан унинг ўзи ҳам юмронқозиқлар гузарига овга борадиган бўлди. Тито бир вақтлар худди шу гу-





заргача қочиб келиб озодликка эришган, айна вақтда думидан ажралиб қолган эди. У хотираларга ортиқча фарқ бўлмади, борди-ю, фарқ бўлганда ўзининг устидан ўзи кулган бўларди. Дарҳақиқат, ўшанда у нақадар нодон эди-я. Мана, орадан йиллар ўтиб, бинойидай айёр ва қўрқинчли бўри бўлди.

Бир юмронқозиқ бошқаларидан холисроқ ердан ўзига ин қазиганди. Унинг ини ҳавас қилгудек эди.


Бир куни Тито ана шу юмронқозиқ ўз инидан ўн қадамча берида ўт-ўлан юлаётганини кўриб қолди. Ёлғиз юмронқозиқни тутиб олиш осон, чунки унинг бор-йўғи иккита кўзи бор, юмронқозиқлар гузарида юрганларини ушлаб олиш эса жуда қийин, чунки у ерда юмронқозиқлар кўп, демак, кузатадиган кўзлар ҳам кўп. Шу сабаблиям Тито вазиятдан фойдаланмоқчи бўлди. Астагина бекиниб бормоқчи бўлди, аммо қовжираб ётган ўт-ўландан бошқа паноҳ тополмади, унда қандай қилиб ниятини амалга оширади?

Оқ айиқ ясси муз бетида юрган тюленга қандай қилиб яқин боришни билади, ҳинду ўглаб юрган кийик яқинига йўлаш йўлини билади. Жумладан, Тито ҳам ўз ўлжасига қандай қилиб яқинлашишни билади. Ана, у нияти ижросига шайланди.

Юмронқозиқ орқа оёқлари билан ўтирганда яхши кўради. Ўт-ўланга берилиб, муккасидан кетганда кўзлари яхши кўрмайди. Тито буни яхши билади. Сарик-кулранг ҳайвон сарик-кулранг қум ва ўт-ўланлар орасида фақат қимирласагина кўринади. Тито буниям яхши билади.

Шундай қилиб, Тито ўзини унчалик ҳам яширмай, юмронқозиққа қараб йўл олди, юмронқозиқнинг исини олиб туриш учун шамолга қарши юрди. Юмронқозиқ олд оёқлари билан ниманидир чангаллаб, олға юрди, Тито шу заҳотиёқ жойида қотиб қолди. Юмронқозиқ ўт-ўланларга тумшуғини тикди, Тито олға юрди, борди-ю, юмронқозиқ ўтдан бошини кўтариб қолса, яна тошдай қотиш учун уни диққат билан кузатиб борди.

Юмронқозиқ бир-икки марта сергакланиб, те-варакка назар солди, бирор хавф-хатар сезмай,



яна ўт-ўланга эгилди. Тито билан юмронқозиқ ўртасида ўнтача, кейин бештача қадам қолди, юмронқозиқнинг парвойи фалак бўлди. Ниҳоят, Тито шиддат билан бир сапчиб, парвойи фалак юмронқозиқни тишлаб олди.

## VII

Титонинг ишлари ҳамиша ҳам ўнгидан келавермади. Бир куни майдагина кийикни энди ушлаб оламан деяётганда, онаси келиб қолиб, Титонинг бошига тепиб ёриб қўяй деди. Шундан кейин кийик зотига яқин йўламайдиган бўлди, кийик овлашдан кўнгли қолди.

Бир-икки марта шақилдоқ илондан ўзини зўрға сақлаб қолди. Бир неча бор овчилар уни олисга отадиган милтиқдан ўққа тутди. Ҳаммасидан ҳам бўрилардан эҳтиёт бўлишга тўғри келди. Чунки бўрилар чиябўрилардан улканроқ ва кучлироқ келади, аммо чиябўрилар уларга нисбатан тез чопади, шу боисдан ҳам яланг ерда бўрилардан қочиб қутулиб кетса бўлади. Аммо уларга кунжак ерда дуч келиш ғоят хавфли.

Титонинг ғалати бир одати бор эди, бу одат баъзан бошқа бўрилар ва чиябўриларда ҳам учраб турарди. Бу, олис йўллар мобайнида дуч келган еб бўлмайдиган нарсаларни оғзида олиб юриш одати эди. У жуда кўп марта оғзида ёввойи қорамол шохи ё этик тишлаб, икки милаб йўл чопди, бундан бор-йўқ мақсади, бошқа бир яхшироғи учраб қолса, бунисини ташлаб, унисини олиш эди.

Титонинг бу ажабтовур қилиғи Чимни-Пот фермасининг бир нечта този ити ўлимига сабаб бўлди. Жек заҳарланган гўштлар тўғрамини ғарбий адирларга сочиб чиқди. Тито гўшларнинг заҳарланганини билиб, уларга тегмади. Бир куни шу гўшлардан икки бўлагини олиб, Литл-Миссури орқали Чимни-Потга йўл олди. Уйни олисроқдан четлаб ўтди, шунда, итлар ҳурди, у оғзидаги гўштни ерга ташлаб кетди. Эртасига хўжайинлар итларни оёғини ёзиб келиш учун бўшатди. Итлар заҳарланган гўштга дуч келиб, уни еб юборди. Ўн дақиқалардан кейин тўрт юз долларлик този итлар ерда тарракдай қотиб қолди. Шу воқеадан кейин чиябўриларни заҳар бериб ўлдирмаслик ҳақида қонун қабул қилинди. Қонун чиябўриларга жуда қўл келди.

Тито тез орада ҳар бир ов, ҳатто бир зотли

жониворларни овлаш ҳам ҳар сафар ўзига хос алоҳида шумликни талаб этишини билиб олди. Масалан, ўз зотларидан холисроқда яшаётган юмронқозиқни осонгина қўлга туширди, аммо бошқа юмронқозиқларни бундай осонликча ушлаб бўлмайди, чунки улар бир-бирларига яқин яшайди. Жумладан, юмронқозиқлар гузарининг қоқ ўртасида жуда ейишлик, семиз бир юмронқозиқ яшайди, бу юмронқозиқлар оқсоқоли. Тито бир неча бор ана шу оқсоқолни ушлаб емоқчи бўлди. Бир сафар оқсоқолнинг шундайгина яқинига бориб қолди, аммо ёнгинасидан шақилдоқ илон вишиллашини эшитиб, чекинишга мажбур бўлди. Шақилдоқ илон юмронқозиқни ҳимоя қилмади, йўқ, у ўз тинчлигини қўриқлади. Тито илондан қўрқиб ўлжани ташлаб қочди. Юмронқозиқлар оқсоқолига очиқ-ойдин ҳамла қилиб бўлмайди, сабаби унинг ини бутун гузарга кўриниб турибди. Охиروқибат, Тито шароит тақозо этиб, бирон-бир йўли топилгунича пойлайдиган бўлди.

Чиябўриларда баланд ерга чиқиб олиб, йўлдан ўтган-кетганларни кузатиш, сўнг, пастга тушиб, изларни искаб кўриш одати бор. Титода ҳам шундай одат бор.

Бир куни шаҳардан бир соябон арава келиб, жанубга қараб ўтиб кетди. Тито ерга қапишиб, соябон аравани пойлаб ётди. Аравадан нимадир тушиб қолди. Арава кўздан ғойиб бўлганда, Тито йўлга сапчиб тушиб, одати бўйича изларни ҳидлаб кўрди, нима тушиб қолганини билди. Йўлда тушиб қолган нарса олма эди. Лекин Тито олма нималигини билмасди. Шу сабаблиям, кўз олдида турган олмани қуманжирнинг баргига ўхшаш юм-юмалоқ, кўм-кўк бир кераксиз нарса деб ўйлади. Фақат бу думалоқ нарсанинг қуманжир баргидан фарқи, унинг тикани йўқ экан-у, аммо ҳиди бор экан. У олмани ҳидлаб кўрди, сўнг, тумшуғи билан туртиб, юмалатиб кўрди, кейин, бепарво ўтиб кетмоқчи бўлди. Аммо олма офтобда чунонам ялтиради, Тито тумшуғи билан туртганда чунонам чиройли юмаладики, у беихтиёр олмани оғзига олиб, адирлар оша юмронқозиқлар гузарига йўл олди. Аини шу вақтда юмронқозиқлар гузари узра чўл қирғийлари пайдо бўлди, юмронқозиқлар думларини силкиб, уларга қараб хўқ-хўқ этди, сўнг, ин-инларига кириб кетди.

Юмронқозиқлар ғойиб бўлгач, Тито кўпдан буён тиш қайраб юрган оқсоқолнинг инига қараб юрди. Олмани оқсоқолнинг инидан икки фута




берида қолдириб, семиз юмронқозиқнинг ҳидидан баҳра олиш учун ин оғзига тумшуғини қўйиб, тўйиб-тўйиб ҳидлади. Бошқа юмронқозиқлар инига нисбатан оқсоқолнинг инидан мазалироқ ҳид келарди. У тўйиб-тўйиб ҳидлаб бўлиб, индан йигирма қадамлар наридаги буталар панасига ўтиб ётди. Хиёл ўтиб, қандайдир бир ботирроқ юмронқозиқ инидан бошини чиқариб қараб, ҳеч қандай хавф-хатар сезмагач, босиқ овозда ҳўқиллади. Шундан кейин юмронқозиқлар бирин-кетин инларидан чиқиб келди, йигирма дақиқалардан кейин юмронқозиқлар гузарида яна ҳаёт қайнади. Узини ҳамиша авайлаб юрадиган оқсоқол инидан энг охирида чиқди. Эҳтиёт юзасидан теваратрофга назар солди, сўнг, ўзи тупроқ уйиб ясаган тепачага чиқди.

Юмронқозиқлар инни тўғридан-тўғри ер тагига қараб қазилган чуқурчага ўхшайди. Ин оғзида тупроқ уйилиб ётади. Тупроқ уюмининг сирти нишаб келади.

Оқсоқол ўз инни бўсағасида турган юмалоқ бир нимага кўзи тушиб, кўрқиб кетди. Диққат билан разм солиб, бу думалоқ нарса ундай хавфли эмаслигига, аксинча, жуда қизиқ эканлигига амин бўлди. У эҳтиёткорлик билан олмага яқин келди, олдин искаб кўрди, кейин, тишлаб олмоқчи бўлди. Аммо олма силлиқ, нишаб ерда юмалаб кетди. Юмронқозиқ олма кетидан борди, бир тишлам узиб олиб, олдида мазали бир нарса турганини билди. У олмадан ҳар тишлам олганда, олма янада олиста юмалаб кетаверди. Оқсоқол ҳеч нимадан кўрқмай, олмани қувиб бораверди. Чунки барча юмронқозиқ биродарлари ер юзида юрарди, шу сабаблиям парвойи фалак бўлиб, олма қувди.

Олма сойдаги буталарга қараб юмалади. Буталар панасида эса Тито пойлаб турибди. Тито





ғужанак бўлиб, пайдор оёқлари таранглашиб, юмронқозик билан ораларида уч сакраб етса бўладиган масофа қолишини пойлади. Ниҳоят, шундай вазият келди. Тито камондан отилган найзадай учиб бориб, юмронқозикқа тиш солди.

Тито олмани ин олдида тасодифан қолдириб кетдими ё атайин қўйиб кетдими, буни аниқ билмаймиз. Фақат шуни биламизки, олма Титонинг кунига яради. Агар Тито бундай воқеани яна бир-икки бор бошидан кечирса ё биронта ақллироқ чиябўри бошидан ўтказса — одатда бундай воқеалар ақлли чиябўрилар ҳаётида содир бўлади — унда, чиябўрилар янгича ов қилиш йўлини кашф этган бўлардилар.

## VIII

Баҳор келди. Табиат гўё ўз-ўзига мана бундай дегандай бўлди: «Шундай бир макон яратиш керакки, бу маконда жамики олам гўзалликлари жамулжам бўлсин, у одамзот учун, ҳайвонлар ва қушлар учун жаннатмакон бўлсин». Табиат ана шу ният билан ҳаёт нафаси қайнаб турган мана бу гўзал ёввойи адирларни, серсоя ўрмонлар билан уланиб кетган яп-яланг даштларни, қуёш нурида товланаётган қўллару дарёларни яратди. Табиат юксак адирлар юрти бўлмиш, мангу тиниқ осмони, мангу ёруғ тупроғи бўлмиш бу макондан ўз марҳаматини аямади, ваҳоланки, табиат марҳаматини ўзга юртларга олтиндай эплаб сочди.

Чимни адири ғарбидаги майда-майда сойлар қўм-қўк ўтларга бурканди. Баҳор ер юзини рангоранг гуллар билан безади. Ҳатто ғариблар ғариби бўлмиш қуманжир ҳам ўзининг чиғаноқ аждодига ўхшамай, оламга гўзал гуллар ҳада этди.

Сойлару адирларда баҳор муаттар ҳид таратди. Қиш очарчиликлари барҳам еб, тўкин ёз бошланди. Табиат ўзининг ана шу фаслида ёш чиябўриларга ҳаётни кўришни мушарраф этади.

Оналарга ўзларининг норасида гўдагига қандай қилиб меҳр-муҳаббат қўйишлари кераклигини ўргатиб бўлмайди. Тито ҳам она бўлиб, ўзининг қоронғи, аммо илиқ кулбасида гўдаklarини ялаб-юлқаб, суйиб-эркалаб, тарбиялаб ўтирди.



Гўдакнинг меҳр-оҳанрабои билан бирга ўзига яраша ташвишлари ҳам бор. Тито авваллари фақат ўзини ўйларди. Ғариб болалигида нимани кўрган бўлса, сўнгги дарбадар ҳаётида нимани билган бўлса, барча-барчаси ўзи учун бўлди. Энди ўзини ўзи нутиб, гўдакларига қаради.


Титонинг катта бир қайғуси кулбасини сир сақлаш бўлди. Кулбасидан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, теvarакка аланг-жалаанг бўлиб кириб-чиқиб турди.

Тито одамлар тасавурида ёвуз тишли, ҳориб-толиш нималигини билмайдиган, метин оёқли, ўтакетган айёр, ақлли, борган жойини тўс-тўполон қилиб келадиган ҳайвон бўлиб қолди. Гўдаклари эса Титони меҳрибон она, еб-ичириб боқадиган паноҳлари деб билди. У гўдакларини яхшилаб боқди, бағрига босиб иситди, кўз қорачиғидай авайлади. Борди-ю, бирон хавф-хатар туғилса, гўдаклари учун ўлимга ҳам шай бўлиб турди.

Янги туғилган чиябўрилар бесўнақай ва бефаҳм бўлади, шу сабаблям оналаридан бошқага ёқмайди. Аммо кўзлари очилиб, оёқлари қотиб, офтоб нурида бир-бирлари билан ўйнайдиган, егулик олиб келаётган оналарининг меҳрибон овозини эшитиб пешвоз югурадиган бўлганда, гўдак чиябўрилар оламдаги энг абжир, энг хушрўй жониворга айланади. Титонинг тўққизта боласи ҳам ана шундай катта бўлиб қолди, уларни кўриб завқ-шавқ олиш учун оналик меҳр-муҳаббатига зарурат қолмади.

Ёз келди. Гўдак чиябўрилар гўшт ея бошлади. Тито Эгарлик ёрдамида ўзига ҳамда болаларига гўшт ташиш билан машғул бўлди. Бир марта юмрон-қозик олиб келса, бир марта оғзини тўлдириб каламуш олиб келди, яна бир марта қуён топиб келди.

Чиябўрилар оиласи қоринларини тўқлаб, офтобга ёйилиб ётди. Тито баландроқ бир тепага чиқиб, диққат билан теvarак-атрофни кузатди, бирор ғаним унинг бахтиёр кулбасини пайқаб қолишидан огоҳ бўлди. Хушчақчақ болалари эса ўйин билан машғул бўлди, капалак қувалаб ўйнади, бир-бирлари билан олишиб ўйнади, ин бўсағасида сочилиб ётган суяк ва патларни юлқилаб тортиб ўйнади. Барча оилаларда бўлганидек, Титонинг оиласида ҳам бир нимжонроғи онасига эргашиб олиб, гоҳ онасининг елкасига осилиб, гоҳ думидан тортиб ўйнади. Ҳаёт шундай завқли, шундай завқли! Тито ғурурга тўлди, Тито бахтиёр бўлди!



Жек подачи бой бўлиш учун жуда кўп уринди, аммо ниятлари бирин-кетин барбод бўлди, охир-оқибат, ниятига етиши учун меҳнат қилиши кераклигини англаб етди.

Бир куни хаёл суриб ўтириб, уйда парранда боқиб бойиш мумкинлиги хаёлига келди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, бир тўда курка сотиб олиб, ғариб кулбасининг бир четида боқа бошлади. Икки кун куркаларни парваришlash билан машғул бўлди, учинчи куни уларни ўз ҳолига қўйиб берди. Жек узун кун юриб-юриб, ҳувиллаган кулбасига қайтиб келиб, куркаларининг тобора камайиб бораётганини кўрди. Бора-бора биттагина қари курка қолди.

Жек йўқолган куркаларига ачинмади, фақат кўзга кўринмас ўғри қаҳрини кўзғади.

У энди чиябўриларни қириш билан машғул бўлди. Чорвадорлар уни заҳар, қопқон, отлар билан таъминлаб турди. Агар ишончли одам бўлса, сахий чорвадорлар устамасига пул ҳам берарди, аммо Жек ишонса бўладиганлардан эмасди.

Чиябўриларга қирон келтириш учун ёз фасли қулай, чунки ёзда чиябўрилар ини тўла бола бўлади. Бундай инларни излаб топишнинг эса бир неча хил йўли бор. Шулардан бири бирор тепага чиқиб олиб, инидаги болаларига егулик олиб келаётган чиябўрилар онасини пойлашдир. Такасалтанг Жек ана шу йўлни маъқул кўрди, чунки бунда узун кун ёнбошлаб ётилар эди. Жек ёнбошига дурбинини қўйиб, отини бўшатиб юбориб, адирларда ҳафталаб ётди. Қиладиган иши хуррак отиб ухлаб, аҳён-аҳёнда теварак-атрофга уйқули кўзлари билан қараб қўйиш бўлди.

Чиябўрилар ялангликлардан юрмай, сой ва жарлар оралаб инларига қайтадиган бўлди. Аммо улар ҳамиша ҳам сойлардан юриш иложини қилолмади, оқибат, Жек кунларнинг бирида адирнинг яланг нишаблиги бўйлаб келаётган бир қора шарпага кўзи тушди. Жек бу чиябўри эканини билди. Чиябўри оғзида бир нарса олиб келарди, демак, шу яқин-атрофда унинг ини, инида болалари бор. Жек бу жойни яхши кўриб олиб, эртасига яна қайтиб келди. Узун кун ўтириб, ҳеч нима кўрмади. Учунчи куни яна келиб, бу сафар қора чиябўрини яна кўрди. Бу Эгарлик бўлиб, у оғзида улкан бир қушни олиб келарди. Жек дурбин билан қараб, чиябўри курка олиб келаётганини кўрди. У ўзининг куркалари қаёққа йўқолаётганини энди билди, ўзи-

га-ўзи сўз бериб, чиябўрининг инини топса ундан шафқатсизларча ўч олажагини ният қилди. Жек чиябўрини имкони борича кузатиб, йўқотиб қўйди, кейин йўқотиб қўйган ерига борди. У бу ерда ҳеч қанақа изни кўрмади, Титонинг болалари ўйнаб юрган сойликни эса пайқамади, оқибат, уёққа қараб юрмади. Бу вақт Эгарлик сойликка тушиб бориб, астагина ириллади, тўққизта оч чиябўри қулоқлари динг бўлиб, чопиб келди. Чиябўрилар куркага ёпишиб, бурда-бурда қилиб ташлади, ҳар ким ўз улушини олиб, чекка-чеккаларга тарқалиб кетиб, жимгина ея бошлади. Аҳён-аҳёнда бир-бировларининг улушига ола қараб, астагина ириллашиб олди, кўзларининг пахтаси чиқиб, бир-бирларига қараб-қараб қўйди. Иш жанжалга келди, аммо меҳрибон оналари куркани барчага тенг бўлиб, жанжалнинг олдини олди. Шундан кейингина жанжалкашлар лабларини ялаб, бошларини сарак-сарак этиб, тарқалиб кетди. Энг майдагинаси эса курканинг улкан калласини олиб, тантанали суратда инига уриб кетди.


## Х

Чиябўри Жекнинг куркаларини ўғирлаб кетиб, уни талон-торож қилди, хонавайрон қилди. Бу Жекка таъсир қилди. У, агар шу чиябўрининг болаларини топсам, тириклайин терисини шиламан, дея ўзига-ўзи сўз бериб, шундай кунни орзу қилиб яшади. Эгарликни пойлаш фойдасиз бўлди, инини излаб, тополмади. У энди омадга ҳам, омадсизликка ҳам кўникиб иш олиб борди. Борди-ю, инни топсам керак бўлади, дея, белкурак билан учи ўткир теша олиб олди, мабодо тополмасам асқотади, дея, бир оппоқ тирик товуқ олиб олди.

У Эгарликни кўрган ер яқинидаги ялангликка йўл олди. Товуқни бир ғўлага бойлаб қўйди. Товуқ ипи етган ергача чопиб борди, сўнг ерга ётиб олиб, патиллатиб қанот қоқди.

Тито оқшом вақти овга жўнади. Ини яқинлиги учун ялангликдан юрмай, кўзга кўринмаслик одати-га амал қилди. Илгарилари теварак-атрофни кузатиш учун тепанинг энг юксак ўрқачлари бўйлаб юрарди, энди эса одамлар кўриб қолади деб юрмайди, энди ўрқач нишаблари бўйлаб юради, ҳар замон-ҳар замонда тумшуғини чўзиб, ўрқачнинг нариги бетларига қараб-қараб қўяди.

У болаларига кечки овқат олиб келиш учун бораётиб, ўзини уёқдан-буёққа олиб ураётган оқ товуққа кўзи тушди.



Тито довдираб қолди. Бу қанақаси бўлди? Товуқни шундайгина ушлаб олса бўлади. Аммо Тито эҳтиёт бўлди. Товуқни гир айланиб, унга тегин-масликка қарор қилди. Йўлида давом этиб, димоғи фавқулодда энгил тутун ҳидини туйди. Ёнига авайлаб ўгирилиб қараб, Жекнинг қароргоҳига кўзи тушди. Қароргоҳда кўрпа-тўшак бор эди, тушовланган бир от ўтлаб юрарди, ўчоқдаги ўт ёниб бўлганди, ўчоққа осилган қозончада кофе қайнаб, ундан ёқимли ҳид таралиб турарди.

Тито шундайгина кулбаси ёнида одам юрганини кўриб, ўзини йўқотиб қўйди, шундай бўлса-да, овга йўл олди. Жек кун ботганда товугини олиб қайтиб, қароргоҳига қанақа меҳмон келиб кетганини билмади.

## XI

Эртаси куни яна ўша ерга товуқ боғланди, кечга бориб, товуққа Эгарликнинг кўзи тушди. Эгарлик тўхтаб, бир неча дақиқача товуққа тикилиб қолди, сўнг шамол йўналишини олиб, товуққа қараб ўрмалаб бошлади. Товуқ қўрқиб кетиб, қочмоқчи бўлди. Аммо Эгарлик забт билан сапчиб бориб, товуқни таппа босди, ип узилиб кетиб, Эгарлик товуқни олди-ю, инига қараб чопди.

Шу вақт Жекнинг кўзи илинди, аммо товуқ қоқоқлашидан уйғониб кетиб, чиябўрини кўриб қолди. Чиябўри ғойиб бўлиши билан тўзғиб кетган оппоқ патлар изидан йўл олди. Аввал-аввал излар аниқ билиниб турди, боиси, товуқ чиябўри билан олишавериб кўп-кўп пат ташлаб кетди, кейин-кейин Эгарликнинг оғзида жон бериб, ердаги патлари сийраклаб қолди. Жек тўппа-тўғри чўзилиб кетган из бўйлаб бемалол бораверди. Икки марта тўхтаб олди. Бири чиябўри йўлини ўзгартирган ерда, иккинчиси патлар илашиб қолган буталари йўқ яланг ерда. Аммо Жек ҳар эллик қадамда битта-яримта оқ патни кўриб, яна изни

топиб олди. Жек қоронғи чўққанда чиябўри инига икки юз қадамча яқин келиб қолди. Бу вақт инда тўққизта чиябўри болдаси ириллаб талашиб, оқ товуқни патлаб, майдалаб ея бошлади.

Агар ҳозир шамол турса, Жекнинг олдига бир тўда патларни учуриб келарди, чиябўри болаларининг хушчақчақ ингиллашлариниям олиб келарди, сўнг, у иннинг қаердалигини билиб олган бўларди.

Фалакнинг гардиши билан оламга оқшом чўқди, оқ пат излаб шохларни қайириб синдирди, шохларнинг қарсиллаши бошқа товушларни босиб юборди.

Тито зағизғон тишлаб инига қайтаётиб, Жекнинг изини кўриб қолди. Бу ўлкаларда одам изи пайдо бўлиши фавқулодда шубҳали воқеа, шу сабаблям Тито изни олиб бориб, одамнинг қаёққа кетганини билмоқчи бўлди. Ҳид олиб, одам қаёққа йўл олганини дарҳол билиб олди. Ҳайвонлар қандай қилиб ҳид олади, буни ҳеч ким билмайди, аммо овчиларнинг таъкидлашича, ҳайвонлар ҳидлаб кўриб, изнинг қаёққа кетганини аниқ биладилар. Тито ҳам искаб-искаб кўриб, излар унинг инига қараб кетганини сизди. Ваҳима босиб, зағизғонни буталар орасига яшира солиб, излар бўйлаб чопди. Бир неча дақиқадан кейин чангалзорга етиб келиб, шу яқинда одам юрганини, хавф-хатар босиб келаётганини сизди. Дарҳол айланма йўллар билан сойга қараб чопди, инига яқин келиб, тагин, эркатой болалари унга пешвоз чопиб чиқмасин учун огоҳлантирувчи овоз берди. Тез орада оппоқ қордай сочилиб ётган патлар кўзга чалинди, Тито таҳликага тушиб, болаларига хавфдан хабар бериб увиллади. Болалари хабарни эшита солиб инларига кириб кетди, сой жимжит бўлиб қолди.

Тито маккорлар маккори бўлмиш инсон зоти унинг болаларини пойлаётганини, яна бир-икки дақиқадан кейин уларни шафқатсиз қўллари билан тутиб олишлари мумкинлигини билди.

Она бўлажак даҳшатли манзарани кўз олдига келтириб, юрагини шундай ғам-ғусса босди, шундай ғам-ғусса босди, о! Оналик меҳри кўзгади, оналарга хос бор ақл-заковатини ишга солди. Эгарликни ўз қайғуларидан хабардор қилиб, одам бор тарафга йўл олди, одамни ўзининг изидан эргаштириб олиб кетиш учун атайлаб унинг ёнидан ўтди. Қоронғилик ниятини амалга оширишга зиён бермади. Олға чопиб, ўзининг энг ёввойи, барчани зир титратган қўшиғини куйлаб бошлади. Бу қўшиқ неча марталаб итларни унинг изидан қувишга



мажбур қилган эди. У қўшиғини айтиб тўхтади. Сўнг, яна одамнинг яқинига қайтиб келди, қандай қилиб бўлмасин, одамни инидан чалғитиб ўзининг кетидан илакиштириб олиб кетиш пайида бўлди.

Аммо одам Титони кўрмади, чунки қоронғи бўлиб қолди. Жек овни бас қилди, аммо шу нарсани яхши билиб олдики, увиллаётган чиябўрилар онаси бўлиб, у ўз инидан чалғитишга уриняпти. Демак, шу яқин-атрофда унинг болалари бор, демак, эртага яна келиб, овни ниҳоясига етказишга тўғри келади. Жек шундай хулосага келиб, қароргоҳига йўл олди.

## XII

Эгарлик ўзича зафар қозондик деб ўйлади. Билдики, изларининг ҳиди эрталабгача йўқолиб кетади, оқибат, таъқиб қилиб қолган одам уни тополмайди, демак, хотиржам бўлса бўлади. Аммо Тито унчалик ҳам хотиржам бўлмади. Ахир, икки оёқли жонивор инининг, ундаги болаларининг шундайгина олдиғача келиб кетди, ҳали яна келиши мумкин.

Бу вақтда Жек отига ем берди, кофе қайнатиб, тамадди қилди, ухлаш олдидан сигарета чекиб, эртага эрталаб қўлга туширадиган жажжигина пахмоқ ўлжаларини ўйлаб ўтирди.

Энди кўрпага бурканиб ётаётганда, зим-зиё олислардан чиябўрилар қўшиғи эшитилди. Қўш овоз чўзиб-чўзиб қўшиқ айтди. Жек истехзо билан иржайиб қулоқ солиб, ўзига-ўзи деди: «Демак, ҳамма ишлар жойида. Қўшиқ айтиб қолинглар, жажжи пахмоқлар, эрталаб кўришгунча айтиб қолинглар».

Бу чиябўриларнинг тунги одатий увиллаши эди. Ҳадемай увиллаш тинди, Жек увиллашни унутиб, тошдай қотиб ухлаб қолди.

Тито билан Эгарлик бекордан-бекорга увилламаган эди. Улар увиллаб, ганимларининг ити борми-йўқми, шуни билмоқчи эдилар. Қарасалар, увиллашларига жавобан итлар ҳурмаяпти, демак, ганимнинг ити йўқ экан, деган хулосага келдилар.

Тито олис-олисларга тикилиб, Жекнинг гулхани ўчишини пойлаб ётди. От ердан кирт-кирт ўт узиб ўтлаб, аҳён-аҳёнда пишқириб, яланглик сукунатини бузиб турди. Тито отнинг олдига шундай писоб бордики, от уни ўрталарида йигирма қадамча масофа қолгандагина пайқаб қолди. От пишқирди, от сесканди, қозиққа қантарилган арқони таранг






тортилди. Тито бемалол ўрмалаб бориб, оғзини катта очиб, арқонни ўткир жағ тишлари билан тишлаб олди. Ипни ғажиб-ғажиб, узиб ташлади. От арқондан бўшади. Чиябўрилари кўп кўргани учун Титодан унчалик ҳам ҳайиқмади. Бир-икки ирғишлаб, жим бўлди.

Отнинг туёқ товушлари Жекни уйғотиб юборди. У ўрнидан туриб қараб, от жойида турганини кўриб, яна уйқуга кетди.

Тито лип этиб ўзини панага олиб, яна қайтиб келди, қимирламай ётган одамни соя мисол бир айланиб, ту누ка идишдаги кофени ҳидлаб кўрди. Изидан Эгарлик етиб келиб, тоза идишни титкилаб, ичидаги қотган нонларни булғаб ташлади. Пастак бутага илиб қўйилган юганга кўзи тушди. Улар юганнинг нима эканини билмади, шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши юганни майда-майда қилиб узиб ташлади. Сўнг, ёғ билан ун солинган халтани адирга олиб бориб, қумга кўмиб ташлади.

Шундай қилиб, Тито билан Эгарлик ғанимларига қўлларидан келганича талофат етказиб, сердарахт жар оралаб инларига жўнади. Тито худди шу жарда ер олмахони ковлайвериб, кейинроқ бирор нима излаб тулкилар ковлайвериб каттартириб юборган бир инни кўриб эди. Ҳозир шу инни топиб, уни янада каттароқ қилиб ковлай бошлади. Эгарлик ҳеч нимага тушунмай, анграйиб қараб турди. Тито индан тинкаси қуриб чиқди, шунда Эгарлик инга кириб, теваарак-атрофни ҳидлаб кўрди, сўнг, орқа оёқлари билан ташқарига тупроқ ота бошлади. Ин оғзида тупроқ уйилиб қолди. Эгарлик индан чиқиб, тупроқни янада нарироққа отди. Улар бири қўйиб, бири соатлаб миқ этмай ишлади. Кунчиқар вақти кўз олдиларида бир ғор пайдо бўлди, бу ғор вақти келиб бир қора кунда чиябўрилар кунига ярайди, аммо сойдаги ўт-ўланлар қоплаб кетган кўркам инларининг ўрнини босолмайди.





### XIII

Жек уйғонса, кун чиқибди. У даштликлар ода-тига биноан аввало отига қайрилиб қаради. Қараса, от йўқ. Денгизчига кема, қушларга қанот қанчалик зарур бўлса, даштлик учун от ҳам шунчалик азийдир. Узангисиз даштлик ғариб даштлик, узангисиз даштлик океан гирдобига тушиб қолган одамга, қанотларини синдириб қўйган қушга ўхшайди. Дашту биёбонда узангисиз қолган минг хил азоб-уқубатларга дучор бўлади. Буни ҳатто Жек пиянис-та ҳам билади. Аммо у бекордан-бекорга қайғуриб-ди, бундай яхшилаб қараса, оти бир четда ўтлаб-ўтлаб, олислаб кетяпти. Арқони ерда судралиб боряпти. Борди-ю, арқонсиз бўлганда уни ушлаб бўлмасди. Унда, Жек уни ушлашга ҳам уринмай, тўппа-тўғри овга жўнаб, чиябўри болаларининг ҳаётига чанг солган бўларди. Аммо арқонни кўриб қолиб, отни ушлаб келмоқчи бўлди.

Дунёда одамни жинни қиладиган ишларнинг энг ёмони — отни ана ушлайман, мана ушлайман, дея сарсон бўлиб қувиб юришдир. Жек ундай қилди, бўлмади, бундай қилди, бўлмади — отнинг калтагина арқонини ушлаб ололмади. Уёқдан-буёқ-қа қувишиб, фермага олиб борадиган йўлдан чиқиб қолишди.

Бечора Жек отни ушлашдан умидини узиб, унинг кетидан пиёда уйга жўнади. Аммо етти милча йўл юриб, ниҳоят, арқонни ушлаб олди. Эгарга ирғиб миниб, фермагача қолган уч миллик йўлни тўрт соатлар деганда босиб ўтди. Бутун йўл давомида отини айблаб, отидан ўпкалаб, қаҳрланиб борди. Аммо бу қаҳр-ғазабнинг нафи бўлмади, шундай бўлса-да, ҳар ҳолда «кўнглини бўшатиб олди».

Жек фермада тамадди қилиб олди, чиябўри изини ола биладиган итини эргаштириб, тушдан кейин яна овга йўл олди. Аслида оппоқ патлар тўкилиб ётган ердан икки юз қадамлар нарида жойлашган инни уй итисиз ҳам топа олади. Шундай бўлса ҳам ҳар эҳтимолга қарши олиб олди.

Индан юз қадамлар олисдаги юксак адирлар ўркачига чиқиб бориб, оғзида қуён олиб келаётган чиябўри билан юзма-юз бўлди. Жек тўппончадан отаётганда чиябўри ўзини чеккага отди. Ит вовилаб ҳуриб, чиябўрини қувиб кетди.

Жек чиябўрининг кетидан кетма-кет ўқ отди, ит изма-из қувди, чиябўри Жекни ҳайрондан-ҳайрон қолдириб, оғзидаги қуённи ташламай чопди. Жекнинг ўқлари мўлжалга тегмади. Чиябўри билан

ит адир ортига ўтиб кетди, Жек итни ихтиёрига қўйиб берди, ўзи тахминан шу атрофда жойлашган инни излаб бошлади. Жек билдики, чиябўри болалари инида турибди. Чунки ҳозиргина оналари уларга қуён олиб ўтиб кетди.


Инни осонгина топиб олиб, узун кун белкурак ҳамда теша ёрдамида ин оғзини очиш билан машғул бўлди. Инда нимадир яшаши шундоққина сезилиб турибди. Жек комил ишонч билан тинимсиз ин ковлади. Бир неча соатлик тер тўкишдан кейин, ниҳоят, ғорнинг тагига етиб қараса... ичи бўм-бўш. У чапаниларча сўкиниб, омадидан нолиди, сўнг тери қўлқопини кийиб, ғорни титкилаб бошлади. Фавқулодда қўлига бир қаттиқ нарса илинди, қараса, ўз куркасининг калласи экан. Меҳнати эвазига бор-йўғи шуни топди.

#### XIV

Тито ғаними отини ушлагунича вақтини бекор ўтказмади. Янги инини сошлаб бўлиб, оппоқ патлар тўшалган сойга эниб келди, янги ини бўсағасида уни ўзига жуда ўхшаб кетадиган говкалла боласи кутиб олди. У говкаллани бўйнидан тишлаб олиб, эскисидан бор-йўғи икки милча келадиган янги инига олиб жўнади. Йўлда вақти-вақти билан говкаллани ерга қўйиб, бу билан ўзиям дам олиб олди, говкаллагаям дам берди. Дам оламан деб анча вақти кетди, говкаллани кўтариб-тушириш ҳам хийла азоб бўлди. Шундай бўлса-да, Эгарликка болаларини кўтариб келишга рухсат бермади, чунки Эгарликнинг уқуви йўқ эди.

Тито катта-кичик болаларини битта-битталаб янги инига ташиб келди, кечга бориб эски инида биттагина нимжон, майдагинаси қолди. Тито кечаси билан ин ковлаб, эрталаб оғзида боласи билан ўттиз милаб йўл босиб, хийла чарчади. Аммо дам олиш нималигини билмади. Эски инидан






энг сўнгги майдагина боласини олиб чиқаётиб, олдинма-кейин сой ёқалаб келаётган ит билан Жекни кўрди.

Тито боласини маҳкам тишлаб, ўқдай учди, ит ҳам уни ўқдай қувди.

Кетма-кет тўппонча отилди, ўқлар Титога тегмади. Тито адир ўрkachидан ўқдай ошиб ўтиб, тўппонча ўқларидан хийла олислаб кетди. Тито тинкаси қуриб, оғзида боласи билан олға чопди, улкан ит жон-жаҳди билан қувди.

Титонинг тинка-мадори қуримаганда эди, аллақачоноқ итни орқада қолдириб кетган бўларди. Ит эса қутуриб ҳуриб, борган сайин яқинлашиб келяпти. Тито сўнгги кучларини йиғиб, тепаликка ўқдай учиб чиқди, ит билан ораларидаги масофани бир оз узоқлатиб, яна сойга қараб энди, сойдаги ўт-ўланлар чопишига халақит берди. У яна тептекис ялангликка чиқиб қолди, анча кейинда қолиб кетган Жек уни яна кўриб қолиб, аёвсиз ўққа тутди. Аммо ўқлар ерга бориб тегиб, тупроқ чангитди, холос. Шундай бўлса-да, Тито ўқларга чап бериш учун йўлини доим ўзгартириб чопди. Оқибат, вақтдан ютқазиб чопди, чунки ўқлар итни янада шиддат билан чопишга даъват этди. Жек Титони чўлтоқ думидан таниди. Жекнинг назарида, Тито ҳамон қуён тишлаб чопар, унинг толмас иродаси Жекни ҳайрон қолдирарди. «Ҳаёт-мамот кураши бораётган бир вақтда нимага оғзидаги ортиқча юкни ташлаб юбормайди?»— дея ўйлади у.

Титонинг йўлидан фавқулодда чуқур жар чиқиб қолди. Ҳолдан тойганлиги, оғзида оғир юк борлиги сабабли жардан сакраб ўтмади, жарни айланиб ўтди. Аммо ҳали-ҳозир ҳоримаган ит жардан осонгина сапчиб ўтди. Оқибат, ит билан Тито орасидаги масофа икки баравар камайди. Тито буталар тиканидан боласини авайлаб, уни баландроқ буталар узра кўтариб чопди. Боласи оғзидан тушиб кетмасин учун уни маҳкамроқ тишлади, боласининг нафаси қайтиб-қайтиб кетди.



Тито боласини бундай кўтариб чопишга бошқа мадори қолмади. У увиллаб, мадад сўрамоқчи бўлди, аммо оғзидаги бир парча жун овозини чиқармади. Боласининг нафаси қайтгандан-қайтди, Тито уни хиёл бўш тутиб эди, боласи типирчилаб бошлаб, итнинг йўлига тап этиб тушди.

Тито жисман итдан майда эди. Бошқа вақт бўлганда албатта қўрқиб қолган бўларди, аммо ҳозир қандай қилиб бўлмасин, боласини қутқариб қолишга шайланди. Ит унинг боласига ташланиб эди, у ит билан боласи ўртасига кириб, қимирламай қотиб турди. Жунлари ҳурпайиб, тишлари гижирлаб, қайси йўл билан бўлса-да, боласини омон олиб қолишга чоғланди. Ит юраксизлик қилди, аммо чиябўридан гавдали эканлиги, яна тагин изидан одам келаётганлиги итга қувват бўлиб турди. Аммо ҳали одамдан дарак йўқ эди.

Шундай қилиб, Тито итнинг дағ-дағ қалтираётган боласига қилган дастлабки ҳамласини қайтарди. омонат жимжитлик чўқди, Тито бундан фойдаланиб, бор овози билан увиллаб, мадад сўради. Овози акс садо берди, шу сабаблиям Жек овозини эшитиб унинг қаёқдан келаётганини билолмади. Аммо шу вақт қаерлардадир, нималардир бу нидони эшитди, бу нидони тушунди. Ит яна чиябўри боласига ташланди, Тито яна боласини гавдаси билан тўсди. Тито билан ит тутоқлашиб, ҳаёт-мамот кураши бошланди. Қанийди ҳозир Эгарлик келиб қолса, о! Аммо ҳеч ким ёрдамга келмади, яна ёрдамга чақирининг ҳам иложи бўлмади. Тито охириги ҳол-қудратигача олишиб, ерга сулайиб қолди. Ит Титонинг ҳолини кўриб, янада дадил бўлди, у энди аввал онасини саранжомлаб, кейин паноҳсиз боласини бурдаламоқчи бўлди. Худди шу пайт яқинларидаги шувоқзордан кулранг бир яшин учиб келди. Кулранг яшин ҳурпайма итни отиб юборди. Чопиб бориб оёқлари остига олиб, ғажиб бошлади. Тито сапчиб туриб, қари Эгарликка ёрдамга югурди. Ит адир ортида юрган эгасини ҳуриб чақирмоқчи бўлди, аммо нафаси чиқмади. Тито билан Эгарлик итни бурда-бурда қилиб ташлади.

Тито омон қолган боласини ердан кўтариб олди. Чиябўрилар хотиржам қадамлар билан янги инларига йўл олди.

Чиябўри болалари оналаридан сабоқ олиб бўлгунларича шу инда яшади. Улар қадимий даштнинг доно сабоқларини, чорвадорлар билан бўлган урушларда пишиб етилган янги сабоқларни олиб

вояга етди. Замонлар ўтиб, бу сабоқлар уларнинг болаларига, невараларига, эвара-чевараларига бориб етди.

Еввойи қорамоллар аллақачон йўқ бўлиб кетди. Уларни овчилар милтиғи қириб ташлади. Кийиклар ҳам деярли қирилиб кетди. Уларни ит ва ўқлар йўқ қилди. Бэдленднинг қадимий жониворлариям кун тафтида эриган қордай йўқ бўлиб кетди. Аммо чиябўрилар омон қолди.

Чиябўрилар жон олар қопқонлар билан заҳарлар сирини, овчилар билан итларни лақиллатиш йўлини билиб олди. Чиябўрилар устмонлиги одамлар ақл-заковатидан қолишмайдиган бўлди. Чиябўрилар одамлар меҳнати самарасидан фойдаланишнинг ўнлаб айёрона йўлини ўзлаштириб олди.

Барчасини Тито ўргатди.



## ЧИТТАКЛАР НИМА УЧУН БИР ЙИЛДА БИР МАРТА ЭСЛАРИНИ ЙУҚОТАДИ


Утган қадим замонда, ҳали Америка шимолида қиш бўлмаган кезларда читтаклар чумчуқ, қарағайқарға ва бошқа уруғ-аймоқлари билан шоду хуррам, ташвиш нелигини билмай роҳат-фароғатда яшардилар.

Ана шундай куз кунларининг бирида она табиат барча қанотли сайроқи қушларни тезроқ жануб томонга учишларини, йўқса, буёқ томонларга қудратли ғаним — қор, совуқ, очлик бостириб келажаси, уларга қарши курашиш жудаям мушкул бўлажасидан огоҳ этди.

Читтакнинг қарағайқарға ҳамда бошқа қариндош-уруғлари энди қаёққа учажакларини маслаҳатлаша бошлади. Шунда бутун галанинг йўлбошчиси бўлмиш читтак худди икки учига арқон боғлаб осиб қўйилган таёқда ўйнагандай бутуқда умбалоқ ошганича хахолаб кулди:

«Шунча узоққа бориб зарил кептими? — чирқиллади у. — Шу кам эди ўзи! Бизга шу ер ҳам яхши. Алдоқчилар, қор ҳам ёғмайди, совуқ ҳам бўлмайди, оч ҳам қолмаймиз! Умиримда ҳеч бунақа ҳодисани кўрган ҳам эмасман, ҳатто қариялардан эшитган ҳам эмасман».

Аммо қарағайқарға билан чумчуқлар шундай ваҳима қилди, уларнинг ваҳималари читтакларга ҳам юқди. Улар ҳатто ўйин-кулгини йиғиштириб қўйиб, қариндош-уруғдан ўзи нима гап, деб суриштиришга тушди. Аксига олиб, олис сафарга отланишлари кераклигини, масалан, чумчуқлар Мексика бўғозига учиб боришлари зарурлигини эшитди. Калхатлар чангалига тушиб қолмаслик, довулларга йўлиқмаслик учун кечаси йўлга чиқишлари кераклигини ҳам эшитди.





Читтаклар доно уруғларининг гапларини эшитиб, ҳаммаси сафсатавозлик, деди, яна бегаму беташвиш ликиллаб, сайрашга тушди.

Бу орада чумчуқлар билан бошқа шу каби қушлар олис сафарга тайёрланди, жанубга борадиган йўлларни сўраб-суриштира бошлади. Жануб тарафга қараб оқувчи азим дарё, кўкдаги ой ҳамда иссиқ мамлакатларга кўчиб кетаётган ёввойи ғозларни ўзларига йўл кўрсатувчи қилиб олди, бир-бирларидан адашиб қолиб кетмасликлари учун эса йўл-йўлакай қўшиқ айтиб учмоқчи бўлди.

Тўполончи, хушчақчақ читтаклар дарё устидаги ўрмонда жам бўлган бир дунё уруғ-аймоқларини майна қилиб кулишда давом этди. Осмонга ой чиқди, сафарга отланувчилар ойни кўриб, шу заҳотиёқ гурр этиб ҳавога кўтарилиб, қоронғиликка қараб учиб кетди. Читтаклар учиб кетган қариндош-уруғларини эси пастлар, деб атади, улар орзу қилиб бораётган Мексика бўғозини яна бир марта калака қилиб кулди. Сўнг ҳавода умбалоқ ошиб ўйнаб, шовқин-сурон солиб, ҳувиллаб қолган ўрмонда уёқдан-буёққа учиб юрди.

— Шу тентакларсиз ҳам яшаймиз, — дея чуғурлашди читтаклар. — Жой мўл, бор дон-дун ўзимизга қолди.

Шундай қилиб, читтаклар аввалгидан ҳам шўхшан ўйнади, кўнгилларини чоғ қилди.

Бу орада ҳаво айниб қолди. Ниҳоят, қор уриб берди, ерга совуқ тушиб, читтаклар ўзини йўқотиб қўйди. Уларнинг аввалги шўхликлари қаёқда қолди! Қўрқиб, совуқда дағ-дағ қалтиради. Урмонда нима қиларини, кимдан маслаҳат оларини, жануб ёққа қандай бориш кераклигини кимдан суриштиришни билмай, сарсон-саргардон бўлди. Афсуслар бўлсинки, шундай улкан ўрмонда ўзларидан бўлак биронта сайроқи қуш қолмабди. Уларнинг эсларига кўчиб кетган қушларнинг дарё бўйлаб учиб кетганлари тушди, бироқ бутун теварак-атрофни қор қоплаб ётган бўлса, қандай қилиб дарёни фарқлаб бўлади?

Бир маҳал жануб тарафдан илиқ шабада эсиб






қолиб, оқила она табиатнинг айтганларига қулоқ тутган қариндош-уруғларининг иссиқ, жаннатмакон жанубда жуда яхши жойлашиб олганларидан хабар берди, аммо она табиат уларга иссиқ мамлакатларга кетиш ҳақидаги барча умидларидан кечишга, шу ерга, шу ватанларининг климига қўлидан келганларича мослашишга даъват этди. Вақтида гапга қулоқ тутмадинларми, энди ўзларингдан кўринглар, деган бўлди.

Бу хабар читтакларга тасалли бермади, аммо ўз вақтида сергак этди. Уларни бош қотиришга, ҳаётнинг янги шарт-шароитларига кўникишга мажбур этди.


Читтакларнинг руҳлари кўтарилиб, шодланди. Улар қорда ҳам яшаш мумкин-ку, деган қарорга келди, яна хушчақчақ чирқ-чирқлаб, бир-бирларини қувалаб қиров боғлаган дарахт шохларида ликиллаб ўйнади. Читтаклар яна ўзларини илгаригидай бахтиёр ҳис эта бошлади. Изғирин турган, совуқ бўлган пайтлари кекса дарахт ковакларидан, иссиққина инларида бамайлихотир ўтирди. Шунда қаҳратон қишдан сўнг дарҳол илиқ, баҳор нафаси кезди, улардан бири қувноқ сайраб бошлади:



*весна идет*

«Баҳор келяпти!»

Читтаклар хушчақчақ жўр бўлди:



*весна и -дет*

«Баҳор келяпти!»

Одамлар қорга кўмилган ўрмондан қушларнинг қувноқ янграган овозларини эшитди, ҳаётнинг аччиқ-чучугини енгиб ўтган қушларга меҳр қўйиб бошлади.

Аммо бир йилда бир марта, кеч куз чоғлари ҳувиллаб қолган ўрмон салтанатида изғирин шамол увиллаган, ғувиллаган, инграган пайтларда читтак-

лар ғалати бўлиб қолади. Улар бир неча кун эсдан  
оғиб юради, дарахтлар орасида безовта санқийди,  
дуч келган жойларга, ҳатто ўта қалтис жойларга  
кириб кетаверади. Бундай маҳалларда уларни  
майсазорлар, ертўлалар, омбор-у саройларда, хул-  
лас, одатда жажжи ўрмон қушлари юрмайдиган  
жойларда кўрса бўлади.

Мабодо йилнинг шу фаслида худди шундай  
жойларда читтакларни учратиб қолгудай бўл-  
сангиз, билингки, булар вақтинчалик эсларини  
йўқотиб қўйган читтаклардир. Боиси, улар бу  
номаъқул жойларга келиб, ўзларича, Мексика бў-  
ғозига келдик, дея хаёл қилади.



## ЖОННИ ЛАҚАБЛИ АЙИҚЧА

### I

Жонни жудаям аломат жажжи айиқча бўлиб, онаси билан Йеллоустон боғида яшайди. Онасининг лақаби Тажанг. Улар бошқа айиқлар билан биргаликда меҳмонхона олдидаги ўрмонда яшайди.

Меҳмонхона бошқарувчисининг кўрсатмасига биноан ошхонадан чиққан бари чиқинди-ю, сарқитлар ўрмон чеккасидаги очиқ ялангликка олиб бориб ташланади, бу ерда айиқлар бутун ёз бўйи зиёфат ейди.

Йеллоустон боғи ёввойи ҳайвонлар қўриқхонаси деб эълон қилиниб, айиқларга ҳеч ким тегмагандан кейин, уларнинг сони йилдан-йилга кўпайди. Одамлар марҳамати бекор кетмади, анча-мунча айиқлар меҳмонхона хизматкорлари билан шундай тил топишиб қолдиларки, ҳатто кўринишлари, феъл-атворларига нисбат берилиб, лақабли ҳам бўлиб олдилар. Оёғи узундан-узун озгин бир қора айиқ қилтириқ Жим деб аталди. Яна бир қорасининг лақаби Пишқироқ бўлди. У шу қадар қораки, худди қурум босганга ўхшайди. Бақалоқ эса жудаям семиз, ялқов айиқ бўлиб, доим ниманидир кавшаб юради. Иккита кичкинагина пахмоқ айиқ доим бирга келиб, бирга кетади, уларнинг лақаблари Эгизаклар бўлди. Айиқлар орасида энг донғи кетганроғи Тажанг билан Жонни бўлди.

Тажанг қора айиқлар орасида энг каттаси ва энг очкўзи саналади, ёлғиз ўғли Жонни эса ўтакетган хира, бадфеъл бўлиб, тинмай ариллагани ариллаган, ғингшигани ғингшиган. Эҳтимол, бирор





жойи оғрир, бўлмаса соғлом айиқча соғлом бола сингари ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ тинимсиз ғингшимайди-ку. Ҳақиқатан ҳам Жонни касалга ўхшайди. Афтидан, қорни оғрийди, сарқитхонада бир уюм буламиқни очофатларча еяётганини кўриб шундай хулосага келдим. Жонни кўрган нарсасини бир тотиб кўрмасдан қўймайди. Онаси эса, боласини қайтариш ўрнига унинг очкўзлигига бутунлай бефарқ қарайди.

Жоннининг фақатгина учта панжаси, туссиз ирkit жуни-ю, танасига номутаносиб катта-катта қулоғи ва қорни бор, холос. Аммо онаси уни жудаям яхши кўради, афтидан, ўғлим жуда хушсурат, деб ўйлайди, турган гап, ўғли бундан талтайиб юради. Тажанг ўғли учун ҳар қанақа кўнгилсизликларга рўпара бўлишдан ҳам тоймайди, Жонни эса бажонидил бунга сабаб топиб туради. Касалманд, нимжон Жонни ундай айтган даражада тентак ҳам эмас, ўз истакларини бажо келтириш учун онасини ишга солишни ўрнига қўя олади.

## II

Мен Жонни билан 1897 йилнинг ёзида, ҳайвонларнинг кундалик ҳаётини ўрганиш мақсадида Йеллоустон боғига борганимда танишдим. Менга Фавворали меҳмонхонаси олдидаги ўрмонда истанган пайтингизда айиқларни кўришингиз мумкин, дейишди. Мен бу гапларга то ўзим тўқнаш келмагунимча унча ишонқирамадим: меҳмонхонага келиб, беш дақиқа ўтар-ўтмас ташқарига чиқиб, каттакон қора айиқлар онаси билан иккита айиқчани кўрдим.

Мен бу учрашувдан чўчиб, жойимда таққа тўхтадим. Айиқлар ҳам тўхтаб, орқа оёқларида турганларича, менга разм солди. Айиқлар онаси йўталганга ўхшаш ғалати товуш чиқарди: «Ўҳ-ҳ, ўҳ-ҳ!» — сўнг шу атрофдаги қарағай дарахтига қаради. Айиқчалар, афтидан, оналарининг нима демоқчи эканлигини англадилар чоғи, шу заҳоти дарахт томон чопиб бориб, иккита кичкина маймун сингари дарахтга тармаша кетди. Улар энди ўзларини хавфдан йироқ сезиб, тепадаги бутоққа жойлашиб ўтириб олди, худди болалар сингари бир панжаси билан дарахт танасини ушлаб олиб, ҳавода қоп-қора оёқларини саланглатди.

Айиқлар онаси ҳали ҳам орқа оёқларида турганича аста менга яқинлашди, шунда мен қаршимда



бор бўйи билан турган, афтидан, ҳеч қачон инсон нигоҳининг сеҳрли қудратини кўрмаган бу пахмоқ махлуқ яқинимда турганлигидан ўзимни жуда ёмон ҳис қила бошладим.

Кўлимда лоақал ўзимни ҳимоя қилиш учун таёғим йўқ, айиқлар онаси аста пишқирган маҳал мен ҳеч нарсага, айиқлар ҳеч қачон одамга ҳужум қилмайди, деб уқтирганларига қарамай, ҳозир қандай қилиб қочиб қолсамикин, деган хаёлга бордим. Бироқ айиқлар яна тўхтаб қолди. У мендан ўттиз қадамларча нарида худди иккиланаётган каби менга индамай тикилиб турди. Эҳтимол у: «Бу одам балки менинг болаларимга ёмонликни раво кўрмаётгандир, таваккал қилиб қалтис иш қилишга ҳам арзимас», деб фикр қилгандир.

У болакайларига қараб, нолиганга ўхшаб, ғалати: «У-у-у, у-у-у» деган овоз чиқарди, шунда болалари худди буйруқ олган итоатгўй болалар сингари дарахтдан бирин-кетин туша бошлади. Уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай «айиқларга хос» қўполлик бўлмади. Айиқчалар ерга тушгунга қадар шохдан-шоҳга энгил-енгил, эпчил-эпчил ирғиди. Сўнг учалови ўрмонга жўнади.

Бу итоатгўй айиқчалар менга жуда ёқиб қолди. Оналари бирор нимани буйруқ қилдими, тамом, улар қулоқ қоқмай бажаради. Уларни ҳаётнинг ўзи итоатгўйликка ўргатганини билдим.

Шундай қилиб, келишим биланоқ айиқлар ҳаётини тўла кузатиш насиб этди. Буёқларга бошқа иш бўлмасаям биргина шу айиқларни кўриш учун келиш мумкин эди. Аммо меҳмонхонадаги оғайниларимнинг айтишича, мен айиқларни учратган жой уларни кузатиш учун улчалик қулай эмас эмиш. Улар менга чорак милча юриб, ўрмонга боришимни маслаҳат берди, айтишларича, у ерда истанганча айиқларни кузатиш мумкин экан.

Эртасига эрталаб қарағайзор орасидаги айиқлар ошхонасига қараб йўл олдим, келиб, бутазор орасига биқиниб олдим.

Узоқ кутишга тўғри келмади. Урмондан аста-секин бир каттакон қоп-қора айиқ чиқиб келди. Сарқитхонага келиб, чиқиндиларни тита бошлади, сўнг сарқитларни ейишга тушди. У доим сергак турди, орқа оёқларида чўнқайиб, ҳар бир шитирлаган овозга олазарак бўлди, худди қўрққан каби бир неча қадам нарига қочиб бориб турди. Ниҳоят бошқа бир айиқ пайдо бўлиши билан унинг қулоқлари диккайди, орқасига қарамай ўзини қарағай остига урди. Иккинчи айиқ ҳам шундай кўрқиб-





писиб, уни яхшироқ кўрай деб қимирлаганимни биламан, шу заҳотиёқ ура қочди.

Аввалига ўзим ҳам пича қўрқдим. Ахир Йеллоустон боғида қурол олиб юриш қатъиян ман этилган, қўлимга лоқал таёқ ҳам олволмаганман. Аммо айиқлар ўзларининг мўмин-ювош феъл-атвори билан мени тинчлантирди. Мен бу важоҳатли бароқ ҳайвонларни кўз узмай кузатдим, уларнинг ички ҳаётига разм солдим.

Бироқ мен тезда кузатув нуқтаси сифатида танлаган жойим унчалик яхши эмаслигига амин бўлдим, чунки бу ер ахлат уюмидан етмиш беш қадамлар келар экан. Яқин-атрофда эса яширинай десанг, лоқал бирон туп бута ҳам кўринмайди. Шунда мен энг охириги чорани қўладим. Тўғри ахлат уюмига бордим-да, яширинса бўладиган даражада чуқур қазидим, сўнг бутун кунни карам қолдиқлари, картошка пўчоғи, помидор шарбати ҳамда ичида сасиб-ириган гўшт бўлаклари қолиб кетган темир идишлар орасида ўтказдим. Бу жой менга пашшаларга нисбатан камроқ маъқул бўлди. Аслида ҳам, айиқлар ошхонасидан анқиётган ҳид шунчалик бадбўйлигидан ўрмонда қайта кийиниб келмагунимча меҳмонхонага қўйишмади.

Сарқитхона ичида ўтириш осон иш эмас, бироқ ҳар қалай мен чиндан ҳам айиқларни кўрдим. Агарда сарқитхонага келган ҳар бир айиқни санасам, уларнинг сони қирқтадан ошади. Лекин бунақа санаш ҳақиқатга хилоф бўлади, чунки айиқлар кетишиб, яна қайтиб келишиб турибди. Шундай бўлса ҳам, мен уларнинг сони ўн учтадан кам эмаслигига кафолат бероламан, чунки шунча айиқни бир вақтда бирга кўрдим.

Уша куни уззукун альбомим билан ёзув дафтарчамни қўлдан қўймадим, ҳар бир янги пайдо бўлган айиқни қайд этиб бордим, тез орада уларни бир-биридан ажрата оладиган бўлиб қолдим.

Унча кузатувчан бўлмаган одамларнинг аксарияти бир турдаги ҳайвонларнинг ҳаммаси бир хил деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, бир тур, бир жинсдаги ҳайвонлар ҳам худди одамлар сингари бир-бирларидан фарқ қилиб туради. Бўлмаса улар қандай қилиб, масалан, катталари бир-бирларини, гўдаклари эса оналарини танийди. Сарқитхонага зиёфат ейиш учун келган ҳар бир айиқнинг ўзига яраша хулқ-атвори бор. Улар орасида бир-бирларига қуйиб қўйгандай турқи ҳам, феъли ҳам ўхшайдиган айиқлар йўқ.

Мен яна бир ажойиб нарсани кашф этдим.




Юз қадамча наридан туриб, ўрмонда «тўқ-тўқ» қилаётган қизилиштон, чирилдоқлар чириллашини, мовий тус сўфитўрғайлар қичқириғини, олмахонларнинг барглари шитирлатиб юришини осонлик билан фарқлай оладиган бўлдим, ammo айиқларнинг яқинлашиб келаётганида бирон-бир сас чиқаришини илғай олмадим. Уларнинг каттакон юмшоқ оёқлари шундай эҳтиёткорона қадам босадикки, шох ҳам синмайди, барг ҳам қимир этмайди, ўрмонда овоз чиқармай юра билиш айиқларнинг ўзларига хос улкан санъатларидир.

### III

Айиқлар ҳар куни эрталаб мени пайқамай келиб кетади. Бир-иккита майда-чуйда жанжалларни айтмаганда, уларнинг орасида айтгудай ҳодиса юз бермади. Бироқ соат учларга яқин, пешин маҳали пича жонланиш бўлди.

Бу вақт сарқитхонада тўртта катта-катта айиқ бўлиб, улар овқат ейиш билан банд бўлди. Уртада бор бўйича керилиб, тинчликсевар ҳам бахтиёр Бақалоқ турибди. У аҳён-аҳёнда ўзини ортиқча уринтирмай, пишиллаб қўяди, узун қизил илон каби тилини ширинлик бўлагига чўзади, қолбуки қандолатни шундоқ панжаси билан олса ҳам бўлади. Қилтириқ Жим унинг орқасида туриб олганича катта денгиз қисқичбақасини томоша қилади. У илгарилари қисқичбақани кўрмаган, шунинг учун ҳам тажриба учун биттасини еб кўрмоқчи бўлди.

Иккита бошқа айиқ ҳайрон қоларли эпчиллик билан мева идишини ялаб-юлқади. Уддабурон айиқ панжаси билан идишни тутиб турди, узун тили торгина тирқишдан қопқоқнинг ўткир қиррасига тегмай, идиш ичида нима бор, барини ялаб, уёқдан-буёққа бориб келди. Бу мароқли манзара шундай узоқ давом этдики, мен буни чизиб олишга муваффақ бўлдим. Манзара бутунлай фавқулодда ҳодиса важдан бўлинди.



Аввалига мен одатда айиқлар пайдо бўладиган қиялик учида қандайдир шарпаларни кўрдим. Сўнг, ўрмондан орқасидан жажжи айиқчани эргаштириб баҳайбат она айиқ чиқиб келди. Булар Тажанг билан кичкина Жонни эди.

Қари айиқлар онаси қияликдан пастга энди. Жонни одатдагидай хархаша қилиб, ингилаб, гингшиб унинг ёнида майда-майда қадам босиб юрди, онаси эса худди она товуқ ёлғиз жўжасидан кўзини ололмагани сингари боласидан кўзини узмади. Тажанг сарқитхонага ўттиз қадамлар қолганда ўғли томонга қайрилиб, тахминан, мана бундай сўзларни айтди: «Жонни, болагинам, сен шу ерда тургин, мен анави шумтакаларни олдимга солиб келайин».

Жонни итоат қилиб, жойида қолди, аммо нима бўлишини кўргиси келди, шунинг учун ҳам у орқа оёқларида турди, кўзларини лўқ қилиб, қулоқларини динг қилиб турди.

Тажанг босайми-босмайми дея виқор билан қадам ташлаб, эҳтиёткорлик юзасидан пишқириб, сарқитхонага йўл олди. Бироқ тўртала айиқ ҳам унга аҳамият беришга фурсатлари бўлмай, овқат ейиш билан банд бўлди. Бу қандай кўргиликки, яна бир айиқ уларнинг хўрақларига шерик бўлман деб ўтирса! Тажанг уларга яқинлашиб бориб, кетма-кет йўталга ўхшаш қаттиқ-қаттиқ товуш чиқариб, ҳамлага ўтди. Айтиш ҳам кулгили, айиқлар лоақал қаршилиқ кўрсатишга уринмадилар ҳам. Улар кимнинг ҳамла қилганини кўриб, ўрмонга қараб ура қочди.

Қилтириқ Жим орқа-олдига қарамай жон-жаҳди билан қочди, қолган иккитаси ҳам ундан қолишмади, бироқ шўрлик Бақалоқ барча бақалоқлар сингари аранг қимирлади, пишиллаб, лапанглаб юрди. Устига-устак, у эҳтиётсизлик қилиб, Жонни турган томондан юрди. Тажанг бир-икки ҳатлашда унга етиб олди, кетига бошлаб бир-икки марта туширди. Гарчанд тарсакилар Бақалоқнинг қадамини тезлаштирмаса-да, бироқ уни ўкириб, йўлини ўзгартиришга мажбур этди. У шу йўл билан ўзини кейинги калтақлардан қутқариб қолди. Энди бутун сарқитхонанинг мутлақ ҳокимасига айлиб қолган Тажанг ўғли томон ўгирилиб, менга таниш бўлиб қолган «У-у-у, у-у-у» деган зорлангандай овоз бериб, ўғлини чақирди. Жонни бунга жавобан хурсанд, учта соғ оёғи билан оқсаб-оқсаб келди. У онасининг ёнига қўшилиб шундай очофатлик билан хўракка ёпишдики, ҳатто гингшимай ҳам қўйди.





Афтидан, у олдин ҳам сарқитхонага келган шекилли, тунука идиш билан қутилар фарқига борди. Қисқичбақадан бўшаган қутилар уни унча қизиқтирмади, мурабболи идиш топганида бошқа гап эди. Бир қанча темир қути унга анча-мунча азоб берди, чунки очкўз ва ношудлигидан идишнинг ўткир қирраларига тегиб кетаверди. Бир ажойиб мевали темир қутининг тирқиши каттароқ экан, у калласини шунга тикди, бир неча дақиқа идишнинг чекка-чеккаларигача маза қилиб ялаб чиқди. Бироқ бошини қутидан чиқариб ололмади, боши қутига тиқилиб қолди. Шунда Жонни идишни тирнаб, бўкира бошлади, унинг ўрнида бўлган ҳар қандай гўдак ҳам шундай қилиб, онасига дард бўлар, аммо онасининг кўлидан ҳеч бир иш келмай, қийналган бўларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. У идишни ясси ҳолга келгунча тақиллатиб уриб, итариб, ахири бошини чиқазиб олди.

Шарбатдан бўшаган бошқа бир катта темир қути унинг кўнглини чоғ қилди. Бу қути қопқоқ билан беркитиладиган идишлар туридан бўлиб, чеккалари қиррали эмас, сип-силлиқ экан. Гарчанд шундай бўлса-да, тешикка Жоннининг боши сифмади, тилини қанча чўзмасин, хушхўр шарбатга етмади. Бироқ Жонни бирпасда бунинг йўлини ҳам топди. Идиш ичига кичкинагина қора панжасини тиқиб ковлади, ичидаги нарсаларни ташқарига чиқариб, қутини тозалаб қўйди. Бир панжасини ялаб, иккинчисини идиш ичида юргизди, шу тахлит идиш то фабрикадан чиққандай топ-тоза бўлмагунча бу жараёни такрорлайверди.

Сўнг диққатини бир бузуқ сичқон қопқон тортди. У қопқонни олдинги оёқлари билан маҳкам ушлаб, синчиклаб қарай бошлади. Қопқондан хушбўй пишлоқ ҳиди анқиди. Сўнг бу кўзга кўринмас нарса унинг зарбасига жавобан панжаларига шундай урдик, Жонни ёрдамга чақириб қичқиришдан ўзини аранг тутиб қолди, табиатига хос бўлмаган дадиллик намунасини кўрсатди.

Анча синчиклаб кўргандан сўнг, бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга энгаштирди, лабларини най қилиб чўзди, шунда сичқон қопқон худди бўйсунмас мевали қути каби жазога дучор бўлди. Жоннининг қунт-ғайрати бу сафар ҳам тақдирланди. У қопқоннинг қоқ юрагидан бир бўлак пишлоқ топиб олди.

Жонни, афтидан, илгарилари ҳеч қачон заҳарланмаган. У барча мурабболи, мевали қутиларни ялаб чиқиб, ўзининг хайрихоҳона назарини

сардина балиғи билан қисқичбақадан бўшаган қутиларга қаратди, ҳаттоки ҳарбийларнинг гўшт консерваларини тотиб кўришдан ҳам қайтмади. Унинг қорни дам бериб шиширилган пуфақдай шишиб кетди, олдинги оёқ панжалари эса тинимсиз ялайверишлардан сип-силлиқ ҳам ялтироқ бўлиб қолди.

#### IV

Миямга ўтирган жойим жудаям хавfli бўлиши мумкин, деган фикр келиб қолди, чунки якка айиққа йўлиқиш бир гап-у, айиқчасини бирор-бир ҳаракат билан чўчитиб юбориб, жаҳлдор она айиқнинг диққатини тортиш бошқа гап эди.

«Фараз қилайликки, — беихтиёр ўйладим мен, — кичкина ўйинқароқ Жонни сарқитхонанинг бу томонидан келиб қолса-ю, мени бекиниб ўтирган жойимдан топиб олса. Жонни шу заҳоти шовқин солади, онаси эса, албатта, мени ўғлига ҳужум қилган, деб хаёл қилади, буни тушунтириб беришга қўймайди, боғда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларининг барчасини унутади. Унда ишимиз бутунлай чакки бўлади».

Бахтимга, мураббодан бўшаган бари қутилар сарқитхонанинг нариги чеккасида эди. Жонни қутилар атрофида ўралашар, Тажанг эса ундан нари кетмасди. Жонни онасининг қўлига ажойиб қути тушиб қолганини кўриб, ғингшиганича менга бер, дея югуриб келди, шу пайт кўзи адир тепасига тушиб қолди. Адирда кўриб қолган нарсаси уни дарҳол орқа оёқларида туришга, хавотирланиб «Ўҳ, ўҳ, ўҳ...» дея йўталишга мажбур этди.

Онаси тез ортига қайрилиб, ўша томонга қаради. Улар қараган томонга мен ҳам қарадим, қараб, о, қандай даҳшат! — гризли<sup>1</sup> зотига мансуб улкан айиққа кўзим тушди. Бу мўйнага ўраниб олган, дарахтлар орасида қимирлаётган омнибус<sup>2</sup>ни эслатувчи ҳақиқий махлуқнинг ўзгинаси эди. Жонни ғингшиб, онасининг орқасига яширинди. Тажанг бўғиқ овозда ириллади, шунда танасидаги жунлар тикка-тикка бўлиб кетди. Тан олиб айтаманки, менинг ҳам сочларим тикка-тикка бўлди, фақат мен қимир этмасликка ҳаракат қилдим.

<sup>1</sup> Америкада айиқларнинг қора ва кулранг турлари бўлади. «Г р и з л и» — инглизчасига «кулранг, бўз» деган маънони англатади, шундан кулранг айиқлар «гризли» номини олган.

<sup>2</sup> Кўп ўринли киракаш извош.


Гризли улуғвор-улуғвор одимлар билан яқинлашиб келди. У ҳар қадам ташлаганида силкиниб бораётган кенг яғринлари, кумуш жунлари шу қадар улуғворлик касб этдики, одам беихтиёр даҳшатга тушди.

Жонни янада баттар гингший бошлади. Мен унинг аҳволини дилдан ҳис этдим, аммо жуда равшан сабабга кўра жим ўтиришга ҳаракат қилдим. Тажанг бир неча дақиқача иккиланиб туриб, йиғлоқи айиқчасига ўгирилди, унга бир неча оғиз сўз айтди, бу менга калта-калта йўталга ўхшаб эшитилди: «Ўҳ, ўҳ, ўҳ...» Ҳар ҳолда мен унинг: «Болагинам, мен бориб анави сурбетни ҳайдаб келай, сен дарахтга чиқиб тур», деганини тасаввур этдим.

Ҳар эҳтимолга қарши, Жонни айнан шундай қилди, онасининг хоҳиши шундай бўлди. Аммо Жонни текин томошадан юз ўгирадиган анойилардан эмас. У ҳозир нима бўлишини кўргиси келди, қарағай дарахтининг қуюқ шоҳларига яшириниб олди, аммо бунга ҳам қаноат қилмади, шундай яширинмоқчи бўлдики, ҳам ғаним кўзидан пана бўлсин, ҳам томоша қилсин. Жонни дарахтнинг қоқ учига чиқиб олди, ҳавода аниқ-равшан кўзга ташланиб бир айланди, ҳаяжондан қаттиқ чинқирди. Дарахт бутоғи жуда ингичка бўлиб, айиқчанинг оғирлигидан эгилди, ҳар қимирлаганида айиқ ҳар томонга тебрланди, мен ичимда мана-мана ҳозир шох синиб тушади, деб турдим. Борди-ю, дарахт бутоғи синиб тушса борми, Жонни мен томонга қулаб тушади, ана унда мен унинг онаси билан уришиб қолишимга тўғри келади. Аммо бахтимга бутоқ мен хаёл қилганимдан кўра мустаҳкамроқ чиқди, бунинг устига, Жонни бунақа шох синдирмаслик, вазнини кўтаролмай қулаб тушмаслик каби машғулотларнинг жуда машқини олган кўринди.

Тажанг бу орада Гризлига қараб мардона юриб, жунлари тикка-тикка бўлиб, тишлари ғижирлаб, юзма-юз борди. Назаримда, Гризли унга сира аҳамият бермай, худди теварак-атрофда якка ўзидай тўғри сарқитхонага қараб йўл олди. Яқинроқ келганда Тажанг бўкириб юбориб, Гризлига ташланиб, уни яхшилаб бир урди. Ҳайратдан лол бўлиб қолган Гризли уни чап панжаси билан бир уриб улоқтириб юборди. Тажангнинг попуғи пасаймади, қайтага қаттиқроқ жазавага тушди, ўрнидан сапчиб туриб, яна рақибига ташланди.

Улар бир-бирлари билан ушлашиб пишқириб,



бўкириб, чанг-тўзон кўтариб ерда юмалади. Мен шовқин-сурон орасидан қарағай дарахти учуда ўтириб чийиллаётган Жоннининг овозини аниқ эшитиб турдим, у менимча, онасига анавининг тезроқ адабини бер, деяётгандай бўлди.

Гризли нега уни қоқ иккига айириб ташламади, бу менга қоронғи бўлди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, чанг-тўзонда уришаётганларнинг ноаниқ рафторларидан бўлак ҳеч нимани кўриб бўлмаган бир пайтда улар худди келишиб олгандай айрилиб кетди, — балки айиқлар орасидаги кураш ўзи шундай бўладигандир, айиқлар шунга амал қиладигандир, — ишқилиб, бир-бирларига қаттиқ тикилганларича тўхтаб қолди. Шунда Тажангнинг жуда қолдан тойгани сезилди.

Гризли, афтидан, шу билан бас қилиб қўя қолишга тайёр кўринди. Кўринишидан Жоннига эътибор қилиш уёқда турсин, умуман, ҳужумни давом эттириш хаёлида йўқ эди. У фақат бир нарсани, тинчгина овқатланиб олишни истади. Йўқ, бунга қўйишмади! У энди сарқитхона томонга қадам босувди ҳамки, Тажанг уни Жоннига қараб бораяпти, деган ташвишда яна Гризлига ёпишди. Бироқ Гризли бу сафар ҳушёр бўлди. У Тажангнинг оёғига бир уриб, илдиэлари тарвақайлаб чиқиб ётган каттакон тўнка устига улоқтирди. Тажанг ундан оладиганини олди. Еган калтаги, баданига шох каби ботаётган тўнка илдиэлари Тажангнинг бутун кучини сўндириб қўйди. У бир амаллаб ўрнидан туриб, бекинишга чоғланди. Бироқ энди Гризлининг ўзи ғазабга келди, унинг бошлаб таъзирини бериб қўйиш учун уни тўнкани айлантдириб қува кетди. Тажанг чаққонлик қилиб шундай иш тутдики, тўнка доимо рақибни билан унинг орасида девор бўлиб турди. Жонни дарахтдан тушмасдан шовқин солиб, онасига тасалли бера бошлади.

Ниҳоят, рақибасини бу тахлитда енгиш мумкин эмаслигига ақли етган Гризли худди янги бир ҳийла топаётган каби орқа оёқларида чўнқайди. Тажанг бу вазиятдан фойдаланиб, тўнкадан сакраб ўтиб, Жонни яшириниб турган дарахтга чиқиб



олди. Айиқча пастроққа тушди. У ё онаси билан кўришмоқчи бўлди, ё бўлмаса, дарахт иккаловимизни кўтаролмай синиб тушади, деган хаёлга борди.

Мен айиқларни суратга оларканман, нима қилиб бўлса ҳам янада яқинроқдан олишга интилдим. Бутун кун мобайнида биринчи марта жойимдан отилиб чиқиб, нақ дарахт тагига югуриб ўтдим. Бироқ жойимни ўзгартиришим хато бўлиб чиқди, чунки дарахтнинг пастки қуюқ шох-бутоқлари дарахт учида ўтирган айиқларни тўсиб қўйди.

Мен дарахт танасига ёпишиб, тепага олазарак қарадим, фотоаппаратни чиқ этиб босишга шай бўлиб, қулай пайт келишини пойладим. Тажанг тишларини ғижирлатиб, ваҳимали йўталиб, дарахтдан туша бошлади. Мен нима қилишимни билмай турганимда орқамдан аллакимнинг овози эшитилди:

— Жаноб, ҳазир бўлинг! Қари айиқ ҳужум қилади.

Мен орқамга ўгирилиб, ёшгина подачи йигитни кўрдим. У айни вақтда отда ўтиб кетаётган экан.

— Сиз бу айиқларни биласизми? — сўрадим у яқин келганда.

— Бўлмасам-чи, буларни билмай ўлибманми! — жавоб берди у. — Тепада ўтирган кичкинаси Жонни, ёнидагиси эса онаси Тажанг. Умуман, Тажангнинг қаҳри ёмон, айниқса Жонниси мана ҳозиргидай аҳволга тушиб қолганда у билан ҳазиллашиб бўлмайди.

— Мен у пастга тушса расмга олмоқчийдим.

— Бўлмаса, бундай қиламиз, — деди подачи, — мен отим билан ёнингизда тураман, агарда айиқ сизга ҳужум қилгудай бўлса, менимча, уни ушлаб қололсам керак.

У келишганимиздай, Тажанг ўкирганча ваҳима билан аста-секин шохдан-шохга тушаётган пайтда ёнимда турди. Шунда айиқ ерга тушмасдан бирдан дарахтнинг бошқа шохига ўтиб олиб, пастга сакради, тепада кўтарган ваҳимасини амалга оширмасдан ура қочди.

Шундай қилиб, Жоннининг ёлғиз ўзи қолди. У яна жойига чиқиб, зорланиб: «У-а, у-а, у-а!» дея йиғлади.

Камерани шайлаб турдим, Жоннининг йиғлаётган пайтидаги ҳолатини энди суратга тушираман, деб турганимда у бирдан бўйнини чўзиб, бор овози билан бўкира кетди.

Жонни қараган томонга қараб, менга қараб келаётган Гризлига кўзим тушди, у биз тарафга таҳдид билан юрди.



Мен подачидан бу айиқни биласизми, деб сўрадим.

— Бўлмаса-чи! Бу қари Гризли, боғдаги энг улкан айиқ. Одатда у ҳамиша ўзи билан ўзи овора бўлиб юради, агар унга тегмаса, биров билан иши бўлмайди. Бироқ кўриб турибсиз, бугун жуда жаҳли қўзиб турибди, оқибати чатоқ бўлиши ҳам мумкин.

— Мен уни суратга олсам дегандим, — дедим. — Агар менга ёрдам берсангиз, бир уриниб кўрардим.

— Майлингиз, — жавоб берди подачи башараси тиришиб. — Мен отдан тушмай тураман, мабодо Гризли сизга ҳужум қиладиган бўлса, уни чалғитиб туришга ҳаракат қиламан. Мен уни бир мартагина уришим мумкин, лекин иккинчи марта ура оламанми-йўқми, билмайман. Сиз дарахтга чиқиб олсангиз, янаям яхши бўлади.

Бироқ бу яқинда бор-йўғи биттагина дарахт бор, унда ҳам Жонни ўтирибди, шунинг учун ҳам подачининг таклифи менга маъқул тушмади. Мен қандай қилиб дарахтга, Жоннининг олдига чиқишимни, Тажанг мени қувиб келишини, айна шу палла пастда мени Гризли пойлаб туришини, Тажанг мени нақ унинг чангалига улоқтириб юборишини кўз олдимга келтирдим.

Гризли яқинлашиб келди. Мен уни қирқ қадам наридан, сўнг яна йигирма қадам наридан суратга олдим, у бемалол менга қараб, виқор билан келаверди. Мен сарқит уюмига чўк тушиб кута бошладим. Ун саккиз қадам, ўн етти қадам, ўн икки, саккиз қадам қолди... У ҳалиям йўлида давом этди, Жонни эса тобора қаттиқроқ бўқирди. У мендан беш қадам нарида тўхтади, дарахт учида ўтириб олиб шовқин кўтараётган ким бўлди, дегандай, даҳшатли пахмоқ бошини ёнига эгиб қаради. Мен уни шу туришида чиқ этиб суратга олдим. Камеранинг овозини эшитиб, у шундай даҳшат солиб, ўкириб ўгиридикки, мен ажалим етди, деб жойимда қотиб қолдим. У менга бир неча дақиқагача кўзларини қадаб тикилиб турди, мен шунда унинг кўзларида майда-майда яшил учқунларни





кўрдим. Сўнг у яна секин орқасига ўгирилди, помидор сувидан бўшаган катта бир қутини ушлаб олди.

«Э, худойим! Наҳотки шуни менга отиб юборса?»

Шундай хаёл миямдан кечди. Аммо у қутини менга отиш ўрнига бамайлихотир унинг ичини ковлаштиришга киришди, сўнг уни четга отиб юбориб, бошқасини олди, унинг менга ҳам, Жоннига ҳам бўлган бутун қизиқиши сўнди, афтидан, биз икковимизни ҳам эътибор қилишга арзимайдиган жонзот, деб қабул қилди.

Мен ўрмонлар қиролига муносиб равишда ҳурмат-ла сарқитхонани бутун бойликлари билан унинг инон-ихтиёрига топшириб, секин орқамга тисарилдим, Жонни бекинган жойида худди мушукнинг миёвлашига ўхшаб кетадиган овозда йиғлашда давом этди.

Уша куни Тажангнинг ҳоли нима кечди, бунисини билмайман. Аммо Жонни яна бир қанча пайтгача йиғлаб-йиғлаб, ахири дардига ҳеч ким ҳамдард бўлолмаслигини тушуниб, жуда ақллилик билан жимиб қолди. У ҳақда қайғурадиган биргина онаси бор эди, мана ёлғиз ўзи қолди, у энди бугунга ўзим ҳаракат қилмасам бўлмайди, деган қарорга келиб, фавқулодда ақл-заковат намунасини кўрсатди. Кичкина қоп-қора афтида қувлик ифодаси билан Гризлини кузатди, унинг дарахтдан нарироққа кетишини кутиб турди, сўнг дарахтнинг бошқа томонидан секин-аста сирғаниб тушди, кейин худди қуёнга ўхшаб уч оёқлаб бошқа дарахт олдига югуриб ўтди, то дарахтнинг энг баланжойига чиқиб олгунича тўхтамади, нафас ҳам олмади. У Гризли фақатгина уни, жажжи Жоннини ўлдираман, деган хаёлда эканлигига амин бўлди.





Яна шунга ҳам амин бўлдики, ғаними унинг кетидан дарахтга чиқа олмайди.

Жонни ўзига ҳеч бир эътибор қилмаётган Гризлини диққат билан кузатиб, яна ўша ҳийласини такрорлади, ғанимини чалғитиш учун яна бошқа дарахтга ўтди. Ана шундай қилиб дарахтдан дарахтга ўтиб юрди, ҳар сафар дарахтнинг қоқ учига чиқди, гарчанд дарахтлар шундай ёнма-ён бўлса-да, то ўрмонга кириб ғойиб бўлгунча шундай борди. Орадан ўн дақиқалар ўтиб, олисдан унинг йиғламосираган овози қулоққа чалинди. Мен у онасини топиб, дардини айтиб йиғлаб, оналик меҳрмуҳаббатини қўзғатганини билдим.

## V


Сарқитхонада қўлига тушган консервалар ичида Жоннига ҳаммасидан ҳам ёққани катта қизил олхўри бўлди. Олхўри ҳидининг ўзиёқ унинг нафсини қўзғади.

Бир куни меҳмонхона ошхонасида бир дунё олхўри қиёмидан пирожки пиширилди, хабарчи шаббода бу ҳақда олис ўрмон бўйлаб дарак берди. Бу хабар Жоннининг димоғига жуда ўтириб қолди.

Жонни одатича, бу пайт гингшиб ингиллади. Тажанг ўғлини ялаб-юлқади, жунларини тарашлади, шунинг учун ҳам Жонни икки баравар зиёд эркалик қилди. Аммо пирожки ҳиди бошини айлантириб қўйди.

У сапчиб тушди, онаси ушлайман деганида шундай бўкирдик, ҳатто онасини тишлаб ҳам олди. Бу иши учун унинг яхшигина таъзирини бериб қўйиш керак эди, бироқ онаси бунинг ўрнига норозинамо ангиллаб қўйди, тагин ўғлини бирортаси хафа қилиб қўйса, ҳимоя қилиш ниятида унинг кетидан кетди.

Жонни қоп-қора тумшукчасини шамолга тутиб, тўғри ошхонага кириб борди. Йўлда кетаётиб бир қанча эҳтиёт чораларини кўрди, яъни, тева-рак-атрофни кўриб олиш учун вақти-вақти билан қарағай дарахти учига чиқди, Тажанг уни пастда кўриқлаб турди. Улар шу тариқа ошхонага етиб келди. Жонни навбатдаги дарахт учига чиққанда бирдан ҳафсаласи сўниб, пастга тушгиси келмай қолди, пирожки егиси келиб йиғлади. Тажанг





ўглининг нима учун йиғлаётганини билолмади. У орқага, ўрмонга қайтаётувди ҳам, Жонни шундай тўполон қилди, Тажанг уни ташлаб кетишга кўзи қиймади, ўгли эса дарахтдан тушгиси келмади.

Тажангнинг ўзиям иси меҳмонхона атрофини тутган олхўри қиёмидан тотиб кўргиси келди. У қандайдир кўрқув аралаш ошхона эшиги томон йўналди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Айиқлар Йеллоустон боғида ошхона эшиги олдига бирор нима беришар, деб кўп келиб туради, хизматкордан ниманидир ундириб, сўнг тинчгина ўрмон томонга йўл олади. Агар кутилмаган вазият юзага келмаганида Жонни билан Тажангга ҳам биттадан пирожки теккан бўларди.

Шу воқеа бўлгунча Шарқий штатлардан келаётган қандайдир бир саёҳатчи меҳмонхонага мушук олиб келди. Мушукнинг ўзи ҳали деярли мушукча бўлса-да, аммо бутун бошли бир оиласи бор экан. Тажанг ошхонага келса, мушук мушукваччалари билан ошхонага кираверишдаги зинапояда ўзини офтобга тоблаб ётибди. Мушук кўзларини очиб, таажжуб билан қаршисида турган баҳайбат пахмоқ махлуққа қаради.

Мушук айиқни ҳеч кўрмаган, чунки боғда яшаётганига унча кўп бўлгани йўқ. У айиқ нима эканлигига ақли етмайди. Итларни яхши билади, мабодо бу ит бўладиган бўлса, ҳар эҳтимолга қарши, у тушида ва ҳушида кўрган итлар ичида энг улкани, энг даҳшатлиси шу бўлади. Мушукнинг хаёлига биринчи келган нарса қочиб қутулиш бўлди, бироқ гўдакларини ўйлаб қолди. У гўдаклари ҳақида қайғуриши, ҳеч бўлмаганда, уларнинг кетишларига имконият яратиб бериши керак. Шунда жажжигина она зинапоя ўртасига турди, белини букиб, тирноқларини чиқарди, думини кўтариб, она айиққа: «Тўхта!»— дея вишиллаб амр қилди.

Гарчанд бу амр мушук тилида айтилган бўлса-да, Жоннинг онаси бу сўзнинг маъносига тўла тушунди. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг таъкидлашича, Тажанг нафақат тўхтади, ҳатто олдинги оёқларини бўйсуниб маъносида тепага ҳам кўтарди.





Тажанг бу ҳолатни қабул қилиб, тепадан пастга қараганди, кўзларига мушук ушоқдай бўлиб кўринди. Қари тажанг ҳатто Гривлидан қўрқмаганди, наҳотки энди келиб-келиб панжасидай ҳам келмайдиган майдагина бир жонивордан қўрқиб ўтирса! У ўз-ўзидан уялиб кетди. Жоннининг йиғиси унга ўғлини ҳимоя қилиш масъулиятини эсига туширди.

Шунда у яна тўрт панжасида туриб, олға юрмоқчи бўлди.


Мушук яна: «Тўхта!» дея қичқирди.

Аммо Тажанг бу сафар қулоқ солмади. Мушук болаларининг қўрқувдан миёвлаши онасини тўлқинлантириб юборди, у ғанимига қараб юрди. У бор қариоли — ўн саккизта ўткир тирноғи, оғзи тўла тишларини ишга солди, ўта мардоналик билан айиқнинг энг заиф жойи бўлмиш нозик, сезгир тумшугига чанг солди, сўнг, айиқ устига чиқиб, думига қараб юрди. Қари Тажанг ғазабга миниб, устидаги кичкина йиртқични икки-уч марта отиб юбормоқчи бўлди, бунақа пайтларда аксарият ҳайвонлар қиладиган ишни қўллади: товонларини кўрсатиб, ғанимлар дунёсидан нарига, қадрдон ўрмонларига ўзини урди.

Мушукда жанговарлик туйғулари уйғонди, у ғанимининг қочишидан қаноат қилмади, унинг бутунлай маҳв бўлиб, сўзсиз итоат қилишини истади. Гарчанд қари Тажанг шитоб билан қочаётган бўлса-да, мушук унинг яғринига ёпишиб, худди майдагина иблис мисол тишлари билан тирноқларини ботириб бораверди. Тажанг даҳшатга тушиб ҳар томонга ўзини ота бошлади, уларнинг йўлида узун қора юнглار ҳамда у-бу ерда қон доғлари томиб борди.

Мушук ўз ишидан қаноат ҳосил қилди, аммо бу ҳам унга камлик қилди, у қаҳр билан бораверди. Тажанг бутунлай умидсизликка тушди. У шундай хўрланди, шундай хўрланди, қандай шарт бўлса ҳам бажаришга тайёр бўлди, аммо мушук унинг дардига парво ҳам қилмади. Агар Жонни дарахт тепасида туриб чинқириб онасига қутулишнинг янги йўлини ўргатмаганида, ким билади, бу иш қачонгача давом этарди. Тажанг боласининг ово-





зини эшитиб, икки сакраб қарағайга етиб келиб, устига чиқиб олди.

Мушук янада серғаним жойга келиб қолганини билди. У таъқибни тугатиш кераклигига ақли етиб, айиқнинг яғринидан сапчиб ерга тушди, думини хоҳа қилиб, тепага қараб, худди ғанимларига қани, буёққа тушмайсанларми, деган каби дарахт атрофини айлана бошлади. Унга болалари ҳам қўшилди, тўғарак бўлиб ўтириб, ўз мақсадларини баланд овозда ифоҳа эта бошлади. Кўрганларнинг айтишларича, агар ошпаз мушукни чақириб қолмаганида айиқлар очликдан ўлса ҳам ҳеч қачон дарахтдан тушмасликлари мумкин экан. Ким билади, балки бу гап лофдир.

## VI

Мен Жоннини сўнгги марта дарахт тепасида ўтирган пайтида кўрдим, у одатдагидек, толеидан нолиб йиғлади. Тажанг эса қарағайлар орасида қурбонликка ярайдиган бирор нима қидириб изғиди.

Августнинг бошларида Тажангнинг феъл-атворида қандайдир ўзгаришлар бўлаётгани сезилди. Боғда яшовчилар орасида у ҳамisha хавfli жони-



вор ҳисобланди, Жоннига бўлган меҳр-муҳаббати эса унинг табиатига хос бўлган алоҳида хусусият сифатида тан олинди. Жонни ойнанинг охирларига келиб, кўп кунларини бирор дарахт тепасида ўзини бутунлай ёлғиз, жуда бахтсиз ҳис этиб ўтказди.

У ҳақдаги ҳикоямизнинг охирги боби мен Йел-лоустон боғидан кетиб қолган пайтга тўғри келди. Жонни бир куни тонгда меҳмонхона яқинида санғиб юрган онасининг изидан пусиб борди. Бу пайт ошхонада яқиндагина ишга қабул қилинган ирланд қиз юрарди. Қиз деразадан қараб ташқарида юрган бошвоқсиз бир бузоққа кўзи тушди, уни ҳайдаш учун югурди. Тажанг ўша мушук воқеасидан сўнг шундай юрак олдириб қўйган эдики, ошхона эшиги очилиши биланоқ тирақайлаб орқасига қочди. Онасининг қўрқуви Жоннига ҳам юқиб, шу яқиндаги дарахтга отилди, бу дарахт бахтга қарши... фонарли симёғоч бўлиб чиқди. У жуда тезлик билан ердан етти футларча тепага чиқиб олиб ўз қайғусини баён этишга тушди. Тажанг эса орқа-олдига қарамай қочди. Қиз яқинроқ келиб қараб, симёғоч устида қандайдир бир ёввойи махлуқ турганини кўрди, симёғочдаги махлуқдан кўра кўпроқ ўзи қўрқиб кетди. Шунда ошхонанинг бошқа хизматкорлари етиб келиб, бақироқ Жоннини кўрди, уни асирга олишга ҳарб этди.

Улар бўйинга соладиган қайиш, занжир олиб келди, бир неча киши олишувда қаттиқ тирналиб, яраланиб, ўжар айиқчанинг бўйнига қайиш солиб, занжирни симёғочга тортиб боғлаб қўйди.

Жонни ўзининг тутқун бўлганини билиб, шундай жазавга тушди, ҳатто қичқиролмай қолди. Ҳолдан тойгунича олдидаги бари нарсани тишлади, йиртди, тирнаб ташлади. Шунда у яна онасини йўқлаб овоз берди. Онаси шу яқиндан бир-икки марта кўриниш берди, аммо мушукка йўлиқишдан қўрқди, Жоннини тақдир ҳукмига топшириб, ўрмонга кириб кетди.

Жонни куни бўйи гоҳ тепинди, бақирди. Кечга бориб батамом ҳолдан тойди, ҳатто ирланд қиз Нора келтирган хўракни қабул қилмади. Қиз Жоннининг тутинган онаси вазифасини бажаришга ўзида зарурият сезди. Ахир унинг айби билан айиқча онасидан айрилиб қолди-да!

Оқшом жуда совуқ бўлди, Жонни симёғоч тепасида қаттиқ совуқ еб пастга, ўзига ҳозирланган иссиқ тўшакка тушишга қарор қилди.

Тажанг кейинги кунларда тез-тез сарқитхонага келадиган бўлди, афтидан, ўглини бутунлай унутиб юборганга ўхшади. Жонни Норанинг қарамоғида қолиб, қиз келтирган овқатларни еди. Шунингдек, Жонни ундан шу вақтгача кўрмаганларини кўрди. Масалан, бир куни қиз унга тушлик келтирди, шунда у қизга чангал солиб, умрида биринчи маротаба чинакамига тарсаки еди. У бир неча соат давомида хафа бўлиб ўтирди. Айиқча ҳали бунақа муомалага ўрганмаганди. Аммо қорин қайғуси ўз ишини қилди, у шундан буён ўз мураббиясига жуда ҳурмат билан муносабатда бўла бошлади. Нора гайрат билан егим қолган айиқчани тарбиялади, орадан икки ҳафталаар ўтиб, Жоннинг хулқи айтарли даражада ўзгарди. У анча босиқ бўлиб қолди, гарчанд илгаригидай оч эканлигини йиғламсираган «у-у-у, у-у-у, у-у-у» каби овозларда ифода этса-да, бироқ энди камдан-кам шовқин соладиган бўлди, унинг жазавага тушиш каби ножўя қилиқлари бутунлай барҳам топди.

Сентябрнинг ўрталарига келиб унинг табиатидаги ўзгаришлар янада сезилди. Онаси ташлаб кетган Жонни тамомила Норага ўрганиб, боғланиб қолди. Нора уни боқдим, керак бўлса адабини бердим, натижада ундан кутилмаган одобли айиқча чиқди. Нора баъзи маҳаллар уни озодликка чиқариб юрди, у бунақа пайтларда ўрмонга кетиб қолмади, аксинча, орқа оёқларида тик туриб, ошхонада тутинган онасига эргашиб юрди. У бу ерда ўша даҳшатли мушукка дуч келди. Аммо энди Жоннинг қудратли паноҳи бўлиб, мушук у билан бир битимга келишга мажбур бўлди.

Меҳмонхона октябрда қиш олдидан ёпилади. Меҳмонхонадагилар Жоннини нима қилишларини билмай ўйлаб қолди. Озодликка чиқариб юборишлариниям, Вашингтондаги ҳайвонот боғига жўнатишлариниям билмади. Нора эса айиқ меники, уни тортиб олишга ҳақларинг йўқ, деб туриб олди.

Сентябрь ойининг охирларида изғиринли оқшомлар бошланди, шунда Жоннини қаттиқ йўтал тутди. Унинг чўлоқ оёғини кўришиб, Жоннинг оқсоқлиги қандайдир бир шикастланиш туфайли эмас, балки умуман соғлиғининг мазаси йўқлиги, бутун аъзойи баданининг заифлиги оқибатидир, дейишди.


Жонни кузда аксарият айиқлар сингари семириб кетмади, аксинча, кундан-кунга ориқлаб борди. Қорни ичига қапишди, тобора қаттиқроқ йўталди,

бир куни эрталаб уни фонарли симёғоч остидаги тўшагидан жуда хаста, қалтираб ётган ҳолда топишди. Нора уни уйига олиб кетди, шундан буён у ошхонада тура бошлади.

Орадан бир неча кун ўтиб, Жонни соғая бошлаганга ўхшади, атрофидаги бари нарсаларга қизиқиб қаради. Ошхона ўчоғидаги каттакон олов ёлқини эътиборини жудаям ўзига тортди, эшик очилганда, бутун диққат-эътиборини бир ерга жамлаб, орқа оёқларида чўнқайиб ўтириб олди. Бир ҳафталардан кейин бу манзарагаям қизиқмай қўйди, кундан-кунга дармонсизланиб борди. Бориб-бориб, теварагида қандай воқеа юз бермасин, ҳеч нима уни қизиқтирмай қўйди.

Унинг йўтали кучайгандан-кучайди. Норанинг тиззасида ўтказган онларини истисно этганда, жудаям ғариб бўлиб қолди. У қизнинг тиззасида эркаланиб, ҳар хил йўллар билан ўз қувончини баён этди, ҳар сафар Нора уни тўшак вазифасини ўтовчи саватга солмоқчи бўлганда у нолигандай ингиллади.

Меҳмонхонанинг ёпилишига бир неча кун қолганда Жонни биринчи маротаба нонуштадан бош тортиб, Нора тиззаларига олмагунича ғингшиди. Айиқча қизнинг бағрига ёпишди, «у-у-у, у-у-у» деган нозик овози борган сари сўниб, сўнг, батамом ўчиб қолди. Ярим соатлардан кейин қиз айиқчани яна саватчага солиб қўйиб, ўз иши билан машғул бўлди, шунда жажжигина Жонни теварагида бўлаётган барча нарсаларни умрбод кўрмайдиган, билмайдиган бўлиб қолди.



I

Чинк катта кучук бўлиб қолди, шунинг учун ҳам ўзини расмана итмисан ит деб билди, аммо ҳали ўзи ўйлаганчалик расмана ит эмасди. Унинг аччиғи тез эмас, ҳатто сиртдан савлатлиям кўринмайди, на кучлилиги, на чопағонлиги билан ажралиб туради, у шунчаки акилдоқ, ювош, вақт-вақти билан хўжайинининг этикларини ғажиб турадиган гўл итлар тоифасига киради. Унинг эгаси Билл Обри кекса тоғлиқ бўлиб, Гернет тоғи ёнбағрида, Йеллоустон боғида яшайди. Бу саёҳатчилар ёқтирадиган, йўллардан йироқ хилватгина, осойишта гўша. Билл чодирини тиккан жойни агар мана шу чакаги тинмас пахмоқ Чинк бўлмаганида инсон оёғи тегмаган овлоқ гўшалар қаторига қўшса бўлади.

Чинкнинг беш дақиқа ҳам чакаги тинмайди. Нимани буюрса, кучук шуни жон-дили билан бажаришга киришади. У ҳамиша хаёлга келмаган бемаъни қилиқлар қилиб юради, мабодо унга жўн, осон бир ишни буюрсалар, албатта хол қўяди, ишнинг расвосини чиқаради. Масалан, бир куни бутун бир тонгини олмагон юрган қарағай дарахтига иргийман, деб беҳуда ўтказди.

Бир неча ҳафтадирки, юмронқозиқ овлаш Чинкнинг эзгу орзуси бўлиб қолди.

Биллнинг чодирини атрофида юмронқозиқлар кўп бўлди. Бу кичкина махлуқлар орқа оёқларида туриш, қад ростлаб, олдинги панжаларини кўксиди маҳкам тутиб туришни жуда ўрнига қўяди, узоқдан кўрган одам уларни ердан чиқиб турган гўлачаларга йўяди. Кечқурунлари отларимизни боғламоқчи бўлиб, юмронқозиқларни гўла деб ўйлаб кўп адашганмиз. Юмронқозиқлар ҳуқ-ҳуқ қилиб ғойиб бўлади, шунда одамнинг янглишгани аён бўлади.

Чинк ўлкага келган куниёқ юмронқозиқ овлашга аҳд қилди. Шу тариқа қатор тентакликлар қилди. Чорак милча нарида қотиб туриб юмронқозиқ пойлади, сўнг қорни билан ўт устида эмаклаб, юз қадамларча борди. Аммо жони ичига сиғмай

чидаёлмай, сапчиб ўрнидан турди, юмронқозикқа қараб тикка юрди. Юмронқозик бу пайтда ини олдида нима бўлишини билиб ўтирди. Чинк орадан бирон дақиқа ўтиб югурди, сўнг яна боягидай ажойиб тарзда қотиб турди-турди-да, эҳтиёткорлик нималигини унутиб, бирдан вовиллаб ғанимига қараб чопди. Юмронқозик охирги сонияга қадар жойидан қимир этмади, сўнг бирдан ҳуқ-ҳуқлаб ўзини инга урди, орқа оёқлари билан Чинкнинг кенг очилган оғзига бир ҳовуч қум сепиб кетди.

Кунлар ана шундай омадсизликлар билан ўтди. Бироқ Чинк барибир айтганимни қиламан, деган умида тушкунликка тушмади.

Ажойиб кунларнинг бирида бир улкан юмронқозикни усталик билан жойида қотиб пойлаб турди, сўнг бари билган бемаъни қилиқларини такрорлади, дарғазаб бўлиб ҳужумга ўтиб, ҳақиқатан ҳам ғанимини қўлга туширишга муваффақ бўлди. Аммо қараса, тишлари орасидаги ўлжаси юмронқозик эмас, оддийгина ёғоч қозикча экан.

Ит аҳмоқ бўлиб қолиш нималигини яхши билди. Бунга шубҳа қилган одам Чинкни бир кўриб қўйса бўлади. Чинк ўша куни қўйдай ювош тортиб, хўжаси кўзидан йироқдаги чодир ортига яширинди.

Бу омадсизлик табиатан фақат серғайратлиги билангина эмас, балки қайсарлиги билан ҳам ажралиб турган Чинкнинг ҳовурини босолмади. Ҳеч нима унинг ғайратини сўндиролмади. У ҳамиша ҳаракат қилиб тургиси, доимо нимадир қилгиси келди. Ҳар бир ўткинчи арава, ҳар бир отлиқ, ҳар бир сигир унинг таъқибига мубтало бўлди, борди-ю, яқин-атрофдаги қоровулхонада кўзига мушук кўрингудай бўлса, уни қоровулларнинг кўзи ўнгида уйига тезроқ қувиб бориб ташлаб келишни ўзининг муқаддас бурчи деб билди. Билл ари уясига эски шляпасини ташлаб «Обке!»— деб буйруқ берса, кунига йигирма марта бўлса ҳам олиб келиб беришга тайёр бўлиб юрди.

Бўлиб ўтган ҳисобсиз кўнгилсизликлар унинг шавқини тийғунича анча вақт кетди. Чинк оламда аравалар билан бир қаторда узун-узун қамчилар, улкан баджаҳл итлар, отларнинг оёғида тишга ўхшаш нарсалар борлигини, бузоқларнинг онаси борлиги, оналарининг бошида тўқмоққа ўхшаш нарсалари борлигини, мушуклар ундай айтган ювош эмаслигини, ниҳоят, ари билан капалак бир эмаслигини ҳадеганда англаб етавермади. Буларни билишга вақт керак бўлди, ниҳоят ҳар бир ит





каби у ҳам буларнинг барини ўзлаштириб олди. Шундай қилиб, унинг ақли етила бориб, ҳали майдагина итнинг соғлом тафаккурига хос мияси ҳам ривожлана борди.

## II

Чинк шоқол билан юзма-юз келиб, жамики тентакнамо номаъқулчиликларига узил-кесил нуқта қўйди. Шоқол бизнинг лагердан унча узоқ бўлмаган жойда яшайди, афтидан, ўқ отиш, ов қилиш қатъиян ман этилган Йеллоустон боғида яшайдиган бошқа ёввойи ҳайвонлар сингари у ҳам ўзини қонун мудофаа этишини жуда яхши билади. У айнан ана шу қоровулхона жойлашган, солдатлар қонуннинг сақланишини сергаклик билан кузатдиган қисмида яшайди.

Шоқол ўзига жазо берилмаслигига амин бўлиб, кечалари ҳар хил чиқинди, сарқитлар топиш умидида лагеръ атрофида санқиди. Мен унинг изларини кўриб, шоқол лагерни бир неча маротаба кезиб чиққанлиги, аммо яқинроқ келишга журъат этолмаганлигини билдим. Сўнг биз унинг қуёш ботишини ё тонг отиши билан дарҳол куйлай бошлашини тез-тез эшитдик. Ҳар тонг унинг излари ахлат челаги олдида пайдо бўлади, мен бу пайт бу ерга тун бўйи қандай жониворлар келиб-кетганини кўргани чиқаман. У дадиллашиб, баъзан лагерга кундузлари ҳам келадиган бўлди, олдинига қўрқа-писа, сўнг ўзига анча ишонган ҳолда кела бошлади, ниҳоят, у кечалари бизнинг ёқларга шунчаки келибгина қолмай, балки нимадир ўғирлаб ейиш умидида кундузлариям лагеръ яқинида юрадиган, ўзини ҳаммага кўз-кўз қилиб, шу яқиндаги дўнгларга чиқиб ўтирадиган бўлди.

Бир куни эрталаб шоқол шу тариқа лагери-миздан эллик қадамларча нарида ўтирганида орамиздан аллаким Чинкка ҳазил йўсинида: «Чинк, анави шоқолни кўряпсанми? Бор, уни ҳайдаб кел!» — деб қолди.

Чинк ҳамма вақт нимани буюришса, шуни бажариб келади. Чинк ўзини кўрсатиш учун ура қочган шоқолни қувиб кетди.

Бу чорак миль масофага югуриш бўйича ажойиб мусобақа бўлди, шоқол тўсатдан орқасига ўгирилиб, изидан келаётган таъқибчини кута бошлади. Чинк шу заҳоти ҳоли вой бўлажагини ҳис этиб, лагерга қараб қочди. Аммо шоқол ундан кўра



тезроқ чопиб, бирпасда уни етиб олди. У Чинкнинг олдин бир биқинидан, сўнг бошқасидан тишлаб олиб, бутун турқи таровати билан ўзининг қаноат ҳосил қилганини ифода этди.

Чинк акиллаб, фарёд кўтариб, жон-жаҳди билан қочди, уни таъқиб қилиб келаётган шоқол тўхтамай, уни лагернинг қоқ ўзига қўйиб кетди. Биз Чинкнинг устидан кулдик, шундан кейин Чинк биздан илтифот кутмай қўйди. Шунга ўхшаш яна бир кичкинагина воқеа Чинк учун етарли бўлди, шундан кейин у шоқолни ўз ҳолига қўйишга қарор қилди.

Аммо шоқол ўзига мароқли ўйин топиб олди. У энди узун кун лагерь олдида ўзига ҳеч кимнинг ўқ узишга журъати етмаслигига ақли етиб, очиқдан-очиқ тентираб юрди. Аслида бари милтиқларимиз қулфига давлат агенти томонидан муҳр босилган, теварак-атрофдаги ҳамма жойга соқчилар қўйиб ташланганди.

Шоқол деганимиз эса Чинкни пойлаб ўтиради, уни қийнаш, азоблаш учун имкон қидиради. Кучук билдики, агар ёлғиз ўзи лагердан юз қадам узоқлашса бўлди, шоқол шу заҳотиёқ пайдо бўлиб, уни талаб-тишлаб, эгасининг чодирига қўйиб келади.

Чинкнинг ҳаёти то азоб-уқубатга тўлгунча кунлар ана шундай ўтди. Кучук энди бир ўзи чодирдан эллик қадамча нарига ҳам чиқолмай қолди. Биз теварак-атрофни томоша қилишга чиққанимизда Чинк ҳам кетимиздан эргашди, ҳатто шундаям бу сурбет, бераҳм шоқол унинг изидан қувиб келди, бечора Чинкни шарманда қилиш учун пайт пойлади, итнинг сайру саёҳатини бурнидан чиқарди.

Билл Обри чодирини икки милча нарида, дарё оқимидан тепароққа кўчирди, шоқол ҳам худди шундай оқим бўйлаб жойини ўзгартирди. Ўзига қаршилиқ бўлмаётганини сезган ҳар қандай йиртқич ҳайвон сингари у ҳам борган сайин сурбетлашди, хўжайин мазах қилиб кулган вақтлари Чинк қаттиқ таҳликага тушди.

Обри ўзининг биздан ажралиш ҳақидаги қарорини, отларга яхши ем бўладиган жой керак бўлиб қолди, деб изоҳлади, аммо тез орада унинг шунчаики холи бўлиш, қаёқдандир топиб келган бир шиша ароғини ўзи бамайлихотир ичиш нияти борлиги равшан бўлди. Борди-ю, бир шиша ароққа тўймай қолса, эртаси куни отини эгарлаб: «Чинк, чодирни қўриқлаб ўтир!»— дея тоғдан ошиб, шу яқин-атрофдаги қовоқхона томон от



қўйди. Шунда Чинк ҳам итоаткорлик билан чодир остонасида юмалоқ бўлиб ётиб олиб, қоровуллик қилди.

### III

Чинк тентакнамо кучук бўлса-да, аммо қоровул бўладиган кучук, эгасиям унинг қўлидан келганича қоровуллик қила олишини яхши билади.

Шу кун пешин пайтида чодир яқинидан ўтиб кетаётган бир тоғлиқ одам одат бўйича чодирдан бир неча қадам нарида тўхтаб қичқирди:


— Билл, эшитяпсанми? Ҳей, Билл!

Тоғлиқ бирор жавоб эшитмай, чодир томон юриб, Чинкка дуч келди. Чинкнинг жунлари тикка-тикка бўлди, худди расмана ит каби ирилади. Тоғлиқ нима гаплигини тушуниб, ўз йўлига равона бўлди.

Кеч кирди ҳамки, хўжайиндан дарак бўлмади, Чинкнинг эса жуда қорни очди. Чодирда бир қоп бўлиб, унинг ичида чўчқанинг бир парча тўш гўшти бор. Аммо хўжайин Чинкка бу ердаги нарсаларни қўриқлашни буюрди, шундай экан, Чинк очидан ўлса ўлади, аммо гўштга тегинмайди.

Очлик ич-ичини кемирди, у охири ўз پوستини тарк этишга мажбур бўлди, чодирдан унча узоқ бўлмаган жойга бориб, сичқон ё шунга ўхшаш бирон егулик топаманми, деган умидда айланиб юрди. Кутилмаганда анави ярамас шоқол яна унга ташланиб қолиб, Чинк чодирга қайтишга мажбур бўлди.

Шунда Чинкда ўзгариш рўй берди. У зиммасидаги масъулиятни ўйлаб қолди, бу худди мушук боласининг миёвлаши ювошгина онасини дарғазаб шерга айлантиргани каби унга куч берди. У ҳали





тентак, беуқув кучук бўлса-да, аммо томирларида авлодларига хос метин табиат кўпириб турди. Шоқол унинг изидан хўжасининг чодиригача таъқиб қилиб келди, шунда Чинк ғанимига ўгирилиб, важоҳат билан мисоли кичкина иблис каби юзма-юз борди.

Хайвонлар ўзининг қачон ҳақ, қачон ноҳақлигини яхши билади. Ҳозир кучук юрагини ҳовучлаб турибди, аммо руҳан устун турибди. Шу сабаб-лиям шоқол орқасига тисланди, ғазаб билан ириллади, кучукни нимта-нимта қилиб ташламоқчи бўлгандай важоҳат билан юриш қилди, аммо чодирга киришга юраги бетламади.

Шунда чинакамига қамал бошланди. Шоқол ҳар дақиқада қайтиб келаверди. Оёқларини кенг ёйиб, орқа оёқлари билан ерни қаҳрланиб тирнаб отди, бирдан яна чодир остонаси томон йўл олди, аммо қўрқувдан жони чиқаёзган бечора Чинк ўзига ишониб топширилган чодир буомларни матонат билан қўриқлади.

Чинк бу вақт ичида ҳеч нима тотмади. Кун бўйи икки мартагина шу яқингинадан оқадиган ариқчадан сув ичиб келди, аммо ҳадеганда бирор егулик тополмади. Чинк чодирда ётган қопни тишлаб йиртиб ундаги тўш гўштни есаям бўларди, аммо у ўзига ишониб топширилган нарсаларга қўлини теккизмади. У мавридини топиб, бизнинг лагеримизга келиб кетсаям бўларди, қорнини яхшилаб тўйгазиб жўнатардик. Йўқ, у нима бўлганда ҳам эгасининг ишончини оқлаши лозим эди, эгаси эса тоғнинг нарёғида ичиб, маишат қилиб юрибди, майли, юраверсин, керак бўлса эгаси учун постда туриб жон беради.

Миттигина ботир ит машъум тўрт кечаю тўрт кундузни деярли жойидан қимир этмай, чодир билан эгасининг буомларини шоқоллардан сабот-матонат билан қўриқлаб, ажал таҳликасида ўтказди.

Қария Обри бешинчи кун деганда ичкиликдан бош кўтариб, ҳушёр тортди, ўзининг уйда эмаслиги, лагери тоғда эканлиги, уни кучук ихтиёрига ташлаб келганлиги ёдига тушди. Бош кўтармай ичавериш жонига тегди, дарҳол отини эгарлаб, уйига равона бўлди. Ярим йўлга етиб, Чинкни овқатсиз ташлаб келгани сармаст хаёлига келди.

«Тўш гўштан бир тишлам ҳам қолмаган бўлса кераг-ов», дея ўйлади у, сўнг отни қамчилади. Тоғ тепасига чиқиб, чодирини ҳамда чодирга кираверишда жунлари тиккайиб, бир-бирига ириллаб



юзма-юз бўлиб турган улкан дарғазаб шоқол билан бечорагина Чинкни кўрди.

— Ух, миям кўрсин-а! — хитоб қилди Обри хижолат бўлиб. — Манави лаънати шоқол бутунлай ёдимдан кўтарилибди-я. Бечора Чинк ёмон аҳволга тушибди-ю! Шоқол уни бурда-бурда қилиб ташламаганига ҳайронман, яна тагин чодир ҳам турибди.

Ҳа, жасур Чинк эҳтимол ҳозир шоқол билан сўнгги бор олишаётгандир. Унинг оёқлари кўрқувдан, очликдан қалтирапти, аммо ўз постини ҳимоя қилиб жон беришга тайёр бўлиб турибди.

Бари Билл Обрига бир қарашдаёқ равшан бўлди. Отни чодир томон чоптириб келиб, қопга қўл тегмаганини кўрди, у кетганидан буён Чинкнинг туз тотмаганини билди. Кучук кўрқувдан қалтираб, ҳолсизланиб, унинг олдига судралиб келди, эгасининг юзига қараб: «Мана, нимани буюрган бўлсанг, ҳаммасини қилдим, хўжайин», дегандай бўлиб, унинг қўлларини ялай бошлади. Бу кекса Обрининг кўнглини бузиб юборди, кўзларига ёш келиб, шоша-пиша жажжи ботирга овқат берди.

Сўнг кучукка ўгирилиб, деди:

— Чинк, қадрдоним, мен сенга ёмонлик қилиб қўйдим, сен эсанг менга ҳамиша яхшилик қилиб келдинг. Энди бирон жойга кетадиган бўлсам сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, Чинк. Биродар, сен ароқ ичмайсан, нима билан кўнглингни олишимниям билмайман. Қани, мен сени ашаддий ғанимингдан халос қилиб қўяй.

У чодир ўртасидаги холадан ифтихори бўлмиш қимматбаҳо магазинли карабинни олди. Оқибати нима бўлишини ўйлаб ўтирмай, ҳукумат муҳрини бузиб, эшикка чиқди.

Шоқол одатдагидай, шу яқинда иблисона ишшайиб, тишларининг оқини кўрсатиб турибди. Уқ овози гумбурлади, шу билан Чинк балойи қазодан қутулди.

Шу заҳоти қоровуллар етиб келиб, боғни кўриқлаш қонуни бузилганлиги, қария Обри ёввойи ҳайвонлардан бирини отиб қўйганлигини билди. Унинг карабинини тортиб олиб, йўқ қилиб юборди, ўзини тўрт оёқли биродари билан қўшиб боғдан шармандаларча ҳайдаб юборди ҳамда қайтиб келиш ҳуқуқидан маҳрум этди, борди-ю, қайтиб қелса, турмага боражаги айтилди.

Аmmo Билл Обрининг парвойига келмади.  
— Майли,— деди у.— Менга ҳеч хиёнат қил-  
маган биродарим учун хайрли иш қилишим ке-  
рак эди, қилдим.



<i>Тоғай Мурод. Эрнест Сетон-Томпсон</i>	5
Домино. Бир кўнғир тулки ҳаёти	11
<i>Биринчи қисм. Олтин болалик</i>	11
I. У туғилган уй	11
II. Кўргилик	14
III. Янги уй	16
IV. Янгича либос, янгича ҳаёт	19
V. Ғўзал тулки билан барзанги ит	21
VI. Доминонинг қишки ҳаёти	23
VII. Домино жуфтани топди	25
<i>Иккинчи қисм. Икковлон</i>	27
VIII. Баҳор	27
IX. Янгиллик	29
X. Эски ғаним	30
XI. Буғу	32
XII. Меҳригиё	33
XIII. Илон оғзидаги асал	36
XIV. Ез билан қизалоқ	38
XV. Доминонинг меросхўри	41
<i>Учинчи қисм. Олишув ва тантана</i>	43
XVI. Еввойи ғозлар	43
XVII. Қўйларнинг шўри	44
XVIII. Оқсийнанинг халоскори	45
XIX. Жасорат синови	47
XX. Дарё билан тун	50
Еввойи йўрга	54
Буғулар изидан	74
Бинго	93
Спрингфильд тулкиси	107
Лобо	123
Вулли	138
Қизилбўйин	151
Кумуш қашқа	176
Чиноқ	187
Кудранг айиқ ҳаёти	208
Виннипег бўриси	242
Асл Аналостан мушуги	256
Биринчи ҳаёт	256
Иккинчи ҳаёт	266
Учинчи ҳаёт	277
Тўртинчи ҳаёт	281
I. Болакай билан силовсин	284
II. Силовсин	285
III. Силовсинлар макони	289
IV. Урмон безгаги	292
V. Болакайнинг уйида	295
Снап. Бир кучукнинг бошидан кечирганлари	300
Учқур Тойчоқ. Бир ҳуён саргузашти	313
Арно	337

Кўча хонандаси . . . . .	353
Тито . . . . .	366
Читтаклар нима учун бир йилда бир марта эсларини йўқотади . . . . .	399
Жонни лақабли айиқча . . . . .	403
Чинк . . . . .	423

Литературно-художественное издание

Э. СЕТОН-ТОМПСОН

МУСТАНГ-ИНОХОДЕЦ

РАССКАЗЫ О ЖИВОТНЫХ

Художник *А. Киви*

Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма

*На узбекском языке*

Адабий-бадий нашр

Э. СЕТОН-ТОМПСОН

ЕВВОЙИ ЙУРГА

ЖОНИВОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Муҳаррир *М. Қудратова*  
 Расмлар муҳаррири *А. Бобров*  
 Техн. муҳаррир *Э. Саидов*  
 Корректор *С. Тоҳирова*

ИБ № 4134

Босмақонага берилди 21.12.88. Босишга рухсат этилди 04.11.89. Формати 60×90<sup>1</sup>/16. Босмақона қорози № 2. Адабий гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма л. 27,0. Шартли кр.-оттиск 54,25. Нашр л. 25,9. Тиражи 90000. Заказ 1193. Баҳоси 2 с. 30 т. Шартнома № 170–88. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Даваат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош қорхонаси. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.